

# ЎЗБЕК ЎЗУВЧИЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ ОЙНОМАСИ

12' 1992

61-йил чиқиши

Бош муҳаррир:

Ўткир ҲОШИМОВ

Таҳрир ҳайъати:

**Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ**  
(Танқид ва адабиётшунослик  
бўлими мудир)

**Мурод МАНСУР**  
(Наср бўлими мудир)

**Омон МУХТОРОВ**  
(Бош муҳаррир ўринбосари)

**Икром ОТАМУРОД**  
(Назм бўлими мудир)

**Носир ФОЗИЛОВ**  
(Масъул котиб)

**Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ**  
(Мақоланавислик бўлими мудир)

**Асқар ҲАЙДАРОВ**  
(Мерос ва қадрият бўлими мудир)

МУАССИСЛАР: «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» МЕҲНАТ ЖАМОАСИ ҲАМДА  
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА БИРЛАШМАСИ

Овчи ўзига келиб, амаллаб кўзғалди. Милтиққа суяниб, судрала-судрала йўлга тушди. Кўзларидан тинмай ёш оқаркан, лабини қаттиқ тишлаб, оғриққа зўрға чидаб борар, уйга етишни — қандай қилиб бўлса-да, олти чақирим йўл юришни уйларди...


Хавотирланиб, туни билан эрининг йўлига кўз тикиб чиққан Санобар эрта сахар — кун ҳали кўкдан барги хазон юлдузларни супурмай туриб, мадорсизлигига ҳам қарамай кўчага чиқди-да, ховли эшигининг чирик остона ёғочига етолмай, кўлларини чўзганча мук тушиб ётган эрини кўриб, хангу манг бўлиб қолди. Югуриб тепасига келди, бошини кўтарди-ю, тили айланмай нафаси ичига тушиб кетди: эрининг жонсиз кўзлари бақрайган кўйи хонасидан чиқаёзган, қоқ қаншарида туёқ изларини эслатувчи қизғиш-кўкимтир из кўринар, тишлари орасида қолган лабидан оққан қон эса оғзи-бурни билан битта бўлиб қотганди...

Еш қаламкаш Баҳриддин Умрзоқнинг «Шамси-моҳ» қиссаси билан ойнома саҳифаларида танишасиз.

*Уқбалар душвор эрур, ўтгуз минг йиллик сирот,  
Ҳар қадамда тавба қил, бу йўлни осон излама.  
Гиряи Яҳёи акмал равнақи дийдор эрур,  
Вақти сад бир кун баҳор изла, зимистон излама.  
Шерлар бордурки, оҳи етти дўзаҳни бузар,  
Сан аларни коридин зинҳор нуқсон излама.  
Йўл юрур бўлсанг, ниҳоят йўқ, сани умрунг қалил,  
Тавсани ҳимматга минмай сан бу майдон излама.  
Қимки ўз айбини билди, у етар раҳмонига,  
Дийда ўз айбингга оч, дигарга нуқсон излама.*

Машрабнинг «Мабдаи нур» дафтаридаги газаллар ҳам ойномамиз саҳифаларидан жой олган.

ЖАМОАТ КЕНГАШИ: Неъмат АМИНОВ, Саид АҲМАД, Бўрибой АҲМЕДОВ, Машраб БОБОЕВ, Эркин ВОҲИДОВ, Хуршид ДАВРОН, Мирзо КЕНЖАБЕК, Салоҳиддин МАМАЖОНОВ, Мурад МУҲАММАД ДУСТ, Тўлан НИЗОМ, Умарали НОРМАТОВ, Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА, Жуманазар САЛАЕВ, Муҳаммад СОЛИҲ, Хайриддин СУЛТОНОВ, Абдураим ТУРСУНМАТОВ, Улмас УМАРБЕКОВ, Шукур ХОЛМИРЗАЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Бобоҳон ШАРИПОВ, Ислоҳ ШОҒУЛОМОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Ҳамид ҒУЛОМ, Раҳмон ҚУЧҚОРОВ.



Тўлабой Рўзиев

## «УМУМНИКИ» — ҲЕЧ КИМНИКИ ЭМАСДИР

Ҳазрат Алишер Навоий айтганидек, Ер — коинот гули. Шундай экан, уни гулдай асраб-авайлашимиз, тупроғини тўтиё билишимиз, унга сиғиниб яшашимиз керак. Чунки, Ер она каби бизни едириб-ичиради, кийинтиради, роҳатижон сувлари билан ювиб-тарайди, куч-қувватга киргизади, яйратиб-яшнатади ва ниҳоят, қаритади ва яна абадул-абадга ўз бағрига олади. Ер — одамзоднинг бешиги, бебаҳо хазинаси, унинг мангу ухлайдиган охириги ўйи, дорулбақосидир.

Кўриниб турибдики, ернинг одамлар ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Лекин одам боласининг дунёга келиб одамдай яшамоғи, яхши ҳаёт кечирмоғи учун унинг ўз ери ва ўз мулки бўлмоғи керак. Инсон ана шу ўзининг кичик ер-суви орқали башариятга ҳурмат билан қарашни, оламга меҳр қўйиб яшашни ўрганади. Ер инсонни ҳамиша меҳнат қилишга чорлаб, соғлигини мустаҳкамлайди, яшаш завқини оширади, шу йўл билан унда диёнат, инсоф, адолат туйғусини кучайтиради, энг муҳими, уни одамийлик руҳида тарбиялайди. Ерсиз одам ота-онасидан айрилиб, дарбадарликда ўсган, руҳи кемтик болага ўхшаб қолади. Зотан, собиқ Иттифоқдаги ҳозир ташландиқ бўлиб, хувиллаб қолган минглаб қишлоқлар ҳам ер ва инсонни бир-бирисиз тасаввур этиб бўлмаслигининг ёрқин далилидир.

Г. В. Плеханов «Тарихга монистик қарашнинг ривожланиши масаласига доир» номли асарида Руссонинг тараққиёт жараёнига бўлган қарашларини таҳлил қилар экан, биз қизиқаётган ушбу мавзуга дахлдор бир фикрни келтириб, шундай дейди: «Ўзига ер участкаси ўраб олиб, бу ер меникидир» деб айтган одам, фуқаролик жамиятининг асосчиси ва бинобарин, ибтидоий тенгликнинг гўркови бўлган, бошқача қилиб айтганда, мулк фуқаролар жамиятининг асоси бўлиб хизмат қилган...»

Одамзод узоқ давр мана шу тарихан таркиб топган мулкка асосланиб яшади, жаҳон тараққиётининг ҳайратомуз ютуқларини шу мулкка таяниб яратди. Ҳозир ҳам дунёни шу куч идора қилиб турибди ва бундан кейин ҳам шу куч дунё тақдирини белгилаб беради. Биз бу ҳақиқатни сира унутмаслигимиз керак.

Лекин марксистлар — социал демократлар партияси инсоният ҳаётининг қонқонига сингиб кетган, унинг ҳаёти-ю жонига айланиб қолган ер, хусусий мулк ва капитал ҳукмронлигига қарши курашдилар. Энг ёмони, улар инсон бошига тушадиган ҳамма бало, бутун бахтсизликларга фақат хусусий мулкни айбдор қилиб кўрсатдилар ва том-том китоблар ёзиб, умумий мулкни мақтаб, тарғиб қилдилар.

Улар Россия иқтисодий турмушини синфий кураш назарияси асосида таҳлил қилиб, бир-икки десятинагача ер экадиган (бир десятина — бир гектару 9 сотихга тенг) отсиз деҳқонларни гадо, қашшоқ пролетар хўжаликлари деб эълон қилдилар. Бир отли, уч десятинадан беш десятинагача ер экадиган оилаларга ҳам «...ғалласи ўз эҳтиёжига етмайди... Ҳеч вақт тўйиб овқат емайди, ҳамма вақт оч қолади. Хўжалиги заиф, чорваси ёмон, ем-хашаги кам, ерни яхшилаб, кўнгилдагидек ишлашга кучи етмайди» (В. И. Ленин, 7-том, 177-бет), булар энг камбағал деҳқонлар, деб камситадилар.

1910—1911 йилларда, шахсан В. И. Лениннинг эътирофи этишича, Россиядаги ер тақсимотининг аҳволи қуйидагича эди: 30 минг помешчик қўлида 70 миллион десятина ер бўлиб, 10 миллионлик деҳқон хонадони ихтиёрида ҳам қарийб шунча ер бор эди. Ҳар бир помешчиқа ўрта ҳисобда 2300 десятина атрофида ер теккани ҳолда, ҳар бир камбағал деҳқон хонадонига 7 десятина ер тўғри келарди.

Келтирилган фактларга яхшилар назар солсангиз, ўша даврнинг ҳар бир деҳқон ёки помешчиги ердан ўз кучи ва имкониятларига қараб фойдаланганликларини илғайсиз. Масалан, энг кичик, митти хўжаликлар 1 гектардан 5 гектаргача, ўртаҳол деҳқон хўжаликлари 20 гектардан 100 гектаргача, йирик капиталистик хўжаликлар эса 100 гектардан бошлаб, минг ва миллион гектар ерга эгалик қилганлар.

Инқилобдан олдинги Туркистон ўлкасида ҳам ер одамлар ўртасида худди шундай тақсимланган эди. Ҳ. Турсунов, Н. Бекназаровларнинг 1982 йилда эълон қилинган «Ўзбекистон ССР тарихи» китобининг 87-бетига ўша давр расмий статистика маълумотларига асосланиб, қуйидаги фактлар келтирилган: «...Туркистонда суғориладиган ерларга жойлашган хўжаликларнинг 43,9 фоизи фақат 1 десятинага қадар, 28,8 фоизи 1 десятинадан 2 десятинагача, 26,9 фоизи эса 2—5 десятинагача ерга эга эди. Шундай қилиб, деҳқон хўжалиklarининг 84,9 фоизи майда ер эгаларини ташкил этарди». Муаллифларнинг таъкидлашларича, ҳар бир йирик хўжаликдаги ернинг ўртача миқдори 36 десятинага тўғри келган. 1970—1971 йилларда кўп сонли муаллифлар томонидан чоп этилган «Ўзбекистон ССР тарихи» тўрт томлиги маълумотларига таянсак, туркистонлик деҳқонлар орасида 100 гектар ерга эгалик қилган хўжаликлар ҳам бўлган.

Синфий кураш тарафдорлари коммунизм «жаннати»га маҳлиё бўлиб, иқтисодий ҳаётдаги мана шу ранг-барангликни бузиб ташладилар. Зўравонлик қилиб, одамларни ибтидоий тенглик даврига қайтардилар.

Энди инқилобдан олдинги энг камида 1 гектар-у, 9 сотих ерга эга бўлган деҳқон билан зўрга 8—25 сотих ерга эга бўлиб, дардини кимга айтишини билмай, боши ташвишдан чиқмай юрган бугунги «деҳқон» ҳаётини бир таққослаб кўринг... Бир десятина ер қаёқда-ю, 8—25 сотих ер қаёқда?!

Мен ҳозирги иқтисодий инқирозни кўз олдимга: келтирганимда, нима учундир А. С. Пушкиннинг «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртақ» асарида тасвирланган чол билан кампир бошидан кечган синоатлар эсимга тушади. Мана, ўша эртақдаги воқеаларнинг азалий якуни: чол денгиз бўйидан қайтиб келиб кўрса, дабдабали шоҳона қаср, саройлар ўрнида «...тағин ўша ертўла, бўсағада ўтирар кампир, қаршисида тешик тоғора» эмиш.

Бизнинг қуруқ ҳаёллар, шовқинли шиорлар, дабдабали ваъдаларга тўлиб-тошган етмиш йиллик ҳаётимиз эртақдаги ўша ҳаддидан ошган кампирнинг аҳволини эслатмай-дими?! Одамларимиз Коммунистик партия раҳбарлигида коммунистик мафкурага оғишмай амал қилиб, яхши ҳаётга интила-интила, эвазига ертўла-ю, бир тешик тоғора билан қолган чол ва кампир ҳолига тушмадими?!

Олтин балиқ-ку инсоф қилиб, чол-кампирнинг олдинги ҳаётини қайтариб берди. Бизнинг йўлбошчиларимиз-чи? Улар бугунги улкан иқтисодий ва сиёсий бўҳрондан сабоқ чиқариб, умуман ленинча йўлнинг хато, мутлақо нотўғри эканлигини тан олгилари келмаяпти. Марксча-ленинча иқтисодий сиёсат миллионлаб одамлар ҳаётини қашшоқликка маҳкум этиб қўйганлигини халққа очиқ айтолмаяптилар.

В. И. Ленин ўзининг ўттиз бир йиллик сиёсий фаолияти давомида пролетариат диктатурасини ўрнатиш, ерларни умумхалқ мулкига айлантириш, меҳнат ва бошқарувни марказлаштириш, яъни социализм ғояларини рўёбга чиқариш йўлида ҳормай-толмай курашди. Меншевиклар партиясининг йўлбошчиси Г. В. Плеханов эса муниципализация йўлини тутиб, демократик социализм тарафдорлари сафига ўтди.

В. И. Ленин жамиятни инсон ҳеч қачон меҳр қўя олмайдиган умумий мулкка эга қилиш учун ҳаракат қилган бўлса, Плеханов мулк муқаддаслигини тан олиб, ундан айрилмасликни тарғиб қилди.

Плеханов деҳқонларни ерсиз қилиб қўйиш, улар турмушини ибтидоийлаштиради, деб огоҳлантирди. Ленин эса ерни умумхалқ мулкига айлантириш ҳар қандай орқага қайтмасликни кафолатлайди, деб ҳисоблади.

Шу маънода В. И. Ленин фаолиятини шартли равишда қарама-қарши икки қутбга бўлиш мумкин. Унинг «совуқ қутби» 1893—1921 йилларда кўринди. «Иссиқ қутби» эса 1921—1927 йилларда намоён бўлди. Биринчи даврда биз умумий мулк тарғиботчиси, ҳақиқий Ленинни, иккинчи даврда хусусий мулкни тан олган, НЭПни таклиф этган — ўзгарган Ленинни кўрамыз.

Шу жиҳатдан Г. В. Плеханов ва В. И. Ленин фаолиятида ўхшашлик бор. Плеханов ҳам ўз фаолиятининг дастлабки 20 йилида — 1882—1903 йилларгача марксизм тарафдори бўлди. Кейин «айниб» (1903—1918 йиллар), оппортунист бўлиб қолди. 1903 йилда — 47 ёшида марксизм назариясининг хатоларини, унинг жамиятга тўғри келмайдиган томонларини англади. Шунинг учун у фикрини ўзгартирди. Дарҳақиқат, Плеханов афсонада тасвирланган, бир юзи билан ўтмишга, иккинчи юзи билан келажакка қараган «икки юзли Янус»га ўхшайди. Эҳтимол, Россия Г. В. Плеханов таклиф қилган йўлдан кетганда, ҳозир Оврупаннинг энг ривожланган ва бой мамлакатларидан бирига айланар эди.

В. И. Ленин орадан ўн саккиз йил ўтгандан кейин Г. В. Плеханов ҳақ эканлигини англади. 1923 йилда ёзган «Кооперация тўғрисида» деган мақоласида тўғридан-тўғри: «...Социализмга қарашимизнинг ҳаммаси тубдан ўзгарганини эътироф қилишга мажбурмиз», деди (45-том, 421-бет).



Бу «ўзгарган қараш»нинг оддаги кечиктириш жамиятимиз учун ниҳоятда қимматга тушди. В. И. Ленин вафотидан кейин ҳоқимиятни қўлга олган И. В. Сталин «ўзгарган Ленин» қарашларига эмас, балки унинг аввалги мулоҳазаларига асосланиб иш юритди. Фикрими бир-икки мисол билан ойдинлаштирай: 1917 йил большевиклар ҳоқимият тепасига келган куннинг эртасигаёқ В. И. Ленин «Ер тўғрисида декрет» эълон қилган эди. Уша қарорнинг биринчи моддасида шундай фикр бор: «Ерга хусусий мулкчилик ҳуқуқи абадий бекор қилинади, ер сотилиши ҳам, сотиб олиниши ҳам, ижарага ёки гаровга қўйилиши ҳам ва бошқа бирон йўл билан олиниши ҳам мумкин эмас.» (35-том, 25-бет). У бошқа бир асариди: «Коммунизм деган сўзнинг асл маъносини олсак, у — ҳақ олмасдан жамият фойдаси учун иш қилишдир, бу ишда индивидуал тафовутлар назарга олинмайди» (39-том, 415-бет), деб икки бебаҳо куч — мулк билан шахсни яқсон қилувчи фикрларни олға сурганди.

Сталин В. И. Лениннинг мана шунга ўхшаш назарий кўрсатмаларига таяниб, улардан куч-қувват олиб, мамлакат кемасини коллективлаштириш ўзанига солиб юборди.

Сталиннинг бевосита кўрсатмаси билан 1925 йил 12 декабрда Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитасининг Президиуми республикада ер-сув ислохоти ўтказиш тўғрисида Низом қабул қилди. Уша пайтда марказга батамом муте бўлиб қолган Ўзбекистон Коммунистик партияси Сталин раҳбарлигида катта жиноятга қўл урди. Коммунистлар ўртаҳол деҳқонларни ўз томонларига оғдириш учун бир миллиондан ортиқ кулоқ хўжаликларини тугатдилар. Бой деҳқонлардан тортиб олинган ерлар вақтинча ерсиз ва ери кам деҳқонларга бўлиб берилди. Уша пайтда ҳар бир хўжаликнинг фойдаланадиган ер нормаси 2 десятинадан 7 десятинагача қилиб белгиланган эди. Кўп вақт ўтмай, ерлар улардан тортиб олинди. Чунки бу ер-сув ислохоти эмас, балки одамларни алдаш учун қилинган ҳийла эди.

Хуллас, «умумий мулк», ерларни умумхалқ мулкига айлантириш ғояси одамлар бошига мисли қўрилмаган кулфатлар солиб, бугунги кунга келиб жамиятни мутлақо боши берк кўчага олиб кириб қўйди. Фалсафа фанлари доктори Александр Ципко «Новый мир» ойномасининг 1990 йил 4-сониди ёзган «Бизнинг принципларимиз яхшими?» ва А. Автархонов шу ойноманинг 1991 йил 1-сониди эълон қилган «Ленин Россия тақдирида» номли мақолаларида ҳозирги инқирознинг илдиэлари бевосита марксизм классикларининг ўзларида эканлигини ҳеч инкор қилиб бўлмайдиган далиллар билан исботлаб бердилар. Дарҳақиқат, ўтган 70 йиллик ҳаётимиз марксизм-ленинизмнинг капиталистик тузумга нисбатан жамиятни юқори ва илғорроқ асосларда гуллайтиб, яшната оладиган таълимот эмаслигини жуда аниқ қилиб кўрсатди. Энди бу фожиали вазиятдан чиқиш учун олдимизда Ер ва Мулкнинг табиий-тарихий ҳолатини тиклаш, уни ўз ўрнига қўйиш вазифаси кўндаланг бўлиб турибди. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, **жумҳуриятимизда ер-сув ислохотини қайтадан ўтказиш зарурати тўғилмоқда.**

Лекин бу ишни амалга оширишда жумҳуриятимиз кишиларининг иқтисодий фикрлашдаги қоққлиги, эрксиз ва қатъиятсизлиги жиддий тўсиқ бўлиб қоқмоқда.

Ҳуқуматимизнинг шу вақтгача 8—15 сотихдан ва энди 0,25 гектар қилиб бермоқчи бўлаётган ерлари икки дунёда ҳам одамлар турмушини жаҳон эришган иқтисодий юксаклик даражасига қўтара олмайди.

Аҳолига бўлиб бераман деса Ўзбекистонда ер етарлидир. Жумҳуриятимизда ҳозир суғориб экиладиган ерларнинг ўзи 4,2 миллион гектарни ташкил этади. Ўзбекистонда 20 миллион аҳоли бор. Уларнинг ўрта ҳисобда 5—6 тадан боласи бор деб тахмин қилсак, юртимизда 3—4 миллион оила борлиги маълум бўлади. Лекин буларнинг ҳаммаси ерда ишлашга шай одамлар эмас. Уларнинг орасида турли касбдаги кишилар ҳам бор. Шуларни эътиборга олиб ёндошсак, жумҳуриятимизнинг ҳар бир хонадонига 1—1,5 гектар атрофида суғориладиган ер тўғри келади. Бундан ташқари, сувсиз жойларга сув чиқариб бериб, қишлоқларни дўнглик ва тепаликларга қараб ривожлантириш имкониятлари ҳам борлигини эсдан чиқармаслигимиз зарур. Шуларга асосланиб, плехановча муниципализация ва янги иқтисодий сиёсатни тақлиф қилган, яъни «ўзгарган Ленин» фикрларига қайтишни, аҳоли нисбатан сийрак вилоятларда 1925 йилдаги ер-сув ислохотидаги сингари ер нормасини 2 десятинадан 7 десятинагача қилиб белгилашни кечиктириб бўлмайдиган чора деб ҳисоблайман. Жумҳуриятимизнинг бугунги қийин, ўзига хос хусусиятини эътиборга олиб, унинг ери кам ва ўртача бўлган туман ва вилоятларида эса ер нормасини камида 50 сотихдан 1 гектаргача қилиб белгилаш мақсадга мувофиқдир. Чунки ота-боболаримиз ва ҳозирги дунё тажрибаси шуни тақозо қилаёттир. Ерни одамларга сотмаслик керак, балки 20—30 йиллик шартнома асосида бериш керак.

Аҳоли энг жич жойлашган Андижон, Фарғона каби вилоятларда эса одамларнинг талаб ва эҳтиёри, анъанавий турмуш тарзидан келиб чиқиб, корхоналар очишга аҳамият бериш зарур.

Халқ — Антейдир. Антей эса Ер фарзанди, Ердан куч олади. Ерга эгалик қилиш тўғрисидаги масалани халқнинг ўзи ҳал қилсин. Орамизда соғлом инсон, ақлли, ҳушли кишилар кўпайсин десангиз, одамларни Она ер бағридан узиб қўймай, уларни ўз жойига — табиий-тарихий ҳолатига қайтарайлик!



Ойдин

## ТУРКИСТОН ТИЗМАЛАРИ

Ойдин Ҳожиева ҳассос шоира. У адабиётга ўз кузатувлари, ўз гапи, ўз дарди-билан кириб келган. Бундай жиҳатлар беғубор орзулар, қидрдон армонлар, безовта ҳвёт сабоқлари билан йўғрилиб, эндиликда, Ойдин Ҳожиева шеърини деган иборанинг мағзини ташкил этади. Ойдин Ҳожиева шеърини замирида гўзал назокат ҳамда меҳрибон самимият борким, у ўқиган кўнгилда мойиллик ва яқинлик топади. «Манзиллар», «Орзу гули», «Наво», «Мушфиқ онажон», «Бўзтўрғай» сингари китобларига кирган шеър дostonларидан тортиб, кейинги пайтларда ёзилган туркуму «Нажот» дostonишача шундай руҳ мавжуд. Ижтимоий ҳаётнинг турли қирраларига диҳлдор мақола ва суҳбатларида ҳам шундай хусусият сезилиб туради. Ойдин Ҳожиева таниқли шоира. Унинг қатор асарлари кўпгина қардош тилларда ҳам нашр этилган. Ойдин Ҳожиева эл ҳурмат қилган шоира. Айни элик ёшлик кунларида, «Ўзбекистон халқ шоири» унвонининг берилиши бунга далил. Бу, бизнинг ойномамиз жамоаси учун янаям қувончли. Чунки, Ойдин Ҳожиева узоқ йиллар ойномамизнинг шеърини бўлимида ишлаган. Биз—ойнома жамоаси шоирани ҳам қутлуг ёши билан, ҳам катта унвон билан яна бир бор табриклаймиз ва муштарийларга янги шеърларидан ҳавола этамиз.

ТАҲРИРИЯТ

## Яссавийнинг етти чироғи

Етти дунё, етти китъа, етти нур,  
Илоҳий каромат, илоҳий сурур —  
Гумбазлар тоқидан сим-сим қуюлур:  
Яссавийнинг етти чироғи булдур.

Илдизи қуриган дарахт — тўрт чирок,  
Пилиги учинда олов гул ухлоқ,  
Учтаси ўрнида ёнар уч сўрок,  
Туркистоннинг кўҳна титроғи булдур.

Оятлар каптардай чарх уриб бот-бот,  
Еттита чироққа излайди нажот,  
Учовлон инисин сўрайди, ҳайҳот,  
Тўрт етим чироқнинг фироғи булдур.

Кумуш «тишлари»га насиба йўқдир,  
Гўзал тушларига қасида йўқдир,  
Қайчиланган тили эсида йўқдир,  
Боболарнинг ғариб арвоҳи булдур.

«Бири — фарангларнинг мозийгоҳида,  
Иккиси — Оқпошшо манзилгоҳида», —  
Олиянинг сокин бир нигоҳида  
Туркий шажаранинг чақмоғи булдур.

Кийганлари калта-култа энгил-бош,  
Сувратга тушишар кулиб кекса-ёш,  
Ярадор шер каби инграб кабртош,  
Яссавий ҳазратнинг қийноғи булдур.

Қани, ҳей, довланса, етти оғайни,  
Туғишган, қариндош, кудаю қайни,  
Тузса бир машварат, адолат сайли, —  
Туркистондай азиз туфроғи булдур.

Буюк Темур ёққан чироғин олса,  
Талон бойликларин сўроғин, олса,  
Ўчган пиликларга қайта мой солса,  
Ўзлигига соқчи яроғи булдур.

Еттиликнинг азал ҳикмати аён,  
Бу етти чироқнинг қиммати аён,  
Яссавийнинг улуг қиммати аён:  
Туркистоннинг етти аймағи булдур.

Чироқсиз ўтовлар, пиликсиз диллар,  
Ғафлатда адашган бу туркий эллар,  
Ўз чироғин ёқса, Яссавий қўллар,  
Тилкаланган юртнинг сабоғи булдур.

## Туркистон йўлларида

Бу ерларнинг ҳаволари —  
Етмиш дарднинг даволари.  
Минг бир гиёҳ ҳидли, дейсиз,  
Асалари сутли дейсиз.

Тўрғайлари дарбоз экан,  
Қизғалдоқлар танноз экан.  
Қирларининг «ёқа»сига  
Чучмомалар пардоз экан.

Оқбош, такасоқоллари,  
Анқийди жийда боллари,  
Қўбизчими шамоллари,  
Аломат нағмасоз экан.

Бўйнида кўнғироқчалар  
Диқирлайди улоқчалар.  
Юлғинлар илдизин «тишлаб»,  
Қиқирлайди булоқчалар.

Бияларнинг биқинида  
Тойчалари кишнаб юрар,  
Шафақларнинг яғринида  
Булутлар ирғишлаб юрар.

Йўл бетида юмрон турар,  
Дейсиз: ноғарабон турар,  
Тошбака тарозбон турар,  
Тулкилари раққос экан.

Яйловлари — яшма дарё,  
Баҳорий карашма дунё.  
Миртемирнинг сочмасидай  
Нафосатга чашма дунё.

Минг турфа куш «Ёсин» ўқир,  
«Алҳамдулило»син ўқир,  
Сен ҳам намозингга ўтир,  
Ям-яшил жойнамоз экан.

## Қозон

Қирқ қулоқли қозон, —  
Қора гумбаздай,  
Қараганнинг эси оғади бехос.  
Ясавий бобомдан барака мерос,  
Мўрчадай кичрайиб турибмиз пастда,  
Зиналардан босиб, калима айтиб,  
Улкан «қулоқ»ларга бармоқ ураман:  
Танга-тунга, пуллар, катмон кўраман,  
Назар соламан-у, тушаман қайтиб...  
Бул қозонни ҳар кун олов сийлаган,  
Ошиқ бўлиб қучган, зикрга тушган,  
Бунда қирқ кўчқорнинг боши уюшган,  
Гирдида дарвишлар Ҳақдан сўйлаган.  
Жулдур жандаларнинг ямоқларида  
Оламнинг сирлари нурдай ўйнаган.  
Тутунмас, кул эмас, ўчоқларида  
Самандар қушлари учиб, сўйлаган.  
Бир куни занжирин уздию девлар,  
Замбарагин судраб келди бу элга.

Улуғлари ётган гўргача кавлаб,  
Барака қозонин туширди қўлга...  
Косаси оқармай қолди бу элат,  
Учоқларин тубин ажриқлар кўмди.  
Яйловларин босди қаҳрабо зулмат,  
Оқ сутини эчкиэмарлар эмди...  
Ва бир кун уйқудан уйғонди гаранг,  
Ҳаққин талаб қилди Алпомишсифат.  
Қозонин қайтариб олдию аранг,  
Бугун тўлғизмоққа тополмас неъмат...  
Ясавийнинг изи қолган йўллардан —  
Маънавият деган шаффоф қўллардан —  
Барака ёғилгай бул Туркистонга..

Маҳобатли гумбаз.  
Асрий сукунат  
Рухим осмонида тўрғайдай ўйнар.  
Бу қадим қозонни тўлдиргай фақат  
Қирларда булутдай кўпирган кўйлар...

Зарметандаги учрашув чоғида Ҳамро-  
бобо хонадонларида бир набира қизалоқ туғилгани-  
ни айтишди, унинг учун исминини сўрашди.

Аввал худо сени қилсин муборак,  
Элимга эл қўшган исминг муборак!  
Ризқи бут, отаси, онаси билан  
Туғилган ҳурликнинг насли муборак!

Бешигингни қучса онажон сархуш,  
Синиққан сумбати ой бўла қолсин.  
Осмонидан ўтса зарга ботиб қуш,  
Зарметан тилсимли жой бўла қолсин.

Оллоҳ нафас қилсин, фаришта юзинг,  
Нафасинг покласин булоқларингни.  
Қутли қўлларинг-ла ёқарсан ўзинг,  
Боболарнинг ўчган чироқларини.

Бу сохта тарихнинг ёлғонларини,  
Фирром маъбудларин айла ўзинг фош.  
Дилга жойла ҳикмат девонларини,  
Фикрату зеҳнингда чакнасин қуёш.

Тарзинг ойдингина Ой дона бўлгил,  
Ширмой кулчадаги седона бўлгил.  
Тўзиган қавмингнинг бошин қовуштир,  
Элинг, юртинг учун дурдона бўлгил!

## Тухфа этилган ғазал

Қаён борсам, жаҳон ичра  
Борур ул ён Бухоро ҳам,  
Сўраб бахтим сомон ўлсам,  
Бўлур сомон Бухоро ҳам.

Ниҳолим, мунисим, дардкаш,  
 Танамда қатраи жонсан,  
 Ғанимга ўқ узар бўлсам,  
 Бўлур камон Бухоро ҳам.  
 Агар хайру савоб ўлсам,  
 Бўлур осмон Бухоро ҳам,  
 Ки мен хоки туроб ўлсам,  
 Бўлур гирён Бухоро ҳам.  
 Шаҳидон, сарварон, дўстон,  
 Хожайи Бўстон Бухоро ҳам,  
 Валиюл комили аъзам,  
 Олийул унвон Бухоро ҳам.  
 Басе, зебу бу зийнатлар  
 Хасу хошок бўлур, Ойдин,  
 Санга мулки худодин ганж —  
 Халқи раҳмон Бухоро ҳам.

## Видо

### Ҳикматхон хотирасига

Қийганинг — кундалу кимхоб ярашган,  
 Юзингга қараса офтоб қамашган,  
 Қийиксан чашмага етмай адашган,  
 Сафаринг йўл бўлсин, гўзал Ҳикматхон?

Саломларинг боди сабодан келур,  
 Хислатинг одобу ибодан келур,  
 Китобинг мазмуни кимёдан келур,  
 Ўқиб тугатмадинг тугал, Ҳикматхон!

Дунё-ку қўнимсиз карвонсаройдур,  
 Ажалнинг пичоғи доимо мойдур,  
 Ҳар бир нафасингга ўлпон сўройдур,  
 Гул умрингму бўлди бадал, Ҳикматхон?

Уяси жўжага тўла кумрим, хайр,  
 Беҳишт боғларига шошган хурим, хайр,  
 Водариғ, бу шундай вафоси йўқ дайр...  
 Яхшига юрим йўқ азал, Ҳикматхон!  
 Меҳру ёдинг ўчмас, гўзал Ҳикматхон!

## Уртачўл мушоираси

Кўктоғ этакларида шафақ эниб ётгандай. Уртачўл. Қизғалдоқлар шойи кўйлакли болалардай шод ва эрка. Явшанлар, чўл ялпизлари, бўтакўзлар илдизларидан бол эмгали тоғдан қора жилғадай жилдираб чумоли карвонлари тизилган. Чўл кенгликларида минг турфа қушлар сайраб, ҳаётга олқиш айтадилар. Қизғалдоқлар болкосасида эрта-лабки шабнам дурдай ялтирайди. Ҳаво майин ва мусаффо. Беғубор манзара. Мен шеър бошлайман. Шарифахон давом эттиради.

Тоғдан тизилиб келар чумоли карвонлари,  
 Салом сизга, юртимнинг сочилган армонлари.  
 Лола қадаҳларига шудринг бўлиб тўкилмиш  
 Рухингизга тиловат, Истиқлол қурбонлари.  
 Қизғалдоқ эмас, булар — уфқларга сачраган  
 Шаҳидларнинг Эрк учун тўккан қутлуғ қонлари.  
 Сизга паноҳ тилайман Оллоҳ ҳимоятидан  
 Чумолидай тинмаган юртимнинг сарбонлари.  
 Бемаҳал офатлардан ўзингизни асрангиз,  
 Сизни нишонга олмиш ғанимнинг камонлари.  
 Бу саҳро сийнасида ганжи ниҳон минг алвон,  
 Калидин ёвга берманг, халқимнинг Мардонлари.  
 Илдизларингиз мангу Эркининг сувин симирсин,  
 Яна лиммо-лим бўлгай бу элнинг уммонлари.  
 Уртачўлнинг шамоли бир лаҳза шошма, Тўхта,  
 Шарифа шабададай шивирлар дostonларин.  
 Навбат сизга, деб бизлар лутф этсак, йигитларга,  
 Не учун сукут сақлар Саъдулладай хонлари.  
 Уммед, Нилуфарига Ҳақдин бўлса Эътибор,  
 Уртачўл бўла қолсин қирмиз сиёҳдонлари.  
 Раҳими, Комили дин, сендан бўлсин иноят,  
 Шоирлар туғаверсин Хожайи Бўстонлари.  
 Бухоройи шарифдан Шодмон бўлиб кетурмиз,  
 Савғоти бўлсин энди бу Ойдин эҳсонлари...



МОЯ  
ШАМКА-  
УМРЗОК  
БАХРИДДИН



Нимқоронғи хона. Миттигина шам зулмат қўйнида ожиз липиллайди. Жимлик... жимжитлик. Бунда ёлғиз шамгина сукут-ла тиллашиб, беозор чирсиллайди.

У кўрпачага сассиз ўтирди. Чўккалаган кўйи нигоҳини хонтахта узра тикди. Шам алангаси таратган кафтдек ёруғлик «дастурхонча»сидаги заррин муқовали Муқаддас китобга қўл узатди. Қош-кўзига бир-бир теккизиб, авайлабгина ўпди-да, очди. Музаҳаб сатрлар узра нигоҳи аста-секин сийпаланаркан, сукутнинг дилсиқар жимлиги сезилмай қолди. Элас-элас сирли бир оҳанг вужуд-вужудини ажиб эҳтиросга чулғади. Чулғадию дилидан тилига-да кўчди, унга қўшилиб шам алангаси ҳам маст бўлиб, ихтиёрсиз тебранмакка тушди. У кўзларини юмиб олганча оҳанг сеҳрига берилдию ўзини тамом унутди...

Гилмурғоб қишлоғини ўраб турувчи қирлар бир-бирига мингашганча, бориб-бориб олмос чўққилари карч-карч Оқтоғ пинжига суқилиб олишган. Букри тол танасидай қинғир-қийшиқ, ёз маҳали бир қарич тупроқ билкиллаб ётадиган оқиши йўл мана шу қирлардан ошгану кўринмай кетган. Юзга етар-етмас хонадон бор бу қишлоқ олисдан худди қамчидай бўлиб кўзга ташланади. Бу тарафларга от-улов кам қатнайди. Ёзу кузда эса, устара қиртишлаган бош каби тап-тақир дашт йўлларида ортидан чанг кўтарганча тез-тез машиналар кўринишига сабаб, яқин қир-адирлар этагидаги лалмикор ерларга экиладиган, тилими тилни ёргудай ширин-шақар қовун-тарвузлар таърифининг ҳар ёққа кетганлигидир.

Узоқдан қаралса, Оқтоғ ҳориб чарчаганидан қўлларини кўксига қўйиб тиззасини букканча, дам олгани чалқанча чўзилган кишига ўхшайди. Қиш ойлари тегирмончи каби бошдан-оёқ оппоқ унга беланса-да, кўклам келиши билан кўм-кўк тўнини эгнига илади. Ана шу вақтда қишнинг қалин қор кўрпаси эриб, баландликдан сув тушиб келади, мабодо шу кунлари булут ҳам кўз ёши билан сийласа, унда гўё қиёмат-қойим кўпади: қишлоқ тор оралиқдалиги учун, кўз очиб юмгунча уни сув босади.

Шунинг учун ҳам зич жойлашган, қурилганидан буён не-не офатга чидаш берган пастак уйлар нам торт-торта тўкилай деб қолган. Одамлар бу ердан аста-секинлик билан кета бошлашди: ёзда бирваракайига уч хонадон кўчиб кетди. Аммо кўпчилик кўнглига келган бу васвасани дарҳол қувиб солди, киндик қонлари томган, ота-боболари яшаган, бобокалонлари хоки қоришиб ётган бу муқаддас тупроқ меҳри уларни ўзига оҳанрабодай тортиб турарди. Ахир, она сути-таъмини туйиб улгурган гўдак бегона кўкракни асло истамайди. Мол туёғини азиз билган, ризқ-рўзини қийналмай топиб турган бу одамлар фақирона ҳаётларини ҳамма нарсадан устун қўйишарди.

## II

Ҳорғин офтоб қирлар оралиғидан сўнги бор кўриниш бердию ботди. Осмон билан ер туташган тарафдан аллақачон йўлга чиққан қоронғулик қир ошиб тушди.

Қишлоқнинг энг чекка уйларидан бирида янги меҳмон дунёга келди: чақалоқ йиғиси уй эгаларига бир олам қувонч улашди. Бироқ, ҳали кўзи очилмай турибоқ бетиним йиғлашининг боиси не? Шу дамда у бу бевафо дунёда кечгуси умрининг азобларини пайқадимикин — жажжигина қўлчаларини мушт қилиб чинқириб йиғлаётир?..

Уй эгасининг вужудида ҳаяжон ортидан орзиқиб бахтиёрлик мўралаётир. Ахир, у бу кунни ўн тўрт йилдирки, зориқиб кутади. Хотини битта қиз туғди-ю, қайта фарзанд кўрмади. Қанча сувлар оқиб, мана энди... бирданига... Севинмай бўладими? Дунёда, айниқса, эр киши ўғил боланинг тирноғига зор ўтмасин экан.

Ташқарида — айвон ичида бетоқат у ёқдан-бу ёққа тинмай бориб келади. Қулоғи динг, ичкаридаги доянинг чиқишини кутади. Юраги потирлаб, кўкрак қафасига сиғмаётгандек... Худди овдагидек, ҳозир бутун вужуди кўз ва қулоқ. Бир пайт озғингина, қадди букик доя кампир кўринди:

— Той бола муворак, болам...

«Ўғил...» — беихтиёр устунга суюнди. Ва бирдан «Ўғи-ил!» деб қичқириб юборди. Севинганидан кўзларидан тирқираб ёш чиқди. Югуриб бориб кампирнинг қўлларини тутиб ўпа кетди.

— Худога шукр, моможон... Худога шукр-э...

Кампир тишсиз оғзини кўрсатиб илжайган кўйи бирпас турди-да, ичкари кирди.

«Ўғил... ўғлим. Энди менинг ҳам ўғлим бор. Ўз пушти камаримдан... Менданам зурёд қолади».

Ичкарига ул-бул олиб кириб турган қизалоғини маҳкам қучиб, пешанасидан «чўлп» эткизиб ўяди.

— Укачанг муборак,— деди ҳиқиллаб, бошқа гапиролмади. Бирдан эсига отаси, онаси тушди. Томоғига шўртак бир нима тикилди. Супа четига оҳиста ўтирди. Эҳ, одамзод бу дунёга озиб-тўзиб атиги бир бор меҳмон бўларкан-у, дурустгина ҳузур-ҳаловат кўрмай кетиши қизиқ экан... Ўзи ҳам шундай узоқ куттириб туғилганмасмиди?! Падару волидаси унинг жамолини кўришди-ю, камолини кўришмади. Начора, Одам Атодан мерос ўлимдан ҳеч зот қочиб қутилолган эмас. Асли тупроқдан қориглик одам охир-оқибат қайта ҳоки заминга қўшилмай иложи йўқ экан. «Хокисор, меҳрибон отажоним, қанийди шу тоб ёнимда бўлсангиз!...» Онажониси қандоқ қалби тоза, фариштадай аёл эди-я! Эй, сен ўлим, бунча тез... хабар бермай келасан?!

Ичкари уй эшиги тепасига каттакон кийик шохи ўрнатилган. Бу — тоғасидан ёдгор... Онаси шохга термулиб бир пайтлар, шу атрофга чавандозу мерганликда донги кетган укасини кўп эслагувчи эди. Тўхматга ишониб, унинг бошига шўро раиси бўлган акаси етганди: халққа ибрат қилиб ўз жигарини аристонга юбортирган ва шу билан ўзининг шўрога содиқлигини исботлаганди. Шу кетишда дом-дараксиз йўқолган бечора укасини ҳар гал эслаганида шўрлик бир ёш қарир, шунда ўғлига «Сен туғилганингда тоғанг кийик овлаб қайтган», деб айтар эди. У шуурида кечган фикрдан энтикиб турди: у ҳам ўғилчаси учун ов қилса-чи?.. Ҳа, шундай қилади, ҳозир айна пайти. Тоққа ҳам анчадан буён чиқолгани йўқ. Эртага бир яйраб кезсин. Шундай ов қилсинки...

### III

Даканг хўрозларнинг қичқирқларидан чўчиб уйғонган тонг қуши шошиб қанот қоқди. Борлиқ қаймоққа ботирилган нон каби бирпасда оқарди. Кўк ниначининг кўзидай тиниқ, топ-тоза — фақат осмоннинг бир чеккагинасида ой бўзрайиб туриб қолган. Қир юқорисига кўтарилаётган овчи нафас ростлагани бирпасга тўхтади. Ортига ўгирилиб қаради. Анча баландлабди. Пастда улкан яланглик ястаниб ётибди. Текислик кўксидида чувалган ичак-чавоқдек йўллар, жалаю селлар ювиб кенгайтирган беҳисоб жарликлар ориқ сигир қовурғаларидай мана мен деб саналиб кўзга ташланади. Бу жарликлар оғир кесикдан қолган йўқолмас чандиқдай битмас-тузалмас. Эсини танибдики, йўллар, жару жўрлар, тоғу тош ҳамон ўша-ўша. Олти чақиримча қуйида пастак тепалик бошига қўндирилган дўппидек бўлиб қишлоқ кўринади. Шунча йўл юриб қўйибди-я! Азонлаб отланганини хаёлига ҳам келтирмай, ҳайратланди.

Икки кун олдин эзиб ёмғир куйганди: ер нам, харсангтошлар ҳовучида йиғилган сувлар тиниқлашиб, қуёш нурида олмос томчидай жилоланиб туради. Жилға сувларининг ер бетиде қирқта қилиб ўрилган сочдай тарам-тарам излари, улар тепадан елкалаб олиб тушган хас-чўпларини, шапалоқдай-шапалоқдай қайроқ, юпқа тошларини қирлар этагига тўшаб қўйиб, ўзлари аллақеъларга оқиб кетишган. Овчи тошдан тошга сакраб қияликдан юриб бораётир. Атроф сукутга чўмган... Йўл-йўлақай, тепалик ён бағридан — тупроқ қат-қатидан кўзёшдай сизилиб йиғилаётган таниш булоқ сувидан чанқоғини қондирди. У ҳали кўзлаган манзилига етганича йўқ, яна озгина йўл юрсин... Ким билади, яқин ораларда балки бу дарага биргина унинг оёғи теккан бўлса, ажаб эмас. Туйқус ёдига қишлоқнинг энг кекса мўйсафиди Мунаввархон эшон билан қилган суҳбати тушди. Гарчи эшон кўп ўтмай қишлоқдан ғойиб бўлган эса-да, унинг гаплари овчини анчагача ҳушёр торттирганди.

— Худодан мадад кутиш керак, ўғлим. Ўзидан тиламак лозим, шунда ниятлар рўёбга чиққуси... Аммо мен бир нарсадан — Яратганнинг қаҳридан қаттиқ қўрқяпман,— деганди мўйсафид,— одамлар куфр йўлга тойдилар, ифлослик домига илиндилар. Ёшларимиз ҳаром-харишга мойил бўлиб қолишди. Бу шармандагарчиликка барчанинг парвойи палак... Меҳр-оқибат, савоб ишга қўл уриш, тайаммум покизалик кўтарилди ҳисоб... Таҳорат не, ғусл не — унутишди. Астағфируллоҳ! Гуноҳ устига гуноҳ... бу не кўргилик? Туриб-туриб йўлайману дунё кўзимга тор бўлади: она сути оғзидан кетмаган гўдаклар муқаддас жойни булғаса, катталари ўзини кўча-кўйда мўмин-мусулмон қилиб кўрсатса-ю, қоронғуда билганидан қолмаса, зинога, ифлосликка, ғийбатга, бир-бирини алдашга мук тушса, ё парвардигор, бу не кўргулик! Тилларида Сен, лек манфур диллари шайтоний васвасага ин! Бу кирдикорлари учун ҳали нечоғлик азобда қолишларини англасалар эди!... Шунини яхши билиб қўйки, ўғлим, бу ерларга бежиз нур ато этилган дейишмайди. Яратган эгамнинг ўзи муборак нурини ёғдирган-а... Бу китоблар ёлғон сўзламайди, битиклар алдаган эмас, алдамайди ҳам. Шундай қутлуғ, покиза тупроқ узра бу бадкорликлари тўхтамасе, ҳаром-ҳаришдан тийилишмаса, унда шубҳа йўқ, кун келур-бошларига офат ёғилур. Ўт кетса ҳўлу қуруқ баравар ёнганидек, ҳалокат барчани ямлагай, ютгай... Бу тупроқ уларни бошида ортиқ кўтаролмас. Ширк учун наинки қиёматида, бу дунёсида ҳам оғир жазо бор. Ҳа, ўғлим. «Ал қасос-ул...» ҳеч кимга муддат эмас. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин. Не бўлганда ҳам охирад азобидан Ўзи асрасин.

Донишманд қария шундоқ деганди, аммо унинг дилини оғритган нарсаларга ўзига берилган танбеҳ эди:

— Худо хоҳласа фарзанд ҳам берар, лекин бу ҳунарингни ташла. Етар... У дарага қайта оёқ босмагин. Бу тоғларда улуғ пирлар руҳи қўним топган. Уларнинг тинчини бузиб ўзингга жабр қилма. Сенга ҳақ гапни айтяпман. Э, ўғлим, ҳамма ерни ҳаром-ҳариш босганидан кейин авлиёлар руҳи тоғу тошга чиқмай нима қилсин...

Овчи кўзғаларкан, чолнинг олдида бош эгиб жимгина ўтирган ёш йигитга қаради. Соқол-мурти эндигини сабза урган бу хушсурат боладан кўз узолмай остана ҳатлади. Шунда томоғига алланима тиқилди. Ўзини тутолмади, кўзлари ёшланди, уйига етгунча йиғлади: «Қани энди мениям шунақа чиройлик ўғлим бўлса, худойим... Бунча қийнамасанг. Қанийди...»

Аммо ўшанда билмасдики, тез орада ўғил кўради. Ҳозир эшон олдида кўргани — тийрак нигоҳли йигит эса, ҳали машҳур шайх бўлади ва у бир кун рўй беражак сел балосидан сўнг кимсасиз қишлоқни тарк этатуриб, сув одам бўйи кавлаб ташлаган вайрона мачит пойдевори остидан қоп-қоп битикдан омон қолган бир Муқаддас китоб топади. Кун келиб китобни шу овчининг невараси олади. Ажабмаски, шу битик сабаб бу авлоддан қийноқ ва азоб-уқубатлар ариса... Аттанги, буни нафақат у, балки ҳозир йўргакда ётган ўғли-ям билмайди. Ҳали рўй бергуси кўп бало-қазоларни, яхшиямки, билишмайди... Билишса борми...

Эсини танибдики, ваҳима қилишади. Аллақандай соҳибкаромат авлиёлар яшаб ўтган эмиш бу ерларда, ўша зотлар руҳи кезиниб юрармиш. Етимдарадамиш кўпчилигининг хок-туроби. Қўрқув ҳеч кимни ўша ёқларга яқин йўлатмайди. Мўйсафиднинг шу гапидан кейин анчагача тоққа чиқолмади. Ўша диқ-



қинафас кунларда хотинини бўралаб сўкди. Асли холи-жонига қўймаган ўша. Улақолса ҳам бормасди-ку! «Боринг... нафаслари ўткир дуохон эшонлар китоб очсинлар, ёзиғлик нарсада ҳикмат кўп бўлади. Зора, умидимиз ушалса. Сизам бундай ихлос қилинг, сиғининг, ахир...» деб неча ўн марталаб йиғи-сиғи қилгач, ноилож, кўнгли учун эшон ҳузурига келганди. Бўлмаса, бунақа «насиҳат» эшитишга тоб-тоқати йўқ-ку!.. Унинг табиати ўзгача — бошқаларга ўхшамайди. Бор вужуди билан тоғларга интилади, тоғу тош унинг борлиғи, оҳанрабоysi. Неча кунлаб, гоҳо ҳафталаб уйга қайтмайди. У ҳақиқий ов шайдоси. Яқин атрофдаги тоғларни қаричма-қарич кезиб чиққан эса-да, бу кезинишдан «тўймас», чарчамасди.

Овчи асабийлашди: қон тўкяптими? Ҳеч-да... Ахир овчилик ота-бобосидан мерос-ку! Қолаверса, ов ўғилчаси учун, неча йиллаб кутилган бу хурсандчилик шарофатига-ку, жонлини бежон қилиш деган майда гапга бало борми?! Мана шуларни ўйлаб бораркан:

— Бекор гап бари! — деб юборди беихтиёр. Оғзидан чиққан сўзлар сукунатга акс-садо бериб сингди:— Бекор гап... Шер изидан, эр сўзидан қайтмайди. Қуруқ қўл билан бориш уят, шармандалик. Овсиз қайтмайман!

«Қайтмай-ма-а-ан» деган сўз адирлар бағрида икки-уч бор такрорланди. Йўқ, унинг хаёлини ногаҳоний эслаш чалғитолмади, бирпасдан сўнг ҳамма нарсани унутди. Жисму жони кўз-қулоққа айланди. Қайсар табиати амрига бўйсуниб, тап тортмай Етимдарага оёқ босди.

Ов аввалига ўнгидан келмади. Тоғу тошни узоқ кезди. Кўнгли хижил тортди, нишабликда тўхтаб қолди. «Наҳотки уйга сўппайиб, беўлжа кириб борсам...» Бирдан қирнинг қуйроғидан — жилға бўйидан пириллаб бир гала каптар кўтарилди: оёқ остидан пастга юмалаган майда тошлар сувлаётган каптарларни чўчитиб юборганди. Милтиқ ўқланганмасми, нишонга олди. «Пақпақ!..» — ўқ товуши азадор тоғлар жимлигини бузди. Ўқлар мўлжалга тегди чоғи, каптарлардан биттаси потирлаб нарироққа келиб тушди. Чаққонлик билан қуйига энди, ўлжасига яқин борди.

«Кўк каптар!» — капалаги қувва учди. Ўқ қорнини титиб юборибди. Мунчоқ кўзлари чала юмуқ, оғзи очиқ — тилчаси тиккайиб қолибди. Шу тариқа қотган.

Отганига афсусланди. «Қаёқдан билибман бунақалигини...» деб ўзига ўзи таскин берди. Каптарга қўл ҳам урмади, милтиқни ўқлади-ю, бурилиб, тўғрига йўл солди.

Бу ерлар шундоқ қақиртиканак, ҳатто қирларни ҳам чангалзор қоплаганидан, эски сўқмоқдан ўзини эҳтиётлаб одимлайди. Оқтоғ камарига кириб борган сайин диққати ошади, энтикади. Юра-юра оёқлари толди. Озгина дам олгиси келди, жарлик лабидаги япалоқ харсанг устига беҳол ўтирди. Тоғ тепасида бирдан эсган шамол илондек вишиллаб елади, пастга шўнғийдими, зумда уни ўчади. Жимлик, жимжитлик... Жарга қаради: чуқурлик тубида қиррадор тошлар туртиб чиққан, қараб тураверилса, одамнинг боши айланади, кўзи тинади.

Шу алфозда анча ўтирди. Кун ғарбга оғган, шамол ҳам тинган. «Ғу-ғу»лашиб баланддан каптарлар учиб ўтди. Боядан буён имиллаётган вақт энди назарида тетапоя бўлган боладай чопқиллашга тушди. Бирпасда офтоб уфққа етди-да, ҳил-ҳил пишган тилларанг зардолидай кўриниш олди. Осмон симсиёҳ рангга чулғанди. Энди у хавотирланмай, ботаётган кун шуъласи гўзал тус бериб кетган уфққа, фараҳбахш тун кучоғига сингиётган теварак-атрофга кўз югуртириб ўтирар, хотиржам эди. Ови бароридан келишини кўнгли сезиб, ҳаяжонлана бошлади. Бу ҳол биринчи бор бўлаётгани йўқ: баъзан икки-уч кунлаб кезинган пайтлари бўлган, аммо шунда ҳам ўлжасиз қайтган эмас. У овда омади келишини билади. Фақат озгина сабр керак, дадаси ҳам тез-тез унга шуни уқтирарди. Шошилмасликни, ҳовлиқмасликни айтарди. Қаҳр-ғазаб ва жаҳл, шошма-шошарлик ҳар ишнинг кушандаси. Ахир, бекорга айтилмаган: «Шошилич ишнинг орти кесик» деб. У ўрнидан қўзғалганда кунчиқар тарафдаги қирлар ортидан улкан ой сузиб чиқди. Овчи елкасига қўштиғини яхшироқ ўрнаштирди-да, вазмин қадам ташлаб юриб кетди.

Ойнинг сутранг ёғдуси тунни нурафшон айлаган. Ҳаво ғуборсиз, тоза ва

латиф, кеча бирам бирим салкинди, киши вужуди яйрагандан яйрайди. Сойликни кесиб ўтиб, даранинг қоқ ўртасига етди.

Майин, илиқ шабада шувоқ ўтининг ўткир ҳидини — бир бошқача бўйини димоққа келтиряпти. Баҳор ва айниқса, ёз олди кечалари далаю даштда гоҳида шундай ажиб ҳолат юз беради. Кишини маст қилувчи муаттар бўй қоришиқ энгил шабада кезади. Кўкда ой ярақлаб нуруни таратяпти, юлдузлар ғуж-ғуж... Сокинлик чулғаган борликда тиқ этган сас эшитилса-чи?!

Бутаси тарвақайлаб ўсган дўланани айланиб ўтаётиб, ногоҳ йигирма-ўттиз қулочча қуйироқда текис шувоқзор ерда турган икки кийикка кўзи тушди. Ҳайратданми, қувонганиданми қотди-қолди: «Кийик?.. Кийик бор экан-да бу томонда...» Тиззалади. Кўз узмай қараб тураверди. Шунча йил овга чиқиб, кийик отгани йўқ. Ўлжаси фақат каклигу алқор!.. Ойдинлик ҳарир парда бўлиб дара устига тўшалган. Кийиклар бир-бири билан бўйлашяпти... «Нега мени сезишмади? Ахир, кийик жуда сезгир ҳайвон-ку!» Кийиклар эса шу дамда атрофни нутишган. Ажаб, дунёда неки тирик-ҳароратлик жон бор — барчаси роҳатбаш висол ониди ҳамма нарсани — хавфу хатарни ҳам, ғаму андуҳни ҳам, бари-барини унутар экан...

«Кийиклар бутқул йўқолган, дейишувди. Мана, бор экан, демак, шу ёқларда макон тутишибди... Тўхта, тўхта... ҳадеб бу ёққа келма дейишади, энди билдим негалигини. Одам боласи жуда-жуда раҳмдил-да, бу жониворлар ов учун яратилган-ку, ахир. Кўзёш қилишнинг нима кераги бор...» Кўз олдига келтирди: уйга бир эмас, икки кийик билан кириб боради! Ўзи туғилганида-ку, кийик овланган экан, ажабо, ўғлининг бахтини қара — бунда ҳам худо йўлини ўнглаб, олдидан кийик чиқиб турибди. Яна биттамас, иккита! Ҳаяжондан юраги кинидан чиққудек потирлаб уриб кетди. Кийиклар ҳамон ўзлари билан ўзлари обора, бунчалар хотиржам, бунчалар бир-бирига парвона улар, бунчалар парволари палак...

Шу пайт бири ерга беозоргина чўкди. Шериги унинг атрофида айланган бўлди, сўнг кўкка — ойга қараб, шу кўйи туриб қолди.

У қўштиғ милини тўғрилади. Аввал каттароғини — тик турганини мўлжаллади, бунисини отай, ердагисини кейин тинчитаман, деб ўйлади. Шунда ичидан «Отма!..» деган бир нидо келди. «Худони бергани шу-да,— кўнглидан ўтказди,— кун бўйи зоғ ҳам учрамади. Энди мана буни кўр...» Аъзойи баданидан тер чиқди. Ҳазил гапми бу, бирданига иккита-я! Қайта нишонга олди. Гумбурлаган ўқ товуши жим-жит дарани титратди, дарҳол иккинчисини мўлжаллаб тепкини босувди, во ажаб... отилмади. Пистон чақилмади. Кийиклардан бири ерга қуларкан, шериги аввалига гангиб аланглади, аммо дарров ўзига келиб, киприк қоққулик фурсат ҳам ўтмай сакраб, қоронғулик қўйнида — дўланалар ортида кўздан йўқолди.

«Ҳаҳ... падарига лаънат», сўкинди овчи аламига чидаёлмай. Яхшилаб мойлаб, тозаловдим-ку милтиқни, яна нима бўлди? Ўқ нам тортган эканми ё... Йўғ-е, қанақасига...» Қайта тепкини босувди, варанглаб отилиб кетди. Сўкиниб қўзғалди-да, ўлжаси томон югурди. Кийик тинмай типирчилайди. Тўшидан силқиб қон оқяпти, олд оёқларини буколмай типирчиляпти. Жонивор турмоққа уринади-ю, аммо имкони йўқ.

«Буни уйга тириклай обораман... тириклай...» Терисига сиғмай қувониб, белбоғини ечди, кийикнинг оёқларини апил-тапил боғлаб, елкалади. Йўлга тушди.

Кўкда энгил сузаётган тўлин ой қирнинг нариги ёғига ўтди. Ёнбағир ва сойлик бўйлаб қоронғулик югургилади.

Юриб бораркан, кўнглига: «Аттанг, унисиниям отганимдами, деган ўй келди.—Эҳ, лаънати, отилмаганини қара-я!» Беихтиёр ортига қаровди, кўзи боягина ғойиб бўлган кийикка тушди. Жонивор иложсиз, нима қилишини билмай унсиз бўзлаб изма-из келарди. Овчи чаққон ўлжасини ерга қўйди-да, шошиб милтиғини қўлга олди. Йўқ, улгурмади, кийик яна йўқолди. Синчиклаб кўз югуртирди: ғира-шираликда ҳеч нарса кўринмади. Қараб турди-да, қўл силтади: «Бор-э... менга деса уйгача эргашиб бормайсанми. Қайтанга яхши». Орқасига тисарилиб ўгирилди. Қўштиғини қайта елкага илиб, энгашди. Типирчиляётган кийикка қўл узатувди ҳамки, қарсиллаб пешанасига тепки урил-

ди. Учиб тушди. Тепки зарбидан кўзларидан ут чақнади, сунг куз олди жи-мирлашиб, нима бўлганини ҳам англолмаи ҳушдан кетди...

Анча вақтдан кейин ўзига келди. Кўзларини зўрға очди. Туришга уринди, мажоли етмади. Улжа ёдига тушиб, ёнбошига қаради: кийикдан асар ҳам кўринмасди. «Оҳ!...» деб оғир ун чекди. Бор куч-қувватини йиғиб қад ростлади. Боши чир айланиб, кўзлари тинди. Бутун аъзои бадани қақшаб оғрир, айниқса, кўкраги остида ўнлаб игналар санчилиб ётгандай туюлар, нафас олса, чуқур-роқ ботаётганга ўхшарди.

«Кийик... қаёққа кетади? Бўлиши мумкинмас... ах-хи-ир...» Атрофига қўл чўзиб пайпаслади ва бирдан ўқчиб, ёнлаб йиқилди. Туришга уринди, туролмади. Шу алфозда, кўзлари ёшга тўлиб юлдузли осмонга боқиб, узоқ ётди. Назарида, осмон ҳам тез-тез киприк қоқаётган ёшли кўзга ўхшар, юлдузлар жимиралиб чир айланар ва яна аслига қайтарди.

Ой ҳам унга нима бўлганини билмоқчидай, сузишдан тўхтаб, қизиқсиниб туриб қолди.

Овчи ўзига келиб, амаллаб қўзғалди. Милтиққа суяниб, судрала-судрала йўлга тушди. Кўзларидан тинмай ёш оқаркан, лабини қаттиқ тишлаб, оғриққа зўрға чидаб борар, уйга етишни — қандай қилиб бўлса-да, олти чақирим йўл юришни ўйларди...

Хавотирланиб, тун билан эрининг йўлига кўз тикиб чиққан Санобар эрта саҳар — кун ҳали кўкдан барги хазон юлдузларни супурмай туриб, мадорсизлигига ҳам қарамай кўчага чиқди-да, ҳовли эшигининг чирик остона ёғочига етолмай, қўлларини чўзганча мук тушиб ётган эрини кўриб, ҳангу манг бўлиб қолди. Югуриб тепасига келди, бошини кўтарди-ю, тили айланмай нафаси ичига тушиб кетди: эрининг жонсиз кўзлари бақрайган қўйи хонасидан чиқа-ёзган, қоқ қаншарида туёқ изини эслатувчи қизғиш-кўкимтир из кўринар, тишлари орасида қолган лабидан оққан қон эса оғзи-бурни билан битта бўлиб қотганди...

#### IV

Одамлар тақдирнинг қўлида ўйинчоқ, тақдир эса одамлар учун овунчоқ. Бир неча ойдирки, бу ғалати ҳолат унга ҳамроҳ. Ҳеч тинчлик бермайди.

Ҳар пайшанба оқшом шу аҳвол: ғалати ҳислар чулғайди уни. Бот-бот эшитган ва ўзи кўрган аламли воқеалар қайта-қайта кўз олдида жонланади. Уйқуси қочиб, тун бўйи бедор ўтиради. Атрофида аллақандай шарпалар кези-нади, таниш-нотаниш қиёфалар айланишади. Бу қиёфалар — марҳум қавму қариндошлари, пиру устозлари, укалари... Қани, бир оғиз чурқ этишса-чи?! Улар нимадан норози, нимадан безовта, тушларига бунча кўп киришади?.. Қани энди бу интиҳосиз саволларга бир оғизгина жавоб ололсаю кўнгли тинчи-са, азобдан қутулса. Қанийди...

Куз ёзнинг ёқасига ёпишди. Тун билан ёмғир қуйди. Ҳали сарғайиб улгур-маган, ёз бўйи чанг-чунгга беланган дарахтлар барги ёмғир сувига дилдираб чўмилди. Тоғдан ҳайқириб сел келди. Ҳовлилар сувга тўлиб, омонат гувала деворлар тап-тап қулади. Қаерга бош уришини билмаган сел қишлоқнинг бу бошидан кириб, нариги ёғидан чиққанча сойга тўш урди.

Шу кеч қишлоқ уйларидан бирига ўлим кўноқ бўлди: мактаб қоровули анчадан буён сариқ билан оғриган (табибнинг айтишича, жигари буткул сувга айланган) кенжасидан айрилди. Бечора қоровул тун бўйи йиғлаб чиқди.

Чошгоҳга бориб, уфқ чети йиртилди. Қўрқа-писа қуёш мўралади. Бирдан шамол туриб, энгил тортган булутларни қўярда-қўймай узоқ-узоқларга ҳай-даркан, тиниқ тортган осмон ҳам азага ҳамдарддек, кўм-кўк тўни устидан шошилиб белига беқасам қийиқча боғлади. Тушга яқин болани тупроқ бошига олиб чиқишди. Шунда ҳамма даҳшатдан анграиб қолди; қабристоннинг нақ ярмини кечаги сел ўпириб, сойликка оқизибди. Бу хунук хабар қишлоқ аҳлини илон бўлиб чақди. Ёшу қари гўристон олдига оқиб келишди. Эл қатори тупроқ бошига ҳовлиқиб чиққан Санобар ақлдан озаёзди: бошқа гўрлар қатори, эрининг ҳали тупроғи қуримаган қабридан ҳам ном-нишон ҳам қолмаган — сув опичлаб кетганди.

қишлоққа бало бралади. Қийличини қайраб қиш келасганига қарамай кимдир шаҳар марказига, яна кимдир қўшни қишлоқларга кўчиш тараддудига тушди. «Нахотки қарғиш теккан ер...» деб оқсоқоллар ёқа ушлашарди.

Икки ҳафта ичида қишлоқ ҳувиллади: бор-йўғи йигирма-ўттиз хонадон қолди, холос.

Эрининг ўлиmidан сўнг Санобар ўзини анча олдириб қўйди, озиб, кўзлари ич-ичига ботди. Акаси азбаройи ачинганидан уни етти-саккиз қир наридаги ўзи яшайдиган қишлоққа кўчиришга кўп уринди, аммо Санобар «Лоақал йили ўтсин...» деб унамади. Бу ҳодиса эса шўрликни тамом гангитди. Нималар бўляпти ўзи?! Буларнинг барчаси, назарида, қўрқинчли бир тушга ўхшарди. Аммо қанийди уйғонолса!.. Бу кўргуликларнинг бари ҳолва экан: уйида рўй берган воқеадан сўнг, кўчишга ўзи ошиқди.

Ҳали кун ботмаганди. Кўкдаги қорамтир булутлар кун бўйи томчилаёлмаганидан гўё хуноби ошиб, шамолга илҳақ турар, то уфққа қадар титилиб, биров омонлаб чиққандай палахса-палахса кўриниш олганди, кунботар тараф эса яп-янги кавуш ичидек қип-қизил уфқ қўйнида олтин уқадай ял-ял ёнаётган шафақлар бўлса ҳали-замон сўнажагидан беҳабар, хуснини кўз-кўз қилар, қишлоқнинг турли бурчакларидан чиққан ола-ғовур, даштдан қайтаётган моллар маъраши ва итлар ҳуришигина борлиқни бир маромда аллалаб борарди. Санобар эндигина ҳовли юзини супириб-сидириб, супага ўтганди. Дарвозадан бўйнини чўзиб «мў-мў...»лаб кириб келган сигирини оғилга етаклади. Боғлаб, олдига ўт ташлади. Челакни олди-да, изига қайтди. Говмишинг ҳусайни донасидай тирсиллаб турган елинига қўл чўзиб, ўтириб соға кетди. Негадир жонивор тек турмади. Безовталаниб, тап-тап ер тепиниб, «мў»лаб қўярди.

«Сув ичмадимикан?»» Подачи қурғурам ҳовуз бўйи билан ҳайдаб келса нима қиларкин», деди сув опкелатуриб. Аммо сигир бўйнини чўзиб челакни яримлатди-ю, тагин қилиғини бошлади.

— Шеҳ... ше-ше-е хонивор,— оёқларию бўйнини силаб эркалатди. Мулойим сўзлар ёққандай, сигир бирмунча тинчиди.

Санобар сутни амаллаб соғиб олди. Сигир ҳамон нимадандир безовталанарди. «Подачи қаттиқ урдимикин ё...» деб ўйлади. У ёқбу ёғини яхшилаб кўздан кечириб, сийпаб чиқди. Йўқ, из-пиз йўқ.

Челакни олганди, сигир қаттиқ мўъради. Санобар унинг кўзларидан оққан ёшни кўриб, ҳайрати ошди. «Менинг кетишимни истамаяпти, жонивор»... Яқин бориб сигирининг бўйнидан қучди, силади, сийпалади. Оғилдан чиқди. Уй-хаёли сигирида, уйга яқинлашаркан, олдиндаги шарпадан чўчиб ортга тисарилди. Супа лабига кўзи тушиб, тили айланмай қолди.

Йиртиқ уст-бошда, юз-кўзи қоп-қоралигидан вужуди писта-кўмирдай, беллидаги қизғиш белбоғига алламбалосини ўраб олган бир одам бошини эгган кўйи ўйга чўмиб турар, ёнида эса... ўзидан сўниб бораётган шам ёғдусидай хира ёруғлик таратиб, ўламсагина ит қимир этмай ўтирарди.

Санобар чўчиб, қўрққанидай кўксига кетма-кет туфлади. Ҳалиги одам миқ этмади. Ит эса бошини оҳиста буриб қаради. Шундагина у итнинг кўзлари ўрнида қони қотиб қолган ўйиқ кўз хонасини кўрди-ю, ҳушидан кетиб йиқилди.

Узига келганида, ҳовлига шомнинг зимистон зулмати чўккан, ёнида қизалоғи пиқ-пиқ йиғлаганча «ойи-ойи...»лаб уни туртар эди. «Роҳат... қизим», деди аранг тили калимага келиб. Бош кўтариб ҳалиги ерга қаради. Ҳеч нарса кўринмасди. Зўрға ўрнидан туриб, уй тарафга йўл олди. Четда ағанаб ётган челакни қизи олди. Супа яқинида бояги жойни четлаб ўтиб, уйга кирди.

Бир неча сониядан сўнг жон аччиғидаги қийқирик эшитилди. Санобарнинг ўнг билагада худди эрининг пешанасидаги каби қизғиш-кўкимтир тусда туёқ изи пайдо бўлганди.

## V

Уйдаги бор бисотни олиб чиқишди. Кийик шохини ҳам эшик тепасидан авайлабгина кўпориб олишди. Ҳовлидан чиққунча Санобарнинг кўзидан ёши тинмади. Рўзғор буюмлари орасидан шоҳ ҳам мунғайибгина жой олди.

Дарвоза қошида бир неча лақиқа туришди. Келинчаклик пойқадами теккан, қувонч-ташвиш тўла дамлари кечган уйни тарк этиш Санобарга қийин

Ортида тизғилиқ ака-укалари чурқ этмай уни ўз ҳолига қўйишди. Уларнинг ҳам ҳозир кўнгиллари чироқ ёқса ёришмасди. Хувиллаётган уй мисол, юраклар ҳам бўм-бўш...

Машина бўғиқ кўзгалди. Унқир-чўнқир нотекис кўчадан олд-кетини бура-бура секин юриб кетди. Кабинада ўтирган Санобар чақалоғини маҳкам бағрига босганча, сўнгги бор қадрдон уйига қаради. Юрагини алланима зирқиратиб юборди, дарвоза ёпиқ бўлса-да, пастак деволдан кўриниб турган айвон эшиги ланг очиқ турар, уй гўё кўлларини чўзиб «ташлаб кетмангла-ар», деяётгандай беун фарёд ураётганди...

Кунлар кетидан кунлар чопқиллаб ўтаверди. Бошга ёғилган у кулфату аламлар ёддан кўтарилди. Турмуш аввалгидек, изига тушди. Бир куни саҳар, Санобар билагидаги туёқ изининг аста-секин йўқолиб бораётганидан ўзида йўқ севинди.

Бир неча бор совчи келди. Акаси ўзи билади, деб елка қисарди. Аммо Санобар кўнмади. Икки норасида гўдагини бировларга хор қилдиришни истамади.

Йиллар ўтди.

Болалар вояга етди. Қизини узатди... Ўғлини уйлантирди. Орзуси-ку ушалди, лекин бир нарса уни адойи-тамом қилди: эри... бевақт хазон бўлган эрини эслайвериб, йиғлай-йиғлай қариди. Ортдаги унутилаёзган азоб-уқубатлар энди ўз кучини кўрсатди; тақдир чўлтоқ қалами билан пешанасига хўп чизиқ тортди, қора сочига чанг солиб оққа бўяди, куч-қувватдан айирди. Гулдек хушрўй жувон қариди-қолди.

## VI

Қишлоқнинг бир чеккасидаги — боғ ҳовлили, ойналари офтоб нурида биллурдай ярақлаб турадиган, томи тунукали данғиллама уй эгасини бу яқин атрофда ҳамма танийди. Негаки, қишлоқ хонадонларининг чиройли қилиб қурилган айвонлари, чўпқори уйлари бошқа усталар қўлидан чиққан иморатларга қараганда савлатлироқ кўринади ва мабодо суриштирилса, бу қулинг ўргилсин уйларини Уста Сами қурган бўлиб чиқади. Ҳар-ҳар ерда ўғли ҳақида яхши гап эшитса, Санобар кампирнинг боши осмонга етади. Бугун ҳам шундай бўлди. Қизининг кенжатой ўғли — Дилёрнинг тўйига тараддуд кўришаётиб, қуда тарафдан келган аёллар ўз маҳаллаларида Уста куни кеча битказган иморат айвонини оғизларидан бол томиб бирам мақташдики, кампирнинг мижжалари намланди.

Тўйолди расм-русмининг сўнггиси ҳам тугади. Қиз тарафга икки бор ош қилинса, бас. Насиб этса, ёзда тўй...

Қудалар кузатилди. Қарнидош-уруғлар тарқалишди. Кампир ўғлининг нима сабабдан қудаларни ташлаб чиқиб келганини тушунолмади. Устаям опасининг ҳай-ҳайлашига қарамай йўқлаб келган киши билан бирга «Ҳозир... ҳозир, тезда келаман» деганча, шоша-пиша чиқиб кетгани. Мана, ҳалигача дараги йўқ. Ишқилиб, қудалар оғринган бўлишмасин. Тўй яқин ахир, икки ой нима, ана-мана дегунча ўтади-да! Ичиди андак койиниб, устанинг ўғилчаси Шамсиддинни етаклаб уйга қайтди. Шамсиддин ҳам эрталаб бувиси билан аммасиникига келган, югуриб, ўйнаб яп-янги устбошини кир қилганди. Бунинг устига, кўйлагининг бир тугмаси узилиб тушиб йўқолди, энди ойисига нима баҳона қилишини ўйлаб, жимгина боряпти.

Ҳовли сув қуйгандек жим-жит. Ора-сира дарвозахона бўғотидаги мусича кукулайди. Супа яқинида донлаб юрган товуклар бу овозга анграйганнамо қулоқ тутишади-ю, тағин емиш излаб кетишади. Ошхона ёқдан аҳён-аҳёнда коса-товоқ тақиллаши таралиб қолади: келини катта қизчаси билан кечки овқат тараддудига. Кампир уй томон бурилди. Дарвозахонадан уйга довур торгина семонланган йўлак борган. Шу йўлак билан юрилиб, тош зина бир-бир босиб ўтилса, қўштавақали эшикдан ичкари кирилади. Сўнгра икки тарафга йўл солинади: бири чапга — меҳмонхона томонга бўлса, иккинчиси кунда неча бор кириб-чиқиб туриладиган хоналарга.

Кампир айвон ичига оёқ босаркан, меҳмонхонанинг очиқ эшигига кўзи

тўнтариғлик.

— Сен жўра, ҳаддингдан ошяпсан. Йигирма куб бўйнингда, тамом. Тўлайсан, майли, кейингиларини ҳисобга олмаймиз.

— Олтин, эсингни йиғ, тепамизда худо бор-а...

Кампир ҳушёр тортиб туриб қолди.

— Ҳай, тунов кунги ўтиришдан мени уйга сен оборгандинг. Шундайми?.. Кайф билан бўлиб, камзулимни мотоциклингда қолдирибман. Киссасида пули бор эди: уч минг... Утиришдагилар шоҳид бунга... Ҳа, отангга раҳмат! Эртамнан камзулни уйга юбортирибсан, бунисигаям раҳмату... лекин пулдан бор-йўғи уч юз сўм қопти! Худо ҳаққи-е!

— Камзулингни киссасига қўл суққан бўлсам, эркакмасман, Олтин! Ўзимам уйга қандай кеб ётганимни билмайман, ахир. Наҳотки, мендан шубҳалансанг, ишонмасанг? Мени биласан-ку, Олтин!

— Биз бошқасини билмаймиз, жўра,— дўриллаган овоз қўшилди орага,— олти ярим мингни тўлашинг керак.

— Қанақасига олти ярим?! Олган бўлсам майлийди. Эр кишига бу иш ярашмайди, Бўта. Тухмат бари... Эҳ, бир бечорани ёнини олганим учун кетларинг куйяпти-я! Билдим-билдим...

— Сен ўзинг тўдамизга қўшилувдинг. Тўғрими? Ҳеч ким мажбур қилмаганди. Қасамни буздингми, энди ўзингдан кўр, ошна. Кетдик. Омин.

Ичкаридан чиққан одам қассоб Олтинжамол бўлди. Ортидагисини кампир танимади. Тамом нотаниш. Қассоб кампирни кўриб шошиб қолди. Салом бериб ҳол-аҳвол сўрашди-ю, бит кўзларини опқочди. Шериги қарамадиям. Иккови ҳовлидан тез чиқиб кетишди.

Кампир секин юриб меҳмонхона эшиги қошига келди.

Ичкарида — кўрпача устида ўғли ўтирибди. Боши хам. Кўзлари бир нуқтага тикилган кўйи қотган, ниманидир ўйлаяпти.

— Ҳа, болам, тинчликми?

Уста чўчиб қаради. Онасини кўриб, хиёл жилмайиб қўйди.

— Тинчлик, ойи... Тинчлик.

— Меҳмонлар нимага бунақа қилишди?

— Ойи... яхшиси, менинг ишимга аралашманг,— у зарда билан ўрнидан турди. Ташқарига чиқди. Авзойи бузуқ, кўзлари ғазабдан қаҳрли тусга кирган, кафтларида гўё нимадир бордай, қаттиқ қисиб олган эди.

Кампирнинг кўнгли оғринса-да, индамади. Ўзига ўзи таскин берди: «Тўғри-да... Эркак кишининг ишига аралашмаган маъқул». Шу ўй билан ўзини овутиб, ичкарига йўл олди.

## VII

Эҳ, қардонларим, нега бир-биримизни авайлаб асрамаймиз-а?!.

Нега ёвузлик, адовату кин кўп ин қўяди юракка?

Наҳотки, гуноҳ деганлари шунчалар тотлик, ширин бўлса?..

Эрта-индин мен билан сени нималар кутяпти, биродар, бу — бизга қоронғи, шундай экан, кел, вақт борида эзгу ишларга қўл урайлик, ўксик кўнгилларни шод айлайлик, ҳеч бўлмаганда... ҳеч бўлмаганда бировга ёмонлик тиламайлик, азизим!..

Нафсига қўл ғофил бандалар бунчалар кўп?.. Улар чини билан қуртга ўхшайдилар. Ипак қурти ҳам еб-еб «ажабо, ҳаёт деганлари шу экан, ғаниматлигида еб қол экан», деб ширин уйқуга кетармиш. Ҳолбуки, ҳали қуртнинг капалак бўлиб кафанлигидан учиб чиқмоғи бор, ахир, қайта тирилмоғи бор!

Офтоб ғилдираб, кунботардаги қиррадор чўққили тоғларга етди, гўёки фалак боғидан айна ширага тўлиб ёрилай деб тирсиллаб турган анор узилиб тушдию арратиш чўққиларга санчилди. Тирқираб отилган шарбат кунботарни бўяди. Уфқ ҳам шошилиб бу тотлик шарбатга лаб тутди, ҳузурланиб обдон симирди-ю, бир фасл гул-гул яшнади, сўнг оғуланган каби туси ўзгарди, қорая бошлади.

Шамсиддин кунботардан кўз узмай бузоғини ҳайдаб ҳалигина ял-ял ёнган

шафакларнинг сўнишини томоша қилиб келаркан, хаёлини элас-элас эшитилаётган ажиб бир куй — оҳанг бўлди. Бу овоз эди. У тобора аниқроқ эшитилар, юравергани сайин худди унга пешвоз чиқадигандай туюларди.

Сирли овоз аниқ-тиниқ эшитилаётган ерга келгач, тўхтади. Тепага — қиягина очик дараचाга кўз тикди. Худди шу ердан хуш бир оҳангга қоришиб товуш чиқарди. Қизиқ, шунча ўтиб юриб ҳеч эшитмаган экан-а, манави дарчанинг очилганини ҳам эсини танибдики, энди кўряпти чоғи... Бузоқчасининг кўча муюлишида уйлари томон бурилишига кўзи етиб, дарча остига яқин борди. Қандай сеҳрли овоз... бунчалар оҳангдор, бунчалар хушёқар. Тушуниксиз — бошқача тилда янграётган бу ширадор товуш бирам чиройли эшитилардики, у сеҳрланиб қимирлаёлмай қолди. Бу уй шайх Имомиддин қориники эканлигини билади, лекин ўтган ҳафта худойи қилишганда чақирилган мулла бундай ўкимаганди-ку?

Қоронғулик чўккан.

Кўчада ҳеч ким кўринмайди, пода ҳам аллақачонлар тарқаган. Сокин, зим-зиё тун қучоғидаги мана шу сарғиш нур ёғилиб турган кичкина дарчадан ҳамон бир нафис овоз куй мисол маҳзун эшилиб оқади, қуйида эса унга маҳлиё бўлиб мурғаккина бола ўлтирибди. Овоз-ку тинадиганга ўхшамас, аммо бола ҳам кетишга ошиқмас, йўл четидаги дўнглик устида ўтириб, берилиб тингларди.

Бир пайт «Шамсид-ди-ин!» деган чақирик эшитилдию хаёли бўлинди. Шошиб овоз келган ёққа қаради. Хув кўча бошида — симёғоч чироғи ёруғи остида опасини кўрдию кўзғалди. Энди шошилмай, ортига қарай-қарай, истаристамас одимлаб кетди.

— Ҳа, болам, гўсаланг келгани қачонийди, қоронғида қолмай келавермапсан-да?.. Узи ана шундай келар энди, ўрганибди чоғи... — деди ойиси, опаси уни бошлаб кирганда.

Бутун оила аъзолари дастурхон атрофига йиғилишган, кечки овқатнинг тортилишини кутишар, фақат дадаси кўринмасди. Бувисининг ёнига бориб тизланди-да, бироздан сўнг чордана қуриб ўтириб олди.

Ҳаял ўтмай дадаси кириб келди. Унинг ким биландир қаттиқ тортишгани авзойидан билиниб турар, аммо сездирмасликка уринарди. Овқатдан кейин мазаси қочди. Кўзлари қизариниб, иситмаси кўтарилди.

— Йўқ, осонликча берадиган аҳмоқ йўқ, — деб ҳадеб бир гапни қайтарарди. Ухлагач, тинчиди. Бироқ уйқусидаям бир неча бор алаҳсиради. Дадаси ҳар алаҳсираганда унинг хаёли тўзиб, чўчиб тушар, аммо кўп ўтмай яна ўша бояги овоз ҳақида ўйлаб кетар, назарида овоз шундоққина қулоғи остида ҳамон жаранглаётгандек туюларди, лекин яхшилаб қулоқ тутса, пишиллаб беозор ухлашлару тун жимжитлигидан бошқа ҳеч нарсани эшитмасди. Эртага, албатта, тағин ўша ерга боришни кўнглидан ўтказдию хотиржам уйқуга кетди...

Уста эрталаб хуш кайфиятда уйғонди. Бундан кампирнинг дили ёришди, уйдагиларнинг кўнгли жойига тушди. Оила аъзолари йиғилишиб, ҳар кунгидек биргалашиб чой ичишди.

Кун бўйи уста ҳовлидан ҳеч қаёққа жилмади. Молхона эшигининг синиб қолган ошиқ-мошиғини янгилади. Бир қайта бутун ҳовлини кўздан кечириб чиқди. Сўнг:

— Раъно, — деди хотинига, — қишга ўтинни кўпроқ ғамлаш керак экан. Кўнглим тўлмади кўмирингдан...

Бошқа гапирмади. Хотинини ҳайрон қолдириб, мотоцикли ёнига борди. Ювиб, артиб, ярқиратди. Ундан сўнг онасининг олдига кирди. Узоқ гаплашиб ўтиришди. Кампир кечаги можарони сўрашдан зўрға ўзини тийди. Нима қилади бечорани қийнаб, ўзининг ташвиши ўзига-да!

Ҳали кун ботмай, уста ювиниб олди. Кийинди. Қаёққадир чоғлана бошлади.

— Бугун Ҳалимжоннинг тўйи. Узи кеб-кетувди. Бормасам бўлмайди, — деди.

Кампир шундагина бу тараддуд сабабини билди.

— Болам, ке, қўй шу тўйини. Бормай қўяқол, — деди илтижоли оҳангда, ташвишланиб. Нимагадир ранги ўчиб, ўғлига термулиб боқди, — мазанг йўқ, дамингни ол... эртага иш кунинг. Кеча тушимга раҳматли отанг кирди. Қонга

беланган кийилкларми-ей аиланишди бошимда... Отанг кузида еш, туринг нурга тўлгур, индамайди, бир тепаликдан қараб турибди. Кўнглим алағда... Узоқ йўл, жон болам.

— Ойи, дўстимнинг тўйи. Уни мендан кўра яхши биласиз-ку! Биздай бир бечора. Не орзу-умид билан қилаётган тўйига айтса-ю, бормасам, бундоқ хизмат қилмасам, уятмасми? Бир умр хафа бўлади-я!.. Бораману қайтаман, ойи.

— Майли, болам. Узинг биласан. Айтдим-қўйдим-да... ишқилиб омон бўл. Ёз маҳали офтоб қийналиб ботади. Кунботар қучоғида туриб-туриб, бирдан яширинади. Шунда ҳам офтобни қўйнига олмадек солиб олганидан алла-маҳалгача уфқ ёноғи уятдан қип-қизариб туради, сўнгина борлиқни зулмат чулғайди.

Қишлоқда тўй бўлса, тўйхонани топишдан осони йўқ. Узоқдан билина қолади, қайсики, қишлоқ бурчидан осмонга нур чиқиб турса, ўша ер тўйхонада. Устига-устак, ноғораю доира жўровоз бўлиб, сизни шу ёққа етаклайди.

Уста тўйхонага кириб келганида тўй авжида, доиранинг шодон така-туми, ҳофиз боланинг ширали овозидан ёшлар йўрғалаб ўйин тушишарди. Ҳамма ёқни ғала-ғовур, кулги, бақириқ-чақириққа қоришиқ товушлар босиб кетганди. Дўстини топиб тўй билан қутлади, тўёна қўшди, дарров хизмат қилишга киришди. Кабобни пишириб, дастурхонга тортишда ёрдамлашди. Нима ҳам бўлиб, Олтину Бўталарга кўзи тушди: беш-олтови. Кўнгли ниманидир сезди чоғи, юраги орқасига тортди. Улар ҳам кўришди, лекин кўрмаганга олишди. Узига кўз-қулоқ бўлиб турувчи қўйишганини уста хаёлига ҳам келтирмади.

Дўстини топиб, «қайтаман»га тушди. Кайфи ошган тўйчи «йўқ-йўқ, мен билан ичмадинг...» деб, кўнмай туриб олди. Икков қадаҳ уриштиришди. Бара-варига кўтаришди. Газагига пишган гўшту тарвуз... Сўнгина хайр-хўшлашишди.

Уста тўйхонага чиқиб, шоша-пиша «Урал»ни ўт олди. Катта йўлга чиқ-қач, бир-икки ортига қаради: ҳеч нарса кўринмайди. Енгил тортди.

Эҳ, одам боласи бунчалар тубанлашмаса, ахир кечагина бу номардлар Ҳалимни чув туширишмоқчи эди-ку?! Ҳа, у халал берди. Ҳақ гапи олдида тилларини тишлашди. Бугун эса уялмай яна камбағалнинг тўйида, тўрда ўтиришларини қара?.. Жин урсин буларнинг барини, ўша кеч қайси бири пулни ўмардийкин? Қизик, йигирма куб-а? Қачон бунча тахтага қўл қўйган экан? Тавба... Ҳа-а, булардан қутилиш қийин, аммо чучварани хом санашибди. Мана шуларни ўйлаб бораркан, уста кулумсиради: ёш боладай алданар деб ўйлашган-да, ҳойнаҳой...

Осмон этагида бирам юлдуз кўпки, улар орасида — тиллақўнғиз босган кўк полизида узилмай қолган, у ер-бу ерига нам тупроқ ёпишган босволдидай биргина ой ёлғиз... Йўл четлари шувоқзор. Қаққайиб турган симёғочлар бир-бирининг елкасига қўл ташлаб, бошлари оққан ёққа қараб тизилишган.

Ҳадемай устига юлдуз тўкилган қишлоқ кўринди. Порлаб турган чироқлар олисдан нақадар фусункор!

Кўққисдан бир енгил машина уни қувиб етди. «Тўхта!» дегандай устма-уст сигнал берди. Уста ўзини билмаганга олди. Тезликни ошириб узоқлашди. Машина ёни билан келиб, мотоцикл биқинига қаттиқ туртди. Уста ўйнаб кетган рулни бошқаролмади. Мотоцикл йўлдан чиқиб, пастга шўнғиркан, уни бир четга итқитди. Ерга урилганида қўли қайрилиб, икки-уч юмалади. Боши айла-ниб, зўрға ўрнидан турди. Бурнидан қон келди. Нарироқда ағдарилиб ётган мотоциклини илғаб, гандираклаб шу ёққа юрди.

Бирдан қаршисидан уч киши чиқди. Бири қўлидан ушлаганди, силтаб ташлади-ю, тепки зарбидан ерпарчин қулади. Димоғига шувоқнинг ўткир ҳиди урилди. Тепасига кимдир оғзидан бадбўй ароқ исини уфуриб энгашди. Туришга уринганди, ерга босишди.

— Оғзига қуй! — дўриллаган овоз эшитилди қоронғулик қўйнидан.

Биров иягидан тутди, бошқа бири шиша учини тикди. Ароқ қултиллаб оғзини тўлдирди. Томоғига тикилиб, нафаси қайтди.

— Бўлди. Қорнига ур!.. Қорнига урсанг-чи, қисталоқ!

У ҳўшдан кетаётиб, қорнига тушган чўяндек оғир мушт зарбини сезмади, яна тупроққа беланган қўл билан оғзини йириб очиб, тилини ушлаб бураётганларини ҳам сезмади...

Уч кечаю кундуз кутишди, уста ўзига келмади. Учунчи куни сахар чо-



ғи... узилди. Касалхонадан ўғлининг ўлиги қайтганида, кампир ақлу ҳушидан айрилаёзди. Фарёд уриб сочларини юлиб, ер муштраб қолаверди. Дўхтирлар: «Ичкилик... бошига етган», дейишдан нарига ўтишмади. Улик эса муҳим бир сирни яширганча, кўкариғлик тилини маҳкам тишлаб ётарди...

Бу дашту биёбон бепоён. Унинг беҳудуд қўйни сир-асрорга тўла, одам боласи бу тилсим олдида ҳамиша ожиз бўлиб келган. Сертупроқ, дашт йўлларида из дегани қўй-қўзи қумалоғидай сон-саноқсиз. Абри найсон сувидану кучоққа сизмас арқондай қуюнлар дастидан омон қолган ҳар қандай изни бузарган осмон бирпасда қорға кўмади-қўяди...

## VIII

«Бечора, лоақал фарзандларини уйли-жойли қилолмай кетди-я».

«Қўли гул эди худо раҳмат қилгурнинг...»

«Ўзи, бу қўтир дунёда яхшига кун йўқ экан-да...»

Одамлар шу тариқа куйиниб қолаверишди. Дадасидан айрилгач, Шамсиддин ҳам ҳар соатда юм-юм йиғлашга тушар, аммо шомда эшитилган ўша сирли овоз ҳаёлига шунчалик қаттиқ ўрнашгандики, пода йўлига чиқди дегунча кўз ёшларини ичига ютар, сигир-бузоғини ҳайдаб қайтаётганида, ўша таниш дарчадан чиқадиган маҳзун тиловатга қулоқ солар, сабр-тоқати етгунча тинглар, сўнг ўз-ўзидан бўғзига ёш қадалиб, уйга шошиларди.

Ҳаммадан ҳам Санобар кампирга қийин бўлди: бу кўргуликни кўтаролмай кўзлари ич-ичига ботиб, мияси айниб, эси кирди-чиқди бўлиб қолди. Шўрлик офтоб ботмай қабристонда кўринар, юлдуз чиққунча қабрлар атрофида ивирсир, мачит олдидаги тошҳовузчадан инқиллаб челақлаб сув ташиб, ўғлининг гўри атрофига обдон сув сепар, сўнг йиғлаб нола қилганча, гўрни кучоқлаб ўтирарди.

Бора-бора ҳар куни қабристонга борадиган одат чиқарди.

Бечора юрганда ҳар йигирма-ўттиз қадамда ерга чўқар, нафас ростлаб кўчада қий-чув кўтариб, югургилаб юрган болаларга бироз тикилиб турарди-да, кўзғолиб букчайганда тағин гўристонга ошиқарди.

Ўғлининг қирқи ўтгандан кейин қизи келин туширди. Аммо кампирга тўй татимади, бемажолу беҳол, бир чеккагинада ўтириб миқ этмай тўйни ўтказди. Гўё унинг руҳига нуруний кексаликнинг улуғвор бир хотиржамлиги инди: маъюс, ўйчан тортиб қолди. Кўпларнинг назарида, бечора бу оғир йўқотишга ғўникди. Хайрият, ўзига келди. Тақдир экан, кўникмай илож қанча!..

Шу ҳафта ичи келинсалом чақирилди.

Янгалар энг аввал ёши улуғлиги учун куёвнинг момоси Санобар кампирни кига киришди. Келинчак... Бошида гулдор нафис рўмоли, олмос ип қўшиб тикилган кўйлақларию хушбичим ковушлари ўзига бирам ярашганки...

Кампир невараси етовида уйдан чиқиши билан келинчак саломга эгилди. Янганинг жарангдор овози ҳовли саҳнини тутди:

— Ассалому алайкум, келин-сало-о-ом...

Шунда ҳамма ҳайратдан ёқа ушлади: кампир кўзларини катта очиб, хиёл олдинга талпинди, атрофдагиларга бир-бир қараб, келинчакка киприк қоқмай тикилди, олдида ким турганини ва нималар бўлаётганига ақли етмади чоғи.

Келинчак бечора қўрқиб ортга тисарилди, сесканиб тушишидан қўлидан тутиб турган янганинг ҳам баданида қумурсқа ўрмалагандай бўлди.

Шу кеч уйқуга кетгунча кампир кўп безовталанди. Кўп чанқади. «Болам...» лаб йиғлади. Уйдагиларнинг дилини хуфтон қилиб, кўзи илинди.

Ярим тунда устанинг аёли беҳос йиғи аралаш шивир-шивирдан уйғонди. Ёстиқдан бош кўтариб, уйқули кўзларини ишқалаб атрофга қаради. Овоз дераза тарафдан келарди: кампир дераза олдида тиззалаган кўйи йиғламсираб гапирарди.

— Ўзингмисан, жоним болам... Айланиб кетай. Сен кирган ергинага мен кирсам бўлмасмиди, болажоним.

Раёно опа кўксига секин туф-туфлади. Аста ўрнидан турди.

Хона қоронғи эса-да, шарпани кўз илғайди. Жимликни йиғи товуши бузади.

— Сен ҳар кеча келаркансан-ку, болам. Билмабман-а... Кечир мени, жоним болам, кечир...

Раъно опа тавуш чиқармай юриб, яқин борди. Кампир уни сезмади. Энгашиб қайнонаси кўз тикиб турган ерга қаради: оппоққина сочиқ каби ҳарир ой нури ёзиғлиқ дераза рафидаги миттигина оқиш капалакка кўзи тушиб, юраги орқасига тортди. Кампир гапираркан, капалак маъқуллаётгандек нозик қанотчаларини пирпиратиб, гоҳида эса, кўз зўрға илғағудай олд оёқчаларини қимирлатиб кўярди.

— ... улар ҳам худди сендай келиб-кетишарди. Кейин кўринмай қолишди. Пешонам бунчалар шўр бўлмасе... Беш ўлик кўмдим: отам, онам, бир укам, эрим... Бу айрилиқлар етмасмидики, сенам мени ташлаб кетдинг, болажоним. Бу қандай дунё эканки, ажали қурғур мени қўйиб сенга чанг солса... Адои тамом бўлдим-ку, жоним болам...

Ортида кимдир пиқиллаб йиғлаб юбордию, кампир чўчиб тушди.

— Вой, она қизим, — деди шошиб ўгирилиб келинини кўриб, — йиғламагин-а, гуноҳ бўлади... биз она-бола дардлашаяпмиз. Қарагин-а, худди ўзи — мўйлови, очиқ чеҳраси, ҳаммаси боламники-я!.. Яқинроқ кел, бир қара!

Раъно опа боз ўша ерга қаради ва икковлари ҳам ҳайратдан донг қотишди: ҳозиргина қанотчаларини қоқиб турган митти капалак йўқ — учиб кетганди. Бирдан зарб егандай қарсиллаб деразанинг бир кўзи чил-чил синиб тушди. Келиннинг юраги юрилаёзди, додлаб ортга тирасилди. Кампир:

— Бола-м-мм...— деб ингроқ товуш чиқарди-ю, жимиб ёнбошига хушсиз йиқилди.

Юракни тилгундай йиғи уйни тутди...

Эртасига субҳидамда марҳум уста Саминнинг ҳовлисидан чиққан фарёд қишлоқ аҳлини яна жанозага чорлади. Куни кеча тўй тантанасидан маст одамлар энди эгниларига кўк кийишди, куёвлик сарупосидаги Дилёр чопону белбоғда, бошига бошқа дўппи кўндирди. Ер тағин бир кишини авайлабгина бағрига олди, жимжит қабристоннинг чўккан қабрлари аро яна бир гўр мунгли дўппайди...

## IX

Бугун пода даштдан барвақт қайтди. Офтоб эндигина кунботарга ёнбошлаган: уфқ қизариниб келяпти. Шамсиддин сигиру бузоғини ҳайдаб, шайх Имомиддиннинг ҳовлиси олдидан ўтаркан, тўхтаб қулоқ тутди. Ҳеч қандай овоз эшитилмайди. Дарча ҳам ёпиқ — унда куёшнинг ҳали замон ўчадиган бир тутам сарғиш шуъласи ўйнаяпти. Фақат кўчада ғала-ғовур: кета-кетгунча бетартиб тизилишган говмишлар, бузоқлар мўъраши қулоққа чалинади. У сигири билан бузоғининг ортидан ошиқди. Сигири жонивор бирам мулойим, серсут, уни уйда ҳаммалари яхши кўришади, ҳатто рангларигача мақтаб «кўз тегмасин, зотига тортган», дейишади. Келаси йил, албатта, ундан зот олиб қолишмоқчи. Бир айби — кимга ўрганса, ўшандан бошқа ҳеч кимга соғдирмаслиги. Онасининг қўли елинига тегиши билан жонивор дарров тинчийди.

— Ойи, сигирлар келди,— деб қичқирди у ҳовлига киратуриб.

Онаси ўчоқ бошида, ёғ чучитяпти. Ҳовлига оқшом кўланкаси тушмоқда. Уфқ ҳам баайни ловуллаб ёнаётган ўчоқ тусига кирган. Ланғиллаган чўғ каби шафақлар ёлқини кунботарни тутган. Ўчоқ ўти гуриллаб ёнмоқда. Ташлаб турилган ўтин ўтнинг вазоҳатини кучайтиради, бу билан гўё у кунботарга ўчакишиб, бутун ҳовлию осмонни тутмоқ умидида чиранаётгандек.

— Нилу, қизим, сигирларингни боғлай қол,— қўлида чўмич, ёғни шопираётган Раъно опа ошхона ёқдан қизини чақирди,— қоронғига қолмай келди, жониворлар, яхши бўлди. Ҳозир бориб соғаман.

— Ойи,— деди югуриб келган Шамсиддин,— ие... пиёз солмадингизми, нон-чи?..

— Оббо, сен-эй, майли болам,.. унутаёзибман-а, майли, икки-учта пиёз тозалаб сол, кеча ёпилган нондан ҳам кўп эмас — икки жуфтгина сол. Юмшоққина, яхши шимийди. Қайтанга ёғ совуйди, молларга қараб кеб... сўнг оларман.

Ичкаридан пиёз ва нон олиб, Шамсиддин ўчоқ бошига қайтди. Хаёли тағин ёпиқ дарчага кетди.

— Нега ёпилиб қолди экан, овоз эшитилмаяпти,— деди у товушини чиқариб ўзига-ўзи вало ўчоқ ўтига қаради. Чўғи ланғиллайди, олови сўняпти. Оёқ

остидаги майда-ўтин-хасларни утга ташлади. Сўнг «Бу нима бўлади...» деди-ю, ўтиннинг ҳаммасини солди. У чирсиллаб хиёл тутадию ёна бошлади. Шамсиддин нону пиёзни қозонга солгани ҳаракатланганини билади, олов зўрлигидан буралиб-буралиб тутуни чиқаётган қозондаги ёғ бирдан... «гуп» этиб ўт олди. Шамсиддин кўрқиб ортга тисарилди, шу қадар ўзини йўқотдики, юришга ўзида на куч ва на журъат тополди, нима қилишни ҳам билмай жойида қотди. Бирдан шабада эсиб олов учқунларини нарироқдаги — тандиру эшик яқинидаги шувоқ ғарамига урди. Қуруқ ўтинга ўт югургилаб, аланга эшик олдини тўсди-қўйди. Буларнинг барчаси бир зумда — Шамсиддин то кўрқувдан ўзига келгунча, кўз очиб юмгунча рўй бера қолди.

Нафаси ичига тушган Шамсиддин зўрға «Ойи-и!..» деб қичқирди-ю, баттар бурчакка тисарилди.

Дугонасига сўраган дарслигини бериб кўчадан қайтган Нилуфар туйқус алангани кўриб, ҳуши бошидан учди. Гарангсиб турдида, сўнг:

— Ой-йи-и!..— деб қичқирганча молхона тарафга чопди.

— Вой-дод! Ёрдам беринглар!.. Ўт кетди! Вой-дод!

Аёл дод-фарёдига одам тез тўпланди: кўчадагилар югуриб келишди, қўни-қўшнилари девордан сакраб ўтишди. Йиғилганлар шоша-пиша қўшнинг қудуғидан сув олиб, алангага сепа бошлади. Кун бўйи офтоб тигида қизиган вассалару устунлар зўр бериб ёнмоққа тушган, қоп-қора тутун буралиб кўкка ўрлар, тандирхона қип-қизил ўт ичида қолганди.

Шу пайт «Ой-йи!» деган қичқириқ яна бир қарра эшитилди. Шундагина одамлар ичкарида одам борлигини билиб, саросимага тушишди. Сув сепишга зўр беришди.

— Вой болам,— юракни эзгудек фарёд ҳовлини тутди,— болам қопти. Войдо-од!

Оловга қараб югурган Раъно опани зўрға тутиб қолишди. У йиғлар, тирпирчилар, дод дер, икки кўзи ўтда, қўлларини чўзиб жон ҳолатда шу ёққа талпинарди.

— Эй худо, менда нима қасдинг бор эди, нима ёмонлик қилувдим сенга... Шунча солган кулфатинг каммиди?.. Қўйвор, болам куйди! Вой бола-ам...

Қарсиллаб товуш чиқди-ю, том ёғочлари синиб тушадигандай лопиллади. Барчанинг юраги орқага тортиб, шашти қайтди, иложсиз кўзларини жовдиратиб, оловга тикилиб қолишди.

Раъно опа «Бола-а-мм...» деб инграндию ўзидан кетди.

Келтириляётган сувни пайдар-пай сепиб турган кишининг сабри чидамай, шошиб-пишиб ўз устига уч-тўрт челак сув қўйдирди-да, юзини чопони этаги билан тўсиб аланга ичига отилди. Ҳамма жим бўлиб, турган жойида қотди... Озгина фурсат ўтиб болани бағрига босганча югуриб чиқди. Одамлар ҳовлиқиб уни ўраб олишди. Шунда ҳамма ҳайратдан ёқа ушлади: дағ-дағ титраётган, кўзлари жиққа ёш боланинг бирон ери куйиш у ёқда турсин, ақалли кийимига ҳам учқун учмаган, ранги оқаринқираган-у, ўзи ҳаракатсиз эди.

Ўтти ўчиришиб уй-уйларига тарқалишаркан, бу ғаройиб воқеадан ҳаммалари таажжубда эдилар. «Минг қилсаям бегуноҳ-да бола... бегуноҳ», дерди барча бир-бирининг гапини маъқуллаб. Болани ўт ичидан олиб чиққан Раҳмат тракторчи куйган ерларини кўрсатиб, кейинчалик ҳам узоқ гапириб юридики, «биродарлар, бунақасини ёшим элликка етиб мана энди кўришим-ей! Худоё тавба!.. Пайпаслаб-пайпаслаб бурчакдан топиб ташқарига обчиққунимча қарахт, муздай эди, сўнг бирпасда баданлари бўшашиб, ўзгарди, бошқача бўлди. Рости-эй... мен-ку ёниб кетаёздим-а, буни битта мўйиям куймабди-я! Ё қудратингдан! Ҳа-а, бу болада бир хислат борга ўхшайди».

## Х

«Нега анчадан бери овоз эшитилмаяпти?.. Айтадиган киши уйда йўқми ё?..» у жўраси билан пиёладаги унни хамир қилиб, варрак қоғозига қамиш поясини ёпиштираркан, тинмай шу ҳақда ўйларди.

— Болам бечора қаттиқ кўрқдимикин дейман, ўзгариб қолди. Кечалари кўзи илинар-илинмас туриб ўтиради. Гапираман, миқ этса-чи. Ўзимам нима

қилишимни билмай ҳайронман, опа, кўрқяпман,— онаси супада, товушини пастлатиб, қувга чиққан қўшни аёл билан гаплашарди.

— Қўшни, болангизни бир ўқитинг, ёш ахир, кўрққан... Каттарганда сизни қийнаб қўйиши мумкин. Ҳа, шундай қилинг, айланай. Ўзингизни жуда олдириб қўйибсиз-а. Қўйинг, кўп куйинаверманг, бўлар иш бўлди, бунақа фалокат ҳар рўзгорнинг бошида бор. Келган бало ишқилиб шунга урган бўлсин...— болаларга қараб, шошиб гапида давом этди,— яхшиси Имомиддин қорига элта қолинг. Нафаслари бирам ўткир. Ҳам яқин.

— Опа, у киши ҳақида ҳалигача гап тарқатишади-я!

Қўшни аёл бирдан жимиди. Кўнгли оғринса-да, сездирмади.

— Эшон бобони шундай деганларнинг... ўзлари шунақа,— яна чехрасига илиқлик югурди,— мана, мени айтди, дерсиз, болангиз ҳеч нарса кўрмагандай бўп кетади.

Раъно опа «Билмасам, ишқилиб айтганингиз келсин», деб қўйди-ю, қайтанга маъюс тортди.

— Майли, яхши қолинг, айланай... Албатта, шундай қилинг. Вой ўлмасам, эсим кўрсин, ошхона очик, қатиқ-тоғора ерда эди, товуқлар кирган бўлса-я?! — Қўшни аёл қувини кўтариб, шошиб чиқиб кетди.

Раъно опа унинг дили оғринганини сезмади. Ўзи билан опа-сингилдек бу жон қўшнисининг шайх авлодидан эканлигини бошқа қишлоқдан келин бўлиб тушган оддий жувозчининг соддагина ишонувчан қизи қаёқдан ҳам билсин?! У ҳовли четида — гулини тўкаётган ўрик остида ўйнаб ўтирган болаларга қаради. Ўғлини кузатаркан, бу гаплардан кўнгли кўтарилди, ичи андак ёришди, умидланиб ичкарига йўналди.

Эртасига чошгоҳда дастурхон ясатиб, ўғлини етаклаб йўлга чиқди. Булоқбошига элтадиган йўлда ўғлида ўзгариш сезиб ҳайратланди. Эшонбобо дарвозаларига етганда бу ўзгариш фавқулодда зўрайди. Боласининг хаёлчанлиги йўқолди, кўзлари чақнай бошлади, қўлининг иссиғи онасига ҳам ўтди. Онанинг кўнглига баттар ғулғула тушди.

Шайх айвон супаси олдидан шилдираб оқаётган зилол ариқ сувига термулиб, ўйга чўмиб турган паллада улар ичкарига кириб боришди. Берилган саломга алик олиб, сўрига ўтиришга манзират қиларкан, кўзлари порлаб ўзига қараётган болага назар солиб, шайх ҳам сергак тортди: назарида, у бу мунглик нигоҳга олдин ҳам рўбарў келгандай. Аммо қачон? Қаерда?.. Йўқ, эслолмади, хотираси панд берди. Демак, қарияпти, қарипти. Умр ҳам поёнига етибди чоғи... Етибди нимаси, юздан ошди-ю, ҳаётдан яна нима илинжи бор? Бу қувваи ҳофиза, бу тоза юрак ва ақл унга керагича холис хизмат қилди-ку! Яна нимадан умидвор бўлиши керак!?

— Хуш келибсиз, болам,— дея мулойим товушда сўз қотди шайх, сукутни бузиб.

— Буважон, ўғилчам бир касалга чалиндими ё учиндими... жуда-жуда ғалати бўп қолди. Шунчалик хаёлчанки, гоҳида туртган билан ҳам ўзига келмайди... Бир ўқиб, дам солиб қўйсангиз, деб опкелувдим.

«Шу киши экан-да ўқийдиган... Ҳеч кўрмаган эканман, ҳа-а... шу киши экан, нега ўқимай қўйдийкин?! Ҳозир сўрасам, битта ўқирмикин?!» Шамсиддин тез-тез киприк қоқиб, гап-сўзлар қулоғига кирмай ўтирар, ўнги эканлигига ҳеч ишонгиси келмасди.

— Қани, ўғлим, берироқ кел-чи,— кўркам соқолида битта ҳам қораси қолмаган мўйсафиднинг овози ўктам, тиниқ жаранглар, нигоҳи ҳайрон қоларли даражада қатъиятли эди.

Шамсиддин мўйсафид имлаши билан яқинроқ сурилди. Чол ҳам бир муддат кўзларини хиёл қисиб тикилди-да, қироат билан тиловат қилишга тушди. Боланинг кўриниши баттар ўзгарди, кўзларида мамнунлик порлади, онасига бир қараб олиб, шўрликни хангу манг этиб, яна олдинга юз бурди.

У бобонинг ўқишни тўхтатганидан чўчиб тушди: «Нега дарров тўхтатди? Нега?...»

— Мана, она қизим. Бўлди...

— Бува,— деди бирдан шошиб Шамсиддин илтижоли оҳангда,— меням шунақа ўқишга ўргатинг... Ман ҳар доим овозингизни анув дарчадан эши-

тардим. Гўсаламни ҳайдаб келатуриб, ҳар куни қулоқ тутардим... Энди-чи, ўқимай қўйдингиз. Менгаям шундай чиройли ўқишни ўргатинг, жон бува!..

Раъно опа мунг тўла нигоҳини боласига қадаб қотди-қолди. Тортган шунча азоблари, кулфатлари етмагандай, унга уйқу бермаган боласининг телбавор хаёлчанлигининг боиси шунда экан-да?!

Шайх кулумсиради. Табассум унинг чеҳрасига ўзгача жилва берди, юзидан нур ёғилгандай бўлди. Қўлини чўзиб боланинг бошини силади, сўнг ўзига тортди-да, пешанасидан ўпди.

— Қизим,— деди анча жимликдан сўнг,— болангнинг дилига Парвардигорнинг ўзи назар солибди. Мурғак қалбга Оллоҳ ўз нурини тўкибди... Бу сен учун катта бахт. Энди уни ўз ҳолига қўйиш керак, акс ҳолда болага қийин бўлади, ундан... айрилиб қолишинг мумкин.

«Йўқ-йўқ,— Раъно опанинг юраги орқасига тортиб, вужуди сесканди ва бирдан ҳудди ҳозир боласидан ажраладигандай туюлдию ўғлини бағрига босди,— етади шунча эзилганим, бахтиқаро бўлганим, буважон...» Ич-ичидан йиғи отилиб келди-ю, бу ғам-алам ёшларини тўхтатолмай, бош силкиб туриб йиғлаб юборди.

## XI

Шамсиддин завқу шавқ билан ўқишга киришди. Аммо икки-уч ҳафта ўтмай мактаб муаллимлари ундан шикоят қила бошлашди, уйга берилган топшириқларни-ку тайёрламас, дарс мобайнида баъзан чунонам хаёлга берилардики, кўзларини бир нуқтага тикиб ҳайкалдек қотар, то биров туртмагунча, ўзига келмасди. Бора-бора уйдагилардан яширинча мактабга бормайдиган, кунни шайхникида кеч қиладиган бўлди. Бу хабар қишлоққа тез тарқалиб, барчани таажжублантирди. Гап-сўзлар қулоғига етгач, шу куниеқ орияти кўтармаган Роҳатой амма жиянини кўришга келди. Келин шўрлик ўғлининг шайхга боришларидан олдин бундан беш баттар хаёлчанлигию қўрқитганини айтганида, шаддодфеъл аёл чидаёлмади.

— Ақлингизни еб қўйибсиз, келин,— деди,— бола бечорани хор қипсиз. Ўқимай ўтадимми, мактабидан кўнгли совуған бўлса, эрта-индин мана кўрасиз, синфидан ҳам қолади. Ана унда кўрасиз томошани. Етти пуштимизга ёт муллачиликка бало борми, ҳозир. Тенгдошлари эрта-индин мактабини битириб, рўзгор қип, бир касб-корнинг этагини тутса, бу нима қилади... қаландар-гадой бўладими ўша чолнинг қаватида?.. Бу шайхни, товба қилдим-у, девона деб бежиз айтишмаган чоғи, боланиям эсини оғдирмаса гўрғайди... Одам деган мундоқ маслаҳат сўрамайдими?

Раъно опа ердан кўз узолмай ичида ўзини-ўзи койир, чурқ этмасди.

— Ҳалиям кеч эмас,— деди амма,— болани йўлга солиш керак.

Аммо «энг зўр дуохон» муллага ўқитилган Шамсиддиннинг қилган иши шу бўлдики, эртаси овқатини ҳам емай, яна дафтар-қаламини олиб, шайхникига чопиб кетди. Бир иш чиқаролмаганидан аччиғланган амма аразлаб уйига жўнаб қолди.

— Вой, шўргинам курсин!.. Бечора укагинам, сендан айрилганимиз етмагандек, бу кўргуликлар ҳам бор эканми бошимизда?.. Арвоҳингни чирқиллатмай биз ўлайлик, жон жигарим...

Келини шўрликни юрак-бағрини ўртаб, йиғлатиб кетган гапи мана шу бўлди.

Она бечора мунғайибгина яна ўй-хаёллар исқанжасида қолди: «Қизим, акс ҳолда боланг анойи бўп, ундан айрилишинг мумкин ...»— Шайхнинг гапи эсига тушиб, бутун ўй-хаёлларини босиб кетди. Нега шундоқ нуроний, чеҳрасидан нур ёғилиб турган одамни жинни дейшади? Нега?..

«Йўқ,— деди у пичирлаб,— йўқ, майли, ўқий қолсин. Шояд бошимга ёғилаётган бало-қазолар шу боламнинг шарофати билан барҳам топса. Эгам раҳм қилса... Лекин мактабига ҳам боради. Ўқишини қолдирмайди. Болажоним келсин, кўндираман. Албатта, ўқийди...»

Хуш бир оҳангга йўғрилиб, ҳамон тиловат янграйди.

Ҳаммаёқ жимжит...

Ҳамма нарса берилиб тинглайди... Ҳамма нарса маст...

Бу оҳангга фанолик ичра ўзини менгзар нарса бормикин?!

УНГА тенглашгудек куч борми ўзи бу даҳри-дунда?!

Бунда аввалу охир бенуқсон ҳолда жам, қатма-қат, заррама-зарра ҳайратланарли тартибда мужассам ва барчаси ЎЗИ қошида хоки туроб, хоксоргина остона, оёқ босишига арзимас бир зарра-зина...

Сабокнинг тўққизинчи ойи шайх Қуръон оятлари тафсирига ўтди. Энди у шошиларди. Кўрган тушини бир кароматга йўйди, ўлими яқинлашганини аниқ-тиниқ ҳис этди. Яп-яйдоқ, даштда ёлғиз ўзи қийналиб, чанқаб йўл юриб кетаётиб, бағогоҳ қутурган туяга учради. Қўрққанидан зўрға тили калимага келиб қиблага, ҳа... қиблага қараб қочди. Туя унга етай-етай деганда ортига ўгирилганини билади, ҳавода азим бир қўл пайдо бўлиб туяни уриб ерга қулатди. Бошини кўтариб қаради, ажабо... пири! Дод деб йиғлаб юборди, этагини тутиб кўзларига суртди. Пири эса бош силкиб-силкиб ғойиб бўлди. Кўзларидан шашқатор ёш оқиб уйғонган шайх дарҳол икки ракаат нафл-шукр намозини ўқишга тутинди. Яратганининг ўзига қайта-қайта шукрона айтди. Устози руҳи покига бағишлаб Қуръон ўқиди, кечанинг қолган қисмини тиловат билан ўтказди. Анча енгил тортди. Ҳа, ғойибдан ишора бўлдими, тараддудини кўриб қўйиши керак. Улим сездирмай келади. Аммо қачон?.. Бу ёлғиз Ўзигагина аён...

Шайх мурғак муриди қалбида энг аввал ибодатга чуқур меҳр, сўнмас иштиёқ ва кучли эҳтиёж уйғотди. «Ибодат,— деганди пири бир гал,— бу шунчаки бир шакл ёки сурат эмас, турли кўриниш ҳам эмас. Ибодат — бу гўзаллик ва улуғлиқдир». У боланинг дилига шу сўзларни ўчмас қилиб ёзди. Аммо у кўр-кўрона тақлид бўлмаслиги керак. Унда кишининг худди қанд илинжида айтилган сўзни қайтаргувчи тўти ҳолидан ҳечам фарқи қолмайди. Ўз-ўзингни англаб етмоғинг сари чин ибодатдан бошқа йўл йўқ! Даҳри дун ишларининг ҳам алал-оқибатда яна аслига қайтмай иложи йўқ. Шундай экан, кимки бу дунёда зарра мисқол оғирлигида яхшилиқ қилса ҳам, зарра мисқол оғирлигида ёмонлик қилса ҳам, албатта, кўради... Бироқ инсон, барибир муқаддаслиги-ча қолади.

Одам боласи дунёга нега келади? Наҳотки, икки дунёсини куйдиргани? О, ҳали Қиёмат куни аҳли башар нималарнинг шоҳиди бўлмас, бу дунёсида Яратгани танимаганлар, эҳтимол у ёқда Унга ҳамду сано айтиб чарчашмас, умрини таъма ва илинжда ўтказиб, тақводорман деб оламни бузганлар эса ҳали, қайдам... балким у ёқда — охиратда ҳам даъво қилишар, айюҳаннос солишар?!

Худди шу сўзлари учун яқин атрофдаги муллаю домлалар унга қарши бор хунарларини ишга солган бўлсалар, ажаб эмас. Эҳ, нега улар ўз қалбларининг сўқир кўзлари очилишини исташмайди-я?! Нега?

Фақат очликкина нафс чирмовуқдек чирмаб ташлаган ақл қўл-оёғини еча олади. Болада очликка рағбат уйғотмоқдан мақсад шу эди. Нафс бузуқлиги ҳар қандай киши қалбини саратон шамоли каби сўлдириб, қовжиратишини қаттиқ уқтирди. Зеро, нафсини жиловлай олган киши ўз ақл ва фаросат чашмасининг кўзини очура, токи ҳушёр экан, бу чашманинг кўзига ҳеч вақт қум тикилмас ва умр поёнига довр сув зилол, тиниқ мавжланиб оқура. У умрининг сўнги дақиқаларигача шу ўғитга амал қилди: ўша сўнги муборак Ҳаж сафаридан бошлаб кунора рўза тутиб ўтди.

Ҳозир Шамсиддин унинг олдида қандоқ бош эгиб ўтирган бўлса, бир пайтлар ўзи ҳам пири қаршисида шундоқ тавозе билан қўл қовуштириб, сўзга илҳақ турмаганмиди?! Бундан салкам саксон йил аввалги хайрлашув тонги кечагидек кўз ўнгида: бағоят берилиб ўқилган субҳ ибодатидан сўнг бир неча дақиқалик сукутли тикилишлар... Ўшанда у сафар тараддудини кўриб, йўлга шай устозидан ўзини ҳам ола кетишини ўтиниб сўраганди. Бироқ устози рад этди. Афтидан, у ёлғиз — Ўзи билан ўзи бўлишликка қатъий ихтиёр этган бўлса керак.

«Йўқ,— бош чайқагани пири хаста овозда,— умид кўзимни сенга тикканман, ёдингда тут: нурийлик заволга юз тутмаслиги даркор... Мен сенга ишона-

ман. Кел, энди видолашайлик. Қайта юз кўришмак насиб этурми-йўқми, худо билади, ўғлим...»

Сўнг салкам ўн асрдан буюн қўлдан-қўлга ўтиб келаётган Шайх Абул Ҳусайн Нурийнинг бир нечта китобини унга тутқазди. Бу донишманд зот бир замонлар тасаввуфнинг худди шу «Нурия» силсиласига асос солган, бу мақомда ҳам бошқа тариқат сулуқларига ҳамоҳанг суфиёна ғоялар, таркидунёчилик, ёлғиз қудрати илоҳийга бўлган пинҳоний, увайсий ишқ ўз аксини топганди.

Кўзида ёш билан пирини кузатиб қолди. Эҳ, ўшанда билса эди, қиёматга қадар кузатаётганини...

Икки ҳафта ўтиб билдики, Бухородан келганлар сўзича, устози Маккага қараб йўлга чиқадиган карвонда экан. Ўша шаъбон ойининг ўн иккисида карвон йўлга тушган.

Орадан ўн йил ўтиб, йигирма саккиз ёшида шайх ҳам Ҳажга отланди. Йўл-йўлакай Марвдаям, Бағдоддаям... бошқа шаҳарлардаям тўхтаб устозини қидирди, сўраб-суриштирди. Не-не донишманд хоксорлар билан ҳамсуҳбат бўлди. Лекин пиридан ҳеч бир дарак тополмади. Қайтгач, умрини хилватда ўтказишга қатъий аҳд қилди. Қавму қариндошларининг, яқинларининг барча уринишлари зое кетди. «Мени тинч қўйинглар,— дерди у,— ўз ҳолимга қўйинглар!» Шайх ўз ишқидан тамом мажнун ҳолига етганди. Унинг бола-чақа, оила қайғусига тоб-тоқати йўқ экан, на чора... қўлларидан нима ҳам келарди. Илло, офтоб оламни қандоқ ёритса, ранг берса — яшнатса, муҳаббат ҳам қалбларни ўшандоқ мунаввар этади, уни жонбахш гўзалликка тўлдиради. «Асл муҳаббат энг олий Мавжуд — ҳусни Мутлаққа — Оллоҳга бўлмоғи керак,— демишди пири,— ахир, у ўн саккиз минг олам ичинда яккаю ягона! Ахир, ўн саккиз минг олам аҳлу ҳушдин айрилиб, Унинг ҳусни жамолидан девона!.. Олди- берди тоат-ибодатдан кўра Оллоҳ ишқи юз, балким минг карра устундир, ёлғиз Воҳиди Мутлақ ишқида яшаш бахтдир, кўрқоқ ва таъмагирлар жойи жаннат фарибгар ёлғончи, динсиз-диёнсиз пасткаш кимсалар жабрғоҳи бўлмиш дўзах ҳам яратган Оллоҳнинг олдида бир қақадир. Оллоҳ ишқи оташгоҳ дўзах азоб-уқубатларидан ҳам, остларида гўзал дарёлари мавж уриб оққувчи, таърифига тил ожиз, беқиёс боғу роғлари яшнаб ётган жаннат роҳатларидан ҳам улуғроқдир... устивордир! Бу дунё неъматлари лаззати ва чиройига болари каби айланишганлар қаттиқ адашади. Нафсига бўйсунган кимсалар охир-оқибат, албатта, расвойи жаҳон бўлғуси... Бундай оғир кулфатдан ёлғиз Яратган ишқигина қутқара олади. Ва бу ишқи илоҳийга хўжақўрсин тақво-таркидунёчилик билан эмас, балки дилдаги чин тоат-ибодат ҳамда ўткинчи дунёнинг ҳар қандай матоҳидан иккиланмай воз кечишлик орқали етишиш мумкин. Фақат ва фақат чин покланишгина қалбни Оллоҳ Таолога ошна бўлишига олиб боради. Фақат шу машаққатли покланишгагина бутун умр садақаланса, сарфланса арзийди. Қалбки, агар шундай йўли ихтиёр этса... ё раб, қандоқ мислсиз, ажойиб бахт бу!»

У энди кун бўйи сокин ҳужрада ўлтирганча ўй-хаёлга чўмиб, китобга мук тушиб, одамларга кўринмай қўйганди. Узун тунлар эса негадир жимжит кўчаларни айланиб, оёқ огтида юришга халал бергулик неки учраса — бир четга олиб ташларди. Бориб-бориб, буткул шунга одатланди. Буни кўрганлар уни аллақачонлар жиннига чиқариб қўйишганди. Қачонки қишлоқда ғарибхона пайдо бўлгач, у ҳақда гап-сўзлар кўпайгандан- кўпайди. Ғарибхона овозаси чор-атрофга тарқалди. Узоқ-яқиндан секин-аста «девоналар» йиғилиб келишди. (О, худойим, аслида улар девоналармиди?!). Бу ҳужра аҳли ана-мана дегулик фурсатда ўн-ўн беш чоғлик кишига етди. Ғарибхона қишлоқ аҳлининг диққатини ўзига тортди-қўйди. Бундаги кийинишлари одмигина, кўриниши афтодаҳол, ўз нафсларини тия олган, фақат бугуннинг ғамини еб, «эртага худо беради» дейдиган кишилар саҳарлари гоҳида зикр тушишар, кундузи эса ҳар бири ўз иши билан машғул — бировлар эски-туски ковушмаҳси ямаса, бошқа бировлари рўзғорбоп чиройли-чиройли саватлар тўқирдики, кўрган кўз қувнади. Ғариблардан иккитасини қабристон мачитида кўришар, улар ўша ерни супириб-сидириб, ўтганларнинг руҳига бағишлаб тиловат қилиб ўтиришарди. Ўз кулбаи ғарибхоналарига йиғилишгач, суҳбат қуришарди, узун тунлар эса ибодатга фарқ бўлишарди.

Ёш болалар уларнинг суҳбатига берилиб кулоқ солишар, бу шуурлар

булоғидан қайнаб чиққуси ҳар бир жонбахш сўзларга кўпинча инон-ихтиёрсиз, ўзлари билмаган ҳолда маҳлиё бўлишардики, ота-она буюрган ишлар ўлда-жўлда, бажарилмай қолиб кетарди. Уларга неча марталаб у ёққа бормаслик уқтирилса ҳам, ўз билганларидан қолишмас, пайт пойлаб жуфтакни ростлашарди.

Аммо бу ҳол кўпга чўзилмади.

Барчанинг бошини қотирган, ҳангу манг этган воқеа-ҳодисотни шўро раиси ҳал қилди-қўйди. «Кўзларингни каттароқ очинглар, нима қиляяписизлар ўзи?!— деди қишлоқ оқсоқоллари, кексаларини ҳузурга тўплаб,— бир ками қишлоғимизга жиннихона етмай турувди. Вақт борида ақлу ҳушимизни йиғволайлик, невара, бола-чақаларимизнинг эртасини ўйлайлик!! А, бу кетишда бутун қишлоқ тап-тайёр тентакхонага айланади-ку!..»

Устига-устак, муллалар билан бўлган баҳс-тортишув бу кулбаи вайрона аҳли йиғинларига хотима ясади. «Девона» деб аталганларнинг ҳақ сўзларига чидаёлмаганлар одамларни уларга қарши қайрашди. Шу оқшом ғариблар зикр ва тоатда сўнгги кечани бедор ўтказишди. Эртаси уларнинг бирортасини қайтиб кўришмади... Кўпларнинг дилларига ғулғула тушди, аммо тезда унутиб юборишди. Шайх қайта танҳолик ва камгапликка, уйқусизликка юз тутди. Ёлғиз тиловату зикргина аввал бошдагидек, унга то сўнгги нафасигача ҳамроҳлик қилди... Ҳассага таянибди ҳамки, гоҳида кўча кезинади. Кўнгли ҳар нечук сезиб турибди, бу ҳол кўпга бормайди, ёғоч экан-ку, балки руҳига бир умр ҳасса бўлган бу танига ҳам ҳожат қолмайди. Нима бўлганда ҳам шу мурғак қалбга ишқ учқунини ташлаб кетолса бас, сўнг шу учқуннинг қачонлардир аланга олиб, гуриллашига умид қилса бўлади. Ҳа, сўнгги илинжи шу...

### XIII

Қишлоқ четидаги тошлоқ йўл бурилиб, пастак дўнгликлар ёнидаги харсангларни катта-катта, оғзи қоп-қора ғор олдидан ўтади. Уни Авлиё ғор деб аташади. Оналар ғор яқинида ёмон иш қилмасликни фарзандларига бот-бот уқтиришади, кўплари тез-тез у-бу нарса пишириб чиқиб, ўша ерни зиёрат қилиб туришади. Ғорга киришга эса ҳалигача бирон боланинг юраги дов берган эмас. Ҳатто шу атрофда ўтлаб юрган майда моллар ҳам негадир ваҳимали оғзи «ютаман» деб турган ғорга яқин йўлашмайди. Баҳайбат, кўкиш тошлар омонатгина турганга ўхшайди. Болаликнинг ана шу қўрқуви улғайганда ҳам йўқолмабди. Буни у ўтган гал, тун бўйи ғор ичида танҳо қолганида аниқ ҳис этди. Устози: «Сен бу кеча ғойибнинг дийдорини кўрасан, сергак бўл...» деб чиқиб кетганди. Шайх уни чиллага ҳозирлар, буни муридидан сир тутарди. Шамсиддин тонггача у ёқдан-бу ёққа юриб, ичида неча юз бор калима қайтариб чиқди. Ҳеч нарса кўрмади. Фақат эшитгани — қулоғи остида кимдир «Оллоҳу акбар» деб шивирлагани бўлди. Еки унга шундай туюлдими? Йўғ-е, у буни аниқ эшитди-ку! Умрида бу каби мулойим, хуш товушни энди эшитиши... Кўзига ҳеч нарса кўринмаганига сабаб-қўрқувдир, балки. Ҳозир эса ўша қўрқувдан зирча ҳам қолмаганини сезди. Шайх шамларни ёқди. Ғор ичи анча ёришди. У шошиб шолчани тўшади-да, ўтирди.

Устози унинг қўлига муқоваси заррин Қуръонни эҳтиётлаб тутқазди.

— Албатта кўрасан, чалғима... ўғлим,— деди ва бурилиб узоқлашди. Бироқ ғор оғзига етмаёқ ҳолатида ўзгариш сезиб, шошиб изига қайтди. Шолча четига сассиз чўкди. Ҳолбуки, у бу сафар ҳам муридани ёлғиз қолдирмоқчи эди. Шамсиддин аллақачонлар кўзларини юмиб, муқаддас оятларни такрорлашга тушганди. У бехос кўзини очганида шайх ёнида ўтирар — саждага бош кўярди. Уқишни тўхтатмай давом эттираркан, қайтиб кўзларини юмди. Устози эса саждага бош қўйиб, ичида тинмай сажда оятларини қайтарарди ва... йиғларди. Шамсиддин буни сезмасди...

Эрта тонг маҳали одамлар саросимада ғор олдига йиғилиб келишганда, осмон эндигина ёришмоққа тушган, кўк ёноғида кўзёшдай бўлиб тип-тиник Зухрогина томчилаёлмай жилоланиб, ялтиллаб турарди...





Исмоил  
Тўхтамишев

**ЎЗИМНИ  
БЕҲУДА  
ЎТЛАРГА  
УРДИМ**



\* \* \*

Йўл излайди ҳорғин кўзим,  
Ўзимдан ҳеч ортмам ўзим,  
Жонларимга бергин тўзим,  
Ҳаёт мунча юкинг оғир?!

Юмушлардан чиқмагай бош,  
Тугаб борар сабру бардош,  
Армон эрур бир қаламқош,  
Ҳаёт мунча юкинг оғир?!

Қилсам ҳамки жонни фидо,  
Озаймайди фиғон, нидо,  
Олислардан келар садо:  
— Ҳаёт мунча юкинг оғир?!

Орзуларим дилда қат-қат,  
Ноёб эрур меҳру шафқат,  
Юрадурман эгилиб қад,  
Ҳаёт мунча юкинг оғир?!

Ҳар куни бир янги ташвиш,  
Олға қараб босмайди иш,  
Ёздан кўра узунроқ қиш,  
Ҳаёт мунча юкинг оғир?!

Вақт ўтади айлаб шитоб,  
Дунёда бор ҳисоб-китоб,  
Юрак инграб қилар хитоб:  
— Ҳаёт мунча юкинг оғир?!

Жавобсиздир кўп саволлар,  
Чарх уради ўй, хаёллар,  
Кўпаймоқда қадди доллар,  
Ҳаёт мунча юкинг оғир?!

Хира тортар номусу шан,  
Илож йўқдир олмасдан тан,  
Дардманд эрур она Ватан,  
Ҳаёт мунча юкинг оғир?

Атроф тўла ҳиссиз одам,  
Билмас нима ўйлов ва ғам,  
Зилдайдирсан шу учун ҳам,  
Ҳаёт мунча юкинг оғир?!

\* \* \*

Гоҳ лолмиз тушунмай дунёнинг ишин,  
Инсонлар бирма-бир келиб кетишин,  
Қайқачон дунёнинг ками битишин,  
Ким билади дейсан, азизам?!

Лаҳзалар қилган пайт қисматларни ҳал,  
Керакми ўзаро тортишув, жанжал,  
Обрў тўкиларми пастроқ кетса сал,  
Ким билади дейсан, азизам?!

Ҳамон бечоранинг егани панддир,  
Дасти узун кимсанинг мавқе баланддир,  
Йўлбошчи хаёли не билан банддир,  
Ким билади дейсан, азизам?!

Шу қисқа умримда кўп нарса кўрдим,  
Узимни беҳуда ўтларга урдим,  
Фойдали не ишни қилиб улгурдим,  
Ким билади, дейсан, азизам?!

Яшаган эмасман таваккалига,  
Ҳеч кулган эмасман ночор ҳолига,  
Бўла олдикми чин сўзларга эга,  
Ким билади дейсан, азизам?!

Босган қадамимни қилдим сарҳисоб,  
Менга содиқмиди ўшал моҳитоб?!  
Шунда самолардан келди бир хитоб:  
— Ким билади дейсан, азизам?!

\* \* \*

Бемазмун термулар букун кўзингиз,  
Нидодай ингранар ҳар бир сўзингиз,  
Қора тақдирингиз қарғайсиз, бунча,  
Балки мен гуноҳкор, балки ўзингиз?!

Дардим заррасидир — дунё ташвиши,  
Бизлардан кулгайдир огоҳ ҳар киши,  
Бошдан учиб кетганига бахт қуши,  
Балки мен гуноҳкор, балки ўзингиз?!

Интиқ бу кўнгиллар кўп зорланмасин,  
Меҳрга ташна дил беморланмасин,  
Энди бу хатолар такрорланмасин,  
Балки мен гуноҳкор, балки ўзингиз?!

Мақсадга ҳар лаҳза интилинг, чопинг,  
Йўл қўйган хатолар устини ёпинг,  
Висолга етмоқлик йўлини топинг,  
Балки мен гуноҳкор, балки ўзингиз?!

Айтинг ўйга чўмсам гап қотмасинлар,  
Таъна, маломатдан тош отмасинлар,  
Тушимда етганда уйғотмасинлар,  
Балки мен гуноҳкор, балки ўзингиз?!

Ҳар ишни савобга йўйингиз энди,  
Ҳижронлар бағрини ўйингиз энди,  
Қисматни қарғаманг, қўйингиз энди,  
Балки мен гуноҳкор, балки ўзингиз?!

\* \* \*

Уфқларни қизартириб кетгайсан,  
Атрофларни бўзартириб кетгайсан,  
Тун ҳукмини тезартириб кетгайсан,  
Ботмагин, қуёшим, ботмагин!

Кўксим аро шу он тунлар чўккайдир,  
Олмоққа шай бўлган хунлар чўккайдир,  
Вужудимни ёққан унлар чўккайдир,  
Ботмагин, қуёшим, ботмагин!

Кетганингда ёлғизлигим билинар,  
Ғам, ҳижрондан куроқ бағрим тилинар,  
Қай жойларда фитна, иғво қилинар,  
Ботмагин, қуёшим, ботмагин!

Осонликча муродига ким етган,  
Ўзингсан-ку, менга умид бахш этган,  
Қайтмагандир манзил сари кўп кетган,  
Ботмагин, қуёшим, ботмагин!

Йўлларимга тўша инжу, ёғду, зар,  
Дилларимни ёрит, айла, мунаввар,  
Сен боқийсан, сен сарварсан муқаррар,  
Ботмагин, қуёшим, ботмагин!

## Тўртликлар

Хаёлларни ардоқлаб эркига қўйиб ўтдим,  
Бор ситамни дунёдан тотиб мен тўйиб ўтдим.  
Ҳамроҳимдир тунлари қоғоз, қалам ва лекин,  
Кўнгилдагин ёзолмай бир умр қўйиб ўтдим.

\* \* \*

Бир сирни англолмама ақлимни таниб,  
Бу кунга етдик биз нукул мақтаниб.  
Нажот истаб кирган омборимизга  
Сичқонлар юргайдир таёқ суяниб.

\* \* \*

Бировга эргашиб қўлда соз бўлдим,  
Гапини такрорлаб, жўровоз бўлдим.  
Бир умр қолдим рост фикрдан жудо,  
Замона зайли деб, замонсоз бўлдим.

\* \* \*

Жўшқин бўлсанг тиндирамиз,  
Тошбақага миндирамиз.  
Қўллуқ қилмоқ яхши одат,  
Эгилмасанг синдирамиз.



НАЗМ



Яхә Тоға

## БЕШ ҚИШЛОҚ ҚИССАСИ



### УНГСҮЗ УРНИДА

Беш қишлоқ.  
Улар қайда?  
Улар йүк.  
Уларни наҳанг ютган.  
Бирок, мен,  
Эртак айтмоқчи эмасман.

### ТҮҚБОЙ

Түқлигингнан боймидинг сен,  
бойлигингнан түқмидинг?  
Бу дунёда бормидинг сен,  
бу дунёда йүкмидинг?

Майли, түк бўл, майли, бой бўл,  
эл эдингми, ўзи сен?  
Оқиб кетдинг қаёқларга,  
сел эдингми, ўзи сен?

Бу кўллару бу ҳавзалар  
кўз ёшимнан тўлғайму?  
Сен балиққа ватан бўлдинг,  
менга ватан бўлғайму?

Түқбойгинам, кўзларингнан  
қамишлар ўсиб чиқмиш.  
Борай дедим, йўлларимни  
кўғалар тўсиб чиқмиш.

Ярим йўлдан гирён қайтдим,  
сен йўлимга зормидинг?  
Тушларимни сувга айтдим,  
сув остида бормидинг?

Тилим-тилим бўлди бағрим,  
дилим тилим-тилим, ҳай!  
Қайда менинг эна юртим,  
қайда менинг элим, ҳай?!

Бу соғинчми, армонми бул,  
хотирам қатлари хун!  
Эсимда бор, йиғлай-йиғлай  
буннан ўттиз йил бурун

қишлоғимнан кўчиб чиқдим,  
кўчим қолди кўчамда.  
Ранги-рўйим ўчиб чиқдим,  
ўчим қолди ичимда.

Мана бугун ичим куйиб,  
ёшим қирқни қоралаб,  
сени эсга олдим, юртим,  
кўғаларни оралаб.

Юртим, сени эсга олиб,  
сувга тўлди қароғим:  
Балиқларнинг тўшларинда  
ёнар сенинг чироғинг.

Бир эл шодон яшар эди,  
ул замон бул ерларда...  
Тўнқарилиб ҳовуз бўлган  
бу адир, бу қирларда

болалигим кечган менинг,  
отамнинг ёвқур пайти.  
Шу дамларни эсладим, мен  
кўҳна кўшиқни айтиб:

Тўқлигингнан боймидинг сен,  
бойлигингнан тўқмидинг?  
Бу дунёда бормидинг сен,  
бу дунёда йўқмидинг?

## ЭТАГОВУЛ

Этаговул, этагингнан  
тиллаларинг тўкилди.  
Лабларингнан аллаларинг,  
яллаларинг тўкилди.

I

Этаговул —  
балиқларга ем бўлган қишлоқ,  
балиқларга ем бўлган ватан.  
Балиқларга ем бўлмаган  
беш қишлоқдан ёдгор қабристон.  
Тўрт томони сув.  
Беш томони байталмон макон.  
Қўрғончага олиб чиқувчи  
(гарчи бу ердан энди  
ҳеч кимса чиқмаса ҳам),  
ҳасратдай узун йўлни  
айтмаса оролдай гап.

Балиқларнинг сукунатида  
сукунат сақлар улкан қабрлар.  
Юзта.  
Мингта.  
Юз мингта.  
Биттасида Хатира момонинг  
кўз очиб кўргани,  
кўз юмиб кўргани  
Холхўжа бобо ухлар.

Бу масканда,  
ватанига содиқ қолган  
марҳумлар сукут сақлар.  
Бу масканда,  
таналари бужур,  
кўҳна гужумлар сукут сақлар.

Бостирмами, шотими, тутми —  
барига билакдай буралиб  
ўралиб кетган  
узумлар сукут сақлар.  
Биз билган, билмаган  
тузумлар сукут сақлар.

II

Мен биламан гоҳида сизни  
ватан ёди қийнайди, момо.  
Кафтдек ҳовли.  
Тўртта девор.  
Кенг дала.  
Кетмон.  
Ризқ.  
Тўрт томон бут.  
Тўрт томон очик.  
Қалдирғочлар, қарғалар — қушлар,  
Қизғалдоқлар, қоқигул — чаман.  
Болалигингиз кечган тупроқ кўча.  
Яхши-ёмон овулдошлар.  
Қарчиғайдай йигит — Холхўжа.  
Бепоен ватан!

Ватанни сув олди.  
Мозор қолди  
ва мозорга йўл қолди.  
Жонингизни ўртагувчи хотирот,  
ёдингизни ўртагувчи умр қолди.

Момо, сизнинг дардларингизни  
шеърга ўгирмоққа етмади кучим.  
Шер бўлмоқ керакдур  
бу дардларни кўтармоқ учун.

Момо, букик қоматингизни  
яна не кўтарар асодан бўлак.  
Қаддингизни ростламоқ учун  
фил бўлмоқ керак.

Шоир бўлолмадим;  
шерингиз бўлойин, моможон,  
филингиз бўлойин, моможон!  
Ҳасанингиз бўлойин,  
Ҳусанингиз бўлойин —  
улингиз бўлойин, моможон!...

## ТОШЛОҚ

Тошлоқ йўлнинг четларида  
уйлар қолди бузилиб.  
Бу қишлоқнинг одамлари  
кетаверди тизилиб.

Эшакдами, аравами —  
нимаики келса ўнг,  
ёшу қари кетаверди,  
ёшу қари тошдай гунг.

От минганлар кетиб борар  
юрак-бағри ёқилиб.  
Туёқлардан ўт чақнайди  
ҳар бир тошга қоқилиб.

Аравалар дўнғалаги  
ерга ботиб борор-эй.  
Болаларнинг хўнграгани  
юрт юрагин ёрор-эй.

Кетар муннан ўксиб цоллар,  
кетар муннан кампирлар.  
Оғзин очиб қолар мунда  
чўғи сўнган тандирлар.

Ким йиғлайди, ким эзилиб  
ортга боқиб бородир.  
Ғам ичида, ғами ичда  
карвон оқиб бородир.

Деворларга нишон каби  
зарб этилган таппилар  
ўчоққамас, ушбу сафар  
сув остига кеттилар...

Бешахалар тирнаб кетди  
деворларнинг бетини.  
Кетаверди беғам итлар  
ликиллайтиб кетини.

Сув остида сув-сув йиғлаб,  
сув остида оғриниб  
тошлоқ ётар, тошлар ётар-  
мардумини соғиниб.

## ЖЎҒОРИОВУЛ

Жўғориовул — жўғоридан  
жерга жигилған журтим.  
Жек-жатию жамоаси  
жирлаб жийинған журтим.

Жетим, жесир, жигитлари  
жўлда жўғалған журтим.  
Жетмиш жилда жетмиш жоқдан  
жомон жўрилған журтим.

Жилаб жийилған журтим.  
Жулиб жирилған журтим...

## НАЙМАН

I

Найман овул, Найман овул,  
бунда келдинг қайдан, овул?  
Най бўғзинда нола эдинг,  
узилдинг-ма найдан, овул!..

II

Чирчиқнинг сўл қирғоғинда,  
Кўрғончанинг ийиғинда,  
бир овул бино бўлди —  
Найман!  
Бу қишлоқни янги деб бўлмайди.  
Одамлари эски.  
Овулнинг номи эски.  
Бу номни  
иссиқ ўрни совутилган,  
ота-боболари маконидан кўчирилган эл  
ўзи билан бирга олиб келган.

Найман!!  
Элининг бирлиги, уюшқоқлиги  
оқибатида сақланиб қолди.  
Тўқбойдай, Тошлоқдай  
тарқалиб кетиши мумкин эди.  
Найман!!!  
Сақланиб қолди!  
Бироқ,  
унинг сақланиши нисбий.  
Унинг сақланиб қолиши —  
улкан бир дарахтнинг  
бошқа жойга кўчириб  
ўтқазилишидай гап.

Ҳазил гапми,  
ахир, бутун бошли бир эл кўчди.  
Кўчди.  
Кўчманчилик жонига тегмаган экан.  
Кўчманчилик томир-томирига сингиб кетган экан.

Кўчиб толмаган экан...  
 Кўчди.  
 Лекин, эл тарқаб кетмади.  
 Қўрғонча аталган  
 эски бир қишлоқнинг  
 ийиғинда қарор топди.  
 Шул заминни ватан тутди.  
 Кўчиш орадаги кадрни  
 бир қадар мустаҳкамлагандай.  
 Битта-яримта бошқа юртлардаги  
 уруғларини излаб кетганлар ҳисоб эмас.  
 Уларнинг ўрнига  
 жўғориевулликлар, тўқбойликлар кўнди.  
 Битта-яримта қочиб кетган  
 ёки узатилган қизлар-да ҳисоб эмас.  
 Уларнинг ўрнига Найманнинг  
 Олпондай, Тулагандай йигитлари  
 бўлак кенту овуллардан  
 Ойбарчиндай, Қизжибекдай қизларни  
 олиб қочиб келдилар,  
 айттириб олдилар.  
 Энди Найман абадий яшайди.  
 Энди Найманни  
 яна бир кўчирмоққа  
 на беклик, на пошшолик  
 журъат этар.  
 Хўрликнинг, ҳақоратнинг  
 чеку чегараси бордир, ахир!

## СЎНГ СЎЗ УРНИДА

I

Бешта қишлоқ бор эди,  
 пиру пурвиқор эди.  
 Унгда Чирчиқ, сўлинда  
 Сирдарё бедор эди.  
 Йўқ энди, йўқ энди!

Бешта қишлоқ бор эди,  
 ҳар куни бозор эди.  
 Томорқада маккайи,  
 бедаю кўкнор эди.  
 Йўқ энди, йўқ энди!

Бешта қишлоқ бор эди,  
 ҳар фасли баҳор эди.  
 Ҳар дарчада бир Кумуш  
 Отабекка зор эди.  
 Йўқ энди, йўқ энди!

Бешта қишлоқ бор эди,  
 яшил туғи ор эди.  
 Бўридай ориятли,  
 кўйдаи беозор эди.  
 Йўқ энди! Йўқ энди!  
 Борлиғи бекор энди!..


II

Бу беш қишлоқ  
 бир азим вилоятнинг,  
 азим бир туманинда  
 ер тутмишлар эди.  
 Бул кун улар  
 дорулбақога юз тутдилар.

Йўқлик мулкина сафар тутган  
 қишлоқлар,  
 овуллар,  
 кентлар,  
 тақдирлар,  
 қисматлар  
 бул туманда қанча?

Вилоятда қанча?  
 Дунёда-чи?  
 Худо билади!  
 У билгувчидир!  
 Мен билмадим.  
 Билганимни айтдим.  
 «Қолганини балиқлар айтсин!»<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Рауф Парфи сатри.



Тоҳир Малик

## ШАЙТАНАТ

қисса<sup>1</sup>

XII БОБ

I

Анвар катта тоғасиникига борганда осмон эринмай қор эларди. Қиш дангасалик қилиб вақт ўтказган, дўппи тор келганда типирчилаб қолган одамга ўхшарди. Анвар тоб ташлаган кўк дарвозага яқинлашиб жинғироқ тугмасини босаман, деганида дарвозанинг бир табақаси ер чизиб очилиб, аввал қулоғи кесилган баҳайбат ит кўринди. Ит «сен ҳам одаммисан, вовуллашимга арзийсанми, йўқми», дегандай Анварга бир қараб олди. Ортидан тоғаваччаси кўринди. Эллиқдан ошган бу одамга вақти келиб «бу дунёда нима кўрдинг?» деган савол берилса, боққан итларининг наслию номини адашмай айтиб бериши тайин. Қайси боласининг қаерда ўқиши ёки қаерда ишлашини эса, аниқ билмайди. Бола-чақасининг ризқи қийилиб, қора қозон қайнамай қолса қоларки, итлар гўштсиз оч қолмас. Итни одамга вафодор деб нақл қилганлар. Худо шундайин бандани яратганини билганларида эди, одам итга вафодор, деб нақлга тузатиш киритар эдилар.

Бошига қоракўл телпак, оёғига кирза этик, эгнига аскар болаларнинг пахталик тўнини кийган тоғаваччаси Анварни кўриб, кулимсираб сўрашди.

— Аммам яхшимилар? Ке, жа кўринмай кетдинг. Сан ичкарига кириб тур, буни бири айлантириб келмасам бўлмайди.

— Зўр-ку, — деди Анвар итга қараб.

— Шу яқшанбада Қамбар ҳўкизнинг итига қўяман. Бир чиқсанг-чи, ҳадеб китоб ўқувриб миянг суюлиб кетади. Томошани кўрсанг, кўнглинг яйрайди.

Анвар бир марта чиққан, «томошани» кўрган, аммо кўнгли эзилиб, ўн кунча ўзига кела олмаган. Бир-бирининг жағини тишлаб, силтаб тортаётган итларнинг қонли башаралари, ғажиб ташланган оёқлари, бу манзарани завқ билан тамоша қилаётган одамларнинг қиёфалари кўз олдидан кетмай, қийналиб юрди.

— Томда тоғамнинг эски китоблари бор экан, шуни кўрмоқчи бўлиб келувдим.

— Томда китоб борақанми? Чиқиб ўзинг қарий қол. Уйда кеннаинг бор. Нарвонни қўйиб чиқавер. Эски китоб керак бўлса, Шамси сўтакниккига борсанг бўларкан. Шамси сўтакнинг Фозил қийшиқ деган отаси бўларди. Фозил қийшиқнинг отасини Нозим паранг дейишаркан. Ушанинг эски шаҳардаги уйи бузилибди. Қўшсинчнинг орасидан китоблар чиққанмиш. Ҳамма тилла беркитса, паранг китоб беркитган экан, — у шундай деб кулди-да, итини етаклаб кетди.

Баландлиги салкам одам бўйи келадиган чордоқ лўлининг хуржунини эслатарди. Қирқилган шохлар, эски обкаш, радио... нимаики нарса кераксиз туюлган бўлса, олиб чиқиб қўйилаверган. Бу чанг босиб ётган буюмлар чангалзорига яқин йилларда одам боласи қадам қўймагани билиниб туради. Анвар нима учундир «китоб ё қутида ё жомадонда бўлади», деб хаёл қилди. Чордоқда қути ҳам, эски жомадон ҳам йўқ эди. Чор-

<sup>1</sup> Давоми. Бошланиши ўтган сонда



доқни бир чеккадан титишга мажбур бўлди. Китоб яхшилаб беркитилган, дейиш мумкинмас. Чунки уй олтмишинчи йилларда қурилган, у пайтларда қўрқиб китоб яширишга ҳожат йўқ эди. Агар ўша китоб мавжуд бўлса, уни тоғасининг ўлимидан сўнг, кераксиз матоҳ сифатида олиб чиқиб ташлашган.

Газ келгандан кейин хизматини адо этиб бўлиб, нурай бошлаган мўри ёнида уйлиб ётган латта-лутталар орасидан китоблар, газит-жўрнал бойламлари, аллақанча қоғозлар чиқди. Уларни паства олиб тушиб, чангини қоқиб тахлай бошлади. Газит-жўрналларнинг аксари йигирманчи йилларда чиққан, уқаланиб кетган қоғозларига қараганда унда араб ҳарфларида ёзилган гаплар тарихи янада узокрок.

Анвар уларни бир тугун қилиб уйига олиб кетиб, бафуржа танишиш ниятида эди. Аммо қизиқиши ниятидан устун келиб, ичи қизиб, варақлардан бирини олиб, ҳарфни ҳарфга уриштириб ўқимоққа киришди:

«Шундан билмоқ керакки, бутун Туркистон халқи иттифоқ этса, қон тўкилмас. Ер ва амлок ҳам тақсим бўлмай қолур. Дин ҳам рувож топур. Минг карра доду бедодки, ихтилоф этмоқ учун иттифоқ этканмиз ва ихтилофмиз. Сабаби ила бадбахтликқа дучор бўлурмиз. Бутун Туркистон иттифоқ этса ўн беш миллунлик бир қуват имлоға келурки, мунга ер титрайду...»

«Бунча ақлли гапларни ким ёзган экан, — деб ўйлади Анвар. — Бир-бирининг гўштини еб турган одамларга етказадиган дур фикрлар шу овлоқда неча йилдан бери чанг босиб ётибдими?»

«Туркистон керакким мухторият бўлсун, муҳокама шариялар барпо бўлсун. Ҳатти булар бора аскар олинсун. Дафъа аскар олинмоққа қарор берилурди. Аммо муллалар съезди Туркистондан аскар олинмоққа қарор берибдур, деб илмодан балки баъзилар норози бўлур деб бошқа съездга муқуф қўйилди...»

Анвар мазмунни дуруст англамай, сатрларни қайта ўқиди. «Илмо съезди нима экан?» деб ажабланиб турганида хаёлини янгасининг овози бўлди:

— Анваржон, совуқда турмай, уйга кирақолинг.

— Раҳмат, кеннойи, чанг-пангини қоқиб олай, — Анвар шундай деб бошини қоғоздан кўтариб янгаси ёнидаги узун бўйли йигитчани кўрди. Йигитча — шу хонадоннинг тўнғичи, тоғасининг набираси эди. Тоғасининг ўлимидан сўнг бу уйга кам келгани учун Анвар бу йигитчанинг қандай одам эканини яхши билмасди. Тўй-маъракаларда бир-икки алмойи-алжойи гапларини эшитиб, энсаси қотгани учун унга рўйхуш бермас эди.

Онаси ёнида тиржайиб турган йигитча худди Анвар билан бирга ётиб, бирга тургандай салом ҳам бермасдан гап қотди:

— Макулатура керак бўлиб қолибди-да, а?

Анварнинг энсаси қотди-ю, индамади. Янга изига қайтгач, бу хонадоннинг тўнғичи чўнтагидан сигарет чиқариб, тутатди. Анвар бу балодан тезроқ қутулиш учун ишни тезлаштирди. Бунга фаҳми етмаган йигитча эса кечаси билан телевизор кўрганини, сессияда қайси депутат қайсисини «тузлаганини» бир четдан гапираверди. «Бунга ит уриштиришни тамоша қилиш ҳам, сессия кўриш ҳам барибир», деб ўйлади Анвар.

Ишни охирига етказишга Анварнинг тоқати етмади. Янгасидан эски дастурхон сўраб олиб, чордоқдан топганларини тугди-да, орқалаб кўчага чиқди. Қўналғага етай деганда тоғаваччасига дуч келди. Тоғаваччаси итини дарахтга боғлаб қўйиб, ўзи қора чопонли бир одам билан гаплашиб турган эди.

— Ҳа, топдингми? — деди у, Анвар яқинлашгач.

— Топганга ўхшайман, — деди Анвар, — уйга бориб қараб чиқаман.

— Ишинг битган бўлса бўпти-да. Шамси, бу йигит бизнинг жиян бўлади. Ўзи олим. Катта идорада олимлик қилади. Мияси ғиж-ғиж илм. Шунда ҳам тинмай ўқийди. Отамдан қолган китобларни сўраб келибди. Китобларингни сен нима қилдинг?

Шамси деганлари, оғзида носи бор экан, тупуриб, лабини енгига артди-да, қўл силтади.

— Э, арзимайдиган китоблар экан. Чўлпон дейишдими-ей, яна аллакимлар, дейишди. Отлари эсимда йўқ. Шайхонтовурда бир идора бор экан, эски китобларни сотиб оладиган. Манга арзимаган пул беришди. Эскича китобларга кўпроқ тўлашаркан.

— Доданг ҳам парангман, деб юравурган экан-да, а? Токчанинг орасига тиллапилла қўйиб, кейин сувавормайдими! — деб кулди тоғаваччаси.

— Э, китоб жинниси бўлган эканлар. Бунақа одамда тилла нима қилади?

Анвар бу суҳбатдошлардан тезроқ қутулиш учун ўзига кераклисини кутмай, бошқа томонга борувчи автобусга чиқиб жўнаворди.

У ҳовлига тугунни орқалаб кирганида рўпарадаги уй эшиги очилиб Собитхон қори чиқиб келди. Сўнгра эшик оғзида Рисолат кампир кўринди. У ўғлининг келганини билмай қорига:

— Ўзи билмасин, а? — деб тайинлади.

— Ҳўп, — деди қори кулиб, сўнг кампир сирни ошкор қилиб қўймасин, деб қўшиб қўйди: — Ана, Анваржон келяптилар.

— Келдингми, болам, — деди Рисолат кампир остона ҳатлаб, — аканг эсон-омон эканми?

Анвар қори билан саломлашгач, онасига жавоб берди:

— Уруғларингиз соғиниб-соғиниб салом айтишди. Жиянингиз итидан ортса, амма-жонини кўргани албатта келаркан. Оёғига пояндоз тайёрлаб туринг.

— Бўлди қил, эски пахтани чувима. Ити сани арпангни хом ўрптимми, нима ишинг бор. Қори болам, бунга би-ир насиҳат қилиб қўйинг, а?

Собитхон қори ўзига ярашган кулимсираш билан «хўп» деб қўйди. Анвар таклиф этган «бир пиёла чойга» киришга унамади. Зарур ишлари борлигини айтиб дарвоза томон йўналди.

— Қори ака, шошиб турган бўлсангиз ҳам бир нафас вақтингизни оламан, — Анвар шундай деб тугунни очди-да, боя ажратиб қўйган қоғозни олди. — Мана бу ерга нима ёзилган. Хато ўқидимми ё хато ёзилганми?

Собит қори сатрларга узоқ тикилиб қолди.

— Сиз нима деб ўқидингиз?

— «Илмо съезди» деб.

— Илмо?.. — Собитқори ҳарфларга узоқ тикилди. — «Уламо» эмасмикин?

Анвар пешонасига енгил шапатилади.

— Тўппа-тўғри — уламо! «Уламо» жамияти бўлган-ку!? Ушаларнинг съезди-да! Мен аҳмоқ шуни ўйламабман.

— Хижолат чекманг, Анваржон, бу ҳаммамизнинг фожиамиз.

Қори шундай деб, кўчага қараб юрди.

— Ойимнинг дардлари бор шекилли? — деди Анвар, уни кузатиб чиқиб.

— Ўзингизга маълумдир. Агар ихлосингиз бўлса, бу ишни қилиш керак. Ихлос бўлмаса фойдаси йўқ.

— Қори ака, ихлос-ку бор-а, аммо ҳожат йўқ. Эс-ҳушим, Худога шукр, жойида. Ё сиз ҳам?..

— Асти-асти, ундай ўйламанг, Анваржон.

— Мен бошқачароқ ўйлаб, бошқачароқ гапираман, шекилли. Ҳамма бир хил ўйлаб, бир хил гапириши шарт эмас-ку, тўғрими?

— Тўғри, Оллоҳ таборака ва таоло бандаларини бу дунёда синаш учун турлича қилиб яратган. Фақат қиёматда жаннатга кирилганда барча бир кўринишда бўлади. Чиройда Юсуф алайҳиссалом, гавдада Довуд алайҳиссалом, одобда эса пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалам сингари бўладилар.

Шу пайт икки эшик нарида, Собитхоннинг уйи олдида «Волга» тўхтаб, ундан бир йигит тушди. У аввал эшикка қараб қадам ташлади. Қорини кўргач эса бу томонга юрди.

— Қори ака, олиб кетгани келдим, — деди у, салом бергач, қўлини қовуштириб. Қори хайрлашиб кетди.

Анвар ҳовлига қайтгач, олиб келган китоб-қоғозларнинг чангини яна бир қоққан бўлди-да, уйга кирди. Тугунда битта чарм муқовали, битта қалин қоғоз муқовали китоб бор эди. Китоб босма ҳарфларда эмас, қўлда ҳуснихат билан кўчирилган, аммо шарқ китоботи санъати қондасига зид равишда саҳифаларга зеб берилмаган эди. Чарм муқовали китобда диний ақидалар зикр этилган экан. Анвар уни қўйиб қалин қоғоз муқовалисини қўлига олди. Бу китоб чаккада қолиб, чириб титилганми ё атайин йиртиб олинганми, ҳарҳолда бош қисми йўқ эди. Дастлабки сатрларни ўқибоқ Анварнинг юраги ҳаприқиб кетди: бу ўша, Зуннуний айтган асар эди!

«...Ёғий Тошканга мукаммал сипоҳи ила Калас томондин яъжуз-маъжуз каби ёпирилди. Айтурларки, қадимда Чингис лашкарлари-да бу каби ёвузлик ила кирмаганлар ва сибомонанд бўлмаган эдилар.

Эски жўвада қиёмат содир бўлуб, ўрус аскарлариға қирон еткурилди. Инсон қони тўкулмаган на бир кўча қолди, на бир хонадон. Жиҳодга кирган Тошкан аҳли «биз ўлсак-да, ўлайлук, динимиз булғанмасун, мусулмон тўфроғи кофирлар оёғу остида азият чекмасун, фарзанди комилларимизнинг «Аллоху акбар!» деб чиқувчи тиллари кесилмасун», деб азиз жонларини қурбон бера бердиларким, уларга уқоб ҳам ҳавас қилгулик эди. Бу қадар қаршилиқни кўрмаган ёғий фиғони фалақни тутти. Барча ерларда ҳам шунчалар зарба берилганида эрди, ёғий фурудастлиққа маҳкум бўлурди. Хабисшева аҳлидан бўлмиш ёғий ёшми, қарими ёҳуд гўдакми — фарқламай отаверди, чопаверди. Фақирингиз бундайин сидрафарсой манзарани кўрсатгунча кўзларимизни кўр қил, деб яратганга таваллолар қилдум. Мўйлаби чаённинг думи янглиғ тепага қайрилган бир малла қиличини шундайин зарб ила урдикки, селгинчак осилган бешик ҳам иккига бўлинди, унда беланган чақалоқ ҳам чўрт узулди. Болам, деб нола қилган ўн тўрт кунлик ойдаин жувон боши танидан узилиб, бешик ёнида қотди...

Ёғийга омонлик бермаган Эски жўва даҳасини сўнгроқ уқало «Жанггоҳ» деб юритмишлар...»

Анвар китобдан бош кўтариб ўйга толди: «Қизиқ-ку, «халқ отаси» бунга бошқача

талқин қилиб берган. «Тошкент йигитлари чапани, урушқоқ бўлган. У маҳалла бу маҳалла билан муштлашиш учун Эски жўвада тўпланганлар. Эски жўвадаги майдон шу боис «Жангоп», яъни «Жангоҳ» деб юритилган», деб ёзавериб, бу гапнинг ийғини чиқариб юборган-ку?»

Анвар китобга шу қадар берилдики, онасининг ҳовли этагидаги уй эшигини очиб икки марта чақирганини ҳам эшитмади. Хотинининг кириб келганини ҳам аввалига сезмади.

Хонзода уйга кириб, сочилиб ётган эски қоғозлар, газит-жўрналларни кўриб, дастлаб ажабланди. Ерда чордона қуриб ўтирганича китобга мук тушиб олган эрига қараб салом берди. Анвар саломни эшитди, бироқ китобдан узилгиси келмай бош қимирлатиб қўя қолди. Хонзода, эри қараб ҳам қўймагани учун «яна касаллари тутди-ми», деб қўрқиб кетди.

— Анвар ака, — деди секин, кейин чўчиброқ бўлса-да, овозини кўтарди: — Анвар ака!

Анвар китобдан бош кўтариб, ялт этиб хотинига қаради:

— Ҳа, келдингми? — деди-да, яна китобга мук тушди.

Хонзода кийимини алмаштириб чиққанида ҳам аҳвол шу эди. У эрига бироз тикилиб тургач:

— Нима овқат қилай? — деди, айбдор одамнинг овозида.

Анвар жавоб бермади.

— Овқатни сўраяпман, — деди Хонзода, овозини бир парда кўтариб.

— Бу ёқда одамлар қийма бўлиб ётибди-ку, бунинг дарди овқат, — деди Анвар минғирлаб.

— Нима деяпсиз, тушунмадим, — деди Хонзода.

— Маства! — деди Анвар жеркиб.

Маства Анварнинг энг хушламайдиган овқати. Жаҳли чиқсагина шундай жавоб беради. Хонзода саволни қайтаришга ҳожат йўқлигини билиб чиқиб кетди. Орадан бир пиёла чой ичарли вақт ўтиб, онаси кириб келди.

— Анваржон, болам, уйдამисан. Чақираман, чақираман, индамайсан. Мен сени қори бола билан худойига кетвордингми, дебман. Тоғангникига нимага борувдинг, китоб олиб келдингми? Қанақа китоб экан?

Анвар «О, шпион, етказибди-да», деб ўрнидан турди-да, онасини етаклаб диван томон юрди.

— Қанақа китоб деб сўрадим сендан, — деди кампир жойлашиб ўтириб олгач.

— Эскича китоблар.

Зийрак кампир келинининг ахборотидан сўнг хавотирланиб чиққан эди, шу сабабли ўғлининг қисқа жавобидан қониқмади.

— Тоғангда эски китоблар бўлмасиди, қани, ўқи-чи?

Анвар бу «тергов»дан осонгина қутулмаслигини билиб чарм муқовали китобни кўлига олиб очди-да, дуч келган еридан ўқий бошлади:

— «Бурун ул нимаким, фарз этти Яздон,

Эзур оқилга болиғ бўлғач имон.

Анинг маънисидур тил бирла иқрор,

Кўнгул бирда инонмоғлиғ дағи бор.

Тилар бўлсанг анга ўзни етурмак,

Бил, олти нимага имон кетурмак...»

Анвар саҳифалар орасига бармоғини қўйиб, китобни ёпди.

— Бўлдими, энди ишондингизми?

— Сен энди ўқиганингни манга тушунтириб бер.

— Худо иймонни фарз этти, демоқчи.

— Ўқиганингда Худо деган сўз йўғиди-ку?

— Яздон — Худо дегани. Қаҳҳор, Жаббор деганда ҳам Худони англайдилар. Худони англатувчи сўзлар кўп.

— Боламдан айланай, шунча нарсаларни биласан-у, писмайиб, индамай юрасан-а? Онамнинг кўзлари кўр бўп қоган, шу бечорага яхши нарсаларни ўқиб берай, айтиб берай, демайсан. Ман санинг нонингга зормасман, болам, яхши гапингга зорман... — Рисолат кампир кейинги гапини ҳасрат оҳангида айтди. Овози титраб кетганини сезган Анварнинг юраги сиқилди.

— Ойижон, китобни ҳозир олиб келдим. Ҳали ўзим ҳам ўқиб чиққаним йўқ. Шпионингиз бехато ишлашини билганимда йўлдаёқ ўқиб келардим.

— Гапни дарров эгриликка бурма. Мани келинимдақа келин йўқ бу дунёда. Шпионлик қилиб уйига гап ташибдими, ё кўча-кўйда валақлаб юрибдими? Худога шукр қилсанг-чи?

Анвар онасининг осонлик билан чекинмаслигини билгани учун доим қўллайдиган ҳимоя усулига ўтди — гапни ҳазилга бурди:

— Мендай эр насиб қилганига Хонзодангиз шукр қилсин.

— Сан болага хотин зотининг чидаши қийин.

— Ойи, тергов тамом бўлдимми?

— Чиқиб кетинг, демоқчимисан? Ҳайдамасанг ҳам кетаман.

Рисолат кампир ўрнидан қўзғалмоқчи эди, Анвар тезгина бориб ёнига ўтирди-да, елкасидан қучди.

— Худди хўжа қизига ўхшайсиз-а? Жаҳлингиз чиқмасин, ҳазиллашяпман. Ўзим ҳозир ёнингизга чиқмоқчи эдим. Сўрайдиган гапларим бор.

— Болани туғиб, боқиб-боқиб, қариганингда ёқмай қоларкансан, — деди Рисолат кампир, аразини давом эттириб.

— Бувамнинг хатларини ўқидим. Ҳаммасида афсус чекапман, деганлар. Нимадан афсусланишлари мумкин?

— Билмайман.

— Нимадан афсусланишлари мумкин? — деди Анвар ўзига ўзи гапираётгандай. — Қилган хизматларигами ё ёшликдаги хатоларигами? Балки ёшлик чоғларида бирор дўстларига хиёнат қилгандирлар?

— Гапинг қурсин сани, адам раҳматли чумолига ҳам озор бермасидилар. Чақувдан бўлган ҳаммаси. Сталинга қарши тўнтариш ясамоқчи, деб тухмат қилишди. Сталиндай одамни тўнтариб бўларканми?

— Ҳарҳолда қизиқ... Шоакбар Зуннунийни ўн тўққизинчи йилда Бухоро амири остирган. Орадан ўн саккиз йил ўтгач, унинг дўстини — менинг бувамни қамашган. Икки ҳаммаслак дўстнинг бири эски тузумга ёқмаган, иккинчиси янгисига... — Анвар бир қўли онасининг елкасида, кўзи дераза ортида ёғаётган қор зарраларини илиб олаётган дарахт шохларида эди.

— Ақлли одамнинг душманлари кўп бўлади, болам.

— Бувимга қийин бўлган экан-да.

— Ойим бояқиш ҳасратда ўтдилар, — Рисолат кампирнинг кўнгли тўлиб, енгининг учи билан кўз ёшини артди.

— Юринг, ойи, танчангизда бироз ўтирайлик, оёғим қақшаб қолди, — Анвар шундай дегач, кампир ўрнидан турди.

Анвар онасини уйга кузатиб, бирпасгина ўтириб қайтмоқчи эди. Онаси атайин уни ушлаб қолмоқчи бўлдимми ё чиндан ҳам китоб ўқитиб эшитгиси келдимми — Анвар фарқлай олмади. Хонзода чарм муқовали китобни келтиргач, у қамалдаги одам ҳолига тушди. Қишнинг бир тутам кундузи тугаб, шом қоронғуси бостириб кирди.

### 3

Анвар ўрин солаётган хотинини елкасидан қучди. Хонзода чўчиб тушди. Чўчиганини яшириш учун тезгина ўгирилди-да, эрининг пинжига кирди — елкасига беозоргина бош қўйди.

— Сиздан яна илтимос қиламан, — деди Анвар уни бағрига босиб. — Ҳамма ўйласа ҳам, сиз мени жинни деманг. Ҳадеб ойимга югуриб чиқаверманг. Мен соғман. Мен ишхонадагилар учун жинниман. Улар мендан қутулишнинг бошқа чорасини топишолмади.

— Уша ишингиз ҳам қурибгина кетсин. Бошқа ишлар тўлиб ётибди-ку?

— Йў-ўқ, у ердан кетмайман. Аввал ишимни битириб олай. Энди чекинсам, ростданам жинни бўламан. Бугун топиб келган китоб-қоғозларим уларни портлатиб юборадиган атом бомбанинг ўзи. Тилка-тилка бўлиб кетишади.

Хонзода эрини гапиртирмаслик учун лаблари билан лабларини қидириб топди...

Хонзода одати бўйича енгил пишиллаш бошлагач, Анвар ўрнидан туриб меҳмонхонага чиқди. Дераза оша осмонга тикилди.

Тунд осмон ёришмади.

«Чақирсанг келамиз, дейишган эди. Нима учун дараклари йўқ?..»

## XIV БОБ

### 1

Шаҳарнинг энг катта ресторани икки кун давомида Асадбек хизматида бўлди. Хонаки қиморбоздан тортиб, орқа ойнасига оқ парда тортилган оқ «Волга»ларда юрувчи зотларгача хизматда бўлишди.

Тўйнинг дарагини эшитиб Зоҳид ҳам, гарчи таклиф этилмаган бўлса-да, келди. У бошқалардек елиб-югуриб хизмат қилмади. Асадбекнинг кўзига кўриниб, жилмайиб, таъзим ҳам қилмади. Бир четда туриб кузатди. Хизмат ресторан ходимларию ходимларидан ортмаса ҳам, «қамишдан бел боғлаб хизмат қилишни ният этганлар» тиниб-тинчшмасди. Тўй ҳаракатлари ичкарида бўлишига қарамай, Асадбек турган ерда ивирсишарди. Айримлари югуриб келиб, Асадбекдан маслаҳат олиб кетарди. Айрим-

лари шунчаки кириб-чикиб турарди. Улар орасида таниш одамларини кўриб, Зоҳид «ҳоким дейишганича бор экан», деб қўйди.

Зоҳид никоҳ оқшомида куёвнинг ёнида Анварни кўриб аввалига ажабланди. Устози сабаб бўлиб, Анвар билан бир-икки суҳбат қурган эди. Адолат деб куйиниб юрган йигитнинг адолатсизлик билан топилган пуллар эвазига тузалган дастурхон тўрида ўтириши унга ғалати туюлди. Унинг қаричи билан ўлчанса, Анвар дўстининг бу хонадонга куёв бўлишига йўл қўймаслиги лозим эди. Дўстини қайтаролмаган тақдирда ҳам куёвжўра бўлиб тўрда ўтирмаслиги керак эдик.

Чумоли уясидек қайнаётган тўйхонада Анвар ҳам Зоҳидни кўриб; «бу йигит нима қилиб юрибди?» деб ажабланди. «Хизмати юзасидандир» деган гап хаёлига келмай бироз фикринди.

Зоҳиднинг тўйда иштирок этаётганини фақат Анвар эмас, Асадбекнинг одамлари ҳам пайқашди. Тўй ўз йўлига, хизмат ўз йўлига, деганларидек, Асадбекнинг одамлари ҳушёр ва зийрак эдилар. Ким келди, ким кетди, ким нима деди — уларнинг назаридан четда қолмас эди. Тўйдагиларнинг қарийб ярми таклиф этилмасалар-да, Асадбекка садоқатларини билдиришиб, ўз ихтиёрлари билан келишганди. Зоҳид ҳам таклиф этилмаганлар сафида, аммо унинг мақсади Асадбек одамлари учун ноаниқ эди. Шу сабабли «Шариф Намозов ишини кўрган, ҳозир Шилимшиқнинг иши билан шуғулланаётган «бола»нинг келганини Асадбекка маълум қилиб қўйишди.

— Еб-ичиб ўтираверсин, индамаларинг,— деди Асадбек. Кейин ёнида қўл қовуштириб турган Кесакполвонга қаради.— Ҳайдар, директоринг кўринмадимми?

— Кишинёвда ўтирибди. Самолёти учмаётганмиш.

— Прокурор боланинг акаси ўлдирилган, девдингми?

— Ҳа, шунақа бўлган экан.

— Прокурор бола... тузукроқ одамми?

— Бу ёқда ҳали тузукроқ иш бермади. Милисадалигида сал ўжарроқ экан. Одам бўлиши қийин-ов...

— Хўжайини нима дейди?

— Одам бўлмаса думини тугади-да...

— Ўзинг ҳам уриниб кўр. Оёғимиз остида ўралашмасин. Кавказлик болаларни топдиларингми?

— Йўқ, изи қурибди. Уларни академик топган бўлиши керак. Прокурор болага ўшани рўпара қилайми?

Асадбекка бу таклиф маъқул тушгандай бўлди. Сўнг Зелихон изидан ис олган прокурор оқибат Элчинга рўпара келишини ўйлаб, фикридан қайтди.

— Йўқ,— деди у кескин оҳангда.— Унга тегмаларинг.

Зоҳид «юқори доираларнинг» ўзи ҳақида сўз юритаётганидан беҳабар, «мени бу ерда ҳеч ким танимайди», деган хотиржам ўйда тўй тамошасини кузатарди. Унинг назарида хонандалар устидан сочилиб, хипчабел раққосалар оёғи остида босилаётган пуллар қоғоздан эмас, одам қонидан ишланган эди. Маст башаралар санчқига ҳил-ҳил пишган қўй гўштини эмас, одам гўштини илиб оғизга солишаётгандай эди... Шуни ўйлаганида кўнгли ағдарилиб кетаёзди. Гўё ашулачи санъатини кадрлагандай пул сочаётган, аслида ўз қудратини, аини чоқда Асадбекка бўлган эътиқодини намойиш этаётган бу киборларнинг қай бири Жалол Комиловнинг эркаклигини кесиб ташлаган экан, қай бири юрагига пичоқ санчиб, қай бири осиб қўйган экан? Зоҳид «бу ваҳшийлик фақат мафиянинг қўлидан келади, гуруҳлар орасида ихтилоф чиққану Комилов қурбон бўлган», деган қарорга келган эди. Бу ваҳшийлик «ижодкори» пул сочаётганлар эмас, қўшиқ айтиб кўпнинг дилини ўзига ром қилиши мумкин бўлган, ҳозир эса тўрди куёв сарупосида ўтирган Элчин экани хаёлига келмайди. Бу ҳақиқат тагига етгунича кўп қоқилади, пешонаси кўп ғурра бўлади...

## 2

Даврабоши Элчиндан биттагина қўшиқ эшитиш таклифи тушаётганини айтиши ҳаманоқ қийқириқ бўлиб кетди. Элчин қамалмасидан аввал бу шарафга кўникиб қолган эди. Шундай кезларда у саҳнага юриб эмас, гўё парку бутултар устида сузиб чиқар эди. Ҳозир ўша дамлар қайтгандай бўлиб юраги бир энтикди. Бош чайқаб «йўқ», деди. Урнидан туриб, қўлини кўксига қўйиб таъзим қилди. Даврабоши унга тор узатгач, ноилж қолиб қўлига олди. Шунда ҳам ўртага чиқмади.

Кимга тўй, кимга аза, дейдилар. Элчин зоҳиран куёвлик шоҳсупасида ҳуррам кўринар, батинан эса, юраги темир тирноқлар ҳукмида эди. Яхшилаб қараган киши унинг юзлари кулгани билан кўзлари ғам пардаси ортида маъёс тортганини пайқай олади. Яхшики, тўйда одамлар синчков бўлишмайди. Кўпчилик Элчиннинг «ашула айтмайман» дейишини шунчаки ноз ўрнида қабул қилди. Элчин ҳозир улар истаган қўшиқларни айтолмасди, уларни хурсанд қилолмасди.

Қўлига тор олгач, «нимани айтсам экан», дегандай ўйланиб қолди... Электр орган

чолғучиси унинг мушуқлини осон қилиш учунми бир вақтлар машхур бўлган ашуласининг куйини чалди...

Бугун қўшни чорбоққа  
келин тушди, ёр-ёр...

Элчин бу куйни эшитмади.

...Пуллар сочилиб ётган тўйхонага... Ноила кириб келди. Оппоқ узун кўйлақда. Чап кўкрагида пичоқ, лекин қон йўқ. Маънос кулимсираб туриб:

— Айтинг, Элчин ака, ўша ашулангизни соғиндим...— деди.

— Қўшиқ фақат сенга аталган эди.

— Айтинг, майли, булар ҳам эшитишсин. Зора тош юраклари юмшаса...

Тўйхона бирдан жимиб қолди.

Қамоқхонадаги тўлғоқли кечаларда туғилган, узоқ йиллар юрак қафасидаги тутқинликда потирлаётган қўшиқ озодликка чиқди...

Хайр энди, қалбимда бир видо қолди...

Хайр энди, сен кетдинг, бегуноҳ оху...

Бугун сен қайдасан,

Қайларда қолдинг...

Бугун бошинг узра кимнинг паноҳи...

Элчиннинг назарида тўйхона жим эди. Барча унинг юрагидан отилиб чиқаётган нидони тингларди. Аслида эса... дастурхонга бошланган ялли ҳужум сусаймаган ҳолда давом этарди.

Сени кеч топгандим... эрта йўқотдим...

Қарғагин, лойиқман сенинг қаҳрингга...

Қарғагин... Қарғагин...

Элчин ўзга оламга кўчган эди.

Тўйхонада эса Асадбекнинг ичкари киришига тайёргарлик бошланаётган эди. Ҳарҳолда куёви ашула айтяпти, пул қистирмаса бўлмас...

Бўшаган ликопчаларни йиғиштириб юрган тўрт аёл Жамшиднинг ишораси билан сочилиб ётган пулларни тезлик билан териб олишди. Улар ишларини якунламай туриб бир йигит қўлида дасталанган пул билан пайдо бўлди-да, юзталикларни икки қатор қилиб худди пояндоздай тера бошлади.

Қарғагин лойиқман сенинг қаҳрингга...

Юз сўмлик пулдан иборат пояндоз ҳосил бўлгач, базмхонада Асадбек кўринди.

Ўзгалар қалбида меҳр уйғотдим...

Асадбек пулларни босмай, четлаб ўтиб ашула айтаётган куёви томон юрди. Йўл-йўлакай Жамшидни кўзи билан излаб топиб қовоқ уйиб қўйди. Жамшид буни тушуниб дарров хипчабелларга имо қилди. Уларга жон кириб, пулларни йиғиштиришга тушишди. Асадбек келин-куёвга яқинлашиб чўнтагига қўл солди. Кўпчилик бир даста пул сочилишини кутган эди. Асадбек ҳеч бир тўйда, ёки йиғинда пул сочмаган. Унинг бу одатини билган яқинлари «ўзининг тўйида бу одатини бузармикин» деб ўйлашганди. Улар кутган иш бўлмади. Асадбек иккита юзталиқ чиқариб узатди.

Элчин бошқа оламда эди — эгилмади. Асадбек пул қистиролмади. Унга Элчиннинг ҳозирги ҳолати бегона эди. Шу сабабли Элчиннинг эгилмаганини мағрурлик белгиси сифатида қабул қилиб ёжинди. У ўзини мағлуб ҳис этди. Аммо мағлублигини тўйга йиғилганлар у ёқда турсин, ёнидаги аъёнларига ҳам сездириши мумкин эмас эди. У дарҳол чўнтагига қўл солди-да, бир тутам юзталиқ чиқариб, куёви устидан сочди. Тўйхонани қийқириқ босди. Асадбек иккинчи чўнтагидан пул чиқариб уни қизи устидан сочди. Аввал Кесақполвон, сўнг Чувринди хўжайинлари ишини такрорлашди. Асадбек кулимсираган ҳолда тўйхонадан чиқди.

...Қарғагин, лойиқман сенинг қаҳрингга...

Элчин устидан пул ёғиларди...

Туйғулари эса топталарди...

Унинг кўзларидан сизиб чиққан ёшни ҳеч ким сезмасди, ҳатто Анвар ҳам...

...Ўзгалар қалбида меҳр уйғотдим...

3

«Сиз ўшамми?..»

Зайнаб бу лаҳзани қанча кутди? Еттинчи синфдалигида «Ўтган кунлар»ни биринчи марта ўқиб чиққан эди. Еттинчи синфдалигида китобдаги Зайнабни қарғаб, Кумушга ўзича мотам тутди. Ўзига Зайнаб деб исм қўйгани учун ота-онасидан хафа бўлди. Рў-

монни иккинчи ё учинчи марта ўқиётганида онасига йўғлади. «Отимни ўзгартирайлик», деб ялинди. Манзура қизининг бу қилиғидан кулди. Қучоқлади, бошини силади, пешонасидан ўпди. «Айланай қизим, бу ёмон исм эмас, китобда ёзаверишади-да», деди. Кейин қизига қизиқиб ўзи ҳам китобни ўқиб чиқди. Узи ҳам йўғлади. «Ойижон, исми-ни Кумуш деб ўзгартирмайсизларми, Кумушга ўхшаб ўлиб кетсам ҳам майли эди...» Бу Зайнабнинг кўнглидан кечган гап. Уни тилга чиқариб айтолмайди, уялади. Чунки китобдаги Кумушнинг Отабеги бор... орада тотли дамлар бор. Зайнабнинг орзулари ортида ҳозирча яширин бўлмиш шундайин ҳислар борлигини отаси билиб қолса — шармандалик эмасми?

Узоқ вақтгача биров уни отини айтиб чақирса худди «Кумушга заҳар берган сенсан», дегандай бўлаверди. Ҳатто бир куни тушида Кумушни кўрди. Кумуш — кинодагидан минг чандон гўзал, юзларидан нур таралаётган бир жувон «нима учун мени ўлдирдингиз?» деб ўпкалади.

Ўзининг исмидан уялиш баробаринда у хаёлан Отабегини изларди. Синфдаги болалар орасида Отабек ўрнини босувчи болани топмади. Танафбус пайтида худди қизлардай тўпланиб олишиб кийим-кечаклар ҳақидаги гаплардан ортмовчи ўғил болалардан Отабек чиқиши мушкул эди. Унинг назарида арзирли бола мактабда йўқ эди. Нораства қиз юрагини отасининг ишончли маҳрамларидан бири бўлган жингалаксоч йигит — Жамшид ром этсами?! Жамшид эса қизчанинг кўнглидан нелар кечишини билмай, ҳовлида рўпара келиб қолганида «Ҳа, пучуқ, ўқишлар қалай энди?» деб қўяди. Зайнаб баъзан шу сўзларни ҳам эшитишга муштоқ бўлиб қолади. «Отам мени унга берармикинлар?» деб ўйлайди. Ҳатто «Нимага мени олиб қочиб кета қолмайди?» деб ҳам фикр қилади.

Балоғат ёшига шу ўйлар, орзулар билан кириб келди. Кўнглидаги болаликнинг ўткинчи ҳислари эмас экан. Юракка уруғ бўлиб қадалган ўша ҳислар энди унинг чиқа бошлади, қизининг юрагини, ақлу ҳушини Жамшид тамом банди қилди. Ёши ўтаётган бўлса-да, уйланмай юрган йигит нима учундир бу хонадонда ажиб бир гул унаётганини сезмас эди. Жамшид деярли ҳар куни шу ерда бўлгани учун ҳам, Зайнаб кўз олдида ўсиб вояга етаётгани учун ҳам уни ўз синглисидай кўрарди, унга бошқача кўз билан қарашни ўйламасди. Зайнаб мана шундан тўлғоқда эди.

У бекор қолди, дегунича Кумушбиби қисматини ўқирди. Китобнинг кўп саҳифалари ёд бўлиб кетган эди.

«Билурмикин, билмасмикин, у золим!  
Кунлар, тунлар тортган оҳу зоримни!..»

Кумушнинг тўйида қизлар айтган қўшиқдан шу байтни кўп такрорларди. Жамшид кўринмай қолса «тоблари қочдимми, мени ўйлаб хаста бўлдиларми», деган хаёлга борарди. Хаёлни ўзича ҳақиқатга айлантирай деганида Жамшид кўриниб қолса, унинг сочларини битталаб юлгиси келарди. Кечалари билан тўлғонин «яхши кўришимни ўзим айтаман», деб қарор қиларди. Тонг бўзариши билан унинг бу дадиллиги уйқуга кетар эди. Жамшиднинг машинасига чиққанида эса сири ошкор этилиб шарманда бўлгандай юзлари ловуллаб, тили калимага келмай қотиб қоларди. Зайнаб фақатгина ўз дунёсида яшарди. Бу дунёга ўзгалар кириши мумкин бўлган эшик эса тақа-тақ берк эди. Бу эшикни, истаса, фақат Жамшид оча оларди. Аммо унда бундай хоҳиш учқуни сезилмади. Зайнаб ношуқурлик қилмади. «Узоқдан бўлса ҳам ҳар куни кўриб турсам бас», деди. Назарида Жамшид бўлмаса унинг бу дунёда юришига ҳожат ҳам қолмас эди.

Йигит киши ҳам шунчалар бепарво бўларми? Гулларнинг очилишига зор булбуллар қани? Гул ишқида ёниб куйловчи қумрилар қани? Қани Отабек? Заҳар фақат Кумушбиби жонини суғуриб олмай, Отабек юрагидаги муҳаббатни ҳам ўлдирдимми экан? Шу боис бу ёруғ дунёда Отабеклар қолмадимми экан?

Жамшид Отабек каби севганида эди, Зайнабимиз Кумуш каби ўлиб кетишга минг марта рози эди. Ҳа, Зайнабимиз ана шундай телба муҳаббат чўриси эди. У Жамшиднинг юрагидан аёл зотига нисбатан муҳаббат қувиб чиқарилганини, бу қалб фақат нафрат билан тепаётганини билмас эди. Чунки Жамшид ҳам ўз дунёсида яшарди. Унинг дунёсига ўзгаларнинг кируви мумкин бўлган эшик ҳам тақа-тақ берк эди. Бу эшикни Зайнаб ҳам оча олмас эди...

Зайнаб муҳаббатнинг ақдамчи булутлари устида сузиб юрганида ўзининг бўлажак тўйини хаёл кўзи билан кўрарди. Йўқ, йўқ, сиз уни эрсираб қолибди, деб ўйламанг. Асти бундай эмас. Тўй деганда унинг кўз олдида тўшак келмайди. Тўй деганда у... Отабекнигина кўрарди. Хотирасига муҳрланиб қолган ёзувчи сатрлари билан кўрарди...

«...куёв келар эди: икки томонни сириб олган хотин-қизлар ўртасидан Отабек келар эди...»

Отабек—шубҳасиз, жингалаксоч йигит.

«...унинг кетидан Офтоб оймнинг эгачиси исирғи тутатар эди...»

Демак, исирғини холаси тутатади.

«...хотинлар қўлларида шам билан бунга қарар ва узатиб қолур эдилар...»

Электр чироқ ўчиб қолса қандай яхши бўлар эди...

«Куёв уйнинг ёнига етиди. Унинг юзи уятдан жуда қизарган, қочғали жой тополмас эди. Шу кезде уйнинг эшиги очилди-да, янга томонидан қаршиланди.

— Киригиз, бек!»

Янга ким бўларкин? Кичик холаси дуруст. Каттаси сал қўполроқ, бемаъни гапларни ҳам айтворади.

«...Отабекнинг юрак уриши эҳтимол янгасига ҳам эшитилар эди...»

Янгасига эшитилмас балки, аммо у эштади. Ўз юрагининг қафасдаги қушдай потирлашига ҳамоҳанг бўлади...

«...Отабек уйга киргандан кейин янгаси ташқари чиқиб, эшикни ўзи кўрарли қия қилиб ёпди...»

Кичик холаси мўраламайди, гап пойламайди. Унга айтиб қўяди: эшикни зич ёпиб, устларидан қулфлайди...

«...Уйнинг тўрида ёнини Отабекка бериб, рўмолининг учини тугибми, йиртибми Кумушбиби турадир ва ким келди, деб ёнига қарамайди...»

У ҳам шундай туради. Дарров қарамайди, сирини ошкор қила қолмайди...

«...Рўмол тугиш билан машғул латиф қўлларни чет қўл келиб сиқди.

— Жоним!»

Бу онни, бу жон олғучи биргина сўзни у неча йил кутди? Унинг азобларига неча тун гувоҳ бўлди экан? Тундан сўраб қўриш керак: муҳаббат оловида қовжираётган ундан бошқа яна битта қиз бормикин дунёда? Шунда ҳам...

«...Кумушбиби бегона қўлдан сесканди ва қўлларини қутқазмоққа тиришиб:

— Ушламангиз!— деди ҳам сиқувчи қўлдан қутулиш учун орқага тисланди...»

...Шунда ҳам Кумушбиби сингари қўлини тортиб олади. Силтаб эмас, аста, ноз билан тортади — унинг хаёлига бошқа гап ораламасин, кўнгли озор чекмасин. Шунда у...

«...Титраган ва қовжираган бир товуш:

— Нега қочасиз?! Нега қарамайсиз?!— деди Бек, Кумушбиби шу чоққача қарамаган ва қарашни ҳам тиламаган эди...»

...Шунда у овози титрамаса ҳам айтади бу гапни. Ахир, нимадир дейиши керак-ку?

«...Мажбурият остида, ёв қараш билан секингина душманга қаради. Шу қарашда бир мунча вақт қотиб қолди...»

Йўқ, ёвқараш қилмайди, хумор кўзлари билан қарайди. Уялибгина қарайди. Бу қарашнинг муддати яшин умри мисол қисқа бўлади...

«...Шундан кейин бир неча қадам босиб Отабекнинг пинжига яқин келди ва эсанкираган, ҳаяжонланган бир товуш билан сўради:

— Сиз ўшамми?...»

Нима учун шундай дейди?

Зайнабимизнинг хаёлидаги тўй шу ерга келганда узилар эди. Куёвга шундай дейиш учун сабаб ахтарарди... Сабабини бешафқат ҳаётнинг ўзи топиб беришини у қандай билсин? Хаёлидаги тўй сароб экани, исирик тутатилмаслиги, шамлар ёқилмаслиги, ҳатто... катта холаси янга бўлиши, чимилдикқа номусли қиз эмас, юкли жувон бўлиб киришини, Отабек — жингалаксочли йигит эмаслигини ўшанда билганида ўзини ёқиб юбора қолмасмиди? Хўш, билгач-чи? Уни нима ушлаб қолди? Уғирланган куниёқ хаёлидаги тўй барҳам топганини англаган эди-ку?... Хаёлидаги тўй барҳам топгани тўғри, аммо Жамшидга бўлган муҳаббати сўнмаган эди. Бу муҳаббат сўниши учун аввал унинг ўзи ўлиши керак. Аввал муҳаббатни сўндириб, сўнг ўлиш унинг қўлидан келмайди. Зайнабдаги муҳаббат алангаси зўрми ё Элчиндаги қасос ўtimi — ўлмасак бунга ҳам ажрим топармиз.

Ҳозир эса... Зайнаб номи чимилдик, аслида Оврупоча қилиб яхшилаб ясатилган ётоқда, тўшакнинг бир четида омонат ўтирибди. Катта холаси «ўзингга маҳкам бўл», деб чиқиб кетган. Эшик қия очиқ. Кумушбибининг янгасига ўхшаб мўралаш учун атай очиб қўймади. Тасодифан шундай бўлди шекилли.

Зайнаб куёв бўлмишнинг бир вақтлар машҳур қўшиқчи эканини эшитганидан бери ўйлаб ўйига етолмайди! У Элчиннинг машҳурлигига гувоҳ эмас. Элчин қамалганида у учинчи синфда ўқир эди. Қамалганидан кейин Элчиннинг ашулалари радиодан ҳам берилмай қўйган, шуҳрати аста сўнган эди. Қолаверса, янги авлоднинг ўз оҳанги, ўз қўшиқчилари бор эди.

Зайнаб отасининг мақсадини англай олмайди. Чиройга баҳо берилса, Элчин Жамшидга нисбатан ўктамроқ эди. Лекин қамалда бўлган Зайнабнинг юраги унга эшикни очиб бера олмас эди. Никоҳларини рўйхатдан ўтказмоққа борганларида унга бир неча марта ўғринча қаради. Дугоналарининг ҳавасдан ёнаётганларини ҳам сезди. Аммо... хотинини сўйиб ташлаган одамни куёв қилиш отасига нима учун зарур бўлиб қолди? Нима учун онаси итоат билан кўнди?

Янга — катта холаси чиқиб кетганига ҳам анча бўлди. Куёв эса ҳаяллагипти.

Кун бўйи қор ёғиб, осмон ҳасратини тўкиб адо қилибди — ҳаво очиқ. Тўлин ой жувон ҳолича эрга тегаётган қизнинг аҳволини бир кўрай деб нақ дераза тепасига суллоҳлик билан кўниб олган. Ҳовлида ҳаракат сўнмаган — хотинлар ҳамон ивирсиб юришади...



Зайнаб ўрнидан туриб дераза пардасини ёпди. Жойига қайтиб ўтирди. Зиндонга тушиб қолгандай бўлди. Гўё тўрт девор, шифт бир бўлиб унинг устига босиб кела бошлади. Нафаси қайтиб ўрнидан турди-да, пардани салгина сурди. Ой нури хонага ўғринча кириб ожизгина ёниб турган тунчиноқ нури билан қоришиб кетди.

«Сиз ўшамми?»

Бунинг айтилишига озроқ фурсат бор.

Зайнаб ётоқхонада куёвнинг ҳаяллашидан ҳайрон. Куёвнинг эса бу ерга киришга юраги дов бермайди. Уч кун аввал келиннинг сеплари олиб келинганда Элчин қайси хона ётоқ бўлишини кўрсатган эди. Арабистонда ясалган ҳашамдор каравотлар Элчин айтган хонага қўйилиб эди. Ноила билан тотли тунларни ўтказган, оқибатда эса Ноиланиннг жони узилган хонада энди у бошқа жувон билан бирга бўлолмас эди. Ресторанга жўнашаётганида ҳам хобгоҳ Элчин айтган хонада эди. Қайтса... Ноиланиннг жони узилган хонага кўчирилибди.

— Ҳеч замонда даҳлиз ҳам испалний бўларканми,— деди аммаси унинг норозилигини писанд қилмай. Элчиннинг туйғулари амма учун бегона эди. Айтса «орадан неча йил ўтди. Эрак киши сал ўзини қўлга олиши керак» деганга ўхшаш бир гап эшитарди.

Хобгоҳдан бўлак барча хоналар келин тарафидан келган хотинлар билан банд. Ҳовлида ўзининг қариндошлари изғиб юришибди. Элчин чекиб олиш баҳонасида Анвар билан дарвозахонада турибди. Аммаси икки марта келиб «ҳой, кирмайсанми», деб кетди. Элчиннинг гапларида тайин йўқ. Анвар буни сезяпти. Уртоғининг келин олдига киргиси йўқлигини англаб турибди. Сабабини сўрамайди. «Ноила эсига тушиб кетди шекилли?» деб тахмин қилади. «Майли, ўзини босиб олсин», деб у ҳам сигаретга сигарет улайди... Аммо тонггача шу ҳолда туриш мумкин эмас...

— Совқотдим, ошна,— деди Анвар.— Энди кир, хотинлар гап қилади.

Элчин мўмин боладай ҳўп, деб уй томон юрди. Остона — муқаддас чегара. Анвар чегарани босиб ўтмади, ҳовлида қолди.

Эшик очилиб куёв тўра — Отабек эмас! — кирдилар. Келин пошша — Кумушбиби эмас! — ёнини эшик томон бериб — атайин эмас! — ўтирадилар. Ким келди, деб ёнга қарамайдилар. Эшик маҳкам ёпилиб, калит буралади. Нариги хонадан жой олган хотинлар, ғафлатда қолишди десак янглишмаймиз. Чунки қадимнинг расм-русими йўқ энди. Хотинлар нима учун куёвнинг уйига келиб, нима учун ётиб қолишаётганини ҳам билмайдилар. Ҳовлида гулхан ёқиш йўқ, келин боши узра палак тортиб ёр-ёр айтиш йўқ, исирик тутатиш йўқ, тортишмачоқ йўқ, чимилдиқ йўқ... Келин-куёв уй бурчагига тортилган чимилдиқ ортида ўтириб тонг оттирмайдилар. Хотинлар чимилдиқни аста суриб мўраламайдилар. Кампирлар қзлик оламларини ташлаб, жувонлик очунига кириш онларини хотирлаб, чоллари билан бўлган кейинги ҳангомаларни сўзлаб куёв билан келин кўнглини қитиқламайдилар... Ҳаммаси соддагина: эшик қулфланади, хотинлар минғирлаб-минғирлаб уйкуга кетадилар. Келин ўзига пишиқ бўлса бўлди, йўқса урф бўйича эртага белгиланган воқеа шу тундаёқ амалга ошаверади, янгалар доғда қолаверадилар...

...Латиф қўлларини чет қўл келиб сиқмади. «Жоним!» деган сўз учмади. У Кумуш эмас, Зайнаб экани учун шундай бўлгандир? Балки у китобда ёзилгандай ширин лаҳзага арзимас?

...Элчин аввалига тўшак устида Ноиласини кўрди. Кўзини чирт юмиб олди. Чўқур нафас олиб туйғуларини ҳайдаб чиқармоқчи бўлди. Бунга пича эришди. Кўзини очганда тўшак устида Ноиласи йўқ эди. Тўшак устида омонат ўтирган Зайнаб — Асадбекнинг (!) қизи унга қарамасди. Элчин келинлик либосида ўтирган Зайнабга мажбурият юзасидан яқинлашиб, билагига қўл юборди. Қаттиқ сиқмади, оҳистагина ушлади.

Зайнаб сесканди. Аммо қўлларини қутқазмоққа тиришмади. Унинг билагини ушлаган қўл бегона эмас, таниш эди. Зайнаб ёвқараш билан, ялт этиб душманига қаради (ҳа, у ёри эмас, душмани эди!). Урнидан турди. Кумушбиби Отабек пинжига яқин келгани каби яқинлашмади. Эсанкираган, ҳаяжонланган бир товуш билан сўради:

— Сиз... ўшамми?!

Бу гап тилидан беихтиёр учди. Бу гап Кумушбибининг ҳаяжони билан учмади. Кумушбиби кутилмаган бахт қуши бошига қўнган саодатли қизнинг эсанкираши билан айтган эди бу гапни, Зайнабимиз эса узоқ излаган қонхўр душманига тасодиф билан рўпара келиб қолган, бахти топталган жувоннинг эзгин овози билан айтди.

Савол жавобсиз қолди.

Отабекнинг «Мен ўша!» деган кўнглини қувонтирувчи сўзлари учмади. Зайнабимиз «Кўзларимга ишонмайман», демади. Икки лаб ўз-ўзидан бир-бирига қовушмади... Кичкина нозик қўллар елка устига, кучли қўллар қўлтиқ остига ёпишмадилар. У куёв бўлмишнинг юзига узоқ тикилиб турмади... «Кутилмаган бир бахт!» демади, кулиб юбормади. Бу кулиш ҳовлиларгача эшитилмади...

Куёв билан келин бир-бирларига яқинлашмаган ҳолда ўтириб, тонг оттирдилар. Элчин, сўфи азон айтмай туриб, хобгоҳдан чиқди. Куёв чиқиб кетиши билан шошилиб кирган янга — Зайнабнинг катта холаси жиянининг «ўзига маҳкам бўлганини» кўриб, қувонди.

Вино заводининг бошқони Шариф Намозов хунук хабар билан кирган котибага норози қиёфада боқди. Биргина жилмайши билан жонини суғириб олиши мумкин бўлган, аммо янги бошқоннинг кўнглини овлай олмасдан хуноби чиқиб юрган котиба унинг қовоқ уйганини кўриб чимирилди.

— Кираверсинми? — деди нозли оҳангда.

— Бироз кутсин, — деди Шариф, телефон гўшагига қўл узатиб. — Министр билан гаплашим керак.

Котиба ноз билан бурилиб чиқди. Шариф гўшакни жойига илди. «Прокуратуранинг яна нима иши бор экан менда?» деб ўйлади. Қорнида бирдан санчиқ туриб, кўнгли айниди. Чўнтагидан хапдори чиқариб, илиб қолган чой билан ичди.

Шу ёшгача фақат илм деб яшаётган одам, гўё пешонаси деворга урилиб кўзи очилгандай, ҳаётнинг маъноси ўзгача эканига имон келтира бошлаган эди. Бахтли бўлишимга бахтсизлик асқотади, деганларидек, худо бу бандасининг юмук кўзларини очмоқ учун атайин қамоқ можаросига рўпара қилгандай эди. Қамоқдан-ку, бир неча кунда қутулди. Билагидаги игна излари ҳам йўқолай деди. Бироқ гиёвандликнинг тўридан қутулиши оғир кечди. Худди ачиган овқат еб қўйгандай кўнгли айниб, қорин оғриғи бошланса, тўлғоқ тутган хотин каби типирчилаб қолади. Шунақа пайтда кўнгли қамоқхонадаги йигитни кўмсайди. У кўзига фаришта бўлиб кўринади. Кела қолсаю билагини сиқиб туриб томирига эм игнасини санчса. Оғриқ тўхтаса. Булутлар устида ёнбошлаб сайр қилгандай ором олса... Ўттиз минг эмас, ўттиз миллион сўм бераман деган тилхатга ҳам имзо чекишга тайёр... Уйда дастлаб шу дард хуруж қилганида ўзи ҳам, хотини ҳам кўрқди. Гиёвандлик тўридан чиқиб кетиш мумкинми, деган муаммо эр-хотинни ташвишга солди. Шарифни қамоқхонадан уйга олиб келган жингалаксоч йигит хапдори ташлаб кетмаганида уларнинг ҳолига маймунлар йиғлаши мумкин эди. Хапдори эм бўлиб, дард аста чекина борди.

Бошқонлик курсисига ўтирган куни, йўқланмаган меҳмондай Асадбек кириб келганида ҳам хапдорини ютиб, дард билан олишаётган эди. Шариф Асадбекнинг доврўғини эшитса ҳам, ўзини энди кўраётган эди.

Асадбек устол қиррасига кўкрагини тираб, тиришиб ўтирган бошқонга қараб турди. Дард пича чекиниб, Шариф қаддини ростлагач, «Ҳа, нима бўлди?» деб ҳам сўрамади.

— Янги амаллар қутлуғ бўлсин, — деди Шарифга қаттиқ тикилиб.

Азобнинг асоратидан ҳали тўла қутулмаган Шарифга юзини буриштириб, «Раҳмат», деди. У индамай кириб келиб, безбетларча ўтириб олган бу одамни вазирлик вакили деб гумон қилди.

— Мени танимайсизми? — деди Асадбек.

— Кўзимга иссиқроқ кўриняпсиз?..

— Мен Асадбекман! Шунақа одамни эшитганмисиз?

Беҳуш одам юзига муздек сув сепилса, кўзи мошдек очилгани каби Шариф ҳам ўзи кутмаган ҳолда, бирдан сергак тортди. «Шунақа одамни эшитганмисиз?» Шариф Асадбекни бадқовоқ, тўнг, ёвуз бир маҳлуқни эслатувчи одам қиёфасида тасаввур этарди. Тўғри, қараши ўткир экан. Лекин бу қарашда ҳам, юзларида ҳам ёвузлик аломати сезилмайди. Кийимлар шоҳона эмас, бармоқларда тилла узук, оғизда тилла тишлар йўқ... Шариф Асадбекнинг қарашига дош беролмай ўрнидан туриб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди. Устолни айланиб ўтиб у билан қўшқўллаб сўрашди. Асадбек ўтирган ўрнида жилмайди. «Жойингизга ўтиринг», деди. Шариф унга итоат этмай, устол олиб рўпарасига ўтириб «бюрсинлар, тақсирим», деган каби мўъминтой кўриниш олди. «Қилич бу олимчани қайсар, дерди, мулойимгина-ку?» деб ўйлади Асадбек.

— Ишга киришиб кетдингизми? — деди Асадбек, ундан кўз узмай.

— Секин-секин бўляпти, — деди Шариф. У ҳозир қайнотаси билан биринчи марта учрашиб, ҳижолатда ўтирган куёвболага ўхшарди.

— Шу завод дунёга машҳур бўлиши мумкинми?

— Ҳа...— деди Шариф, — катта фойда бериши мумкин.

— Мен дунёга машҳур бўлиши мумкинми, деб сўраяпман. «Порто»ми, «Наполеон»ми, ҳеч бўлмаса «Белый аист» даражасига чиқа оладими?

— Нега чиқмасин? Биз «Порто»дан ўтиб кетишимиз аниқ. Мен янгича бир жараён асосида вино олишни таклиф қилувдим. Португалияликлар қизиқиб туришибди. Бу жараённи янада мураккаблаштириш имкониятим бор. Заводда ишлаётган одам сони учдан иккига қисқаради. Маҳсулот ҳажми уч баравар ошади, сифати етти-саккиз марта яхшиланади.

— Биз заводни сотиб оламиз.

— Биз деганингиз ким?

— Биз — иккаламиз. Яъни, сизу мен.

— Ҳазиллашманг, менинг пулим йўқ. Ундан кейин бу давлатнинг заводи.

— Давлат сотади заводни заводни. Ҳаққидан ҳамма заводларни бугун бўлмаса эртага албатта сотади. Бошқа иложи йўқ.

— Бу завод... ўтириб қолмаган. Катта фойда олади.

— Ҳозирги шароитда миллиардер завод ҳам хароб бўлиб кетиши мумкин.

— Йўқ, бу мумкин эмас.

— Мумкин.

— Бу менинг қўлимдан келмайди.

— Сизнинг қўлингиздан аралашмаслик келар?

Шариф тушунди. Демак, Асадбекнинг режаси икки босқичдан иборат: биринчисида бошқон четда туради. Унда кўра чапдастроқ одамлар заводни чўктиришади. «Норентабел» деган рўйхатга киритилади. Иккинчи босқичда Шариф майдонга чиқади. Янги усули билан заводни «кўтаради».

— Фойданинг тўртдан бири сизники, — Асадбек шундай деб ўрнидан туриб, қўл узатди. Шариф беихтиёр қўл берди. Асадбек хайрлашиш учун қўл олишдими ё шартни тасдиқлатдими — Шариф англай олмасдан қолди.

Орадан неча кун ўтса ҳам Асадбекнинг гапларини ўйлайди. Мағзини чақмоқчи бўлади. Ҳозир завод тўрт миллион сўм соф даромад олади. Тўртдан бири — демак, миллион! Янги усулга ўтилса бу яна кўпаяди. Ҳориддан доллар ҳам оқиб келади. Нима, у миллионер бўладими? Бунга бир ишониб — кўнгли яйраб кетади. Бир ишонмай кўнглига ғулғула оралайди. Прокуратурадан Зоҳиднинг келгани ҳақидаги хабар вужудида мудраётган ўша ғулғулани уйғотди. Гарчи Зоҳид ёмонлик қилмаган бўлса-да, Шарифда унга нисбатан нафрат зоҳир эди. У, шубҳасизки, Зоҳиднинг юрагида қандай дард борлигини билмасди. Шариф учун милласа ҳам, прокурор, терговчи ҳам бир — суриштириб ўтирмай қамайдиган одамлар. Шариф энди иш бошлаган дамда, рўпарасидаги қоронғуликлар чекиниб, узоқдаги тилла чўқилар кўриниб, ўша томон талпиниб яшаётган пайтда касби қамашу хўрлаш бўлмиш бу одамни кўришни истамас эди. Аммо прокуратурадан келган одам унинг истаги билан ҳисоблашмайди — шуниси чаток.

Шариф ўзи билан пича олишиб ўтиргач, котибасини чақириб, «кираверсин», деди.

Уларнинг сўнги учрашуви қамоқхонада бўлган эди. Унда Зоҳид ўрнидан силжидиган тахта устол ортида ўтирарди. Шариф хонага қўлларини орқасига қилиб, ўлимини бўйнига олган одамдай қаддини эгиб кирган эди. Ҳозир эса... кенг хонада, устига тўртта телефон қўйилган катта устол ортида Шариф ўтирибди...

Эшикдан Зоҳид кириб келди. Орқасида соқчи эмас, котиба кўриниб, Зоҳид ичкарига қадам қўйиши билан эшикни ёпиб олди. Зоҳиднинг қўллари орқасида эмасди. Қадди ҳам эгилмаган, юриши дадил эди. У «кутиб турсин», деган гапни эшитганидаёқ бошқоннинг учрашувга хуши йўқлигини сезганди. Ичкари кириб, Шарифнинг қимирламай ўтирганини кўргач, бир ғашланди. Аммо одоб юзасидан салом берди. Шариф бош ирғаб алик олди. Қўли билан рўпарасидаги устулни кўрсатиб, «ўтиринг», деган ишорани қилди. Унинг душманни кутиб олгандай қаршилаши Зоҳид учун кутилмаган ҳол эди.

— Эшитаман, — деди Шариф, Зоҳидга қарашга ботинмай. У терговчини хушламай қарши олгани билан саросимадан ҳали қутулмаган эди. Шу сабабли ҳам унга тик қарай олмади.

Зоҳид эса унга тикилиб турди. «Мен ҳали шунга ачинувдимми? Шунинг беғуноҳлигини исботламоқчи эдимми? Қамоқда чириб кетадиган тўнка экан-ку?» деб ўйлади.

Зоҳид Жалол шилимшиқнинг иши билан банд бўлса-да, Шариф Намозов тақдирини, винзавод атрофидаги ҳангомаларни ўрганишдан бутунлай воз кечмаган эди. У ҳали Жалол шилимшиқ Асадбекнинг яқинларидан бири бўлганини билмайди. Билганда эди, «Асадбек лозим бўлган маҳалда сизни ҳам шу йигитдай ўлдиртириб юборади», деб айтармиди... Зоҳиднинг бу даргоҳга келишидан мақсади дастлабки иш бўйича ҳақиқат тагига етиш. Нима учундир «Шариф Намозов менга кўмак беради», деб ўйлабди. Одамнинг бунчалик тез ўзгариши мумкинлигини ҳисобга олмабди.

— Эшитаман, — деди Шариф бу сафар баландроқ овозда.

— Бир табриклаб кўяй деб кирдим. Шу кўчага йўлим тушиб қолувди.

— Раҳмат.

— Тўйда кўринмадингизми?

— Қайси тўйда?

— Асадбек қизини узатди-ку, сизни айтмадимми?

— Сафарда эдим.

— Аттанг... Зўр тўй сизга насиб этмабди-да, а? Ишлар қийин эмасми?

— Шуни сўрагани келдингизми, бошқа гапингиз йўқми?

— Бошқа гапми?... Бор. Қилич Сулаймонов билан ораларингизда нима гап ўтган эди?

— Ҳеч қанақа гап ўтмаган.

— Унда нима учун сизга тўхмат қилди. Озмунча пулга куймади, бояқиш. Сизнинг қамалишингиз унга нима учун зарур бўлиб қолганди?

— Сулаймоновнинг ишини сиз олиб боряпсизми?

Зоҳид саволдан қутилган мақсадни англади:

— Мен Намозовнинг ишини олиб боряпман, — деди дона-дона қилиб.

— Назозовнинг иши ёпилган, — деди Шариф тўнғ оҳангда.

— Ҳозирча расман шундай. Сиз кўча чангитиб юрган кисавур бола эмассиз. Олимсиз. Қонунни яхши биласиз. Ҳар қандай иш қайта кўзғотилиши мумкин, — деди Зоҳид, ҳар бир сўзга алоҳида-алоҳида урғу бериб.

— Уша қайта кўзғотилганда гаплашамиз.

— Яхши ният, ярим мол, ҳарҳолда гаплашарканмиз-ку, — Зоҳид шундай деб ўрнидан турди. — Қамоқхонада сиз менда бошқача таассурот қолдирган эдингиз. Сизни олим одам, илмдан бошқа нарсани тан олмайдиган ҳақиқатпарвар киши, деб ўйлаган эканман. Бу дунёда чин ҳақиқатпарвар одам анқонинг уруғи экан, шекилли?

— Ҳақиқатдан ҳамма гапирганида ҳам сиз гапирманг энди! — деди Шариф ўрнидан туриб. У Зоҳидни кузатиш учун ўрнидан кўзғолдими ё жаҳли чиқиб туриб кетдими, ўзи ҳам билмади.

Бурилиб кетмоқчи бўлган Зоҳид ажабланиб, унга қаради:

— Нимага? Мен ҳақиқатга мос келмайдиган бирон иш қилдимми ё сўз айтдимми?

— Бегуноҳ одамни муттаҳамларнинг ичига тиқиб қўйиш — ҳақиқатми?

— Афсуски, лақмалик учун қамаш мумкин эмас. Ушанда сизни лақмалигингиз учун тиқиб қўйиш керак эди. Молдай ичиб, билакка қора доридан урдириб, уйда нима аҳвол билмайсиз. Яхши ҳамки уйингизга қора дори ташлашибди. Хотинингизни сўйиб, пичоқ дастасини қўлингизга ушлатиб қўйишса нима қилардингиз?

Зоҳиднинг гапи Шарифни титратиб юборди.

— Гапирманг! — деди у жонҳолатда.

— Шошилманг, бу ҳам бўлиб қолар... Сиздақа одамларни йўқ қилиш чўт эканми? Фақат касрингиз бошқаларга уради. — Зоҳид шундай деб эшик томон юрди.

— Тўхтанг, сиз нимага шама қиялпсиз?

— Ҳеч нимага. Узмача ўйлаяпман. Бешингизга бахт қуши қўнган экан, оёғидан маҳкам ушланг. Жар тепасига бориб қолганингизда аттанг, деманг. Сиз ўйнаётган ўйиннинг қонун-қоидаларини мен билмайман. Ҳарҳолда бу илм одами ўйнайдиган ўйин бўлмаса керак.

Илмдан чекинган икки одам серҳашам бир хонада худди дарёнинг икки қирғоғида тургандай гаплашишарди. Ажабланишарди шундаки, уларнинг бири ҳақиқат истаб илмдан узоқлашди, иккинчиси ҳақиқат етказган жабрлардан безиб, илмдан юз ўгирди. Қамоқхонадаги учрашувда улар руҳан бир-бирларига яқин эдилар. Энди улар орасида олов дарёси бор. Уни кечиб ўтиш мумкинми? Улар яна тўқнушадиларми — Худо билади.

Зоҳид чиқиб кетди. Илмоқли гаплари билан Шарифнинг юрагини тирнаб кетди. Ҳақиқат деб жабр чекканлари тўғри. Аммо бу жабрнинг роҳати ҳам бор эди, тан олиш керак. Ҳақиқатдан чекинмаган одамнинг руҳи эркин бўлади. Дард чекса-да, тиз чўкмагани учун руҳи яйрайди. Ана шу роҳатдан ўзи ўз хоҳиши билан воз кечди. Аммо руҳи унинг бу қарори билан келиша олмайди. Зиндонда азоб чекаётган банди каби нола қилаверари. Ҳозир Зоҳид чиқиб кетгач, бу нола яна бошланди. Шариф ўрнига ўтириб, тирсақларини устолга тираб, бошини чангаллади.

Эшикни қия очган котиба унга ажабланиб қараб турди-да, енгил йўталгандай бўлди. Шариф бошини кўтариб унга қаради.

— Телефонга қаранг, — деди котиба.

Шариф телефонга гўшагини қулоғига тутиши билан Асадбекнинг овозини эшитди:

— Тинчликми?

— Тинчлик.

— Терговчи бола нимага келибди?

— Шундай ўзи...

— Чайналманг.

— Сулаймонов билан ораларингда нима гап ўтган эди, дейди.

— Кўрқиб кетдингизми? Кўрқманг. Бу бола бир ўлимтик чивин. Чақиб ўлдирмайди. Фақат ғинғиллаб ғашингизни келтиради. Пуф десак чиққан жойига кириб кетади. Омон бўлинг.

Асадбек гапни қисқа қилди.

«Дарров қаёқдан била қолди, — деб ўйлади Шариф, — ҳамма ёққа айғоқчи қўйиб ташлаган шекилли?»

Шариф, Зоҳид айтгандай, гўл бўлмаганда, Қилич Сулаймоновнинг котибаси нега алмаштирилди, деб ўйлаб қўярди. Агар бирон марта бўлсин шаҳар марказидаги уч қаватли уй ертўласидаги видеобарга кирганда эди, котибанинг қаердан келиб қолганини фаҳм этарди.

Котиба кириб яқингинада видеобарда кўпнинг жонини олган нозли жилмайиши билан янги хўжайинига яқинлашди.

— Чой дамлаб берайми, Шарифжон ака!

Шарифнинг димоғига ёқимли атир иси урилиб, кўнгли равшанлашди.

— Майли, жуда аччиқ бўлмасин, — деди котибага бир қараб олиб.

Котиба устолнинг нариги четидаги чойнакни олиш учун орқадан айланиб ўтмай, Шарифнинг олдидан қўл узатиб эгилди. Шарифнинг димоғига атир иси гупириб урил-

ди. Кўзи қотибдиган сийнабанд тақилмаган кўкраклари орасидаги ариқчага тушиб, кўнгли ғалати бўлиб кетди. Котиба ҳеч нарсани сезмагандай қаддини ростлаб, унга бир ишвали жилмайди.

2

Бировга ёмонлик қилмайдиган одамни «якши одам» дейишади. Ўзгаларга яхшилик қилмовчини-чи? Бошқаларга яхшилик қилмайдиган одамнинг ёмонлик истовчидан фарқи борми?

Винзаводдан узоқлашаётган Зоҳид шу саволга жавоб истар эди. Устози Ҳабиб Сатторович илмга рағбати бор, иқтидорли олимга жонини ҳам беришга тайёр. Узининг ишини четга суриб, бошқага ёрдам қўлини чўзади. Бу яхшиликми — яхшилик. Лекин кўчада биров очдан шишиб ўляпти, десангиз, ёрдам бериш учун чиқмайди. Уша ўлаётган одам олим десангизгина чиқиши мумкин. Бу-чи, бу ҳам яхшиликми ё аблахликми? Шариф Намозов ҳам шу тоифаданми? Хўш, Зоҳид нима қилиши керак? Бу олим очдан эмас, тўқликдан шишиб ўлишни маъқул кўрибди. Унга ёрдам берсинми? Яшашга ўзида рағбат бўлмаган одамни ўлимдан қутқариб бўларканми?

Олим одам қандай қилиб илмни мансабга алмаштириши мумкин? Аввал мансабга етишиб, сўнг олим деган унвонга эришганлар сон мингта. Бу одам эса... Тўғри, бошқон бўлатуриб ҳам илмий ишини давом эттирар. Лекин ҳозирги ҳолда илм яхшиликка эмас, жиғилдонга хизмат қилиши аниқ бўлиб турибди. «Танлаган касбининг ўзи майда эди, — деган қарорга келди Зоҳид. — Мусаллас ишлашнинг янги усули. Кимга керак бу усул. Янгича мусаллас жамиятни яхшилашга, тозалашга хизмат қиладими? Узумни олдинг, сиқиб шарбатини чиқардинг, идишнинг оғзини маҳкамлаб, қоронғи жойга қўйдинг. Шунга ҳам илм керакми? Одамларни алжитиш, миясини суюлтиришни ҳам «илмий асосда йўлга қўйиш керакми?» Шунини олим дедимми? Шунга ачиндимми? Э, аҳмоқ, Ҳамдам аканинг гапларига киришим керак эди. Ҳамдам акага ўхшаб бу одамнинг қорнига бир тепмайманми, жони оғриб турганида жиноятини бўйнига қўйиб, қоғозга қўл қўйдириб олмайманми...»

Зоҳид йўлга оқ пояндоздай тўшалган қорни ғичирлатиб босиб пича юргач, пишқириб тўхтаган автобусга чиқди.

Ўзи ишлаган хонага кирганида Ҳамдам Толипов дераза токчасига ўтириб олиб, сигарет тутатарди. Хона тутунга тўлиб кетган, демак, Ҳамдам анчадан бери шу ерда, балки кимнидир сўроқ қилгандир. Балки кимдир яқингинада тепки еб чиқиб кетгандир...

— Ҳа, одил прокурор, ишлар қалай? — деди Ҳамдам ўтирган ерида қўл узатиб. — Ҳақиқат ўрнатиб бўлдингми?

— Ўрнатаяпман, — деди Зоҳид, жилмайишга ҳаракат қилиб.

— Ўрнатавер. Бизам би-ир яйраб яшайлик.

— Кайфият йўқми? Нима бўлди?

— Кайфият жойида. Бу дунёда ҳаромилар бор экан, кайфият жойида бўлади. Сен ҳақиқатни ўрнатганингдан кейин ишсиз сиқилиб, кайфиятим бузилади, — Ҳамдам шундай деб чўнтагидан дафтарча чиқарди. — Ёзиб ол: Шерқўзиев. Таксопаркда йигирма икки йилдан бери ишлайди. Комиловни аэропортда охириги марта шу одам кўрган. Комилов иккита кавказлик йигит билан савдони пиштаётганда ёнида бўлган. Комилов уларни нақд икки юзга тушириб, соат тўртларда Чимкентга қараб жўнаган.

— Чимкентга? Унда Чиноз йўлига қандай бориб қолган? Балки Шерқўзиев янглишгандир?

— Чимкентгалигини аниқ билади. Йўлда кавказликлар адашибмиз, бизга Чиноз керак экан, дейиши мумкинмасми? У лақма эса бундан хурсанд бўлади. Ҳарҳолда Чиноз яқинроқда. Балки яна беш-ўн сўм қўшишни талаб қилгандир, улар кўнишгандир.

— Шерқўзиев уни танир эканми?

— Уша куни танишибди. Қараса, машина ўзи ишлайдиган таксопаркники. «Ошна, қачон келдингиз?» деб сўрабди. «Яқинда келдим», дебди. «Мошин янги-ку, қандай ундирдингиз? Биз уч йилдан бери кутавериш сарғайиб кетдик», дебди. Комилов «сарғаймаслик учун тузукроқ узатиш керак эди», дебди. Шерқўзиев шунга ҳайрон. Хўжайинларга берадиганини бериб қўйган экан. Машина биқинига «ижара пудрати», деб ёзилган экан. Таксопарк хўжайинлари эса бундай эмас, деб туришибди.

— Ўғирланганми?

— Янги машина ўғирланса, улар жим ўтиришармиди? Бу ерда тўдаларнинг қўли борлиги сезилиб турибди. Асадбекми, Ҳосилбойваччами, Марканянми?.. Ким олган машинани? Комилов кимнинг хизматкори? Ҳа, Шерқўзиевнинг гапига қараганда Комилов Сибирдаги жононларнинг қилиқларини таърифлаб берган экан. У Сибирда нима қилган? Гастролга борганми? Гап кавласанг, савол қайнаб чиқаверади. Сен унга жавоб топа олмасанг керак.

— Шу даражада ношудманми?

Ҳамдам дераза токчасидаги «шоҳсупаси»дан тушиб, Зоҳидни елкасига енгил мушт уриб қўйди.

пов ҳам еча олмайди, — у шундай деб кулиб қўйди. — Кўнглим сезиб турибди, бу тўданинг иши. Тўғри, ёғочнинг учта эмас, иккита учи бўлади. Бир ёғини боссанг, иккинчи томони келиб пешонангга урилади. Ё яқин кунлар ичи тўдаларнинг ўзи кераксиз бир одамни қотил қилиб кўрсатиб, сенга рўпара қилади, ё «очилмаган ишлар» рўйхати биттага кўпайиб, сен хўжайининг олдида ношуд ходим сифатида қаддингни кери-иб турасан.

Ҳамдам гапини ҳазилга бурмоқчи эди, эпполмади. Табиатан кескинроқ одамнинг кайфияти бузилиб турган пайтда ҳазил қилиши туянинг балет рақсига тушишидай бўлар экан. Ҳамдамнинг бунақа ҳазиллари Зоҳидга янгилик эмас. Ҳамдам ўз ёғига ўзи қоврилиб турган пайтда олдиндан келган одамни тишлайди, орқадан келгани тепади, аямайди. Фақат марҳамат қилсагина ҳозиргидай ҳазиллашиб қўяди.

Ухшатмасдан учратмас, деганларидай Зоҳиднинг кайфияти ҳам ўзингизга маълум. Шариф Намозовнинг гаплари, қилиғидан тамом гангиган Зоҳидга Ҳамдамнинг ҳазили малол келди.

— Тўда, тўда, дейсиз нуқул. Шунчалик жонингизни олиб қўйганми улар? Ким ўзи улар — одамми ё девми?

Ҳамдам рўпарасидаги жиззаки йигитни энди кўраётгандай қаттиқ тикилди.

— Уларнинг кимлигини билмайсанми? Улар одам ҳам, дев ҳам эмас. Улар аждарҳо. Юз бошли аждарҳо. Аммо танаси, қорни битта. Улар қувватни қаердан олади, биласанми? — Ҳамдам кўрсатгич бармоғини юқорига ниқтади. — Аждарҳонинг жони сақланадиган қутича ўша ерда. Тўдаларга фақат ўшалар бас кела олади. Сен аждаҳонинг бошини нима билан узмоқчисан, қуруқ гап биланми? Ё «бу дунёда адолат деган гаплар ҳам бо-ор», деб аждаҳонинг қулоғига азон айтасанми? Ушалар, — Ҳамдам бармоғини яна юқорига нуқди, — қўлингга ўткир қилич ҳам бериши мумкин. Сен бориб аждаҳонинг битта бошини узасан. Ёнга раҳмат айтишади. Газитда суратингни чиқаришади. Юзта бошдан тўқсон тўққизта қоладими шунда? Бекорларни айтибсан. Сен узиб ташлаган бош ўрнига дарров бошқасини қўйишади.

— Фалсафадан дарс беришга арзийдиган домла бўлиб қолибсиз, — деди Зоҳид, пичинг билан.

— Уғриваччаларни қўлаб юрган одамнинг фалсафаси ҳам шунақа майда бўлади. Сенга ачинганимдан би-ир гапириб қўяман-да. У ерда косанг оқармайди. Фақир киши панада бўлгани маъқул-да. Адолат қилишингга улар йўл беришмайди. Ғирром ишларга эса сенинг виждонинг йўл қўймайди. Икки ўт орасида қоврилиб юраверасан. Мана, олдинги ишинг нима бўлди? Овсарга ўхшаб оғзингни очиб қолавердинг.

— Энди оширвордингиз, ака. Гап деб гапираверар экансиз-да. Оғзимни очиб қолганим йўқ. Илоннинг думини кўриб турибман.

— Зўрсан-ку! — Ҳамдам қойил қолган одамдай кўзларини катта-катта очиб, Зоҳидга қаради.

— Масхара қилманг. Сизга тўғриси айтяпман.

— Илоннинг думини кўриб нима қиласан? — Ҳамдам энди ошкора пичинг билан гап бошлади. — Илон қавагига кириб кетиши мумкин. Сиз қавак оғзида пойлаб ўтираве-расиз, илон эса дўнгнинг нариги томонидаги қавакдан чиқиб ишини қилаверади. Қочма-син, деб думини боссангиз, нима бўлишини биласиз-а? Ҳа, чақади!

Зоҳид бу гапларни тоқат билан эшитди. Ҳамдам ҳаяжонини бироз босиб олгач, винзаводга кирганини айтди.

— Ана, кўрдингни! Бу маразга раҳминг келувди. Шуни деб Асадбек билан олиш-моқчи эдинг. Шуни деб ўлиб кетсанг, аммо жуда хафа бўлардим. — Ҳамдам устол устидаги қора дафтарчани олиб варақлади. Керакли саҳифани очгач, телефон гўшагини кўтариб, рақам терди. — Алло, винзаводми, синглим, менга директор ўртоқ Намозов кераклар. Полковник Мусахўжаевман. Мажлис тугашини кутишга вақтим йўқ, — Ҳамдам «ҳозир боплайман», дегандай Зоҳидга кўз қисиб қўйди. — Ўртоқ, Намозов, салом. Полковник Мусахўжаевман. Турмадан бешта жиноятчи қочганини эшитдингизми? Газит ўқийсизми ўзи, ҳамма ёқда шов-шув-ку? Нега алоқаси бўлмасин, сизга ҳам алоқаси бор учун телефон қиляпман. Кеча кечаси турмани кавлаб бешта хавфли жиноятчи қочган. Улар орасида Қилич Сулаймонов ҳам бор. Танийсиз-а уни? Хуллас, у кимдандир ўч олишини айтган экан. Кимларни назарда тутганини билмаймиз. Лекин ҳар эҳтимолга қарши сизни огоҳлантириб қўямиз. Агар уни кўриб қолсангиз, дарров бизга хабар қилинг. Хўп, хайр.

Ҳамдам гўшакни жойига қўйиб, жилмайди.

— Довдир. «Албатта кўнғироқ қиламан», дейди. Кимга, қандай телефон қилади, овсар. Душман уясига гўлғула солиб қўйдим. Ҳозир кўнғироқлар бошланади. Милисага, прокуратурага, турмага... Тасаввур қиляпсанми? Оёғи куйган товукдай бўлишади. Шуни би-ир томоша қилсанг, хумордан чиқсанг.

— Бекор қилдингиз, фойдаси борми?

— Фойдаси бор. Ҳеч бўлмаса кўнғил, — Ҳамдам кўкрагига енгил муштлади, — таскин топади. Бу итдан тарқалганларни гирибонидан ушлаб ўтқизиб қўйиш қўлимдан

келмаганидан кейин инига бир марта чўп суқиб қўйсақ ёмонми? Ҳадеб биз қуйиб-ёниб юраверамизми? Улар ҳам бир қуйсин.

— Барибир бекорчи иш бу.

— Вей, менга қара, прокурор. Сен ишингни ўзгартир. Сен женсоветга раис бўлиб бор. Сенинг жойинг ўша ерда, ҳа!

## XVI БОБ

1

Асадбек тўйдан кейин биров ҳаловат топарман, деб ўйлаган эди. Қиз узатган одамда ҳаловат бўлмаслигини у қаёқдан ҳам билсин! Қиз қуёвникига кетар олдидан отаси ҳузурига бош эгиб келуви, отанинг эса дуо қилуви расм эди. Зайнабни шу расмга биноан бошлаб келдилар, аммо ўз ҳовлисида эмас, ресторан остонасида, маст-аласт нигоҳлар гувоҳлигида дуо қилмоғи лозим бўлди. У кўп яхши ниятларни дилига тугиб қўйган эди. Қизининг мўъминлик билан бош эгиб келаётганини кўрганидаёқ ҳуши учди, томоғига бир нима тиқилди. У онасининг ўлимидан сўнг кўзига ёш олманган эди. Ҳозир йиғлагиси келди. Қизи бир қадам берида тўхтади. Асадбек отасини қучоқлаб йиғлаган қизларни кўрган, ўз қизининг ҳам шундай бўлишини кутиб эди. Бахтига бундай бўлмади. Асадбек аввалига «нима учун тўхтаб қолди?» деб ажабланди. Кейин «яхши бўлди, йиғласа мен ҳам ўзимни тутиб туrolмас эдим» деди-да, фотиҳага қўл очди. Ҳаяжон ўйлаб қўйган гапларини тўзитиб юборган эди. Уйлашга, гап топишга фурсат йўқ — юзлаб қўллар дуога очилиб, юзлаб кўзлар унга тиқилган, «Бахтли бўлгин, қизим», дейишдан ўзга сўз тополмади. Қизига яқинлашиб, пешонасидан ўпди.

Қизи Асадбек юрагининг бир парчасини юлиб олиб кетди.

Шундан бери хаёли қизиди. Эшик тиқ этса ҳавотир билан қарайди. Телефон жирингласа ҳам юраги бир тўлқин уради. Назарида қизи шармандалик юкини ортмоқлаб, кўз ёшини тўкиб, фарёд уриб кириб келаётгандай туюлаверади.

Аъёнлари уч-тўрт кун дам олинг, дейишганида кўнган эди. Биринчи куниеқ уйда қолиш дам эмас, азоб эканини ҳис қилиб шаҳар марказидаги қароргоҳига жўнаворди. Бугун ҳам эрталабдан сароймонанд хонасида аъёнларини кутмоқда эди.

Чувринди Самарқандга ширинсув корхонасини ишга туширишга, Кесакполвон эса Марғилондаги музқаймоқ корхонасининг нима сабабдан тўхтаб қолганини аниқлаш мақсадида кетишган эди.

Асадбек хонасига кириши билан ҳисобчини чақирди. Видеобарнинг ўнг томонидаги хона ҳисобчиники. Япон анжомлари билан иш юритувчи ҳисобчи Асадбекни қизиқтирган ҳар қандай маълумотни бир лаҳзада етказди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Вилоятларга тарихдай сочилган, кўриниши назарга тушмас даражада кичик, аммо фойдаси катта корхоналаридан хазинага пул аввалгидай оқиб турибди. Асадбек винзавод масаласини ҳал қилиб олгач, бу хўжаликни тенг иккига бўлиб, аъёнларга беришни ният қилган. Аъёнлар буни билишади. Шу сабабли корхоналардан ҳамиша бохабар бўлиб туришади.

Асадбек ҳисобчининг ахборотидан кўнгли тўлиб, ўтирганида телефон жиринглади. Қўшни хонадаги қизлардан бири ёқимли овози билан гапириб, винзавод директори йўқлаётганини билдирди. Асадбек мовий телефон гўшагини кўтарди. Икки соатча илгари винзаводдаги одамлар прокурор келганини билдиришган, Асадбек, «Қўрқманг, биз ҳаммасидан хабардормиз», деган мазмунда кўнглига далда берган эди. «Бунга яна нима жин тегди», деган хаёлда гўшакни қулоғига тутди. Шарифнинг ҳавотирга тушганини овози ошкор қилиб турарди. У Қилич Сулаймоновнинг қамоқдан қочганини айтган, Асадбек:

— Бўлиши мумкин эмас!— деди кескин.— Ким телефон қилди?

— Полковник Мусахўжаев деган одам.

— Қаердан?

— Милисадан бўлса керак.

— Нима кўп, милисанинг идораси кўп. Нима кўп полковник кўп.

— Тўғри... лекин Мусахўжаев биттадир?

«Яна ақл ўргатади-я», деб ғижинди Асадбек.

—Ваҳима қилаверманг. Қилич Сулаймоновдан ўнта бўлса ҳам кўрқманг.

Асадбек иғвонинг исини туйган бўлса ҳам, керакли бир жойга кўнғироқ қилиб, аниқлаб беришни топширди.

«Қиличнинг қочиши ҳечам мумкинмас. Хоҳласа шундай ҳам чиқиб келади. Ё Ҳосил аралашдимми? Қочганлар унинг одамлари бўлса, балки шу гап ҳам тўғри чиқар. Бу бой-ваччанинг ғимирлаши яхши бўлмаяпти. Қилични ўтказиб қўйиб бекор қилдимми?...»

Чорак саоатга қолмай ҳаммаси аён бўлди. Қамоқдан беш киши қочгани тўғри, лекин Қилич Сулаймонов жойида эди. Полковник Мусахўжаев деган одам эса йўқ. Демак, иғво! Кимга керак бу иғво? Мақсад Шарифни кўрқитиб қўя қолишми? Ё Асадбек

нанинг иши эмас бу.

Асадбек бир тўхтамга келишга улгурмай Ҳосилбойвачча кўнғироқ қилди.

— Акахон, тўйнинг чарчоқлари чиқай дедими? Аммо олам-жаҳон зўр тўй қилдин-гиз-да! Ҳорманг, деб супрақоқдига боришга вақт бўлмади. Тўйингизнинг эртасига Фарғонага жўнаб қолдим. Бугун қайтдиму окахонни бир йўқлаб кўяй, дедим.

— Тинчликми?— деди Асадбек.

— Ғалвали ишлар бор. Кўришганда айтаман.

— «Камаз»га кетганлардан дарак борми? Кўлидан иш келади деган болалармиди ўзи?

— Бу ёғига хотиржам бўлинг, окахон. Унта «Камаз» сизники. Шу ҳафта ичи етказиб келишмаса, башарамга туфланг.

— Сиздай укахонларга ишонмасак, кимга ишонамиз, шунчаки сўраб қўйдим-да.

— Аммо тўйингиз жаннатнинг тўйидек бўлди-да! Биз ҳам шундай тўйларга етайлик, деб ният қилдик. Энди кичкинагина бир маслаҳатли иш бор. Куёвингизга бир хизматча чиқиб турибди. Бир қадрдонимиз тўй...

— Ҳосилбой, жигарим, бунақа гапларни ўзига айтинг... Мен «амма-холаси ҳаводор», деб ўтирадиган дастурхончи эмасман, шекилли?

— Узр, окахон, аввал олдингиздан ўтай девдим-да...

Ҳосилбойвачча узр айта-айта хайрлашди. Асадбек гўшакни жойига қўйиб, сўкинди. «Ҳайвон-е,— деди у,— энди калака қилишни бошладим? Нима демоқчи? Отарчига қиз бериб, унинг гумаштасига айландинг, демоқчимми?.. Мақсад нима? Элчинни тўйга айтишми? Ундан машҳурроқ отарчилар турганда-я? Ҳа, тулки! Элчинни тўйга олиб бориб, калака қилади. «Кўриб қўйларинг, Асадбекнинг куёви керак бўлса оёғимни ўпади», дейдими? Нима учун кўнғироқ қилди ўзи? Мақсад шунини сўрашмиди ё ҳолимдан хабар олмоқчимиди? Шарифга шунинг одамлари телефон қилмаганми? Бу ғалва кимга керак?..»

Асадбек шу тўхтамга келди. Катта урушларнинг майда қитмирликлардан бошланиши унга маълум. Ҳосилбойваччанинг ягона ҳоким бўлишга тиришиши ҳам унга сир эмас. У тулки урушни ўзи бошламайди. Биринчи бўлиб қўл кўтаришга Асадбекни мажбур қилади. «Қани, ғимирлайвер-чи...» Асадбек шундай деб ғижиниб, ўтирган ерида Бўтқани чақирди.

— Жамшид шу ердами, айт, отарчини... Элчин акангни топиб келсин.

— Хўп бўлади, Бек ака, окахон келгандилар,— Бўтқа шундай деб хушxabар етказгандай жилмайди.

— Қайси «окахон»?

— Жалил акамиз-да.

— Узими?

— Кўчада иккита чол турибди, бирга келишди.

— Қани, чақир-чи.

Жалил бироз кутиб қолганми, тумтайганроқ кўринишда кириб келди. Асадбек уни ўрнидан туриб қаршилади.

— Киравермай, ўтирдингми?— деди Асадбек.— Бунақа одатинг йўғиди-ку?

— Ҳурматинг бор, ошнам. Биз бир бекорчи одам бўлсак,— у шундай деб қўлтиғига қистириб олган эски газитга ўроғлиқ нарсани узатди.— Тўйга келолмадим. Яхши ўтказиб олдингми?

Асадбек кулимсираб газитни оча бошлади. Жалил нима келтирганини у биларди. Билса ҳам дўстининг кўнгли учун очишга мажбур эди. Очмаса Жалил бобиллаб бериши тайин. Эски газитга эски калиш ўралган эди. Бу ўша эски фалсафа — судраб юрган чорининг унутма.

— Тўйга келмаганинга гина қилиб ўтирувдим, тинчликми ўзи, нимага келмадинг?

— Сен мени тўйга айтдингми?— Жалил овозини бир парда кўтарди.

— Биринчи бўлиб сенга хабар бердирганман.

— Катта бўлсанг ўзингга, бу биринчидан, бойвачча бўлсанг ҳам ўзингга, бу иккинчидан, хўпми! Лайчаларингни юбориб тўйга айттирдингми? Узингнинг оёғинг етмадими?

— Энди ошна, тўйчилик, шошиб қоларкансан.

— Узингга ўхшаган бойваччаларни айтишга шошмагандирсан.

— Хўп, тавба қилдим, мен аҳмоқман,— Асадбек ҳам овозини кўтарди,— ўзим бормабман. Ошна деган эшитса келаверади. Оғайнисининг ёнида далда бўлиб, қўл қовуштириб туради.

— Ҳа, бўпти, қўрққан олдин мушт кўтарар, деб жириллайверма. Нимага келдинг, деб сўрамайсанми?

— Бир ғалвани бошлаб келгансан-да, кўчадаги чоллар ким?

— Соли ота билан Жўра чўлоқ.

— Жўра чўлоғинг ким?

— Яқинда келган. Собир қозоқнинг уйини сотиб олган. Танимасанг керак уни.

— Нима ишлари бор экан?

— Мен айтайми, ўзларидан эшитасанми?



— Чақир.

Асадбек Жалилнинг изидан чиқиб, оқсоқолларни видеобарда кутиб олди-да, тўрт кишига мўлжалланган устолга бошлади. Бўтқа буйруқни кутмаёқ, дастурхон безади. Қариялар ертўла ҳам шунақа ажойбхонага айлантрилиши мумкин экан, деб ҳайратланиб ўтиришди. Бир пиёладан чой ичилгач, Соли ота деганлари оҳиста сўз бошлади:

— Энди ўғлим, биз отанг раҳматли билан вақтида ошначилик қилганмиз. Тўғри одам эди. Бировнинг кўнглини оғритмасди.

— Жойи жаннатда бўлсин,— деб гап қистирди Жўра чўлоқ деганлари. Соли ота «гап кўшмай туринг», дегандай унга қараб олди.

— Гап шуки, ўғлим, сиздан ҳам розимиз. Маҳаллага хизматлар қилиб бердингиз. Хизматларингизни унутмаймиз. Аммо бир ишингиздан норозимиз, шунни айтгани келдик.

— Кўпчилилик норози, яхши иш қилмабсиз,— деди Жўра чўлоқ.

Асадбек ажабланиб, Жалилга қаради. У «ҳозир ўзинг эшитасан», дегандай им қокди.

— Уғлим, биласиз, маҳалламиз эски, тўкиламан, деб турибди. Битта каталак-деккина уйда ўнта оила. Болаларимиз турмуш қуриб ўз уйларига сиғмай ижараларда ўтиришибди. Бу эскилар қачон бузиларкин, қачон бизга ҳам уй тегаркин, деб кута-вериб сарғайиб кетдик.

— Банақада сил бўлиб кетиш ҳеч гапмас,— деди Жўра чўлоқ. Соли ота унга яна бир марта норози қиёфада қараб олди.

Асадбек бу ташриф ташаббуси Соли отадан эмас, айнан шу чўлоқдан чиққанини англаб, ғижинди. Узоқдан бошлаган гап моҳиятига етгунча тоқат қилди.

— Гапнинг индлагисини шуки, ўғлим, бултур уйлар бузилади, деб ўлчаб-нетиб кетишувди. Энди эшитсак, бузилмасмиш. Узунқулоқ гапларга қараганда сен тўхтатган эмишсан.

— Менми?— Асадбек ажабланди.— Ким айтди?

— Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи кимирламайди,— деди Жўра чўлоқ.

Асадбек унга қовоқ уюб қаради:

— Уша шамол қаёқдан келди?

— Энди эшитдик-да, ўғлим. «Ота-онам яшаган уйни буздирмайман» деганмишсан. Бир жиҳатдан сен ҳақсан. Менинг ҳам кўзим қиймайди. Саксон йилдан бери кўрганам шу маҳалла. Улигим шу уйимдан чиқса армоним йўқ эди. Лекин иложим қанча? Болаларимга ачинаман. Қўлим калталиқ қилиб, тузукроқ уй-жой эплаб беролмадим. Ночорман-да...

— Соли ота, сиз шу гапларга ишондингизми? Ҳукумат бузаман деса, мандан сўраб ўтирарканми? Мен ҳукуматга кимман? Ҳеч кимман! Одамлар гапираверади-да.

— Одамлар аҳмоқ эмас, бўлар-бўлмасга гапираверишмайди,— деди Жўра чўлоқ.— Сизнинг кимлигингизни биламиз. Қаёққа қўл узатсангиз етади.

— Шунақами?!— Асадбек қўлидаги пиёлани устол устига тақ этиб қўйди. Жўра чўлоққа ғазаб билан тикилди.

Жалил ҳам, Соли ота ҳам иш бузилганини фаҳмлашди.

— Майли, ўғлим, хафа бўлма, одамларнинг оғзига элак тутиб бўлмайди-да,— деди Соли ота вазиятни юмшатишга ҳаракат қилиб. Аммо ғишт қолипдан кўчган, суҳбатни давом эттиришнинг ҳожати йўқ эди.

Асадбек бир кўнгли Бўтқани чақиртиргиси, бу чўлоқни кўчага улоқтиргиси келди. Ёнида ўтирган Жалил «ўзингни бос», деган маънода сонига туртиб қўймаганида балки шундай қиларди ҳам. Бироқ, фақат жисман эмас, ақлан ҳам оқсоқ бўлганлар валдираганида жим ҳам ўтиролмас эди. Бунақаларнинг «Бопладимми!» деб чиқиб кетишига йўл қўя олмас эди.

— Сен кимсан ўзинг?— деди Асадбек Соли отанинг гапига парво қилмай. Унинг дабдурустан сансирашга ўтиши Жўра чўлоқни андак довдиратди. У жавобга оғиз жуфтламай туриб, савол яна такрорланди:— Ўзинг кимсан, деяпман. Маҳаллага битта тош қўйганмисан? Кеча келиб бугун ҳаммаёқни саситиб юрган сенмисан, ҳали?! Соли ота, ит етаклаб юриш одатингиз йўқ эди-ку, қариганингизда сизга нима бўлди? Бу агар маҳаллага сиғмаётган бўлса кетига бир тепиш керак, чиққан жойига кириб кетсин.

Жалил тиззаси билан яна сонига туртди.

— Бўлди, қўй энди,— деди.

— Сен жим ўтир. Кимлигимни бу билмаса сен биласан-ку? Шунақа дейишса, бошлаб келавердингми? Агар қўлимдан келса... буздиртирмайман маҳаллани! Ҳаммаёқ бузилиб бўлди. Битта маҳалла қолсин. Аммо мана буни,— Асадбек кўрсатгич бармоғи билан Жўра чўлоқни кўрсатди,— йўқотинглар. Маҳаллага бегона аралашмасин.

— Сиз...

Жўра чўлоқнинг гапи оғзида қолди. Соли ота дуога қўл очди.

Асадбек иғво айво қилинганини, Қилич Сулаймонов қамоққа ўтирганини айтганидан кейин ҳам Шариф тинчимасди. Эси оғиб қолган одамдай хонасида у ёқдан бу ёққа бориб келаверди. «Нимага иғво қилишади, ким иғво қилади?» деган савол миясига ўрнашиб олиб тинчини бузди. Телефон қўнғироқларига ҳам жавоб бермади. Котиба биринчи марта эшик очиб, ажабланди. Иккинчисида «жиннироқ одамми бу», деб чўчиди.

Шариф хонасига сиғмади. Палтосини кийиб уйга кетди. Қамоқдан қайтган куннинг эртасигаёқ ўзи учун ҳам кутилмаган бир тарзда ҳовлисида қурилиш бошланган эди. Иккита ағдарма машина пишиқ ғишт ташлаб кетганида «шўпирлар адашдиёв», деб ўйлади. Сўнг тўрт киши ғиштни ҳовлига таший бошлади. Сўнг тахта келди. Мардикорлар Шарифнинг саволига фақат елка қисийди. «Бизга пул бериб буюришди, биз ишла-япмиз», дейишдан нарига ўтишмади. Бу ҳаракатлар Асадбекнинг ҳиммати туфайли бўлаётганини кейинроқ билди. Ундан кўра кўпроқ Насиба хавотирга тушди. Эрининг қамалиши, пул сўраб ёзилган хат, сўнг тўсатдан озод бўлиши, кейин қурилиш... винзаводга бошқон бўлиш... Ҳар қандай аёлнинг эсини ўғирлаши турган гап. Аёлларнинг сочи узун, ақли калта, деганлар уларнинг кўнгли сезгир бўлишини ҳисобга олмаган бўлсалар керак. Хонадонлари боши узра ёпирилиб келаётган абри балони эрлардан аввалроқ сезадилар. Сезадилар-у, уни қайтаришга ожизлик қиладилар. Насиба эрининг ёмон бир ўйинга аралашиб қолганини сезиб турарди, аммо уни бу ўйин гирдобидан чиқариб олишга қўрби етмасди. Қурилишни қандай тўхтатсин, қандай қилиб винзавод бошқонлигидан бўшатсин? Шунча йил камтар ҳаёт кечириб, бирданга дабдаба бошланиши маҳалла назаридан четда қоларканми? «Босиб қўйган пуллари бор экан, писмиқлар!» дейишадими ё «винзаводга хўжайин бўлиб босар-тусарини билмай қолди», деб гап тарқатишадими? Нечта одам керакли жойларга хат ҳам жўнатгандир...

Насиба беҳос кириб келган эрини кўриб ажабланди. Оқарган юзига қараб «Тоблари қочибди», деб ўйлади.

— Усталар қани?— деди Шариф, хотинининг саломига алик олмай.

— Келишмади. Кеча «совуқда ғишт термаганимиз маъқул», дейишувди.

— Ҳе, ношуд! Шуларни ҳам эплаб ишга солмагин! Бунақада юз йилда ҳам битмайди ўйинг.

— Вой, мен уларга хўжайинманми?..

— Оғзингни очиб ўтиравер. Катакдай уйда катта бўлгансан. Сенга одамбашара ўйинг кераги йўқ. Утиравер!

Насиба эрининг авзойи бузилганини билиб, битта гапдан қола қолди. Эр ғазаб отига миниб, қилич яланғочлаган маҳалда хотинга қийин. Эрга пешма-пеш гап топиб бериб турса ё калтак ейди, ё уйдан ҳайдалади. Битта гапдан қолса яна ёмон — хотиндан жавоб қайтмагач, эрининг ғазаб тошлари ичида қолиб, қийнаб юборади. «Нимага тумтайиб олдинг, гапларим ёқмадимми?» деб бошқа томонга ҳужумга ўтади.

Ҳозир ҳам шундай бўлди. Шариф бисотидаги бақирқиқларни ишлатиб бўлганича Насиба индамай тураверди. Кейин уйга киришди. Шарифнинг назарида уй исиб, димиқиб кетган экан. Насиба бу учун ҳам гап эшитди. Шариф тажрибахонасига кириб бир пиёла ўткир мусалласдан ичгач, ҳовури сал босилди. «Насибага нима учун бақирдим!» деган савол уни инсоф кўчасига қайтарди.

Насиба ҳозир туриб кетадигандай диванда омонат ўтирар эди. Шариф унинг ёнидан жой олди.

— Бўлдими?— деди Насиба, зардали овоз билан.— Нафсингиз ором олдимми? Бир томон ўқларини отиб тамом қилган, энди иккинчи томоннинг қарши ҳужумга ўтиши учун шароит етилган эди.

— Ҳм, гапларим ёқмадимми?— деди Шариф, чекиниш нияти йўқлигини маълум қилиб.

— Ёқди, мойдай ёқди. Нима бўлди ўзи?

— Ҳеч нима. Усталарга жавоб бериб юборганингни...

— Усталарга мен жавоб берибманми? Усталар ишласа ҳам барибир, аламингизни мендан олардингиз. Айтинг, нима бўлди?

Энди чекинмаса бўлмайди. Итнинг феъли эгасига маълум, деганларидай, Насиба эрининг одатини билади. Қачонки, ишхонада ё кўчада нохушликка дуч келса, аламини уйдан олади, кейин ҳасратини тўқади.

— Мени ҳам одам қаторига қўшишибди,— Шариф ҳазил оҳангида гапирмоқчи эди, удалай олмади. Сўзлари лабидан титраброқ учди.— Биттаси телефон қилиб, «Сулаймонов қамоқдан қочди», дейди.

— Адо бўлсин, қочса сизга нима?

Шариф «у сени ўлдирмоқчи» деган гапни айтмади. Айтса, Насиба ваҳимага тушиши мумкин эди.

— Қочмаган экан, иғво қилишибди.

— Вой, адаси, бу ишлар менга сираям ёқмаяпти. Қўйинг ҳаммасини, тинчгина ўтирайлик.

Чекиниш тадориги алдамчи экан. Мусалласга алданган ғазаб бирдан бош кўтарди. Хотинининг дилдан куйиниб айтган гапи унга ғараздай бўлиб туюлди.

— Сен тинчгина ўтир. Бошқалар менинг бошимга чиқиб олиб истаган номаъқулчилигини қилаверсин, а?!

Қарши томон жавоб бермай, яна маъсумалик либосига ўранди. Шариф шарт ўрнидан туриб тажрибахонасига қараб юрди. Насиба чуқур уф тортиб қўйди. Шариф бир пиёлага қаноат қилмай, яна биттасини бўшатгач, хонасига қайтди.

— Мен кимман, биласанми?— деди хотини олдига келиб. Насиба «кимсиз?» дегандай унга қаради-ю, яна индамади. Саволга Шарифнинг ўзи жавоб берди:— Мен олимман! Мени чет эл ҳам билади! Қайси академикнингнинг орқасидан чет элликлар юрибди. Бу академикларинг, дўктўрларинг чет элга бориб қолса, уларга ит қарамайди. Чунки уларда илм йўқ. Менда илм бор. Лекин суянадиган тоғим йўқ! Энди тоғ топилди. Одамлар нима деса деяверсин. Мен фақат ўша тоққа суянаман. Намозовнинг кимлигини билиб қўйишин. Мен ҳам ўша йўлимни тўсган академикларингга тупуриб ўтаман. Энди тинч ўтириш йўқ, билиб қўй. Тинч юриб топганим қамоқ бўлдими? Қамоқда чириб кетишим керакмиди?

Шу пайт қорнида кучли оғриқ кўзғалиб, гапини давом эттиролмай қолди. Букчайиб, ўхчиди. Насиба чаққон туриб, зрини елкаларини ушлаб, диванга ётқизди-да, хапдори берди.

— Насиб, бу ғалвалар ўткинчи. Биз ҳам одамларга ўхшаб яшайликда.

Насиба зрига қараб бош чайқади.

— Шу пайтгача одамга ўхшаб яшятувдик...

### 3

Жамшид бу хонадонга неча марта келган бўлса, ҳар сафар эшик очиқ бўлади. Шу сабабли жинғироқни чалиб ўтирмай, тўғри ҳовлига кириб бораверарди. Бу гал ҳам шундай қилди. Ҳовлини босиб ўтиб, уйга яқинлашди-да, «Ҳофиз ака!» деб чақирди.

Элчин уйида йўқ эди. Видеода ҳиндча тамоша кўриб ўтирган Зайнаб юраги сиқилиб ўрнидан турган, бу онда дераза ёнида эди. Тамошада икки ошиқнинг қовушганини кўриб, Жамшидни эслаган, уни кўргиси келган эди. Яратган унинг оҳини эшитиб, Жамшидни бу хонадонга келтириб қўйсими? Яна кўнғироқ жирингламасдан дарвозанинг ёнидаги эшик очилди. У ўз уйига киргандай кириб келди. Зайнабнинг юраги эса потирлаб, жони ҳалқумига келиб қолди. Эт билан тери орасида мудраётган шайтон уйғониб, жувоннинг баданини ажиб бир ҳароратда исита кетди.

Жамшид уйга яқинлашиб, тўхтади. Нимадир деди. Зайнаб эшитмади. Жамшид иккинчи марта «Ҳофиз ака, ҳў, Ҳофиз ака!» деганда унинг овози аранг қулоғига етиб келди.

— Ҳозир,— деди Зайнаб, аммо ўз овозини ўзи ҳам эшитмади.

Жамшид учинчи марта чақирди. Шунда Зайнаб дераза ёнидан қочиб, эшик томон юрди. Назарида оёқлари оғир, аранг юраётгандай эди. Аслида эса эшиккача учиб борди. Эшикни очди-ю, остонада тўхтади. Ҳовли томон оёқ босишга журъати етмади. Чунки бу маҳалда ҳаё ҳам уйғониб, шайтон билан ихтилофни бошлаган, шайтон бераётган ҳароратни ўчирмоққа киришган эди. Яхшики Жамшид ҳам тўхтаб турарди. Агар у уй томон қадам қўйса, Зайнаб эшикни очиб қолдирган ҳолда чекинар, унинг чекиниши баробарида шайтон ғолиблик майини сипқора бошлар эди.

— Хўжайин йўқмилар?— деди Жамшид, дабдурустан. У кўз олдида улғайиб вояга етган қизчанинг жувонлик оламида бу қадар латофат касб этишини кутмаган эдими, ҳарҳолда остонада парирухсорни кўриб андак довдиради. Ҳол-аҳвол сўрашни унутди. Жувоннинг чиройи ақлини шоширган бўлса-да, кўнглига ёмон фикр ораламади.

— У киши ўртоқлари билан кетувдилар,— деди Зайнаб.

— Бек акам сўраятувдилар. Қаёқда бўлишлари мумкин? Ўртоқларини танийсанми?

— Куёвжўра бўлган йигит-чи? Анвармиди отлари... Шу маҳаллада туришади. Чойхонанинг атрофида дегандай бўлувдилар...

— Бўпти, ўзим топаман. Кеп қоса, адангни топсин. Иш зарил!

Жамшид шундай деб изига қайтди.

Зайнаб кўнглида киришг, чой ичинг, демоқчи бўлди-ю, тилига чиқмади. Жамшид яна бир нафас турса айтарди. Лекин у тўпори жувондан лутф кутмади. Кўча эшиги ёпилгач, Зайнабнинг хўрлиги келди. «Йигит дегани ҳам шунчалик эътиборсиз бўладими?...»

У хонага қайтиб, яна дераза олдига келди. Яна кўча эшигига тикилди. Хаёлан жингалаксочли йигитни чақира бошлади. Хаёлидаги йигит изига қайтди. Эшик очилди. У жилмайиб кириб келди. Бу сафар «Ҳофиз ака!» деб бақирмай, «Зайнабхон!» деб шивирлаб келди. Зинадан кўтарилди. Уйга кирди. Дераза олдига яқинлашди. Унинг яқинлашаётганини билса ҳам, Зайнаб ҳеч нарсадан беҳабардай ҳовлига тикилиб тураверди. У орқа томондан келди. Елкаларидан кучоқлади. Зайнаб энтикди. Унинг илқ нафаси бўйнига урилди. Баданини ловуллашиб юборди. Елкадаги бақувват қўллар бошқа вазифа билан қўлтиқ остига юборилдилар... Шунда у ўгирилди... кўзи юмук ҳолда

бўлса ҳам лаблари осонлик билан топди. Кейин у кўтариб олди. Етоқ сари юрди. Юмшоқ тўшак уларни бағрига олди...

Зайнаб энтикиб, кўзларини очди. Хаёлидаги йигит учиб кетгандай бўлди. Ҳовли кимсасиз, кўча эшик ёпиқ эди. Хонада эса сулуви атрофида айланиб-ўргилиб эшилаётган ҳинд йигитнинг қўшиғи ҳукмрон. У дераза ёнида турган ҳолда ўгирилиб, телевизорга тикилди. Шунақа бахтиёр одамлар бормикин ё ҳамма менга ўхшаган бедавомикин, деб ўйлади.

Бу хонадонда бир аёлни бахтиёр этиш учун ҳамма нарса муҳайё эди. Ношукрлик қилмаса ҳам бўлади. Уй, емоқ-ичмоқдан зориқадаган томони йўқ. Эри биров кўрса ҳавас қилгули эркак. Лекин ширин орзулар қанотида сузиб улғайган қиз учун шунинг ўзи етарлими? Хўш, Жамшидга текканида бахтли бўлармиди, орзусига етармиди?

Никоҳнинг иккинчи туни Зайнаб Элчиннинг гапларини эшита туриб «Сиз қотилсиз!» деди. Зайнаб бу билан Ноиланинг ўлимини эслатмоқчи эмасди. Элчин унинг ширин орзуларини бўғиб ўлдирган эди. Бу қотиллик учун қамаш ҳам, отиб ташлаш ҳам мумкин эмас. Бундай жазосиз қотиллар ер юзини пўпанакдек босиб ётибди. Элчин — Зайнабнинг назарида шулардан бири.

Никоҳнинг иккинчи туни — куёв-келин учун муқаддас бўлмиш тунда, Элчин Ноиланинг ўлимидан сўз очиб, хотинига пичоқ урмаганини айтди. Зайнаб бу гапларга эътибор бермади. Чунки онаси тўйдан олдин уни юпатиш мақсадида «сен ундан қўрқма, хотинини у ўлдирмаган экан, тўхмат билан қамалган экан, даданг айтдилар», деган эди. Зайнаб бу гап фақат овутиш учун айтилдими ё чиндан ҳам шундайми, билолмайди. Элчиннинг ўзини ўзи оқлаши унга эриш туюлди. Унинг назарида бу эркак паст кетгандай бўлди.

— Менинг нима айбим бор эди, мени нима учун хўрладингиз?— деди Зайнаб, эзилиб ўтирган эрига қараб.

— Сизнинг айбингиз йўқ... Аммо Ноилани адангиз ўлдиртирган. Номус азобини тотиб кўриши лозим эди.

— Ўч олдингизми?

— Ҳа, ўч олдим.

— Энди-чи?

— Нима энди?

— Кўнглингиз жойига тушдими?

Элчин жавоб бермади. Хотинига маънодор қараб қўйди. Унинг рўпарасида мўмина Манзуранинг қизи эмас, қаҳрли Асадбекнинг қизи ўтирарди. Зайнаб одоб жиҳатидан онасига тортган бўлса-да, баъзан юрагида ғалаён уйғониб, отасига ўхшаб қоларди. Ҳозир паст кетиб ўтирган эрига қараб, «Мен ҳам сиздан ўч олсам-чи?» демокчи бўлди-ю, тилини тийди. Аммо хаёлида уйғонган шу ўй унга ҳақиқатдай туюла бошлади. Зайнаб унга «Сиздан қасос оламан» демади. Саволига жавоб берилмагач, бироз сукут сақлади-да:

— Сиз қотилсиз!— деди қатъий. Бу — қасос баҳридан сув ичгучи ҳукм эди. Элчин бунга англамади. Рўпарасидаги гўзал мавжудот қасос олишга ҳақли, ўч олмоққа қурби етади, деган тушунчадан у узоқ эди.

Элчин «ўзимнинг айбсизлигимни билдириб қўяй, бу уйда сиқилмасин, кўрқмасин, эркинроқ юрсин», деб янглишган эди. Нохуш кайфиятдаги аёл олдида ярим қарич бўлса-да, чекиниш оқибати мағлубият жарига қулаш эканига унинг ақли етмади. У хушсурат бўлгани учун расидалик чегарасидан ўтмаёқ қизларнинг ҳумор кўзлари таъқибига учраган эди. Қўшиқлари билан доврўқ таратгач, жаннатда парилар билан юргандек ҳис қилди ўзини. Ана шунданми «аёл қалбини сеҳрлай олувчи куч бор менда», деб ишонарди. Асадбекнинг қизини ҳам сеҳрлаб олажагига аман эди. Оллоҳнинг ҳар бир бандаси каби Элчин ҳам мағрурлик ва худбинликдан бебаҳра эмасди. Мағрурлик ва худбинлик баравар уйғониб, бирлашса уни маҳв этарди, тўғри йўлдан адаштиради. Никоҳнинг иккинчи тун шундай бўлди...

Ушандан бери Зайнаб бу хушсурат машҳур ашулачи билан бир тўшақда ётади. Ўғирланиб, қоронғи уйга қамалганида кўрқувни ҳайдаб чиқара олган, нафасини қайтарган, баданига илиқ ҳарорат берган ғалати ҳис йўқ. Элчиннинг эркалашлари, эҳтирослари унга таъсир этмайди. Ўзини худди эртақлардаги тош маликадай совуқ ҳис этади.

Кинодаги қизнинг кичқириғи Зайнабнинг хаёлларини тўзитарди. Беихтиёр ўгирилиб, тамошага қаради. Ҳозиргина жуфти билан яйраб ашула айтаётган қиз, кўзлари косасидан чиққудай аҳволда, даҳшатга тушиб ўтирибди. Рўпарасида... икки лунжини шишириб олган илон тебраняпти... «Ҳозир йигити келиб таёқ билан уради», деб ўйлади Зайнаб. Чиндан ҳам йигит келди, аммо қўлида таёқ эмас, милтиқ бор эди. Бир ўқ билан илон жон берди... Улар яна қовушдилар...

Зайнаб хаёлан ўзини шу қиз ўрнида, эрини эса тебранаётган илон ўрнига қўйди. Бу илонга ким бас кела олади? Жамшидми?

— Ҳозир боролмайман, деди. Ошнаси унга бир нарсаларни ўқиб беряпти шекилли?

Жамшид шундай деб, айбдор бола сингари бошини эгди. У хўжайин буйруғини адо этолмади. Отарчини топди-ю, олиб келолмади. Тўйдан олдин бўлганида қўл-оёғини боғласа-да, буйруқни бажарарди. Энди унинг «куёв» деган унвони бор. Куёвни пай-ғамбарлар сийлаганида Асадбекнинг югурдаги сийламас эканми!..

Асадбек жағига мушт еб гангигандай бўлди. Нима бу — нозми, тўнкаликми ё ата-ийн гашига тегмоқчими?..

— Ошнаси ким?— деди Асадбек, гангиганини яширишга уришиб.

— Жиннихонада ётган олим экан.

— Қанақа олим?

— Тарихчи экан. Ун йилдан бери кичик илмий ходимликдан бир энлик ҳам силжи-мабди. Бетгачопарроқ экан. Хўжайинини беҳурмат қиларкан.

— Хўжайинни беҳурмат қилса... тузук-ку? Ким экан хўжайини?

— Катта олиммиш, Ҳолидий деган. Жиннихонага ўшанинг буйруғи билан ётқизил-ган экан.

— Жиннилиги ростми?

— Соппа-соғ дейишди-ку?

— Қани, опачанг билан ула-чи, мени.

Жамшид телефон гўшагини кўтариб, рақамларни чаққонлик билан терди. Табиббо-ши хонасида йўқ экан, уни топиб келгунларича пича фурсат ўтди.

— Ҳолидий деган одам сизга буйруқ берадиган бўлиб қолибдими?— деди Асад-бек, табиббошининг саломига алик олмай.— Кимнинг кудаси? Шундан кўрқдингми? Биз-чи, биз гўрда эканми? Ким у йигит, Анварми, соғмиди? Ҳаддингиздан ошманг. Яна соғлар борми? Ҳолидий-полидийларни-чи...— Асадбек гапни калта қилиб қўя қолди.

Асадбек телефон гўшагини жойига қўймай, ушлаганича ўйга толди. «Куёвнинг дўсти иш бермасмикин», деб саволига жавоб излади. Сўнг бир қарорга келиб, Жам-шидга қаради:

— Ҳолидий тузукроқ олиммикин ўзи?

— Билмадим.

— Ким билади? Депутатни топ.

Жамшид ўрнидан турган эди, Асадбек қайтариб, телефон гўшагини унга узатди:

— Телефонда топ. Ҳозир керак.

Депутатни топиш осон бўлмади. Топилгач, Асадбек салом-аликсиз саволга тутди:

— Ҳолидийни танийсизми, қанақа олим у?

— Ҳолидийми,— депутат пичинг қилди:— Олим эканми?

— Қанақа олим деяпман?

— Олим эмас у, лўттибоз.

— Қанақа ишлар қилган?

— Ўзбекни босмачига чиқарган шу-да. Ишларини яхши билмайман. Ўтган йили мукофот олган битта китобини кўрганман. «Туркистонда буюк Ўктабр ғалабаси», де-ганмиди... хуллас номи шунга ўхшаш. Икки бет ўқиб кўнглим айниб кетган.

— Шогирдлари ким? Душмани ким?

— Душмани мен.

— Китобини ўқимай туриб душманман, дейсизми?

— Унинг китобини ўқиш шартмас.

— Шогирдлари-чи?

— Институтнинг ҳаммаси шогирди.

— Институтда уни ёмон кўрадиганлар йўқми?

— Ким билади, балки бордир. Бўлсаям майдароқ одамлар орасидан чиқади. Йириklarини танийман, унга пахта қўйиб юради ҳаммаси.

Асадбек учун бошқа гапнинг ҳожати йўқ эди. Раҳмат ҳам демай, гўшакни жойига қўйди-да, бир қарорга келиб, ўрнидан турди.

Жамшид «қаёққа?» ҳам демай, унга эргашди. Асадбекнинг хохишига кўра Анвар-нинг уйига қараб жўнашди. Шом қоронғуси чўка бошлаган эди. Эски шаҳарнинг тор кўчалари эриётган қордан балчиқ ҳолига келганидан юриш қийинлашган эди. Жамшид машинани авайлаб ҳайдаб бир дарвоза ёнида тўхтади.

— Қара-чи, ҳали ҳам шу ердამикин?— деди Асадбек.

— Шу ерда бўлса судраб чиқаверайми?— деди Жамшид.

— Мен сенга «қараб кўр», дедим!

Жамшид ортиқча гап айтиб юборганидан изза чекиб, машинадан тез тушди. Одат-и бўйича кўнғироқ чалмай очик дарвозадан ичкари кирди-да, ҳаялламай тез қайтди.

— Уйда ўтиришибди, Анварнинг хотини ошхонада. Пастда онасининг уйи бор. Бошқа ҳеч ким йўқ.

— Сен шу ерда ўтир.

Асадбек шундай деб машинадан тушди. У ҳам ҳовлига ҳеч бир огоҳлантиришсиз

кириб борди-да, чирофи ёниб турган уйи томон юрди. Ичкери кириб, меҳмонхона эшигини қия очди. Ўртадаги устол устига дастурхон ёзилмаган, китоб-қоғозлар бетартиб сочилиб ётибди. Икки ошна устол атрофида эмас, пастда ўтиришибди. Элчин эшикка орқа қилиб, чордона қуриб олган. Юзини дераза тарафга қаратган Анвар эса мук тушиб бир нарсаларни ўқияпти. Асадбек умри бино бўлиб битта китобни ўқиб чиқмаган. Уни аслида китобга рағбати йўқ, «ишқи йўқ эшшак, дарди йўқ кесак», тоифасидан десак, ҳақиқат юзига оёқ босган бўламыз. Асадбекнинг болалиги ўзингизга қисман бўлса-да, маълум. Ёши улғайса, у юрган кўчаларда китоб ўқилмас эди. Шундай бўлса-да, Асадбек китоб ўқиётганларни кўрса ҳаваси келарди. Юрагида ўқишга иштиёқ уйғонарди. Шунданми, қизининг бетўхтов мутолаасига сира монелик қилмаган. Аксинча, уйни китобга тўлдириб ташлаган. Аниқроғи бу ишни унча-мунча ўқиб тургучи Чувринди амалга оширган.

Асадбек гап пойлаш учун эмас, йигитларнинг мутолаасини бир зумгина бўлсин, кузатиш учун остона ҳатламади.

Анвар китобни қўйиб, қоғозларни титкилади-да, бир варақни олиб Элчинга қаради:

— Мана бу ерда яхши бир ҳикмат бор: «Ҳари Исо ба сўйи қаъба равад, боз оя ҳамон хар башад». Мазмунини тушунмадингми? Исонинг эшаги минг марта Қаъбага боргани билан эшаклигича қолаверади.

Элчин кулди.

—Зўр гап, лекин, ашулага тушмайди. Ашула бўладиганини топ.

— Ашулага мана буниси бўлар,— Анвар бошқа қоғоз олиб ўқиди:

Ман мўйи хешро на аз он мекунам сиёҳ,  
То баз нав жавон таваму нав кунам гуноҳ  
Чун жамоҳо ба вақти мустибан сияҳ кунанд  
Ман мўй аз мусибати пирий кунам сиёҳ...

— Бунинг маъноси зўр,— Анвар қоғоздан бош кўтариб, Элчинга қаради.— Социмни бўяб қорайтиришдан мақсад қайтадан ёшариб гуноҳ қилиш эмас. Қора тўн мотам рамзи бўлгани сингари, социмни қорайтиришдан мақсад — ўтиб кетган ёшлигимга мотам тутишдир... Икки байтни айтиб кейин Замоналига ўхшаб, торингни қўлтиқлаб олиб, мазмунини тушунтирсанг, одамлар қойил қолаверади.

— Бўпти, шу руҳимга мос тушар экан. Консертнинг номини ҳам «Ёшликка тутилган мотам» десам, а?

— Шунақа десанг консертингга биров тушмайди. Консертга одам ақл ўрганаман, деб келмайди. Сен консертингни Турди Фароғинининг ғазали билан очгин, одамларга ҳозир шунақа гаплар таъсир қилади. Мана эшит:

Тор кўнгуллик беклар, ман-ман деманг, кенглик қилинг,  
Тўқсон икки бовли ўзбек юртидур, тенглик қилинг...

Асадбек айвонда шарпа сезиб, ўғирилди. Қўлида патнис ушлаган аёлни кўриб, ярим очик эшикни аста тақиллатди. Иккала ошна эшик томон баравар қарашди-ю, кутилмаган ташрифдан ажабланиб, бир зум ҳаракатсиз қолишди. Ҳайрат тўрини биринчи бўлиб Анвар узиб чиқди. Чаққон ўрнидан туриб, чақирилмаган меҳмонга пешвоз чиқиб, салом берди. Элчин ҳам ўрнидан туриб, қайнотасига норози қиёфада боқди.

— Ўқишга берилиб, чақирганимни эшитмадинглар,— деди Асадбек остона ҳатлаб, ичкери кириб. Айвондан ўтиб, даҳлиз эшигини очган Хонзода меҳмонхонага кираётган кишини кўриб, тўхтади.

Асадбек палтўсини ечиб, устол суянчиғига ташлагунча, Анвар устол устини йиғиштиришга киришди. Бу орада Хонзода ҳам кириб, дастурхон ёзди.

— Келин, сиз ҳеч нарсага овора бўлманг. Мен ҳозир тураман,— деди Асадбек.

— Ҳар кунни келиб юрибсизми, ака,— деди Анвар, хотинига ёрдамлаша туриб.

Анвар Асадбекни бугун иккинчи марта кўриши. Дастлаб тўйда кўрган, «одамлар айтгандай даҳшатли эмасга ўхшайди-ку», деб кўнглидан ўтказган эди. Бугун унинг кириб келиши уни бироз шоширди. Асадбек дастурхонга ҳеч нарса қўйдиртирмади.

— Ҳозир ўқиган шеърингизни эшитдим. Кучли ёзилган экан. «Тенглик қилинг, кенглик қилинг», деб. Худди бизга атаб ёзибди. Бир-биримизни бўридай ғажиб юрибмиз-да ҳозир,— деди Асадбек. Очик кўнгилда айтилган бу гапни Элчин ўзи томон отилган тошдай билиб, ғижинди. Қайнотасининг рўпарасига ўтириб, хўмрайди.

— Бўридай десангиз, бўрилар хафа бўлармикин,— деди Анвар, дўстидаги ўзгаришни сезмай,— бўрилар аҳил яшашаркан.

— Бу гапингиз ҳам тўғри,— деб кулимсиради Асадбек.— Энди сиз тилчисиз, гапга тўн кийдирворасиз.

— Мен тарихчиман.

— Ҳа, энди тарихчилар ҳам гапга уста бўлишади. Сизнинг... Ҳолидий деган домлангиз бор, а? У муттаҳам ҳали ҳам бутун ўзбекни босмачи деб юрибдимми?

Элчин Анварга, Анвар Асадбекка ажабланиб қарашди. Асадбекнинг Анварга ёқиб қолиши учун шу гап ўзи кифоя қилди. Асадбек йўл-йўлакай ўйлаб, мўлжални аниқ нишонга олган эди. Бу гапдан кейин Элчин ҳам бироз юмшади. Асадбек бу гапни тарихчилар ишини муттасил кузатиб юрадиган зиёли одам сифатида айтгани учун ҳам

ишонарли чиқди. Унинг депутат билан сўзлашгани, унинг айтганларидан керакли хулоса чиқариб олганини бу икки ошна билмас эди.

Анвар «халқ отаси»нинг мунофиқлигидан гап очилса, ўзини тутиб тура олмас эди. Эл орасида ёмон ишлар билан кўрқув солиб юрган одамки, бу ҳақда сўз очдими, демак, Ҳолидий мунофиқгина эмас, муртад ҳамдир, деган тушунча унинг гап халтасини очиб юборди. Анварнинг ҳозирги аҳволини кўрган одам уни ўз уйида эмас, илмий кенгашда маъруза қияпти, деб ўйлар эди.

— Мана, Кўқон мухториятини олинг. Ленин ўз ҳуқуқларинг ўзларингда дедими, деди. Пўлша ўзига мустақил бўлдими, бўлди. Эстония, Латвия, Литва, Финландия ажралиб кетдими, кетди. Булар ҳам худди биз каби Русия империясининг мустамлакалари эди-ку? Улар мустақил бўлиб кетишди. Биз бор-йўғи мухторият талаб қилган эдик. Қаранг-а, мухториятга ҳам кўнишмади. Ленин Масковда туриб олиб, «Мазлум шарққа озодлик бердик», дейди. У ёқда мазлум халқнинг қони дарё бўлиб оқади. Кўқон мухториятини ким қонга ботирди? Урисларми, болшевикларми? Йў-ўқ, бу ишни турк қонига ташна дашноқларга қўйиб беришди. Мен буни тарихий далил асосида исботласам, у падарлаънат «Сизнинг хулосангиз миллий низо келтириб чиқаради», дейди. Бир одамнинг ўт пуфагида тош бор. Шунини олиб ташлаш учун қорнини ёришди. Шунда жарроҳ «ўт пуфакка тиғ тегса жигар хафа бўлади, яхшиси кўр ичакни олиб ташлайлик», деб турса, касал бечора дардини кимга айтади?!

Хонзода чойнак-пиёла кўтариб киргач, Анвар оташин нутқини тўхтатди. Асадбек Анвардаги туйғудан узоқроқ бўлса ҳам, гапларини эшитиб, унга нисбатан меҳри уйғонди.

— Сиз билан бир гаплашадиган экан. Қойилман,— деди Асадбек, Анвар узатган пиёлани олиб.— Мен ўртоғингизга бир гап айтай, деб кирган эдим. Сиз ҳам эшитинг, маслаҳат беринг. Элчинбой, сизни кечами ё бугунми ҳеч ким тўйга айтмадимми?

— Йўқ,— деди Элчин тўнг оҳангда.

— Агар айтса, кўнманг. Умуман яқин орада тўйларга бормай туринг.

— Нимага?

— Ҳа, энди... чиллалик одамсиз.

— Аниқроқ гапираверинг.

— Аниқроғи шуки... Сиз санъатдаги обрўйингизни тиклаб олишингиз керакмикин?

Тўйда... ҳар хил одамлар бўлади. Сизларнинг ораларингизда ҳам ҳасадгўйлар бор. Битта яхши ашула чиқарсангиз халқ эшитиб хурсанд бўлади, ҳасадгўйларингиз эса кўйиб кетади. Яна ҳам аниқроқ айтсам, гап шуки, энди сизнинг обрўйингиз менинг ҳам обрўйим. Сизни... ўғлим деганман. Анваржон, сиз гувоҳсиз, ўртоғингиз куёвим эмас, ўғлим. Чет элдаги ўғилларим келишса, ака-ука бўлиб кетасизлар, худо хоҳласа. Мен бир нарсанинг исини сезмасам гапирмайман, тўйларга бормай туринг.

Асадбек гапни маслаҳат оҳангида бошлаб, буйруқ тарзида яқунлади.

## XVII БОБ

### I

Хасталик варақасида белгиланган муддат ниҳоясига етган бўлсада, Анвар ишга чиқишга шошилмади. Тоғасининг чордоғидан олиб келган китоблару қоғозларни ўқиб чиққанидан кейин ҳам бир кун уйда хаёл суриб ётди. Зуннунийнинг кўлёмасидан бобосининг нима учун фойдалана олмагани маълум эди. Ҳақиқатни айтишга бобосида журъат етишмаган. Етишган тақдирда ҳам унга ким йўл кўяр эди? Закийлар жисмини тишлаб олурга тишлари бурро, аммо илмга тишлари ўтмайдурганлар замони туққан чоқда ҳақиқатни дегувчилар оҳини ким эшитарди? Зуннуний кўлёмасини бобоси ёқиб юбормай асраб қўйибди — шунинг ўзи катта гап. Бу қоғозлар, китобларни тоғаси жонни гаровга қўйиш ҳисобига сақлаган. Унинг ўлиmidан кейин эса кераксиз матоҳ сифатида улоқтирилган. Яхши ҳамки, чордоқнинг бир чеккасида уларга жой топилибди. Уттинчи йилларнинг оловларидан олиб қолинган китоблар, фарзандларнинг оқибатсизлиги туфайли ёқилди; ахлатхоналарга ташланди. Анвар шуни ўйласа худди биров тирноқларини оμβурда суғураётгандай азоб чекарди. Хаёлига ёмон фикр келганида ёки нохуш воқеага учраганида аҳли муслим калима келтиргани каби, Анвар бу пайтда шоирдан ёд олган сатрни такрорлайди: «Қачон халқ бўласан, сен эй, оломон...»

У ўша оломоннинг бир қисми билан ҳар кун ош-қатиқ бўлишга мажбур. Вазифалари оломон кўзини очмоқдан иборат бўлган, ўзларини «олим» деб атовчи одамларни кўргиси келмаса ҳам ишга боришга мажбур. Хотини «Қўйинг, ўша ишингизни, бўшанг», дейди. Бўшаб кетишдан осон иш йўқ. Оч қолмайди, мардикорлик қилса ўн баробар кўп пул топади. Лекин кимдир ҳақиқатни очиш учун жонини бериши керак-ку?

Ҳамкасбларининг айримлари унинг «тузалиб чиққанидан» астойдил қувонишди. Айримлари шунчаки кўнгил учун ҳол-аҳвол сўраб қўйишди.

Хонасига кириб ўзини ўрнида чиройли жувонни кўрдию феъли айнади. «Яна бир амалдорнинг келини ишга олинибди-да», деб ўйлади. Институтнинг ярмидан кўпи келишган аёллардан иборат — бири кимнингдир қизи, кимнингдир келини, синглиси...

Анвар Ҳолидийнинг усталигига баъзан тан беради. Бу аёлларни ишга олиш билан Ҳолидий юқори томондагиларга яхши кўринади, энг муҳими — тарих илмига бегона бўлган бу жондорлар «устоз Ҳолидий» сутни қора десалар ҳам маъқуллаб чапак чалиб ўтираверадилар. Оппоқ бўйинчаларига Ҳолидийнинг нафаси текканда кўзлари ҳумор сузилиб қоладиганлари эса тез орада фан номзоди унвонига эришадилар.

Анвар ўрнида ўтирган жувонни ҳам шундайлардан деб ўйлаб, ғижинди. Аммо, ҳамхоналари билан сўрашиб бўлгач, жувон ўрнидан туриб ҳижолатлик билан салом берди-да, «Мен сизни кутиб турувдим», деди. «Мен ҳам чиройли жувонлар кутишга арзириш одам бўлиб қолдимми?» деб ўйлади Анвар.

— Бир ҳафтадан бери кутадилар,— деб изоҳ беришди ҳамкасблари.

— Бу йил ўқишни битирятувдим,— деди жувон. Унинг ийманиб гапиришидан дорилфунунни битириш ҳам айб иш экан, шекилли, деб ўйлаш мумкин эди. Анвар уни ҳижолатликдан қутқазishi учун гапни бўлди:

— Қайси факультетни?

— Тарихни... Диплом иши олувдим. Суннат Жўраевич энг олдин сизга учрашишимни айтдилар. Шунга...

Суннат Жўраевич деганлари Анварнинг курсдоши. Толиблик даврларида тарих илмининг авра-астарини ағдариб ташлаш ишқида бирга ёнишган. Суннат факультетда ишга қолиб, тез сўнди. Шу сабаблими, улар анча узоқлашиб кетган эдилар. Нечукки энди йўқлаб қолибди?

— Қайси мавзуни олдингиз?

— Дукчи эшон қўзғолонини.

— Зўр мавзуни танлабсиз-ку? Лекин мен... нима ёрдам беришим мумкин? Сиз... Ҳолидий деган буюк олимни шитганмисиз? Бу даврни сув қилиб ичиб юборган одам ўша. Масковдаги ўрис олимлар бу кўзғолон «прогрессив аҳамиятга эга», дейишганида мақтаб китоб ёзганлар, тақсиримиз. Кейин партия бу кўзғолон диний йўналишдаги қора иш деб баҳо бергач, яна бошқа китоб ёзганлар. Сиз хоҳлаган китобингиздан фойдаланишингиз мумкин. Суннат... Жўраевич нима деяпти? Бу кўзғолонни прогрессив деб тушунтиряптими ё аксинчामी?

Анварнинг феълидан беҳабар жувон нима дейишни билмай доврираб қолди. Яхшики домласи «Анваржон озгина қўполроқ, эътибор берманг», деб огоҳлантирган эди. Бўлмаса чиқиб кетишга ҳам тайёр эди.

— Сиз Суннат Жўраевичингиздан сўраб келинг, шунга қараб гаплашамиз.

Жувон бу одам билан сўхбатлашининг ҳожати йўқлигини билиб, эшик томон юрди. Анварнинг ёнидан ўтаётиб бир зум тўхтади:

— Кечирасиз, домла, тарихга икки хил кўз билан қараб бўлмайди,— деди. Жуда ширин, аммо кескин тарзда айтди-да, тез-тез юриб чиқиб кетди.

Анвар шундагина унга бу гапларни бекор айтганини фаҳмлаб, изза чекди.

— Анваржон, ёрдам бера қолсангиз бўларди. Бечора бир ҳафта кутди,— деди рўпарада ўтирган аёл, унга ялингандай қараб.

Шу гап мадад бериб, Анвар шарт бурилди-да, жувонни орқасидан югурди.

— Синглим, тўхтаг, — деди Анвар, унга етиб олгач, — Хафа бўлманг. Ўзим шунақа тўнгроқ бўлиб туғилганман. Шошилмаётган бўлсангиз, гаплашиб олайлик. — Анвар уни даҳлизга қўйилган юмшоқ курсиларга бошлаб, сўнг ўтиришгач сўради: — Нималарни ўқидингиз?

— Сиз айтган иккала китобни. Кейин Ғафуров деган олимнинг китобини.

— Хўш?

— Бир-бирига қарши фикрлар. Ғафуров 1949 йилда бу кўзғолонни ижобий баҳолаганда «тожик халқининг хоризмга қарши кўзғолони», дейди. 1953 йилда эса «фавқулодда реакция ҳаракат», деб баҳолаб «ўзбек халқининг ҳаракати» дейди.

— Ана шунақа-да! Масковда қанақа куй чалишса, булар ўшанга қараб ўйнайверишади. Тарих буларга ўйинчоқ! Сиз ўзингиз қандай фикрдасиз?

— Мен ҳали ўрганиб чиқишим керак.

— Прогрессив десангиз, булар қўймайди. Ҳолидий диплом ишингизни ўқимаса ҳам, ис олиб юрадиган шогирдлари бор. Реакцион десангиз...

— Мен ҳақиқатни дейман.

Кескин тарзда айтилган бу гап Анварни ҳайратга солди. «Бу дунёда ҳақиқатни айтишни истайдиган одам қолмаган», деб юганида чиройлигина жувон шундай деб турса-я!

— Кечирасиз, синглим, хўжайин қаерда ишлайдилар?

— Мактабда.

— Ота-оналари-чи?

— Улар ҳам мактабда. Нимага сўраяпсиз?

Анвар кулимсиради:

— Тўғриси айтсам, сиз ҳақиқатни ёзсангиз-у, улар амалдор бўлсалар ишлари юришмай қолармикин, демоқчийдим.

— Бизнинг қўрқадиган жойимиз йўқ.



— Сиз шу ерда илмий иш қилишингиз керак экан.

— Йўқ. Мен ҳам мактабга бораман. Ҳақиқатни энг аввал болаларга айтиш керак. Ярим соат олдин биров келиб «шундай аёл бор», деса Анвар ишонмасди. Ҳозир ҳам қулоқларига ишонмай ўтирибди. Чиройли жувонлар шунақа ерларда ишлашни орзу қилишарди. Келиб-кетиб юришса бас, жон куйдирилмайди, маош эса унаверади. Узоқ йиллар ишлагани учун «меҳнат фаҳрийси» деган нишонлар олади... Бу жувон эса...

— Дафтарингизни очинг,— деди Анвар, гапни бирдан бошқа томон буриб.— Ўқийдиган китобларингизнинг рўйхати: Остраумов, генерал-лейтенант Королков, генерал-лейтенант Терентьев, князь Мансирев. Буларнинг гапларини архивдан топиб ўқийсиз. Салков, Наливкинларни кутубхонадан топасиз. Сиз кўзғолонни Мингтепадаги масжиднинг қулашига боғламанг. Кўзғолоннинг илдизини энг камида ўрусларнинг Тошкентни босиб олишларидан бошланг. Бу ўқ илдиз бўлади. Қўшимча илдизлар — Қурбон додҳо, Пўлатхон, Етимхон, Дарвешхон, Собирхон кўзғолонлари. Тошкентдаги «Вабо исёни», Оқбўридаги исён, Қўқон хонининг исёни... Буларсиз Мингтепа кўзғолони ҳақида тўғри хулосага келиш қийин. Шулар билан танишиб чиққанингиздан сўнг яна гаплашамиз.

Жувон Анварнинг гапларини тез-тез ёзиб олди-да, «бўлдими?» деган савол назари билан қаради.

— Зарур гап чиқиб қолса, уйимга келишингиз мумкин.

— Шу ерга кела қоламан.— Жувон шундай деб ўрнидан турди.

Анварга унинг бу қарори ҳам ёқди. Кўнгли равшан тортди.

Жувонни кузатгач, хонасига қайтмоқчи бўлиб бурилган чоғида даҳлизда келаётган Ҳолидийга кўзи тушиб, тўхтади. Одатдагидай башанг кийинган Ҳолидийнинг ёнида суйган шогирдларидан бири Улмас Акром келарди. Анвар ўзидан бир йил кейин келган бу дўмбоқ йигитни «гўсала» дер эди. Лақаб Улмасга жуда мос тушган, у тўйиб сут эмган бузоқдай беғам, биров сўкса ҳам, мақтаса ҳам бир ҳолда илжайиб тураверарди. Гўсала колхозлаштиришда матбуотнинг рўли деган мавзуда аввал номзодликни, икки йил ўтмай дўктурлик диссертациясини ёқлаб олди.

Анвар рўпарасидан келаётган устоз-шогирдни кўргиси йўқ эди. Улар билан сўрашмасликнинг бирдан-бир йўли — шарт бурилиб кетиш. Лекин Анвар бундай қилгиси келмади. Улар томон юрмади ҳам. Индамай тураверди. Ҳолидий Улмаснинг елкасига қўлини ташлаб, Анварга яқинлашди.

— Ие, мулла Анваржон, бормисиз, соғ-саломатмисиз?— у шундай деб лабини тили билан ялагандай бўлди-да, Анварга қўлини узатди.

Анвар унинг башарасига қарамай қўл узатди. Чунки Ҳолидий жилмайганида унинг башарасига қараган одам барака топмас эди. Худо Одам Атони ясаётганида ишни оёқдан бошлаганми ё бошданми, Анварга номаълум. Лекин, унинг назарида, Ҳолидийнинг оёқ-қўли, бадани аввал ясалган, кейин нима ясаётгани эсдан чиқиб, елка устига одамнинг эмас, маймуннинг боши ўрнатилган.

— Анвар Сатторович, тузалиб кетдингизми?— деди Улмас ҳам унга қўл узатиб.

— Касал эдимми?— деди Анвар унга қаттиқ тикилиб. Улмас жавобга сўз тополмай, устозига қаради.

— Улмасжонни табриклагингизми?— деди Ҳолидий яйраб жилмайиб.— Ҳозир академия тасдиғидан ўтиб келяптилар. Институтга директор бўлдилар. Мен ўттиз беш йил директорлик қилибман. Етар, а? Энди ишни сиз — ёшларга топширамиз. Илмий котибликка мен сизнинг номзодингизни кўрсатган эдим. Йўқлигингиз панд берди.

— Ким сайланди?

— Наима Султоновна.

— Эски ҳаммом, эски тос.

— Тушунмадим?— деди Ҳолидий, юзидаги сохта жилмайишни асраган тарзда.

— Сиз ўттиз беш йил қандай ишлаган бўлсангиз, буларингиз уч юз эллик йил шундай ишлашади.

— Яхши эмас, мулла Анваржон, булар тенгдошларингиз. Энди замон бошқа. Бир-бирингизни авайлаб ишланг. Мана, биз бир-биримизни аямовдик, нима бўлди? Мени йигирма беш йилга қамашди. Сталин ўлмаганда ўтирардим. Бахтимга тезроқ ўлди. «Бировнинг ўлиmidан булар бахт топишади, қизик», деб ўйлади Анвар.

Ҳолидийга худо берди. Узини мақташга баҳона топилди. Бундай пайтда у мажлисда, даҳлизда, ҳожатхонада, фарқи йўқ — гапираверади. Анвар жиннихонада деразадан тушган нур билан қилган суҳбатини эслаб, шумлиги тутдию унинг сўзини шарт узди:

— Устоз,— деди мулойим оҳангда.— Ҳамма онасининг қорнида тўққиз ой ётса, сиз етти ойдаёқ туғилиб олган экансиз, шу тўғрими?

Устоз-шогирд бу гапдан ажабланиб, бир-бирига қараб олишди. «Бу ҳали яхши тузалмабди-да», деб ўйларди Улмас. «Бу бола қаёқдан билади буни?» деб ўйлади Ҳолидий.

— Анвар Сатторович, уялиш керак,— деди Улмас, танбеҳ бериб.

Ҳолидий бировнинг ҳимоясига мухтож одам эмас эди. Сочини бармоқлари билан

тараб қўйиб, ўткир аския эшитган одамдай кулди-да, Анварнинг елкасига шапатилаб қўйди:

— Ғайрат зўр бўлган-да, ғайрат!— деди-да, Улмасни қўлтиғидан олиб, йўлида давом этди.

Анвар орқасига ўгирилиб, уларнинг изидан бир зум қараб тургач, хонаси томон юрди.

— Нимагадир мотам руҳини сезмаяпман, қора байроқлар осилмаган,— деди жойига ўтиргач.

— Президент ўлибдими?— деди рўпарасидаги аёл.

— Ундан ҳам баттар,— деди Анвар, «булар билмайдими?» деган маънода хонадагиларга бир-бир қараб.— Устоз кетибдилар-ку?!

Анвар учун янгилик бўлган бу хабар хонадагиларга маълум эди. Институтдаги ўзгариш уларнинг ўзаро муҳокамаларидан ҳам ўтгани учун Анварга жавоб беришмади. Фақатгина эшик олдидаги устолда ўтирувчи «энг кичкина илмий ходим» кулимсираб қўйди. Анвар бу вазифада узоқ йиллар ишлагани учун ўзини «энг улуғ кичик илмий ходим», Собир исмли бу ушоққина йигитни эса ҳазиллашиб «энг кичкина илмий ходим», дер эди.

— Устоз биз билан!— деди Собир, ҳазил оҳангида.

— Яъни?

— Яъниким, устоз шу бўлимга мудир бўлиб ўтганлар.

— Ҳали ишлар эканларми? Босмачига айланмаган яна битта-иккита ўзбек қолган эканми?

— Устознинг концепсиялари бошқа ҳозир. Босмачилар эмас, миллий озодлик ҳаракати!

— Йўғ-э?

— Газит ўқийсизми ўзи?

— Болалар,— деди Анварнинг рўпарасидаги хотин,— эркак одамга ғийбат ярашмайди.

— Собирбей, эшитдингизми? Гулнорахон опамизнинг насиҳатларига қулоқ тутмасангиз менга ўхшаб энг улуғ кичик илмий ходим бўлиб қоласиз. Мен бунга чидолмайман. Узимни шу деразадан ташлайман. Энг улуғ кичик ходим битта бўлиши керак, билиб қўйинг!

— Анваржон, қўйинг шунақа гапларингизни.

— Гулнора опа, ёмон гап айтмаяпман. Сизнинг гапингизни тасдиқлаяпман. Собирбей ёш, ўргатиб туриш керак.

Денгиз ичра чарх урувчи гирдобни

Қайдан билсин қирғоқдаги майсалар...

— Менинг битта қўшним имом. Уша айтадики, бу дунёда ғийбат қилган одамнинг тилини Худо қиёматда ўн метр узун қилиб қўяркан. Бу тилни одамлар босиб-янчиб юраверар экан. Шу қиёмат тезроқ бўлсаю, шу тилларни бир кўрсам...

Рўпарадаги аёл шарт туриб чиқиб кетди. Анвар Ҳолидийни сўкадиган бўлса, ҳақорат тошларини шу аёл ҳузурида отарди. Ҳолидийнинг шу хонадаги мухтор элчиси ҳисобланмиш Гулнорахон бу тошларни териб етмаганига ўзидан кўшиб, устозига етказарди. Анвар бу аёлдан, шу хизматлари учун хафа эмас, хурсанд буларди.

Аёл чиқиб кетгач, хона жимиб қолди. Собир ҳам устол устидаги қоғозларига мук тушди. Анвар қўлига қалам олиб бир варақ қоғоз юзига турли шакллар чиза бошлади. Шакллардан бири «Г» ҳарфига ўхшарди. «Гулнора» деб ёзди. Кейин биринчи ҳарфни семизроқ қилиб бўяди. Сўнг «Г»ни ярим саҳифани эгаллайдиган даражада катта қилиб ёзди. «Г»нинг бурчагига кашакловчи чизик тортган эди, ҳарф дорга айланди. Анвар унга бир зум тикилиб тургач, ҳарф-дорнинг учига сиртмоқ чизди. Шу ишидан завқ олиб ўтирганида Ҳолидий йўқлаётганини маълум қилишди.

## 2

Ҳолидий ўзининг қадрдон хонасида ўтирган эди. Янги бошлиқ кўринмасди.

— Келинг, мулла Анваржон! — деди Ҳолидий, уни ўрnidан туриб қарши олиб, — ҳали йўл устида тузукроқ гаплаша олмадик. Аҳволлар дурустми энди. Диссертацияни ёзиб бўлдингизми?

Анвар унинг муғамбирлик билан боқиб турган кўзига қараб «Во ажаб, — деб ўйлади, — мен илгари одам танасига маймун калласи уланган дердим. Маймуннинг калласи тулкининг танасига уланганини ўйлаб кўрмаган эканман. Ё маймуннинг калласи ичига тулкининг мияси жойлаштирилганмикин? Қани, бунинг навозиши нима билан тугар экан?»

— Диссертация қанақа аҳволда, деб сўраяпман?

— Диссертациями? — Анвар тушунмагандай елка қисди. — Уша-ўша реакцион миллатчилик иси уфуриб ётибди.

Ҳолидий бундан олти йил илгари Анварнинг тайёр диссертациясини ана шу тавқи ланат билан йўққа чиқарган эди. Анвар ҳозир шуни эслатди. Лекин Ҳолидий пичингни тушунмаганга олди.

— Уни ўзгартирганингиз йўқми? — деди меҳрибонлик билан.

— Ҳақиқат ўзгариб турадиган буқаламун эмас.

— Айни топиб гапирдингиз, баракалла! Менга сиздай чўрткесар, бир сўзли йигитлар ёқади. Мана энди сизнинг замонингиз келди. Сизга ҳавасмандман: ҳақ гапни ҳеч кўрқмай айта оласиз. Бизнинг бошимизга тушган савдолар итнинг бошига тушса, у ҳам инфаркт бўлиб ўлиб кетарди.

— Ҳа-а, «устоз», сиз итдан ҳам... бақувватсиз.

Бу гапни эшитиб, Ҳолидийнинг юзи учди, аммо сир бой бермай қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Гапни ҳам эшворасиз-да, мулла Анваржон!

— Сиз бўлимимизга мудир бўлибсизми?

— Ҳа, бирга ишлаймиз. Мен бу амал ғалваларидан қутулдим. Бир йилда ўн иккита комиссия босибди-я! Энди илм билан чуқуроқ шуғулланиш имкони туғилди.

— Босмачиларни нима қиламиз?

— Қайси босмачиларни?

— Сиз менга икки масалада йўл бермаган эдингиз, эсингиздан чиқдимми? Биринчиси — инқилобдан олдинги қўзғолонларни «мустамлака Туркистоннинг партизанлари» дейишига қарши бўлдингиз. Иккинчиси — ўн еттинчи йилдан бошланган босмачилик ҳаракати эмас, балки ўн тўққизинчи асрнинг сўнгги чорагида бошланган миллий озодлик ҳаракатининг чўққиси деганимда, кимлар келиб мени сўроққа тутганини биларсиз?

— Замона шунақа эди.

— Замон ўзгардимми?

— Ўзгарди.

— Шунга қараб сиз ҳам ўзгардингизми?

— Мулла Анваржон, замон ҳар қандай одамни ўзгартиради. Ҳатто сизни ҳам.

— Мен сиз айтган «ҳар қандай» тоифага кирмайман. Мени ўзгартириш учун босимдан товонимгача тиккасига арралаб тушиш керак. Шунда ҳам жоним чиқади-ю, руҳим эса ўзгаришсиз қолаверади.

Ҳолидийнинг юзидаги жилмайиш йўқолди.

— Катта кетманг, ука. Сиз сиғиниб юрган устозларингиз ҳам ертўлада бир қийноқдан ўтгач, қўллари қалтираб, ҳамма қоғозларга имзо чекиб беришган.

— Сиз ҳамми?

— Сиз иғвонинг инини кавляпсиз. Мен ҳақиқат деб йигирма беш йилга қамалганман.

— Сизга оғир ботадиган гап айтган бўлсам, узр. Гуноҳимни ювиш учун бир ҳикоя айтиб бераман. Жуда қизиқ, эшитмасангиз армонда қоласиз. Ўзи ҳаётда юз берган воқеа экан, аммо мен уни эртак тарзида сўзлайман. Шундай қилиб, бўри баковул, тулки ясабул, чумчуқ чақимчи бўлмаган замонда бир бахтиёр ёш олим яшаган экан. У аввал устозларининг, сўнг тенгдошларининг оёғи остига чоҳ қазибди. Шаҳаншоҳ унинг беиннат хизматларини кадрлаб турибди. Ёш олим илмга эмас, шундай мунофиқликка иқтидорли экан. Гўдаклигида иблис ундаги инсон юрагини юлиб ташлаб, ўз қалбининг бир парчасини қўйган экан-да. Ёш олим кўпнинг ичида дадил туриб, «Шаҳаншоҳ ҳайвон!» дер экан. Сухбатдоши «шунақамикин, а?» деса баш, бориб «Фалончи сизни ваҳший ҳайвон деди», деркан. Қарабсизки, ўша сухбатдош зиндонга қандай туриб қолганига ҳайрон. Бора-бора сотадиган одами қолмагач, ўз боши узра қора булутлар айланаётганини сезибди. Шаҳаншоҳ «ўз яқинларига хоинлик қилган одам менга садоқатда бўлармиди?» дебди. Шоҳ бир қарорга келгунча ёш олим энг сўнгги лақма дўстини аврабди. Яхшилаб кийинтириш баҳонасида Шаҳаншоҳнинг тикувчисиникига бошлаб борибди. Ундан аввал шоҳнинг шопирини қўлга олибди. Шоҳнинг мошинасида тикувхонага савлат тўкиб борибди. «Мен маликанинг укасиман», деб ўзини таништирибди. Хуллас, икки кун деганда улар устларига шоҳона либосларни олишибди. Тикучи эса Маликадан раҳмат эшитиш мақсадида телефон қилиб, «укангизга либос ярашибдимми?» дебди-ю, сир ошкор этилиб, ёш олим қамалибди. Қамоқда ҳам иқтидори иш бериб, иғвогарлигини давом эттираверибди. Бир йил деганда Шаҳаншоҳ ўлибди-ю, ёш олим ҳам сиёсий маҳбуслар қаторида озодликка чиқибди. У ҳам туҳмат жабрини тортганлар сафидан ўрин олибди...

Ҳолидий қошларини чимирган ҳолда Анварнинг «эртагини» бўлмайд эшитди. Анвар «устоз» бақириб бера-р, ҳеч бўлмаса ранги ўзгарар, деб ўйлаган эди. Гапини тугатиб, Ҳолидийга қаради-ю, ҳайрон қолди: «Рўҳлар менга ёлғон гапни айтган эдимми?»

— Хўш, эртак тугадими? — деди Ҳолидий. — Қиссадан ҳисса бўлиши керак?

«Чиндан ҳам қиссадан ҳисса бўлиши керак, — деб ўйлади Анвар. — Нима, ўша ёш олим сиз эдингиз, дейми? Яна тилимдан илинайми? Айтсам-чи, нимадан кўрқаман? Туҳмат, деса, суд архивини кўтариш мумкин-ку? Адашган бўлсам-чи? Аввал суд архивини ўрганишим керак эди.»

— Қиссадан ҳисса зуки, гапингиз тўғри, «устоз». Замон ҳаммани ўз йўриғига

солган. Лекин... нима учундир ҳеч ким гуноҳи учун тавба қилмаяпти. Ҳали ҳам унволларига маст бўлиб юришибди.

— Унволни, мулла Анваржон, одамга меҳнати учун берилади.

— Бу унвол одамларни чалғитса-чи, жамиятга фойдасиз бўлса-чи?

— Бу энди баҳсли масалалар. Бу масалани вақт ҳал қилади.

— Вақтга айтамыз, остонада кутиб тура туради.

— Мулла Анваржон, бу гапларни қўйинг. Мен сизни диссертация масаласида чақиртирдим. Эртага менга олиб келиб беринг. Ҳимояни тезлатамыз.

— Диссертация йўқ, «устоз».

— Нега йўқ? Ёқиб юбордингизми?

— Ёқиб жинни бўлибманми, — деди Анвар кулиб, — уни чет элга сотиб юборганман, аллақачон.

— Нима? Чет элга? Кимга?

— Туркияга, дўктўр Нурийга бултур бериб юборганман. Бир нусхасини ўн кун олдин акам Англияга олиб кетдилар. Диссертацияни ё Истамбул ё Оксфорд дорулфунунида ёқласам керак.

Ҳолидий Анварнинг кўзидан бир маъно уқмоқчи бўлиб, қаттиқ тикилди. Анвар ўйинни охиригача муваффақиятли етказмоқ учун худди рост гапирётгандай қилт этмасдан ўтираверди. Ҳолидий дўктўр Нурийни сохта советшунос, ватан хоини деб ёзавериб ийиғини чиқариб юборган эди. Анвар ҳориж олимини эслатиб, нишонни аниқ мўлжалга олганди.

— Бемаслаҳат шунақа ишлар қилиб юрибсизми, ҳали? — деди Ҳолидий. Унинг илгариги қувноқлиги, сўнг жиддийлиги, кескинлиги ҳам қолмаган эди. Унинг машқи пасайиб, Инглистонда дўктўрлик диссертациясини ёқлаб келган олим қаршисида мулзам бўлиб ўтирган одам ҳолига тушган эди.

— Нима қилишим керак эди? — деди Анвар ғолиб одам товуши билан, — ҳеч кимга кераги йўқ, деб сотворибман-да.

Биргина мен қайрағоч  
Этагида бенурман!  
Кун нуридан маҳрумман,  
На ғуломман, на ҳурман!..

— Ёшлик қилибсиз. Ҳали пушаймон емасангиз эди...

— Фазилатим, кам ила кўстим

Сизга аён, олмоқ керак тан...

Ўзим мерган бўлмагач, дўстим,

Кимларнингдир отган ўқиман...

Ҳар нечук Ҳолидий темирдан эмас, барча бандалар каби «лойдан ясалган» экан. Кўкрагида уйғонган ғазаб уммони тўлқинларининг мавжини вужуди сиғдиролмай портлади.

— Йўқол! — деди тишларини ғижирлатиб. Тишлар ғазаб вулқонини тўсиб қолмоқ қасдида ғижирлар эди. Боя даҳлизда «етти ойлик бўлиб туғилмаганмисиз?» деган саволдан сўнг куч тўплай бошлаган вулқон қудрати тишлардан қудратлироқ эди. У ўрнидан шарт туриб бақирди: — Йўқол, газзанда! Мен сени одам деб жиннихонадан чиқариб олдимми ҳали!

Анвар масрур эди. У ўрнидан енгил турди. Гўё уни узоқ йиллар эзиб келган ғам ҳарсанглари Ҳолидийнинг бақириғидан сўнг елкасидан ағдарилгандай бўлди. У отган ўқ бехато тегди. Ҳаними ярадор ҳолда оёқлари остида типирчиларди. Энди юракка найза санчиши керак. Бу найзани кейинги сўзлари билан Ҳолидийнинг ўзи унинг қўлига тутқазди.

— Сиз сал янглишдингиз, «устоз». Сиз менга оталик қилиб, даволансин, деб жиннихонага юборган эдингиз. Мени у ердан Асадбек чиқариб олди, — деди жилмайиб. У оқ-қорани ажратиб олган олим эмас, ўртоғига мақтанаётган болакай каби жилмайди.

— Ким дединг?

— Асадбек! — Анвар бу исмни фахр билан тилга олди-да, чиқиб кетди.

«Бу боланинг мафияга нима алоқаси бор экан?» деб ўйлаб қолди Ҳолидий.

## XVIII БОБ

### 1

Бир гала фаррош лўли хотинларга якка ўзи бас келиб, уларнинг нозик нуқталаридан ушлаб — мағлуб этиб, идорадан чиқариб юборган бошлиқ эсингиздадир? Худди ўша бошлиқ Зоҳидга телефон қилди. Зоҳид хизматга барвақт келган эди. Телефоннинг жириглашини даҳлизда эшитиб, эшигини шошиб очди-ю, тез-тез юриб бориб гўшакни кўтарди.

— Уринбосаримни чақиртирдим, кеча оқшомда келдилар, — деди бошлиқ, са-

ломлашгач. Зоҳид унинг овозида қандайдир ҳорғинлик сезди. «Кечаси билан ухламай мени қидирганми, нима бало?» деб ўйлади.

— Дам олишнинг ҳам белига тепибсиз-да, — деди Зоҳид, ясама лутф билан. Лутф ясама бўлса-да, бошлиқнинг ватанпарварлик туйғуларини жўштириб юборди:

— Ишларидан ишқал чиқиб турганида дам олишга бало борми? Мен, кўнглим сезган экан, бошидаёқ «узоққа кетманг», дедим. Бу қари бюрократларга қайта қуришнинг моҳиятини тушунтириб бўлмаяпти.

— Ўринбосарингиз билан қачон кўришишим мумкин?

— Ҳозир десангиз, ҳозир етиб борадилар.

Бошлиқнинг жонкуярлиги сабаби Зоҳидга аён эди. Бунақа зотлар ишни қайта қуришга эмас, замонга мослаштиришга уста бўлишади. Идоранинг ҳар қадамига қайта қуриш афзалликлари ҳақида шиорлар осиб ташлашади. Агар уйларида, аниқроғи, ётоқларида, янада аниқроқ айтилса — тўшақлари устида «Хотин — қайта қуриш авангарди!» деган шиорга кўз тушса, сира ажабланмаслик керак.

Зоҳидга аён бўлган сабаб шуки, идорадаги молиявий найрагларнинг бир учи қонун ҳимоячиларига энди маълум. Жалол Комилов номига ёзилган маошу мукофотлар ҳисобланса, фалон сўм бўлади. Унинг ҳаммасини, шубҳасиз, ўринбосар емайди. Аксинча, энг кам улуш унга тегади. Бошлиқ ўринбосаридан кўпроқ олади, аммо у ҳам ўз навбатида юқорига узатади. Ньютон бошига олма тушганида Эрнинг тортиш қонунини ихтиро этган экан. Кимёдаги занжир реакциясини топган олим раҳбариятнинг пора тақсимлаш усули ва санъатидан илҳом олган бўлса не ажаб?

Бошлиқнинг шу «занжир реакция» авжига чиқмай туриб, биринчи ҳалқадаёқ ишни бир ёқлик қилиш мақсадида эканини энг ландавур терговчи ҳам тушунади. Худога шукрки, Зоҳид ундайлардан эмас.

Ўринбосар чиндан ҳам тезгина етиб келди. Яратилганда Худога ҳаққини қолдирмаган, деб шу бандага айтилса керак. Худо бўйдан урганида у энига қўштириб олган, «фалон ёшида бошидан сочи тўкилиб кал бўлади», деб ёзуф битилганида бошдан тўкилувчи сочи кўкрагига, жағига кўчирган — кўкракдаги жун кўплиги ва узунлигидан куйлак ёқасидан чиқиб, кўрган одамнинг ёшини келтирарди. Кунда икки марта киртишламаса бўлмайдиган соқол эса, ёноқларининг нақ чўққисига қадар бостириб борган. Яна бир ҳаракат қилса, соқол деганлари киприклару қошларга қўшилиб кетиши ҳеч гапмас. Ўринбосарга салобат бахш этиб турган кўзойнак гардишининг пастки қисми айнан соқолнинг ўша чегарасига қадалади.

Ўринбосарнинг яратгандан ундирган энг улуғ неъмат — кўзлари. Бунақа мулойим боқувчи, узун киприклар билан ҳимояланган кўз қизларда ҳам кам учрайди. Ўринбосар Зоҳиднинг хонасига кирдию дарсга кеч қолган боладай бошини эгиб, ер остидан қараб қўйди. Аста сўз бошласа, кўзлари шунчалар мулойим боқардики, одам ўлдириб келган тақдирда ҳам ҳибсга олиш ҳақидаги қарорга имзо чекишга қўл бормасди. У гавдасига монанд семизгина жигарранг сумка кўтариб олган эди. Ўринбосар Зоҳиднинг рўпарасига ўтириб, сумкани тиззасига қўйди-да, «қамайсизми ё раҳм қиласизми?» дегандай мўлтиллаб қаради.

— Бошлиқингиз айтгандирлар, а? — деди Зоҳид.

— Айтдилар, яхши иш бўлмабди. Аммо биз бу пулларни ўзимиз еб юборганимиз йўқ. Бировнинг ҳақидан кўрқамиз. Узингиз биласиз, шаҳар катта, келди-кетди кўп. Меҳмон-измон кутушнинг ўзи бўлмайди. Олдин ҳукумат унча-бунча пул ажратарди. Энди у ҳам йўқ. Унта меҳмонни кутасан, дейишади, тамом. Еб-ичиб кетса ҳам майли. Масков томондан келганлар совға-саломга ўрганиб қолишган.

«Бошлиқ иккови чиндан ҳам ухламаганга ўхшашади, — деб ўйлади Зоҳид, унинг гапларини эшитиб. — Ўринбосар балоғардонлиқни бўйнига олган. Уйдаги топган-тутганлари тунда яширилиб, уй бир ғариб ҳолга кетирилган. Балки «қамаб қўйишади», деб хотин, бола-чақалари билан хайрлашиб ҳам келгандир. Бошлиқ ҳозир хонасида қилт этмай ўтирибди. Котибасига «мен йўқман», деб тайинлаган. Ўринбосари ҳибсга олинганини эшитиши билан идорада мажлис тўплаб, қайта қуриш душманлари фош этилгани, уларга қарчи аёвсиз кураш олиб бориш лозимлиги масаласини кун тартибига қўяди...»

Зоҳид тинмай гапирётган ўринбосарга қараб туриб телефон гўшагини кўтарди-да, бошқармага қўнғироқ қилди.

— Да, ало, эшитаман, — деган овозни эшитиб, ўринбосарга қаради. Ўринбосар телефон рақамлари терилаётгандаёқ жим бўлиб, бироз ажабланиш, бироз ҳавотир билан унга тикилиб ўтирган эди. Зоҳид бошлиқнинг исмини тилга олгач, ўринбосарнинг бутун вужуди қулоққа айланди.

— Қудрат акам йўғийдилар, секага кетувдилар. Ким сўравотдилар? Келсалар нима деб қўйий? — деди котиба.

— Мен прокуратураданман. Шариповман, — деди Зоҳид совуқ оҳангда.

— Вой, тўхтанг-чи, ҳали кетмаганга ўхшайдилар... — Котиба сукут сақлади. — Ана, қайтиб кевотила.

— Эшитаман, ўртоқ Шарипов. Кўнглим сезгандек изимга қайтувдим, тинчликми?

— Ҳа, тинчлик, уринбосарингиз етиб келдилар. Ҳавотир олманг, демоқчи эдим, — Зоҳид гапни калта қилиб, гўшакни жойига қўйди.

Уринбосар узилган гапни давом эттирмади. Бироз ўйлади. Зоҳиднинг бу кичик «ўйини» самара берган, тунда ўйлаб-пишитилган режа дарз кетган эди. Узун киприклар ҳимоясидаги кўз илтижоли боқди:

— Пулларни бошлиққа берардик, ўзлари сарфлар эдилар...

— Пуллар масаласида бошқа ўртоқ шуғулланади. Сиз менга бир гапни айтинг: Жалол Комиловни охирги марта қачон кўргансиз?

— Жалол Комилов ўлдирилганда мен йўқ эдим.

— Буни биламиз. Охирги марта қачон кўргансиз?

— Янги йилдан кейин. Участковойга справка бериши керак экан.

— Кайфияти қанақа эди, уст-боши қанақа эди?

— Кайфияти... яхши. Сал кайфи бор эди. Устида оқ пўстин. Телпаги ҳам тоза теридан.

— Нимада келди?

— Такси ҳайдаётган экан. Мени бир жойга олиб бориб қўйди... пулини бердим.

— Таксичилик қилаётган бўлса, нима учун сиздан справка сўради?

— Такси бировники бўлса керак?

— Бировнинг таксисини бемалол миниб юриш мумкин, деб ўйлайсизми?

Уринбосар «ким билади?» дегандай елка қисди.

— Нима ҳақда гаплашдинглар?

— У ёқдан, бу ёқдан...

— Аниқроғи?

— Сибирдан келган экан.

— Сибирга нима учун борибди?

— Уч-тўрт йил ишлабди. Менам сизга ўхшаб сўровдим, «комсомол йўлланмаси билан бориб келдим», деди. БАМга боргандир, деб ўйлабман.

— Сизда «ишлайди», деган рўйхатда турарди. Унинг асосий иши нима эди? Чайқовчимиди, ўғримиди?

— Унисини билмайман.

— Унча-бунча узатиб турармиди?

— Йўқ, бунақаси бўлмаган.

— Уни сиз ишга олганмисиз?

— Ҳа.

— Ким тавсия этган?

— Хўжайин-да, мана аризада қўллари бор, — у шундай деб сумкани очмоқчи бўлди.

— Керакмас, кўрганман, — деди Зоҳид уни тўхтатиб. — У хўжайинингиз оламдан ўтиб кетган. Аризага у киши имзо чекиб, сиз буйруқ бергансиз.

— Тартиб шунақа-да.

— Комилов қаерда яшаган?

— Билмайман.

Шу ерга келганда ўринбосар кўзини олиб қочди. Зоҳидга шунинг ўзи кифоя қилди, кўз очирмай савол ўқларига тутиш лозимлигини англади:

— Комилов сизни таксида қаерга олиб бориб қўйди?

— Эсимда йўқ.

— Эсланг.

— Омборхонага эди, шекилли.

— Аниқми?

— Ҳа, аниқ.

— Омборхона қаерда?

— Қўйлиқда.

— Атайин сизни олиб бордими ё ўша ёқда иши бор эканми?

— Билмадим, олиб борди, пулини бердим.

— Омборхонадан чиққунингизча кутиб турдими?

— Йўқ.

— Нима учун хизмат машинангизда бормадингиз?

— Машина бузуқ эди.

— Сиз идорадаги фирромликлар учун жавобгарликка тортиласиз, буни биласиз.

Лекин унинг ёнига ёлгон гувоҳлик бериш қўшилса, нима бўлишини билмайсиз. Сиз балки қотил эмасдирсиз, лекин қотилни яширишга уринаётганингиз аниқ.

— «Балки қотил эмасдирсиз», деганингиз нимаси? Нима учун мен қотилни яширишга уринарканман?! — Бошқа эркак бўлганида бу гапларни пўписа оҳангида айтарди. Уринбосар эса қўй кўзларини қўриқлаб турган узун киприкларини пириллатиб, титроқ овозда айтди.

— Қотил топилмагунига қадар марҳумни таниган, билган одамнинг ҳар бирдан гумон қиламиз.

— Олдин «сиздан гумонимиз йўқ», дедингиз-ку?

— Ҳа, шундай дедим, — Зоҳид «бу бало-ку», деб қўйди ўзича, — Келганингизда шу фикрда эдим. Гапни чалғитишингиз билан гумонсирай бошладим. Биздаги маълумотларга қараганда сиз ўша кун Комиловнинг уйига боргансиз.

— Ким айтди?

— Уз кўзи билан кўрган одамлар. Юзлаштирайми?

Уринбосар бошини эгди.

— Йўқ, — деди секин, мағлуб одам овозида. — Керакмас. Сибирдан ул-бул олиб келган экан. Кейин... «Олтин ҳалқа» деганидан бор-ку, шундан бир қултумдан...

— Совға ҳам қилдими?

— Пулини бердим, совғамас.

— Нималар сотиб олдингиз? — Зоҳид унинг мушкулини осон этиш учун «сотиб олдингиз» деган сўзларга атайин урғу берди.

— Ўзимга телпақ олдим. Уч юз берувдим, юзини қайтариб берди. Сиздан фойда олмайман, деди. Қизларимга атаб ҳам ул-бул...

— Сиздан нимани илтимос қилди?

— Ҳеч нарсани.

— Яширманг.

— Уй тўғирлаб беринг, деди. «Саргардонлик тугади, уч хонали уй тўғирлаб берсангиз, бола-чақа қилиб ўтираман», деди.

— Сиз уйни қандай тўғирлаб бермоқчи эдингиз?

— Мен хат қилиб берсам бас, қолганига ўзининг ишончли одамлари бор экан.

— Ким?

— Билмайман.

— Ҳосилбойваччам, Манасянми?

Уринбосар бир чўчиб тушди-ю, бошини эгди. Одам эмас, тошбақа бўлиб яралганида ҳозир бошини косаси ичига олиб, очидан ўлиб кетса ҳам, чиқмай ётаверарди.

— Билмайман, бунақа одамларни танимайман.

— Асадбек деганини-чи, эшитмаганмисиз?

Уринбосар ташвишланиб, тезгина қараб олди.

— Танимайман.

— Комиловнинг уйи қаерда?

— Себзорда.

— Аниқроғи?

— Нечанчи уйлигини билмайман.

Зоҳид телефон гўшагини кўтариб, шаҳар жиноят қидирув бўлимида Комиловнинг иши билан шуғулланаётган инспектор Мақсуд Солиевга кўнғироқ қилди-да, Себзорга етиб келишини, депара бўлимидан Толиповни ҳам чақиришини сўради.

Майор Солиевни бу иш билан шуғулланувчи гуруҳга Зоҳиднинг талаби билан қўшишган эди. Ўттиз йилдан бери шу соҳада ишлаётган майорни Зоҳид дорулфунунда ўқиб юрганидан бери билади. Талабалик йилларида амалиёт бўйича йўлланма билан келиб, шу майор билан ишлаган эди. Дастлаб «нима учун майор, нима учун оддий инспектор», деб ажабланди. Кейин унинг феълени ўрганиб, яхши кўриб қолди. Хўжайинларнинг отган ўқи бўлмай, кимларгадир эмас, фақат ҳақиқатга хизмат қилишни бурчи деб билган бу одамга Зоҳид ихлос қўйган эди. Зоҳидга Намозов иши топширилганда майор сафарда эди. Шилимшиқ иши бошланганида Зоҳиднинг бахтига у сафардан қайтди-ю, дарров қидирув гуруҳига қўшилди.

— Қани, туринг, Комиловнинг уйига борамиз, — деди Зоҳид.

Уринбосар мутелик билан ўрнидан турди. Унинг хотираси яхшимиди ё бир неча марта кеганмиди, ҳарҳолда Комиловнинг уйини ҳеч бир адашмай топиб борди.

## 2

Шилимшиқ уч хонали уйнинг бир хонасини ижарага олган экан. Ёши элликдан ошган, аммо кексалик ҳукмига ҳали-бери бўйсинмайдиган кўхликкина аёл уларни ошкора нохушлик билан қарши олди. Шилимшиқнинг хонасида битта йиғма каравот, оёғи лиқиллаб турган эски устол, иккита устулгина бор эди. Устулларнинг бири кийим илгич вазифасини ўтарди. Кийимлар устма-уст бетартиб равишда ташлаб қўйилган. Устол устида қотган нон бўлаклари, шишаси жимжимадор «Олтин ҳалқа» деб аталган ароқ, ювқисиз тўртта пёла, жўмраги чегаланган чойнак турарди.

— Сиз келганингизда уй қандай аҳволда эди? — деб сўради Зоҳид ўринбосардан.

— Худди шунақа. Олиб келган нарсаларини сотиб, мебел олмоқчи экан.

— Нарсаларни қаерда сақларкан?

— Чамадонидан олиб берди, — ўринбосар шундай деб йиғма каравот остидаги жомадонни имлаб кўрсатди.

Солиев билан Толипов икки қўшни гувоҳлигида тинтув бошлашди. Зоҳид эса уй бекаси билан гаплашиш учун нариги хонага чиқди. Бека гапини Жалол Комиловни яхши

билмаслигини маълум қилишдан бошлади. Зоҳид бундан «Мени сўроқ қилиб овора бўлманг», деган маънони уқди. Шу сабабли терговни анъанавий тарзда икир-чикирдан эмас, аёл кутмаган ҳолда бошлади:

— Комилов уйингизга кириб келганида қўлида нечта чамадон бор эди?

— Эсимда турибдими? — деди аёл, тўғри жавобдан бўйин товлаб.

— Эслашга ҳаракат қилинг. Орадан бир йил ўтмади-ку?

— Эсим ўзи сал шунақароқ, — деди бека, пичинг билан.

Зоҳид «ҳозир сайраб юборганингни ўзинг ҳам билмай қоласан», дегандай муғомбирона кулимсираб қўйди-да, ён чўнтагидан расм чиқариб унга узатди. Бека расмдаги даҳшатли манзарани кўрибоқ сесканиб тушди. «Вот ужас!» деб кўзларини чирт юмди. Худди калима қайтаргандай бир нима деб пичирлади. Зоҳид ундан кўз узмай тикилиб тураверди. Кўкраклари орасидаги ариқча кўриниб турган, худоси пардозандоз бўлган бу аёлнинг калима келтириши мумкинлигига Зоҳид ишонмасди. Шу сабабли унинг нима деб пичирлаганини билишга қизиқди.

— Гапингизга тушунмай қолдим, қайтаринг.

— Одамлар ваҳший бўлиб кетишган, — деди аёл кўзини очиб.

— Ким қилган бўлиши мумкин?

Кўзларидан киборлик пардаси кўтарилган бека Зоҳидга қовоқ уйиб қаради:

— Нима, мени қотилларга шерик, деб ўйлаяпсизми?

— Қасбимиз шунақа. Ҳақиқат очилмагунча ҳаммадан гумонсираймиз.

— Унда мени олиб бориб қаманг, отинг! — аёл зарда билан ўрнидан турди.

— Ўзингизни босинг, жойингизга ўтиринг. Саволларимга жавоб беринг, — Зоҳид кескин-кескин гапириб, аёлнинг зардаси сариқ чақа эканини маълум қилиб қўйди. — Қўлида нечта чамадон бор эди, эсладингизми?

— Битта... яна битта тўр халта бор эди.

— Кийимлари қанақа эди?

— Ағдарма пўстин, бошида телпак.

— Оёғида-чи?

— Қалта қўнжли этик.

— Совуқ жойдан келибдими?

— Ҳа, Новосибирскда икки йил яшабди.

— Нима учун?

— Академияда ишлабди. Диссертация ёзибди.

— Илмий иши нима ҳақда экан, айтмадими?

— Мен сўрамадим. Илмга тоқатим йўқ.

— Уйга танишлари келиб турармиди?

— Бир-иккитаси келган.

— Эркакми, аёлми?

— Ҳм... Эркак бўлганидан кейин хотин бошлаб келади-да. Бунинг нимаси ёмон? Зоҳид ўрнидан туриб даҳлизга чиқди-да, кўшнлар билан ўтирган Уринбосарни ишлаб чақирди.

— Уйга келганингизда бу аёл бормиди?

— Ҳа.

— Сиз уни танийсизми?

— Йўқ... Очиги... Жалол мени уйга қўйиб, ўзи бир ёққа кетди. Сангинахон билан бироз чақчақлашиб ўтирдик.

— Қани, юринг. — Зоҳид уни бека ўтирган уйга бошлади. — Мана бу кишига қаранг, келганмилар?

Аёл Уринбосарга беписанд қараб олди: — Эсимда йўқ.

— Эртагача эслаб, соат ўнда прокуратурага борасиз, — Зоҳид шундай деб кўкрак чўнтагидан чақирув қоғози олиб, ёзди-да, бекага узатди.

— Мен ўнда боролмайман, — деди аёл, — ишдан рухсат беришмайди.

— Бешик тўйига деб сўрасангиз балки рухсат беришмас. Лекин чақирув қоғозини кўрсатсангиз ижозат тегади. Гапларингизга қараганда қонунни яхши биладиганга ўхшайсиз. Узингизни гўлликка солманг. Сизга эса, — Зоҳид Уринбосарга юзланди, — ҳозирча рухсат. Керак бўлганингизда ўзимиз чақирамиз. Шаҳардан чиқмай, узоққа кетмай туринг.

— Шунақа пайтда қаёққа ҳам кетардим. Қўлимдан келган хизматни аямайман, — Уринбосар шундай деб хайрлашиб, чиқди.

Шилимшиқнинг хонасида тинтув тугаб, эксперт пиёладаги бармоқ изларини олаётган, суратчи фотоаппаратини филофига жойлаётган, Ҳамдам эса кийим-кечаклар рўйхатини ёзиб ўтирган эди. Мақсуд Солиев эса дераза раҳига суяниб, уйга ботган ҳолда турарди. Зоҳид иш охирига етишини кутиб ўтирди. Гувоҳлар рўйхатга имзо чекишгач, майор Солиев уларни қўшни хонада яна озгина кутиб туришларини илтимос қилди.

— Бор бисоти шу эканми? — деди Зоҳид, улар чиқиб кетишгач.

— Ҳа. Бойлиқ талашганга ўхшамайди, — деди Ҳамдам.

— Хонима нима дейди? — деб сўради майор.



Зоҳид сухбат баёнини маълум қилиб, ўринбосарнинг маълумотини ҳам қўшиб қўйди.

— Шилимшиқ Сибирдан қуруқ келмаган, бу аниқ. Бегона аёлнинг уйига ҳам қўнмайди. Ҳамдам, сен бугун уй бекасининг ким эканлигини аниқлаб қўй, — деди Солиев, — Шилимшиқ бир жойга чиқиб келган бўлса, демак, моллари бошқа ердалиги аниқ. Қаерда, нимаси бор унинг? Ўсмирлигида қамалганидан бери сип-силлиқ юришида бир гап бордир. Қотилини топганимиз билан иш битмас, дарахт илдизи чуқурроқдир. Илдизни кавлашга дарахт эгалари, боғбонлари йўл қўйишармикин? Ахир бу анов-манов дарахт эмас. Боғбонларни боқиб турадиган, соясидан баҳраманд этадиган дарахт-а! — Солиев шундай деб Зоҳидга қаради. Лекин ундан жавоб кутмай, устол устидаги жомадонга яқинлашди. Худди оғирлигини чамалагандай кўтариб кўрди. — Ҳамдам, гувоҳларни чақир. Чамадоннинг баҳридан ўтишга тўғри келади.

Гувоҳлар киргач, чўнтагидан букма пичоқ чиқариб, Ҳамдамга узатди. Ҳамдам худди уста бичиқчидай илдам ҳаракат қилиб, жомадон астарини йиртди. Ҳаракатлари зое кетиб, жомадондан ҳеч нима чиқмади. Шундан сўнг гувоҳларга рухсат берилди.

— Мен ҳозир сен билан бирга бораман, — деди Солиев Зоҳидга. — Шилимшиқдан қолган нарсаларни ўзим бир кўрай.

### 3

Майор Солиев Шилимшиқдан қолган бисотларга аввал тикилиб турди. Сўнг кўзойнагини тақди-да, қўлига тилла занжирли медалонни олди.

— «Любимой Лене от Павла»... Бу қаерда экан?

— Бўйнида, Бармоғида анави тилла узук. Чўнтагида пул. Ҳеч нарсасига тегишмаган, — деди Зоҳид.

— Ленаси ким бўлди?

— Сўров тарқатганман. Жавоби балки Сибир томонлардан келар.

— Бошқача жавоб бўлиши мумкин эмасми? Сен бу одам Лена деганни ўлдириб, занжирини тортиб олган деб ўйлаясанми? Уни арзон-гаровга сотиб олган бўлса-чи? Балки изни яшириш, бизни чалғитиш учун қотиллар бўйнига олиб кетишгандир?

— Иккинчи гумонингизга ўрин йўқ. Экспертиза занжир бўйнида, узук бармоғида узоқ вақт турганини тасдиқлади. Биринчи гумонингиз ҳам ҳақиқатдан узоқроқ. Агар Комилов тўдаларга алоқадор одам бўлса, бунақа арзон-гаров нарса сотиб олиб бўйнига осиб юрмас.

Солиев Зоҳидга қараб, кулимсираб қўйди. Йигитнинг фикридаги мантиқ унга маъқул келди. Шилимшиқнинг чўнтагидан пулдан ташқари ҳар хил қоғоз парчалари чиққан эди. Чўнтакда юриб бироз уринган, аммо тешилмаган трамвай патталари Солиевнинг диққатини тортди.

— Комилов трамвайда юрган эканми? — деди у, паттадан биттасини олиб, синчиклаб қараб. — Тагида машина бўлса...

— Машина ўлимидан ўн кун олдин ўғирланган.

— Ёки олган, — деб изоҳ берди Солиев.

— Олганлиги ҳақиқатга яқин, лекин исботланмаган ҳақиқат. Паттани эса дўконларда қайтим ўрнига ҳам беришади.

— Агар бу тўдага алоқадор шахс бўлса, қайтимга патта олмайди, бу бир. Булар тийинларнинг фарқига боришмайди. Трамвайда юрмайди, бу икки. Трамвайга чиқиб қолгудай бўлса ҳам ҳақини тўламайди, бу уч.

— Нимага тўламайди?

— Сабаби оддий. Баъзан ёдларидан кўтарилади. Чунки патта тўлаш одат тусига кирмаган. Баъзан тўлагилари келмайди. Пулдор одам минглаб сўмларни беҳуда соvuриши мумкин. Лекин тийин ишлатишда хасислиги тутади. Хўш, бу одамга трамвай паттаси нима учун керак?

Зоҳид буни ўйлаб кўрмаган эди. Тилла буюм, пул турган пайтда арзимаган тийинларни ташкил этувчи трамвай паттаси ҳақида бош қотирмаслиги хаёлига келмабди. Ҳозир кўпни кўрган майор бунга эътибор бергач, ўйлаб қолди.

— Агар у Сибир томонларга гастролга борган бўлса, қуруқ қайтмаган. Қолаверса, гастролга бир ўзи борганми? Балки шерикларидан бирон нарсани яшириб, номардлик қилгани учун жазосини олгандир? Буюмларини қаерга яширган? Энг қулай жой темир йўл бекати ёки аэропортдаги юкхона эмасми? Паттадаги рақамлар юкхона тилсими эмасмикин?

Зоҳид паттани қўлига олиб, Солиевга ажабланиб қаради.

— Қанақасига?

— Айтайлик — 391829. «3» ёки «39» юкхона белгиси, «1829» эса тилсим рақами. Юкхоналарни тафтиш қилиш керак. Тафтиш учун шаҳар прокурорининг рухсатини ол. Бу тилсим кўп нарсанинг сирини очади. Мен унғача машинани бир кўрай.

Ёнган машинадан нима қоларди? Қорайиб, ётган мошинасифат туника ичи Солиевга қадар ҳам титиб чиқилган эди. Шунга қарамай майорга аталган нарса ҳам бор экан.

Таксопаркнинг бошқони чиқиб кетгач, Асадбек Кесакполвонга қаради:

— Ишни хом қилган экансан, — деди у, норози оҳангда. — Мошина ўғирлангани ҳақида хабар бериб қўйиш керак эди.

— Мурдани ҳам ёқиб юбориш керак эди, — деди Чувринди, Асадбекнинг гапини маъқуллаб. — Бармоқ изига қараб, кимлигини аниқлашган. Энди кавлаштириб ётишибди.

— Ваҳима қилавурма. Бир жойни таталаб тешиб чиқиш учун темирдан тирноқ керак, — деди Кесакполвон, пешонасини тириштириб. У Асадбекнинг танқидини оғир олмасди, аммо гапга Чувринди аралашса, энсаси қотарди, камчилигини бўйнига олишни сира истамасди.

— Ҳозир темир тирноқлар пайдо бўлган, — деди Асадбек.

— Темир тирноқларнинг ҳам ошқозони, жиғилдони бордир? — деди Кесакполвон, бўш келмай. — Шилимшиқни олдириб кел, дедингиз, бир кунда оёғини ерга теккизмай олдириб келдим. Ҳофизга рўпара қил, дедингиз, рўпара қилдим. Уни биз ўлдирганимиз йўқ. Кавлашса ҳам бизга рўпара бўлишмайди.

— Йўлни биз томонга буриб юборадиган ишлар ҳам бўлган, — деди Чувринди. — Ҳайдар ака бир-икки ишни бемаслаҳат қилганлар. Бугун йигитларим муҳим гап топиб келишди. — Чувринди шундай деб сукут сақлади. «Айтаверайми?» дегандай Кесакполвонга қаради. Кесакполвон ўрнида бир қўзғолиб олди.

— Гапни чайнамай, айтавермайсанми? — деди жеркиб.

— Шилимшиқ ҳали ҳам ободонлаштириш идорасида рўйхатда турган экан. У ердаги ҳаромиларга маоши керак бўлган-да. Терговчи ўша ергача кавлаб борган. Шилимшиқ Тожимуллаев билан учрашган экан.

— Ким у? — деб сўради Асадбек.

— Тожимуллаев ўша идора бошлигининг муовини. Хуллас, у терговчини Сангинаникига бошлаб борган.

Асадбек Кесакполвонга ўқрайиб қаради.

— Ушаникида турганмиди Шилимшиқ? Сен менга бошқа гап айтган эдинг-ку?

— Мен айтган жой ишончсизроқ чиқди. Сангина пухта жувон.

— У-ку пухта, аммо сен латтасан. Бошинг билан ўйлайсанми ё бошқа ёғинг биланми?

— Сен қаеринг билан ўйласанг, мен ҳам ўша ерим билан ўйлайман. Ишнинг сассиғи чиққанда мен айбдор бўлиб қолдимми? Шилимшиқни ҳофизга рўпара қилганингда тўй ҳақида гап йўқ эди. Сен мардлик қилмоқчи эдинг. Ўзинг ҳам калта ўйлагансан. Мен ўғридан чиққан одамман. Ишим ё чикка бўлади, ё пукка.

Асадбек ўртоғига бақириб хато қилганини фаҳмлаб, уни тиззасига шапатилади.

— Жириллама. Мен ҳам қиморбоздан чиққан оми одамман. У ўйинларда бугун ошиқ олчи турмаса, эртага туради. Эндиги ўйинларда ошиқ олчи турмаган кун ўлдим, деяверасан. Энди хато қилишга ҳаққимиз йўқ. Мен Шилимшиқни жазолашим зарур эди. Агар у жазосини олмаса, бошқа бир йигит унинг изидан борар эди. Тартиб бўлмаса, биров бизни бир тийинга ҳам олмай қўяди. «Мардлик» деган олифта гапларингни қўй. Ким мен чизган чизиқдан чиқса, Шилимшиқнинг орқасидан жўнайди. Икковинг ҳам йигитларингга айтиб қўйларинг. Мендан кейин сен, сендан кейин Маҳмуднинг айтгани қонун бўлади. «Ким кўпроқ айбли?» деб ахлат титишинга йўл қўймайман. Бу ҳукмни мен чиқарганман! Маҳмуд, энди нима қилмоқчисан?

— Ҳали бир тўхтамга келганим йўқ. Терговчи яхши ҳид оладиган исковичга ўхшайди. Унинг ёнига майор Солиев қўшилган.

— Солиев? Катталарнинг шўрини қуритган майорми? Ишдан кетувди-ку? — деди Асадбек.

Майор Солиев икки йил бурун бир қотиллик изидан бориб, юқори амалларни эгаллаб турган одамларнинг эрка фарзандларини фош қилган эди. Бу ишни хаспўшлашга интилиш яхши натижа бермади. Адолат қарор топгандай туюлди, аммо Солиев истеъфога чиқишга мажбур бўлганди. Ҳозир Асадбек шуни назарда тутиб сўради.

— Янги йилдан ишга қайтаришган. Бир ярим йиллик маошини тўлашган, — деди Чувринди.

— Ҳайдар, эшитдингми? Темир тирноқ ўша бўлади. Унда ошқозон ҳам, жиғилдон ҳам йўқ.

— Унда бу дунёда яшамаса ҳам бўларкан.

— Қани, тегиб кўр-чи, уларга! — деди Асадбек овозини баландлатиб. — Ишни осонроқ йўл билан ёпиш керак.

— Бир-иккита кавказлик топмаса бўлмайди, — деди Чувринди.

Асадбек унинг мақсадини тушуниб, Кесакполвонга савол назари билан қаради.

— Ҳайдар?

— Хайдарсиз ишларинг битмайдими?  
 — Латтачайнарлик қилма.  
 — Иккита турк бола бор.  
 — Маҳмудга бер уларни. Маҳмуд, каллангни ишлатиб, йўли билан терговчиларга рўпара қил, хитланишмасин. Хайдар, уларнинг шарти қанақа бўлади?  
 — Қорадори-да.  
 — Қаерда бўлса ҳам етказиб берамиз. Сен Сангинани кўздан йўқот.  
 — Увол бўлмайдами?  
 — Ўлдир деганим йўқ, кўздан йўқот дедим. Терговчининг акасини ўлдирган болани топиб уйига ташлаларинг. Сал эти ўлиб турсин.  
 — Қайси бирини ташлайлик?  
 — Нечта ўзи?  
 — Уч-тўртта бўлиб ўлдиришган. Лекин ўша пайтда биттаси қамалган. Биттаси кейинроқ дўконда қўлга тушган. Қолган иккитасининг айби камроқ дейишди.  
 — Ўша асосий иккитасини топларинг.

## XIX БОБ

### 1

— Ватани йўқнинг имони йўқдир... — Исмоилбей шундай деб бошини эгди, сукутга чўмди. Эти устихонига ёпишиб, узун бурни янада беухшовлик касб этган, кўзлари киртайиб қолган қария бу сукут чодирига ўралиб, нималарни ўйлади экан? Бу гапдан юраги ҳаприққан Зелихон-чи? У нима учун жим? У нималарни ўйляпти. Исмоилбейнинг чой куйиб ўтирган ўғли Аҳадбей-чи?

Аҳадбей Зелихоннинг тенгқури. Тақдирнинг золимлиги бўлмаса бири тоғлар бағрида, бири денгиз соҳилида туғилиб ўсиб, шу ерда учрашармиди? Улар қишлоққа олдинма-кейин кўчиб келишди. Исмоилбей урушдан қайтгач, темирийўлга ишга кириб, оиласини шу ерга кўчириб келди. Зелихоннинг отаси эса урушдан қайтмади, у етим ҳолича қишлоқда ризқини териб юраверди.

Дунёдан ризқи узилай деб турган қария, ярим асрдан кўпроқ умр кўриб, ҳали ўз Ватанига эга бўлмаган бу икки бебахт банданинг айтаман деса хасрати камми, эслайман, деса хотиралари йўқми?

Тўрт йил бадалида немис Исмоилбейнинг жонини оламан, деб неча юз минг ўқ узди экан. Лекин яратган уни бу ўлим довулидан омон сақлаб қолди. Ризқ билан умри мўл берган экан. Аммо бунинг эвазига Ватандан жудо қилибди.

Исмоилбей бошини эгиб, сукутга берилган чоқларида кўпинча Оллоҳга муножот этади. «Урушда жонимни омон сақла, деб ёлвордим, ўзингга шукр, сақладинг. Бир кунгина бўлса ҳам қишлоғимда, оилам бағрида яшай, денгизнинг мавжларини кўрай, дедим. Қишлоғимга қайтардинг, шукр. Аммо бир кунгина сиғдирдинг. Денгиз мавжларига тўйдирмадинг. Гуноҳим кўп бўлса, ватангадо қилсанг минг розиман. Аммо Она халқимни ватангадо қилганингга ақлим лол. Наҳот барчамиз барабар гуноҳдор бўлсак...» Шу гаплар хаёлига келади-ю, худога таъна қилгани учун дарров тавба ҳам этади.

Умри соёнига етгани сайин хотира денгизи ҳам саёзлашиб, мавжлари сушлашиб борар эди. Баъзан тушида, баъзан эса хаёл булутларига банди бўлиб ўтирган чоғида денгиз соҳилида, қирғоқдаги майда тошларни оҳиста силаётган ожиз тўлқинларни безовта қилиб югураётган иштончан бола кўз олдига келди. Ҳаётни фақат шодликдан иборат, деб ўйловчи бола қийриб, қувнаб югуради. Сачраган сув томчилари қуёш нурида зумрад хамсол бир товланиш беради-ю, яна ўз ўрнига қайтади. Боланинг қувнашидан денгиз ҳам маст, қуёш ҳам яйраб нур сочади. Сўнг... денгизнинг уфққа туташ ерини ёндириб қуёш ботади. Сўнг ой кўтарилиб, бу ёнғиндан азоб чеккан денгиз юзини силаб оутади. Ой нури денгиз узра узун пойандоз солади. Шу пойандоз устида юриб кетгинг келади... Бу бола — Исмоилбей. Соҳил бўйлаб чопаётган бу бола унга урушда ҳамроҳ бўлди. Урушдан қишлоғига қайтгач, уни яна кўрди. Бу сафар ухламасдан, ҳатто мудрамасдан, кўзини юммасдан туриб кўрди.

Госпиталдан чиққанидан сўнг, манзили ўзгаргач, уй билан алоқаси тамом узилган, у уруш оловида эмас, хавотир оловида қоврилган эди. Қишлоғига қайтиб, уйда бегона гуржиларни кўргач, ҳайратдан ёқа ушлади. Шоп мўйловли гуржи уни уйига бошлади. Мусаллас билан сийлади. «Биз айбдор эмасмиз, биродар, биздан хафа бўлма!» деди. Яна аллақанча гаплар айтди. Аммо бу гаплар унинг қулоғига кирмади. Денгиз соҳилига борди. Этигини ечиб, шимининг почаларини қайириб, соҳил бўйлаб юрди. Уғлини елкасига миндириб олиб, соҳил бўйлаб югуришни орзу қиларди. Уғли йўқ. Югуришга хоҳиши ҳам, мажоли ҳам йўқ. У икки нарсага ҳайрон, бири — оиласини қандай топишни билмайди. Иккинчиси — қишлоқ йигитлари урушда жон олиб, жон берса-ю, бунда қолган қариялар, хотинлар, болалар қандай қилиб хоин бўлишсин? Қишлоқдан битта, нари борса иккита сотқин чиқар, лекин ялпи хоин бўлиши мумкинми? У — Исмоилбей

урушда бир нарсани — Ватан учун жанг қилиш лозимлигини биларди. Энди хайрон: қани ўша Ватан?

Хаёлида кўп жонланадиган икки манзара шу — соҳил бўйлаб қувнаган ҳолда югураётган бола... шимининг почасини ҳимариб, қайғу юкини орқалаб бораётган аскар... Кўкрагида Ватан ҳимояси учун берилган нишонлар. Кўкрак сиртида нишонлар, кўкрак ичидаги юракка эса тиф санчилган...

— Ватани йўқнинг имони йўқтур, — Исмоилбей шундай деб, хаёл бандилигидан озод бўлиб, кўзларини очди. — Худо ота-боболаримизга Ватан берган эди, биздан тортиб олди. Бизнинг гуноҳларимиз учун сизлар ҳам ватангадо бўлдинглар. Сизлар имонсиз кетманглар, Ватанга қайтинглар. Худога шукрки, бизни кофирлар юртида хору зор қилмади. Орқадoshларимиз бизларни ранжитишмайди. Уларнинг улуғлиги шунда. Аммо Ватан улуғроқ. Унинг ўрнини ҳеч нима босмайди.

Исмоилбейнинг кейинги гапларини тепловознинг қичқириғи босиб кетди. Сўнг поезд гуриллаб ўтиб, уй тебраниб, шифтларигача қисирлади. Уй эгалари бунга кўникиб кетишган, эътибор ҳам беришмади. Зелихон эса ҳар ўн дақиқада бир поезд ўтиб, заминни силкитганда хавотир билан шифтга қараб кўяди.

— Вакилларимиз Масковга кетишди, — деди Аҳадбей, — Қрим татарлари билан биргалашиб, ҳақиқатга етишар, иншооллоҳ.

— Чеченлар кўп кетишди. Сени ҳам кетди, деб юрувдим? — деди Исмоилбей.

— Онам шу ерда, бувам шу ерда. Мен қаёққа бораман? — Зелихон «мен қамоқда эдим», демади. Чол гап кавламасин, деб бошини эгиб, сукут сақлади.

Исмоилбей «сизлар гурунглашиб ўтиринглар, мен самоварга чиқай» деб фотиҳа ўқиди-да, ўрнидан турди.

Аҳадбей отаси кирганида хонтахта остига яширган шишани олиб, пиёлаларга ароқ қуйди-да, «Соғ бўл», деб кўтарди.

— Сени чақирганимнинг боисини энди айтай, — деди у. — Вакилларимиз Масковдан қуруқ қайтишади. Масков юртларингга бораверинглар, деган билан гуржилар ўйларимизни бўшатишмайди. Қон тўкилиши аниққа ўхшаб турибди.

— Қон тўкилса чеченлар сизлар томонда бўлишади.

— Қон ўша ёқда тўкилади, деб ўйлаясанми?

Зелихон бу гапдан ажабланди:

— Қаерда тўкилади?

— Шу ерда.

— Эсинг жойидами? Ким билан урушасан? Ким қон тўкади?

— Ўзбеклар билан...

— Аҳад! — Зелихон ўрнидан қўзғолиб, тиз чўкиб ўтириб олди. — Жиннимасми-сан? Бизга уй берган, нон берган ўзбек билан урушасанми?

— Сен ҳовлиқма. Биз урушмаймиз. Бизни уруштиришади. Мен кузатиб, сезиб юрибман. Сен Федяни билармидинг?

— Қайси Федя?

— Истансанинг орқасида турарди. Лақаби «Бўри».

— Ҳа... отилиб кетувди шекилли?

— Ҳукмини ўзгартиришган. Ўн беш йил беришувди. Янги йилдан олдин пайдо бўлиб қолди.

— Қочибдимми?

— Қочганга ўхшамайди. Бемалол юрибди.

— Қутулиб чиққандир?

— Йўқ. Ҳали ярмини ҳам ўтирмади. Афви умумийга тушиши ҳам мумкинмас.

Хуллас, бу ёғини эшит: уни Қувасойда кўрдим. Пивахонада тўртта улфати билан ўтирган экан. Улфатлари бу ерлик эмас, билиниб турибди. Мен билан кўришди. «Нима қилиб юрибсан?» десам, «иш бор, братан», деб ишшайди. Битта-яримтанинг изига тушиб, шўрини қуритмоқчимми, деб пойладим. Шериклари билан Қувасойни айланиб чиқишди. Асосан турклар кўпроқ яшайдиган кўчаларни айланишди. Кейин иккита мошинга ўтириб, ғойиб бўлишди. Эртасига уларни бу ерда кўрдим. Улар томошага келишмаган. Кўнглим сезиб турибди. Қуёвим Қувасойдаги пивахонада ишлайди. Атай бориб суриштирдим. Улар уч-тўрт марта келишибди. Турк йигитлари билан пивахўрлик қилишибди. «Ҳозир ҳамма ёқда эркинлик, сизлар Турк автономиясини талаб қилинглар», дейишибди. «Туркларнинг ўз республикаси бўлсин!» дейишибди. Пиво ичгани кирган иккита ўзбек йигитни туртиб чиқаришибди. Гапга тушуняпсанми?

— Федя шу ердами?

— Шу ерда эди, кўринмай қолди.

— Яхши, уни ўзим топаман. Селим қаерда, ҳали ҳам Қувасойдами?

— Ҳа.

— Федя билан кўришгандир?

— Билмайман.

— Кўришади. Федя келади-ку, кўришмайдимми? Тур, кетдик. — Зелихон шундай деб ўрнидан турди.

— Ошни дамлаб, еб олайлик.

Зелихон «Кейин», деб ташқарига чиқди. Аҳадбей унга ноилож эргашди.

«Запорожец»ни ўт олдириш учун итариб юргизишга тўғри келди. Машина ўтган йўлини кўк тутунга буркаб юрса ҳам, манзилга етиб олди. Ҳашаматли уй, юк машинаси-га мўлжаллаб ишланган катта дарвоза олдида «Запорожец» ўйинчоққа ўхшаб қолди.

Селим деганлари узун бўйига монанд қорин қўйган, қақдини тик тутиб юривчи йигит, ҳовлида Зелихонни кўриб, дастлаб танимагандай қаради, сўнг бирдан чеҳраси очилиб, қучоқ очиб келди.

— Зели оға, тушумми ё ўнгимми? — деб қаршилади.

Кенг ҳовли атрофига уйлар солинган, худди қўрғонга ўхшарди. Мевали дарахтлар тартиб билан экилган, кунга қараган уй рўпарасига темир қувурлардан тоқсўри ишланган.\*

Селим уларни кенг уйга бошлаб кирди. Меҳмонхона шифтининг ўртасида катта биллур қандил. Тўрт чеккасига эса, айнан шу қандилнинг кичик нусхалари осилган. Йигирма киши бемалол давра қурадиган устолда дастурхон безоғлиқ эди.

— Оғажон, соғинтириб юбордингиз-ку? — деди Селим жилмайиб.

— Қаердалигимни билмасмидинг? — деди Зелихон.

— Билардим.

— Билсанг нимага сўрайсан. Чиқиб келдим. Хизматинг бўлса, айт.

— Хизматни қўйинг, оғажон. Хизматда мана, биз бўламиз. Сиз иззатда.

— Ишларинг қалай? Ўзбеклар ғашингга тегишмаяптими?

Кутилмаган ташрифдан ажабланиб турган Селим бу саволга қандай жавоб беришни билмай, иккиланди.

— Тўғриси айтавер.

— Бу ер ўзимнинг қўлимда. Лекин... Ҳосилбойвачча деганни эшитганмисиз? Ушанинг одамлари кўз очирмайди. Қонимни сўриб ташлашди.

— Шунини Федяга айтдингми?

— Қайси Федяга? — Селим шундай деб «Сотдингми?» деган маънода Аҳадбейга қаради.

— Аҳадбейга қарама, менга қараб жавоб бер. Федяга нима дединг?

— Шунини айтдим.

— Ёрдам бер, дедингми?

— Ҳа.

— Аҳмоқсан. Пулинг кўп-у, аммо ақлинг кам. У нима деди, ўзим тинчитаман, дедими?

— Ҳа.

— Сен бу ердан кўчиб кет.

— Нега энди?

— Қирғиннинг уясига чўп суқиб қўйибсан. Келиб-келиб Федядан ёрдам сўрайсанми?

— Кимдан сўрай бўлмаса?

— Кучинг етса ишла. Бўлмаса яғир бўлиб юравер.

Зелихонга айрим нарсалар аён бўла бошлаган эди. Шу учун Селимнинг меҳмондорчилигига унамади. Аҳадбейникига ҳам кирмай Фарғонага жўнади. У Федяни қаердан топишни биларди.

## 2

Ҳар бир мамлакатнинг ўзига яраша қонуни, қондаси бўлади. Фуқаро қонун-қондаларга итоат этиб яшайди. Худди шунга ўхшаб, биз жиноятчилар, деб атовчи оламнинг ҳам ўз қонунлари, тартиб-қондалари бор. Улар биз жорий этган қонунларни сариқ чақага олишмайди. Шу сабабли уларни таъқиб қиламиз, ҳибсга оламиз, ҳукм чиқарамиз. Дарёга тўғон солингани билан сув орқасига қараб оқмайди, тўлиб-тошиб, йўлида давом этаверади. Агар тўғон заиф ақл билан қўйилган бўлса, тўпланган сув уни бузиб кетади. Ҳайқирган жунун сув тўлқинлари элини анча бесаранжом қилиб қўяди.

Зелихон яшайдиган олам ҳам шунга ўхшайди. Унинг фуқароси кам, аммо қонуни пухта. Уларда «ахлоқ тузатиш колониялари» йўқ. Улар «ахлоқ тузатиш» билан шуғулланишмайди. Уларнинг ҳукми битта — қонунни буздингми, хиёнат қилдингми, биродарингни қутқармадингми, тамом, жонинг билан жавоб бер.

Бу ёзилмаган қонун-қондаларни сув қилиб ичиб юборган Зелихон қаерда, қандай ҳаракат қилишни, ким билан қандай гаплашишни яхши билади. Қайси ўғрини қаерда топишни, қайси хоним кимга ҳам бошпана, ҳам қучоғидан жой бериши мумкинлиги унга маълум. У «Федяни ўзим топаман», деб бекорга айтмади.

Зелихон Аҳадбейнинг «Запорожец»идан тушиб, бир йўловчи машинани тўхтатди-да, Фарғонага қараб кетди. Тўрт қаватли иморатлар орасига тирсак шаклида тушган бино унга яхши таниш. Иккинчи қаватдаги эшик ўзгарибди. Илгаригисига чиройли чарм қопланган эди. Буниш темирдан бўлибди. Зелихон эшик қўнғироғини уй бекасига

таниш бўлган тарзда тарзда босди. Кўнғироқнинг иккита кичика кичика мунча узун жиринглашини эшитган бека эшикни бежавотир очиши мумкин. Кутилгандай бўлди. Эшик аввал қия очилди. Бека таниш одамни кўриб, эшикни каттароқ очди-да, ўзи орқасига чекинди. Зелихон одатига кўра атрофга аланглаб олгач, тезгина ичкари кириб, эшикни ёпди.

— Зеля, яхши келдингми? — Бека шундай деб унга яқинлашдида, кўкрагига бош қўйди.

— Надуля, ўзинг омонмисан? — деди Зелихон, уни елкаларини силаб.

Ҳали қирққа кирмаган бу жувон тароватини йўқотмаган, қучоқласа қучоқлағудай, ўпса ўпғудай эди. Зелихон вақтида у билан айшини рўнган. Аммо улар орасида муҳаббат, ҳаммиша бирга бўлиш туйғуси йўқ эди. Юрак юракка талпинмаган. Зелихон бу тўшақда бир неча соат илгари бошқа эркак ётган бўлиши мумкинлигини биларди, Надя ҳам бу чиройли йигитнинг ҳозиргина бошқа аёл қучоғидан чиқиб келаётган бўлиши мумкинлигини биларди. Дарвин деган зот худди шу тоифа одамларга қараб туриб, «одам маймундан пайдо бўлган», деган назарияни яратган бўлса не ажаб? Булар Оллоҳнинг эмас, балки хирснинг бандалари эдилар. Одам боласига Яратган яхши туйғулар ҳам берганини билмас эдилар. Шундай туйғу бўлмагани учун ҳам бир неча йил эмас, бир неча соатгина кўришмаган танишлар сингари омонлашдилар.

Меҳмонхонадаги устол усти душман пайҳон этган қишлоқ манзарасини эслатарди. Бу Зелихонни ажаблантирмади. Чунки у бунда дурустроқ манзарани кўрмаган.

Надя Зелихоннинг рўпарасига ўтириб, икки қўлини жағига тираб, унга тикилди.

— Кўринишинг бинойи. Курорт ёқибди, — деди жилмайиб.

— Сенинг дуоларинг етиб борди, — деди Зелихон ҳам жилмайиб. — Мени соғиниб, ичкиб қолибсан.

— Сени деб ичиксам арзийди.

— Нима иш қиляпсан?

— Узинг билган иш.

— Қим билан ишляяпсан?

— Суварак билан.

— Кунинг шунга қолдимми?

Надя «нима қилай бўлмаса?» дегандай елка қисиб қўйди-да:

— Ичасанми? — деб сўради.

— Борми?

— Сенга бор. — Шундай деб ичкари хонага кириб кетиб, дам ўтмай бир шиша ароқ кўтариб қайтди. Зелихон шишани унинг қўлидан олиб, чаққонлик билан очди-да, иккита қадаҳга қўйиб, биттасини аёлга узатди.

— Эсон-омон қайтиб келганинг учун, — Надя шундай деб бир ҳўплаб қўйди.

Зелихон қадаҳни бир кўтаришда бўшатди.

Иккинчи қадаҳдан сўнг аёлнинг ёнига ўтиб, уни қучоқлади.

— Энди эсингга тушдимми? — деди Надя нозли ва гинали овозда. Зелихон жавоб бермай, бақбақасига лаб юборди. Унинг назарида Федянинг қаердалигини шу аёл билиши керак эди. Тўғридан тўғри сўраса, айтмаслиги ҳам мумкин эди. Шу сабабли мақсадга аёлларга ёқадиган йўлдан юриб боришни маъқул кўрди. Надя ийиб, тўшаққа ётишга тайёр бўлганида «Федя қаерда?» деб сўради. Кўзлари сузилиб турган аёлнинг қошлари бирдан чимирилди.

— Шунга келувдингми? — Надя Зелихонни кўкрагидан итарди. Зелихон эса аксинча, уни маҳкамроқ қучди. Надя унинг қучоғидан чиқишга уринди, охири бўшашган ҳолда, ёпиқ эшикка қаради. — Шуни кейинроқ сўрасанг ҳам бўларди-ку? Ана, ётибди. Ғирт маст.

Зелихон уни қучоғидан бўшатиб, эшикни очди. Юзтубан ётган, чап қулоғининг остидан озгигача тиртиғи бўлган бу йигитни дарров таниди. Ичкари кириб эшикни ёпди-да, «Федя», деб чақирди. У бир текисда нафас оларди. Мастга ўхшамасди. Зелихон уни яна чақирди, сўнг унинг маст уйқуда эканига гўё ишонч ҳосил қилгандай, пиджагининг чўнтагига қўл юборди. Янги паспорт, озод этилгани ҳақидаги гувоҳномани кўргач, боя кўнглига оралаган шубҳа ҳақиқатга айлана бошлади.

У Федянинг бош томонига ўтиб ўтирди-да, худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандай гапира бошлади:

— Менинг Бўри деган бир дўстим бўларди. Ароқ дарё бўлиб оқиб келса, шимириб қуритарди. Аммо ўзи сира маст бўлмас эди. Қамоқда бузилибди, бечора. Энди... одам сотилганидан кейин шунақа бўлиб қоларкан-да. Худо раҳмат қилсин, сени Федя. Номингни тоабад унутмаймиз, дея олмайман. Сотқинларни эсламаймиз, ўзинг биласан-ку...

Шу гапдан кейин Федя бир қимирлаб олди.

— Сотқин эмасман, — деди ётган ҳолича.

— Бошингни кўтар, Федя, мендан уялма.

Федя бошини кўтариб, тирсагига тиралди.

— Нимага келдинг?

— Иш бор эди. Чиқиб келганингни эшитиб, хурсанд бўлувдим.

— Қанақа иш?

— Энди сенсиз битадиган иш.

— Мени сотқин дема, Академик, мен бировни сотганим йўқ.

— Қочдингми? Қочганга ўхшайман?

— Ишинг бўлмасин. Йўлини қилиб чиқдим.

— Мен билан ишлайсанми?

— Йўқ.

— Нимага?

— Узимнинг ишим бор. Агар хоҳласанг... мен билан ишлашинг мумкин. Яқинда катта ов бўлади.

— Қаерда?

— Қаердалигини вақти келганда айтаман.

Эшик кўнғироғи жиринглаб, уларнинг суҳбатлари узилди. Бироз фурсат ўтгач, эшик қия очилиб, Надя кўринди.

— Федя, келди айтганинг.

Федя ўрнидан туриб меҳмонхонага чиқди. Зелихон унга эргашди. Меҳмонхонада сочлари пахмайган, қадди келишган бир қиз турарди.

— Ёшинг нечада? — деб сўради Федя унга тикилиб.

— Ўн еттида, — деди қиз, — деви саволдан ажабланиб.

— Зеля, бу товуқни топиб келган матахини қара. Менинг куним энди қари кампирларга қолибди-да, а? Жўна, кўзимга кўринма!

Қиз лабини чимириб, шарт бурилган чоқда, Зелихон уни тўхтатди.

— Надуля, бу менга насиб қилган экан. Бизга ўхшаган чолларга қари кампирлар ҳам бўлаверади.

Федя Зелихоннинг олдида олифтагарчилик қилмоқчи эди. Оғзидаги нонни олдириб қўйиб пушаймон еди-ю, аммо сир бой бермади.

## XX БОБ

### 1

— Ҳосилбойвачча деганлари мен бўламан. Бир томони қайнотангиз билан ака-укалигимиз бор. Бир томони йигитнинг сўзи қайтгунча шайтоннинг бўйни узилсин, дейишадими?

Шу гапдан кейин Элчин ўйланиб қолди. У Ҳосилбойвачча деганларини эшитган, кўчқорларнинг бири шу эканини ҳам биларди. Аммо ўзини кўрмаган эди. Озгин юзидаги катта юмолоқ кўзлари болакай чизган суратни эслатувчи, қалдирғоч мўйловли, қирра бурунли бу йигит ўзига эринмай зеб берган эди. Кийимларининг тахи бузилмаган, бирон ерда ғижимнинг асорати йўқ, худди у ҳеч ерда ўтирмайдигандай, суюнмайдигандай эди. Иккала қўлининг бармоқларида биттадан тилла узук. Бу одамдан таралаётган атир ҳидига димоқ ёрилиб кетай дейди. Элчинни ҳайрон қолдирган нарса бу эмас, бундай олифта юривчилар кўп. Элчин тўйга айтиб келган бу йигитни зимдан кузатиб, унинг киприк қоқмаслигини илғайди. Уқдай қадалиб турган нигоҳдан одам боласида кам учрайдиган совуқ ўт чақнаб турарди. Бу нигоҳ «сенга яхшилик қиламан», деб алдай олмасди. У тўғриси айтарди: мендан фақат ёмонлик кут!

Элчин Ҳосилбойваччанинг таклифини эшитгач, кеча Асадбекнинг қидириб келгани сабабини англади. «Демак, Асадбек бу таклифдан огоҳ. Демак, бу одамга хизмат қилишимни истамайди. Нима учун? Ғайирлиги келганми? Обрўйига путур етишини билганми? Кимсан, Асадбекнинг куёви Ҳосилбойваччанинг хизматида бўлса?!»

— Мен ноз қилаётганим йўқ, ака, — деди Элчин, ўздан икки-уч ёш кичик бўлган Ҳосилбойваччага. — Ахахонингиз сизга қадрдон бўлсалар, тўйларига зўрроқ ашулчиларни олиб борганингиз яхшими, дейман-да. Мен анча четга чиқиб қолганман. Биров эслайди, биров эсламайди. Ғулум келибди ё Шерали келибди, деган гап қаёқда-ю, алмисоқдан қолган Элчин келибди, деган гап қаёқда?

— Бунчалик паст кетманг. Арзимасангиз ўзим келмас эдим.

Элчин бу гапдан «Мен унча-бунча одамни таклиф этмайман», деган маънони уқди. У Асадбекнинг мақсадини англагандай эди. Аммо шунча ўйласа ҳам Ҳосилбойваччанинг асл нияти нима эканини билолмади. Ҳар бир катта-кичик тўданинг, ҳатто гап ейдиган кичик улфатнинг ўз қўшиқчиси бўлади. Элчин Асадбек тўдасига тегишли, ҳатто улар уни ўз мулкидай кўришар эди. Ҳосилбойваччаларнинг ҳам ўз мулки — қўшиқчиси бор. Тўйга Ҳасанали келармиш, дейилса, одамлар унинг йўлига ҳафталаб кўз тикишади. Ана шундай машҳур ашулчи турганида Элчин нимага керак бўлиб қолди? Элчин таклиф замирида қандайдир қитмирлик ётганини фаҳмлади-ю, қисқа фурсатда ўша «қандайдир» нима эканини англай олмади.

— Катта бошингизни кичик қилиб келибсиз, биз нима дердик. Касбимиз яхшиларга хизмат қилиш.

Элчин тўйга борибди?!

Асадбек бу хабарни эшитиб, тутоқиб кетди. У «Элчин сал бўлса-да, эсини йиғиб олди», деб янглишганини билди. «Кўзи кўр, ақли паст экан, — деб ўйлади Асадбек, — бу таги пастга олов билан ўйнашишни ким қўйибди?»

— Тўйда аҳвол қанақа экан? — деб сўради Асадбек, ўзини бироз босиб олгач.

— Улоқ Ҳасаналидамиш. Элчинга пул қистиришмабди, — деди Чувринди.

— Ҳа, тулки! — Асадбек ўрнидан туриб, эшик томон юрди. — Кетдик.

— Сиз бормаганингиз маъқул, — деди Чувринди, жойидан жилмай. — Мен йигитларни юбордим. Ўзлари тинчотишади.

Асадбек тўйхонага кундузи бориб муборакбод этиб, совға-саломини бериб келган эди. Унинг кечки зиёфатларга келмаслиги кўпчиликка маълум, шу учун ҳозир борса, мағлубиятини бўйнига олган бўлиб чиқади. Чувринди буни олдиндан ҳисоб-китоб қилиб қўйган эди. Асадбек унинг мақсадини дарров тушуниб, жойига қайтди.

— Сиз ташвишланманг. Бир жиҳатдан шундай бўлгани ҳам дуруст. Бурнига сув кирса, кейин қадрингизга етади, — деди Чувринди. Асадбек хабарни эшитиб, титраб ўтирган пайтда Элчин тўйда ёниб қўшиқ айтарди. У даврага биринчи чиқишидаёқ бу ерга шарманда бўлиш учун келганини англади. Ундан олдин Ҳасанали чиққанида уни қийқириб қарши олишди. Ҳасанали ўртага чиқиб, худди цирк артистидай бир қўлини юқори кўтариб таъзим қилди. Олқишлар тингач, унга торни икки қўллаб узатишди. У арзимаган бир одамнинг мактубини олаётган подшоодай қаддини ғоз тутиб, торга қўл узатди. Шу онда Ҳосилбойвачча унга яқинлашиб, устидан пул сочди. Ҳасанали ашула айтиб эмас, пул сочишдан, қистиришдан чарчади. Навбат Элчинга етганида тўйхонада олқишлар янграмади. Пуллар сочилмади. Ташқаридан қараган одам барча пул аввалги ашулачига сарф этилиб тугабдида, дейиши мумкин эди.

Элчинга бу усул маълум. Ашулачини хор қилишнинг энг маданий йўли шу. Бундан бир вақтлар Асадбек ҳам фойдаланган. Элчинни бошлаб бориб, унинг обрўйини ошириш, тўй эгаси чақирган ҳофизни ер қилиш учун шу усулни қўллар эди. Ҳосилбойвачча акс йўл тутди: ўзи айтиб келган қўшиқчини ўзи хор қилди. У атайин даврага чиқмади. Худди Элчиннинг ашуласини эшитмагандай улфатлари билан чақчақлашиб ўтираверди. Элчиннинг раққосаси — тўйларда юравериб кўзи пишган жонон жувон — Ҳосилбойвачча ўтирган ерга бориб минг муқом қилди, минг ишва билан сузилди, фойдаси бўлмади.

...Ана шу пайтда Асадбекка хабар кетган эди...

Элчин иззати битганини билиб, тўйдан чиқиб кетмоқчи ҳам эди. Бироқ, ўзини тутди. Шармандалик юкини ортмоқлаб чиқиб кетгандан кўра охиригача чидашга қарор қилди. Ҳозир чиқиб кетса — уларга шу керак — ғолиблик жомини сипқоришади, кетмай ўтираверса, чиқиб ашуласини айтаверса, улар ажабланишади, балки хавотирга ҳам тушиб қолишар.

Элчин тўйхонада ўзининг калака қилинаётганидан бир эзилса, икки тўда орасида қўғирчоқ бўлаётганини англаб, минг эзилди. «Бунга аввалроқ ақлим етиши керак эди», деб ўзини ўзи айблашдан ўзга чора топмади. У даврага иккинчи марта чиққач, атайин мунгли ашулани айта бошлади. Ширакайф йигитлар келиб, «шўхроғидан бўлсин», деб қулоғига шивирлаб кетишса ҳам парво қилмади. Тўйда яйраб, ўйнайман, деб келган қизлар, йигитлар бетоқат бўлишди. Ҳосилбойваччанинг даврасидагилар ҳам у томонга бир-икки қараб қўйишди. Ҳозиргина қизиётган тўй совий бошлади. Тўй тўйга эмас, маърузачининг гаплари ёқмай ғўнғир-ғўнғир бошланган мажлисга ўхшаб кетди. Ҳосилбойвачча ўрнидан туриб, Элчин томон бир қадам қўйгач, тўхтади. Элчин унинг тўхтаб қолиши сабабини рўпарасида Жамшид пайдо бўлгач, англади. Жамшид ашуладан маст бўлган одамдай жилмайиб қўйди-да, чўнтагидан бир даста пул чиқариб Элчиннинг устидан сочди. Жамшиддан сўнг яна икки нотаниш йигит сочди. Ана шунда Ҳосилбойвачча чўнтагига қўл тиқиб ўрнидан турди. Ана шунда Элчин ашулани ниҳоясига етказмай узди-да, жойига қайтди.

Уни тўй охиригача даврага чорламадилар. У эса ўзини эркин тутган бўлиб, еб-ичиб ўтираверди. Шерикларининг савол назарларига «хотиржам бўлинглар», деган маънода им қоқиб қўйверди.

Тўй тугаб, келин-куёв кузатилгач, Ҳосилбойвачча Элчин ўтирган устолга яқинлашди.

— Қалай, ҳофиз, уринтириб қўймадикми? — деди у, Элчиннинг елкасига қўл ташлаб.

— Маза қилдик, ака, — деди Элчин унинг кўзига тик қараб.

— Акахонни хурсанд қилдингиз, раҳмат, — у шундай деб чўнтагидан икки тахлам юз сўмлик чиқариб, устол устига ташлади. — Етадимми?

Элчин захарли жилмайиш билан пулларга қаради. Бир тахламни олиб, ёнида ўтир-



ган доирачига узатиб-да, «узунг булиб бер», деди. Сўнг иккинчи тахлатми ҳосилб-  
ваччага узатди:

— Акахон, мен холис хизматга келганман.

Ҳосилбойвачча қошларини бир чимирди-ю, аммо сир бой бермади. Сўнг пулни олиб раққоса олдига ташлади.

— Уйинингга беш кетдим.

У шундай деб бурилиб, изига қайтди.

3

Кўчада Жамшид кутиб турган эди. Элчин уни кўрмагандай ўтиб кетмоқчи бўлди. Аммо сергакликда унча-бунча одамга дарс бера оладиган Жамшид унинг йўлини тўсди.

— Сиз бу ёққа чиқинг, — деди, қатъий оҳангда.

«Демак, Асадбек олиб келишни буюрган», деб ўйлади Элчин. У бир тўхтамага келиб улгурмай, Жамшид орқароқдаги доирачига буюрди:

— Торни мана бу мошинга қўйинг. Ҳофиз акангиз биз билан бирга кетадилар.

Элчин Жамшид билан ғиди-биди айтишни ўзига эп кўрмай, машинага ўтирди. «Асадбекнинг кўзи учиб турган бўлса, унга айтадиган икки оғиз ширин сўзим бор», деб қўйди.

Жамшид одатига содиқ қолган равишда жим борарди. Орқа ўриндиқда ўтирган Элчин унга тикилиб, ўйларди: «Асадбек бу лайчасини атай юбордимми? Энди менга нималар деб сасир экан? «Ҳосилбойвачча Асадбекнинг куёвини бир пул қилди», деган андишга чидай олмас ҳар ҳолда...»

Элчин қамоқдан чиқиб келгач, ўзини ақлан тўлишган ҳис қиларди. «Атрофимда содир бўлаётган ҳар бир воқеага, айтилаётган ҳар бир гап-сўзга ақлим етади, кимга нима дейишни яхши биламан», деб ўйларди. Зоҳиран шундай. Ҳар бир инсон йил ўтгани сайин ўзини ақлли ҳис қилиб боради. Худди шу ҳис уни кўпга кулги қилади ённки ҳаёт сўқмоғида узатиб йиқитади, йиқитганда ҳам бир умр мажрўҳ қилиб қўяди. Тўғри, Элчин кўпни кўрди. Найранг нима, мунофиқлик нима, ваҳшийлик нима — ҳаммасига тирик гувоҳ. Аммо, бу найранг, бу мунофиқлик, бу ваҳшийлик, одам боласига ёт жамики иллатлар ранги кундан-кунга турланиб туришини ҳисобга олишни ўрганмади. Буни ўрганиши ҳам қийин. Бугун сариқ рангда тусланган ваҳшийлик эртага қайси рангда жило беради? Қорами? Яшилми?.. У Шилимшиқни ўлдирмоқ истагида юрганида қайси рангда эди? Бу жингалак сочли йигитга пичоқ санчаётганида қайси рангини афзал билади? Буни унинг ўзи ҳам билмайди. У ўзи сезмаган ҳолда икки гуруҳ ўзаро тепиб ўйнайдиган копток ҳолига тушди. Зимдан тайёрланаётган олишув саҳнасида бир зарра бўлиб қолганини у ҳали тушуниб етмасди.

Жамшид шохкўчадан тўғрига юрмай, чапга бурилгач, Элчин ажабланди. «Демак, бугун Асадбек мени кўришни истамайди. Демак, бу тун ўйланади, режа тузади. Асадбек кўлида қўғирчоққа айланганингиз муборак бўлсин, Элчинбой. Қасоскор эркак сизми эдингиз?» Элчин дарвозаси ёнида тўхтаган машинадан тушиб, торини қўлтиқлаган ҳолда қолди. Жамшид хайр, ҳам демай, жўнаб кетди. Элчин чўнтагидан калит чиқарди-ю, қўлфга солишга қўли бормади. Нима учундир уйига киргиси келмади. Кимгадир дардини айтишни истади. Унинг дардини ярим кечада ким эшитилади? Зелихон бўлганида эшитарди. Лекин у Фарғонадан қайтгач, «зарур ишни» баҳона қилиб, Масковга жўнаб қолган. Элчиннинг дардини Анвар ҳам эшитиши мумкин. Лекин уйғотиб, хотини бағридан чиқиб унга қулоқ тутиш малол келса-чи? Элчин шу фикрларни хаёлидан ўтказиб, ўзини ночор, ёлғиз сездди. Атрофда «азизим, биродарим, дўстим...» дейдиган одамлар кўп. Аммо дардини эшитадиган инсон йўқ бўлса ҳам қийин экан. «Одамлар қамоқдан кўрқишади, — деб ўйлади Элчин. — Ахир шу ёруғ жаҳоннинг ўзи турма-ку? Енма-ён яшайсан, лекин бир-бирингга ишонмайсан. Бу Ер деганлари гуноҳкор бандаларнинг сургун муддатини ўтовчи жойи эмасми? Қамоқхонада ҳар бир барак ўзига хос бир мамлакат. Ҳар бир баракнинг ўз қонуни, ўз урфи, ўз подшоши бор. Ер юзидаги ҳар бир мамлакат қамоқхоналардаги бараклардан нимаси билан фарқ қилади? Диндорларнинг гаплари балки тўғридир? Одам боласи чиндан ҳам синов учун бу дунёда яшар? Синовдан ўтса — озодликка чиқади, жаннатга тушади. Утмаса жаҳаннам азобида қолади...»

4

Зайнаб эрини кутиб, ухламай ўтирган эди. Машина келиб тўхтаганини билди. Машина эшиги тез очилиб, тез ёпилди. Машина шитоб билан кўзғолди. Зайнаб отарчилар шилта йўллардан юрадилар, деб кўп эшитган эди. Эрининг тўйга боражагини билганидан бери, шу йўлда юриб келади, деган фикр унга тинчлик бермаётган эди. Дарвоза эшиги ҳа деганда очилмай, эри киравермагач, миясига ўрнашган гумон ҳақиқатга айланаверди. Назарида эри ўйнаши билан тушиб қолиб, дарвоза олдида кучоқлашиб тургандай туюлаверди. Елкасига қалин рўмолини ташлаб, ташқарига чиқди. Девор олдига

келиб, кўча томонга кулоқ осди. У кутган ҳансирашлар, пичирлашлар, ҳиринглашлар эшитилмади. «Мошина кўшинарникига келгандир» — Зайнаб шу фикрда изига қайтмоқчи эди, кўча томонда Элчин энгил йўталди. Зайнаб сергак тортиб, яна қулоғини динг қилди. «Нимага кирмаяптилар?» деб ажабланди. Қанча ўйламасин, саволига жавоб тополмади. Кута-кута, охири эшикни ўзи очди.

Торини кучоқлаб ғариб аҳволда турган эрини кўриб, ҳайрати яна ошди. Элчин кўкқис эшик очилганида бир чўчиб тушди. Айвонда ёниб турган чироқ нури бу ерга аранг етиб келарди. Шу сабабли Элчин хотини кўзидаги ажабланишни сезмади. Зайнаб ҳам эрининг кўзидаги ҳайронлик аломатини илғамади.

— Зайнаб? Тинчликми? — деди Элчин. Унинг тили гапга келмай, овози соқов одамникидай ғўлдираб чиқди. Зайнаб «маст экан», деган хаёлга бориб, паст овозда:

— Тинчлик, — деди, — киринг...

«Кутаётган экан!» Шу фикр Элчиннинг кўнглини ёритиб, елкасидан босиб турган дардни қувгандай бўлди. Остона ҳатлаб ўтиб, эшикни ёпгач, бир қўлини хотинининг белига юбориб, уни ўпмоқчи бўлди. Зайнаб юзини олиб қочди, ўптирмади. Элчин буни нозли араз ўрнида қабул қилиб, кўнгли янада равшанлашди. «Шунчалик кутдими, шунчалик аразладими, демак, яхши кўради!» деган қарорга келди. Ичкари кириб плашчини ечгач, уни яна кучмоқчи бўлди. Зайнаб бир тўлғониб унинг кучоғидан чиқди-да:

— Аввал ювининг, — деди.

Бу гапдан сўнг Элчиннинг устидан совуқ сув қўйилгандай бўлди.

— Сен ҳали... мени шунақа саёқ... шалтоқ деб ўйлайсанми?!

Зайнаб эрининг кўзларига қараб бир олам ғам кўрди. Яна бир гап айтса, назарида эри йиғлаб юборадигандай туюлди. Гапи қўпол чиққанини англаб, юмшатишга ҳаракат қилди:

— Фақат саёқ одам ювинадими? Бегона жойларда ўтирдингиз, бегона одамлар билан кўришгансиз... Дарров эгриликка олманг-да... — Шундай деб эрининг юзини силаб қўйди. Элчин бу юмшоқ қўлнинг тафтини сезмади. «Бугун ўзи тупроққа қориштирадиган кун экан», деб ҳаммомга қараб юрди.

## 5

Элчин ювинаётган маҳалда Анвар ширин уйқуда эди. Бирдан уйғонди. Уйғонганда ҳам сергак, тиниққан ҳолда уйғонди. Бирпас жим ётди. Пешонаси қизий бошлагач, ўридан туриб меҳмонхонага чиқди. Деразадан тушиб турган нурни кўриб, шошиб эшикни ёпди.

— Сени биз уйғотдик, — деган ёқимли овоз келгач, нур устига оёқ қўймоқчи бўлди.

— Сени ҳозир олиб бормаймиз, — деди яна ёқимли овоз.

— Мен Зуннуний билан учрашмоқчиман, сўрайдиган гапларим бор.

— Ердаги ҳаёт билан видолашганингдан кейин учрашасан.

— Асқар Қосим билан-чи?

— У билан ҳам... Сен бизнинг борлигимизга ишондингми?

— Ҳа.

— Ердаги ҳаёт билан хайрлашишга тайёрмисан?

— Йўқ.

— Нима учун?

— Одам ўзини ўзи ўлдирариш осон эмас. Мен ҳаётдан тўйганим йўқ.

— Бугун бўлмаса эртага тўясан. Холидий энди баттар авжига чиқади. Атрофдагилар сени талашади. Кўз очиринмайди. Сен ўзгаришларга ишониб хато қиляпсан. Одам эгнидаги либос ўзгаряпти, юрак эмас. Шунга ақлинг етмайдими?

— Билиб турибман... лекин менга озгина муҳлат беринг.

— Вақтни чўзма. Билиб қўй: дўстингнинг дўсти хавф остида, йўлдан қайтмаса, ҳалок бўлади.

— Ким?

— Дўстингнинг дўсти...

Шу гапдан кейин нур чекиниб, хона қоронғулашди. Анвар ҳолсизланиб, устулга ўтирди. Нурнинг жумбоқли гапи уни ташвишга солди. Дўстининг дўсти ким экан, деб ўйланди. «Дўстга ўхшаб юрганлар кўп. Ҳаммасини огоҳлантириб чиқаманми? Ё энг яқин, энг чин дўстларними? Йўлдан қайтмаса ҳалок бўлади... Қанақа йўлдан? Бирови амал талашаётгандир, бирови мол-дунё қайғуси билан яшаётгандир, бирови бошқасининг чиройли хотинини йўлдан урмоққа киришгандир... Қайси бири ҳалок бўлади? Нур нима учун мени огоҳлантирди? Дўстининг дўсти ҳалок бўлишини истамади. Аммо мени шоширяпти. Мен унга «ҳаётдан тўймадим», дедим. Шу гапдан аччиқланиб, даров ғойиб бўлдимми? Мен... ҳаётдан тўймадимми?..»

«Ҳаётдан тўйиш» деган гап тилдан осонгина учади. Шу иккитагина сўздан иборат тушунчанинг ўқ илдизини топиш эса жуда мушкул. Ҳар ким ҳаётдан ҳар хил лаззат олади. Кимдир маишатдан, фоҳишалар даврасида яйраб тун ўтказишдан, бошқа биров

эса ана шу ҳаром йулга юрманидан лаззатланади. Кимдир тўплаган мол-дунёсидан қараган сайин кўзи қувнайди, бошқаси тешик тоғорага қараб, қорин ва нафс бандаси бўлмагани учун яратганга шукр қилади.

Худди шунга ўхшаш, ҳаётдан тўйиш ҳам турлича. Биров мол-дунёсидан айрилса, ҳаётдан тўяди. Биров ҳақсиз дунёдаги найранглардан тўяди... Анвар нимадан тўйсин? Холидийнинг ҳийлаларига чидай олманини ошкор этиб, бу дунёдан кетворсинми? Дунёни холидийларга ташлаб қочсинми? Асқар Қосим кетди. Нима ўзгарди? Ким инсофга кирди? Кимнинг кўзи очилди? Унинг исёнини ким англаб етди?

Анварнинг ҳаёлига ш...лар келиб, беихтиёр ўрнидан турди. Дераза олдига бориб, осмонга қаради. Осмон тунд. Юлдузлар кўринмайди. Булут ортига яширинган юлдузни ҳаёлан кўз олдига келтириб, унга мурожаат этди:

— Мени олиб кетсаларинг яхши бўларди. Зуннуний билан гаплашардим. Асқар Қосимдан сўрайдиган гапларим бор эди. Узимни ўлдиришим қочмайди. Орқамдан чирқираб қоладиган бир этак болаларим йўқ. Ҳаётдан умидим ҳам йўқ. Аммо ҳозир бир адолатни тиклаш имкони туғилганида, қочиб қолиш номардлик-да. Улимдан кўрқаётганим йўқ. Улганимдан сунг Холидийларнинг хурсанд бўлишларини истамаяпман. Менга фурсат беринг. Озгина фурсат...

## XXI БОБ

### 1

Ёниб кетган машинадан топилган тунукача темир йўл бекати юкхонасининг белгиси экан. Тунукачага зарб этилган рақам бўйича иккита катта жомадон сақланарди. Жомадонлар харидоргир кийим-кечаклар билан тўла эди. Трамвай паттасидаги рақамларга қараб иш юритиш қийин бўлди. Ниҳоят, автомат юкхоналардан иккитасининг тилсими ечилди. Икковида бир хил қора сумка турар, иккови ҳам қумли халтачалар билан тўла эди. Таркибида олтин бўлган қум қаердан олингану кимга сотилиши керак? Майор Солиевни ҳам, Зоҳидни ҳам шу жумбоқ гаранг қилди.

— Бойлиги миллион сўмдан кам эмас, — деди Солиев ўзича чамалаб. — Булар сотганларидан қолганлари. Шунча пули бор одам таксини ўғирлаб юрарканми?

— Таксопаркдагиларни кўрқитиб олган бўлса-чи?

— Унда нима учун айтишмаяпти? Комиловнинг ҳаракатига ҳам тушуниб бўлмаяпти.

— Бойлик балки уники эмасдир? У бирор кишининг ёки гуруҳнинг дастёри бўлса-чи?

— Дастёр бўлганида бойликнинг изига тушишарди. Уй бекаси келдими, гаплашдингми?

— Йўқ. Икки марта қақиртирдим. Бугун Толиповни юбордим, олиб келади.

Зоҳид ҳам, майор ҳам калаванинг учини топмоқ учун турли тахминларни ўртага ташлашар эди. Ҳозир, бошлари қотиб турганида сиз бориб: «қотил санъаткор, у ўзини олди», десангиз, сира ишонмайди. Чунки миллион сўмлик бойликка эга одам оддий қасос қурбони бўлиши мумкинлиги кам учрайдиган ҳодиса.

Солиев Зоҳид билан хайрлашиб, ўрнидан турган чоқда телефон жиринглади. Ҳамдам Толипов Шилимшиқ яшаган уйнинг бекаси уч кун бурун, яъни тинтувнинг эртасига жомадонларини кўтариб кетганини, йўлда учраган кўшнисига «Чет элга кетяпман», деганини маълум қилди. Бу хабарни эшитган майор Солиев жойига қайтиб ўтирди-да, «Нима қиламиз?» деган савол назари билан Зоҳидга тикилди. Зоҳид бундай бўлишини кутмаган, чунки Сангинанинг хатти-ҳаракати унда шубҳа уйғотмаган эди.

— Биздан қочадиган даражада кўп нарса биларканми? — деди Зоҳид, паст овозда, худди ўзига ўзи гапиргандай.

— У қотилликдан балки беҳабардир. Лекин беихтиёр ҳолда қотиллар йўлини кўрсатиб қўйиши ҳам мумкин бўлган. Комиловни бу уйга ким жойлаштирган? Шу одамни топиш керак.

— Уринбосар-чи? — Зоҳид шундай деб телефон гўшагини кўтариб, рақам терди. — Балки уни ҳам...

Бошлиқ Зоҳиднинг овозини таниб, қуюқ ҳол-аҳвол сўради. Кейин худди Зоҳиднинг мақсадини билгандай, қўшиб қўйди:

— Тожимуллаевнинг сал товлари йўқ шекилли. Кеча телефон қилиб, узрларини айтувдилар. Бугун ҳам кўринмадилар. Уйларидан сўраб кўрайми?

— Ҳа. Иложи бўлса бир келиб кетсинлар, — Зоҳид шундай деб гўшакни жойига қўйди.

— Уйига бориш керак, — деди Солиев.

— Ҳозир, билайлик-чи? Ростдан тоби қочганми ё айёр касалмикин?

— Қасал бўлса майли-я, у ҳам «чет элга» жўнаб қолмаганмикин?

Шу пайт телефон жиринглаб, уларнинг тусмолли суҳбатларини узди. Телефон гўшагидан Бошлиқнинг хавотирли овози эшитилди:

— Уйда йўқ, кеча «сафарга кетдим», деб чиққан экан.

— Ҳозир етиб борамиз. — Зоҳид гўшани жойига қўйдию Солиевга савол назари билан қаради.

Саросимага тушган Бошлиқ хонасига сиғмай, уларни кўчада бетоқат бўлиб кутарди. У салом-аликни ҳам унутиб, янги хабар билан қаршилади:

— Кеча эрталаб ишга келганини фаррош кўрган экан. Унга ҳам сафарга кетяпман, дебди.

Уринбосарнинг қабулхонасида ёши етмишларга бориб қолган озғин кампир ўтирган эди. Солиев унинг ёнидаги бўш стулга ўтирди. Зоҳид дераза томонга ўтди.

— Тожимуллаевни соат нечаларда кўрдингиз?

— Секкиз булмағон эди. Мин убирать этиб юрғон эдим. Келиб, Ани, чиқиб турингиз, дедилар. Чиқиб турдим.

— Менга соат етти яримда кўнғироқ қилиб, тобим йўқ, девди...

Солиев Бошлиқнинг луқмасига эътибор бермай фаррош билан суҳбатини давом эттирди:

— Кўриниши қандай эди?

— Нормалний эди.

— Бир нарсадан жаҳли чиққани сезилмадимми ё шошиб турганмиди?

Кампир бироз ўйланди.

— Немножко нервничат этти. Минга «Салом, Ани», деди, и всё. А то, яхши сурашар эди. Здравьями, семьями сураар эди.

— Ичкарида нима қилди? Масалан, темир жавонни очиб-ёпгани сизга эшитилмадимми?

— Йук, ҳич нарса ишитмадим. Нў, чиғиб кетгонларидан сунгра қарасам, сейфда клучлари турибди. Мин удивляться эттим. Клучни олиб, устолларига спрятат эттим.

— Қаерга, кўрсатинг.

Кампир туриб, ёзув устолига айланиб ўтиб, пастдаги тортмага қўл юбормоқчи бўлганида, майор уни тўхтатди:

— Ани, бўлди, қўл урманг. Тожимуллаев қайси шаҳарга кетаётганини айтмадимми?

— Вроде Бухара деди.

Майор Солиев Зоҳидга савол назари билан қаради. Зоҳид унинг нима демоқчи бўлганини англаб, Бошлиққа имлаб қўйиб, қабулхонага чиқди-да:

— Телефонингиздан фойдалансам майлими? — деб сўради.

Саросимаси босилмаган Бошлиққа бу илтимос улуғ бир лутф бўлиб туюлиб, хона эшигини очиб, бироз таъзим қилган ҳолда «марҳамат», деди. Зоҳид, эшик охистагина ёпилгач, телефон гўшагини кўтарди. Аввал экспертиза хизматини чақирди. Кейин Ҳамдам Толиповни топди-да, аэропортга бориб, Тожимуллаевнинг қай томонга учганини аниқлашни топширди. Уринбосарнинг хонасига қайтганида Солиев фаррошни ҳамон саволга тутарди:

— Тожимуллаев қанақа машинада келди, кўрмадингизми?

— Вроде таксида келди, — фаррош шундай деб, «адашмадимми?» дегандай бошлиғига қараб қўйди.

— Хизмат машинасини қисқартирганмиз. Таксида келган бўлиши мумкин, — деди бошлиқ, аниқлик киритиб.

Солиев кампирни бошқа саволга тутмади. Унга ижозат ҳам бермади. Экспертлар етиб келишгач, кампир билан бошлиқнинг гувоҳлигида темир жавон очилди. Устолнинг тортмалари тинтиб кўрилди. Бирон бир ашёвий далил топилмагач, Тожимуллаевнинг уйига йўл олишди. Данғиллама қилиб солинган иморат ичи қашшоқ кўринишда эди. Паркет поллардаги, деворлардаги изларга қараб, узоқ вақт гилам тўшалган, осилган эканини пайқаш қийин эмасди. Деворни энлаб турган хориж жавонининг тоқчалари ҳам ғарибгина кўринишда. Гарчи чанг-чунг артилган бўлса-да, бу тоқчаларда нималар турганини аниқлаш эксперт учун чўт эмасди. Солиевни ҳозир бу нарсалар қизиқтирмас эди. Шу сабабли уларни ишга солмади. Тожимуллаевнинг хотини аввалига ўзини гўлликка солди. «Қайдам, билмайман, қаёққа кетаётганларини менга айтмадилар», деди. Зоҳид Тожимуллаев хавфли ўйинга аралашиб қолганини, ҳаёти хавф остида эканини айтгач, йиғламсираб туриб:

— Бухородалар, — деди. — Бугун телефон қилдилар. Хавотир олма, дедилар.

— Қаерда туришлари маълумми?

— Ҳа, ҳолаваччалариникида.

— Манзиллини айтинг.

Зоҳид аёл айтган манзилни тез-тез ёзиб олди-да, телефон турган хонага ўтди. Ярим соат ўтмай, телефон жиринглаб. Тожимуллаев топилгани маълум қилинган, улар идорага қайтишди.

— Тез топилганига ҳайрон бўляпман, — деди Зоҳид, йўлда бора туриб.

— Тожимуллаев содда-муғомбирга ўхшайди. У ишдан ишқал чиқишидан кўрқмаган. Уни чўчитишган бўлишлари мумкин.

— Ким, Комиловни ўлдирганларми?

— Балки.

— Унинг қотилликка аралашганига ишонгим келмайди.

— Бевосита аралашмагандир. Лекин у бизга Комилов яшаган уйни кўрсатиб бериб нодонлик қилди. Ҳарҳолда у биздан қочмаган. Қидириб, топиб, қўлга олишимизни ўзи истаган. Биздан қочганда фаррошга «Бухорога кетяпман», демас эди.

— Узининг соясидан ҳам чўчидиган одамга ўхшайди. Биринчи келишидаёқ тўрва-халтасини шайлаб олган экан.

— Шунақа одамларни жиним суймайди. Сичқонга ўхшаб яшашнинг нима қизиғи бор. Сичқонни ҳеч кузатганмисан? Нонни бир чўқилайди, ўн марта атрофига қараб олади. Бир қоп буғдойни ташиб кетади индамасанг. Қолбуки унга бир челаги ҳам етиб ортади. Лекин у ташийверади, ташийверади. Охири қопда бир дона буғдой қолганида қопқонга тушади. Энди тасаввур қилиб кўр: бир қопда миллион дон борми? Демак, миллион марта қопқонга тушишдан кўрқиб яшаган. Тожимуллаевнинг ҳам шунақа. Уғри бўл, мард бўл-да! Худо юракдан бермаган экан, тинчгина, озига шукр қилиб, маошинга яшайвермайсанми?

— Юрак-ку, йўқ, аммо кўз оч-да.

— Одамнинг кўзи тупроқ билан тўяди. Унгача «бер, бер», деяверади. Маҳмадана файласуфларнинг жиноят ҳақида гапирса, «сиёсий-ижтимоий илдизлар» деб мияни ачитади. Ҳеч қанақа илдиз йўқ. Ҳамма бало кўзда. Назар тўқ бўлса, ҳасад ҳам, иғво ҳам, таъқиб ҳам бўлмайди. Кеча маҳалламизда бир чол гапириб қолди: кўз зиноси ҳам бўларкан.

— Бу нима дегани экан?

Солиев «ростдан билмайсанми?» деган маънода ажабланиб қараб қўйди.

— Зино — бузукликми, ҳаром йўл билан тўшакка ётишми? Агар бир покиза аёлга шундай ёмон фикр билан қараб қўйсанг, кўз зиноси бўларкан. Бунинг гуноҳи ҳаром тўшакда ётганнинг гуноҳидан кам бўлмас экан.

Зоҳид бу гапни эшитиб, кулимсираб қўйди:

— Кўчада кўзимизни юмиб юрарканмиз-да энди?

— Тожимуллаев билан таксопаркдагиларнинг хизмати бир, — деди Солиев, унинг ҳазилига эйтибор бермай. — Улар кимгадир ҳолис хизмат қилишган. Таксопаркдан машина сўрашган, улар йўқ, дея олишмаган. Тожимуллаев эса «ишляпти», деб расмийлаштириб қўйган. Ҳозир биров билан бировнинг иши йўқ. Комилов қамоқдан чиққан маҳалларда бу масалага қаттиқ туриларди. Уғримиз, чайқовчимиз, бир идорага илиниб оларди. Энди Тожимуллаевнинг икки тиф орасида типирчилаб қолди. Бир биқинига биз тираб турибмиз, иккинчисига улар. Комилов яшаган уйни кўрсатгани учун улар Тожимуллаевни сиқувга олишган бўлса, у бечоранинг юраги чиқиб кетган.

— Уларнинг ўрнида мен бўлганимда Тожимуллаевга тўхмат қилардим. Комиловнинг қон теккан кийимини уйига ташлаб қўярдим.

— Бунақа ашулалар эскириб қолган. Уқиб юрганимда бир гап айтганман, эсингдами? — Солиев эслаб кўрсин, деган мақсадда сукут сақлади.

— Сиз менга кўп гапларни айтгансиз.

Солиев мийиғида кулди:

— Қайси бири эсингда?

— Дарахт кўчада ўсгани билан илдизи кўркам иморатларнинг тагига қараб кетган бўлади, девдингиз. Узингизнинг эсингиздами бу гап?

Солиев пича ўйлиниб, бу савол қопқонидан ҳазил билан қутулмоқчи бўлди:

— Бунақа ақлли гапларни кўп айтганман. Мен ҳозир сендан бошқа нарсани сўрамоқчи эдим: сенлар олий маълумот оламан, деб беш йил китоб титасанлар. Китобларда ўтган гаплар ёзилади. Жиноятчи китобга тушган йўлдан юрмайди сира. Бу йўлда тез фош бўлишини билади. У биздан олдинроқда юради. Бизнинг ақлимиз ҳам, техниканиз ҳам уларнинг изидан боради. Уста шахматчи рақибининг ҳеч бўлмаса уч-тўрт юришини олдиндан билиб туради. Сенга ўхшаганлар тамом бўлган ўйинни ўрганиб юраверасанлар.

— Уста шахматчилар илгариги ўйинларнинг юришларидан ҳам фойдаланишади. Одам эски ашулани ҳам баъзан соғиниб қолади.

— Ҳарҳолда бизнинг соҳада эски ашуладан кўрқиб керак. Утган ўйиндаги юришдан фойдаланиб, сира қутилмаган, мотга олиб борадиган зарбага учрайсан. Чунки сен рақибингнинг усулини ёд олгансан. У буни билади. Сен «ҳа, ўзимиз билган юриш-да», деб хотиржам бўласан. Шунда у бир зарб берадики, ўнглиниб ололмайсан.

Улар йўл-йўлакай ўзларича фалсафа сўқиб боришарди. Солиев бир жиҳатдан ҳақ эди. Фаним томон беш-олти йил китоб титмаган. Шунинг учун бўлса керак, эркин фикрлайди, эркин юриш қилади, қутилмаган зарба беради. Солиевларни қийнайдиган яна бир томони бор: ҳар қандай полвон курашга тушганда аввало ўз кучига ишонади. Аммо уни «ҳа, баракалла», дегувчи рағбатчиси, ҳомийси ҳам бўлади. Солиевларнинг ҳомийлари, шубҳасиз, шинам хоналарда ўтиришади, уларни алқашади, нишонлар, мукофотлар беришади, бироқ, зимдан рақиб томонга ҳам хизмат қилишади. Улардан кўрқиншадими ё улушларини олиб туришадими, ҳарҳолда Солиевларнинг нозик томонларини

уларга билдириб қўйишади. Солиевга бу яхши маълум. Шу боис бирон жиноят изига тушганида дарахтнинг илдизи қайси иморат остида экан, деб ўйлайди. Неча марта илдизни топди, аммо қирқа олмади — йўл қўйишмади. «Сен дарахт кесувчисан, илдиз кемирувчи эмассан», дейишади. Зоҳид бу ўйинларни зоҳиран билади. Эшитган, лекин бу савдолар ҳали бошига тушмаган. У илдизга етиб боришига, болта уришига ишонади. Ноумид — шайтон, ёш кўнгил шу умид билан яшайверсин. Ёшлик — асли умид деб аталган, афсуски, қумдан ясалган бир иморат. Уни шамол осонгина тўзитади, ёмғир ювиб кетади...

## 2

Бухородаги қариндошлариникида конъяк ичиб ўтирган Тожимуллаев уч соат деганда ўзини катта шаҳарнинг жиноят қидирув бўлимида кўрди. Қариндошлариникига милисалар кириб келишганида «хайрият» деб қўйди. Аини чоқда юрагига ғулғула тушиб, ғойибдан «энди тамом бўлдинг», деган овоз эшитгандай бўлди. Туғилган одам қачондир ўлишини билгандек, у бир кунмас бир кун қамалиши аниқлигини биларди. У фақат бир нарсадан — не азоблар билан, мисқоллаб тўплаган бойлигининг бир кечанда учиб кетишидангина чўчирди. Бойлигини балки бошқалар ҳаром дер. Аммо у учун ҳар бир тийин ҳалол, меҳнати билан топган. Ахир шу йиллар ичи у нечта бошлиқ кўрди? Ҳаммасининг томоғи тешик эди. Еб тўймасди. Чўнтагини қаппайтириб яна юқори амалларга кўтарилиб кетаверарди. У эса меҳрибон энагадай тиржайиб, жойида қолаверарди. Ҳар бир бошлиқ изидан келганига «бу зўр одам, эҳтиёт қилинг», деб кетарди. Лекин биронтаси «шу одам менинг ўрнимга бошлиқ бўлиб қолсин», демасди. Номи «ўринбосар», бироқ, бошлиқ ўрнини боса олмади, эга бўла олмади.

Курортдаги айшини узиб, уйига қайтиши билан бойликларини яширишга киришди. У ҳали нима гап бўлганини билмас эди. Бошлиғи билан гаплашишга ҳам улгурмади. Аммо кўнгли сезди. Бир бало бўлмаса уни чақиртиришмас эди. Уйни-ку, амаллади. Назарида орқасидан кимдир кузатиб тургандай бўлаверди. Охири журъат этди. Ўз кўнглида тулкилик қилди. «Озгина ақча»ни шу шаҳарнинг ўзига, ишончли ерга қўйди-ю, Бухорога учди. Агар гумон қилишса бойликни Бухородан қидираверишади. Уйда биров даҳл қиладиган нарса йўқ ҳисоб. Уй хотинининг номида, машина қайнонасининг... Ҳаммасига ишонч қоғози бор. Фақат... хотини ўзининг номида. Фақат хотинигагина ишонч қоғози йўқ. Баъзан кал пешонасини силаб ўйлаб қолади, ўйлаб-ўйлай, дунёнинг ўзи омонат бўлганидан кейин топган мол-мулк боқий қолармиди, деган қарорга келиб, ўзига таскин беради. Мисқоллаб йиғиб-терганларининг бировлар номига зикр этилиши унга ҳам алам қилади, ҳам кўрқади. Айниқса машинадан. Қайнонаси анчадан бери ана кетди, мана кетди, бўлиб ётибди. Кампирнинг пешонасида биргина ўғил. Агар кампир омонатини топширса, ўғил, яъни унинг қайин иниси меросхўр сифатида машинага эга чиқиши ҳеч гапмас. Тожимуллаев унинг суллоҳ кўзларини ёқтирмайди. Ёқтирмаслигини хотинидан яширмайди. Шу туфайли эр-хотин кўп сан-манга боришган. Тожимуллаев ҳаммасидан ҳам қайнисининг овқат ейишига тоқат қилолмайди. «Уканг булдозерга ўхшаб бирпасда лаганни текислаб ташлайди», деб мингиллайди. Ўзи бувисининг «кўп овқат есанг ичакнинг ёрилиб кетади», деган гапига ишониб, камовқат бўлган. Бувиси қизгангандан эмас, йўқчиликдан шу гапни тўқиб чиқарган эди. Мўл-кўлчилик дамларига етиб келганида, шубҳасиз, «мен ҳазиллашган эдим», деб гапини қайтариб олармиди... Начора, бувиси кўп овқат ичакни ёриб юборажагига ишонтириб кетди. Тожимуллаев эса беқиёс бахил бўлиб қолди. Уғлини уйлантиргач, келиннинг овқат ейишини кўриб, юраги зил кетди. «Ўзи чигирткадек бўлса ҳам, нафси бало экан», деб қўйди. Аксига олиб, келин тансиқ меваларга боши қоронғи бўлсами?! Тожимуллаевнинг назарига бутун дунё қоронғу бўлиб кетди. Назарида келини кўзи ёригунга қадар бор мол-мулкни еб битирадигандай эди.

Бувиси «кўп овқат ичакни ёради», деганида балки ҳаромдан топилган овқатни назарда тутгандир? Тожимуллаев икки йигит ўртасида самолётга чиқиб ўтиргач, бирдан шуни ўйлади. Самолётнинг думалоқ деразаси ёнидан жой олгач, йигитлардан бири унинг ўнг кўлини ўриндик суюнчигига қишанлаб қўйди. Кишан зулфининг «ширқ» этиши жонини олгандай бўлди. Хаёли тўзиб кетди. Ҳозиргина баён этилган гаплар ана шундан кейин хотирасидан ўтди.

Майор Солиев уни сичқонга ўхшатди. Бу ҳам тўғри. Аммо кейинги кунлардаги иши тулкининг қилиғини эслатарди. Тулки ўлжасини яшириб, устига қумалоғини ташлаб кўяркан. Бошқа ҳайвонлар ҳид олиб келиб, қумалоқни кўриб қайтиб кетавераркан. Тожимуллаевку, тулкидир, аммо бойлик қидирилгудай бўлса, излайдиганлар нодон ҳайвондай изларига қайтишмас? Тожимуллаев бу изловчиларни чалғитиш учун хаёлидаги гапини пухта қилиб олган эди. У Зоҳид билан сўхбат қуришни мўлжаллаган эди. «Ёш йигитни кўндириш осонроқ», деб ўйловди. Солиевга дуч келдию иш пачавалигини англади.

«— Нимага қочдингиз?

— Мени ўғирламоқчи бўлишди.

- Ким?
- Мафия бўлса керак.
- Қанақа мафия?
- Буни сизлар билсангиз керак?»

Назарида суҳбат шу тарзда бошланиши лозим эди. Бироқ, ўзини майор Солиев деб таништирган одам, индамай, унга қаттиқ тикилиб ўтираверди. «Гипнозчими, нима ба-ло?» деб ўйлади Тожимуллаев. Сўнг авраб ташламасин, деган ташвишда ўйлаб қўйган гапларини айта бошлади:

— Бу укамиз ҳеч қаёққа кетманг, девдилар. Лекин мен кўрқдим. Кўрқитишди. Улдириб кетамиз, дейишди.

Солиев индамади. «Ким, деб сўраса ўладими», деб ўйлади Тожимуллаев.

— Телефон қилишди. Уйимга хат ташлаб кетишди. У шундай деб ён чўнтагидан тўрт букланган қоғоз чиқарди. Катак дафтарнинг бир варағига калла суягининг сурати чизилган эди.

Солиев қоғозни олиб бир назар ташлади-да, Зоҳидга узатди:

- Экспертзага, — деди буйруқ оҳангида.
- Қўлқопда чизган бўлиши мумкин, — деди Тожимуллаев.

У прокуратура терговчиси билан жиноят қидирув бўлимининг инспектори орасидаги фарқни билмас эди. Шу сабабли майорни шу идоранинг улўғларидан деб билиб, унга умид кўзи билан қаради. Унинг бу кўз қараши шу тобда пичоқ қайраётган қассобга қараб турган кўзичоқни эслатарди. Кўзичоқнинг бундай қараши, мунгли маъраши қас-собни йўлдан қайтаролмагани каби, жиноятчининг бундай мўлтираши Солиевни чалғита олмас эди. У Тожимуллаевдан қаҳрли нигоҳини узмаган ҳолда яна бир оз жим ўтирди. Сўнг, Тожимуллаев ўзи кутмаган саволни эшитди:

— Комиловни ишга ким жойлаштирган?

Тожимуллаев гангиб қолди. Чунки у «Сизни ким кўрқитган бўлиши мумкин» деган саволга жавоб тайёрлаб ўтирган эди.

— Билмадим... аниқроғи... бу укамизга айтганман. Олдинги бошлиқ... аризага сархат ёзиб берганлар...

— Қамалиб чиққан болани ким ишга киритяпти, деб қизиқмаганмисиз?

— Энди... биз кичкина одаммиз.

— Сиз айбингизни биласизми?

— Айбимми? Ишга расмийлаштириб қўйганимми?.. Вақтида бўшатмадим...

— Йўқ, сиз Комиловни охирги марта кўрган одамсиз. Унинг ўлимида сизни ҳам айблашимиз мумкин.

Кўзичоқ ерга йиқилиб, оёқлари боғланди. Бўғзига пичоқ тортилиши аниқ бўлиб қолди. Маъсум қараш фойда бермади. У энди типирчилаб, арқонга чап бермай, қуту-либ, қочиш пайига тушди.

— Мен... Мен... нима деяпсиз? Мен... йўқ эдим-ку?..

— Самолётда тўрт соатли йўл, — деди Солиев совуқ оҳангда.

— Келиб-кетиш ҳам шарт эмас. Бу ёқда шериклар бор-ку? — деди Зоҳид, гўё унга эътироз билдиргандай.

— Худо... Худо хайрингларни берсин. Уғри денг, поражўр денг, лекин бунақа деманг. Худодан кўрқаман.

— Худодан кўрққан одам бировнинг ҳаққини ейдими?

— Гуноҳкор бандамиз... адашамиз... тирикчилик...

— Шерикларингиз?

— Жон ака, мени қийнаманг, — Тожимуллаев шундай деб йиғламсиради. — Отсан-гиз отинг, лекин менга бунақа айб қўйманг.

— Комиловни ким ишга жойлаган?

— Билмайман.

— У тез-тез келиб турармиди?

— Йўқ. Ун йилча кўринмади.

— Қаерда экан?

— Сўраганимда Сибирда эдим, девди.

— У ердан нима олиб келди?

— Мен битта телпак билан...

— Қумчи?

— Қанақа қум?

— Тилла қум.

— Сибирда қум нима қилади?

— Тўғрисини айтасизми?

— Ёлғон гапирсам тил тортмай ўлай.

— Сизга қасам таъсир қилмайди. Тилла қумни нима қилдингиз, тўғрисини айтинг. Сейфингизнинг калити фақат ўзингизда турадимми?

— Ҳа.

— Қани? — Солиев шундай деб, қўл узатди.

Солиев устол тортмасидан калит олиб кўрсатди:

— Шуми?

— Ҳа.

— Сейфни очиб текширдик. Экспертиза тилла қум доналарини топди. Бунга нима дейсиз?

— Йўқ... билмайман... мен ундан битта телпак...

— Урнингиздан туринг. Сизга рухсат. Уйингизга бораверинг. Керак бўлсангиз қақирамиз.

Жон талвасасидаги кўзичоқ бўғзига пичоқ тортилмай, оёқлари арқон ҳукмидан озод этилгач, ажабланган ҳолда, бир неча нафас кимир этмай ётади. Сўнг ирғиб туриб, нари қочади. Тожимуллаев кўзичоқ эмас, дарров турмайди, қочмайди. Уша кўзичоқ нигоҳи билан қараб ўтираверади.

— Сизга рухсат деяпман, кетаверинг.

— Уйгами?

— Ҳоҳласангиз уйингизга боринг, ҳоҳласангиз ишингизга.

Тожимуллаев бу гапга ишонқирамай ўрnidан турди. Остонага етганида «тўхтанг, қайтинг», деган зардали буйруқ кутди. Даҳлизда юриб бораётганида ҳам, зиналарни бир-бир босиб учинчи қаватдан тушаётганида ҳам, ҳатто кўчага чиққанида ҳам орқадан биров келиб елкасини ушлашини, «қайтинг», дейишини кутди. У ўзича режалар тузганида бунақа савол-жавобни, муомалани, хотимани кутмаган эди. Милисалар ҳақидаги киноларда бунга ўхшаш воқеани сира кўрмаган эди. Қамаб қўйишларига, сўроқ пайтида ҳатто уриб-тепишларига ишончи комил эди, аммо бундай осон қўтиламани, деб ўйламовди. Ишқилиб охири баҳайр бўлсин...

Тожимуллаев чиқиб кетиши билан Зоҳид майорга ажабланиб қаради. Боятдан бери қаҳр ниқобида ўтирган Солиев кулимсиради.

— Орқасидан одам кўямиз. Агар чиндан ҳам кўрқитишган бўлса, бугун-эрта уни йўқотишади. Назаримда ўзининг баҳосини сал оширворган. Анави расм ҳам ўзининг ижоди бўлиши керак. Сездингми, у кириб келганида хотиржам эди. Чунки биз у чизган чизикдан бораётувдик. Мен чизикларини чалкаштириб юбордим. Буни бир-икки кун кузатиб ўз ҳолига қўй. ОБХСС шуғулланаверсин. Бизга Сангина керак.

— Изини қуритишган бўлса-чи?

Солиев бармоқлари билан устолни чертиб қўйди.

— Бўлиши мумкин. Эртага Сангинанинг, индинга иккита номаълум кавказликнинг ўлигини топишимиз ҳам мумкин.

— У ҳолда бу аниқ бир тўданинг иши бўлиб чиқади.

— Менинг бошимни шу нарса қотирыпти. Бу битта тўда ичидаги гапми ё тўдалар орасидаги фитнанинг бошланишими? Битта тўда ичида бўлса бойликни топмай қўйишмасди.

— Бошқа гуноҳи учун жазолашган бўлишса-чи?

— Бунақа намоийшкорона осиб қўйишларига ҳайронман.

— Унда тўдалар орасидаги фитнами?

— Фитнанинг бошланишига пича фурсат бор, назаримда. Тўдалар ҳозир биздан оз бўлса-да, чўчишади. Ҳали ҳамма қавакларга кириб улгуришгани йўқ. Биздан кўрқмай қўйишгач, бир-бирлари билан олишишни бошлашади. Ҳозирча, ораларида пинҳона адоват бор. Ошқора уруш яқин орада бошланмаса керак. Ҳозир бошланса бизга осонроқ бўларди, пайини қирқардик. Эрта-индин кўлимиз калталик қилади. Кисавурларни эпласак ҳам катта гап бўлиб қолади.

— Ваҳимачи бўлиб боряпсиз, ака, — деди Зоҳид кулимсираб.

Майор бош чайқаб, бироз сукут қилди.

— Улмасак кўрармиз. Катта-кичик идора раҳбарларининг жилову шуларнинг қўлига ўтади. Ана ўшанда тамошаларни кўраверасан.

### 3

Зоҳид Шарипов шом қоронғусида уйига қайтди. Тўққиз қаватли бетон уйнинг иккинчи йўлаги оғзида хотинини кўриб, ажабланди.

— Фотима? Нима қилиб турибсан?

— Вой, қаёқларда юрасиз-а, — Фотима шундай деб эрини қучоқлади-да, йиғлаб юборди. У қалт-қалт титрарди. Зоҳиднинг юраги ғашланиб, унинг елкасидан маҳкам ушлади:

— Нима бўлди? Абдувоҳид қани?

— Воҳиджон кўшниларникида, сизни кутавериб совқотиб кетдик.

— Нима бўлди?

— Уйга келсак... даҳлизда иккита киши ётибди. Юрагим чиқиб кетди.

Хотинининг «иккита киши ётибди», дейиши Зоҳидга даъфатан майорнинг «индинга иккита кавказликнинг ўлигини топишимиз мумкин» деган гапини ёдига солди.

— Қанақа киши? — деди у шошилиб, — кавказликларми?



— Қайқдан билай, қўл-оёқлари боғлаб ташланган, башарасига қарабманми, юрагим ёрилиб, қочиб чиққанымни биламан.

Зоҳид хотинини четга суриб юбормоқчи эди, Фотима уни маҳкам ушлади:

— Йўқ, кирмайсиз, қўрқаман, — деди йиғидан тўхтамай.

Зоҳид унга «кўчада дийдираб тураверамизми?» дегандай қарадида, йўлка сари қадам қўйди. Хотини уни орқага тортди.

— Сен Абдувоҳиднинг олдига кир. Мен телефон қиламан. — Зоҳид шундай деб биринчи қаватдаги қўшнисиникига кирди. Майор Солиев ҳали уйига кетмаган экан. Зоҳиднинг гапини эшитиб, қисқагина буйруқ берди:

— Ичкари кирма. Иккита одам — ўша кавказликлар бўлиши мумкин.

Солиев ит етаклаган милиса йигит, суратчи, экспертлари бошлаб келгунича ордан ярим соат вақт ўтди. Бу вақт ичида Зоҳид хаёлан турли-туман боши берк кўчаларга кириб чиқди. «Агар улар Комиловни ўлдирган кавказликлар бўлса, меникига нима учун ташлашади. Уларни ўлдириб ташлашганми ё тирикми?»

Майор Солиев Зоҳиддан уйнинг калитини олди-ю, тўққизинчи қаватга чиққач, ён қўшнилари чақириб, эшикни очди. Даҳлизда қўл-оёқлари чандиб боғланган, оғзига елимли тасма ёпиштирилган, ёши ўттизлардан ошган икки одам ётарди. Остонада турган Зоҳид уларни бир қарашда таниди: ҳамқишлоқлари. Янада аниқ айтилса, ўша машъум кечада муштлашиб, акасини ўлдириб қўйган йигитлар. Зоҳид остона ҳатламоқчи эди, Солиев уни тўхтатди:

— Сен кирмай тур.

— Буларни танийман.

— Танисанг ҳам кирмай тур. — Солиев шундай деб энгашди-да, йигитларнинг бош томонидан бир варақ қоғоз олиб, ўқиди:— «Эркак бўлсанг — қасос ол!» Бу хат сенга аталган шекилли?

Зоҳид воқеага тушунгандай бўлиб, икки қадам тисланди. Милиса ичкари кириб, итига ис олдиришди. Ит лифтга қадам келди, сўнг думини ликиллатиб тураверди. Бармоқ изларини олиш ҳам самара бермади. Солиев шундай бўлишини олдиндан билса ҳам расмиятчилик учун уларни бошлаб келган эди. У Зоҳиднинг уйида Комиловни ўлдирганларнинг мурдаси ётибди, деб қаттиқ ишонган, шогирди бир балога гирифтор бўлмаслиги учун эҳтиёт чораларини кўриб қўйган эди.

Солиев бошлаб келган мутахассислар қайтиб, қўшнилари ҳам уйларига чиқиб кетишгач, Зоҳид ичкарига кирди. Меҳмонхонада ўтирган акасининг қотиллари уни кўриб беихтиёр ўринларидан туришди. Уша воқеадан кейин Зоҳид уларни кўча-қўйда учратиб қолса ҳам саломлашмас эди. Ҳа, унинг кўнглида қасос умиди бор эди. Аммо қотилларни ўлдириш хаёлига ҳам келмасди. Ундаги қасос ўти ҳақиқат учун жон олиб, жон беришга ундарди.

— Зоҳид, биз тавба қилганмиз. Ота-онанг бизни кечирдишган...— деди қадди тикроқ йигит.

— Сизларни ким олиб келди? — деб сўради Зоҳид, унинг гапига эътибор бермай.

— Танимаймиз. Мен ишда эдим. Иккита йигит борди. Гап бор, деб кўчага олиб чиқишди. Кейин қорнимга бир муштлаб, мошинага тиқишди. Эшмўминни уйдан чақириб чиқишибди.

— Кўриниши қанақа?

— Биттаси жингалаксоч, биттаси маллароқ.

— Мошиналари қанақа?

— Оқ «Жигули».

— Сизлар кетаверинглар.

— Шу пайтда қаёққа борамиз? Автобуслар ётиб қолган.

— Хоҳласангиз меҳмонхонага боринг, хоҳласангиз бозорга бориб ётинг, — деди Зоҳид қуруқ оҳангда. У автобус йўқлигидан эмас, кўчага чиқишга кўрқиб баҳона қилаётганларини сезди. Бу йигитлар ярим кечада ҳам қишлоқларига бора олишлари мумкин эди. Йигитлар Зоҳиднинг гапи қатъий эканини фаҳмлаб, бир-бирларига қараб олдиларда, бараварига ўринларидан турдилар.

— Мен гуноҳларингдан кечмаганман. Ўлгунимча ҳам кечмайман. Аммо сизлардан қасос олмайман. Номардлардан қасос олиб, паст кетмайман, хотиржам яшайверинг. Агар у дунё деганлари рост бўлса, акам билан учрашганда гапирасизлар гапларингизни.

Йигитлар бошларини ҳам қилиб чиқиб кетишди.

— Нима учун ҳайдадинг уларни? — деди Солиев. — Балки сўрайдиган гапларим бордир?

— Нимани сўрайсиз? Билганларини айтишди. Улар акамни ўлдиришган. Биттаси қамалди. Учтаси қутулиб кетди. Кимдир менга яхшилик қилмоқчи ёки «биз билан уй-нашма», деб огоҳлантирмоқчи. Агар эртага уларнинг ўлиги топилса, кўпчилик мендан гумонсирайди.

Солиев бармоқлари билан устол устини чертиб, индамай ўтирган ҳолда Зоҳиднинг сўзларини тинглар эди. Зоҳид воқеани тўғри талқин қилиб, тўғри хулоса чиқараётганди.

— Сиз бошқачароқ фикрдасиз шекилли? — деди Зоҳид, бироз қўполроқ оҳангда.

Солиев бу оҳангдан оғринган бўлса-да, сир бой бермади. Устол устини чертишни бас қилмай, индамай ўтираверди. Зоҳид шу тобда «бу одам нима учун бундай ўтирибди», деб фикрлашга қодир эмас, асаблари тушовини узиб унга бўйсинмай қўйган эди. У тирсагини устолга тираб, бошини чангаллади, сўнг устолни муштлади. Солиев шундан кейингина тилга кирди:

— Ана энди ўзингга келдинг, — деди хотиржам оҳангда. Шунақа пайтларда ёрилиб туриш ҳам керак. Уч марта чуқур нафас ол. Бармоқларингга тикилиб тур. Ҳеч нимани ўйлама. Ҳайлама. Уйда ўзинг ёлғизсан. Ҳеч ким йўқ... Ҳеч ким келгани ҳам йўқ...

— Қўйсангиз-чи, Мақсуд ака, — деди Зоҳид ўрнидан туриб.

— Ўзингни бос. Бунақа пайтда муштни эмас, каллани ишлатиш керак. Хўш, энди ўйла: бунақа воқеа аввал ҳам бўлганми? Йўқ. Аввал сен кичкина бир бўлимда инспектор эдинг. Энди прокуратурада терговчисан. Аввал майда балиқларни овлардинг. Энди катталарига қармоқ ташлаяпсан. Биринчи ишингни тузукроқ бошлашга ҳам улгурмадинг. Иккинчи ишинг кимгадир ёқмаяпти. Менга бундай қилиқ қилишмайди. Чунки феълимни билишади. Мени бошқачароқ тарзда огоҳлантиришади ёки кўрқитишади. Комиловнинг ишини чуқурлаштириш керакмас. Англадингми? Биз очиқ ишляпмиз, бошқа иложимиз ҳам йўқ. Улар кўринмас одамга айланишган. Биз улар билан пойгага чиққанмиз. Маррага биз аввал етиб борсак, илқобни йиртамыз. Ҳақиқатни очамиз. Улар етиб олса, зирҳдан ниқоб ясаб, йўлимизни тўсишади. Ҳозир улар олдинроқда кетишяпти. Улар ҳамма нарсани билишади. Ҳатто сенинг оилавий сирингача уларга маълум. Нима дейсан?

— Нима дердим? — Зоҳид ўйлагани билан тайинли жавоб топа олмади. — Кўзимни чирт юмиб, маррага қараб югуравераман...

## XXII БОБ

### I

Ҳосилбойвачча ўтирган ерида қўл узатиб, Зелихон билан кўришди. Зелихон унинг бу қилиғидан ранжиса-да, сир бой бермади, таклифни кутмаёқ, юмшоқ курсига ўтирди.

— Лақабим Академик, эшитганмисиз? — деди Ҳосилбойваччага тикилиб. Ўзига бино қўйган йигит кўпни кўрган бу чеченнинг чақчайиб турган ўткир нигоҳига дош беролмади. Бармоғидаги узукни ўйнаб туриб:

— Ҳозир ерни тепсанг, дарахтдан академик ёғилади, — деди.

— Мен ер тепса ёғиладиган хилиданмасман, биродар. Агар кимлигимни билмоқчи бўлсанг, Хонгирейдан сўра.

Бу гапни эшитиб, Ҳосилбойвачча Зелихонга бир қараб олди. Бу олам одамларини зир титратиб турувчилардан бири бўлмиш Хонгирей учун Ҳосилбойвачча деганлари чивиндай гап. Ҳосилбойвачча буни билади. Шу сабабли қарашда безовталик сезилди. Бироқ, ботиний хавотирни сиртига чиқармади.

— Менда нима ишингиз бор? Агар ёрдам сўрамоқчи бўлсангиз, олдиндан айтиб қўяй: ўғрилар билан борди-келдимиз йўқ.

— Мен бировлардан ёрдам сўрайдиган одам эмасман. Кези келганда мендан ёрдам сўрашади, — Зелихон кибор йигитнинг попуғи сал пасайганини фаҳмлаб, сенсирашга ўтган эди. — Одамларинг Фарғонда юрган экан. Турклар билан пачакилашишибди.

— Пачакилашишса сизга нима? У ерлар менинг чекимга тушган. Келгиндилар иззатини билиши керак.

— Мен ҳам келгиндиман. Бир бурда нонингни тортиб олгани келган эмасман. Худо насиб этса, ҳаммамиз юртимизга кетамиз. Сен нонингни бошқа келгиндилардан эҳтиёт қил. Туркларга тегма.

— Хонгирей бошқаларнинг ишига аралашмас эди. Сенга ҳам ўргатмаган экан-да, а?

— Ука, омадингни берсин, қўл узатсанг осмондан юлдузларни териб оласан. Мен ҳам ризқимни териб ейман. Турклар ҳам оч қолмас. Аммо қонинг иси келиб турибди, гуноҳга ботма. Одамларингни чақириб ол. У ерлар ўзингга буюради, лекин ҳозирча тегмай тур. Кўнглим ёмон нарсани сезмасан олдингга келмас эдим.

— Турклар бизни ўлдиришадими?

— Йўқ. Жанжални сенлар бошлайсанлар, қон тўкишга бошқалар тайёр туришибди. Улар қонларингни ичиб ғойиб бўлишади. Балого сенлар қоласанлар.

— Ким улар?

— Вақти келганда билиб оласан.

— Шунақами?. Мен чеченлар мард бўлади, деб эшитардим. Қуёнюраклари ҳам бўларкан-да, — деди Ҳосилбойвачча ижирғаниб.

Зелихон кўзидан учқун чақнади.

— Чеченларга тил теккизма? Сен мен билан гаплашяпсан. Агар мен сенга қараб туриб, «ўзбеклар латтачайнар экан», десам ёқаманми?

— Оахон, мен сизни одам деб гаплашишга рози бўлдим. Ҳамма нарсанинг чегараси бор. Хонгирейга танишман, деб ўзингиздан кетманг.

Зелихон Хонгирей таниш эмас, шогирди эканини айтмоқчи эди-ю, ҳамма сирни ошкор этиш шарт эмас, деган қарорга келиб, тилини тийди. У Ҳосилбойваччага айтилганини айтиб бўлган, энди туриб чиқиб кетиши ҳам мумкин эди. Зелихон шаҳардаги катталарнинг бири Ҳосилбойвачча эканини дастлаб эшитганида уни дадил, чўрткесар йигитдир, деб ўйловди. Бир неча дақиқа бурун бармоқларига тилла узуклар таққан, ўзига зеб берган кибор йигитни кўргач, ҳафсаласи пир бўлди. У мард одамларни ёқтирарди. Рўпарадаги йигит шер эмас, тулки эканини фаҳмлаб, суҳбатнинг бошидаёқ Хонгирей номини тилга олиб янглишмаган эди.

Ҳосилбойваччага бир чечен одам гаплашмоқчи, дейишганда дастлаб Хонгирейни эслади. Кейин чеченнинг оддий ўғрилардан эканини билгач, «додини бир эшитиб кўрай-чи», деб кўнган эди. Бу оддий ўғри додини айтиш ўрнига осмондан келиб, ишларига бурнини тикиб турибди. Бу одам Хонгирейга тегишли бўлмаса ҳам, чечен деган номи бор. Чеченлар одамларини бировларга хор қилдириб қўйишмайди. Хонгирей бу одамни ёқтирмаслиги мумкин, аммо Ҳосилбойвачча унга қўл кўтаргудай бўлса, бу қўллар қайрилади, синдирилади. Ҳосилбойвачча шуни билгани учун ҳам тишини тишига қўйди. Агар рўпарасидаги бу одам чечен эмас, ўзбекми, қозоқми бўлганида онасини Учқўрғоннинг қайқисидан кўрсатиб кўярди. У Хонгирейдан кўрқисини билдиргиси келмади. Шу боис Зелихонга қай ҳолда қарши олган бўлса, шу ҳолда хайрлашди.

Зелихон чиқиб кетиши билан гумаштасини чақириб «бу тавиянинг кимлигини аниқлашни» топширди. Милисахонада жиноят кўчасига кириб чиққан ҳар бир одам ҳақида маълумотлар сақланади. Жиноятчилар оламининг ҳам ўзига хос маълумотномалари мавжуд. Улар баъзан милисалардан тезроқ маълумот тўплашлари, муайян хулосага келишлари, лозим бўлса ҳўкм чиқариб, ижро этишлари ҳам мумкин.

Ҳосилбойвачча Зелихон тўғрисидаги керакли маълумотларни кечга яқин олди. Зелихоннинг қамоқда Элчин билан бирга бўлгани, озодликка чиққач ака-укадай юришлари унинг эътиборини тортди.

«Уни Асадбек ишга солмаяптими? — деб ўйлади у. — Фарғона томонларнинг меники эканига Асадбекнинг ўзи кўнган-ку? Нимага шартни бузмоқчи? Якка ҳоким бўлмоқчимми? Бу чечен орқали Хонгирейни қўлга олганми? Мен унинг пайини қирқаман, деб юрсам у ишни пишитиб қўйибди-ку?»

Бир неча кун давомида ўтирса ҳам, турса ҳам чеченнинг ташрифидан мақсад не экан, деб ўйлади. Зелихон гарчи мақсадини аниқ айтиб кетган бўлса ҳам, иштонсизнинг ҳадиғи чўпдан деганларидай, Ҳосилбойвачча унинг гапига ишонқирамай бошқа ҳаёлларга бораверди. Ниҳоят, бу ишда Асадбекнинг қўли бор, деган фикрга маҳкам ёпишди. Зелихоннинг изидан тушган одамлари унинг Асадбек қароргоҳига кирганини маълум қилишгач, фикри тўғри эканига янада қаттиқроқ ишонди. Дарди фақат бойлигу шуҳрат бўлган бу йигит сиёсатчилар оламининг маккорона қилиқлари мавжудлигини, улар кўпроқ ақл кўзлари юмўк одамлар хизматидан фойдаланишларини билмас эди. Унинг фожиага етаклаши мумкин бўлган нодонлиги ҳам шу эди...

## 2

Анвар нур билан бўлган сўнги суҳбат таъсирида гаранг бўлиб ўтирганида эшик очилиб, кадрлар бўлимининг бошлиғи кўринди. Еши ўтиброқ қолганини ҳалигача сезмай, пардоз-андозини қанда қилмовчи бу жувон ҳар куни эрталабдан ходимларнинг жиғига тегарди. Ҳолидий даврида интизомни назорат қилиш шу хонимга топширилган, бу вазифа бошлиқ ўзгарганидан кейин ҳам фидойилик билан бажариларди. Ун беш дақиқа кеч қолган ходим бу хонимнинг темир дафтарига тушар, «қайта қуриш ишига сезиларли улуш қўша олмаётгани учун» мукофотлардан маҳрум этиларди. Анвар барвақт туриб, ишга барвақт келишга ўргангани учун бу рўйхатга тушиш бахтидан бенасиб эди. Кадрлар бўлимининг бошлиғи унинг кеч қолишини жуда-жуда истарди. Қани эди, Анвар ишга кечикса-ю, бу хушхабарни Холидийга етказса, ҳайфсан эълон қилиш ҳақидаги бўйруққа имзо чектириб чиқса... Вақт-бемаҳал хоналарни ҳам айла-ниб юрўчи хоним эшикни очганида «навбатдаги текширўв шекилли», деб ўйлашди. Хоним тўғри Анварга яқинлашди-да, сал энгашиб «Сиз мен билан юринг», деди. Бу сирли қақирув хонадагиларнинг диққатини тортди. «Энг кичкина илмий ходим» маънодор қилиб йўталиб қўйди. Анвар хонимга бир қараб олиб, қоғоздаги сатрларни диққат билан ўқиётгандай мўк тушди.

— Юринг, деяпман, — деди хоним чимирилиб.

— Тинчликми? — деди Анвар қоғоздан бош кўтармай. — Ишга вақтида келганман. Худо хоҳласа вақтида кетаман. Қайта қуришда жон-дилим билан иштирок этипман... — Юринг, — хоним бу сафар қатъийроқ, буйруқ, оҳангида гапирди. — Майна-возчилик қилмай, орқамдан юринг.

Анвар ўрнидан туриб бошини эғди-да, итоаткор қўл каби унга эргашди. Хонада

енгил кулги кўтарилди. Кадрлар бўлими бошлиғи хонаси эшигини очиб, Анварга «киринг» деди. Анвар остона ҳатлағач, ўзи ташқарида қолиб, эшикни оҳиста ёпди.

Анвар диванда ўтирган йигитни бир қарашда таниди. Миқтидан келган, сочлари ораста таралган, нигоҳи олазарак бу йигитни идорада деярли барча танийди. Авваллари бундай одамлар пинҳона иш юритишарди. Замон ўзгариб, идораларга очиқчасига келадиган, очиқчасига «дилдан суҳбат курадиган» бўлиб қолишди. Анвар кириб келиши билан миқти йигит ўрндан туриб, жилмайган ҳолда, кадрдонлардек саломлашди. Унинг қўллари қаттиқ, қоғоз-қаламга ўрганган Анварнинг бармоқлари унга дош беролмади.

Миқти йигит мақсадга дарров кўчмай, гапни узоқдан бошлади. Аввал Анварнинг саломатлигини суриштирди. Онасининг соғлиғи ҳам назаридан четда қолмади. Акасининг чет элга бориш-бормаслиги билан қизиқди. «Чет элларга бориб дарс ўтадиган зўр олимларимиз бор экан, фахрланишимиз керак», деб таъкидлашни унутмади. Анвар унинг гапни маъқуллаб, акаси билан фахрланишга ваъда берди. У жиловни бўш қўйиб, миқти йигитнинг мақсадга кўчиш онини сабр билан кутди.

— Ўзингизнинг диссертациянгиз ҳам бўлай деб қолдимиз?

— Мусулмончилик аста-секин, бўлиб қолар.

— Мавзу қанақа эди?

— «Колхозлаштиришда партия ячейкаларининг рўли».

Миқти йигит ажабланиб Анварга тикилди. Анвар тўппа-тўғри гапни айтгандай, хотиржам, киприк қоқмай ўтираверди. Йигит кулимсираб, бош чайқади.

— Ҳазилни ҳам эшворар экансиз. Назаримда бошқачароқ эди.

— Эсингизда йўқмиди? «Рус истилоси ва Туркистонда миллий озодлик ҳаракати»...

— Ҳа, ана энди эсладим.

— Бу мавзудан воз кечиб, колхозлаштириш тарихи билан шуғулланишни буюрган эдингиз, буни ҳам эсладингизми?

— Буйруқ эмас, директорингизнинг таклифини айтувдим. Сиз кўнмай, тўғри иш қилган экансиз. Ҳамма ҳам янглишади. Биз ҳам оз-оз адашганмиз.

— Шунга айтгани келдингизми?

— Ҳа, энди бир суҳбатингизни олай, дедим-да. Ёрдам керак бўлса, ёрдам берайлик.

— Ёрдамми?.. — Анвар унга синовчан тикилди, — Ёрдам керак. Идорангизнинг архивдан фойдаланишга рухсатнома олиб бера оласизми?

Миқти йигит қоғозчага телефон рақамларини ёзиб, узатди:

— Эртага соат тўртда телефон қилинг. Мен аниқлаб қўяман. Бу қийин масала эмас.

— Менга рухсатми?

— Яна бир оғиз сўз: диссертациянгиз ҳақида гапирмадингиз, ёқлашга тайёрми?

— Танишиб чиқмоқчимисиз?

— Агар мумкин бўлса... Хизмат юзасидан эмас. Ўзим тарихга қизиқаман.

— Тарихга қизиқсангиз мен сизга китоблар рўйхатини берай.

— Диссертация-чи?

— Тайёр эмас.

— Шунча йилдан бери ишлайсиз-ку. Мен тайёр деб эшитувдим.

— Кимдан?

— Ҳа, энди кимлигини билишингиз шарт эмас. Тайёр қисмини ўқиб чиқишим мумкинми?

— Йўқ. Чала ишни бировга кўрсатмайман.

— Диссертация... ўзингиздами?

Шу саволдан кейингина Анвар Холидий билан бўлган суҳбатни эслаб, миқти йигитнинг мақсадини тушуниб етди. Унга қараб туриб кулди:

— Уч-тўрт кунга аммамга бериб юборган эдим. Йўқотиб қўйибдилар.

— Анвар ака, майнавозчиликсиз гаплашайлик.

— Майнавозчилик қилаётганим йўқ. Диссертация йўқолган.

— Йўқолганми ё... чет элга сотилганми?

— Чет элга? Бе, бир жиннининг ҳимоя қилинмаган диссертацияси кимга керак?

— Шунга қизиқадиганлар ҳам бор. Демак, диссертация йўқми?

— Ким сизга йўқ деди? Дессертация бор. Аммо чала. Ўзингиз замон ўзгарди, дедингиз. Демак, уни энди янги замон кўзи билан қараб чиқиш керак. Тарих фани фоҳишага ўхшаб ўзгариб туради, биласиз-ку? Яқинда жиннихонадан тузалиб чиқдим. Энди ўтириб ишлайман. Чет элга сотворган деб, сизга нотўғри маълумот беришибди. Бу хабарлари учун уларга ҳақ тўламанг. Чет элга бунақа гаплар беш-ўн йил олдин керак эди. Ҳозир уларни бошқа нарсалар қизиқтиради. Жинни бўлсам ҳам бунга ақлим етади.

— Диссертациянгизни эртага олиб кела олмайсизми?

— Тилхат ёзиб бера қолсам-чи? Диссертация ўзимда турибди, чет элга сотмайман, маъқулми?

Авалли суҳбатда Анвар «бу мавзу билан шуғулланмайман», деб ёзиб берган эди.

Ҳозир шуни эслатиб, пичинг қилди. Йигит бунн тўғри тушуниб, унга бир варақ қоғоз узатди. Анвар ўйлаб ўтирмай тез-тез ёзиб берди: «Берурман ушбу тилхатни шул ҳақда-ким, сариқ чақага арзимас «диссертация» деб аталмиш матоҳ ҳамон ўзимдадир ва уни ўзим бирлан гўрга олиб кетгумдир.

Байт: Дунёнинг ишига бермоқ керак тан:  
Усган соч қирқилди, ошгач ҳаддидан!»

Миқти йигит тилхатни ўқиб, кулимсираб қўйди-да, Анварга рухсат берди.

Анвар бу суҳбатда руҳининг янчилганини сездирмай, ўзини эркин тутган бўлса-да, даҳзилга чиққанидан сўнг томоғига бир нима тикилиб, кўз олди қоронғилашди. Дераза олдига етгач, тўхтади. Утган суҳбатда бу миқти йигит ҳамкорлик қилишни таклиф этган эди. Идорадаги майда-чуйда гаплардан, айниқса тузумга, ҳукуматга қарши гаплардан огоҳ қилиб туриш эвазига катта ёрдамлар ваъда қилиб эди. Унга жавобан Анвар «Мен сотқинга ўхшайманми?», деган, миқти йигит эса, «Бу сотқиннинг эмас, чин ватанпарварнинг иши», деб таъкидлаган эди. «Бу даргоҳда неча «ватанпарвар» бор? — деб ўйлади Анвар. — Шаҳарда-чи? Ҳамма ёқни «ватанпарвар»га тўлдириб юборишмадимми? Битта одамнинг орқасидан нечаси пойлайди? Гап пойлаб, гап етказгандан кўра ўлгани яхши эмасми одамнинг?...»

Хонасига киргиси келмай, кўчага чиқди. Қаерга боришни аниқ билмади. Яратганнинг синовли бу дунёсида тўғри яшаш ниҳоятда мушкул. Холидийга ўхшаганларнинг эса ошиғи ҳамини олчи. Замон ўзгарадими, тузум ўзгарадими, уларга фарқи йўқ. Анварга ўхшаб тўғри яшайман, деганлар умр бўйи улар билан олишиб ўтади. Анварга аләм қиладиган ери шундаки, холидийлар халқ кўз олдида кўкрак кериб, ваъз айтадилар, ўзларини энг фидойи, миллатпарвар қилиб кўрсатадилар. Очилмиш кўзлари уйқуга зор ўлмиш халқ уларнинг нутқларидаги сохта оҳанглари дарров пайқамайди. Уларни узоқ вақт олқишлайди. «Халқимни севаман, халқим учун курашаман», деган гапларга барча мафтун бўлади. Ҳар бир одам халқнинг фарзанди. Фарзанд бурчи ота-онани севмоқ, ота-она учун лозим бўлса жонини фидо қилмоқ эмасми?... Қайси имонли одам маҳалла гузарига чиқиб «мен онамни севаман!» деб бақиради?... Бу одам бақираётган маҳалда онаси ўлим тўшагида, оғзимга ким бир томчи сув томизаркин, деб илҳақ ётган бўлади... Анвар бу ҳақда кўп ўйлаган. Ҳозир ҳам хаёлида шу фикрлар. «Халқим» деб юрганлар, «ватанпарварлар» уни яна сотишибди. Ҳамқасбини сотган одам эртага шу халқни, шу Ватанин сотмоғи мумкин эмасми? «Ҳамма ёқни сотқин босиб кетган, ҳатто бир вужуднинг ўзида ўнг қўл чап қўлни сотади...» Анвар шуларни ўйлаб, тунов куни Собитхон қори айтган гапни эслади. Шайтон Одам Атога ҳасад қилиб Оллоҳнинг қаҳрини келтиргач, «шу бандангни менга топшир, мен уни тўрт томонидан ўраб олай» деган экан. Оллоҳнинг «бандамни қандай ўрамоқчисан?» деган саволига шайтон: «Мен уни олд томондан амалпарастлик пардаси билан ўраб, кўзини кўр қиламан. Унг томонини нафс балоси, чап томонини эса ваҳшат ва фаҳш пардаси билан ўрайману ўзим орқасига ўтиб, аста-аста жаҳаннам сари итариб бораман», деб жавоб берган экан. Анварнинг назарида ҳар бир одам орқасида бир эмас, бир неча шайтон туриб олгандай. Кўзлар боғланган, одамларнинг эса нафс жиловлари ечиб юборилган...

Анвар қайси кўчалардан юргани, қайси трамвайга чиққанини дастлаб дуруст идрок этмади. Хаёллар тўфони бироз босилиб, кўчалардаги таниш манзараларни фарқлай бошлагач, жиннихонага бораётганини фаҳмлади. «Уша ерда ётганим ҳам дуруст эди, — деб ўйлади у. — Ҳарҳолда улар бир-бирини сотмайди-ку, бир-бирини иғво қилмайди-ку, амал талашмайди-ку...» Мўлжалдаги бекатда туриб, тор кўчага бурилганида ҳам хаёлида шу фикр эди. Назарида ҳозир у боради-ку, жиннихона уни қучоқ очиб кутиб олади. У Асадбек билан бош табиб орқасида бўлиб ўтган қисқа суҳбатдан беҳабар, бу даргоҳ эшиги унинг учун тақа-тақ беркилганини билмас эди.

Табиббоши унинг «тоби қочганини» эшитиб, кулимсиради.

— Ҳозир баҳор ҳавоси. Ҳамманинг юраги сиқилади. Кўпроқ очиқ ҳавода юринг, ўтиб кетади, — деди мулойимлик билан. У Анварнинг барча гапларига ана шундай мулойимлик билан жавоб қайтарди.

— Эртага Элчин билан бирга келаман. Жой тайёрлаб қўйинг, — деди Анвар.

— Ким билан келсангиз ҳам сизга жой йўқ. Сиз соппа-соғ одамсиз. Узингизни ҳам, бизни ҳам қийнаманг.

— Кўнгул пора-пора, дил жароҳатга тўла... Мирзо Анвар, сени жиннилар ҳам сафларига қабул қилмаслар. Аросатда чирийсан, энди вужудинг ваҳшат ичра тор-мор ўла-жак! — Анвар саҳнада сўйлаётган каби баланпарвоз оҳангда гапириб, ўрнидан турди.

Жиннихонадан чиқиб трамвай йўлига бориш учун қабристонни кесиб ўтган тор кўчадан юриш керак. Қабристон устидан юриб бораётганларини билган айрим ҳайдовчилар машиналарини секинлатадилар, айримлар танга ташлаб ўтадилар, айримлар эса тезлики камайтирмай, ёмғирдан мерос қолган кўлмакларни сачратиб ўтиб кетадилар.

Қабристоннинг пастак деворига қадалган энсиз йўлакчадан бораётган Анвар бе-

ихтиёр индамаслар дунёсига кўз ташлади. Ёруғ дунёда биров бой, биров камбағал яшагани билан, ўлим топганидан сўнг тенглашади, дейишади. Дарҳақиқат, бойга ҳам, камбағалга ўша ер, ўша кафан тегади. Униси ҳам, буниси ҳам тупроққа қорилади. Аммо алдамчи бу дунё худбинлигига банди одамлар қабрларнинг тепаларига мармар тошлар бостириб, қабрда ётган одамнинг ёруғ дунёда пулдор бўлганидан огоҳ этиб турдилар. Анвар шу хаёлда тўхтаб, бир-бирига мингашиб кетган қабрларга разм солди: қора мармар, оқ мармар... ғишт сағаналар... Ҳеч қандай тош ўрнатилмасдан суваб қўйилган қабрлар усти эса лолақизғалдоқларга бурканган. Баҳор ўзининг неъматлариғи фақат шу қабрлар устига сочган. Қаққайиб турган қимматбаҳо тошлар бу гўзаллик орасида шумшайиб, кўзга хунук кўринади. Анварнинг назарида қабрдаги руҳлар лолақизғалдоқларга айланиб, бу дунё кўркамлигидан шодланар, тош остидагилар эса эзилиб, зулматга банди эдилар...

«Тириклик билан ўлим ўртасида шу паст, юпқа девор бор, — деб ўйлади Анвар. — Деворнинг у томони осойишталик. Бу томони нотинчлик. Ҳасад ўтида қоврилиб, бир-биримизга хоинлик қилиб, охири у томонга ўтамиз. Риё, хиёнат, ҳасад, мунофиқлик... хасталикларига тупроқ остида даво бормикан? Умри шу хасталик билан ўтган, бу хасталигидан ўзи лаззат олиб яшаганлар у дунёда нимадан роҳатланар эканлар?.. Мен ҳам бир кунмас бир кун келаман. Жисмим тупроқ остида, руҳим бошқа томонларда бўлади. Кимдир деворнинг нариги томонидан туриб, қабримга қарайди. «Бу ерда ётган ким экан, тириклигида нима каромат кўрсатган, экан?» деб ўйлайди. Қабрим, унинг устида очилган лолақизғалдоқлар соқов — унга жавоб беролмайди. Чайқалиб турган лолақизғалдоқлар ҳозир мени кўриб туришибди. Менга нимадир дейишяпти. «Биз ҳам ҳолидийлардан куйганмиз, қўй у дунёни, кел биз томон», деяптими? Одамлар олтмиш-етмиш ёшга тўлдим, деб зиёфатлар берадилар. Бунга қувониш эмас, балки қайғуриш керакдир? Узоқ яшамай, деворнинг у томонига тезроқ кетиш балки айни бахтдир?..»

### 3.

Анвар кўчасига бурилиб, эшиги рўпарасида турган оқ «жигули»ни кўриб ажабланди. «Меҳмон келибди шекилли», деб қадамини тезлатди. Машинага яқинлашгач, ундан жингалаксочли йигит тушиб, салом берди. Анвар уни қаердадир кўрган эди. Дафъатан қачон, қаерда кўрганини эслолмади.

— Бек акамнинг сизда ишлари бор экан, — деди йигит.

— Бек акангиз... ким?

— Асадбек ака.

Анвар энди эслади — бу йигитни Элчиннинг тўйида кўрган эди.

— Ҳозир боришим керакми?

— Ҳа.

— Тинчликми, ўзи?

— Борганда биласиз...

Анвар машинага ўтирди.

Асадбек шаҳар марказидаги хос хонасида Чувринди билан маслаҳатлашиб ўтирар эди. Эшик очилиб, аввал Жамшид кўринди. Сўнг Анвар кириб келди.

— Келинг, мулло Анвар, — деди Асадбек ўрнидан туриб. — Бормисиз, бу оламда?

— Юрибмиз, худо деб...

Асадбек уни такаллуф билан кутиб олди. Анвар «Элчин ҳақида бир гап деса керак», деб ўйлади. Лекин Асадбек бу ҳақда сўз очмай, Анварни гангитиб қўядиган саволни берди:

— Жиннихонада яна нима қилиб юрибсиз?

Анвар «бекорчиликда шундай айланиб борувдим», демоқчи бўлди-ю, гапни чалғитишнинг фойдаси йўқлигини англаб, индамай елка қисиб қўя қолди.

— Қўйинг-е, мулла Анвар. Сизга ярашадиган иш эмас бу. Сиз бизга тарихимизни тўппа-тўғри гапириб беринг. Биров ғиди-биди деса бизга қўйиб беринг. Сиз мен ҳақимда ваҳимали гапларни кўп эшитгансиз. Шу ваҳималарнинг бир фоизи ҳақиқат. Мен бировнинг бурнини ноҳўя қонатган боламасман. Аксинча, мени бу ҳаётда ноҳақдан ноҳақ роса тепкилашган. Ноҳақ жабр чекиш нималигини яхши биламан. Менинг ўз адолатим, ўз ҳақиқатим бор. Бу адолатим сизни хўрламоқчи бўлганларнинг танобини тортиб қўйишга руҳсат беради. Керак бўлса Ҳолидий деганингиз келиб оёғингизга бош уради.

— Йўқ, керакмас.

— Мен уни мажбур қилмайман. Бунга ўзингиз эришасиз. Сиз ишингизни қотириб бажарганингиздан сўнг тан беришга мажбур бўлади. Тан бериши оёққа бош уриши билан баравар.

— Хотирингизни жам қилинг, Бек ака, улар икки дунёда бировга тан беришмайди. Итнинг думига айланган сув илондан нима кутиш мумкин?

Анвар Асадбекнинг лақаби «ўқ илон» эканини билмаган ҳолда сув илонни итнинг думига айлантирди. Сув илон билан ўқ илон қулоққа деярли бир хил эшитилгани учун

Асадбекнинг турқи бир ўзгарди. Бу ўзгариш узоқ давом этмай бир лаҳзада йўқолди — суҳбатдошлар сезмай ҳам қолдилар.

— Холидий деганингиз қамалиб чиққан экан, ҳақ-ноҳақнинг фарқига бормайдими?

— Қамалиб чиққанини қаердан билдингиз?

— Ҳа, телевизорда кўп гапиради-ку? Қодирий ҳақида гапиришса ҳам чиқади, Усмон Носир дегани ўтган экан, у ҳақда ҳам гапирди. Кеча Ҳамид Сулаймон деган одамни ҳам устозим деди. Йигирма беш йил ўтирганми?

Анвар кулди.

— Ўтирган бўлса йигирма беш ҳафта ўтиргандир. Лекин у ёқда қанақа хизматлар қилган экан? Бек ака, сиз Шорасул Зуннун деган одамни эшитганмисиз? Лазиз Азизода деганиничи? Тўхтасин Жалолов, деган алломалар ўн йиллаб ўтиришган. Биронтасидан «мен қамоқда ўтирдим, азоб чекдим», деган гапни эшитганмисиз? Нима учун бу кўп вайсайди? «Қўрққан олдин мушт кўтарар» деган мақол бор-ку?

— Бу ёғини ўйламабман, — деди Асадбек иягини қашиб.

— Акам тўғри топдилар, — деди Чувринди суҳбатга араллашиб. — Кўп гапириши бежизмас. Урушдан кейин қанча одам қамалиб, қанчаси оқлиниб чиқди. Биронтаси фанг демайди. Битта ёзувчи қамоқдан китоб ёзиб чиққан эканми?

— Ҳа, — деди Анвар. — У киши ҳам индамай кетдилар...

Эшик қия очилиб, Жамшид кўринди. Асадбекнинг савол назарига жавобан телефонни имлаб кўрсатиб, «Элчин ака, куёвингиз», деб гапни қисқа қилди.

— Ҳа, тинчликми? — деди Асадбек гўшакни қулоғига тутиши билан. Элчин тўйдан кейин ўзича бир келиш у ёқда турсин, кўнғироқ ҳам қилмаган, шу боис, Асадбек унинг бу кутилмаган йўқловидан бироз хавотирланган эди. Элчиннинг нималар деганини хонадагилар эшитишмади.

— Ким? Академикми? — Асадбек шундай деб Чувриндига қаради. — Қанақа иш? Шунақа зарурми? Яхши, келинглр, ўртоғингиз ҳам шу ердалар. Анвар. Ишим бор эди, чақиртирдим. — Шундай деб гўшакни норози бир кифдада жойига қўйди.

— Хуллас, мулла Анвар, сиз ишингизни қилаверинг.

— Ҳўп, кетаверайми?

Асадбек унга қараб кулимсиради.

— Ўхшатмасдан учратмас, деганлари рост. Икки ошна роса топишгансизлар. Бировнинг гапи ёқмаса дарров жириллаб берасизлар. «Насихатга ҳам, ёрдамга ҳам муҳтож эмасман», демоқчисиз-да, а? Акаси, бизни нима деб сўксаларингиз сўкаверинглр. Қулоқларимиз бунақа сўкишларни эшитавериб пишиб кетган. Аммо биз ҳам одаммиз. Дардимиз фақат пулу сиз ўйлагандек одам ўлдириш эмас. Бизда ҳам юрак бордир, дард бордир, борингки, виждон ҳам бордир. Темир таёқ эмасдирми ҳарқалай. Ҳеч бўлмаса «нимага чақиртингиз, юмушингиз бормиди?» деб сўрамайсизми? Мен ёшларга насихат қилиб ўтирадиган бекорчи бобой эмасдирман?

— Мен унақа демадим-ку?

— Тилга чиқариб айтмасангиз ҳам, ранг-рўйингиз билдириб турибди. Мен сиз билан учрашиб, маслаҳатлашмоқчи эдим... Тўғрироғи, бир илтимосимни айтмоқчи эдим. Отамни қирқ тўққизинчи йилнинг ўттиз биринчи декабрида олиб кетишган. Нимагалигини ҳалигача билмайман. Олтимиш биринчи йилда суриштирганимда бир парча қоғоз беришди. Эллик иккинчи йилда вафот этган эканлар. Эллик бешинчи йилда оқлашган экан. Билганим шу. Архивларни титишга ақлим етмайди. Кўмилган ерларини аниқламоқчи бўлдим, яқинлаштиришмади. Менга ўхшаганларга рухсат беришмайди, шекилли. Сиз олим одамсиз, бир шўғулланиб кўрсангиз...

— Мен ишдан қочмайман, аммо бизнинг ҳам архивга етиб боришимиз қийин.

Асадбек Чувриндига қаради.

— Бу ёғидан хотиржам бўлинг, — деди Чувринди. — Қанақа тўсиққа дуч келсангиз, менга айтаверинг.

Хушбим қиз нозли юриш билан кириб келди-да, чақалоқнинг муштидай кичкина, зарҳал юритилган пиёлаларига қаҳва қуйиб узатиб, ширин жилмайиш ҳадя этгач, яна ўша нозли юриш билан чиқиб кетди. Асадбек унинг юришига ҳам, жилмайишига ҳам эътибор бермади. Чувринди кўз қирини ташлади-ю, ўзини тийди. Кесақполвон бўлганида жилмайишга жилмайиш билан жавоб бериб, қизнинг изларини кўзлари билан ўпиб чиқарди.

Асадбек қаҳвадан ҳўплаб, отаси ҳақида билганларини сўзлаб берди. Ўша янги йил кечаси ва тонгидаги кечинмаларини айтмади. Аввало бу кечинмаларини баён қила олувчи сўзамол эмасди, қолаверса, бу кечинмалар айтилгани билан бировга, айниқса бу олим йигитга таъсир этадими ё йўқми — худо билади. Отаси ҳақидаги ҳикояси Элчин билан Зелихон кириб келгунича давом этди.

#### 4.

Зелихон «гапимни ёлғиз ўзингиз эшитишингиз керак», дегач, Элчин билан Анварга

қўшилиб Чувринди ҳам хосхонадан чиқди. Бўтқа уларни ўнг томондаги хонага бошлади. Чувринди у ёққа кирмай, кўчага чиқиб кетди.

— Оғайнингнинг сендан яширадиган сири борми? — деди Анвар, ёлғиз қолишгач.

— Мендан эмас, сендан яширади. Сен ҳарҳолда синашта эмассан.

— Бу оламнинг одами эмассан, десанг-чи?

— Шунақа деса ҳам бўлади. Буларнинг ўзига яраша ташвиши бор. Уларнинг тилига биз тушунмаймиз.

— Ҳозир бировнинг шўрини қандай қилиб қуритишни келишиб олишадими?

Элчин ўртоғига норози қиёфада қараб олди. Анвар унинг кайфияти унча эмаслигини сезиб, бошқа гап қўшмади. Шу онда нурнинг айтганларини эслади: «... дўстингнинг дўсти хавф остида...»

— Эл, оғайнингнинг иши пачавароқ эмасми?

— Нимага ундай деяпсан?

— Тўғриси айт, хатарли гирдобга тушиб қолмаганми?

— Йўқ.

— Унда нима учун бу ерга бошлаб келдинг?

— У бир ёмонликнинг исини сезиб қолган. Шу ёмонликни қайтармоқчи.

— Демак, шу... — деди Анвар паст овозда, худди ўзига ўзи гапиргандай.

— Нима дединг?

— Оғайнингнинг ҳаёти хавф остида, уни йўлдан қайтар.

— Жиннимисан, нима деяпсан?

— Олдин жинни эдим. Тузалгансан, деб ўзинг олиб чиқдингку? — деди Анвар пичинг билан. Элчин беихтиёр ноҳўя сўз айтиб юборганини билиб, узр сўрагандай уни тиззасига уриб қўйди.

— Сен ҳам экстрасенс бўлиб қолдингми? — деди гапни ҳазилга буриб.

— Жиддий гапиряпман. Оғайнинг керак бўлса, тўхтатиб қол.

Элчин бироз ўйлагач, елка қисди.

— Уни тўхтатиб бўлмайди. Ёнига балки биз ҳам қўшилишимиз керакдир?

— Мен ҳамми?

— Билмадим... Бир жойда катта уруш чиқадиганга ўхшайди. У шунинг олдини олмоқчи. Қаерда, қанақа уруш, менга айтмади. Олдиндан миш-миш тарқалишини истамаяпти.

— У ўғримиди?

— Ҳа.

— Ўғриликдан қайтдимми?

— Йўқ. Ўлгунча ҳам қайтмайди.

— Қанақадир урушга аралашиб нима қилади?

— Билмайман.

— У чечен, а? Қадимда миллатлар, тиб уруғлар бўлиниб олиб бир-бирини қирган эди. Ушанақа урушнинг ҳиди келмаяптими? Ҳозир бунақа қирғинлар кўпайиб қолди-ку? Иккита миллатдан иккита тентакни уруштириб қўйиб, ўт чиқариш осон ишга айланди.

— Анвар, ростдан ҳам билмайман. Менга очиқ айтмади. Жума куни Фарғонага тўйга бормоқчимиз, балки йўлда айтар?

— Балки унгача қайнотанг айтар?

Жамшид билан Бўтқа кириб, уларнинг суҳбати узилди. Жингалаксочни кўрди дегунча Элчиннинг баданига титроқ кирадиган бўлиб қолган эди. Бўтқа уларга пиво қуйиб бериб, чиқиб кетди. Жамшид бу уйда одам борлигига парво қилмай, мақсади худди суҳбатни узишдан иборат бўлгандай, юмшоқ ўриндиққа чўкиб, индамай ўтираверди.

— Сен ўшанда Учқудуққа борганинда қамоқнинг ичидаги қамоқда ўтирган эдим, — деди Элчин, худди суҳбатни узилган жойидан давом эттираётгандай. — Бир хунасароқ одам бор эди, ҳамма нарсага бурнини тикаверарди. Бир куни шартта оғзига пайтавасини ёпиб, кекирдагидан олдим. Мендан гумонсирашди-ю, аммо бўйнимга қўйиб беришолмади. Бир-икки одам ўлдирганингдан кейин хумори тутиб тураркан. Қамоқда хуморёздига имкон бор эди. Қутилиб келганимдан бери хумор тутиб, қийналиб кетяпман.

Анвар Элчиннинг мақсади бу йигитнинг жиғига шунчаки тегиш, деб тушунди. Дўстининг Жамшидга нисбатан нафрати кучли экани, юрагида ўч туйғуси борлиги, шубҳасиз унга қоронғи эди. Шу сабабли Элчин гапига ўзича тўн кийдирди:

— Энди ўлдирсанг, бир-икки қошиқ иссиқ қонидан ичиб юбор, шунда хуморинг қўзимайдиган бўлади. Қадимда жаллодлар шундай қилишар экан. Қассоб қонсираса, шартта битта қўйми, хўрозми сўяди. Жаллод қонсираса нима қилади? Подшолар ҳар куни одам сўйишга ҳукм чиқаришмаган-ку? Умуман, ошна, сенга ҳавасим келади. Мен ҳам бир-иккитасини ўлдиришим лозим-ку, аммо кўрқаман. Қўлим қалтираб кетса керак. Лекин икки марта хўроз сўйганман. Иккинчисида типирчиладидан кўрқиб қўйиб юборибман, дегин...

— Одамнинг иши осон. Кекирдагига соласан, тамом...

Икки ошнинг гапларини эшитиб, Жамшид эснаб қўйди.



Асадбек Зелихоннинг гапларини диққат билан эшитди.

— Бу ишга менинг нима алоқам бор? — деди пича мулоҳаза қилгач.

— Ҳосилбойваччани сиз йўлга солишингиз мумкин.

— Менми? Ким айтди буни сизга?

— Шахарнинг зури учта. Учинчиси Манасян. У аралашмайди. Икки урушқоқ подшонинг кучи қирқима унга яхши.

— Нимага?

— Ҳосилга сўзим ўтмайди. У ўзиникини маъқуллайдиган бола. Унга Хонгирей бир нарса деса балки...

— Хонгирей ҳам аралашмайман, деяпти. Хонгирейни ҳукуматнинг одамлари огоҳлантириб қўйишганга ўхшайди.

«Хонгирейни огоҳлантиришган бўлса... демак... биз аралашгудай бўлсак, ҳукумат бизни ҳам омон қўймайди. Истаса бир кечада яксон қилиб ташлайди, — деб ўйлади Асадбек. — Бу чечен нимага типирчилаб қолди? Тўртта ўзбек билан турк урушса унга нима? Сибирдаги қамоқхоналардан каллакесарлар қочган бўлса, ўзбек билан туркнинг урушига нима алоқаси бор? Улар кимга хизмат қилади?..»

Асадбек Зелихонга тикилди. Бу чақчайган, ўткир қарашли кўзларда мунофиқлик учқуни борми-йўқми, аниқламоқчи бўлди. Бир неча нафаслик нигоҳ буни аниқлаш учун кифоя этмади. Асадбек қаттиқ тикилса, унча-бунча кўзлар дош беролмасди. Зелихон эса «ўқ илон» деб ном чиқарган бу одамдан заррача тап тортмай ўтираверарди. Аслини олганда, жиноятчилар оламнинг ёзилмаган қонунига кўра, улар бир-бирларига душман эдилар. Зелихон Асадбекдан ёмонлик кўрмаган, унга даъвои ҳам йўқ, уни душман деб билмайди. Шунинг учун ҳам бу ерга дадил келди. Элчин билан Асадбек орасидаги душманлик тўйдан кейин камайган деган фикрда. Бироқ, Асадбекка Зелихоннинг ким экани маълум, кейинги ойлари ичи кўрган ташвишлари шу одам туфайли эканини, қизини ўғирлаб зўрлашда ҳам, Шилимшиқни ўлдирешда ҳам Элчиннинг ёлғиз бўлмаганини энди аниқ билади.

Элчин кўнғироқ қилганидан сўнг Анвар билан сўхбатини давом эттирган бўлса-да, хаёлининг бир чети «уларнинг мақсади не экан?» деган саволга жавоб топиш билан банд эди. Зелихон воқеани баён қилаётганида ҳам, ҳозир ҳам шу саволга жавоб изларди. Зелихоннинг тўғри гапларига ишона қолмасди.

Асадбек шу пайтгача кўнглини ранжитган одамни кечирмаган. Тиз чўкиб тавба қилганлар ҳам унинг ғазабидан бенасиб қолишмаган. Йўқ, у гуноҳкорларни бир четдан ўлимга ҳукм қилавермас эди. Ўлим — сўнгги чора. Бу чорани камдан кам ҳолларда қўлларди. У жорий этган ўзига хос жазо усуллари мавжуд. Сулаймоновнинг тақдири, Шилимшиқнинг сургун қилиниши ана шу усулларданки, сиз бунга гувоҳсиз. Асадбек кейинги пайтда кўнгли бўшлиқ қиялпими ё эҳтиёткор бўлиб қолганми, ҳар нечук жазо усуллари юмшатди. Рўпарасида ўтирган чеченни уч-тўрт йил аввал бўлганида ўйлаб ўтирмай ўлимга ҳукм қилиб юборарди. Ҳозир эса унинг маслаҳатларига қулоқ тутиб ўтирибди. Унинг гуноҳини кечириб қўйиш мумкинми? Гапларига ишониб керакми? Мақсади Ҳосилбойвачча билан уруштириб қўйиш бўлса-чи?..

— Мен ўша томонларнинг тузини ичганман, — деди Зелихон, орадаги сукутни бузиб. У бу ёққа келаётганидаёқ Асадбекни ишонтириш осон эмаслигини билган эди. Асадбекнинг ўйга толганини кўриб, фурсатдан фойдаланди — ўтмишдан сўз очди. — Ўғирликни ҳам ўша ёқда ўрганганман. Бир кун устам билан бойвачча одамнинг уйини урдик. Ҳамма нарсасини шилиб кетаётганимизда устамнинг кўзлари бир халтага тушиб, менга «қара-чи, нима экан», дедилар. Қоронғида нималигини билмай, ялаб кўрсам, туз экан. Устамга «туз экан», десам, «қайдан билдинг?» дедилар. «Ялаб кўрдим», дедим. «Ў, падарлаънат, касофат», дедилар-да, тўплаган мол-матохни уй ичига қайтардилар. «Бу хонадонда туз ичгандай бўлибмиз, молини ўғирласак, гуноҳга ботамиз», деб, қупқуруқ чиқиб кетдилар.

Асадбек бу ҳикоя нима учун айтилганини аниқ тушунмай:

— Ҳа, шунақа мард одамлар бор эди, — деб қўйди.

Зелихоннинг ҳикояси ёдига устозини солди. У одам ҳам ғоят мард эди. Улар эгасиз ҳовлида ошиқ тешишарди. Асадбек болаларга қўшилиб тамошага келарди. Қиморбозларнинг улар билан ишлари йўқ. Кейинчалик Асадбекни қанотига олган Садирбеккина болаларни ҳайдагани ҳайдаган эди. Садирбек бунинг сабабини анча кейин, Асадбек уйланаётган маҳалда тушунтирди:

— Қиморбоздан худо безор, болам, — деган эди у. — Қўлимдан миллион-миллион сўм пўл ўтди. Аммо бирим сира икки бўлмади. Сени болам деганман. Вақти келса, болам бўлиб, бир парча кафанга ўраб кўмиб қўйсанг бас. Эсингдами, болагингда нуқул сенларни ҳайдардим. Ушанда мен қиморни ўрганишларингни истамасдим. Пешонангда бор экан, сен қўшилиб қолдинг. Бизни худо ургани етарди... Сенга айтадиган гапим битта: никоҳингнинг эртасигаёқ қиморни ташлайсан. Кўнгил узолмасанг, қозилик қил. Тирикчилигинг ўтиб туради. Аммо қимор ўйнама. Сен бир куни «нима учун уй-

ланмайсиз?» дедим. Саволингга энди жавоб берай: бир қизни суйиб уйланган эдим. Йигирма кунлик куёвман, улфатларим «супрақоқди»га келишди. Бирпасда бор нарсамни ютқаздим. Келиннинг деворга ёйилган латта-лутталари ҳам кетди. Йигирма кунлик келин «эримнинг ўртоқлари келибди», деб хизмат қилиб юрибди. Бир маҳал у самовор кўтариб ўтиб қолмайдими, кўзим унга тушиб қолмайдими, шайтон «хотинингни тик», деди, шартта тикиб юбордим. Ютқаздим. Мен ялиндим, хотиним дод деди, қаёқда, қий-чувга парво қилмай, отга ўнгариб олиб кетди. Шу хотиннинг уволи тутади мени...

Йиғламсираб айтилган бу гаплар Асадбекнинг юрагига михланиб қолди. Қиморни ташлади. Аммо устасини одам қаторида дафн қилиш унга nasib қилмади. Русия томонларга кетганича қайтиб келмади. Шериклари ҳам тайинли жавоб айтишмади...

Ҳозир Асадбек шуни эслади. Эслади-ю, аммо тилига чиқармади.

— Мен ўша жойнинг тузини ичганман, — деди Зелихон, гапини такрорлаб. — Урушда бизни ҳайдаб келишган. Биз тиф кўтариб келмадик. Бўш қўл, оч қорин билан келдик. Онам ҳам, бувам ҳам ўша ёқда ётибдилар. Кафанликни ҳам ўзбеклар беришган. Мен кичкина бола эдим. Итдай хор қилиб ҳайдаб келишган. Туркларнинг бошига ҳам шу кун тушган. Хорлик нималигини биламан. Бувам ичган тузингни оқла, деганлар. Ўғри бўлиб кетдим. Бувамнинг васиятларини бажармадим. Энди ҳам қараб турсам ярашмайди. Сиз гапларимга ишонмаяпсиз.

— Ҳа, — Асадбек шундай деб ўрнидан турди.

— Тўғри қиласиз, — деди Зелихон, — дарров ишонсангиз, сизни нодон дердим.

— Мен ўйлаб кўраман. Сиздан бир илтимосим бор. Элчин кўпроқ сизга суянади. Гапингизга қулоқ солади. Унга тайинланг, жим юрсин. Ҳаддидан ошмасин. У ашулачи, ашуласини айтиб юраверсин.

— Сиз ҳақсиз. Мен ҳам унга шундай дедим.

## XXIII БОБ

### 1

— Тўйхонами ўзи, бу? — деди Зелихон, Аҳадбей билан қучоқлашиб кўришиб. — Нимага жим-жит? Мана, ўзбекнинг энг зўр ашулачисини олиб келдим. Тўйингни гулла-тиб беради. Тўйингнинг довуғи бутун Фарғонага таралмаса, башарамга тупурасан. Аҳадбей ошнаснинг гапларидан кулимсираб, Элчин билан кўришди.

— Мана, сизлар келдингиз, тўй энди бошланади-да, — деб уларни ичкари бошлади. Пастак дераза олдида ўтирган Исмоилбей уларни кўрган эди. Меҳмонлар остона ҳатлаб уйга кирмай туриб, уларга пешвоз чиқди.

— Омон келдингми, болам, кўзим тўрт бўлиб ўтирувдим.

— Самолёт вақтида учмай, хуноб қилди. Элчин, етмишга кирган куёв бола шу киши бўлади. Қани ота, қўлни узатинг, — Зелихон шундай деб Исмоилбейнинг бармоғига тилла узук тақди. Иккинчи узукни чолнинг кафтига қўйди. — Буниси холамга, ўзингиз тақиб қўйинг. Аҳадбей, ошна, сен билан мен бахтли одаммиз. Ота-онасининг олтин тўйини кўриш ҳаммага ҳам nasib қилмайди. — Зелихон ён чўнтагидан тахи бузилмаган бир даста пул чиқариб, Аҳадбейга узатди. — Ҳозир битта буқа топиб ағдарасан. Қозоннинг каттасини ос. Ошдан еганларнинг ҳаммаси шу ёшга етсин, олтин тўйларни кўрсин. Микрофонларни ўрнат, ҳофиз тинмасдан ашула айтади. Элчин келганини билса уйингга одамлар сиғмай кетади. Ўзбекларга ўзбекчасини, туркларга туркчасини айтади. Чеченчасини билмайди бу хумпар, билса уни ҳам айтарди. Бу ҳофизга етадигани йўқ, оламда!

— Болам, кел ўтир, — деди Исмоилбей, босиқ оҳангда. Шу оҳанг Зелихоннинг тантанавор кайфиятидаги ҳовурни ўчирди. Ота-боланинг кўзларида шодиёна учқуни кўринмаганидан ажабланиб, чол кўрсатган томонга ўтиб ўтирди. Исмоилбей пичирлаб дуо ўқиб, юзига фотиҳа тортди.

— Нима гап, тинчликми ўзи? — деди Зелихон.

— Тинчлик, — деди Исмоилбей, кейин ўзича нимадир деб пичирлаб, кўзини юмди. Бир неча тундан бери у тушида денгизни кўради. Тўлин ой денгиз адоғига ёнбошлаб, мавжлар узра узун нурли пойандоз ёзади. У ширинтой ўғлини елкасига ўтқазиб, шу пойандоз устида юриб боради. Бирдан ой юзини булут парчаси тўсади. Пойандоз йўқолиб у сувга шўнғийди. Қанча типирчиламасин, сув қаърига тортаверади. Бу манзарани бир марта кўрса, сув ёруғлик деган таъбирни эслаб қўя қоларди. Кетма-кет кўраётгани учун ҳайрон... Кечаги воқеадан сўнг кўнглига хавотир оралади.

— Масковдаги вакиллар келишдимми? — деб сўради Зелихон. У ота-боланинг нохуш кайфиятига шу таъсир этдимикин, деб ўйлади.

— Қайтишди, — деди Аҳадбей, отасига бир қараб олиб. — Тарвузлари қўлтиқларидан тушиб қайтишди. Масковнинг қайтаргиси йўқ.

— Дуч келган ерларда яшаб кетаверадиган одамлар Ватаннинг қадрига етармиди? Қорин дардидаги одам Ватан дардига тушуна олмайди. Борманглар, девдим, қулоқ

солишмади, — Исмоилбей шундай деб хўрсинди. — Ватанга қайтардиган нияти бўлса, ўшанда ҳайдаб чиқаришмас эди. Яхшилик билан битадиган иш эмас бу.

— Хоҳласангиз, Ўзбекистон ичида мухтор вилоят ташкил этиб берайлик, дейишибди.

— Бундан фойда борми? — деди Зелихон Аҳадбейга қараб.

— Уларга наф бордир. На турклар, на ўзбеклар бир наф кўради бундан.

— Бизга мухтор вилоят эмас, Ватан тупроғи керак, — деди Исмоилбей. — Масковга умид билан кетдилар-у, жонга ҳаловатли хабар келтира олмадилар. Бу юракда энди на қуёш бор, на нур, на ҳаёт қўшиғи бор. Дарёдаги ёлғиз қайиқдай, маёқсиз сузамиз. Юрт ғафлат уйқусида бежон ва беҳуш. Қўрқинч булутлари даф бўлиб, ойдин чиқар, деб янглишибмиз...

Зелихон тиззасига шапати урди.

— Масков бугун кўнмаган бўлса, эртага кўнади. Шунга мотам тутиб ўтирибсизларми? Тўй-тўйдек бўлсин!

Исмоилбей аста ўрнидан туриб, қаддини машаққат билан тиклади-да, уйдан чиқди.

— Оқсоқолни хафа қилиб қўйдимми? — деди Зелихон, Аҳадбейга ажабланиб қараб.

— Йўқ, хафа бўладиган гап гапирмадинг. Бир-икки кундан бери кўнгиллари нима учундир хижил бўлиб юрибди.

— Узинг-чи? Сен нимага тумшўғингни осилтириб олгансан? Нимага одамлар кўринмайди? Тўй бугунми ё эртагами?

— Тўй... тўйни қолдирдик, ошна.

— Нима учун?

— Ўтган куни Қувасойда жанжал чиққан.

— Ўзбеклар биланми?

— Ҳа. Пивахонада бошланибди.

— Федя ўша ерда эканми?

— У кўринмай қолувди. Аммо... уруш чиқарганлар бу ерлик эмас.

— Охири нима бўлди?

— Бир йигитни отиб қўйишибди.

— Йигит ким, ўзбекми, отган — туркми?

— Отганни ўзимиз ушлаб топширдик. Тез суд қилиб ҳукм чиқаринглар, деб талаб қилиб турибмиз. Ўзбеклар орасида ғалати гап-сўзлар тарқалапти.

— Қанақа?

Аҳадбей жимгина ўтирган Элчинга бир қараб олиб, паст овозда деди:

— Туркларнинг ваҳшийлиги ҳақида.

— Демак, бошланибди... — деди Зелихон, худди ўзига ўзи гапиргандай. — Тўйни тўхтатиб тўғри қилибсан. Элчин, сен уйингга қайтавер.

— Сиз билан бирга қолсам-чи?

— Хоҳишинг... Қани, Аҳадбей, ўрнингдан тур, кетдик.

— Қаёққа?

— Селимникига.

Селим уларни хушчақчақлик билан кутмади. Унинг қарашида хавотир ҳам сезилмади. Аксинча, қутилмаган меҳмонларга ҳуши йўқлигини яширмади. Уйга киришлари билан Зелихон шарт орқасига ўгирилиб, уни ёқасидан олди,

— Отган бола ким? — деди ғазаб билан.

— Танимайман.

Селим сўзини тугатмай, қорнидан мушт еди.

— Чўпчагингни энангга айтасан, — деди Зелихон иккинчи муштни тушириб. — Ким деяпман, сенинг одамингми?

— Йўқ, бу жанжалга биз аралашмадик. У бола ҳеч кимнинг одами эмас.

— Қаерда ўтирибди, Фарғонадами?

— Йўқ, шу ерда.

— Ҳозир олиб борасан, учраштирасан.

— Милисага гапим ўтмайди.

Қорнига тушган учинчи мушт зарби кучлироқ бўлди, ҳарҳолда Селим милисага сўзи ўтиши мумкинлигини эслаб қолди.

Милисахонадагилар Селимнинг илтимосини рад этолмай, «қотилнинг амакиси бўлмиш» Зелихонга беш дақиқалик учрашувга рухсат беришди. Тўс-тўполонда уйдан милтиқ чиқариб ўқ узган йигитни кўрган одам уни биров билан урушадиган ҳоли бор, деб ўйламас эди. Мук тушиб ётган йигит Зелихонни терговчи деб ўйлаб, эринибгина қаддини кўтарди. Йигитнинг юз-кўзида кўқарган ёки тирналган жой йўқ эди. Кўзларида ҳам азоб учқунлари сезилмасди. «Наҳот, уриб-тергашмаган бўлса...». Зелихон тик бостириб бориб, даҳани остига муштани тиради.

— Менинг умрим қамоқда ўтган, — деди у дабдурустан. — Шу сабабли сен билан пачакилашиб ўтирмайман. Тўғрисини айтмасанг, ичагингни бошингга салла қилиб ўраб кетаман. Милтиқни сенга ким бери?

— Үзим олдим. Уйда турган эди.

— Нимага отдинг?

— Қувлаб келишди.

— Терговчига шундай дедингми?

— Ҳа.

— Мен терговчи эмасман. Менга тўғриси айтишинг керак, тушундингми?

— Тўғриси...

Йигит қорнига мушт тушиб, букчайиб қолди. Зелихон кекирдагидан чимчилаб, уни қаддини ростлашга мажбур этди.

— Наша чекасанми?

— Йўқ.

— Нашани кимдан олдинг ўша куни?

— Чекмайман, дедим-ку?

Зелихон унинг қорнига яна бир мушт урди. Букчайган қаддини бу сафар ростламади.

— Ким берди, Селимми?

Йигит оғриқ зўридан ингради, аммо жавоб бермади. Зелихон уни қулоғидан чўзиб, бошини кўтарди. Йигит кўрқиб кўзини олиб қочди. Зелихон икки бармоғини омбур қилиб унинг кекирдагини қимчиди.

— Селим бердимми?

— Ҳа... — йигит шундай деб ўқчиб юборди.

Зелихон бошлаб бир тепсамми, деб хезланди-ю, «буни ургандан нима фойда», деб ўзини тийди.

## 2

Элчин Зелихонга қўшилиб милисахонага бормади. У Аҳадбей билан бирга эски «Запорожец» ёнида қолди. Икковлон биттадан чекишди. Аҳадбей катта шаҳардаги об-ҳавони суриштирган бўлди. Табиатан камгапроқ Аҳадбей Зелихон таърифидеги «зўр ашулачи» билан нима ҳақда сўхбатлашини билмас эди. Бир пайтлар лашкари шону шухратдан иборат бўлган Элчиннинг номи аввалдан таниш, унинг кейинги умри эса, табиийки, унга қоронғу эди.

Элчин Аҳадбейни сиртдан биларди. Зелихон қамоқдалигида ҳам, озодликка чиққанидан кейин ҳам у ҳақда гапирган эди. Бироқ Элчин Ватан ҳажрида диллари вайрон бу одамларнинг қисмати ҳақида ўйлаб кўрмаганди. Ҳозир унга қараб туриб, кам айтган ашулаларидан бирини эсламоқчи бўлди:

«Сен эй, бедард, найлайким, кўнгул дардини билмайсан...»

Шухрат булутида сузган чоқларида, дили қайғуга бегона, маишатга ошно дамларда кўнгул дарди ҳақида қандай куйлади экан? Ажаб, қўшиқнинг оҳангини ҳам унутибди. Энди у дил азоби нима эканини билади. Лекин бу одамга дардқаш бўла оладими? Эски «Запорожец»ига суяниб турган Аҳадбей дардини тушуниш, боши узра тўпланаётган ҳасрат балоларини ҳайдашга кимнинг қурби етади? Хўрлик кўчасидан ўтиб келган Зелихон ҳам унинг дардини тўлалигича ҳис қила олмас... Бу дунёда қасос жомини сипқориб лаззатланиш учунгина тирик қолганман, деб ҳисобловчи Элчин Ватандан қувилган, бегона тупроқ узра тарикдай сочилган ҳалқи тақдирдан куяётган одам дардига қандай шерик бўлиши мумкин? Аҳадбей юраги жаҳаннам азобларининг яқинлашаётганини сезиб беҳаловат тепади. Ҳадемай «Ватани йўқнинг имони йўқтур», деган тилларнинг, Ватан томон термилиб, нури қочган кўзларнинг гулҳанда куяжагини билмас-да, қалбини ўша бўлажак аланга тафти куйдира бошлаган.

Аҳадбей мезбоннинг ҳадеб жим туравериши одобдан эмас, деган қарорга келиб, ёнидан Зелихон берган пулни чиқарди-да, Элчинга узатди:

— Мендан олмайди, сиз бериб қўйинг... — деди.

Элчин унинг мақсадини тушунди — йўқ тўйга тўёна олишни истамаяпти. Балки Зелихоннинг «битта буқа топиб, ағдарасан...» дегани малол келгандир? Мол сўйишга қурби етмаган одам тўй бошламайди. Зелихон соф кўнгилда тўёна берган бўлса-да, гапларидаги оҳангда бироз манманлик, миннат сезилган эди. Элчин Аҳадбей шундай оғринган, деб ўйлаб, бош чайқади:

— Мендан ҳам олмайди. Феълини биласиз-ку? Сал қўполроқ гапиргани билан кўнгли тоза.

Аҳадбей кулимсираб, бош чайқади. «Мен унинг гапидан хафа бўлмадим», демади. Шунга айтса, «демак, барибир қўпол гапи дилини оғритган экан-да», деган фикр чиқиши мумкин эди.

— Сиздан илтимос, ука... Отам айтдилар. Гапларини қайтара олмайман. Худо хоҳласа, замон тинчиса, тўйни қолдирмаймиз. — Аҳадбей шундай деб, Элчиннинг тисланишига қарамай, пулни пиджагининг чўнтагига солиб қўйди. — Худо хайрингизни берсин, ука...

Кўп ўтмай уларнинг ёнида Селимнинг машинаси келиб тўхтади. Селим иш битди, деган мақсадда ҳайрлашиш учун Аҳадбей сари қадам қўйганида Зелихон уни тўхтатди:

— Уйинга юр, — деди ғазаб билан.

Аҳадбей дўстининг авзойи бузилганини билиб, унга яқинлашди-да, билагидан ушлади.

— Зели, кетдик, — деди қатъий оҳангда.

— Сен нари тур, — Зелихон бир силтаниб, қўлини бўшатди-да, безрайиб турган Селимга ўшқирди: — Уйинга кир, хунаса!

Селим аҳвол чатоқлигини сезиб, қафасдаги қуш ҳолига тушди. Бир Зелихонга, бир хотиржам Элчинга қаради. Элчинни Зелихоннинг каллакесар шогирдларидан деб гумон қилиб, оёқларига қалтироқ югурди. Зелихон уни бўйнига чанг солиб, судради.

— Зели оға, сизга нима бўлди? Сизга нима ёмонлик қилдим...

Селим дарвозадан ичкари киргунича ялинчоқ овозда шу гапларни такрорлайверди. Остона ҳатлаши билан Зелихоннинг оёғи ҳам ишга киришди. Гўштдор одамнинг тўртбеш қадам учиб тушганини орқадан келаётган Элчин ҳам, Аҳадбей ҳам сезмай қолишди. Селим ўрнидан туришга ҳаракат қилиб типирчилади. Зелихон унга яқинлашиб, сочини тутамлаб кўтарди-да, жағига мушт урди. Элчин Зелихоннинг мутлашишини кўп кўрган. Бунақа пайтда уни тўхтатиб қолиш жуда мушкул. Ажратмоқчи бўлганлар ҳам унинг мушtidан ёки тепкисидан бенасиб қолмайдилар. Элчин Селимнинг кимлигини, калтакка лойиқми ё йўқми, билмаса-да, Зелихонга эрк бериш номаъқул эканини фаҳмлаб, орқасидан кучоқлади. Аҳадбей чаққон юриб келиб, Зелихон билан Селим орасида туриб олди.

— Аҳадбей, қоч, — деди Зелихон, тишини ғижирлатиб.

— Зели, ўзингни бос, фойдаси йўқ.

Бу орада ошхона томондан аёл кишининг фарёди эшитилди. Бир нафас ўтмай, семиз хотин «вой-дод, эримни ўлдириб қўяди», деганича лопиллаб югуриб кела бошлади.

— Қайт, — деди Зелихон унга қараб ўшқириб. — Қайт, деяпман! Жойингда дамингни чиқармай ўтир!

Хотин унинг нўписасига парво қилмай, эрини тўсди. Аҳадбейнинг рўпарада туриши, хотиннинг қалқон бўлиб олгани ҳам фойда бермади. Зелихон бир силтаниб Элчиннинг кучоғидан чиқдию Селимни тепди. Хотин эр билан овора, Элчин билан Аҳадбей эса Зелихонни маҳкам ушлашди.

— Гуля, милисага тилпон қил! — деб бақирди аёл, ошхона томон қараб.

— Зели, қўй уни, кетдик, — деди Аҳадбей.

— Йўқ, қўймайман, — деди Зелихон. — Ҳаммасини шу бошлаган. Қўйвор мени, — Зелихон шундай деб силтанди. — Қўйвор, бу хунасага тегмайман. Сен чиқиб маҳалладаги турклар билан ўзбекларни чақириб кел. Мен бунинг айбини бўйнига қўяман. Ўзбеклар буни тошбўрон қилишсин.

Аҳадбей итоат билан чиқди. У одам тўплашга улгурмай Селимнинг дарвозаси рўпарасида милисанинг машинаси келиб тўхтади. Ундан икки милиса йигит тушди. Улар остона ҳатлашлари билан Зелихон:

— Орқага қайтларинг! — деб буюрди.

Милиса йигитлар аввалига буйруққа итоат этиб, тўхтадилар. Сўнг «ким экан бу, бизга буйруқ берадиган?» дегандай яна бир-икки қадам қўйдилар.

— Қайтинглар! — деб бақирди Зелихон, сўнг Селимга ўгирилди. — Кимлигимни биласан, а? Айтиб қўй, қайтишсин!

Селим Зелихонга қўрқибгина қараб олиб:

— Қайтинглар, — деди.

Милиса йигитлар кўчага чиқишди-ю, аммо машиналарига ўтиришмади. Бу орада ўнга яқин одам тўпланди. Аҳадбей кўпчиликни айтган бўлса ҳам, чўчибми, мулоҳаза қилибми, чиқишмади. Зелихон оқ ятак устидан майда қавиқ тўн кийиб, белбоғ боғлаган, бу тутам оқ соқоли ўзига ярашган чолга яқинлашиб, қўш қўллаб сўрашди-да:

— Ота, — деди, — мана бу одамни танийсизларми?

— Ҳа, таниймиз, болам, — деди чол, юзи қонталаш Селимга ажабланиб қараб.

— Бу одам эмас, шайтоннинг урғочиси, буни ҳам биласизми?

— Ундай деманг, болам, бу ҳам Худонинг бир бандаси.

— Худонинг бандаси бунақа бўлмади-да, ота. Бу одам тузингизни ичиб, тузлигингизга тупурди. Кечаги тўс-тўполонни шу бошлаган. Отган бола билан ўзим гаплашиб чиқдим. Мен чеченман, ота. Аммо ўзбекнинг нонини еганман, сувини ичганман. Турклар билан қисмат бир. Бу бармоғимни тишласам ҳам оғрийдим, бунисини тишласам ҳам оғрийдим. Орада қон тўкилишини истамайман.

— Худо хоҳласа низо чиқмайди, болам. Қирқ йил бир гап ораламаган, энди оралайдими? Ешлар...

— Йўқ, ота, калта ўйламанг. Буларнинг оёқлари зулмга қараб етакляпти. Бегуноҳ инсон қонлари тўкилади.

— Астағфируллоҳ, денг, болам, Ёмон нафас қилманг.

— Бу хунасани тошбўрон қилиб ўлдиринглар. Жавобини мен бераман. Тошбўрон қилмасаларинг ўзим ўлдираман. Шу савобни деб қамоқда чириб кета қолай.

Чол Зелихонга яқинлашиб, гўштсиз бармоқлари билан унинг ғазабдан ёниб турган юзини силади. Зелихон сесканиб кетди. Бобосининг бармоқларини эслади. Бобоси ўлганидан бери бу юзларни биров меҳр билан силамаган эди...

— Болам, шайтонга ҳай беринг. Гуноҳи бўлса, ана, милиса турибди. Олиб борсин, сўроқ қилсин...

Чолнинг бармоқлари Зелихон вужудига ҳукм ўтказаяётган ғазабни енгди. Ғазаб, нафрат чекинди-ю, бирдан хўрлик булути босиб келиб, кўзлари намланди.

— Ота, кўнгилчанлик қилманглар. Бунақаларнинг мингтасини йиғиштириб келсангиз, битта пичоққа соп бўлмайди-ю, аммо ҳаммаёқни қиёмат қилиб кетиш қўлларидан келади. Сиз милисага ишонманг, ота.

— Болам, мендай нодон чолга хўп, дея қолинг, юринг, — чол шундай деб уни елкасига қоқди. Шундан сўнг ҳозиргина шер кепатасидаги Зелихон қўй ҳолига тушди.

— Кетайлик, — деди Элчин, — ота тўғри айтяптилар.

— Мен бу хунасага яхшиликча айтган эдим, — деди Зелихон, худди ўзига ўзи гапиргандай. — Арининг уясини кавлама, кўчиб кет, дедим... Бу кўр, мен соқов эканман. Кўр билан соқов икки дунёда бир-бирининг гапига тушунмайди... — Зелихон шундай деб, бўшашган ҳолда дарвоза томон юрди. Милиса йигитларнинг олдидан ўтаётганида тўхтади: — Обориб тиқиб қўйиш қўлларингдан келадими? — Йигитлар жавоб ўрнига бир-бирларига саволмуз қараб олдилар. Зелихон улардан тасдиқ жавобини кутмаган ҳам эди. Агар Селимнинг адолатли жазо олишини билганида уни дўп-посламас, одам тўплаб «тошбўрон қилинглар», демас эди.

— Ҳақиқий эркак бўлиш учун ўғил бола бўлиб туғилиш кифоя эмас, — деб тўнғиллади Зелихон, «Запорожец»нинг орқа томонига ўтириб. Бу гапни кимга қарата айтганини Аҳадбей ҳам, Элчин ҳам англамади.

— Бекорга бўғилияпсан, — деди Аҳадбей. — Гапингга кириб тошбўрон қилишганида баттар бўларди. Чол тўғри қилди.

Элчин суҳбатга қўшилмади. Унинг назарида ҳам оқсоқол энг тўғри йўлни танлаган эди. Элчин бу воқеани бир неча кундан сўнг яна эслайди. Ана ўшанда «Чол тўхатмай, Селимни тошбўрон қилдирганида балки бу қиёмат содир бўлмасмиди», деб ўйлайди.

Табиатга ҳукм ўтказган қиш ер сатҳини безайди. Одам юрагида кўз очган қиш эса дилни музлатади, инсонга ҳусн бермайди. Кўнглини ўз ҳукмига олган муз одам боласига хос меҳр-шафқатни маҳф этади. Оқибатда эса йиртқич ҳайвонларни ҳам лол қолдириши мумкин бўлган ваҳшийликлар содир бўлади.

Зелихон, чолнинг бармоқлари юзига тегиши билан кўнгли юмшаган бўлса ҳам, аламдан тушмаган эди. «Агар бир итни ўлдирсанг, одамлар сендан нафратланишади, — деб ўйлади у. — Олдин «бу ит қутурган» деб ишонтириб, сўнг ўлдирсанг, раҳмат айтишади. Селим итдан баттар махлуқ эди. Қутурган итни балки даволаш мумкиндир. Пул қутуртирган одамни-чи? Уни фақат ўлдириш керак. Нимадан кўрқисди?..»

— Аҳадбей, аэропортга ҳайда, — деди Зелихон буйруқ оҳангида. — Элчинни кузатиб қўяйлик.

— Бир-икки кун қоламан, — деди Элчин, эътироз билдириб. — Ошна-оғайнилар билан отамлашиб кетай...

— Узинг биласан. Мен булар тинчигунча Аҳадбейникида бўламан. Аҳадбей, Фарғонага ҳайда. Федяни топайлик.

Элчин шаҳарни кесиб ўтган сой бўйида тушиб қолди. Эски «Запорожец» машиналар оқимига қўшилиб бурилиб кетгунича орқасидан тикилиб турди. «Зели оға ҳозир гап кўтара олмайди, — деб ўйлади у. — Ташлаб кетсам ҳам бўлмайди. Жигарларим дўзахда куйса, мен жаннатда яйраб яшай оламанми, деди. Кўнгли ёмонлик сезяпти. Наҳот, арзимас жанжалдан катта фожиа туғилса?! Илгари йигитлар уришмаганми, бир-бирига пичоқ тортмаганми? Нимага энди қиёмат бошланиши керак? Қорабоғдаги аҳвол маълум. Тил бошқа, дин бошқа, дил бошқа. Тили бир, дини бир, урф-одати бир одамлар бир-бирларининг қонларини нимани баҳона қилиб тўкадилар? Зели оға ошириб юборяпти шекилли? Ҳар нима бўлганида ҳам, бир-икки кун шу атрофда юрай-чи... «Рақиб кула бошлар, яқин дўстинг аҳволингга чекмаса қайғу...» Элчин шу тўхтамаг келиб, сой бўйидаги самовархона томон юрди.

Элчин яқиндагина бўёқдан чиққан сўрига бориб ўтирди. Соининг лойқа суви айқириб, бетон қиргоқни ялаб ўтади. «Одамнинг умри ҳам шу сойга ўхшайди, — деб ўйлади Элчин. — Дам мана шу лойқа сувдай зардобга тўлиб оқади. Дардини қаёққа сингдиришини билмайди... Ҳаёт икки қирғоғи бетонланган соининг ўзи. Бир қарич четга чиқмайсан. Айниқса лойқа дамларда қийин. Бу сой ҳам бора-бора тинчийди, тинади. Шунга мажбур, бошқа иложи йўқ...»

— Ассалому алайкум, Ҳофиз ака...

Қироат билан берилган салом уни хаёл дунёсидан қайтариб, овоз келган томонга ўгирилишига мажбур этди. Марғилоннуса дўппини бошига қийишқ қўндирган, қалдир-

ғоҷ мўйлови ўзига ярашиқли, кўзлари кулиб турувчи йигит Элчин ўғирилгач, яна бир марта салом берди-да, кўшқўллаб сўради.

— Омонмисиз, ака, бугун қуёш қаёқдан чиқди, деб турсам, сизнинг келишингиз экан-да, — йигит кўрпачанинг бир четига ўтириб, юзига фотиҳа тортган бўлди. — Сизни кўриб, аввал кўзимизга ишонмадик. Ака, бир лутф кўрсатиб, бизнинг сўрига ўтсангиз, бир чўқимгина ошимиз бор эди.

Элчин бу йигитни танимагани учун таклифни қабул қилишга иккиланди.

— Сиз ҳеч ҳижолат бўлманг, ака, — деди йигит. — Санъат шинавандалари йиғилганмиз. Мен театруда ишлайман. Хизматга эндигина кирган вақтимда бир келган эдингиз. Шу-шу кўнгилни эгаллаб қўйгансиз. Исмиим Толибжон, ака, марҳамат қилинг.

Элчин кўпам ноз этмай, ўрнидан турди. Тенгқур ҳамкасблар ичкарида давра қуришган экан. Уларнинг айримлари Элчинни аввал ҳам бир-икки кўрган, айримлари доврўғини эшитган эди. Элчин шуҳрат отидан барвақт тушиб қолмаганида бундай даврани менсиз қўшилармиди, йўқми — Худо билади. Амалдорлар мансабдан тушган куннинг эртасигаёқ ёлғизланиб қоладилар. Узини дўст тутиб юрганлар юз буриб кетаверадилар. Шуҳрати сўнган санъаткорларни эса бу аччиқ қисмат кутмайди. Уларнинг мухлислари сақланиб қолади. Айниқса ҳамкасблар юзаки бўлса-да, қуллуқ қилиб турадилар. Инсофи бор санъатчи «осмонда сузиб юрганымда буни менсимамай дуруст иш қилмаган эканман», деб ҳижолат бўлиши мумкин. Отдан тушса ҳам эгардан тушмайди-ган хили эса, «мени иззат қилишга мажбурлар», деб йўнилмаган таёқдай ўтираверади. Элчин Фарғонада кўп бўлган, кўп зиёфатларнинг тўрида ўтирган. Кўп одамлар билан кўл бериб сўрашавериш ҳам эриш туйилган. Ҳозир ўша қилиғи эсига тушиб одамларни менсимамай ранжитгандирман, деб бироз уялди.

Даврадагилар Элчиннинг ташрифидан астойдил қувондилар. Меҳмонни ҳижолатга қўйиши мумкин бўлган гаплардан гапирмадилар, хотираларни тилга олмадилар. Элчин билган одамларни бир-бир эслаб, сўраб-суриштирди. Даврадагилар дам ҳазил билан, дам афсус билан жавоб қайтардилар. Ош сузилишидан олдин Элчин:

— Фарғона тинчми, ўзи? — деб сўради.

— Тинч бўлмай қаёққа борарди. Қизил пошшомизни Масковга депутат қилиб сайлаб қўйганмиз. Дўппини бошга чамбарак қилиб юрибмиз, қизил пошшо даврида Фарғонамиз би-ир гуллайдиган бўлиб турибди.

— Толибжон эрта-саҳарда биринчи овоз берган, — деди даврадагилардан бири. — Нима бўлса Толибжон жавобгар.

Аскияга суяги йўқ йигитлар Толибжонни бир-бир «олишгач», Элчин яна бошлаб қўйган гапига қайтди.

— Турклар тинчми?

Кутилмаган бу саволдан ҳамма бир-бирига қараб олди.

— Туркларга нима бўлибди, — деди Толибжон ажабланиб. — Бир гап борми?

— Ҳар хил миш-мишларни эшитяпмиз.

— Бу миш-мишлар етиб келмади бизга. Бир гап бор бўлса эшитардим. Қўшним турк. Кунда бўлмаса ҳам кун ора бир коса овқатни биз уларга илинамиз, эртасига улар бизга илинишади. Шавкат тоға деганимиз мени «ўғлим-ўғлим», деб бошига кўтаргудай қилади. Бугун эртаман чикиб иккита қўйимнинг жунини олиб бердилар, денг. Агар уларга тегишли ноҳушроқ гаплар бўлса, мен эшитардим. Шавкат тоға ҳамма дардларини менга айтадилар.

Элчин орага ноўринроқ савол ташлаганини фаҳмлаб, гапни театрга буриб юборди.

— Бугун Водилда концертимиз бор, ака, ошдан кейин жўнаймиз. Биз билан бориб иккитагина ашула қилиб берсангиз жаннатни ҳадя этгандай бўлардингиз-да...

Элчин бу таклифга кўнди. Уни тамошанинг иккинчи бўлимида чиқарадиган бўлишди. Тамошага тўпланганлар Элчиннинг келганини эшитган, дам-бадам «Элчин чиқсин!» деган ҳайқириқлар эшитилиб қолар, бу хитоблар унга доврўқли кунларини эсига солиб, юрагини ҳаприқтирар эди. Элчин торни созлаб турганида Толибжон башанг кийинган бир йигитни бошлаб келди. Элчин унинг кўзларида ташвиш учқуни кўрди.

— Ҳа, Толибжон, баҳай? — деди ҳазил оҳангида. Толибжон жавоб беролмай, кўзларини олиб қочди. Унинг ўрнига йигит жавоб қайтарди:

— Мен обкомданман, мафкура бўлимидан, — у шундай деб ён чўнтагидан қизил гувоҳнома чиқарди.

— Қўяверинг, ишондим, — деди Элчин, гувоҳномага қарамай.

— Сиз бугун саҳнага чиқа олмайсиз.

— Нимага энди?

— Концерт — мафкуравий тадбир. Репертуарини обком тасдиқлаган. Сиз нима айтасиз, биз билмаймиз. Маданият министрлигидан рухсатингиз бўлиши шарт.

— Жон ака, бу кишини биз таклиф қилганмиз. Ўзларича келганлари йўқ, — деди Толибжон бўғилиб. Элчин бу масалада анча гап-сўз бўлганини англаб, жилмайди:

— Толибжон, акангизни қийнаманг.

— Ҳа, ана, тушунар экансиз-ку! Мен буларга тушунтираман, деб жигарим қон

бўлиб кетди. Утган ҳафта Дадахон деганлари келиб «Қўзғалинг», деган ашула айтибди. Партбилетимни қўйишга сал қолди.

— Ташвишланманг. Айтмасам айтмабман-да. Сибирнинг совуғида томоқни олдириб қўйганман. Илгариги овоз йўқ. Қамалганимни эшитгансиз, а? — деди Элчин, обком вакилига синовчан тикилиб.

— Ҳа... йўқ... шунақамиди? — деди йигит. Кейин Толибжонга ўғирилди. — Мен жойимда бўламан.

У нари кетиши билан Толибжон бўралаб сўкди.

— Кимдир чақибди. Дарров етиб келибди-я! Узини гўлликка солишини қаранг... Билмасмиш... Ака, узр, энди...

Элчин бағрида ғазаб ўти аланга олаётганини яшириб, ҳазин жилмайди-да, унинг елкасига қўлини қўйди.

— Унинг жойи қаерда экан?

— Биринчи қаторда. Қоққан қозиқдек ўтиради.

— Сиз ҳижолат чекманг, Толибжон. Агар хўп десангиз, бир иш қиламиз. Бу нусха концертга чиқмасин, деди-а? Мен танаффусда иккита ашула айтиб бераман. Сиз танаффус эълон қилинг-у, дарров пардани ёпманг. Чиққанимдан кейин ёпасиз. Хиралик қилса, мен билмадим, деб тураверинг.

Толибжон пича ўйлангач, таваккал, дегандай қўл силтади.

— «Пахта рақси»дан сўнг тайёр туринг.

Танаффус эълон қилиниб, беш-ўн одам ўрнидан қўзғолишга улгурмай, саҳнага Элчин чиқиб келди. Уни таниганлар бирданига қийқириб, ҳуштак чалиб юборишди. Шу заҳоти шошқич равишда парда ёпилиб, Элчин саҳна чеккасида тамошабинлар билан юзма юз қолди. Уринларидан турганлар «танаффус эълон қилиниши ҳазил экан-да», деган ҳаёлда қайта ўтирдилар. Биринчи қатордаги обком вакили эса шарт туриб, саҳна ортига олиб борувчи зина томон юрди.

Мухлислар ҳаяжони тингач, Элчин энгил таъзим қилиб, сўз бошлади:

— Мени унутмаганингиз учун қуллуқ, азизларим. Урушдан олдин Юсуфжон қизиққа «сиз рамкадан чиқиб кетяпсиз», деб танбеҳ беришган экан. Шундан сўнг уста кейинги томоша пайтида бўйинларига бир расмнинг рамкасини солиб чиқибдилар. «Менга шундай дейишган эди, энди рамкадан чиқмай гапирман», дебдилар. — Утирганлар кулиб, қарсак чалишгач, Элчин ўзини энгил сездди. — Мен бу томошага меҳмонман. Шу сабабли танаффус пайтида рамкадан чиқмай иккитагина ашула қилиб бераман. Бу ашулалар Ватандан узоқда, озодликни қумсаб юрган пайтларда туғилган. Мен ҳақимда сиз турли гап-сўз эшитгансиз. Гапнинг тўғриси шуки, гуноҳим учун жазолашган. Ҳақли жазони ўтаб, ҳузурингизга қайтдим.

Элчин торнинг созини бир текшириб олгач, титроқ оҳанг янгради. Якка торда, ғижжаксиз, доирасиз қўшиқ айтиш расмдан чиққани учун аввалига мухлислар бир гарангсиб олишди. Электрга уланган Оврупо чолғу асбобларининг шовқинига кўника бошлаган қулоқларга торнинг инграши ғалати туюлди. Сўнг... Элчиннинг бўғиқ, дардли овози таралди...

Ўқсир кўнгил қуши —

Тушди қафасга.

Сира етолмайдир

Эркин нафасга

Қаро кунлар тушди менинг бошимга...

Тўпланганлар қўшиқни нафас ютиб тинглашаётганда бирдан микрофон узиб қўйилди. Элчин бунинг сабабини дарҳол англади-да, овозини бироз кўтариб, қўшиқни давом эттираверди. Орқароқдаги мухлисларга овоз етиб бормай бетоқат бўлиб хуштак чала бошлашди. Элчин «тинчланинг», дегандай қўл кўтарди-да, пастга тушди. У кенг давра ўртасида тургандай ашуласини давом эттирди.

Эй! Сен мени ҳақир кўрган, тубан деган афанди!

Эй! Устимда бир умрга хўжа бўлмоқ истаган.

Эй! Бўйнимга кишан солиб, ҳалокатга судраган,

Кўзларингни заҳарлатиб ўйнатмагил, бас энди!

Қўшиқ шу ерга келганида саҳнага бир йигит чиқиб микрофонга яқинлашди-да: — Элчин ака, бу ёққа чиқинг, чироқни уладик, — деди узрли оҳангда.

Элчин торни чалишни тўхтатмай, саҳнага қайтди.

Кишанларинг занг босгандир, сергак бўлким, узилур,

Томиримда кўзғалишнинг ваҳший қони гупирди.

Эски фикр, анъаналар энди буткул узилди.

Ё битарман, ёки сенинг салтанатинг бузилур!

Элчинни аввал билганлар ҳам, билмаганлар ҳам қўшиқларни ҳайрат билан тинглар эдилар. Илгари ёр васлини куйлашдан бошқасини билмаган бу хушвоз ҳофиз уларга бутунлай ўзга кўринишда кўринмоқда эди. Бир жуфт қўшиқ икки-уч жуфт бўлди ҳамки,



мухлислар уни қўйиб юборишмади. Қўшиқдан қўшиққа ўтгани сайин Элчиннинг ўзига нисбатан ишончи орта борди. Ҳосилбойвачча хорлаганидан бери кўнгли чўкиб юрган эди. Бу издиҳомда онадан қайта туғилгандай бўлди.

## XXIV бо6

### 1

Шариф Намозов шаҳар марказидаги уч қаватли қадимги бино ертўласида шундай сарой жойлашганини етти ухлаб тушида кўрмаган эди. «Асадбек идорасида кутиб ўтирибди», деган хабар келганида идора деганнинг шундай хашамдор бўлишини ўйламаганиди. Шу пайтгача бунақа одамлар пинҳона иш юритишади, деган фикрда эди. Шундай сароймонанд жойда ўтиришибдими, демак, ўзларига ишонишади. Давлат ҳам айшингни суравер, деб уларга қўйиб берибдими, демак, ҳазиллашиб бўлмайди.

Кесакполвон Шариф Намозовни қандай кутиб олиш хусусида Бўтқага аниқ кўрсатма берган эди. Бўтқа хўжайинининг топшириғини аъло даражада ўринлатди: Намозов остонада кўриниши билан пешвоз чиқиб, салом берди:

— Бек акам ҳозир бўшаб қоладилар, окахон, унгача бир пиёла чойимиз бор.

Шариф Намозов Бўтқанинг изидан юриб, шинам бир хонага кирди. Меҳмон ўрнашиб ўтириб олгач, кафтдек қутичани қўлига олиб, телевизор томон тўғрилаб тугмачани босган эди, экран ёришди.

— Сиз баҳузур ўтира турунг, — деди Бўтқа унга илтифот кўрсатиб.

Телевизорда хорижнинг томошаси кўрсатилаётган эди. Намозов шундай беҳаё томошалар мавжудлигини эшитганди-ю, аммо кўришга иштиёқи ҳам, вақти ҳам йўқ эди. Ҳозир қарамай деса ҳам, кўзи томошага тортиб кетаверди. Шу зайлда хонага дўндиқ бир қиз кириб келганини сезмай қолди. Қалта қўйлакли дўндиқ кўлидаги патнисни курсига қўйиб нозли жилмайиб қўйди.

— Қаҳва олиб келдим, — деди-да, телевизорга қараб олди. Сўнг девон ёнбошидаги курсида турган шишани олиб иккита биллур қадаҳга коньяк қўйиб бирини Шарифга узатди-да, ўзи иккинчисини олиб, пастга, гилам устига ўтирди.

— Олинг, — деди ишва билан.

Шариф туш кўряптими ё кино томоша қияптими, билмай гаранг бўлди. Унинг гангиб қолганини сезган дўндиқ тирсагини тиззасига қўйиб яна нозланди. Шарифнинг кўзи ярим очиқ кўкракнинг ариқчасига тушиб, юраги энтикиб кетди. Коньякни ичиб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Дўндиқ қадаҳни бир хўплаб, курси устига қўйди-да, Шарифнинг тиззасини кучоқлади. Шарифнинг эҳтироси жиловини узиб, қўллари ўзига бўйсинмай қолди. Бу дунёда шундай маишат борлигига энди ишона бошлаганида эшик очилиб, Бўтқа кириб келди. Шариф уни кўриб чўчиб тушди. Бўтқа эса ҳеч нима кўрмагандай, хотиржам оҳангда:

— Бек акам кутяптилар, — деди.

### 2

Кесакполвон Шариф Намозовнинг шу ерда экани, Бўтқага топширган вазифаси ҳақида гапиргач, Асадбек уни жеркиб берди:

— Бу қилиғингни бошқа ерда қилмайсанми?

— Кимлигимизни билиб қўйсин. Ҳаёт қанақалигини би-ир кўрсин. «Ҳақиқат, ҳақиқат!» деб нима кўрибди. Ана энди бугундан бошлаб бор ҳақиқатга тупуради. Ўзимизнинг одамга айланади. Ҳақиқат деганнинг ярмига амал бериб, «Волга»га ўтқазиб қўй, ярмининг қўйнига биттадан жононни солиб қўйсанг, кимлигини биласан. Бугун уни маишатга олиб қоламан.

— Ҳаддингдан ошма. Чақир уни, — деди Асадбек.

Шариф бу хонага юраги дукури босилмаган ҳолда кириб келди. Асадбек ўрнидан турмай, ўтирган ерида унга қўл узатди. Асадбекнинг қараши жиддий, Кесакполвон эса айёронга жилмайиб боқиб турарди. Чувринди унга эътибор бермай, қандайдир қозғолардаги ёзувларни диққат билан ўқирди.

— Ишлар қалай, ўртоқ директор? — деди Асадбек, киноя билан. — Планлар ошиғи билан адо этиляптими?

— Ҳа, бажармасак бўладими?

— Бу акангиз айтмаганмиди? — Асадбек шундай деб Кесакполвонга қаради.

— Айтгандилар.

— Хўш? Нима учун планни бажараман, деб зўр беряпсиз?

— Юқоридагилар қўйишмаяпти.

— Сиз учун юқори биз бўламиз. Биз айтдикми, тамом! Бажаришга мажбурсиз.

Сизга ким буйруқ берди, министрми?

— Йўқ, Фарҳодов дегани...

Асадбек Кесакполвонга қаради:

— Ҳайдар, билармидинг?

— Йўқ, ҳозир... — Кесакполвон шундай деб телефон гўшагини олди-да, керакли рақамни терди.

— Фарҳодовми? — Ҳа, мен, Ҳайдар акангман. Намозовинг нима деяпти? Планни бажарасан, деб сен зўрлаганмишсан-ку? Мажлисда айтдингми? Унга тегишли эмасми? Шуни секин ўзига айтиб қўйсанг ўласанми, ҳе сўтак. Ҳа, айтиш керак, қозоқнинг тўққиз пулидек тушунтириб, белига тугиб ҳам қўйиш керак. Дуойи саломни олдингми, энди ўчир овозингни...

Кесакполвон гўшакни жойига қўйиб, Шарифга қаради:

— Эшитдингми? Директор деган бунақа лалаймайди.

— Бу ой етмишдан ошмасин, — деди Асадбек. — Кейинги ойларда ишчилар маош олмайди. Керакли одамларга пул-мул бериб турунг. Бошқалар бўшаб кетаверсин.

— Бунинг иложи йўқ, банкда заводнинг пули кўп.

— Кўп бўлса ҳам маош йўқ, — деди Кесакполвон таҳдид оҳангида. — Лалайманг, дедим-ку?!

— Португалиядан жавоб йўқми, ҳали ҳам? — деди Асадбек, биринчи масала ҳал, деган оҳангда.

— Жим-жит бўлиб кетишди.

— Бориб келиш керак. Уларга ёқмаса бошқалар билан гаплашамиз.

— Бориш учун улар чақиришлари керак. Доллар керак.

Бу гапдан сўнг Чувринди қоғоздан бош кўтарди:

— Бу ёғини бизга қўйиб беринг.

Асадбек «гап тамом» дегандай ўрнидан турди. «Шу икки оғиз гапни телефонда айтиб қўйишса ҳам бўларди-ку», деб ўйлади Шариф, эшик сари юриб.

— Мени кутиб турунг, гап бор, — деди Кесакполвон.

— Жамшид қаерда? — деди Асадбек, Шариф қиқиб кетгач.

— Эрталабдан бери кўрганим йўқ. Маишат қилиб ётгандир, — деди Кесакполвон. — Янгисини топган экан, ўша билан овора.

— Маишат, деявериб ҳаммани буздинг. Энди бичиб қўйишим қолди.

— Эркаклар билан ишлагандан кейин чидайсан, ошна. Ёш йигитлар вақтида маишатини қилиб олсин. Вақтида ўзинг ҳам...

— Бўлди, айнима. Жамшидни топ. Бугун Масковга учсин.

— Нимага?

— Хонгирей билан учрашиб келсин. — Асадбек шундай деб Зелихон билан икки кун аввал бўлган учрашув мазмунини айтди.

— Жамшидни юборманг, — деди Чувринди. — Ўзингиз бориб келганингиз маъқул. Иш жиддийга ўхшайди.

— Жамшидни топ, бирга борамиз.

### 3

Қизига қараб туриб, Манзуранинг кўнгли ўксиди. Зайнаб турмушидан нолиб, хасрат қилмади. Бироқ кўзларини шодлик учқунлари тарк этгани онанинг зийрак назаридан четда қолмади. Зайнаб сингари келинчаклар бунақа дамларда яйраб-яшнаб юрадилар. Ўзларига тушган доғ, бармоқларининг тўлишиб, узукларнинг сизмай қолиши улар хуснига ҳусн кўшади. Зайнаб эса худди сўлиётган гулга ўхшайди. Онасига дилини ёрмайди. Манзура унинг дардли нигоҳига қараб туриб, ичида «қиз туғмайин мен ўлай», деб қўяди. Етарида ҳам, турарида ҳам, дуо қилса яратгандан қизига бахт тилайди.

Худого шукр қилиши керак, куёви беўхшов эмас. Ёши каттароқ бўлса ҳам ҳушрўйгина. Зайнаби қайнонанинг тергаб-тергашлари-ю, қайин эгачи, қайин сингилларнинг димоқ-фироқларидан ҳоли. Бир жувоннинг бахтли турмуши учун ҳамма нарса етарли. Лекин бахт фақат емоқ-ичмоқдан иборат эмаслигини у ҳам яхши билади. Асадбек билан турмуш қуриб оч, яланғоч қолмади. Эри ичиб келиб, уни дўппосламади, кўчага ҳайдаб чиқармади. Бирин-кетин болалар туғилишди. У эрининг «қимор ўйнамайман», деган сўзига ишона борди. Эри кеч қолса жойнамоз устида кутмайдиган бўлди. Уйда ҳамма нарса тўқин эди. Аммо унга нимадир етишмаётгандай бўлаверарди. Бахтсизлик фақатгина камбағални таъқиб этмайди. Бойлар бахтсизликни ўзлари сезмаган ҳолда чақириб оладилар. Камбағал бахтсизликдан кўпам куймайди, унга кўникиб қолган. Аммо бойларнинг бахтсизликка чидашлари қийин. Камбағал учун арзимас бир гап бўлиб кўринган ҳар бир нарса бойлар учун беқиёс бахтсизликдай туюлади...

«Қизимнинг эрига кўнгли йўқ, — деб ўйлади Манзура. — Фарзанд кўрса балки дили юмшар... Ҳозирги қизларда сабр деган нарса йўқ, тавба...»

Қизи ўқишга бормаётганини айтганида Манзура «ўзинг биласан», деб қўйган эди. Бугун келиб индамай ўтираверишини кўргач, «ўқишингга борганинг дуруст экан, қизим, дугоналарингни кўриб кўнглинг ёзилади», деди. Зайнаб бу гапни эшитмагандай жавоб қайтармади. Айвоннинг ўймакор устунига суяниб, ҳовлига ўйчан тикилиб тураверди.

Зайнаб шу ҳовлида Кўмуш бўлиб яшаган эди, хаёлидаги Отабеги уни шу ҳовлида

қучган, ёноғидан бўса олган эди... Энди назарида бу ҳовлидан нур қочган, ғунчалари тўлиб эрта-индин кўз очаман, деб турган атиргуллар ҳам хунук, мармар фаввора ҳам ўлик... Қуёш бор-у, файз йўқ, хонадон қоронғу. Хоналарда ҳаёт кезиб юрибди, аммо бахт йўқ...

Фақат болахона... Бахт ўша ерда беркинганми?.. Унинг кўнгил қўягани ўша ерда. Орзулари дафн этилган бу хонадонга фақатгина уни кўргани келади. Кўриш насиб этса, кўнгли баттар эзилиб, уйига қайтади. Ҳомиладорлигини билганидан бери эри уни бошида кўтариб юргудай бўлади. Элчин уни суйиб-қучгани сайин у Жамшидини кўпроқ ўйлайди. Ёлғиз қолганида тўлишиб бораётган қорнига қараб, ҳали туғилмаган боладан нафратланади. Назарида уни бахтсиз қилган, умидларини чил-чил синдирган — шу бола. Хайриятки, нафрат қўзиган пайтда оналик меҳри ҳам уйғониб, уни ёмон хаёллардан қайтаради.

Манзура қизидан кўз узмай, хўрсинди.

— Ётиб қола қол, қизим, — деди ўксик овозда.

Зайнаб онасининг дили пора-пора бўлиб кетаётганини сезмади. Ҳовли узра бемақсад кезиб юрган нигоҳини йиғиб, унга қаради.

— Бугунча қола қол, — деб такрорлади Манзура.

— Йўқ, кетаман, — у шундай деб ҳовлига тушди. Чиқиб кетгунича болахонага икки-уч қараб қўяганини Манзура сизди.

Зайнаб уйига қайтди-ю, бепоён саҳрода ёлғиз ташлаб кетилган бечора ҳолига тушди.

Кунни эринчоқлик билан ўтказган қуёш энди уфқдаги булутлар четини қизартириб ботмоқда эди. Осмонни безаган бу манзара алдамчи, булут четлари қизил эса-да, бағри қора эди.

Ҳаёт остонада кутмайди. Қуёш ботиши билан бу бағри қора булутлар чақин чақиб, бостириб келади. Дов-дарахтни савалаб ўтиб кетгач, юлдузлар чарақлайди. Сўнг яна қуёш чиқади. Баргларда илиниб қолган томчилар жавҳар сингари ялтиллади. Аммо Зайнабнинг хуфтон дили бундан ёришармикин? Айрилиқ дарди енгилиб, умид гули очилармикин?

Қуёш ботмай туриб, кўз ўнгида борлиқ хира тортди.

Ёлғиз... Нидо йўқ... Гўё қуёш барчани ўлимга маҳкум этиб, видолашиб кетаётгандай. Тор кўкрагига банди юраги беҳаловат тепади. Тепиб-тепиб кўкрак қафасини синдириб қочиб кетгиси келади. Бу вужудни тарк этмоқни истайди. Тарк этолса ўтла ҳасратларнинг фиғонлари мангуликнинг сукутига фарқ бўла олармикин?

Бу хонадонга қадам босиб келганидан бери унинг ҳаёти пуч хаёллар зиндонига беркилди. Беркилди-ю, қулф-калити бировнинг қўлида қолди. Топишган тақдирларида тўлин ой ва осмон сингари бўлар эдилар. Энди осмон тўлин ойсиз тунд бўлиб олган. Дил қоронғи. Дил офрийди. Кўз ёши эса худди ёмғир... Кўзларни ёш куйдиради...

Унинг дардига ким шерик бўлиши мумкин?..

Зайнаб бу тун ёлғиз қолишини, ёлғизликнинг темир тирноқлари орасида азоб чекишини биларди. Элчин «бир-икки кун уйингизда турунг», деб кетди. Шу гапга биноан уйига борган эди. У ерга ҳам сизмади. Ёлғизликдан кўрққани ҳолда ёлғизликини истайди. Ҳозир эса қаёққадири боргиси келди. Ким биландир гаплашгиси келди. Танишбилишлари кўп. Остона ҳатлаб кириб боргудай бўлса, кучоқ очиб кутиб олгуни яқинлари кўп. Аммо қай бири унинг дардини тушунади? Қай бири «қўй, ўша отарчи эрни, суйганинг билан бўл», дейди. Ҳеч ким айтмайди. Аксинча, «Сабр қил, шайтон йўлига кирма», дейишади. Насихат қилишади. «Кимга ҳасратингни айтсанг, дардингни олиш ўрнига, бирданига донишмандга айланадию бисотидаги насихатларини сочиб ташлайди, — деб ўйлади Зайнаб. — Насихатгўй ақли бутунлар мунча кўп бўлмаса, бу дунёда. Дардкаш мунча кам...»

Зайнаб ўзини ўзи чалғитиш учун ошхонага кирди. Бир ўзи учун овқат қилгиси келмай, ҳовлига чиқди. Дарвозага қаради. Эшик қия очик. Кимдир кириб келгандай... Ким келди?..

Уйга кирди. Телевизорни ёқди. Юмшоқ ўриндиққа ўтирди. Умид билан аввал дарвозага, кейин телефонга қаради. Нима учун уйига қайтганининг сабабини у ҳатто ўзидан ҳам яширмоқчи бўлади.

Ёлғизлигида бир мартагина кўча эшиги очилиб, У кириб келди. Шундан бери неча марта кўз тикади. Кутгани келмайди. Бу кеч келармикин? Унинг илинжи шу.

— «Ўзича келмайди, бир баҳона билан қақир.»

— «Шарманда... Шарманда...»

— «Ёшлик ва гул... Икковининг умри қисқа бўлади. Буни билганлар юришибди ялло қилиб. Сен-чи?»

— «Шарманда... Шарманда...»

— «Менинг эрим борми? Ким у? Номусимни булғаган одамми? Агар энди мен унга хиёнат қилсам, унинг номуси булғанадими? Фалончининг хотини...»

— «Вой, шарманда... вой, шарманда-е...»

— «Мен унинг номусини ўз кўз ўнгида булғайман, деб қасам ичганман. Худо уни

шол қилиб кўйсин. Ана ўшанда кўчадаги дайди итни бўлса ҳам бошлаб келаман, кўз олдида...»

Зайнаб шу қасамини эсласа ростдан ҳам умиди ушалгандай этлари жимирлашиб кетади. «Шу иш кўлимдан келармикин?» деб иккиланди.

Аёл қасам ичмасин. Қасд қилдими, шайтон тўрига ўраладию оқибатда унга худо ҳам бас қелолмас.

— «Чақир уни...»

— «Нима деб чақираман?»

— «Баҳона топ.»

— «Уяламан.»

— «Бирпас гаплашиб ўтириш мумкин-ку? Масалан... Ака-сингил сингари. Уни чақир, сен ёлғизсан. Сени кўриқлаши лозиммасми?»

Шу тарздаги узоқ олишувдан сўнг унинг қўли телефон сари узатилди.

#### 4

Жамшид кўнглига ёққан жувон билан бир кеча-кундуз қолиб кетди. У жаннат хурлари билан яшаётгандай лаззат қилиб, Бек акасининг йўқлаб қолиши мумкинлигини ҳам унутди.

Асадбек йўқлатган пайтда у ўйнашини тарк этиб, йўлда келаётган эди. Болахонага чиқishi билан йигитлар хўжайин йўқлаганини айтишди. Шу пайтда телефон жиринглади. Жамшид «Бек акамдир», деб гўшакни кўтарди. Кўнғироқ қилган одам дарров гапира қолмади. Жамшид учинчи-тўртинчи марта «алло!» дегач, Зайнабнинг ҳазин овози эшитилди:

— Зайнабман... Ҳовлида биров юрибди. Қўрқяпман...

Жамшиднинг шошилиб ўрнидан туриши учун шу хабар кифоя эди. Кейин айтилган гапларнинг мағзини у йўлда кетатуриб чақмоқчи бўлди. «Кўча эшиги очиқ турибди... Мошинангизни катта кўчага қўйиб келинг...» Бу гапларга тушуниш унчалик қийин бўлма-са-да, Жамшид ҳақ жавобни олишни истамади.

У Зайнабнинг қарашларидаги сирни билмас эди, десак, сизни алдаган бўламиз. Аёл зотининг қарашларини тушунмайдиган эркак борми ўзи бу дунёда. Жамшид қамоқдан чиққанидан бери аёл зотининг турли тоифасини кўрди. Уларни кўзларига қараб, чиндан сўйиб эркалаяптми ё эрсираб қолганми, ё дарди пулми, дарров билиб олади. Зайнабнинг қарашлари эса... бошқача эди. Зайнабнинг муҳаббатини тили тиш ҳатлаб ошкор эта олмасди, бироқ кўзлари «севаман!» деб дод соларди. Жамшид бу додни кўзи билан кўриб, юраги билан эшитарди. Аммо бу фарёд унинг қалбини ларзага солмасди. Чунки унинг юрагидаги муҳаббат туйғусини ўсмирлик чоғидаги аёлниинг ўша найранги бўғиб ўлдирган эди.

У Бек акасига содиқ эди. Бек акаси учун, хусусан, шу қиз учун жони лозим бўлса, берарди. Аммо қизнинг бу сирли қарашига банди бўла олмасди.

Шаҳар кўчаларидан машинани учириб ҳайдаб «балки бормаганим маъқулдир. Ҳали ҳам қайтиб, Равшани юборайми» деб ҳам ўйлади. «Эри қаёқда экан? Балки боргунимча келиб қолар...» деган фикрда изига қайтмади. Элчининг Фарғонага кетганини билганида балки қайтар, шу билан ташвишлардан қутулиб қолармиди...

#### 5

Асадбек, Шариф Намозов чиқиб кетгач, уйига қайтмоқчи эди. Чувринди эски маҳалладаги «амри маъруф»га таклиф этилганларини эслатгач, ноилож кўнди. Жалил бошлаб келган чоллар «маҳаллани буздиришга йўл қўймаётган эмишсан», деб кетишганидан бери эски маҳалласига ўтмаган эди. «Бормасам аразлабди, дейишмасин», деган фикрда йўлга чиқди.

Болалиги ўтган уйдан икки эшик нарида одамлар тўпланиб туришган эди. Машинани берирокда тўхтатиб, тушишлари билан тўпдан бир киши ажралиб, улар томон юрди. Асадбек Жалилни таниди.

— Қараб тур, ҳозир сасишни бошлайди, — деди Чувриндига.

— Хўп деяверасиз-да, — деди Чувринди кулимсираб.

— Бу маҳаллада ҳам одамлар туришини билармидинг? — деди Жалил салом-алик қилмай. — Куттириш ҳам эви билан-да. Беш яримга кел, дегандан кейин кел-да. Омонмисан, ўзинг ишқилиб?

— Ака, хизматчилик-да, иш чиқиб қолди, — деди Чувринди, Асадбек ўрнига жавоб бериб.

— Яхши ҳамки «иш-ш-ш» дейди. «Хих!» деса думингни тутқазмас экансан-да, а? — деди Жалил, гапни ҳазилга буриб. — Юрақол, Собитхон маъруза қияпти. Қўқонга кетиши керак экан зўрлаб олиб қолдик.

— Кўқонда нима қилар экан? — деди Асадбек.

— Ота-онаси ўша ерда тураркан. Отпусага чиқибди. Бир ой уйда турар экан.

— Имомлар ҳам оспуска қилар эканми? — деб ҳулди Асадбек.

Асадбек ҳовлига ўрнатилган товуш кучайтиргичдан келаётган майин овоз эгасини Жалил айтмаёқ таниган эди. Асадбекни воиз ўтирган уйга эмас, «нозик одамлар» учун ажратилган хонага бошлашди. Жалил билан Чувринди унга ҳамроҳ бўлишди.

— Зўр гапиради-да, — деди Жалил, чой қайтариб.

Собитхоннинг маърузасини Асадбек икки-уч эшитган, таклифини рад этгани учун уни ёмон кўриб қолган бўлса-да, нутқ сўзлашига тан берган эди. Шу сабабли ҳозир Жалилга эътибор бермай, қорининг сўзларига қулоқ тутди:

— Шундай қилиб, ҳазрат Али, Розияллоху анху, қилич ҳам тақмай, совут ҳам киймай, оддий кийимда Зубайр томон юрдилар. Бориб қарасаларки, Талҳа ҳазратлари ҳам мукамал қуролланган ҳолларида тайёр турибдилар экан. Ҳар иккиларининг яқинларига бориб, уларга қараб: «Умримга қасамки, сизлар одамларни, отларни жангга тайёр ҳолга келтириб қўйибсизлар. Бироқ, қиёмат куни Оллоҳ табарока ва таоло ҳузурига борганингизда унга айтадиган узрларингизни ҳам тайёрлаб қўйдингизми? — дедилар. Сўнг уларни шайтон йўлидан қайтармакни истаб яна шу гапларни айтдилар: — Оллоҳдан кўрқинглар, бундай бемаъни урушга бел боғлашдан тийилинглар. Ўзи аввалда маҳкам этган арқонни ўзи чувалаб ташлайдиган кимса каби бўлманглар. Буюк ислом жамоатини барпо этишда бениҳоя хизмат этган эдингиз. Эндиликда уни парчалаб ташловчи кишилардан бўлиб қолмангиз. Сизларнинг бу ишингиз Ислом жамиятини қиёматга қадар бирлаша олмаслик фитнасига гирифтор этмасун, ўзимиздаги ички адоватга бэрҳам бермасак, ташқи душманлар бизни тезда мағлуб этажак. Биз мана шундай мағлубият аламига учрамаслигимиз даркор. Биз ички тортишувларни ҳал этмай, ўзаро биродарқушлик оловини ёқиб юборсак, келажак авлодларимиз учун гоятда улуғ хиёнат қилган бўламиз. Куч фақат бирликдадир. Қайси миллат бирлигини йўқотса, ўша миллат келажаги учун қайғурмаган, ўзига ҳалокатни лозим этиб олган бўлади. Орадаги ихтилофни Оллоҳнинг улуғ китобига ҳамда Оллоҳнинг муборак пайғамбарининг кўрсатган йўлларига амал қилган ҳолда бартараф этмоғимиз даркор...

Собитхон мулоим овози билан барчанинг хаёлини ўғирлаган эди. Хизматчилар шарпасиз юришга уринадилар. Зарур гапи борлар бир-бирлари билан пичирлашиб муомала қиладилар. Асадбек Собитхоннинг шу фазилати учун ўзи қурдираётган масжидга имом бўлишини истаган эди. Бу «манман қори» эса рад этди. Асадбек фақатгина имомнинг ширали овозига маҳлиё бўлмай, айтаётган гапларининг мазмунидан маст ҳам эди. Худди биров у келишидан аввал имомга «Асадбекнинг юрагида шундай яширин дард бор», дегану Собитхон атайин шу мавзуда маъруза бошлаган. Суҳбат ниҳоясига етгандан сўнг ҳам издиҳом аҳли воизнинг сўзлари таъсирида биров жим ўлтирди. Асадбек совуб қолган чойига қараб ўйга ботди. «Бирлигини йўқотган миллат келажаги учун қайғурмаган бўлади... Биз-ку, бирлаша олмаймиз. Сиёсатчиларга нима бало бўлган? Биз пул талашамиз. Дардимиз ҳам, имонимиз ҳам пул. Уларнинг имони — амал. Ҳайдарнинг гапи тўғри. Ҳақиқат, миллат, деб валдираётган хунасаларга биттадан «Волга» берилса овёзи ўчади. Биттаси ўзимизнинг депутатми...»

— Чойингни янгилаб берай, — деди Жалил, Асадбекнинг хаёлини тўзитиб. — Вақтлроқ келганингда зўр гапларни эшитардинг. Энди ҳамманинг худо дейдиган вақти келибди, ошнам.

— Вақт ўтди, десангчи... Биз-ку, худо дермиз-а, лекин... Худо энди бизни бандам дермикин?

— Дейди, нимага демас экан? Беш вақт намоз ўқиганнинг ҳамма гуноҳидан кечаркан.

— Беш вақт намоз етарли бўлса зўр-ку? — Асадбек шундай деб ҳазин жилмайди. — Собитхоннинг гапига қараганда менга ўхшаганлар кунига эллик маҳал намоз ўқиса ҳам гуноҳини ювишга кифоя қилмаскан.

— Қанақа гуноҳинг борлигини биласанми? — Жалил «шу гапларингни дилдан чиқариб айтяпсанми?» дегандай унга тикилди.

Кетма-кет овқат киритилавериб суҳбатнинг белига тепди. Ҳозиргина мазмунли маърузага маҳлиё бўлиб ўтирганлар бир неча нафас ичида қорин бандаларига айландилар...

Асадбек уйига хуфтонга яқин кириб келди.

— Эрталабки самолётда кетамиз, — деди у ҳовлига кириб келгач. — Чиқиб сўрачи, Жамшидни топишибдими?

Чувринди болахонага чиқиб, дам ўтмай қайтиб тушди.

— Келган экан, Зайнаб чақирибди.

— Нимага чақирибди?

— Сабабини билишмайди.

— Кетмай тур, — Асадбек шундай деб уй томон тез-тез юрди. Рўпарасидан чиққан Манзуранинг саломига алик олмай, саволга тутди. — Қизинг қани?

— Уйда, — деди Манзура, хавотирланиб. — Нимага сўраяпсиз? Ҳали келиб кетувди.

— Куёвинг йўқлигини билармидинг?

— Йўқ... айтмади-ку?

— Ҳе, ношуд, — Асадбек шундай дейишга дедию кетидан ўзича «мен айтмаган бўлсам, қаердан билсин», деб уни оқлаб ҳам қўйди.

Жамшид Зайнабникига кетди, деганда дастлаб кўнглига хавотир оралаган эди. Ҳозир куёви йўқлигини эслаганида бирданига шубҳа уйғонди. Хотинига бошқа гап айтмай, уйига кириб, телефон гўшагини кўтарди-да, рақам терди. Нариги томондан анчагача жавоб бўлмади. Гўшақда эшитилаётган узун дудудлаш уни дам хавотир, дам шубҳа чохи сари тортарди. Ниҳоят, жавоб бўлди. Қизи йиғламсираб, озгина зарда билан «Ҳа» деди. Асадбек гапирмай тураверди.

— Ҳа, гапиринг! — деди Зайнаб зарда билан. Кейин гўшак қўйилди.

Асадбек яна рақам терди. Яна шу ҳол такрорланди. У қизига нима дейишни, шу топда нима қилишни билмасди. Мияси қизиб уни фикрлаш қувватидан маҳрум этган эди. У қайта-қайта рақам тераверди. Бешинчи ё олтинчи мартасида гўшакни Жамшид олди! Шундан кейингина Асадбек хаёлини жамлади. Шошилиб ҳовлига чиқди-да, сигарет чекиб турган Чувриндига қисқагина буйруқ берди:

— Кетдик!

Чувринди қаёққа деб сўрамади.

Жамшиднинг машинасини Элчиннинг уйи олдида эмас, тор кўча бурилишида кўрган Асадбек ажабланиб «Тўхта», деди. Пастга тушиб машина атрофида бир айланиб чиқди-да, Чувриндига «Сен шу ерда тур», деб, ўзи куёвининг уйи томон юрди.

Кўча эшик қия очик эди. Асадбек худди ўғридек ичкарига бош суқиб чироқ нури тушиб турган деразага қаради-да, ўзидан ўзи уялди. Ешлик кезлари Кесакполвон билан бирга ўриликка боргудек бўлса ҳам бунақа ишларни Асадбек сира удалдай олмас эди. Ҳозир уни ташқаридан кузатган киши ўғрилик оламида атак-чечак қилаётган бола бўлса керак, деб ўйлаши мумкин эди.

Кўнглида дастлаб уйғонган хавотир энди йўқолган, аксинча шубҳа кучга кириб шармандалик сиртмоғи билан бўйнини бўға бошлаган эди. Қизи йўқолганида, сўнг топилганида, сўнг ҳомиладорлиги ошкор бўлганида шармандалик олови уни куйдирмаган эди. У дамда кўпроқ ўзини айблаган эди. Қизининг юзини шувит қилмаслик учун шу отарчини куёв қилиб эди. Шу масалада янглишдимми? Қизи шунчалик... Бу фикрнинг ўзиёқ юрагини музлатиб қўйгандай бўлди.

Шубҳага банди бўлган ҳолда изига қайтишни истамади. У ўзини мажбурлаб, ҳовлига кирди. «Ёмон нияти бўлса эшикни очик қолдирармиди?» деган фикр кўнглига сал ёруғлик олиб кирмоқчи бўлганида «эсидан чиққандир...» деган гумон яна қора чодирга ўради. Асадбек аста юриб келиб деразага яқинлашди. Бўй чўзиб ичкарига қарашга юраги дов бермади. Ичкаридан дам Зайнабнинг, дам Жамшиднинг овози келиб турар, қўшқават дераза ойнаклари ичкаридаги гапларни ўғри мушукдай пойлаб турган одам қулоғига етишга йўл бермас эди. Дераза қия очик бўлганида балки олам гулистон эди. Асадбек бўй чўзиб мўраламас, ўзича бир хулосага келиб, машъум ҳукмини чиқармас эди.

У деразадан мўралаган онда Жамшид ўрнидан турди. Зайнаб эса унинг бўйинига осилди... Асадбек бу манзарага қараб тура олмади. У аввалига бостириб кирмоқчи ҳам бўлди. Аммо ўз қизининг шармандалигини фош этиш унинг учун оғир эди. У шармандалик юкини елкасига ортиб, ҳовлига қандай шарпасиз кирган бўлса, шундай чиқди. Эшик оғзидан дарров узоқлаша олмади. Беш-ўн қадамни юрак тўлғоғида босди. Сўнг бир қарорга келиб, тез-тез юриб кетди.

Чувринди тор кўчадан кўз узмай турган эди. Асадбекнинг аста ичкари киргани, бир неча дақиқадан сўнг чиқиб, оғир қадамлар билан юрганини ҳам кўрди. Бек акаси қадамни тезлатгач, машина моторини ўт олдириб, юришга тайёр бўлиб турди. Асадбек машинага ўтириши билан «уйга» деб буйруқ берди. Чувринди нохуш воқеа юз берганини сезди-ю, бироқ «нима гап экан?» деб сўрамади.

Асадбек ҳовлига кира солиб, Манзурани чақирди:

— Қизингга телефон қил, тайёр турсин, бориб олиб кел, — деди.

— Сиз... бормадингизми? — деди Манзура ўсмоқчилаб.

— Мен нима қиламан у ерда? Бошқа ташвишим йўқми?! — деди Асадбек, ўдағайлаб, Манзура шошиб чиқмоқчи бўлганида тўхтатди: — Телефон қил, дедим.

Манзура «шартми» дегандай қараб қўйди-ю, аммо буйруққа итоат этди. Бошқа пайт бўлганида шарт эмасди. Асадбек Жамшиднинг тезроқ чиқиб кетишини истаб шундай деб буюрди. Ҳолбуки Жамшид у билан изма-из уйдан чиққан, Асадбек машинага етай деганида орқасидан кўрган, «Бек акамми ё бошқа одамми?» деб тусмол қилган эди.

Манзура билан Чувринди кетгач, Асадбек болахонага чиқди.

— Ҳайдар акангни топ. Нариги дунёда бўлса ҳам ҳозир етиб келсин.

Ярим соатдан сўнг ҳовлида Манзуранинг овози эшитилди. Сўнг Чувринди болахонага чиқди. Бир соат деганда Кесакполвон пайдо бўлди. Асадбек икки аъёнини бошлаб пастга тушди. Майдалаб ёмғир ёға бошлаган эди. Осмонга қараб, юзини ёмғирга тутди. — Ҳайдар, Шилимшик ўлдирилган жой эсингдами? — деди осмонга қараган ҳолда.

— Эсимда, — деди Кесакполвон.

- Қандай ўлдирилгани-чи?
- Эсимда.
- Шу ишни такрорлаш керак, қўлингдан келадими?
- Кимни?
- Эрталабгача бажарасан. Кимлигини айтганимда «нима учун?» деган савол бермаларинг. Кавказликларинг тайёрими?
- Ҳа.
- Иккала ўлимни бўйнига олсин.
- Кимни?
- Жамшидни...

Кесакполвон ҳайратланиб Чувриндига қаради. Чувринди ҳукмга нима сабаб бўлганини тахминан биларди. Шу боис Кесакполвоннинг савол назарига жавоб бермай юзини бурди. «Балки аблаҳлик қилгандир. Лекин дунёда ундан беш баттар аблаҳлар яшаб юрганида у ҳам тирик қолса бўларди», деб ўйлади. Аммо фикрини тилига чиқариб ошкор этмади.

Йигитлар ичида садоқати билан ажралиб турувчи Жамшиднинг ўлимга маҳкум этилишини Кесакполвон ҳазм қила олмади. Бунақа пайтда қарорнинг муҳокама этилиши ман қилинган бўлса-да, сўради:

- Нимага?
- Ишинг бўлмасин, айтдим-ку...
- Бек, эрталабгача ўйла.
- Эрталабгача буйруқни бажар.

6

Жамшид тор кўча бошида кетаётган одамни Асадбекка ўхшатиб, юраги бир ҳаприқди. Ҳаяжонини босиш мақсадида чўнтагидан сигарет чиқариб чекди. Шу пайт ҳовли томондан қадам товушлари эшитилди. «Эргашиб чиқяптими?» деб ўйлаб орқасига ўгирилди. Эшик зичлаб ёпилиб, калит буралди. «Бу ёғи қизиқ бўлди-ку?» Жамшид шу фикрда дарвозадан аста узоқлашди. Тор кўча бошига етганида орқасига ўгирилди — кўча кимсасиз эди. Машинасига ўтириб дарҳол юргизмади, ўйга толди.

У учун Зайнабнинг руҳий ҳолати бегона эди.

Зайнаб кўнғироқ қилиб чақиришга чақирди-ю, уятдан ёниб кетди. Дарров ҳовлига чиқиб кўча эшикни қулфлади. Бир неча нафасдан сўнг уят алангаси пасайиб, яна шайтон йўриғига кириб эшикни қия очиб қўйди.

Жамшид одати бўйича индамай кириб келди.

- Тинчликми? — деди уйга кириб.
- Тинчлик... биров юрганга ўхшади, қўрқдим.
- Ҳофиз акам қаердалар? Тўйга кетдиларми?
- Ҳофиз акангиз... — Зайнаб «акангиз» деган сўзга пичинг билан урғу берганини ўзи ҳам сезмай қолди, — Фарғонадаги тўйга кетганлар.

— Кеннайимни олиб келайми, ё ўзингни олиб кетайми?

«Қани эди олиб кетсангиз... узоқларга... фақат иккаламиз яшайдиган жойга... Атрофимизда ҳеч ким бўлмаса...»

- Бирпас ўтиринг, чой ичинг.
- Майли, бир пиёла ичай.

Жамшид ўзини мажбурлаб ўтирди. У Зайнабнинг асл мақсадини билмас эди. Аниқроқ айтилса, гумонининг ҳақиқатга айланиб қолишини истамади. Бир пиёла чойга иккинчиси, учинчиси... уланди. Жамшид камгап, кўзлари ҳам хотиржам боқарди. Бу чиройли кўзларда ишрат учкунлари ёнмас эди. Эркак томон ташаббус кўрсатмагандан сўнг аёл кишига қийин экан. Зайнаб — қизлик орзулари топталган маъсума — иффатини ўзи топтамоққа ожизлик қилмоқда эди. «Олов темирни эритгани каби ошиқ юрак тафти тош қалбларни эритгай», дейишарди. Наҳот Жамшиднинг қалби тошдан ҳам қаттиқроқ бўлса?...»

«Илон чақса менга унинг захри кор қилмайди, аммо жонимнинг чиқиши учун бир қиё боқишинг кифоя»... Қайси бир кинода йигит кўйиб шундай ашула айтган эди. Ажаб, йигитлар қизларнинг биргина қиё боқиши учун ўлиб-тириладилар. Бу тошюрак эса... Е бу «Ёр азоби мен учун фароғат», дейдиган тоифаданми? Зайнаб уни суҳбатга қандай тортишни билмай, ҳаёлига келган майда-чуйда гапларни қайтармасдан айтаверди.

Жамшид жувоннинг ҳаракатини кузатиб, гапларини эшитиб, онда-сонда бир жавоб айтиб ўтирарди. Яхши ҳамки бу ерга келишидан олдин бир кеча-кундуз айш қилди. Йўқса, шайтонга ҳай беролмай қолсами... «Ўзингни бос... Синаётган бўлса-чи?...» Балки акасидай кўрар мени... Аёл киши чақирса мақсади фақат... Шу бўладими?»

— Нима учун мени шу одамга беришди, биласизми? — Зайнаб шундай деб қаттиқ

тикилди. Шу пайтгача кўзларнинг тўқнашувидан чўчиётган эди. Бу сафар ҳеч тап тортмай тикилди.

Жамшид дарров жавоб бермади. Сўнг гапни ҳазилга бурмоқчи бўлди:

— Бек акам «нимага?» деган саволни ёмон кўрадилар. Акамга «хўп бўлади» дегани кўпроқ ёқади.

Бу ҳазилдан Зайнабнинг зардаси қайнади:

— Сиз... қулмисиз?

Мазкур саволдан Жамшиднинг ҳам зардаси қайнади. Аммо ўзини мажбур қилиб кулди:

— Қул эмасман. Ишимиз шунақа. Ҳамма «нимага?» деб сўрайверса, ақл ўргатаверса иш юришмайди.

— Адамдан сўрамаган бўлсангиз, ўзингизча ўйламадингизми?

— Бу гапларни кўзгама. Бек акам янглишмайдилар.

— Ҳа... янглишмайдилар... Мени ким ўғирлаган, биласизми?

Жамшид «Ҳа», деса яна саволлар ўқига дучор бўлиши билиб, индамади.

— Билмасмидингиз?

— Қўйсанг-чи шу гапларни.

— Билмасмидингиз?... Сиз... писмиқсиз!.. Сиз менинг одам эканимни биласизми? — Зайнаб шундай деб туриб йиғлаб юборди.

Айни пайтда телефон жиринглади. Зайнаб телефон томонга бир қараб, қўлини силтаб қўйди-да, гапини давом эттирди:

— Менинг ўрнимда ҳайвон бўлганида хўрланишига чидолмай, ҳеч бўлмаса ўкирарди. Эгасининг раҳми келарди, эгаси хўрлатиб қўймас эди.

Телефон жирингладини қўймагач, гўшакни зарда билан кўтариб «Ҳа!» деди. У томондан жавоб бўлмади. Бу ҳол бир неча марта такрорлангач, Жамшид «Тўхта, биров майнавозчилик қиляпти шекилли», деб гўшакни кўтарди. Унинг бу хонадонга келиши ҳукм сари қўйилган биринчи қадам бўлса, бу иккинчиси бўлди. Учинчиси, энг асосийси эди...

Зайнаб хасратларидан бир чимдимини айтиб енгил тортгач, жим бўлди. Унинг ўксиб, хўрсиниб йиғлаши Жамшидга онасини эслатди. Ҳакам ҳукмни ўқиб, Жамшид қўлига кишан солинганида онаси додлаб юборган эди. Темир панжарали машинага олиб чиқишаётганда милиса йигитлар кўнгилчанлик қилиб қондани бузишса ҳам икки-уч дақиқага уларни ҳоли қолдиришганди. Ушанда онаси хўрсиниб-хўрсиниб йиғлаган эди...

— Зайнаб... мен ҳаммасини биламан, — деди Жамшид бошини эгиб.

— Мен аёл бўлсам ҳам ундан ўч оламан.

— Сен синглимсан... Сен учун мен ўч оламан... Қасам ичаман... Агар сени ҳимоя қиладиган эркак зоти қирилиб битса ўзинг ўч оласан...

Ана шу гапдан кейин Зайнаб ўрнидан туриб келиб, Жамшидни бўйнидан қучиб, ўпиб қўйди... Учинчи ҳал қилувчи қадам шу эди...

## ХОТИМА

### ЕХУД ИККИНЧИ КИТОБНИНГ ДЕБОЧАСИ

## ЗОҲИД

1989 йил 29 май

Ўша жой, ўша дарахт, ўша манзара. Фақат мурда бошқа. Машина бошқа.

— Бизнинг гўллимизни таъкидламоқчи бўлишганми? — деди майор Солиев.

Зоҳид қотиллик ҳақидаги хабарни эшитиб йўлга чиққанида айнан шу ер, айнан шу дарахт деб ўйламаган эди. Манзарани кўриб, ҳайратда турганида майор шу саволни берди. Зоҳид унга жавоб бермай мурдага тикилди.

— Айнан ўшандай эмас, — деди ўйчан. — Ҳозирча иккита фарқ бор. Биринчиси мошина ёнмаган. Бунинг ўрнига мурдани ёқишган.

— Бунинг ҳам бойлигига тегишмабди, — деди машина ичини титаётган Ҳамдам Толипов. — Анча-мунча пул. Безаклар бор экан. Йигитлар ҳисоблашяпти.

— Узаро урушнинг бошланганими бу? — деб сўради Зоҳид майордан.

Солиев елка қисиб қўйди.

— Ҳали вақт бор эди. Қайдам?

— Бизнинг ишимизни осонлаштиришми ё чалкаштиришми мақсадлари?

Бу саволга майор Солиев жавоб бера олмас эди...



;Жамшидни Чувриндининг уйидан чиқаришди.

Зайнаб унинг ўлими ҳақидаги хабарни эшитди-ю, эси оғиб қолаёзди. У отасининг пойлаб келганини, фожиа унинг амри билан юз берганини тасаввур ҳам кила олмас эди. Зайнаб тун билан мижжа қоқмади. Тун билан Жамшид унга ҳамсухбат бўлди. Жамшид илгаригидек жингалаксоч эмас, сочларини олдириб бошига дўппи кийиб олган, янада хушрўйлашган Отабек эди. Улар қилвир сочлари майин титраётган мажнунтол панасида, тўлқинчалари ой нури билан ўйнашаётган ҳовуз бўйида бир-бирларига роз айтдилар...

Қизини пойлаб Манзура ҳам бу тун ухламади. Зайнаб ҳовли ўртасида ҳаракатсиз туриб қолганида Манзура зийрак эди. Қизига тикила-тикила кўзи толиқди. Шошқалоқ хўрозлар қичқира бошлаганида ғафлат босибди. Неча дақиқа кўзи илинди, билмайди. Чўчиб кўзини очса — Зайнаб йўқ. Манзура ўтирган ерида «Зайнаб!» деб чақирди. Жавоб бўлмади. У «Вой, шўрим!» деганича ҳовлига оёқяланг ҳолда югуриб чиқди. Ошхонага олиб борувчи усти берк йўлакда осилиб турган одам қорасини кўриб дод солди. Яхши ҳамки яратган унинг ҳушини олмади — югуриб бориб қизининг оёқларини қучоқлаганича юқорига кўтарди. Бу орада болахонадаги сергак йигитлар тушиб, арқонни ечишди.

Орадан бир неча соат ўтгач, ҳовлига Элчин кириб келди. У уйда Зайнабни кўрмагач, «онасиникидадир», деб шу ерга келган эди. Субҳи содиқдаги даҳшат тўридан қутилмаган Манзура уни дардли нигоҳ билан қарши олди.

— Зайнаб шу ердами? — деган саволига «Ҳа», деди-ю, ичкарига таклиф қилайинми ё йўқми, деб иккиланди. Охири бир қарорга келиб: — Етибди, тоби йўқроқ, — деди.

Зайнаб каравотда сочлари паришон ҳолда, кўзларини бир нуқтага қадаб ётар эди. Манзура қизига қараб туриб хўрлиги келди. Пастки лабини тишлаб, йиғлаб юбормаслик учун ташқарига чиқди.

— Нима бўлди? Тузукмисиз? — деди Элчин.

Зайнаб унга бир қараб олгач, кўзини шифтдаги яна ўша нуқтага қадади:

— Мен...ўзимни ўлдирмоқчи эдим... — деди Зайнаб хаста овозда.

Элчин нима дейишини билмай гангиб қолди.

— Мен... яшашни истайман... Жамшид акамнинг ёнларига боришни хоҳлайман...

— Жамшид? Қайси Жамшид?

— Жамшид акамни ўлдиришди. Мен Жамшид акамни яхши кўрардим. Худодан яширмаганини сиздан яширмайман... Худо жонимни олмади. Болангиз туғилганидан кейин... мени ўлдилинг!.. Мен... Сизга хиёнат қилдим...

— Йўқ! — деди Элчин титраб.

— Эркак бўлсангиз, мени ўлдирасиз...

— Йўқ! — Элчин бу сафар қаттиқ бақирди. Зайнаб шифтга қадаган нигоҳини узиб унга қаради.

— Ўлдирасиз... — деди пичирлаб.

Манзура кириб, Элчиннинг енгидан аста тортди.

— Сизни чақиритишяпти.

— Зайнаб, бу гапни миянгиздан чиқариб ташланг. Ишонмайман! — деди Элчин, орқасига тисарилаб.

Катта хона ўртасида Асадбек билан Кесакполвон тик турган ҳолда гаплашишарди. Элчин кириб келгач, Асадбек дарғазаб кўзларини унга қадаб, тик босиб келди.

— Жамшидда нима қасдингиз бор эди?! — деди у титроқ овозда.

— Жамшидда? — Элчин доддиради. — Нима бўлди ўзи, ҳозир эшитдим...

Гапини тугатишга улгурмасдан Асадбек уни гирибонидан олди.

— Жим юргин деганмидим? Қасосингни олган эдинг-ку?

— Бек ака, аввал гапимни эшитинг. Ҳозир Фарғонадан келялман, ахир.

— Ҳайдар, Шилимшиқ қандай ўлдирилганини кўрганмидинг? — деди Асадбек уни қўйиб юбормай. — Айт бунга, кўрганмидинг?

— Кўргандим.

— Жамшидни-чи?

— Кўрдим. Уша дарахтга осиб, ҳалигиси кесиб ташланибди.

Асадбек Элчиннинг гирибонидан кўлини олди-ю, ўша заҳоти жағига мушт туширди. Элчин гандираклаб кетди. Ўзини ўнглашга улгурмай Кесакполвоннинг тепкисини еди. Асадбек ғазаб отига миниб томоша кўрсатмаётган эди. У Жамшиднинг ўлимида Элчинни чиндан ҳам айбли деб санади. Назарида Элчин дайдиб кетмай уйда ўтирганида, хотинига яхши қараганида бу кўргуликлар йўқ эди...

Аср намозига азон айтилган дамда Асадбекка депутат кўнғироқ қилди:

— Ака, аҳвол чатоқ, мен билан Фарғонага бориб кела олмайсизми? — деди ҳовлиқиб.

— Нима гап ўзи? — деди Асадбек.

— Йўлда тушунтириб бераман. Аэропортга келаверинг.

Асадбек самолётга чиқмай туриб, Фарғонада нималар бўлаётганини эшитгач, Зелихоннинг гапларини эслади.

— Бу жанжалларга менинг нима алоқам бор? — деди Асадбек.


— Сиз у томонларда кўп одамларни танийсиз. Мени ўша ердан сайлашгани билан ҳеч кимни танймайман. Енимда бўлсангиз...

Асадбек унга қараб турди-да, кўл узатди:

— Яхши бориб келинг...

\* \* \*

Ҳар бир тоғнинг чўққиси бўлганидек, шайтанат олами воқеаларининг баёни ҳам шу нуқтада чўққисига борди. Бу демак, Оллоҳнинг мадади ила биринчи китоб ниҳоясига етди. Омин ва Роббил оламин.



## Мақомлар

«Шарқ юдузи» юртимиз тарихининг очилмаган саҳифаларини кенг оммага етказишда хайрли ишларни амалга ошираётир. Ўзбекистон мустақиллиги йўлида жон узган фидойи ватанпарварлар қисматини ёритиб, ёш авлоднинг миллий онгини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ёзувчи Файзулла Қиличевнинг журналнинг шу йцлги еттинчи сонидаги «Мустақилликнинг фожеий йўли» мақоласини ҳам катта қизйқиш билан ўқиб чиқдим. Унда турмуш гўзаллигини — ҳурлик деб билган, аммо ҳаёти зolim сталинчилар томонидан қирқилган кишилар қисмати ёритилган. Отам Ҳамро Хўжаев ва унинг оиласига тегишли ўринлар борлиги мени янада қувонтирди.

Эсимда бор, отам Халқ Комиссариатида ишлар, аммо Тошкентга кўчиб келишга улгурмаганди. 1937 йил августда у меҳнат таътилига чиқса-да, матбуотни ҳар куни кузатиб борар, «халқ душманлари фош этилган» мақолаларни ўқиганда ғоят асабийлашиб кетарди. Бир куни тоқати тоқ бўлганидан, меҳнат таътили тугамаёқ Тошкентга ҳақиқат излаб кетди. Пойтахтда бошига не савдолар тушгани ўши очеркда батафсил ёритилган.

Отам қатағонга учрагандан кейин биз — оила аъзолари чеккан изтироб, қувғин, ҳўрликларнинг ўзи бир дoston. НКВД терговчиси Қазаков Самарқанддаги уйимизни тинтув қилиб, «Совет мутахассиси» ширкатига тегишли уйимизни ноқонуний равишда давлат ихтиёрига ўтказиб юборди. Олиб кетган кийим-кечакларимизни 1939—40 йилларда уवादаси чиққан бир алфозда қайтарди. Бошқа буюмларимиз эса «ўрни билан йўқолиб кетди», Бундай далилларни бошқалар ҳам келтириши мумкин, лекин мен ўша давр воқеа-ҳодисаларини кўрган, билган одамлар тобора сийраклашаётганини эътиборга олиб, уларнинг хотираларини ҳибсхоналарда сақланаётган ҳужжатларни тезроқ элга ошкор этмоқ гали келди, деб ўйлайман.

Ф. Қиличевни ҳақиқат нурига йўғрилган, сермазмун мақоласи учун муборакбод этиб,

Ҳамро ХўЖАЕВ



Шавкат Ҳасан

## ЧЎКТИРАДИ ДИЛНИ

## ҲАР ЯПРОҚ

\* \* \*  
Кузак кечалари шитирлар хазон,  
Салқин шамоллари юзни ялайди.  
Ёзувлар, чизувлар остидан омон  
Таҳрир бўлиб чиққан дилни талайди.

Атроф кишанлари ҳорғин шарақлар,  
Тўсиб қўяр руҳнинг парвоз йўлини.  
Вужудим сесканиб ортга чекинар,  
Сезиб шўр тақдирнинг совуқ қўлини.

Букилиб кетади бемадор тизлар,  
Ёвуқ шарпа юзга келар урилиб.  
Йўқлик сари тифиз йўл солган ҳислар,  
Бир зум термулади, шундоқ бурилиб.

Сезаман, димоғим ютоқиб ютар  
Дилнинг бурксиётган тутунларини.  
Биламан, шамоллар супириб кетар  
Сўнгсиз ёнишларим кукунларини.  
Барчасин унутгум, билмадим қачон...  
Кечган йилларимда ўйларим талош.  
Қаерларга келдик сарсон, саргардон,  
Қаерга борурмиз, йигирма беш ёш?!

\* \* \*  
Чашмим — қуриётган иккита чашма,  
Соқоллар тикандир, юзларим — саҳрс.  
Руҳим адо этиб бўлган ҳунташна  
Томонга боқаман, юлдузлар қаро.

Жонимда, қонимда куюқ, тунд тутун,  
Бугунни мен бугун яшай олмайман.  
Эртанги кунларда ёпинмоқ учун  
Бошпана тилайман хотиралардан.

Кўнгилнинг титилган чорраҳасида  
Билмадим, шамоллар ненидир излар.  
Бир андуҳ — ой каби балқир расида,  
Руҳимга чўқади қора юлдузлар.

Шом чўкар, дил чўкар, бесас, бесадо,  
Недир юрагимга уради ханжар —  
Билмадим зулматми, билмадим зиё,  
Билмадим севгими, билмадим ажал?!

\* \* \*  
Сенминдиг ўзидан кечиб кетган жон,  
Менмидим йўлингда кўзи нигорон?!

Сенми у, қароқда ўстирилган гул,  
Менми у, қақшаган озурда кўнгил?!



Ғамгин оятларни туқиган сенму,  
Ҳазин муножотлар ўқиган менму?!

Менми у, фироқда ўртанган ўксиз,  
Сенми у, юракка ботиб кетган из?!

Сенми у, нафаси бетакрор рўё,  
Менми у, ҳар босган қадами хато?!

Чехрангмиди сенинг таратган зиё,  
Зулфингмиди сенинг тақдирдек сиёҳ?!

Дудоғингми эди жоллоду жонбахш,  
Кўларингми эди сожид сураткаш?!

Сенми осмонимда йиғлаган абр,  
Менми заминингда тиклаган қабр?!

Сенмидинг ўзидан кечиб кетган жон,  
Менмидим йўлингда кўзи нигорон?!

\* \* \*

Ота, яна дардим улғайди,  
Юрагимда бўзлаб тинди най.  
Қоя чўкса, бундай чўкмайди,  
Тоғлар чўкса, чўкмайди бундай.

Бу оғриққа дарё чидамас,  
Соҳилидан кетса ҳам йироқ,  
Нигоҳимга ботади ҳар хас,  
Чўктиради дилни ҳар япроқ.

Уз-ўзини ямлайди ҳафта,  
Йил сочилар бамисли тариқ.  
Чирқирайди қушлар безовта,  
Дод солади ҳар битта ажриқ,

Осмон ғилт-ғилт кўзёш тўқади,  
Булут келаверар пайдар-пай.  
Тоғлар чўкса, шундай чўқади,  
Ота, қоя чўқади шундай.


\* \* \*

Деразадан муттасил мунг оқади, тунд,  
Гултувакда кўкариб боради оғриқ.  
Яшаш қандай бўлар ўргатгил, ахир,  
Мен бу тарзда яшолмам ортиқ!

Не кечади, не кечар кўнғилдан бу кеч,  
Бари хом хаёлдир, бари ёлғондир!  
Мен сенинг ёнинга қайтай, севгилим,  
Сен мени бу баттол ўйлардан тондир!

Мунгдан зиё олиб ўсади оғриқ,  
Хотира сўради муздай қонимни.  
Ичикиб, кечикиб бораяпман мен,  
Соғинч ғажиб борар устихонимни.

Самарқанд



Наби Жалолiddин

## ДУНЁ ТУШЛАРИГА ИЗЛАЙМАН ТАЪБИР

\* \* \*

Сукут — мангуликнинг мурғак гўдаги,  
Суврати ёмғирдан кейинги осмон.  
Ул гўдак бешигин тебратган каби  
Осмонга термулиб ҳилвирайди жон.

Кўйгиси келади буюк кундага  
Адолат қиличи чопмаган бошин.  
Отилган қонлари оқсин қиблага,  
Қонига йўғрилсин тўкмаган ёши.

Оламга ўралсин сукут ноласи,  
Кишанлар овози тинсин бир нафас.  
Мангуликнинг ўктам мурғак боласи  
Толим сочларидан ясасин қафас.

Нигоҳини олиб кесилган бошнинг,  
Қафасга кўз қилиб кўйсинлар алҳол.  
Олий паноҳида бу нигоҳ — тошнинг  
Фақат ёмғирдан сўнг кўринсин жаҳон!..

Сен жимсан...

Сен жимсан.  
Мен ҳам жим,  
бўзлаб ётар ўртадаги масофа.  
Ҳижрон манглайида хотира — ажин,  
Кўкракдан итарар вақт касофат.

Ёлғиз юрак эрур ғижимлаганим,  
Минг йиллик юрак бу,  
Бу юрак азим.  
Шунча йил қалб қучиб бир тинглаганим —  
Сенинг жимлигинг.  
Мен ҳам жим...

Осмонлар бағрида туғилган,  
Булутлардан йўргагин бичиб,  
Юксаклардан Ерга қувилган  
Самовий ҳувиллаш  
Сенинг жимлигинг.  
Мен ҳам жим...

Бунча ҳувиллайди бу юрак,  
Осмоннинг боласин олгандек асраб?!  
Шу ўгай гўдакка бўлгандек йўргак  
Туманга айланган  
Минг йиллик ҳасрат,  
Бунча ҳувиллайди бу юрак?!  
Сен жимсан.  
Мен ҳам жим...

## Исён ибтидоси

Сонсиз нигоҳларнинг чайир қўллари  
Мижиқлаб яшайди умрим маънисин.  
Ҳурликка ошуфта кўнгил хўрланиб,  
Лаънатлаб ўтади одамлик дарсин.

Фалакнинг пешини учардим тутиб,  
Заминдан узганча оёқларимни.  
Бирам қичқирардим ўзни унутиб  
Ва тўкиб олардим гуноҳларимни...

Қани, бир дақиқа нигоҳлар тинса,  
Бир лаҳза қулоқлар том битса қани?!  
Бўғзимга бир чимдим озодлик инса,  
Ёввойи ҳурликни ҳис этса таним.

Игна санчар сонсиз нигоҳлар...  
Чанг бўлибди, ҳайҳот, туфлигим,  
Бўйинбоғим кўйлакка мосмас,  
Билмай яна қайга туфладим?!

## Ҳазал эмас

Ўзим билмай ёки билиб, адашдим,  
Одамлар қилганин қилиб, адашдим.

Мақтовлардан бино олам шу экан,  
Шу дунёни мақтаб, тилим, адашдим.

Севгим қаро ерда қолганмиди-ей,  
Яна уни севиб, дилим, адашдим.

Бу дунёга қўлим силтаб ўтарман  
Оллоҳим, бағримни тилиб, адашдим.

Ширк кетсам, Худойим, гуноҳимдан ўт,  
Бўйнимга минг гуноҳ илиб, адашдим.

Ўн саккиз минг оламинг бисёр экан-ку,  
Асли бу дунёга келиб, адашдим!..

\* \* \*

Энди гапирмайман,  
Дарахтман мен бир,  
Тунги осмонларга соламан қулоқ.  
Дунё тушларига излайман таъбир,  
Бағримни ёролмас ўша оҳ.

Энди сукунатнинг бўлдим боласи,  
Кийдим чопон — у қилган тортиқ.  
Юрагимнинг тунги ноласин  
Сезмас биров чопондан ортиқ.

Елғизликдир менинг мозорим,  
Ўзни кўмиб қўйганман унга.  
Инсон умрин жами озори  
Сиғмасдан қийналар —  
Бир сиқим тунга.

Избоскан



Шарафиддин Али Яздий

# Зафарнома

ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОННИНГ ЖАТА СИПОҲИ БИЛАН  
ЖАНГ ҚИЛМОҚҚА ЧЕРИК ТОРТГАНЛИГИ ҲАҚИДА СЎЗ

Жата сипоҳининг (бостириб) келаётганлиги аниқ бўлгач, ҳазрат Соҳибқирон Моварауннаҳр томон йўл олди. Амир Мусо билан биргаликда Жайхундан ўтиб, ғайратшижоат юзларини душманларни йўқ қилмоққа қаратдилар. Жата лашкари Тошкентга етиб келган эди, қиш кириб қолганлиги учун улар ўша ерда тўхтаб турдилар. Ҳазрат Соҳибқирон амир Мусо билан Самарқанддан ўтиб, Қора мавзеини қароргоҳ қилдилар. Амир Ҳусайн ҳам қолган лашкар билан орқадан етиб келиб Кеш жулгасидан ўрин олди.

(Ногоҳ) бахтли тасодиф билан, Жата амирлари ўртасида низо туғилди. Дўғлот ўмоқидан<sup>1</sup> Қамариддин, Кепек-Темур ва Широул лашкарнинг баъзи бир (қисм)лари билан Ҳожибек арканутга<sup>2</sup> қарши бирлашдилар. Ҳожибек ул ҳолатдан хабар топиб, улар билан жанг қилиш ниятида (отга) минди. Улар ҳам отландилар, етиб келгач, ўзаро маслаҳатлашиб, яна қайтиб кетдилар. Қамариддин ва Кепек-Темур ҳийла ишлатдилар, яъни ўз тобелари билан ортга қочдилар. Ҳожибек эса, Широул устига бостириб бориб, уни қатл этди. Шу сабабдан, Жата лашкари тўзиб-тарқаб қайтиб кетди ва ул жиддий хавф-хатар ҳазрат Соҳибқирон давлатининг бахтига бирор-бир заҳмат етказмасдан бартараф бўлди...

Шундан сўнг, ҳазрат Соҳибқирон ва амир Мусо хон билан Амир Ҳусайн қошига киши юбордилар ва Жата лашкари паришон, турли томонга жўнаб кетди, маслаҳат улдирким, уларни таъқиб этсак, деб хабар қилдилар. Ўша қишда Бадахшон шоҳлари тўсатдан ҳужум қилганлари ва Қундузни талаб кетганлари сабабли, Амир Ҳусайн Бадахшон томон юрмоқни ва улар билан муносабатни узил-кесил ҳал қилмоқни афзал билди.

АМИР ҲУСАЙН ВА ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОННИНГ БАДАХШОН  
ТОМОН ЙЎЛ ОЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА СЎЗ

Давлат қудрати билан кўнгил Жата сипоҳи ташвишидан тинчигани сабабли, Амир Ҳусайн ва ҳазрат Соҳибқирон янгидан лашкарни тартибга келтириб, Бадахшон сари юзландилар. Жайхундан ўтиб, қўл ва манғлойни тузиб, Тойхон,<sup>3</sup> Кило ва Кондан ўтдилар. Бадахшонга қарашли Кишим<sup>4</sup> улар чодирининг манзилгоҳи бўлди.

Ҳазрат Соҳибқирон, унинг учун хос бўлган (одатга) кўра, илғор тарзда олдинда борди. Амир Ҳусайн ўғли Жаҳонмулкни ул Ҳазратга ҳамроҳ қилиб юборди, ўзи эса хон билан Кишимда қолди. Ул тарафдан бадахшонликлар Каргас довонини<sup>5</sup> эгаллаб, пиёда бўлиб турдилар ва ўқ бургутини (учириб) қушни ҳам у ердан ўтказмаймиз, деб тасаввур қилардилар. Бироқ, ҳазрат Соҳибқирон сипоҳининг қорасини кўришлари биланок, уларни қўрқув босди ва қоча бошладилар...

Жирм давонида<sup>6</sup> улар қайтадан ботирлик намойиши этиб турдилар, лекин зафар-

пайлар айладилар. Жирм сувидан<sup>7</sup> ўтиб кўприкни буздилар ва кечув жойларида тўпланиб турдилар. Ҳазрат Соҳибқирон бошқа жойдан кечув қидирди ва ўз одамларидан бир тўпини яширинча ўтказиб қўйди. Улар лашкар ўтганидан хабар топгач, ўз ўринларидан туришга чидамлари етмади ва Бадахшоннинг юқори томонига қочдилар. Барча шоҳлар (қоярлар) жуда тик бўлган ва (тубида) иккита азим сув ул ерда қўшилган Артуж дарасига<sup>8</sup> ўрнашиб, чирлар билан тўсиб олдилар. Гардун мисол аскарлар шижоат юзларини ул жой сари қаратдилар. Улар у ердан ҳам орқа ўгириб қочдилар, сўнгра Кунғуруланг<sup>9</sup> томон юриб, Жайхун сувининг бошланиш жойидан ўтдилар ва кечувларни тўсиб олдилар. Зафарли лашкар манғлойи уларнинг ортидан изма-из етиб бориб, ботирлик панжасини урушмоққа ёзди ва ул гангиб қолганларни у ердан ҳам қувладилар, шоҳ Шайх Али Бадахшонийни асир олдилар. Уларнинг от ва қўй сурувларини қўлга киритиб, барчасини тўла-тўқис ҳазрат Соҳибқирон ҳузурига етказдилар.

Бадахшонликларнинг бир гуруҳи қочиб қолган ва бир дарага тўпланиб олгандилар. Ул Ҳазрат Жаҳонмулкни катта қўшин билан жўнатди ва уларни талон-тарож қилиб, кўплаб ўлжа қўлга киритдилар. Қайтиш чоғида бадахшонликлар бир тор дарада уларнинг йўлини тўсиб уруш қилдилар. Қаттиқ жанг бўлди. Жаҳонмулк қочди ва душман ғолиб чиқиб, талаб олинган нарсаларнинг барчасини қайтариб олдилар. Баъзиларни ҳалок этдилар, олти юз ўттиз отлиқни (отдан) тушириб, ҳаммасининг от ва жибосини тортиб олдилар. Элчи тезлик билан от суриб, бу аҳвол ҳақида Соҳибқиронга хабар етказгач, хисравона ғурур олови аланга олди ва у ўша заҳоти отланиб тоққа кўтарилди. Бу муҳдиш воқеа хабарининг ваҳимасидан (Соҳибқирон) лашкарининг кўпчилиқ қисми қочиб қолиб, бу муҳим ишда қатнашмоқдан бош тортдилар. Саодатли Соҳибқирон ўн уч киши билан бадахшонликлар ўтадиган тор дара оғзини тўсди ва шижоат қўлини осмоний тасдиқ енгидан чиқариб, ҳужум қилди. Бу ишга айланувчи фалак ҳайрон эди ва қиличбоз Миррих таажжуб бармоғини тишлади...

Кўп жанг-жадалдан сўнг, зафар (тасвирини) чизувчи қиличнинг дами билан душманлар тутқунлигининг жабр-зулмини йўқ қилиб (асирдаги) аскарларни қутқариб олди. Ул Ҳазратнинг муборак тилидан: «Мен қилган ҳамма жангларда ва юз берган барча қийинчиликларда ушбу жангдагидай қаттиқ бўлганини кўрмаганман»,— деб айтганини қайд этмишлар. Ул томондан элликта пиёда қалқонларни бошларига кўтариб яна бир марта ул Ҳазратга юзландилар ва (аслида) душманлар жони узра ёғини керак бўлган ўқ ёмғирини Соҳибқирон томон йўлладилар. Уларнинг мададига таянган ҳолда, орқадан яна икки юз киши келарди. Соҳибқирон бахтининг қуввати Элчи-Бўғога куч бағишлади ва уларнинг орасига пиёда югуриб бориб бир неча тожикни гарданига қулочкашлаб туширди ҳамда таъширчан ва чечан тил билан уларга қараб шундай деди: «Сизлар кўриб турган шахс, бу ўша киши, яъни ҳазрат Соҳибқирон (Амир Темур) эрур, у сизларнинг асирга олинган одамларингизни бўшатиб қайтариб беради. Бас шундай экан, нега беҳудага урушасизлар. Билиб қўйинг, агар ҳалок бўлсангиз ёки асир олинсангиз гуноҳ сизнинг бўйингизда бўлади». Пиёдалар ҳумоюн ул Ҳазратнинг номини эшитгач, жасорат қўлини урушмоқдан тортдилар ва фақирлик бошини эгиб, адаб тилини ер ўпмоқлик расми учун ҳозирлардилар; улардан икки киши бечоралик оёғи ила олдинга юриб ҳазрат Соҳибқирондан ялиниб-ёлвориб омонлик тиладилар. (Ул Ҳазратдан): «Аскарлардан олган от ва жибо барчасини тўплаб, эртага эрталаб олиб келиб топширинг, шунда сизлардан асир олинганларни ўзингизга қайтарурмиз»,— деган ишорат содир бўлди. Улар буйруққа бўйсуниб, розилик бармоғиңи таслим бўлмоқлик кўзига сурдилар... ҳамда дуо ва сано айтиб қайтиб кетдилар. Гардун иқтидор, музаффар ва бахтиёр, фатху зафар мулозим, иқбол ва бахт унга ёр, парвардигор лутфи муҳофазасининг соясида бўлмиш Соҳибқирон ҳумоюн қўшинлар билан қўнди. Бадахшонликлар ул томон сипоҳидан нимаики тортиб олган бўлсалар барчасини йиғдилар ва от-уловдан тузилган тўққиз-тўққиз<sup>10</sup> анчагина совғаларни ҳам олиб, эртаси куни ҳазрат Соҳибқирон ҳузури томон йўл олдилар.

Таъзим қилмоқ расмини адо этгач, (олган) ўлжаларини қайтардилар ва яна тортиқлар бердилар. Хисравона марҳамат уларнинг асирларини бўшатмоқни фармон этди. (Ваҳоланки), ул томон лашкари булардан, ўлдирилган ва хаста-ярдор этилганлардан ташқари олти юз ўттиз отлиқни асир қилиб, шармандалиқ елига топширган эдилар. Омадли (Соҳибқирон) ўн уч киши билан зафар топган ва ғалаба қозонган душманлардан уларни қилич воситасида қайтариб олди ва (боз устига) қанчадан-қанча тортиқлар ҳам келди.

Сўнгра у саодату фирузлик ила ул ердан қайтди, раҳмдил ва меҳрибон тангри ҳифзу ҳимоясининг соясида Бадахшон шаҳрига<sup>11</sup> келиб тушгач, Тезакчи жалойир ва қочиб қолган яна баъзи бирлар у ерга етиб келиб, дўқ-пўписа ва таънага қолдилар. Амирлар ҳозирча сабр қилиб, қайтиб боргач улардан ярғу сўрашни таклиф қилишди. (Соҳибқироннинг) хисравона ғайрат-шижоати кечиктиришга кўнмади ва уларнинг ўша ердагиларига фармон бериб, гуноҳларини сўраб чиққандан сўнг, олди-ортига чўп билан савалаб жазоладилар. Мисра: Ул гуноҳ учун бу жазо унчалик кўп эмас.

Ҳазрат Соҳибқирон Бадахшонда тўхтаб турган пайтда, Амир Ҳусайн ўнинг олдига



киши юбориб деди: «Шайх-Мухаммад сулдўз ва Кайхусрав келмиш, ўз тобелари ва тарафдорларини йиғиб душманлик байроғини кўтармиш ва бул фитна оловини ўчирмоқ

Назм:

Обдор қиличинг қиладиган ишдур,  
Бу бахт саодатинг шеваси эрур.

Умидим улдурки, бу ишда сен пайсалга солмоқни раво кўрмассен ва зудлик билан етиб келурсен». Узи эса, хон билан бирга Соли-Саройга қайтди.

### СОҲИБҚИРОННИНГ БАДАХШОНДАН ҚАЙТИБ КЕЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА СЎЗ

Шайх-Мухаммад Баён сулдўз ва Кайхусравнинг жасорати ва бош кўтаргани хабари ҳазрат Соҳибқиронга етиб келгач, қайтмоққа азм айлаб Бадахшондан отланди ва саода-ту иқбол ила равона бўлди.

Давлат асосининг маркази ва ғалаба нишонли байроқнинг зафари ҳазрат Соҳибқирон эканлигини ҳамма биларди. Мисра:

У қайси томонда бўлса, нусрат ўша томонда бўлади.

Шу сабабдан, Шайх-Мухаммад Баён сулдўз ва Кайхусрав ҳам умид қўлини унинг давлати этагига узатиб, ул Ҳазратга бир хат ёзган ва унда ўз мақсадларини изҳор этиб, ёрдам ва ҳамжиҳатлик сўраган эдилар. Ул мактуб йўлда Амир Хусайн қўлига тушиб қолди. Ҳазрат Соҳибқироннинг ул мазмундан хабардор этдилар: у Арҳанга етиб боргач, сув бўйида Амир Хусайн билан мулоқотда бўлди. Амир Хусайн уни шод-хурсанд кутиб олди ва бирор дақиқа ҳам иззат-икром расмини тарк этмади. Лекин ҳазрат Соҳибқирон кўнглида: «Садоқат ва бирлик иккала томондан аҳл ва паймон ила қатъий қилинганлиги учун Амир Хусайн ул мактубни кўрсатиши ва дилида борини яширмаслиги керак, чунки кўнгил софлигининг нишонаси қалб розини очмоқдан иборатдир»,— деган сўзлар кечди. Дўстлик сув мисоли, унинг қалбининг софлиги, тиниқлиги билан ва хиралиги лойқалиги билан (белгиланади). Дўст сув мисоли; агар тиниқ бўлса, ўз ичидагисини аниқ-равшан кўрсатади, агар хиралашса — пинҳон тутади. Амир Хусайн у (мактуб) ҳақида ҳеч нарса демади ва ул ҳақда бирор оғиз сўз қотмади. Бундан ҳазрат Соҳибқироннинг кўнглида адоват пайдо бўлди. Ўз оромгоҳига қайтиб келганида, уч киши унинг олдига етиб келиб бир овоздан,— «Амир Хусайн қандайдир бир ёмонликни кўнглида тугмиш ва сизни банди этмоққа қасд қилмиш»,— деб арзага етказдилар. Гарчи бу сўзлар душманликни кучайтирган бўлса-да, лекин ул соҳибдавлатда баҳодирлик ғайрати ва босиқлик қуввати ўта кучли бўлганлигидан, ўзидаги ўзгаришни сездирмади ва ул сўзларни ҳақиқатга йўймади. Ундан сўнг бир киши келиб битта хат келтирди; унда, ўша парйтда хон бўлмиш Одил-султон қуйидагиларни ҳазрат Соҳибқиронга ёзиб юборган эди: «Амир Хусайн амир Мусога, пайт пойлаб имконият бўлиб қолганда сени қўлга олишни тайинлапти». Амир Хусайнда ваъдани (бузиш) ва душманлик белгилари турли тарзда зоҳир бўлган эса-да, ҳазрат Соҳибқирон осмоний тасдиқ мададига кўра қайғули ҳолатга тушмади ва ул мактубни беркитиб: «Агар Амир Хусайннинг кўнглида бирор ёмонлик бўлса, дастлабки мулоқот пайтидаёқ шахсан ўзи чора кўрган бўларди, амир Мусога ўхшаганларнинг мени тутмоққа куч-қудрати қаёқдан етсин»,— деб ўзига тасалли берди...

Ушбу ўй-фикрдан сўнг Амир Хусайн билан учрашмоқ учун йўлга отланди ва ул сўзнинг ҳақиқатини юзма-юз гаплашиб билмоқчи ва ҳеч бир пардасиз унинг мазмунини сўраб аниқлаб ҳадиқсирашни йўқотмоқчи эди. Амир Хусайн (яқини)га етганида, у ҳам отланиб Жайхун сувининг бўйида турарди. Ул Ҳазрат учрашмоқчи бўлиб турган пайтнинг ўзида сувнинг нариги томонидан қайиқ етиб келиб, ундан шошиб бир киши тушди ва Амир Хусайнга қараб секингина: «Душман яқин келмиш, лашкарни тузамоқ лозим»,— деб хабар қилди. Амир Хусайн ул сўзни эшитгач, ҳазрат Соҳибқиронни жўнатмоқдан ўзга бирор чора топа олмади. Юз берган вазият ҳақида ул Ҳазрат билан кенгашиб, шундай деди: «Бу аҳволнинг тадбири шулдирки, сен зудлик билан ўз сипоҳингни олиб сувдан ўтсанг ва манғлой лашкарни тузаб душманларни йўқ қилмоққа киришсанг. Чунки илгарироқ борган Зиндаҳашам ва бошқа сардорлар бу ишни талаб этилганйдек ўринлата олмайди».

Ҳазрат Соҳибқирон ўз лашкари билан сувдан ўтди ва кўнгли истаган нарса содир бўлди: Зиндаҳашам ва манғлой сипоҳига етиб бориши билан лашкарни тартибга келтириб, сафларни ростлади ва ҳиммат юзини душманларни йўқ қилмоққа қаратди. Улар ҳазрат (Соҳибқирон)нинг келганидан хабардор бўлганларидан сўнг, тезда орқага ўгирилиб, қочабошладилар... Кайхусрав қочиб Қайир-тагин<sup>12</sup> йўли билан Алой<sup>13</sup> томон кетди. Зиндаҳашам нақомини қилиб унинг изидан тушди. Шайх-Мухаммад Баён сулдўз Дарзий<sup>14</sup> йўли билан Хўжанд томон қочди. Ҳазрат Соҳибқирон нақомини қилиб, уни то Хўжандгача қувлаб борди. У Сайхундан ўтиб Тошкент ва Ўтзор томон ошиқди.

Ул Ҳазратнинг ғалаба оятли байроғи саодат ила у ердан қайтиб музаффар ва ғолиб

Кешга келиб тушди; оллоҳ кўлловининг кўмаги ила кундан-кун ортиб боровчи давлатнинг пойтахтида ўрнашди...

Амир Ҳусайн ҳазрат Соҳибқирон давлатининг зафарлари ва бахту иқболининг ёрдами туфайли душманлар босқинчилиги даҳшатидан омонлик топгач, Арҳангдан<sup>15</sup> Балхга (кўчиб) келди ва Ҳиндувон кўрғонини ўз давлати байроғининг маркази қилиб яшай бошлади.

## ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОННИНГ АМИР ҲУСАЙНГА ИККИНЧИ МАРТА ҚАРШИ БЎЛИБ ҚОЛГАНЛИГИНИНГ САБАБИ ҲАҚИДА СЎЗ

Ваҳий<sup>16</sup> куйлагувчи тўти,— оллоҳ бандасига (яъни Мухаммадга), унга (оллоҳнинг) энг улуғ раҳматлари ва энг юксак олқишлари бўлсин, ўзи кашф этган нарсаларни ваҳий этди,<sup>17</sup>— (деган оятни) роз сўйлади. У (Мухаммад) эса,— фақат унга нозил қилинган ваҳийларнигина сўзлайди,<sup>18</sup>— деган оятдан илҳомланиб, ҳидоят айлагувчи бу сўзларнинг шукронасини баланд рутбали уммати қалбига жойлади. Чунки,— агар оллоҳнинг иродаси барча лозим нарсани ўзи тайёрласа,— дейилганига кўра, улуғ парвардигорнинг муқаддас иродаси ҳар бир нарсанинг содир бўлишига ва (ҳар қандай) ҳолатнинг юзага келишига тааллуқ топса, унинг воқе бўлиши учун ҳамма нарсани ҳозирлаб муҳайё қилади ва унинг амалга ошиш тайёргарчиликларини таппа-тахт қилиб кўяди...

Биз сизларни ерда халифа қилиб тайинладик,<sup>19</sup>— (деган оят) дорус-салтанасида,— ҳар бир тирик нарса қалам (сиёҳи)нинг қуриши кабидир,— (сўзларининг) муншийси,— раҳматимизни хоҳлаган бандамизга насиб этгаймиз,<sup>20</sup>— (оят)нинг хабарчиси орқали ер юзи халифалигининг олий фармонини саодатли Соҳибқироннинг ҳумоюн русумли номига ёзган эди. (Шу сабабдан, ул фармон),— оллоҳ ўз раҳматидан одамларга очган нарсани ҳаргиз тўсиб қўйгувчи бўлмайди,<sup>21</sup>— (деган оят) нишони билан етиб келиб,— авлодлар бир-бирлари билан қондош эрурлар, ҳақиқатда оллоҳ англаб етгувчидир,<sup>22</sup>— (деган оят)нинг мустаҳкам қонуни воситасида тасдиқланганди. Чунки унинг улуғвор оиласининг салтанати ва подшоҳлиги бахт-саодатидан жаҳон ва жаҳон аҳли адл ва эҳсони соясида осудаликда ва шодмонликда кун кечирмоқдалар. Ул Ҳазратнинг подшоҳлиги ва истиқлоли учун зарур нарсалар ғайбнинг пистирмасидан шундай бир тарзда содир бўлдики, унда ақлнинг ўткир кўзи ҳайрон ва олам билимдонларининг тафаккури унинг ҳикматини англаб етишда саргардон эдилар...

Султон оллоҳнинг ердаги сояси эрур,— деб қайд этилганлиги учун уларнинг (султонликдан иборат) олий унвони оллоҳ мартабасининг соясидир. (Оллоҳдан ўзга оллоҳ йўқ, у ягонадир),— унга шерик йўқдир.<sup>23</sup>— Бу мазмун сирининг талаби шундан иборатки, салтанатни бошқариш иши, энг муҳим томони, асло шерикчиликка тоқат қилолмайди. Жаҳондорликнинг улуғ мансаби ҳамкорлик билан бирга сайр қилмайди.

Байт:

Икки Жамшид қачон бирга базм қурмиш,

Икки қилич қачон бир қинда турмиш.

Бир мамлакат икки шоҳга эрур тор,

Ким айтар бир фалакда икки ой бор.

Шунга кўра, оллоҳ иродаси содир бўлган: «Биз унга ерда макон бердик»,— деган сўзларнинг сахий марҳамати шон-шавкат эгаси бўлган бир кишининг давлати байроғини шоҳлик чўққисига кўндиришни, рубъи маскунни унинг фармони бедовининг жавлонгоҳига айлантиришни идорат қилар экан, энг аввал, сарварлик савдоси тушган, мажоли бор ҳар қандай бошни фано тиғи ила узиб ташлайдилар, бўйсунмаслик ва юқорироқ бўлиш фикри кўнглидан ўтган ҳар бир кимсани ҳам тирик қолдирмайдилар.

Ул теварак-атрофда ҳокимиятга бошчилик қилмоққа даъвогар бўлган бирдан-бир кучлироқ киши, бу Амир Ҳусайн эди. Лекин кўп ўтмай, унинг давлати завол топишига шарт-шароит етилди ва бу феъл-атвори (ёмонлиги) туфайли бўлди. Биринчидан, мизожида мол-дунёга бўлган ҳирс ва хасислик жуда кучли эди. Унга яна бад-феъллик, дағал сўзлаш, ғурурланиш, ўзиникини маъқуллаш, кеккайиш ва такаббурлик каби (ёмон хислат)ларни ҳам қўшди...

Шу сабабдан, одамларнинг кўнгли унга нисбатан бутунлай нафратга тўлди ва диллар унга хайрихоҳлик ҳамда дўстлик қилиш йўлидан юз ўгирди...

(Амир Ҳусайн) шон-шавкатининг асоси ҳазрат Соҳибқирон ҳамжиҳатлиги воситасида кучли бўлиб турган пайтда одамларда у билан муроса қилмоққа зарурат бор эди. Чунки ҳар кимки унга душманлик изҳор этса ва мардлик оёғини илгари босса, ул Ҳазрат интиқомининг қўлидан бошини қочмоқ йўлидан бошқа томонга олиб чиқолмас эди. Унга дуч келган ҳар қандай ишда ва у билан юз берган ҳар қандай ҳолатда ҳам ул Ҳазрат ҳамжиҳат бўлмоқ ва кўмаклашмоқ йўлини имкони борича мардоналикнинг ҳимосига топширди. То шу даражадаки, (бир вақтлар) Одил-Султонхон Амир Ҳусайндан қўриқиб қочганида, унинг йўли Кеш орқали ўтди. Ҳазрат Соҳибқирон зудлик билан уни таъқиб этиб урушди ва асир олиб Амир Ҳусайн қошига юборди. Уларнинг ўртала-рида садоқат ва дўстлик муносабати яқинлик ва қариндошлик алоқаси билан қатъий

қилинган эди. Аммо Амир Хусайннинг кўнгли макр ва ғаддорлик ўй-хаёлидан бўшамасди. Бундан олдин, у билан ҳазрат Соҳибқирон ўртасида қарама-қаршилиқ юз берганлигидан жуда пушаймон бўлди ва турли йўллар билан яна ярашиб, аҳд ҳам паймонни иймонини ўртага қўйиб қатъий этди.

Лекин шу пайт, ўз мизожининг беқарорлиги туфайли, қариндоши бўлмиш Пўлод-бўғонинг ва амир Халилнинг фисқ-фасодига учиб, аҳд ва қасамни бир ёққа йиғиштириб, макр ва хийла йўлига ўтди. Киши юбориб, ул Ҳазратнинг эл ва улусидан кимки номдор бўлса, Кеш ва ул навоҳидан кўчириб Балхга юборсинлар, деди. (Шунингдек), амир Муайяд арлот шароб бошида Жоварчининг ўғлини уриб ўлдириб қочиб кетганлиги касрига, унинг харами, яъни ҳазрат Соҳибқироннинг синглиси бўлмиш Ширинбек-оғони Балхга элтсинлар, деб одам жўнатди. Ҳазрат Соҳибқирон унинг олдида қолдирган амирзода Жаҳонгирни қайтариб юборди. Яна ул Ҳазратга: «Амир Мусони кўч-кўрони билан бизнинг ҳузуримизга юбор»,— деб пайғом йўллади.

Ҳазрат Соҳибқирон унинг душманлиги ҳақида бевосита (хабарчиларнинг ўзларидан) ҳам ёзма равишда етиб келган (гаплардан, шунингдек), Кайхусравнинг мактубини беркитган ва ул сўзни Шайх Муҳаммад Баён сулдўз тасдиқлагани кабилардан муборак хотирида эҳтиёт бўлмоқ лозимлиги фикри кечганди. Бу хатти-ҳаракатлар олдинги (бу ҳақда) билган-аниқланганлар билан бирлашган, Амир Хусайннинг феъли айниганлиги, (Соҳибқироннинг) олий раъйи наздида равшан ва аниқ бўлди. Мисра: У ёвузлик ва сотқинлик ўй-фикрида эрур. У бундан ортиқ кўнгилчанлик ва муроса қилмоқни маъқул кўрмади...

Кенгашмоқ расм-русумига амал қилиб, амир Мусо ҳамда ўзининг хос маҳрамлари ва давлатининг содиқ кишиларини чорлаб, (ўз фикрини) ўртага қўйди: «Амир Хусайн яна макр ва хийла қилмоққа ўтмиш ва ажаб режаларни мўлжалламоқда; ундан ғофил бўлмоқ эҳтиёткорлик талабига тўғри келмайди». Ҳозир бўлганлар бу сўзларни эшитгач, амир Мусо, (бошқа) амирлар ва ул Ҳазратнинг аркони давлати — амир Довуд, амир Сорибуғо, амир Жокў, амир Муайяд, Хусайн-баҳодир, амир Сайфулдин, Аббос-баҳодир, амир Оқбўғо, Элчи-баҳодир, Шайх Али-баҳодир, Давлатшоҳ-бахши уйғур кабилар ҳаммалари бир овоздан шундай дедилар: «Амир Хусайннинг аҳдига асло ишонч йўқ, у ғараз ва макр асири бўлган. (Худо) кўрсатмасин, агар фурсат бой бериладиган бўлса, уни эпқага келтириб бўлмай қолади ва надомат фойда бермайди. Сўзсиз, унга қарши курашда бир жону бир тан бўлмоқ лозим, барча саъй-ҳаракат унинг ишини бир ёқли қилишга йўналтирилмоғи керак...

Амир Жокў ва Давлатшоҳ-бахши ул мазмунда ҳаддан ортиқ муболағалар қилдилар. Ҳазрат Соҳибқирон уларнинг сўзини диққат-эйтибор билан эшитди. Амир Мусо ул Ҳазратга нисбатан садоқат ва ҳамжиҳатлик кўрсатиш аҳдини янгилади. Ҳаммалари чин кўнгилдан амир Хусайнга қарши курашмоқчи бўлдилар. Фурсат тақозосидан келиб чиқиб, Хизр-ясаурийнинг биродари Алини ёсоққа етказдилар.— Оллоҳ тақозо этган нарсада яхшилиқ бордир.

## ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОННИНГ АМИР ХУСАЙН УСТИГА ЧЕРИК ТОРТГАНИ ВА ПАРВАРДИГОР ИНОЯТИНИНГ ҚУЛЛОВИ БИЛАН ЗАФАР ҚОЗОНГАНЛИГИ ҲАҚИДА СЎЗ

Амир Хусайн ўз аҳду паймонини бузишни ўйлаб яна душманлик қасдида айёрлик ноғорасини нифоқ палоси тагида чертаётганлиги ҳамда фурсатдан ютиб ўз муродига хийла билан етишиш орзусида эканлиги турли далил ва белгилардан равшан бўлди. Ҳазрат Соҳибқирон шарият қонуни асосида жорий этилган фитна қилувчини даф қилиш вожиблиги ҳукмидан келиб чиқиб, унинг ишини бир ёқли қилишга киришмоқчи заруратдан деб топди ва бу ишни у кўзлаган мақсадига киришишига имкон туғилмасдан олдинроқ амалга оширмоқчи бўлди. Бироқ, аълоҳазрат ҳиммати ишнинг асосини ожизлик ва иложсизлик ташкил этган, хийла ва иккиюзламачилик билан бошланишига йўл қўймас эди. (Шу сабабдан), таваккалнинг орқасининг тангри иноятининг кўмаги ила мустаҳкамлаб, ҳиммат юзини Амир Хусайнни йўқ қилмоққа қаратди ва мардонвор муҳолифат эълон қилиб, сипоҳ йиғишга фармон берди. Ҳинду-Қарқара қипқочни Сайхун сувидан ўтиб Утторга қочиб кетган Шайх-Муҳаммад Баён сулдўзни олиб келиш учун жўнатди.

Ҳазрат (Соҳибқирон) паноҳи бўлмиш сипоҳ қазодек кескин фармонга мувофиқ, осмон билан тенглашувчи даргоҳга йиғилгач, қўл ва манғлойни тартибга келтириб, амир Мусони қўлни бошқаришга тайинлади. Ўзи эса, саодатли вақт-соатда ва энг бахтли айёмда Кешдан йўлга чиқиб, бир гуруҳ баҳодирлар билан олдинда борарди...

Хузурга етиб келганларида амир Мусо, унга хос бўлган одатга кўра, ўринсиз ваҳимага тушди ва аҳд-паймонни бузиб, қочиб Самарқанд томон қайтиб кетди. Ҳазрат Соҳибқирон унинг бу қилмишига эътибор бермади ва Суюрғатмиш-ўғлонни амир Муайяд, Хусайн барлос ва яна бир қанча баҳодирлар билан қўшиб манғол расми ила олдинга жўнади. Қўлни эса, (ўзининг) ҳумоюн улуғворлигининг нурлари ила порлоқ этиб равона бўлди.

манглиро паҳалқадан утиро, термизга етиб оорғач, Амир Ҳусайннинг Ҳиндушоҳ ва Халил бошлаб олиб келган лашкари уларнинг қорасини кўриш биланоқ қочмоққа юзландилар ва Омўя сувидан ўтиб, Балх томон йўл олдилар. Осмоний тасдиққа эга бўлиш ҳазрат Соҳибқирон Термиздан уч фарсах наридаги Буё мавзеига келиб қўнди.

Пешволарнинг қуббаси, (оллоҳ) мамнун этган энг буюк (шахс), мақтовлар ва унволари<sup>24</sup> камолот даражасига етганлигининг шон-шуҳрати жиҳатидан энг саховатли бой Сайид Барака<sup>25</sup> жаноби олийлари; (у киши) буюк Макканнинг улуғлари ва азизларидан эди; ўша асрда ер юзи сайидларининг энг улуғ пешвоси, саралаб олинган гуруҳ шодасининг воситаси, унинг зоти шарифи Тоҳа ва Ёсин<sup>26</sup> авлоди эзур...

У ўз ваъдасига кўра ўша жойда,— (дейилганига) биноан, ул ҳумоюн манзилда, чин юракдан хайрихоҳлик кўрсатиб, пешвоз чиқди ҳамда салтанат ва подшоҳлик белгиларини англаувчи ноғора ва алам келтириб, ҳазрат Соҳибқиронга совға қилди. (Сўнгра оллоҳ) кўмағидан илҳомланган ҳолда бахт-саодат сўзларини айтиб башорат қўшиғини каромат пардасидан чала бошлади...

Муборак тили ўшал дам гўё парвардигор (белгилаган) қисмат ва унинг чексиз иноятининг таржимони эди; чунки у башорат қилиб (айтган сўзларнинг) на мазмунида ўзгариш ва на амалга ошишида кечикиш бўлди.

Ҳазрат Соҳибқирон кундан-кунга ортиб бораётган давлатининг бошланишида юз берган бу кутилмаган учрашувдан,— энг юксак даражадаги омонлик ва иқбол учун,— Фотиҳа (сураси) Китоб (Қуръон)нинг онасидир,— деган сўзлар ишоратига кўра, қатъий ва аниқ (қарорга) келди. У дўстлик ва ҳимоя изловчи қўлини,— эй аҳли Байт,<sup>27</sup> оллоҳ сизлардан гуноҳни кетказишни ва сизларни бутунлай поклашни истайди, холос,<sup>28</sup>— деган (оят) давлатининг байроқлари этагига мустаҳкам қилиб, улкан набийлик дарахти шохининг қутлуғ ташрифини улуғлаш ва таъзимлар ила кутиб олди. Ул Ҳазратнинг чин нияти ва пок истаги туфайли, уларнинг ўрталарида дўстлик муносабати пайдо бўлди. (Шундан сўнг), баракатли улуғ зот бутун ҳаёти давомида, ўзи келганлиги хушхабарини етказган давлат мисоли, ҳазрат (Соҳибқирон)нинг суҳбати ва мажлисини ўз истаги ила ихтиёр айлади ва ҳеч қачон ул ишни тарк этмади. Вафотларидан сўнг эса, икковлари бир гунбаз остида ором топмишлар ва ҳазрат Соҳибқироннинг самимий юзи худди ўшандай унинг томонига қараган... Мустафони, унинг авлодини, саҳобаларини ва дўстларини оллоҳ раҳмат қилсин; (уларга) таъзим ва саломлар бўлсин.

Ҳазрат Соҳибқиронда барча аҳли байтга нисбатан чинакам ишонч ва тўла ихлос бор эди. (Унинг) шуҳрат қозониши ва ҳимоя топишининг (сабаби) шундадир ва бу ҳақда тушунтирмақ лозим бўлади. (Тўғриси), уни тавсифлаб бўлармиди? Ул улуғ хислат билан боғлиқ ишлар — унинг мукофоти халқни гумроҳлик зулматларидан олиб чиқиш ва ҳидоят ёруғлигига етказишдан иборат; яъни абадий жаҳолатдан қутилиш ва чексиз саодатга етишиш (йўлини) ана шу (хислат) орқали топиш мумкин...

Оллоҳга шукроналар бўлсинки, бу ҳолат унинг улуғ хонадонида ҳам сақланмишдир. Буюк ва улуғ парвардигорнинг чексиз раҳматидан умид шул эзурки, давлат суви эҳсон денгизи бўлмиш бу ариқда оқаётганлиги учун, ундан кўп сувлар чиқиб, то олам инқирозигача оқишда давом этсин; давлату динни алмашишу ўзгаришдан асрасин ва улар узлуксизу абадий бўлсин. Улуғ парвардигорнинг хоҳиши билан, Муҳаммад (пайғамбар) ва унинг авлоди,— уларга (оллоҳнинг) саломи бўлсин,— ҳаққи-ҳурмати!..

Алқисса, ҳазрат Соҳибқирон Буёдан йўлга чиқиб, Чағонруднинг<sup>29</sup> юқори ҳавзасида жойлашган Чағоно<sup>30</sup> томон юрди. Чағонода саодат ила кўнғач, амир Жокўни атроф (вилоятлар)дан лашкар йиғмоққа буюрди. У фармонга бўйсуниб тезда йўлга отланди ҳамда сулдўз ва бошқа (уруғлардан) иборат ул атроф сипоҳини тўплаб ҳумоюн ўрдуга жўнади. Узи эса Хатлон томон йўл олди ва ул ердаги лашкар масаласини ҳал қилмоқчи эди.

Нусратшиор байроқ Авбожа гузарига<sup>31</sup> етиб келганида, Шайх-Муҳаммад Баён ва Ҳинду-Қарқара фармонга бўйсуниб ул жойда ҳумоюн мавкабига қўшилдилар ва муборак қўл ўпмоқлик шарафига эришдилар.

Жайхун сувидан ўтиб Хулм мавзесига<sup>32</sup> эсон-омон етиб қўнганларида, ул ернинг ҳазораси ҳумоюн қўшинларга келиб қўшилди. Амир Ҳусайн Қундузда қолдирган амир Улжойту, ҳазрат Соҳибқирон киши юбориб чақиртирган Бадахшон волийси Шоҳ-Шайх-Муҳаммад лашкар билан етиб келдилар ва ул Ҳазратнинг илтифоти порлашидан бахтиёр бўлдилар. Ҳамма Амир Ҳусайндан кўнгли ранжиганлиги ва унинг дастидан тинчлик бўлмаётганлиги сабабли, ҳазрат Соҳибқироннинг уни йўқ қилиш учун келганлигидан бағоят шоду-хуррам эдилар; улар ўз хурсандчиликларини изхор айлаб, қуллуқлар қилдилар...

Амир Кайхусрав Амир Ҳусайндан қўрққанидан ўз вилояти Хатлонни ташлаб, Олой томон қочиб кетган эди. У ҳазрат Соҳибқироннинг юриш қилганлигини эшитиб, шод-хурсанд ҳолда зафарпаноҳ лашкарга келиб қўшилди. Амир Жокў ҳам Хатлон лашкари билан етиб келди.

Байт:

Буюрди даргоҳга ҳар бир ўлкадан

Лашкарлар йиғилди бошлиғи билан,  
Ул даштда қолмади ўлтирмоққа жой,  
Отни ҳам боғламоқ мушкул, ҳойна-ҳой.

Чиғатой улусининг барча амирлари нўёнлари ҳазрат Соҳибқиронга бўйсунмоқ ва итоат қилмоқ камариғи жон белига боғлаб, садоқат ва хизматда бўлиш расмини адо этиш учун бирлашдилар...

Ҳазрат Соҳибқирон ишнинг кўзини биладиган бир гуруҳ баҳодирларни манғлой расми ила олдиндан жўнатди. Амир Ҳусайн томондан ҳам бир тўп (қўшин) олдинда етиб келган эди. Шайх Али баҳодирким,

Байт:  
Найза учи билан филни кўтарар,  
Ҳамла кучи билан сипоҳни қирар,

уларни кўргач, ўч олмоқ қиличини суғуриб, арслон каби ўкириб ҳамла қилди.

Байт:  
Шунчалик катта бўлди жангу талош,  
Кўкдан чекинганди ой билан қуёш.  
Урҳо-ур, сурҳо-сур кўзғалди чунон,  
Дубулға думалар, бош учар ҳар ён.

Хитой баҳодирким,

Байт:  
Наъра тортса ўкирувчи шер эди,  
Уруш чоғи нақ кескир шамшир эди,

бошқа томондан ҳужумга ўтди. Улар душман сипоҳини ўрнидан қўзғатиб қувладилар. Шайх Али-баҳодир (бу жангда) Чўпон-сарбадорни асир қилиб олиб келди.

Нусратшиор байроқ ул ердан қўзғалиб, сон-саноқсиз лашкар гуруҳ-гуруҳ бўлиб Шодиён тоғи<sup>33</sup> этагидан шод-хурсанд ҳолда, мадҳиялар айтиб равона бўлдилар... Улар Дарайи-Гез сувининг<sup>34</sup> бўйига Урбуз қалъаси<sup>35</sup> яқинига етиб қўндилар.

Ҳазрат Соҳибқирон Суюрғайтмиш-ўғлонни хон деб эълон қилди, сўнгра лашкарни тузаб, саодат ва ферузлик ила Балх шаҳри томон юзланди. Муҳаммадхожаниннг ўғли Зиндаҳашам апарди лашкарига манғлой бўлиб Шибирғондан етиб келди ва зафарпаноҳ лашкарга қўшилди. Гардунсифат аскарлар шаҳарнинг турли томонидан (ёпирилиб) кирдилар ва Ҳиндувон номи билан машҳур бўлган Балх қалъасини ўраб олиб кўрага чалдилар, сурон кўтардилар...

(Ўз навбатида) қалъадан ҳам кўплаб отлиқлару пиёдалар жанг-жадал қилмоқ учун ташқарига чиқдилар ва уруш бошладилар...

Ўша куни амирзода Умаршайх бор-йўғи ўн олти ёшда эканлигига қарамай, баҳодирлик бедовини жанг майдонида чоптириб, шижоат ва жасорат кўрсатди. (Тўсатдан), тақдир майдонидан бир ўқ келиб оёғининг орқасига тегиб тагидан тешиб чиқди. Жароҳлик санъатининг усталари бир сихни қиздириб ул жароҳатни шундай куйдирдиларки, сих (оёқнинг) бошқа томонидан чиқди. Ул довиорак шаҳзода, ёши кичик бўлишига қарамай, изтироб чекаётганлигини ҳеч сездирмади.

Байт:  
Ул серҳунар (устоздан) беҳунар (шогирд) чиқмас.

Эртаси куни сайёралар сипоҳининг хисрави<sup>36</sup> гардун борасининг фируз қалъасини эгалламоқ учун машриқ томонидан тонгнинг ғолиб байроғини кўтариб, ул қўрғон тепасида ўзларини кўрсатмоқчи бўлиб турган оломоннинг ҳаммасини бирданига зоҳир бўлиш майдонидан йўқ қилди.

Байт:  
Фируза тахтли хисрав эгаллаб олди уни —  
Зулматга чўмилган Ҳиндувон қалъасини.

Иккала томон урушмоқ учун яна ўч олмоқ камарини маҳкам боғлаб олдилар... Жанг ноғорасининг овози Кайвон қулоғини қар ва уруш майдони отлари жавлонининг ғубори Баҳром кўзини хира қилди...

Амир Ҳусайннинг бир тўп хос сипоҳлари мардлик намойиш этиб қалъадан чиқдилар. Ботирлар ҳамласининг елидан жанг ва қирғин олови аланга олди...

Амир Ҳусайн ул даҳшатли жангга назар солиб ўз ишини ночор аҳволда ва ул кечмишнинг тадбирини куч-қудрат чегарасидан ташқарида кўрди.

Байт:  
Давлат ва мулкдан қўлин ювиб у,  
Даҳшатдан эшигин ёпиб олди-ку,

Амир Соҳибқирон унинг қошига киши юбориб; «Агар ўз жонингга омонлик истасанг, бирдан-бир йўли қадамни таслим бўлмоқ йўлига қўйиб (қалъадан) ташқарига чиқишинг керак»,— деди. Амир Ҳусайннинг бошқа иложи қолмаган эди, у рози бўлди ва катта ўғлини хон билан бирга ташқарига юборди ва: «Тобеъ бўлмоқлик йўлини итоат камари билан боғлабдурмен, илтимос улдурки, менинг бир қошиқ қонимдан кечсанг»,— деди. Унинг ортидан бошқа бир кишини юбориб, ҳазрат Соҳибқиронга ожизлик ва бечоралик тили бирла пайғом йўллади: «Давлат мендан юз ўғирмиш ва сенинг даври-давронингга яқин бўлмиш.

Байт:

Мулкни сенга насиб этмиш, буюргувчисан,  
Бахтсизлик туфайлидир насибам бенаволик.

Дилимни мулк ва мол, ҳашамат ва иқболдан бутунлай узмишмен ва кўнглимни ранж ва заҳмат, машаққат ва балога боғламишмен. Энди истагим шулдирки, менга йўл берсанг, чиқиб кетсам ва улўф Каъба (зиёрати) томон юзлансам». Ҳазрат Соҳибқирон унинг илтимосини инobatга олди ва бирор кимса унга қаршилиқ кўрсатмасин, қаергаки хоҳласа кетаверсин, деб буюрди. Амир Ҳусайн: «Эртага чиқиб кетаман, менинг жонимга қасд қилмасликларига ваъда беришингизни хоҳлардим»,— деб яна бир марта пайғом йўллади. Амир Соҳибқирон унинг кўнгли истагандай ваъда берди ва эртаси кунни (қалъадан) чиқиб, соғ-саломат кетаверади, деган қарорга келинди.

Аҳдни бузиш одати Амир Ҳусайннинг асли мижозиди бор эди. Табиийки, ҳар ким ўзгани ўзидай билади. У (Соҳибқироннинг) сўзига ишонмади ва ўша тунда иккита навкар билан қалъадан чиқиб кетди... Лекин ўта қўрқув ва саросимага тушиб қолганидан қаёққа кетаётганини ҳам билмас эди. (Шу аҳволда) у Эски шаҳарга бориб қолди. Тонг ёруғлиги ишва оғоз айлагач, жон ҳовучлаб жомеъ масжид ўртасидаги минорага чиқиб олди. Унинг аҳволига мавлоно Жалолиддин Румий,<sup>37</sup>— оллоҳ унинг қабрини ёруғ қилсин,— битган назм мазмуни мос тушарди:

Байт:

Минора тепасига чиқиб туя жар солар  
Ва дерки, мен беркиндим бу ерга, қилманг ошкор.

Даъвогар ажалнинг ҳужжати қазо маҳкамасидан,— уни бирор соатга кетга ҳам, илгарига ҳам суролмайдилар,<sup>38</sup>— (деган оят) муҳри билан етиб келганлиги сабабли, уринишлар фойда бермади.

Буни қарангки, ўша пайт бир кишининг оти йўқолган бўлиб, ҳар томонга зир югуриб, уни қидириб юрарди ва ҳеч тополмасди. Миноранинг тепасига чиқиб, теварак-атрофга кўз ташлаб кўрмоқчи бўлди ва зора шунда йўқотган нарсам топилиб қолса, деган фикрни хаёлдан ўтказди. Минорага чиққач, Амир Ҳусайнни кўрди ва таниди. Тинчлик-тотувлик пайтларда қуш овловчига бирор динор ва бирор паҳлавонга битта нон ҳам бермаган Амир Ҳусайн жон хавфида у кишининг олдига бир сиқим марварид қўйди ва ул хавф-хатардан эсон-омон қутулса, унинг хизматини етарлича тақдирлаяжаси ҳақида сўз берди, бекинган жойини ҳеч кимга айтмаслиги ва сир сақлаши тўғрисида ялиниб илтимос қилди ва қасам ичирди. У киши уни аҳд-паймон билан ишонтирди ва тезда минорадан тушибоқ, югуриб ҳазрат Соҳибқирон ҳузурига борди. У бўлган воқеани, марварид ҳақида ҳамда Амир Ҳусайннинг илтимосини оқизмай-томизмай етказди ва: «Каминанинг бу нарсани сир тутишга ҳеч юраги дов бермаганидан келиб айтмоққа мушарраф бўлдим»,— деди.

Амирлар ва сипоҳ бу ҳолатдан хабардор бўлгач, отлиғу пиёда масжид томон ошиқдилар. Амир Ҳусайн минора тепасида туриб одамларнинг келаётганини кўриб, умид қўлини ширин жонидан ювиб, ваҳшат оёғи билан у ердан тушди ва қўрққанидан масжиднинг ичидаги бир тешикка бекинди ва бахтдан юз ўғирди.

Байт:

Ташқарида қолди тўнининг чети

Излаб юрганлар барча эҳтиёт шартларига риоя қилган ҳолда, уни топиб олдилар ва қўлини боғлаб, ҳазрат Соҳибқирон ҳузурига олиб келдилар.

(Соҳибқирон бахт-) давлати мадҳ-сано расми ила оғиз очиб деди:

Байт:

Сенинг амрингдан бош тортган кишини гардун —  
Сенинг остонангга судраб келтирмиш бугун.

(Унинг) иқболи эса дуо расми ила шундай нидо қилди:

Байт:

Сендан бош тортган — бош қирқилсин зулфи дол каби,  
Сендан воз кечган дил қорайсин хол каби.

Ҳазрат Соҳибқирон ҳеч қандай сабаб-баҳона билан аҳдини бузишга йўл қўймади ва

амирларга қараб: «Мен унинг қонидан кечганман ва ундан шунинг олиш тарихига чизиқ тортганман»,— деди. Уни бу даврадани олиб кетганларидан сўнг, Амир Кайхусрав Хатлоний ҳақиқат сўраб: «Амир Хусайн менинг биродарим Кайқубодни ўлдирган, буюринг, уни менга топширсинлар, ва ундан шариат ҳукмига кўра қасос олайин»,— деб арз қилди. Ҳазрат Соҳибқирон Кайхусравга таскин бериб: «Сен бу даъводдан воз кечгил, сенинг биродарингнинг қони шундоқ ҳам уни тинч қўймайди»,— деди...

Ҳақ-ҳуқуқ устида гап кетаётган ана шу пайтда, илгариги учрашувлар, суҳбатлар, меҳр-муҳаббат ва маҳди улё Улжой Туркон воситасида ҳазрат Соҳибқирон билан Амир Хусайн ўртасида вужудга келган яқинлик (эсга тушиб) ғам-андух учқуни қалби ўчоғида шундай аланга олдики,

Байт:

Жигар-бағрим ёнганда, кўзларим йиғлар

деб қайд этилганидек, ул Ҳазратнинг муборак кўзидан қайғу ёшлари тома бошлади. Кўпни кўрган, ҳаёт таъмини тотган кекса амир Улжойту ул ҳолатни кузатиб: «Ҳазрат Соҳибқирон ҳозир шундай аҳволга тушиб қолганки, Амир Хусайн ўлим хавфидан қутилиб қолиши ҳеч гапмас ва фурсат қўлдан бой берилса, бир куни келиб, афсус бармоғини тишлашга тўғри келиб қолиши мумкин»,— деб ўйлади.

Байт:

Қўлда тошу тош узра турганда илон,  
Ақлдан эмас афсусу бой бермоқ имкон.

У яширинча амир Кайхусрав ва амир Муайядга ишора қилди ва улар ул мажлисдан чиқиб, ҳазрат Соҳибқироннинг розилигини сўрамасдан от чоптириб кетдилар ҳамда Амир Хусайнни қатл қилиб, бошини унинг танасидан жудо ва ўз жонларини унинг жабрзулми, ўй-хаёлидан узил-кесил халос этдилар. Ул қасос шариат ҳукми билан унга юзланганлиги сабабли, ҳазрат Соҳибқироннинг ҳимоя қилиши фойда бермади. Бу ҳодисада ул Ҳазрат аҳволининг баёни учун ушбу икки байт назм топди:

Байт:

Ҳеч хоҳламас эдим ўша бевафо,  
Сипоҳим ваҳмидан чекмоғин жафо.  
Лекин кимки дилин ўзгартирадир,  
Арзийди бағрини қон қилса тақдир.

Амир Хусайнни хожа Укоша<sup>39</sup> гумбазида дафн этдилар. Ғолиб лашкар забт этмоқ ва босиб олмоқ юзини Ҳиндувон қальъасига қаратиб, уни қўлга киритдилар. Амир Хусайннинг иккита ўғли — Хон Саид ва Наврўз-Саид унинг қилмишлари оловидан куйиб, ҳаётлари сувини ҳалок бўлмақ тупроғига тўкдилар ва вужудлари хоки фано елига суворилди. Унинг бошқа икки ўғли — Жаҳонмулк ва Халил Султон қочиб Ҳиндистон томон ошиқдилар ва ўша ерда йўқ бўлиб кетдилар. Амир Хусайн кўтарган хонни<sup>40</sup> ҳалокат қиличи ила қонини тўкдилар.

Байт:

Олов аланга олгач, ёқди ҳўлу қуруқни.

Амир Хусайннинг хотинларини, унга тегишли одамларни, барча яқинларини, шунингдек, у ҳирс ва зиқналик қўли билан йиққан ва захира қилган ҳамма хазинаю дафиналарини ҳазрат Соҳибқирон ҳузурига келтирдилар...

Ҳазрат Соҳибқирон Амир Хусайннинг хотинларидан Қозон-Султонхоннинг қизи Сароймулк-хонимни, Баён сулдўзнинг қизи Улус-оғони, Хизр-ясаурийнинг қизи Ислом-оғони ва Тағой-Туркон хотунни ўзига танлади; Тармаширхоннинг қизи Севинч-Қутлуғ-оғо Амир Хусайннинг катта хотини эди, уни Баҳром жалойирга берди; Дилшод-оғони Зиндаҳашамга; Кайқубод Хатлонийнинг қизи Одил-Мулкни амир Жокўга ва қолган канизақларни ҳам ҳар қайсисини кимгадир белгилаб берди; қизини эса Тобон-баҳодирнинг биродари Элчи-Бўғога берди.

Амир Хусайн билан қалъада бўлган шаҳар аҳолиси қайтиб Эски шаҳарга борсинлар, у ерда обод қилиб яшасинлар, деган жаҳонмуте фармон бўлди. Қальъани талон-тарож супургиси билан топ-тоза супуриб бузиб юбордилар; Амир Хусайннинг уйлари унинг иқболи ниҳоли каби тағ-туғидан кўпориб ташладилар...

«Зафарнома» нашри келаси йилда ҳам давом этади

#### ИЗОҲЛАР

1. Дўғлот ўмоқи — дуғлот (дуглот, дуклот) — мўғул қабилаларидан бири. Рашидиддиннинг ёзишича, дуғлотлар Туманахоннинг саккизинчи ўғли Бурулжар-Дуклайиндан тарқалган.
2. Арканут — (аркануд, арғанут, арғу, арғун) — қадимий туркий қабилалардан бири.
3. Тойхон — ҳозирги номи Толиқон, Афғонистоннинг шимолий-шарқий қисмидаги шаҳар. Қадимда Тўхористон давлатининг пойтахти.

4. Кишм — Бадахшон вилоятидаги қадимги шаҳар, Кўкча дарёсининг (Панж дарёсининг сўл ирмоғи) юқори ҳавзасида.

5. Каргас довони — Кўкча дарёсининг юқори ҳавзасидаги тоғ довони.

6. Жирм довони — Кўкча дарёсининг юқори ҳавзасидаги тоғ довони.

7. Жирм суви — ҳозирги Журм дарёси, Кўкча дарёсининг асосий ирмоқларидан бири.

8. Артуж дараси — Ҳозирги Вардуж дараси ва дарёси, Кўкча дарёсининг юқори, асосий ирмоқларидан бири.

9. Қунғур-уланг — Кўкча дарёси ҳавзасидан жануби-шарқдаги тоғлар.

10. Тўққиз-тўққиз — турли хил нарсалардан иборат совға.

11. Бадахшон шаҳри — Қадимги Бадахшон ўлкасининг маркази; ҳозирги номи Файзобод, Афғонистоннинг шимоли-шарқий қисмидаги шаҳар, Бадахшон вилоятининг маъмурий маркази.

12. Қайир-такин — ҳозирги аталиши Қоратегин, Тожикистондаги вилоят.

13. Алой — ҳозирги Олой тоғлари, матнда Олой шаклида ҳам ёзилган.

14. Дарзий — тўғриси «Варзий», ҳозирги Варзоб, Тожикистондаги тоғли ноҳия, Ҳисор тизмасида.

15. Арҳанг — XIV аср иккинчи ярмидан бошлаб Арҳанг — Сарой, у ҳақда олдинги бобларда изоҳлаб ўтилди.

16. Ваҳий — оллоҳ томонидан келган хабар, буйруқ ва ҳоказо. Ваҳий оллоҳ томонидан Жаброил фаришта воситасида Муҳаммад пайғамбарга юборилган.

17. Қуръони карим, 53-сура (Нажм сураси), 10-оят.

18. Қуръони карим, 53-сура (Нажм сураси), 4-оят.

19. Қуръон карим, 10-сура (Юнус сураси), 14-оятдан.

20. Қуръони карим, 12-сура (Юсуф сураси), 56-оятдан.

21. Қуръони карим, 35-сура (Фотир сураси), 2-оятдан.

22. Қуръони карим, 3-сура (Оли-Имрон сураси), 34-оят.

23. Қуръони карим, 6-сура (Анъом сураси), 163-оятдан.

24. Унвон (даража) — тасавуфда маълум босқичга кўтарилиш, суфийлик даражасига эришиш.

25. Сайид Барака (вафоти 1404 йил) — Термиз сайидларидан, амир Темурнинг учта асосий пирларидан бири.

26. Тоҳа ва Ёсин — Қуръони каримдаги «Тоҳа» ва «Ёсин» сураларининг номи. Ривоятга кўра, бу сураларнинг номи Муҳаммад пайғамбар исмларидан олинган: «Тоҳа» сўзи «Тоҳир» исмидаги «т» ҳарфига ва «Ёсин» сўзи «сайид» сўзидаги «ё» ҳарфига ишора тарзида берилган.

27. Аҳли Байт — Байт — Байтуллоҳ, яъни Каъба уйи; аҳли Байт — Муҳаммад пайғамбар авлодлари.

28. Қуръони карим, 33-сура (Аҳзоб сураси), 33-оятдан.

29. Чағонруд — Сурхондарё (Сурхон дарёси).

30. Чағон (Чағониён) — Чағониён вилоятининг маркази; унинг ўрни ҳақида фанда икки хил фикр мавжуд: 1) ҳозирги Денов яқинида, 2) Сангардак дарёсининг Сурхон дарёсига қуйилишидаги жойда.

31. Авбожа гузари — Кофарниҳон дарёсига Амударёга қуйилиш жойидаги гузар (кечув). Ҳозир у ерда Амударёнинг ўнг соҳилида Айваж қишлоғи бор.

32. Хулм мавзеи — Афғонистоннинг шимолий қисмидаги қадимий шаҳар; халқаро савдо йўллари чорраҳасида бўлган.

33. Шодиён тоғи — Афғонистоннинг шимолий қисмида жойлашган тоғ тизмаси, ҳозир ҳам шу ном билан аталади. Хулм шаҳри ана шу тоғнинг шимолий этагида жойлашган.

34. Дарайи — Гез суви — Балхоб дарёсининг тоғдан оқиб чиқиб Балх шаҳрига етмасдан ҳосил қилган тармоқларидан бири, Дарайи-Гез яйлов ва хоннинг ов қиладиган жойи, аҳоли масканлари жойлашган обод жой бўлган (кейинги изоҳга қаранг).

35. Урбуз қальаси — қадимги номи Дарайи-Гез қўрғони, Балхдан тахминан беш фарсах масофада бўлган.

36. ...сайёралар сипоҳининг хисрави — Куёш.

37. Жалолиддин Румий (1207—1273) — Шарқнинг буюк мутафаккири. Балхда туғилиб, Кичик Осиёда таҳсил илм олган; «Маснавийи маънавий» («Маснавийи Румий») номли йирик шеърый девон ва бошқа асарлар ёзиб қолдирган; тасавуфнинг машҳур намоёндаларидан бири, «Мавлавия» номли тасавуф мактабига асос солган.

38. Қуръони карим, 7-сура (Аъроф сураси), 34-оят.

39. Хожа Укоша — Муҳаммад пайғамбарнинг саҳобаларидан бири; Абу Бакр халифалиги даврида (632—634) ўлдирилган. Балх шаҳрининг шарқий томонидаги ташқи дарвозаси ва унинг яқинидаги қабристон шу ном билан аталган. Хожа Укошанинг қабри ана шу қабристоннинг ўртасида жойлашган эди. Кейинчалик, Хожа Укоша номи рамзий тус олди. Туркистоннинг бошқа вилоятларида ҳам шу ном билан аталган жойлар мавжуд.

40. Амир Ҳусайн кўтарган хон — бу хон Одил-султон эканлиги матннинг ўзида юқорида қайд этилган.

Таржимон: **Омонулла БҮРИЕВ**  
Нашрга тайёрловчи: **Асомиддин УРИНБОЕВ**



## МАБДАЙ НҮР

### ҲИКОЯТ

Ҳўжа Зуннун борур эрди раҳгузар,  
 Йўлда бир харосга қилди назар.  
 Кўзи бойланган, чунон хайрон юруб,  
 Бир қарашлик йўлда саргардон юруб,  
 Шайх савол қилдики: «Эй ҳаммоли халқ,  
 Санга маълумдур бу йўлда ҳоли халқ.  
 Қарнлар ўтти, урарсан дасту по,  
 Ҳеч манзилни тай урдунгму биё?...»  
 Деди: «Бораман ҳар тарафга айланиб,  
 Ҳар қадамда по кетар қайтиб ақиб.  
 Ҳеч билмайман, нечукдур бу рамуз,  
 Хонадин бирунга чиқмайман ҳануз.  
 Дарҳақиқат бу суҳан ихлосдур,  
 Хона дунёдур ва халқ харосдур».  
 Ииғлади Зуннунки ўз аҳволига  
 Банда керак ииғласа ўз ҳолига.  
 Айта берсам бу суҳан бўлмас адо,  
 То мақоми хотирим явмўл жазо.  
 Ё Илоҳо, оқибат маҳмуд қил,  
 Мавлавийни руҳини хушнуд қил.  
 Жуй бори Мавлавийдин баҳра бер,  
 То бўлай ман нури раҳмат бирла сер.  
 Бу суҳан ихлоссиз нодонга ҳайф,  
 Қунд бўлур нодонга тушган сўнг бу сайф,  
 Кимга бўлса сидқи ихлоси тамом,  
 Анга лозимдур бу тарз ширин калом.  
 Дафтар очар орифи ширин калом,  
 Юз қиёмат ўтса, бўлмасдур тамом.  
 Боғла ҳимматдан камар, ихлоси суст,  
 Дилда дардинг йўқ, намозинг нодуруст.

### ҲАЗАЛ

Даҳоним талху кўнгулда бағайр аз ёди риҳлат йўқ,  
 Кимки ёди риҳлат қилмади, анга диёнат йўқ.  
 Адошиб йўлда қолган ит каби соҳибни ахтарган,  
 Биёбони қазода ташналаб ўлғонда шарбат йўқ.  
 Ружуғи аслинға қилгин, умр бозори ҳўнг бўлди,  
 Кўзингни нури кетган сўнгра саъй этмоқға фурсат йўқ.  
 Худо чорлайди, эй афтода бандам, ман сари кел деб,  
 Ҳақиқат бир қадам йўл қолдию бизларга ҳиммат йўқ.  
 Жамоатдан тузалгай ҳар каму коси бу толибни,  
 Ахир вақт бўлдию бу йўлға кирсам, аҳли суҳбат йўқ.  
 Сунурди хонани абдолларни элтди охир марг,  
 Ки ман ҳар манзариға бораман бегирди риҳлат йўқ.  
 Агар собит қадамсан, йўлға кир сақти сафар бўлди,

Қиёматни унутган бандаларга нури жаннат йўқ.  
 Иймонни равнақини бетараддуд халқ тополмайду,  
 Расулга уммат эрмас, дилда чун ваҳми қиёмат йўқ.  
 Биров фарзанд доғида, биров муштоқи дунёда,  
 Ғараз ҳар дилга боқтим, ҳеч вақти бежароҳат йўқ.  
 Мисоли жуғздек зинҳор вайронлара манзил тут,  
 Бу йўлни корвони кетти қолғонларга ибрат йўқ.  
 Кетар вақтимда йўл оздим, саранжомимни билмайман,  
 Бу мушти бе бизоатга намудори иборат йўқ.  
 Мазаллат хокини юзиға сурғон рўсиё қулман,  
 Бағайр аз оҳу фарёд айламакдин ўзга одат йўқ.  
 Охир вақтим на бўлғай бу жаҳон зиндонидин, эй шайх,  
 Сарим тобутга етган вақти кўзимга ҳаловат йўқ.  
 Кўлингдин келса ҳар хайротни вақтидин ўткарма,  
 Деди хайрул башар бу сўзни, бемеҳнатга роҳат йўқ.  
 Жаҳон зиндонига ҳар кимки келди ҳоли танг эрмиш,  
 Бу боисдин қаерда раҳгузардур истиқомат йўқ.  
 Ривожни корини аблаҳга айтманг, аҳли ноқисдур,  
 Хақиқат аҳлига мундин дуруст неку насиҳат йўқ.  
 Кўтар андишаларни хотирингдин, эй жигарбандим,  
 Қиёмат хавфини ким англади, умрига лаззат йўқ.  
 Тариқат йўлида Машрабга тегди мабдаи нури,  
 Бу нисбатдин кимики топмай ўтти, анга давлат йўқ.

### ҲИКОЯТ

Бор эди шайхи Султон Боязид,  
 Жумлага наврўз эдию ҳам чу ийд.  
 Гўдага кўрди падар гум айлаган,  
 Учради ул Ғавс вақтга даъфатан,  
 Шайх сўради: «Манзили жойингни айт?  
 Кимни ўғлисан, ниғаҳбонингни айт?»  
 Деди: «Эй комил, бу сўзни айтмагин,  
 Ман падар номига ҳеч йўқман яқин.  
 Беадабликдурки тутмоқ номини,  
 Манга кўрсатгин падарни бомини.  
 Номи деҳдин сўрма қасримни мани,  
 Чун падардин ғайри бордур душмани.  
 Зийрак эрди номи тутса ё чу деҳ,  
 Ногаҳоний солмағай душман гиреҳ.  
 Номи шайтон номи ғаффорига зид,  
 Бас, бу номдин қаҳри пайдо, эй мурид.  
 Базмгоҳи дўстга душман чикор?  
 Чашми аҳволдин на билсун нури нор.  
 Руҳи хушҳолу нафс бадҳолдур,  
 Қимки йўл топибдур, ақли лолдур.»  
 Шайх айдиларки: «Ақлим андаки,  
 Манга чун устод бўлди гўдаки.

Машраб ижодида унинг «Мабдаи нур» ва «Кимё» номли шеърӣ асарлари алоҳида-ўрин тутади. «Мабдаи нур» — нуриинг бошланиши, чиқини жойи оламни, кишилар қалбини ёритиши маъноларига эга. Бу асар Жалолиддин Румийнинг (1207—1273) «Маснавийи Румий» номли машҳур асари таъсирида ёзилган бўлиб, уч дафтар (боб)дан иборат. Жалолиддин Румий «Маснавийи»си эса олти дафтарга бўлиниб, 27000 байтни ташкил этади.

Шунинг учун «Мабдаи нур»ни Жалолиддин Румий «Маснавий»сининг таржимаси ёки унинг шарҳи деб аташга асос йўқ. Машраб «Маснавийи Румий»ни яхши билган, эҳтимол уни ёдлаб ҳам олгандир, хуллас ундан таъсирланиб ва илҳомланиб, ўзининг мустақил асарини яратган.

Улмас асар — «Мабдаи нур»нинг биринчи дафтарыда 46 ҳикоя, Машрабнинг 13 ғазали, охирида иккита мустаҳзоди берилган. Иккинчи дафтарда 59 ҳикоя, 21 ғазал берилган. Учтинчи дафтар «Дар баёни суннатҳо» («Суннатлар баёни») деб аталади. Бу дафтарда Машрабнинг фақат икки ғазали ва иккита ҳикоя берилган бўлиб, асосан пайгамбар алайҳиссалом суннатларини ўзбек тилида баён этиб беришга бағишланган.

«Мабдаи нур»даги ғазаллар ва мустаҳзодлар охирида Машраб тахаллуси ва «Мабдаи нур» сўзи қўшиб кетилган. Ҳикоялар эса араб ва форс адабиётини пайгамбарлар, турли подшоҳлар, авлиёлар, шайхлар, хожалар, диндор-тақводорлар ва бошқа таниқли кишилар ҳақидаги қадимдан машҳур бўлган ибратомуз ривоятлардан иборат. Биз кўздан кечирган биринчи дафтардаги ҳикоялар «Маснавийи Румий»даги ҳикоялардан фарқ қилади.

Машраб «Мабдаи нур»да халқ ривоятлари асосида мазмунли, бадииятга бой жонли ҳикоя-

Бирни тутган иккини тутмас ду ёд,  
 Бандага пир бўлса, яхшидур мурад.  
 Булҳавасни жонини жон ҳам дема,  
 Бехабарни аҳли иймон ҳам дема...»  
 Соате кўрди гирибон чокни,  
 Мисли Еқуб дийдаси намнокни,  
 Еқа чоку дийда хун, олуда нам,  
 Келур эрди «во болам» деб, «во болам».  
 Топди гўдакни паришонрў падар,  
 Ҳам падар фарзандда топди роҳбар,  
 Дийдаси арши мажидга учради,  
 Марди Султон Боязидга учради.  
 Чунки гум айлаб эди роҳи адаб,  
 Гўдагини топдию бўлди сабаб.  
 Марди комил як дилу як рўй эди,  
 Содикул қалб эрдию ул жўй эди.  
 Топди давлатни ўшал уммидвор,  
 Бор эди жўяндаи асрор кор.  
 Гар топай десанг чунон нури хабар,  
 Базми ҳафтод деҳу миллатни қидир.

### ҲАЗАЛ

Давр сани комингга юрмасдурки, даврон излама,  
 Санки Мажнун бўлмасанг, кўху биббон излама.  
 Суҳбати дайр пирига борсанг, аёғига йқиқил,  
 Сан у йўлдин дард талаб қилғилу, дармон излама.  
 Ҳок бўлдунг қобили шундоғ маконсан, эй амин,  
 Чун Ҳалилдек жонни топшурғил, дигар жон излама.  
 Чун замиринг соф бўлғон сўнг, билинғай неку бад,  
 Хонаи дилни супурмай, санки меҳмон излама.  
 Кишти кори охиратни, зиндасан, дунёда қил,  
 Беибодат маҳз тақлид бирла иймон излама.  
 Жомаи тақво зиёликдур, киёлмас ҳар хасис,  
 Бу нигин кўлунгга тегмайдур, Сулаймон излама.  
 Хонавайронлар билур афтодаларни ҳолини,  
 Санки ранжур бўлмасанг, эй кўр, Луқмон излама.  
 Зоҳиру ботинда якранглик керак, эй ошно,  
 Сан мусибат тўнидин зинҳор домон излама.  
 Ҳар кишини пири ўз вақтида Нажмуддиндур,  
 Боязидни вақти ўтди, пири Суфён излама.  
 Уқбалар душвор эрур, ўтгуз минг йиллик сирот,  
 Ҳар қадамда тавба қил, бу йўлни осон излама.  
 Гиряи Яҳёи акмал равнақи дийдор эрур,  
 Вақти сад бир кун баҳор изла, зимистон излама.  
 Шерлар бордурки, оқи етти дўзахни бузар,  
 Сан аларни коридин зинҳор нуқсон излама.  
 Йўл юрур бўлсанг, ниҳоят йўқ, сани умрунг қалил,

ларни яратган. Баъзан унда ҳайвонот дунёсидан олинган ҳикоялар ҳам келтирилиб, бу билан ҳаётий воқеа ва ҳодисаларга ишора қилинади. Асарда келтирилган ҳар бир ҳикоя, афсона, масал ва латифаларда шоир чуқур фалсафий, ахлоқий-тарбиявий ғояни илгари сурган, зулми қоралаб, адолат ва инсофни тараннум этган. Машраб таъбири билан айтганда, инсон ўз хулқини идора қилиши керак, ёмон ишлардан узоқлашиб, яхши фазилатлар сари интилиши керак. Инсон ўзини поклаб, разилликлардан қутулиб, дунё лаззатларидан воз кечмаса, сабр-тоқатли бўлмаса, Худонинг нурига етолмайди, унинг марҳаматидан ва пайғамбар алайҳиссалом шафоатларидан маҳрум бўлади. Машраб фалсафасида инсон шахсиятига ҳурмат, бир-бирига муруват ва ўзаро биродарлик ғоялари ўз аксини топган.

«Мабдаи нур» Машрабники эмас, деган фикрлар натижасида бу асар тадқиқотчилар диққатидан четда қолиб келди ва ўрганилмади. Асарнинг 28 та қўлёзмаси Ўзбекистон ҒА Шарқшунослик институтида сақланмоқда. «Мабдаи нур» 1906 йили тош босмада нашр этилган. Бу асарнинг танқидий матнини тайёрлаш, ундаги ҳикояларни «Маснавийи Румий», Шайх Саъдийнинг «Бўстон» китоби ва бошқа асарлардаги ҳикоялар билан синчиқилаб солиштириб, қиёслаб ўрганиши — олимларимиз олдигаги муҳим вазифа. Ҳозирча, унинг биринчи дафтаридан сараланган айрим ҳикоялари ва Машраб ғазалларини ўқувчиларга ҳавола қилишни лозим топдик.

Исмаилюлла АБДУЛЛАЕВ,  
 филология фанлари доктори, профессор

Тавсани ҳаммага миймай сан бу майдон қилма.  
Қимки ўз айбини билди, у етар раҳмонига,  
Дийда ўз айбинга оч, дигарга нуқсон излама.

## ҒАЗАЛ

Мушоми жонга даркориду асл ишқи кофури,  
Баробардур анга, билсанг, жаҳонни норю нури.  
Қишиким ташлаб уқбошни, дунёга назар қилса,  
Ушандоқ дийдадин тонгла чиқар дўзахни занбури.  
Худидин ўтмоқу дунёдин ўтмоқ саҳл кор эрмиш,  
Ҳақиқатда қадам бир йўл эрур наздикию дури.  
Заҳарли луқмадур душманни қўлидин таниб бўлмас,  
Заҳар пинҳон этарлар қандга душманни дастури.  
Ушал рўзи қулоғим ваъдаи дийдор англабдур,  
Кўзумни олдида арзанча йўқтур жаннату ҳури.  
Ибодат қилгину мағрурликни ташлагин дилдан,  
Жаҳаннамни сагидур кимки бўлди кибр мағрури.  
Масиҳо дам керак бу ҳуфталарни боз уйғотгай.  
Қани Луқмони вақт бу йўлда кўптур кўри ранжури.  
Қадалса хор андак, қоладур рафторидин пойинг,  
Нечук манзил топарсан, дилда бўлса нафс носури.  
Қолибсан торикиён ичра, иш тақлид била бўлмас,  
Бу йўлда шера марди қилмаса жонинга маъмури.  
Жаҳон нисбат била барпой, олам беҳабар андин,  
Қарибдур зоти бечун банда ҳақдин дардга маҳжури.  
Алани хоки пойи жон бағишлар жисми покингга,  
Ушандоғ банда бўлган бўлса, ҳақ йўлида мағрури.  
Бошингни ургину даргоҳида хизматда бўл доим,  
Дийдорин излагин Кавсар талаблар марди муздури.  
Ҳузури дилни чун дунё билан уқбога бермайман,  
Агарчи тахти-бахтин манга берса шоҳи Фағфури.  
«Аналҳақ» гўйларни руҳига дарёи раҳмат бер,  
Бағишлар раҳматингни жон тасаддуқ қилди Мансури.  
Илоҳи саяи покинг муборакдур, Абулқосим,  
Шафоат баҳрини қилдинг букун умматга машҳури.  
Азизларга ҳақорат бирла ҳар кимки назар қилса,  
Босарлар рўзи маҳшар дўзахни анбури.  
Йўлимни боғлама, саргаштаман, эй марди динпарвар,  
Шароби завқдин келтурки, борман маст махмури.  
Етушки лутфи покингдин муҳаббат жони Машрабга,  
Хазойини ҳақиқатдин очилди мабдаи нури.

## ҲИКОЯТ

Бир куни Мажнунга Ҳорун ар-Рашид  
Чун такаллум қилди анга рўзи ийд:  
«Халқ ҳама хурсанд, сан мотамдасан,  
Манга айтгин кори-боринг, ғамдасан?  
Ман каби шоҳи вилоят вақтида,  
Жумла халқ хушнуд, сан ғамгин нега?  
Бир зани бегонадур Лайли баса,  
Анга на сурату на сийрат эрур,  
Қафқарау зангийи беҳад эрур.  
Лайлидин яхшини топай санга ман,  
Қилмағайсан Лайлидин ҳаргиз суҳан.  
Тўрт юз маҳрў канизим бордур,  
Неча Лайли олдида бекордур».  
Деди Мажнун: «Эй шаҳо, дам урмагин,  
Ушбу сўзларга эмассан ҳамнишин.  
Сан агар бўлсанг манингдек бир гадо,  
Лайлининг ишқига бўлсанг ошно,  
Билғай эрдинг Лайлини ҳуснини сан,  
Лайли ишқидин мани қилмонгди таън.  
Сан мани дийдамга келсанг дийди боз,  
Лайлига айтур эдинг рози ниёз.  
Лайли кўптур, оҳ, сан Мажнун эманг,

Кўр кўзингга ушбу дам бергайди ранг.  
 Лайли ёди қилгудек Мажнун керак,  
 Кимки ошиқдур, дили пурхун керак.  
 Сан манингдек бўлсанг эрди роҳбин,  
 То кўзимга ўлтуруб кўрсанг яқин.  
 Холиё нодонсан, эй соҳиб суҳан,  
 Бўлмагунча ишқга саргардон чу ман.  
 Сан қачон кўздин тўкарсан селини,  
 Дийда аҳволлар танимас Лайлини.  
 Ишққа бўлсин мисли мандек мубтало,  
 Сўнгра они сўра мандин, подшоҳ.  
 Асли билсанг, дийдаси пурхуни ман,  
 Лайли отлиғ ёрни Мажнунни ман.  
 Бўлмаса санга камолати дият,  
 Санга ҳосил бўлмагай ул маърифат.  
 Ковлама хокистаримни, подшоҳ,  
 Дору топу манга қилгин бир даво.  
 Манга дигар панддин берма хабар,  
 То қиёмат Лайлини доғи битар.  
 Сан ҳайит қил улча, вақтинг бордур,  
 Ийд ошиқлар жамоли ёрдур.  
 Санга ҳар йил бир кун наврўздур,  
 Ийд ошиқ оҳи оламсўздур.  
 Ошиқ улдур танда жонин билмаса,  
 Маст бўлиуб, ҳонумонин билмаса.  
 Жумла яксон бўлса ишқ олдида хор,  
 Улдурур мақсуди ошиқ пойдор.  
 Тегма, эй Ҳорун, куйрсан бегумон,  
 Қолмагай бир зарра дину ҳам иймон».

Кўрди Ҳорунким, бу Мажнун маст экан,  
 Лайлини доғи билан побаст экан.  
 Лайлини келтурдилар Мажнунга боз,  
 Еқасин чок этти бо сўзу гудоз.  
 Кўрди ул Мажнунни хокистар аро,  
 Бошини тизига олиб айдиё:  
 «Эй ман учун мубтало Мажнунгинам!  
 Ишқ доғига адо мафтунгинам!  
 Санга ман жонимни берсам, ёрашур,  
 Дину иймонимни берсам, ёрашур.  
 Ҳарна бўлса мақсадинг, андоғ қил,  
 Етмагин сан тупроқ ичра муттасил».

«Манга бу тупроқ эмас, гулзор эрур,  
 Хок ичида Лайли ёрим бор эрур.  
 Ийд топтим жаннати ризвон аро,  
 Ўзгалар ийди бу мазҳабдин жудо..  
 Сансиз асло хонумоним бўлмасун,  
 Тан аро жисмимда жоним бўлмасун.  
 Ўзга халқларга ҳама ризвон эрур,  
 Манга сансиз, ўзга қабристон эрур.  
 Икки олам тўла бўлса пургуҳар,  
 Манга сан бўлгин, сани ёдинг етар.  
 Баъзилар оламда тоатлар қилур,  
 Баъзилар хайру саховатлар қилур,  
 Ҳақ таоло сўрса мандин: «Мажнун!»  
 Сан на келтурдунг манга, эй рўсиё?!»

Анда ман дерманки: «Озод айладинг,  
 Лайли ишқида мани шод айладинг.  
 Аввалу охир ҳузурумдур мани,  
 Лайли ёди вирди кўнглумдур мани...»

Ҳар кишига тегди ишқ — мардонадур,  
 Қору бори оҳи оташхонадур.  
 Уртагай оламни бир дамда давом,  
 Ошиқи парвойи йўқтур, вассалом,  
 Эй сафойи, ботинимни нурусан,  
 Мулки дилни равзаи маъмурусан.  
 Ҳар кишига тегди ишқ — озоддур,  
 Қору бори ҳарчи бодободдур.

Сан агар нурига бўлсанг мунгазир,  
 Кўп, таваккал айлабон, дарёга кир.  
 Сан таваккал бирла яхши шумғусанг,  
 Ким кўлунгга дур келур ё тира санг.  
 Ё ўзингни фарқ этиб мажнун қилур,  
 Ё дилингни халқдин берун қилур.  
 Сан бу дарё ичра бўлсанг шодком,  
 Бир гуҳар олсанг бўлур коринг тамом.  
 Боғлагил маҳкам белингни, йўлга кир,  
 Йиғла гўдакдек, санга еткурси шир.  
 Саъй қилмай топмади ҳеч ким мурад,  
 Саъйсиз иш барчасидур барқи бод,  
 Жон ўшал жондурки, парво қилмаса,  
 Дил эмас олам тамошо қилмаса,  
 Зоҳирингни пок ғорат айласанг,  
 Май била ботин таҳорат айласанг.  
 Жумлани яксон этиб, яксўйи бўл,  
 Қимки яксон бўлди, сан йўлида ўл.  
 Оҳ найлай, кўп паришон қилди ғам,  
 Ҳар замона дийда гирён қилди ғам.  
 Тушти бошимга ажаб савдойи ҳол,  
 Ҳол тўлди, жисмимиздин кетти қол.  
 Офтоб ҳар ерга урса пешу нас,  
 Равзанасиз уйга нури тобламас.  
 Хона жоруб айла, келди меҳмон,  
 Хона жоруб этмаган тупроқга дон.  
 Ҳосилинг бир мартаба ўлмоқғадур,  
 Жузвдурсан вақти қул бўлмоқғадур.

#### ИЗОҲЛАР

Харос — ҳайвонлар билан юргизиладиган тегирмон.  
 қарн — замон, аср, узоқ муддат.  
 тай урмоқ — юриш, кезиш.  
 ақиб — кейинги.  
 румуз (румуз) — размлар, имо-ишоралар, яширин беллар.  
 явмуз жазо — жазо вақти (явм — вақт, кундуз).

хўнг — ўтмас, ўйламай қилинган (иш).  
 кос(т) — камайиш, озайиш, етишмаслик.  
 абдол — авлиёлар, Худога яқинлар.

бом — том.  
 гиреҳ (гириҳ) — тугун, чигал, қийинчилик.  
 хабар — хабарлар, билувчи.  
 ҳафтод — етмиш.

мазҳ — очик-ойдин, ошкора, пок, тоза.  
 нигин — узук.  
 тавсин — шўх, ўйноқи от.  
 кул, кўл — ҳамма, бутун, жамъи.

уқбо — у дунё, охират.  
 занбур — ари.  
 арзан — тариқ.  
 носур — ёрдам берувчи.  
 Фағфур (Фаъфур) — Хитой подшоси.  
 дият — хун пули, қон баҳоси.  
 жоруб — сўпурги.





Юнусхўжа

Туркистоннинг қора кунлари

# Юнусхўжа



Бир ҳаёт фожиаси

«Алпомиш»нинг қатли ом этилиши



## ЮНУСХҶА

Диёримизда тарихий номларни қайта тиклаш борасида хайрли ишлар амалга оширилмонда. Бу, ўйлайманки, келгуси авлоднинг тарих билан ҳамisha бақамти яшашига, ундан ажралиб қолмаслигига кафолат беради.

Муайян жойларнинг киши номи билан аталиши шахснинг буюклиги билан эмас, балки шу маконда тутган ўрни, хизмати билан ўлчанади. Улуғ шахслар ҳақида турли ривоятлар туғилади ва улар бус-бутун ҳолида сақланиши ёки тилдан тилган кўчиши оқибатида ҳақиқатдан йироқлашиши мумкин. Нуфузи баланд одамлар ҳақидаги қайдлар эса китобларда қандайдир ўз аксини ҳам топади. Шундай экан, С. Мирзаевнинг олтинчи бобоси — Юнус кўпос ким? Худди шу савол мени бу зот яшаб ўтган даврга тегишли тарихий манбаларни қидиришга ундади.

Авалло бир нарсани ойдинлаштириш лозим: кўпос сўзи миришкор одамларга эмас, кўпинча олди-сотди, тижоратчи одамларга нисбатан ишлатилган. Изланишларим давомида худди ўша даврда Юнус миришкор эмас, Юнусхўжа деган бир давлат бошлиғи ҳақида талай маълумотларни учратдимки, қуйида бу шахс ҳақида тўхталмоқчиман.

XVIII асрда Тошкентда оғир сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазият юзга келди. Чунончи 1723 йилда Тошкентни қалмоқ кўчманчилари эгаллаб, қозоқ хони Жўлбарсни ўз вассали сифатида шаҳар бошлиғи этиб тайинлади. Бу вақтда Челек, Хондайлик, Хўжакент, Заркент, Паркент, Намданақ, Қорамурт, Сайрам, Чимкент ва шу атрофдаги бошқа жойлар Тошкент вилояти таркибига кирарди. Қалмоқ босқинчилари белгиланган солиқларни ва буюмларни олиб турганлар. Бу ишга Жўлбарсхон мутассадиллик қилиб борган. Айрим маълумотларга кўра, солиқлар миқдори 40 минг тилла ҳисобланиб, бундан ташқари турли газламалар, гиламлар, олтин, кумуш, қурол-яроғ ва бошқа қимматли нарсалар олинган. Қалмоқлар зулми халқни шу қадар азобга солганки, 1739 йилда тошкентликлар Жўлбарсни ўлдирдилар. Аммо унинг ўрнига қозоқ хони Тўлабий кўтарилди ва зулм 1758 йилгача, яъни Хитой томонидан қалмоқлар (жунгорлар) қириб ташлангунга қадар давом этди. Ниҳоят, 1784 йилда Юнусхўжа ҳокимиятни қўлга олиб, мустақил Тошкент давлатини барпо этишга муваффақ бўлди.

Юнусхўжа шаҳардаги ўзаро қурашларни бартараф қилиб, Шайхховандтоҳур,

### Ўрнатли редакция!

Маълумки, Тошкентнинг катта бир даҳаси, айни пайтда райони ҳам Юнусобод номи билан аталади. Эшитишимизга қараганда, бу ном Юнус миришкор деган киши номи билан боғлиқ экан. Бу зот бизнинг олтинчи бобомиз бўлади. Юнус миришкор [1780—1862] Тошкентнинг Тахтапул мавзидан бўлиб, деҳқончилик билан шугулланган. Сабзининг уч, шолғомнинг икки, узумнинг тўрт янги навини яратиб, миришкор деган номга эришган экан. Яйдоқ мавзени ўзлаштириб, шириншакар мева, полиз маҳсулотлари етиштирган. Моддий таъминоти яхшилана бориши билан ҳозирги Чимкент йўли бўйида баққолчилик дўкони ва чойхона қурдиради. Узлаштирилаётган далага одамлар кўчиб бориб, ўтроқлаша бошлайдилар. Натижада бу ерда Наврўз ва бошқа байрамлар қаршиланган, ҳар хил ўйинлар ўтказилиб, гавжум масканга айланган.

Юнус миришкор ҳар йили ўз ҳисобидан 3—4 камбағал оиллага уй қуриб берган, 2—7 боланинг қўлини ҳалоллаган, 2—4 йигитни уйлантириб қўйган экан. Юнус отанинг эл ўртасида миришкор бўлиб танилганидан руслар уни Юнус купец (кўпос) деб атаганлар. У киши табиатан ҳушчақчақ, зукко, тadbиркор, саховатли бир зот бўлган. Халқ ўзлаштирилган далани кейинчалик унинг номи билан Юнусобод деб атай бошлаган эканки, буларни ота-боболаримиз бизга кўп бор айтиб беришган.

Мана юз эллик йилдирки, даҳа номи ўзгармасдан келаётир. Лекин бу даҳанинг. Юнус отанинг тарихи ўрганилган эмас. Шундан бу ном теварагида ҳар хил гап-сўзлар, талқинлар юради. Суюкли журналимиз саҳифаларида бизнинг олтинчи бобомиз — Юнус ҳожи ҳаёти ва фаолияти ёритилган мақола чоп этишларингизни илтимос қиламиз.

Ўрнат билан Саидкарим МИРЗАЕВ



Бешёғоч, Себзор ва Кўкча даҳаларини ўз қўли остига бирлаштирган. У ҳокимият тепасига келганда, Тошкент аҳволи ниҳоятда оғир эди. Бунинг гувоҳи бўлган рус тоғ инженерлари А. С. Безносиков ва Т. С. Бурнашев ўз қайдномаларида шундай баён этганлар: «Вайронага айлантирилган кўп ёдгорликлар шаҳар бир вақтлар анча обод, бой ва катта кучга эга бўлганидан гувоҳлик беради. Шаҳар ички ва ташқи урушлар туфайли хонавайрон бўлган. Ҳатто у урушларнинг аянчли оқибатлари сабаб бир неча бор ҳалокат ёқасига келиб қолган. Юнусхўжанинг тахтга ўтириши арафасида ўз тарафдорларига, қалъаси ва қуролига эга бўлган икки гуруҳ ўзаро урушаётган эди. Деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик издан чиқиб, одамлар ўзларининг сеvimли хунарлари билан шуғулланиш ўрнига қўлида қурол билан доимо хавотирликда яшашига мажбур эдилар. Ўзаро урушлардан тинка-мадори қуриган халқ Юнусхўжа тарафига ўтиб, ўзаро парокандаликка барҳам берди. Аммо хонавайронликка, йўқчиликка мубтало бўлган шаҳарни оёққа турғазаш учун халқ ҳамда Юнусхўжадан хийла машаққатли меҳнат ва ғайрат кўрсатишни тақоза этарди».

Янги сардор ҳокимиятни қўлга олгани ҳамано шаҳар мудофаасини мустаҳкамлаш ва қўшин жанговарлигини оширишга қаратилган чораларни изчил амалга ошира борди. У анча харобага айланган шаҳар деворларини ҳашар йўли билан тузаттирди, мустаҳкамлади. 1800 йилги маълумотга кўра, девор қўйи қисмининг қалинлиги 1,8 метр, устки қисми 0,9 метр атрофида бўлиб, айланма узунлиги 18 чақиримдан ортиқ эди. Девор баландлиги эса, 7,9 метр келарди.

Юнусхўжа 6000 кишидан иборат қўшин тузиб, аскарларни пилта милтиқ, қилич, найза, қалқон ва тўплар билан қуроллантирди. Бу қўшин «қора-қозон» деб аталиб, унда асосан турли шаҳарлардан келган мусофир кишилар ва асирлар хизмат қилган. Улар Юнусхўжа ва бошқа ҳукумат амалдорлари ўртасида тақсимланган бўлиб, тинчлик пайтларида ўз ерлари ҳамда уйларида деҳқончилик, ҳунармандчилик қилиб, ўз хўжайинларидан ҳақ олмай ишлаганлар. Шунинг учун бўш вақтларида бошқа жойларда ишлаб, тирикчилик ўтказганлар. Тошкентнинг янги ҳокими уруш вақтларида ўтроқ ва кўчманчи аҳолидан 50—60 минг аскар йиғиш имконига эга бўлган. Қўшин турли рангдаги байроқлар, ноғора, қарнай ва сурнайлар билан таъминланган. Уруш боришига қараб, ҳар бир хонадондан бир-икки киши қўшинга жалб этилган.

Ҳарбий аслаҳалар тайёрлаш ҳам анча ўсди. «Порохони,— дейилади инженерлар қайдномасида,— тошкентликларнинг ўзлари ишлаб чиқаради. Қўрғошин Туркистондан келтириб Тошкентда эритилади. Лекин унинг миқдори оз». Юнусхўжа давлатни бошқаришни ҳам бирмунча тартибга солиб, яккаҳоқимлик тарзида иш юритган. Бу борада шундай дейилган: «Тошкент ҳукмдори (Юнусхўжа) ўз фуқаролари устидан чексиз ҳокимиятга эга. Аммо у ўз атрофидаги энг яхши амалдорлар билан маслаҳатлаган ҳолда ҳокимиятни бошқаради. Бу кенгашда Юнусхўжага энг содиқ ва ишончли хўжалар қатнашади. Шаҳарни Бош хўжа мансабидаги амалдор бошқариб, у тартиб-интизом ва ободончиликка доир масалалар билан шуғулланади. Бош хўжа айбдорларни жазолаш ҳуқуқига эга. Аммо кимки унинг ҳукмидан норози бўлса бевосита Юнусхўжага мурожаат қила олади. Бош хўжа аҳолига Юнусхўжанинг кўрсатмаси асосида солиқлар солади. У ҳукмдор йўқлигида вилоятни бошқариш ҳуқуқига эгадир». Ҳукумат амалдорларидан бирортасига маош берилмаган. Бош хўжа давлатда Юнусхўжадан кейин иккинчи шахс ҳисобланган. Ундан кейинги маъмурий поғоналарни мингбоши, юзбоши, ўнбоши ва оқсоқоллик мартабасига эришган одамлар эгаллаганлар. Улар ўз ишлари ҳақида бевосита Юнусхўжага ҳисобот бериб турганлар. Бош хўжа қўл остидаги оқсоқоллар солиқларни тўплаш ва хазинага топшириш билан шуғулланганлар. Белгиланган тартибга кўра, ҳар бир жондан бир ойда даромадига қараб 5 тангадан 10 тангагача, ердан олинган ҳосилнинг қирқдан бир қисми олинган. Қорақозонлар солиқлардан озод қилинган. Бу ўринда, уларнинг қўшин ва амалдорларнинг ерларида хизмат қилиши инобатга олинган. Юнусхўжа даврида ўтмиш харобалари қолдиқлари тамомила тугатилмаган бўлса-да, лекин ҳаёт илгариги вақтларга нисбатан анча яхшиланди. Шаҳарда деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ изга тушди.

Юнусхўжа ички ва ташқи савдонинг ўсишига эътибор берди. Натижада Тошкент, Қўқон, Бухоро, Хўжанд, Чимкент, Туркистон, Самарқанд ва кўҳна Турон замининг бошқа жойлари билан изчил суратда савдо олиб борди. Шунингдек, у Ҳиндистон, Хитой, Қашқар, Тибет, Россия ва бошқа хорижий мамлакатлар билан тижорий ишларни йўлга қўйди. Юнусхўжа ўз давлатини тобора кучайтириш ҳамда мустаҳкамлаш мақсадида ташқи сиёсатни фаол юргизди. У аввало, Чимкент, Туркистон ва шу атрофидаги ерларни қайтадан Тошкент давлатига қўшиб олмоқни дилига тугиб қўйди. Чунки бу жойлар шаҳарнинг чет эллар билан алоқасида муҳим ўрин тутарди. Буни яхши англаган Юнусхўжа 1794 йилда Чимкент ва Сайрамни, 1799 йилда эса Туркистон шахрини босиб олди. 1800 йилда Юнусхўжа Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғини ва Қурама мавзеини қўлга киритди. Шунингдек, Паркент, Намданок, Аданак, Тўйтепа, Қорауча, Оҳангарон дарёси қирғоғидаги Матин ва Қаҳронқалъа, Чордора, Ниёзбек, Дўрманча ва Турбат сингари жойлар мустақил Тошкент давлати таркибига кирган эди. 1800 йилги маълумотларга қараганда, Тошкент шаҳрида 80 мингга яқин киши яшаган. Юнусхўжа шу

тариқа Тошкентни тиклашга эришган. Бу вақтга келиб, тошкентликларнинг савдо-хунармандчилик фаолияти шу даражада жонланиб кетдики, улар Қозоғистон ва Фарбий Сибирь бозорларида етакчи ўринни эгалладилар. Тошкентлик бозиргонлар Петропавловск, Усть-Каменогорск ва Сибирнинг бошқа ерларида ҳам фаолият юритганлар. Уша вақтларда Сибирь ва Россиянинг бошқа чекка ўлкаларида рус савдогарларининг ўрни билинмас эди. Улар карвонлари йўлларда қароқчилар томонидан таланишини ҳисобга олиб, Туркистон ва Қашқарга камдан-кам келардилар. Шунинг учун рус ҳукумати бу юртларда савдони олиб боришда, асосан, тошкентлик тижоратчилардан воситачи сифатида фойдаланди. Улар бунга эришмак учун ўзбекларга имтиёзлар берди ва уларни Сибирга доимий яшашлари учун шароит яратиб берди. Натижада, Сибирда тошкентликларнинг қатор маҳаллалари юзага келди. Юнусхўжа Россияда тоғ саноати яхши ривожланганини билиб, рус ҳукумати ёрдамида Тошкентда табиий бойликлардан фойдаланишга қаттиқ киришди. Бундан қутилган мақсад кўшинни замонавий қуроласлаха билан таъминлаш, давлат ғазнасини моддий жиҳатдан мустаҳкамлаш эди.

Юнусхўжа 1794 йили савдо карвони орқали Сибирь йўналиши маҳаллий ҳокимиятига махсус хат юбориб, ўзаро савдо алоқаларини кучайтириш ва тоғ конлари бўйича мутахассисларини Тошкентга юборилишини сўраган. Жумладан, мазкур хатда шундай дейилган: «Айни замонда биз томондан қозоқларнинг Катта жуз ва Тошкент вилояти бўйсундирилди. Эндиликда улар бир бош ва бир тан бўлиб, дўстларимизнинг дўсти, душманларимизнинг душмани бўлиб қолдилар. Биз ҳозирги қулай вазиятдан фойдаланиб, карвонбоши Муҳаммадхўжа ва Азизхўжа орқали муҳрланган хатимизни юбормоқдамиз. Уз навбатида сизлар ҳам ўз савдогарларингизни Тошкентга юборинглар». Тошкентлик вакиллар Омскка келиб, рус маъмуриятига Юнусхўжанинг оғзаки сўровини маълум қилдилар. Бунда Тошкент атрофида олтин кони топилган ва тоғ кони бўйича мутахассислар юборилиши баён этилган. Рус ҳукумати Юнусхўжанинг хатига ижобий жавоб ёзишни Сибирь йўналиши бошлиғи генерал-майор Штардмандга топширади. Шундан кейин Штардманд А. С. Безносиков ва тоғ кони бўйича инженер Т. С. Бурнашевдан иборат элчиларни Тошкентга юборишга қарор қилади. Рус элчилари Омскдан Транцк қалъасига келадилар. Бу ерда уларга 80 туядан иборат бўлган татар савдогарларининг карвони қўшилади. Карвон 1795 йилнинг 25 январида Бухорога етиб келади. Чунки уларга Тошкентга Бухоро орқали бориш буюрилган эди. Бухоро амирининг кўрсатмасига биноан рус элчилари билан дастлабки суҳбатни тўпчибоши ва ясовуллар олиб борган. Рус элчилари ўзларининг генерал-поручик Штардманд томонидан Бухоро амири Шоҳмуродхонга, Тошкент ҳокими Юнусхўжача, Хўжанд беки Худоёрбекка ва Туркистон шаҳри атрофидаги қозоқ султони Бўқайга хат билан жўнатилганини маълум қилади. Шундан сўнг амир саройида рус элчиларига нисбатан муносабат оғирлашди. Чунки хонлиқнинг ҳукмрон доиралари Сибирь йўналиши бошлиғи номидан Бухоро хонлигига элчи ва хат юборилишини менсимаслик, деб тушунади. Одатда, рус элчилари рус императори номидан махсус ёрлик билан келар эди.

Рус элчиларининг сўровига қарамай уларни амир қабул қилмайди. Уларни қушбеги қабул қилиб, суҳбатда генерал Штардманднинг Бухоро амирига хат ёзиши номуносиб экани, аммо унинг бу иши кечирилганини маълум қилади ва рус элчиларини Тошкентга ўтказмасликка қарор қилинганини айтади. Негаки, гўё бу олс йўлда рус элчилари ҳаёти хавф остида қолиши баҳона этиб кўрсатилади. Тошкент ҳукмдори Юнусхўжа савдогарлар орқали Бухорога рус элчилари келганини ва улар Тошкентга қўйиб юборилмаётганидан хабар топади. У махсус одамдан хат жўнатиб, рус элчиларининг ўтказиб юборилишини сўрайди. Аммо элчиларга рухсат берилмайди ва улар Оренбург орқали қайтиб кетишга мажбур бўлади.

Сибирь генерал-губернатори Штардманд 1796 йилда иккинчи маротаба Тошкентга рус элчилари этиб Д. Телятников билан Безносиковни тайинлайди. Улар билан Юнусхўжа номига хат ҳамда совғалар бериб юборади. Элчиларнинг зиммасига Тошкентда тоғ жинсларини текшириш ва конлар топилган тақдирда уларнинг иқтисодий аҳамияти ҳақида маълумотлар тўплаш вазифаси юклатилади. Элчилар Ўрта жуз қозоқ ерлари бўйлаб, Тошкентга 1796 йилнинг 27 августида етиб келадилар. Улар иззат-ҳурмат билан қарши олинади. Афсуски, элчиларнинг Тошкентдаги фаолияти хусусидаги маълумотлар жуда ғариб. Шу нарса аниқки, улар Тошкент атрофидаги тоғларда олтин ва қумуш топилмаганлиги, лекин темир жинслари борлиги, аммо у техниканинг йўқлиги туфайли ишга солинмаётганини қайд этишган. Рус элчилари 1797 йилнинг 1 июнида Юнусхўжанинг Муллажон Охун ва мингбоши Аширмат Ботир сингари элчилари билан бирга ўз ватанига йўл оладилар. Тошкентлик элчилар Омскда ўзларининг Петербургга бориши ва шахсан рус императори билан учрашишини маълум қилади. Штардманд рус ҳукуматидан бунга рухсат олгач, Тошкент элчилари Омскдан йўлга чиқиб, Екатеринбург, Пермь, Қозон, Москва орқали Петербургга боришади ва Юнусхўжанинг император номига ёзилган мактубини тақдим этадилар.

Мактубда Юнусхўжа рус элчилари Тошкентда ўз вазифасини бажаргани ва ўзининг жавоб элчиларини юборганини маълум қилиб, императордан тоғ конлари бўйича билимдон мутахассислар юборишни илтимос этади: «Менга тобе ерлардан топилган

бешта конни текшириш учун металлургия яхши биладиган иккита мутахассис юборишигини Сиз подшоҳ ҳазратларидан сўрайман».

Афтидан Юнусхўжа рус элчиларининг яхши мутахассис эмасликларини билган. Чунки, у ўз мактубида рус императоридан «металлургия яхши биладиган кишилардан» юборишни сўраган. Ҳақиқатан Телятников металлургия бўйича катта мутахассис эмас эди. Буни генерал-лейтенант Штардманднинг рус ҳукуматига ёзган рапортида Телятниковни «металлургиядан оз-моз хабардор» дейиши ҳам исботлайди.

Тошкентлик элчилар Юнусхўжа топшириғига мувофиқ рус ҳукумати вакиллари билан савдога оид масалаларни ҳам муҳокама қилишади. Шунингдек, ҳар икки давлат ўртасида дўстона муносабатларни ўрнатиш ҳақида фикр алмашинади. Сухбатда сиёсий масалалар ҳам кўриб чиқилади. Чунончи, Тошкентга башарти, Хитой давлати ҳужум қилгудек бўлса, рус ҳукуматидан ёрдам бериш сўралган. Маълумки, XVIII асрнинг ўрталарида Хитойда ҳукмронлик қилаётган Цинь династияси Шарқий Туркистонда ўз ҳокимиятини ўрнатиб, Урта Осиёга катта ҳавф туғдирган эди. Бу вақтда Цинь династиясининг тажовузи ва қувғини туфайли кўпгина қашқарликлар Фарғона водийсида ва Тошкентда муҳожирлар сифатида яшаб, ўз ватанларини озод қилиш учун ҳаракат қилганлар. Улар ёрдам сўраб, ҳокимият раҳбарларига ва халққа мурожаат қилмоқда эдилар. Афтидан, Юнусхўжа бу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда Хитойга қарши курашда рус ҳукуматидан ёрдам сўраган.

Музокараларнинг қандай натижа берганлиги канцлер А. А. Безбородканинг генерал-лейтенант Штардмандга ёзган хатида баён этилган. Рус императорининг кўрсатмасига мувофиқ Тошкент ҳокими Юнусхўжа билан алоқани ўрнатиш вазифаси генерал-лейтенант Штардманд зиммасига юклатилади. Хатда Петербургдан ўз ватанига қайтиб келаётган тошкентлик элчиларга Омска боргач, дам берилиши, сўнгра улар ҳурмат билан кузатиб қўйилиши Штардмандга топширилади. Шунингдек, бу амалдор Сибирдан Тошкентга тоғ конлари бўйича мутахассислар юбориши — Юнусхўжанинг илтимосини адо этиши керак эди. Уша хатда рус элчиларининг Тошкент ҳақида маълумотлар тўплаши лозимлиги ҳам қайд қилинган: «Элчилар ўз сафарлари чоғида у ернинг шароити, отлиқ ва пиёда йўловчиларни озиқ-овқат билан таъминлаш ҳамда манзилгоҳ қуришиш имкон бериш-бермаслигини, айни дамда у ёққа қанча одам юбориш мумкинлигини билсинлар. Шунингдек, Тошкентда бўлган вақтларида, у ердаги конларни текширсинлар, конларнинг фойдали қазилмаларга бой ёки камбағаллигини аниқласинлар, улар имкони борича у ернинг шарт-шароитини, жойланишини, у ерга борилган тақдирда, қанча одам жойлаштириш мумкинлигини ва одамларни озиқ-овқат билан таъминлаш имкониятини синчиклаб текширсинлар». Кўриниб турибдики, рус ҳукумати Юнусхўжа давлатига Хитой тажовуз бошласа, мададга борган рус қўшинларининг таъминоти ва жойлаштириш масаласини олдиндан ҳал қилиб қўймоқчи бўлган, лекин бу мақсад Юнусхўжага очик изҳор қилинмаган. Хатда Хитойнинг ҳеч вақт Тошкентга ҳужум қилмаслиги, борди ҳужум қилиб қолса, рус ҳукуматининг ўртага тушиши, тегишли чоралар кўриши бўйича Юнусхўжани хабардор қилиб қўйиш генерал-лейтенант Штардмандга топширилган.

«Жаноби олийлари,— дейилган ўша хатда.— Сиз ўз томонингиздан уни (Юнусхўжани) хотиржам қилинг. Хитойнинг ҳеч қачон ҳужум қилмаслигига ишонтиринг, башарти ҳужум бўлиб қолган тақдирда (буни амалда ҳеч қувтиш мумкин эмас), бизнинг ҳазрати олийларимиз Бутунроссия империяси ва Хитой давлати ўртасида мавжуд дўстлик ва бирдамликдан фойдаланиб, ўртага тушишини ва ўз томонидан чоралар кўришини билдиринг».

Демак, рус ҳукумати Юнусхўжанинг ҳарбий ёрдам тўғрисидаги илтимосига жуда эҳтиёткорлик билан жавоб берган ва Хитой билан алоқасини бузиб қўймасликка тиришган.

Канцлер Безбородка ўзбек элчиларига рус императорининг тошкентлик савдогарларга Сибирда бемалол ва эркин савдо қилишига ижозат берганини гапириб, рус савдогарларига ҳам Тошкентда шундай имкониятлар берилишини сўраган. Элчиларимизга рус императорининг ва канцлер Безбородканинг Юнусхўжа номига ёзган хатлари ҳамда турли совғалари топширилади. Хусусан, Юнусхўжанинг рус императорига юборган 45 тўп ипак газламаси ва ўн жуфт қимматбаҳо мўйнаси эвазига ҳар бири 20 газ келадиган 2 тўп парча, 12 газ кўк мовут ва тилла занжирли тилла соат, Муллажон Охун ва Аширмат Ботирнинг ҳар бирига 12 газдан парча ва 6 газдан кўк мовут инъом этилган. Элчи Муллажон Охун рус императорига шахсан ўз номидан қалам ва 3 та қоплон териси сарупо қилади, ўз навбатида император унга тилла соат ва тилла узук ҳадя этган. Булардан ташқари, ҳар икки элчига 1000 сўмдан пул, хизматкорларига эса турли совға ва пул мукофотлари берилган. Телятников ва Безносиқов хизмати ҳам инobatга олиниб, уларнинг унвони кўтарилган ҳамда пул мукофоти билан тақдирланган. Рус императорининг кўрсатмасига биноан генерал-лейтенант Штардманд 1800 йилда икки тоғ инженери — М. Поспелов ва Т. Бурнашевни элчи сифатида Тошкентга юборди. Улар Тошкентда ҳурмат-иззат билан қарши олиниб, Юнусхўжа томонидан қабул қилинади. Сухбат чоғида уларга тоғ жинсларининг намуналари кўрсатилган. Улар буларни текшириб,

қуйидагича хулосага келадилар: тоғ жинсларининг бири олтингурт ва бошқа минерал моддалар аралашмасидан иборат бўлиб, унинг бир пудидан икки қадоқ мис олинар экан. Олтин рангида бўлганлиги учун тошкентликлар уни жуда қимматбаҳо ашё деб ўйлаганлар. Иккинчиси тиниқ чақмоқ тош бўлган, учинчиси бинафша рангли эритма ва оқтош кукунни бўлиб чиққан. Рус элчилари улар орасида олтин ёки бошқа қимматбаҳо жинслар йўқлигини маълум қилганлар. Шундан сўнг рус элчилари мазкур жинслар олинган жойларни кўриш лозимлигини айтадилар. 1800 йилнинг сентябрь ойида улар Чирчиқ атрофидаги тоғларда текшириш ўтказдилар. Аммо бу ерларда фақат оҳақтошли жинслар бўлиб, ҳеч қандай кон ва қимматбаҳо нарсалар йўқлиги аниқланди. Рус элчилари сўзига қараганда, улар шаҳарга қайтиб келган, Юнусхўжага ўзлари билан олиб келган баъзи жинсларни кўрсатган, тушунтирган ҳамда қазиб чиқаришга арзимаслигини айтган. Юнусхўжа мазкур рудаларни қазिश ва эритиш истагини билдирган. Бунга жавобан рус элчилари тоғ конларини ишлаш учун махсус асбоб-ускуналар йўқлигини ва тоғ конларида иш мутахассислар назоратида олиб борилишини айтишган. Аммо Юнусхўжа тоғ конларини эътиборсиз қолдирмаслигини ва бунинг учун рус давлатидан ёрдам сўрашини гапирган.

Рус элчилари Тошкентда селитра ишлаб чиқариш билан ҳам қизиққанлар. Уларнинг аниқлашича, селитрани хусусий равишда ишлаб чиқариш ўлим жазоси билан тақиқланган бўлиб, у фақат ҳоким саройида, қаттиқ назорат остида тайёрланган. Пороҳ тайёрлаш ҳам шу тартибда олиб борилган. Хуллас, рус тоғ инженерлари Омскага қайтганларидан сўнг ўзларининг ҳукумат вакилларига ёзган ҳисоботларида Тошкентда олтин ва бошқа қимматли жинслар йўқлигини, фақат мис борлигини ҳамда кон сифатида уни ишга солиш ва хом ашёни Тошкентдан Россияга келтириш ҳаракатлари ўзини оқламаслигини кўрсатади.

Бурнашев ва Поспеловнинг ҳисобот ва фикр-мулоҳазалари шахсан императорга маълум қилинади. У бу масалани синчковлик билан кўриб чиқишни Берх-коллегия (тоғ конлари бошқармаси)га топширади. Берх-коллегия уни ҳар томонлама ўрганиб, қуйидаги қарорга келади: «Поспелов ва Бурнашевнинг ҳисоботида қайд этилган руда намуналарининг баъзилари эритишга арзимайдиган бўлишига қарамай, уларнинг микродори маълум эмас, атрофидаги тоғлар хатарли, ёғоч етишмайди, конларни қидириб топиш ниҳоятда қийин, руда эритиш учун зарур кўмирни олиб келиш қимматга тушади, керакли темир ва бошқа асбоб-ускуналар билан таъминлаш жиҳатидан у ер ниҳоятда узоқ, йўллар хавф-хатарли ва оғирдир. Бундан ташқари рудалар заҳираси оз. Уларни қазिश ва эритишдан мақсад шунга яраша фойда олишдир».

Ҳақиқатан ўша пайтларда Тошкентда конларни ишга солиш учун асбоб-ускуналаргина эмас, балки мутахассислар топиш ҳам амри маҳол эди. Юқоридаги сабабларга кўра, Берх-коллегия тоғ жинсларини четдан, жумладан Тошкентдан эмас, балки Россиянинг ўзида ишлаб чиқариш ҳам арзон, ҳам қулай экани ҳақида қарор қабул қилади.

Шу тариқа Юнусхўжанинг Россия кўмагида тоғ конларини ишга солиш ҳаракати амалга ошмай қолади.

Хўш, нима учун Юнусхўжа бу масалада Россияга мурожаат қилди? Тоғ конларини ишга солиш ҳаракати Юнусхўжа бошлиқ мустақил Тошкент давлатининг Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигининг, яъни икки ўт орасига тушиб қолгани билан изоҳланади. Улар қандай бўлмасин Тошкентни ўзларига бўйсундиришга қаттиқ бел боғлаган эди. Буни яхши англаган Юнусхўжа ўз қўшинини қурол-яроғ билан таъминлаш ва мустаҳкамлашни биринчи вазифа деб билади. Бунга эришмак учун, албатта металлга эҳтиёж сезарди. Чет мамлакатлардан олишнинг эса иложи йўқ эди. Шунинг учун у Тошкентнинг ўзида тоғ конларини ишга солишга киришди. Уни фақат Россия ёрдамида амалга ошириш мумкин эди. Юнусхўжа ўз савдогарлари орқали Сибирь ва Россиянинг бошқа жойларида тоғ кони анча ривожланганидан хабардор бўлган. Бироқ, рус ҳукумати Юнусхўжа тақлифларини амалга оширишда, биринчи навбатда, ўз манфаатларини юқори қўяди. Рус ҳукумати вазиятдан фойдаланиб, ўз элчилари орқали Тошкент ва атроф-жойлар ҳақида ғоятда қимматли маълумотларни қўлга киритади.

Юнусхўжанинг ташқи сиёсатида Қўқон хонлиги муҳим ўрин эгаллайди. Маълумки, XVIII аср охирилари XIX аср бошларида бу хонлик анча кучайиб, ўз ерларини кенгайтириб бормоқда эди. Унинг ҳукмдори Норбўтабий 1794 йилда Тошкентни босиб олиш учун ҳарбий юриш қилиб, Чирчиқ дарёси бўйига келади. Бироқ, у Юнусхўжа қўшини билан бўлган жангда енгилиб, чекинади. Шундан кейин Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги Қурама музофоти Тошкент вилоятига қўшиб олинади. Қўқон қўшинлари 1799 йилда Тошкентга яна бостириб кириб, Чирчиқ дарёсидан ўтади ва Қорасув ариғи бўйига жойлашади. Бу ерда, қаттиқ жангдан сўнг, Юнусхўжа ғолиб келиб, Қўқон лашкарбошиси Хонхўжа, 70 нафар нуфузли ҳарбийлар ва аскарларини асирликка олади.

Юнусхўжанинг Қўқон қўшини устидан икки бор устун келиши уни руҳлантириб юборади. Энди, у Қўқонга ҳарбий юриш қилишга аҳд этиб, тайёргарликни кучайтиради. Бу вақтда Қўқон хони Олимхон Уратепа, Жиззаҳ ва Хўжандни Бухоро хонлигидан тортиб олиб, хонлиқни анча кенгайтирган эди. Шу боисдан маҳаллий уламолар, нуфузли кишилар Юнусхўжага Қўқонга ҳужум қилмаслик ҳақида кўп маслаҳат қиладилар. Лекин...

Юнусхўжа 1800 йилда 7—8 минглик кўшин билан йўлга чиқиб, Қўқон шаҳри яқинидаги «Пункон» деган жойга келади. Бундан хабар топган Олимхон «ўзидан мартабаси паст киши билан тенг келиш ва муқобил бўлишни ўзига ор деб билиб», Юнусхўжага қарши («Фурум») «Ҳарамсарой» мавзеининг ҳоқими Сўфи Алихўжа Мирасад бошчилигида кўшин жўнатади. Қаттиқ жанглардан кейин қўқонликларнинг қўли баланд келиб, Юнусхўжа аскарлари саросимага тушади. Қўқонликлар уларни қувлаб Тошкент давлатининг «Кряувчи» қалъасини эгаллайдилар. Шундан кейин Қурама мавзеи Қўқон хонлиги қўл остига олинади.

1801 йили Юнусхўжа сил касаллигига учраб вафот этади. Бу мустақил Тошкент давлатининг заифлашишига олиб келди. Юнусхўжа ўзининг 15 йиллик ҳукмронлиги вақтида Тошкентни йирик давлатга айлантириш ва Фарғона водийсини эгаллашга ҳаракат қилди. Бироқ, бунга эриша олмади.

Баъзи бир манбаларда Юнусхўжа «банги» сифатида қораланади: «Юнусхўжа,— дейилади Муҳаммад Солиҳнинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида,— шу даражага етиб борган эдики, нашани узлуксиз чекарди. У кеча-кундузи шу аҳволда бўлиб, маст ҳолда ўзини гоҳ жанг майдонида, гоҳ базмда, дунёда ёлғиз ўзим бор деб ҳис этарди». Бизнинг фикримизча, бу сатрларда муболаға мавжуд. Бордию шундай бўлса у вақтда буни юқорида номлари саналган рус элчилари сезишлари турган гап эди. Улар, аксинча, Юнусхўжани «ишбилармон», «жасур ва тараққийпарвар» шахс сифатида таърифлайдилар. Дарҳақиқат, Юнусхўжа ўз даврининг моҳир ҳукмдори ҳисобланган. Акс ҳолда мустақил давлат тузиб, харобага айланаётган Тошкент қаддини кўтаришга бел боғламас эди. У табиий бойликлардан фойдаланиш давлат ва халқ манфаати учун ўта фойдали эканини англаган зукко ҳукмдор эди. Бундай шахслар тарихимизда камдан-кам учрайди.

Шуниси диққатга сазоворки, Юнусхўжа Тошкент тарихида биринчи бўлиб, тўндан фойдаланишни жорий этди. Рус элчиси Безносиковнинг кўрсатишича, Юнусхўжа Тошкентдаги тўрт даҳанинг бири — Шайхҳовандтоҳур бошлиғи Улуғхўжанинг ўғли бўлган. Улуғхўжа ўзаро курашлар авжига минган, хавф-хатар туғилган бир пайтда тўртинчи ўғли — Юнусхўжани бир ишончли киши билан Тошкентдан чиқариб юборган. Афтидан, у қозоқлар яшайдиган ерда истиқомат қилган. Юнусхўжа отасининг ўлимидан сўнг 40 кишидан иборат тошкентликлар ва қозоқ биродарлари билан биргаликда шаҳарга яширинча кирган. У даставвал отасига тегишли Шайхҳовандтоҳурни эгаллашга ва нуфузли кишиларни ўз тарафига тортишга эришган. Шундан кейин Юнусхўжа ўзаро курашлардан толиққан рақибларини, жумладан Туробхўжани енгишга ва тўрт даҳани бирлаштиришга муваффақ бўлган. Юнусхўжа ўлимидан сўнг Тошкентга унинг ўғли Муҳаммадхўжа ҳокимлик қилди. Унинг даврида Тошкентда «қаҳатчилик ва қимматчилик» юзага келиб, шаҳар аҳволи ниҳоятда ночорлашди. Уч йиллик ҳукмронлигидан сўнг у вафот этиб, ўрнига укаси Султонхўжа ўтирди.

Қўқон хони Тошкентдаги оғир вазиятдан фойдаланиб, кетма-кет тўрт марта ҳужум қилди ва 1808 йили қаттиқ жанглардан сўнг босиб олди. Умуман, Тошкент тарихида Юнусхўжанинг тутган ўрни салмоқлидир.

Юқорида билдирган фикр-мулоҳазаларим билан мен Юнусобод номи айнан шу киши номи билан боғлиқ, деган фикрдан йироқман. Бу ном эгаси мактуб ёзган ўртоқнинг аждоди бўлиши ҳам, бошқа бўлиши ҳам мумкин. Бу борадаги изланишлар эса давом этади.

**Ҳамид ЗИЕЕВ,**  
тарих фанлари доктори, профессор



Ортиқбой Абдуллаев

## ТУРКИСТОННИНГ ҚОРА КУНЛАРИ

(Уйлар)

Нега йиғламайсан, она Туркистон!!

Дадахон Ҳасан қўшиғи

### Ўзингдан чиққан ёв ёмон

Йиллар ўтади. Довуллар тинади. Жанг-жадаллар тарих қаърида унутилиб кетади. Сохта ҳайкаллар ағдарилади. Қудратли салтанатлар емирилади. Ёлғон ғоялар барҳам топади. Аждодлар руҳини янгидан-янги авлодлар дилига жойлаб вояга етади ва жамиятни поклаш учун, топталган адолатни, эркини, эзгуликни яна ўз ўрнига тиклаш учун кураш майдонига чиқади. Бу ҳол узлуксиз давом этаверади. Ҳаёт — абадий. Оқиб турган дарёни ҳеч ким тўхташиб туролмайди.

Пушкиннинг «Тикланиш» номли шеъри бор. Даҳо томонидан чизилган нодир расмистига истеъдодсиз расом ҳар хил бўёқлар чаплаб, ўзича мўъжиза яратади.

**Ваҳший рассом мудроқ, беизн  
Даҳо суратини бузади  
Ва у сурат устига ўзин  
Бебурд суратини чизади.**

**Лекин у ёт бўёқлар бир-бир  
Кўчиб тушар йил сайин аён  
Ва улғвор ижод беқусур  
Аввалгидек бўлур намоён.**

**Ана шундай кетар эзилган —  
Юрагимдан сохта тугунлар  
Ва шубҳасиз тикланар ўтган —  
Илк ва тоза мусаффо кунлар.**

(Туроб Тўла таржимаси)

Ана шундай. Вақти келиб ҳар қандай сохта бўёқлар йўқолиб кетади. Ўтда куймайдиган, сувда чўкмайдиган ҳақиқат эса ўз қудрати ва жозибаси билан кўз ўнгимизда қайтадан намоён бўлади. Тарих ҳақиқатини ҳам шунга ўхшатиш мумкин. Уни сохта-лаштириш ҳеч кимнинг қўлидан келган эмас. Халқимиз топиб айтганидек. «Ойни этак билан ёпиб бўлмайти». Ҳеч қачон!

Рус зобити, чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини Шарқда қон ва қилич билан жорий қилган даҳшатли генераллардан бири Михаил Дмитриевич Скобелев ҳақида мақола ёзарман деб сира ўйламаган эдим. Сабаби, давр аллақачон унинг фаолиятига баҳо берган, ўз шафқатсиз ҳукмини чиқариб қўйганди. Инқилобдан кейинги дастлабки йиллардаёқ фақат чор генерали Скобелевгина эмас, унинг ҳамтовоқлари — «ярим пошшо» Кауфманлар, генерал-губернатор Куропаткинлар, жаллод Головачевлар ва бошқа зобитлар меҳнаткаш халқ ғазабига учрагани ҳаммага маълум. 20—30-йилларда

босилиб чиққан вақтли матбуотдаги турли мақолаларда ҳамда тарихий асарларда чор зобитларининг босқинчилик юришлари, Туркистон халқларини қанчалик шафқатсизлик билан қириб, қон қақшатгани, талагани ҳақида кўплаб ёзилган эди. Айниқса, Улуғ Ватан урушидан кейин босилиб чиққан икки жилдли «Ўзбекистон халқлари тарихи» асарининг иккинчи китобидаги (Тошкент, ЎзФАН, 1947 й.) академик Бахрушин томонидан ёзилган бобларда чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати кўпдан-кўп ҳужжатлар, далиллар асосида фош этилганди. Бу улкан тадқиқотни ўқиган киши юқоридagi муаммога бутунлай нуқта қўйилган, деган хулосага келиши табиий. Аммо, йўқ, янглишган эканмиз. Тарих ахлатхонасини титкилаб, янги «кашфиётлар» топишга ўч «шинаванда»лар ҳали йўқолмаган экан.

Бир вақтлар — 60-йилларнинг охирларида Самарқанд шаҳрида қурбон бўлган чор аскарлари хотирасига қўйилган ёдгорлик қаровсиз қолиб, емирилиб кетяпти, шошилинч ёрдам керак, деган мазмундаги хитоб вилоятда чиқадиған русча газетада босилгани эсимда. Шунда ҳамма ғазабланган эди. Кўҳна шаҳар — қадимий пойтахтимиз Самарқанддаги буюк обидаларни тўпга тутиб вайрон қилган, тинч аҳолини шафқатсизлик билан қирган (бу ҳақда бошқа бир ўринда батафсил гапириш ниятидамиз) мустамлака қўшинлари хотирасини эъозлаш ҳақидаги гапнинг совет матбуотида босилишида катта мантиқсизлик бор эди. Ахир биз чоризмни ағдариб ташлаган ва эски дунё ҳимоячиларининг ҳаммасини битта қўймай қириб ташлашга аҳд қилган авлод фарзандларимиз-ку! Мен бу гапни жуда фахрланиб айтаётганим йўқ, аммо, аслида тарих ҳақиқати шундай бўлди-ку! Хўш, подшо ёмон, меҳнаткаш халқнинг душмани экан, унинг сиёсатини қадам-бақадам амалга ошириб, зулм салтанатини ҳимоя қилган, бошқа халқларни куч билан, зўрлик билан ўзига бўйсундирган чор армияси-ю, унинг мустамлакачи амалдорлари, қонхўр зобитлари яхши бўлиб қолдимиз!

Кейинроқ Булғориянинг усмонли турклар истибдодидан озод бўлган кунга 100 йил тўлиши муносабати билан турли тадбирлар ўтказилаётган кунларда генерал М. Д. Скобелев номи яна марказий матбуот саҳифаларида кўрина бошлади. Унинг мардлиги, жасоратлари-ю, хизматлари ноҳақ унутилиб, камситилаётгани ҳақида нолиб ёзишди. Аммо бу гал ҳам хушёр фикрли кишилар адолат тарозисини ушлаб қолдилар. Соғлом мантиқ устун қиқди: Скобелев сингари зобитларнинг фаолиятига баҳо берганда бир томонга оғиб кетмаслик лозимлиги, унинг булғор халқини озод қилишдаги жасоратлари қанчалик улуғланса, Туркистондаги, айниқса, Қўқон хонлигида, Туркменистонда қилган қонли қирғинлари шунчалик қораланишга сазовор эканлиги алоҳида таъкидланди. Зеро, адолат талаби шуни тақозо этади.

Аммо, афсуски, аллақачон ечимини топган бу масала, ҳеч қандай зарурат бўлмаган ҳолда, «Звезда Востока» ойномасида (1990 йил, 3-сон) босилган москвалик тарихчи М. Поповнинг «Ак пашша — белый генерал» мақоласида қайта кўтарилди. Қизиғи шундаки, бу мақолада генерал Скобелев рус халқининг фидойи фарзанди, унинг ифтихори, фахри-ғурурига айланган шавкатли қаҳрамон деб зўр бериб таъриф-тавсиф этилади, унга бошдан-оёқ мадҳу сано ўқилади-ю, лоақал бирон-бир жойда у тўққан беҳисоб қонлар, ёвузликлар тилга олинмайди ҳам. Ахир бу очиқдан-очиқ бирёқламалик, тарафкашлик, қолаверса, ўша мудҳиш йилларда зўравонлик қурбони бўлган маҳаллий халқлар — ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қорақалпоқлар, қирғизлар, қозоқларнинг ҳозирги авлодларини камситиш, ҳақорат қилиш эмасми? Халқимизда: «Онангни ўйнаши қози бўлса, дардингни кимга айтасан?» — деган ўткир нақл бор. Наҳотки ҳамон шундай бўлса — адолат топталиб, ёлғон гаплару разолат тантана қилиб қолаверса?! Йўқ, ундай эмас! Ҳозир бошқача замон. Тарихга холис баҳо берадиган мутахассислар, ҳайриятки, орамизда бор. Кейинги пайтларда мазмундор шеърлари ва тарихий мавзудаги мақолалари билан матбуотда тез-тез чиқаётган таниқли шоир Хуршид Даврон «Босқинчилик қаҳрамонлик бўлдимми?» деган мақоласида генерал Скобелевнинг ҳақиқий башарасини очиб ташлади. Эҳтирос ва чуқур мантиқ билан суғорилган бу мақолада чор босқинчиларининг кирдикорлари ҳамда бояги «қаҳрамон» генералнинг уюштирган қирғинлари турли далиллар, ҳужжатлар асосида анча кенг баён этилди. Муаллиф маълум даражада Скобелевнинг истилочилик фаолиятига ёки бошқача айтсак, тарихий «хизмат»ларига тўғри баҳо беришга муваффақ бўлади.

Эллигинчи йилларнинг ўртасидан бошлаб бу мавзуга фақат бир томонлама ёндашиб, унинг «прогрессив аҳамияти»ни кўрсатишга бутун ижтимоий фанлар сафарбар қилингани маълум. Оқибатда чор босқинчиларининг ёвузликлари деярли гапирилмади, чет элдаги холис тадқиқотлар эса ё қораланди, ё бутунлай четлаб ўтилди. Ана шу шароитда Хуршид Давроннинг матбуотдаги дадил чиқиши ҳамда профессор Ҳамид Зияевнинг «Шарқ юлдузи» ойномасида босилган «Чоризм босқини» (1990 й., 7-сон) номли йирик мақоласи чинакам жасорат намунаси бўлди. Қайта қуриш руҳи билан суғорилган бу мазмундор мақолалар мазкур мавзунини ёритиш йўлидаги илк қадамлар ҳисобланади. Аммо улар қалин парданинг бир томонини хиёл қўтардилар, холос. Рус босқинининг даҳшатли манзараларини тўла кўрсатиш учун эса ҳали ўнлаб йирик тадқиқотлар, китоблар ёзилиши зарур. Айниқса, мен Москва кутубхоналарида бир оз муддат ишлаб, турли материаллар ва ҳужжатлар билан танишгач, буни чуқур ҳис этдим. Биргина гене-

рал Скобелев ҳақида мадху санодан иборат ўнлаб китоблар ёзилган экан. Уларнинг анчагинаси бадий асарлардан иборат бўлиб, қайта-қайта нашр этилган. Мақсад халқ онгига мазкур генералнинг «буюк»лиги, «қаҳрамон»лигини тўхтовсиз сингдириб боришга қаратилган. Чоризм тарғиботи ҳарқалай бу вазифани «ҳалол» бажарган экан. Тарих аллақачон рад этган бу «китоб»ларнинг номи ва муаллифлари билан танишинг: Абаза К. К. «Оқ» генерал (оқлошшо) Михаил Дмитриевич Скобелев. Санкт-Петербург, 1905; Артомонов Л. К. 1880—1881 йилларда генерал Скобелев қўмондонлиги остида рус кўшинлари томонидан така-туркманларнинг тор-мор этилиши, 3-нашри, Спб., 1898; Адам Жульетта, Генерал Скобелев, Спб., 1886; Арцишевский А. Ф. Генерал Скобелевнинг 1880—1881 йилларда Ахалтакада бўлиши. (Қаҳрамон-даҳо вафотининг бир йиллиги муносабати билан). Тифлис, 1883; «Оқ генерал». Повесть, М., 1899; «Оқ» генерал. Аскарларнинг М. Д. Скобелевга ҳамда рус-турк урушига бағишланган жанговар кўшиқ ва шеърлар тўплами. М., 1912; «Рус халқининг қаҳрамони — оқ генерал М. Д. Скобелев». 4-нашри, Спб., 1898, Гринев С. А. М. Д. Скобелев, Киев, 1894; Красницкий А. И. Оқ генерал. Генерал М. Д. Скобелев ҳаётига доир. Повесть-хроника, Спб., 1904; В. И. Немирович-Данченко. Оқ баҳодир. М., 1912; Струсевич А. П. XIX аср қаҳрамонларидан бири. Оммабоп очерк. Спб., 1899 ва ҳоказо.

Чор маддохлари бири олиб, бири қўйиб Скобелевни осмону фалакка кўтардилар. Бири уни афсонавий қаҳрамон сифатида улуғласа, иккинчиси Наполеонга тенглаштиради. Сабаби, у чор ҳукумати манфаатлари йўлида садоқат билан хизмат қилган эди-да! Истилочи рус генерали фон Кауфманнинг бевосита раҳбарлигида биргина Туркистоннинг ўзида 5.380 квадрат мил территория босиб олинди, Россия ихтиёрига ўтказилган. Бу ерлар Қўқон, Бухоро, Хива хонликлари ҳудудидан тортиб олинган. Ана шу зўравонлик сиёсатини амалга оширишда қиличидан қон томган Скобелев гоҳ Қўқон, Фарғона кишлоқларини ёндириб, гоҳ туркман овулларини ер билан яқсон қилиб, қуролсиз аҳолини қириш ҳисобига ном чиқаргани маълум. Унинг бу хизматларига олқиш ёғдирган рус шовинистлари ўша даврда ҳам чор ҳукумати мислсиз адолатсизлик қилаётгани, ўзга мамлакатлар ҳудудига бостириб кириб, беғуноҳ одамларни қириб ўлдириб, зўравонлик қилаётгани ҳақида лом-мим демаганлар. Босиб олинган ерлардан оқиб келаётган беҳисоб бойлик, текин даромад чўнтакка тушиб тургандан кейин қалам ҳам шунга яраша йўрғалайди-да! Шунинг учун бу маддох ёзувчилардан бошқа нарса кутиб бўлмайди.

Хўш, ўтмишда-ку бу қаҳрамон даҳо шунчалик мадх этилган экан, кейинги йилларда у қандай баҳоланди? Бу борада М. Попов ёлғиз эмасдир? Мана шу хусусда бош қотириб, ўйлаб юрганимда янги бир китобга дуч келиб қолдим. Унгача Хуршид Даврон ёзган мақола етарли бўлди, энди бу мавзуга қайтишга ҳожат йўқ деган тўхтамга келган эдим. Чор-ночор қалам олишга мажбур бўлдим. «Даҳо»нинг фаолияти жуда кенг ва ранг-баранг. Шунинг учун «оқ» генералнинг фақат Туркистондаги ҳарбий ҳаракатларига тўхталиб, айрим мулоҳазаларим билан ўртоқлашишга уриниб кўраман.

Маълумки, Скобелев Туркистонда дастлаб фон Кауфман кўл остида хизмат қилиб, Қўқон хонлигини қонга ботирган эди. Кейинчалик у ана шу хизматлари эвазига подшоҳ марҳаматига сазовор бўлиб, водий губернаторлигини қўлга киритади. Унинг мустақил раҳбарлик фаолияти 1880—1881 йилларда Ахалтака экспедицияси билан боғлиқ. Золим генерал Кўктела қалъаси ҳимоячиларини аёвсиз қириб ташлагани тарихий ҳужжатларда қайд этилган. Бу шафқатсизликлар ҳатто хориждаги олимлар томонидан батафсил ёзилган, фош этилган. Энг муҳими, инқилобга қадар ўз асарлари ва хотираларини эълон қилган рус ҳарбий зобитлари бу ёвузликлар ҳақида батафсил маълумот берганлар. Ёвузликдан безор бўлган туркман халқи бу генералга «кўзи қонли» деб лақаб берган. Ана шу асарларни биргалашиб кузатсак, Туркистоннинг забт этилиши манзаралари ҳам, рус зобитларининг чинакам қиёфаси ҳам маълум даражада кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Рус чоризми манфаатларини тиш-тирноғи билан ҳимоя қилган М. Д. Скобелевнинг Туркистондаги ҳар бир қадамидан қон ҳиди келиб туради. Аммо бу зот кўҳна Осиё бағрига келгунча ҳам фаришта эмас эди. Унинг ҳарбий фаолияти зулмга қарши бош кўтарган поляк ватанпарварлари исёнини қонга ботиришдан (1864) бошланган. Бу «хизмати» учун у 4-даражали муқаддас Анна нишони билан тақдирланди. Узини тезроқ кўрсатиш, шон-шухрат орттириш талвасаси айниқса Хива юриши (1873) даврида авж олади. У Хива юриши бошланишидан олдин ўртоқларига «Бу гал албатта Георгий крести оламан!» деб мақтанган эди. Рус кўшини Амударёдан ўтиб, хонлиқнинг йирик шаҳар ва кишлоқларини бирма-бир забт эта боради. Қаршилиқ кўрсатган Хўжайли шаҳри ва Манғит кишлоғи култпага айлантиради. Жангларда руслардан бир капитан, саккиз аскар ўлгани, ўн киши турли даражада жароҳатлангани қайд этилган. «Душман ниҳоятда катта талафот кўрди» — деб ёзилган рус қароргоҳи ҳужжатларида.

Қиёт шаҳрида 10.000 га яқин Хива кўшини парокандаликка учрайди. Руслар ҳеч қандай талафот кўрмаган. Хиваликлардан қанчаси ўлгани номаълум. Аммо И. В. Казначевнинг «Генерал-адыютант М. Д. Скобелев» (Петроград, 1916) китобида ёзилишича, «теварак-атроф мурдага тўлиб кетган эди» (19-бет). Хива яқинидаги яна бир тўқнашувда мусулмонлардан 400—500 га яқин одам қурбон бўлгани айтилади.



Хива хони Муҳаммад Раҳимхон генерал Кауфманга чопар йўллаб, таслим бўлганини билдиргач, ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилади. Шунга қарамай, полковник Скобелев ва граф Шувалов бошчилигида мингга яқин рус қўшини Шохобод дарвозасини портлатиб, йўлда дуч келган одамни қириб, хон ўрдасига бостириб борадилар. Зобитларнинг мақсади кўпроқ ўлжа ва юқори мартаба, нишон олиш эди. Аммо генерал Кауфман бу «зафарли ҳужум»ни қаттиқ қоралагани ва ўзбошимча ҳарбийларга, айниқса, ўзини қўйишга жой тополмай қолган Скобелевга жиддий танбех беришга мажбур бўлгани маълум. Шарманда бўлган ёш зобит аҳволини ўнглаш учун бошқа қалтис ишга қўл уради. Ҳали рус қўшини қадами етмаган номаълум саҳро йўлларини аниқлаб, ҳаритага тушириб келади. Бу ҳаракат Кауфманга ҳам маъқул бўлади, албатта. Аммо бу қари туллак ёш зобит талтайиб кетишини хоҳламасди. Шунинг учун у қуруққина қилиб: «Сиз кўз ўнгимда аввалги хатонгизни тўғриладингиз, лекин ҳали ҳурматимни қозонганингиз йўқ!»— деган эди. Буларнинг ҳаммаси хотиралар ва илмий китобларда батафсил ёзилган. Биргина мисол: «...Пойтахтнинг таслим бўлганига доир музокаралар олиб борилган пайтда Оренбург отряди томонида тўп овозлари гумбурлаб қолди. Хивадан чопар келиб, руслар яна жанг бошлаганини билдирди. Маълум бўлишича, Скобелев Шохобод дарвозасидан ёриб кирган экан. Бу ўзбошимчалик туфайли Скобелевни узоқ вақтларгача кечирмай юришди. Ҳатто Верешчагин ҳам Скобелевнинг бу қилмишини қоралаб ёзган эди». (Н. Н. Кнорринг. «Генерал М. Д. Скобелев. Тарихий этюдлар. Париж, 1939, 30-бет).

Қўқон хонлигига қарши юриш генерал Скобелев ҳаётидаги энг қора саҳифаларни ташкил этади. Чоризм манфаати нуқтаи назаридан эса бу кунлар «оқ пошшо»нинг энг зафарли дамлари саналса ажаб эмас. Шунинг учун ҳам 1896 йилда Санкт-Петербургда босилган катта қомусда (17-жилд, 480-бет) «Қўқон хонлигини забт этиш чоғида (1876) унинг (Скобелевнинг — О. А.) юксак ҳарбий салоҳияти юқори даражада номоён бўлди»,— деб ёзилган эди. И. А. Казначевнинг айтиб ўтилган китобида эса генерал М. Д. Скобелев «Хива, Маҳрам, Андижон, Қўқон, Ловчи, Яшил тоғ, Шейнов (кейинги учтаси Булғорияда — О. А.) ҳамда Кўктепа жангларининг қахрамони» сифатида таърифланади. (7-бет). Аммо бу жанглар тарихи билан танишсангиз, тиш-тирноғигача замонавий яроғ-аслаҳа билан қуролланган чор қўшини ҳар доим пилта милтик, қилич ва найза тутган тартибсиз оломон билан олишганини кўрасиз. Жанг натижаси ҳам шунга яраша. Жанговар милтик ва замбараклар олдида қилич билан нима қилиш мумкин? Улар лоақал бирон марта жиддий ҳарбий қаршиликка дуч келишмаган. Шу туфайли Скобелевга ўхшаган зобитларнинг «юксак ҳарбий заковати-ю», мислсиз «жасорати» ҳақидаги уйдирмалар ҳатто ўз даврида ҳам чинакам Оврупоча тавлим олган ва жанг кўрган рус генералларининг энсасини қотириб келган. Айниқса, Булғориядаги рус-турк савашлари чоғида унга хушламай қараган, менсимаган зобитлар кўп бўлган. Буни, баъзан, 34 ёшли навқирон генералнинг муваффақиятларини кўролмаслик, ҳасад деб талқин этганлар. Бўлса бордир. Аммо илғор фикрли зобитлар Туркистондаги ҳарбий ҳаракатлар қай йўсинда кечганини яхши билишар ва Скобелев энгил шон-шухрат қозонганидан батафсил хабардор эдилар. У Булғорияга қўмондон бўлиб келгунча Қўқон хонлигини қонга ботириб улгурган эди. Мақтанчоқ генералнинг ўзи чинакам уруш даҳшатини Булғорияда ҳис қилганини дўстларидан бирига ёзган мактубида очик тан олади: «Бир пуд ёки ундан оғир снарядлар мендан 30 қадам нарида портлар эди. Таассуротлар ниҳоятда оғир, асаблар зўрға дош беради» (Н. Н. Кнорринг. Юқоридаги асар, 77-бет). Бу изҳори дил ҳам бизга кўп нарсаларни ойдинлаштириб беради.

Аслини олганда, Қўқон хонлиги билан Россия орасида жиддий ҳарбий тўқнашув бўлган ҳам эмас. Айёр Кауфман у ердаги ишларни ўта зийраклик билан кузатиб, халқ кўзғолонлари ҳамда Қўқон ва Бухоро ўртасидаги зиддиятлардан усталик билан фойдаланган. Оқибатда рус қўшини бирин-кетин кўҳна шаҳарларни забт эта борган. 1866 йилда Хўжанд, Уратепа, Жиззах қўлга олинади. Тақдир ҳазилини қарангки, Хўжанд ишғол қилингандан кейин Худоёрхон генерал Романовскийга элчи юбориб, уни ғалаба билан табриклайди. Рус зобитлари бу ҳақда истеҳзо билан ёзишган. Сабаби, Хўжанд Бухоро хонлигига эмас, Қўқонга тобе шаҳар эди! Уйга тушган ўғрини ҳайдаб чиқариш ўрнига бошини силаш ҳатто Афандининг ҳам тушига кирмаган бўлса керак. Бу ҳақда И. А. Терентьевнинг «Урта Осиёнинг забт этилиши» асаридан (1-жилд, 327-бет батафсил маълум олишингиз мумкин).

1868 йилда руслар Самарқанд ва Қаттақўрғонни ишғол этишади. Қўқон хонлигидаги фидойи кишилар «Ер юзининг сайқали» бўлган кўҳна шаҳарни қайтариб олиш учун русларга қарши жангга отланишни талаб қиладилар. Ҳазабланган халқ оёққа туради, аммо хон бу ташаббусни маъқулламайди. Аксинча, табрик ёрлиғи билан Ҳакимхон тўрани рус қароргоҳига элчи қилиб юборади. Мазкур элчи, яъни Ҳакимхон кейинчалик ҳақиқий статский советник унвони билан тақдирланади ва Умидов фамилиясини қабул этиб, рус фуқаролигига ўтади. Чор ҳукумати уни жавоҳирлар қадалган 2-даражали Анна нишони билан мукофотлайди, хон эса жавоҳир юлдуз билан зийнатланган 1-даражали Станислав нишонига сазовор бўлади. Бундай илтифотлардан эриб кетган хон

Кауфманга ёзган илк мактубларидан берида (1868 йил, 29 январь) «улуғ рус подшоҳи бизга қўшни давлатларда хон ва халқ ўртасида низо чиқишига йўл қўймаслигига ишончимиз комил» деб ялтоқланган эди. У чор ҳукуматига садоқат рамзи сифатида Қўқонга қочиб келган шахрисабзлик жанговар беклар — Жўрабек ва Бобобекни (оддий меҳмондўстлик анъаналарига зид равишда) тутиб беришдан ҳам ор қилмайди. Холбуки, ўз кучларини такомиллаштириш ва қўшни давлатлардан мадад олиб, чегарани мустақкамлаш лозим эди. Мазкур бекларнинг бой тажрибаси, жанговар табиати унга асқотиши мумкин эди. Бунинг ўрнига хон Россияга бошқа соҳаларда ҳам ёрдам кўрсатиб борган. Бу ҳақда ҳатто рус зобитлари катта ҳайрат билан қалам суришади: «1871 йилда ҳосил битмагани туфайли доннинг баҳоси мисли кўрилмаган даражада кўтарилиб кетди, хон бизга буғдой етказиб бериб турди ва 1871 йилнинг ёзида ва 1872 йил давомида Қўқон чегарасига туташ ерларга жойлашган қўшинларимизни ғалла билан таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олди» (Терентьев, юқоридаги китоб, 329-б.)

Хўш, чор қўшини бундай ғамхўрлик, яхшилик эвазига нима берди? Қулай имконият (тўғрироғи, бундай баҳона кўпдан кутилмоқда эди) туғилиши биланоқ хонликни ларзага солган халқ кўзғолонларини бостириш ниқоби остида Қўқон ҳудудига бостириб кириб борди. Калтабин ҳукмдорлар бу сиёсий найранг эканини, салтанатнинг санокли кунлари қолганини хаёлига ҳам келтиришмаган. Россия эса хонликни босиб олиш учун кўпдан қулай пайт пойлаб келар эди. Ҳарбий вазир Д. А. Милютиннинг «Кундаликлари»да (1-жилд, М., 1947) бу ҳақда бир қатор маълумотлар мавжуд.

Рус империяси учун катта хизматлар қилган бу вазир Туркистонни тўла забт этиш тарафдори (Ташқи ишлар вазири М. А. Горчаков бу ҳаракатларга қарши бўлган) ва ташаббускори эди. У кўпгина давлат сирлари, подшоҳ ҳамда бошқа юқори лавозимдаги амалдорлар билан қилинган суҳбатлар, мамлакатнинг ҳамда аҳоли ҳақидаги мулоҳазалари, кузатувларини батафсил ёзиб борган. Унинг қайд этишича, рус императори Александр II ҳам Шарқдаги ҳарбий юришларни ҳамisha маъқуллаб, рағбатлантириб келган экан. «Кундалик»нинг 1874 йилги саҳифаларида ўқиймиз: «8 август. Жума. Қўқонликлар ўз хонлари (Худоёр)га қарши кўзғолон кўтаргани ҳақида телеграмма олинди, генерал Кауфман отрядни шайламоқда (ҳарбий ҳаракатларнинг бўлиши муқаррарга ўхшайди). 18 август. Душанба. Москва. Эрталаб Москвага кириш арафасида (суҳбат поездда рўй бермоқда — О. А.) мен вагонда анча узун доклад билан мурожаат қилдим ва гап орасида ҳукмдорга Клинда олинган генерал Кауфманнинг телеграммасини ҳам ўқиб бердим. У бизнинг тасарруфимиздаги ерларга бостириб қирган қўқонлик бешошар ҳамма жойда мағлубиятга учрагани ва отрядларимиз уларни Қўқон ҳудудига таъқиб этиб бораётгани ҳақида хабар берганди. Кауфман яна бу таъқиб Қўқон хонлигини забт этиш билан ниҳоясига етади деб қўшиб қўйган ва шунинг учун қўшимча мадад кучлари юборишни сўраган эди. Иш ниҳоятда жиддий — Осиёдаги сиёсатимизда янги чигалликлар юзага келиб, Англиядаги бакироқларга яна худо берадиган кўринади!

Ҳукмдор бу хабарларни аввалдан кутилган, рўй бериши зарур ҳолат сифатида хотиржам тинглади ва (заррача) иккиланмай, Туркистон ўлкасига қўшин жўнатиш учун тайёргарлик кўришга ижозат берди. Қарангки, Қўқон хонлигини империя таркибига киритиш масаласи атиги беш минут ичида, ҳеч қандай муҳокама қилиб ҳам ўтирмай, ҳал этилди-қўйилди» (214—216-бетлар).

Бу муаммо император ҳазратлари доирасида ана шу тарзда ниҳоясига етиб, пишиб бўлган чоғда Худоёрхон ва унинг валиаҳди Насриддинлар, бошқа сарой аъёнлари ва саркардалар ўз айшу ишратлари билан машғул эдилар. Ишончли қўшнимиз исёнчиларнинг адабини бериб қўяди. Уларнинг соясида яна хотиржам ҳукм юритиб, давру даврон сураверамиз деган ишонч ҳоким эди бу калтабин одамларда. Мамлакат сарҳадларини қўриқлаган сарбозларни ҳарб илмига тайёрлаш, янги замонавий қуроллар сотиб олиш ва уларни қўллаш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. Ана шу хотиржамлик жуда қимматга тушди — асрлардан бери озод, эркин яшаб келаётган маъмур ўлка қуллик, тутқунлик усқанжасида қолди. «Ишонмагин дўстингга, сомон тижар пўстингга» деган мақолни унутган халқ ва ҳукмдорнинг насибаси-шу бўлса, не ажаб!

Тарихнинг тақозосини қарангки, Қўқон хони ўз кўни битаётгани сезмай, Россия билан «яқин қўшничилик ва дўстона муносабатлар»-у, савдо алоқаларидан бошқа нарсани ўйламаган, Тошкентнинг забт этилиши, Хива ва Бухоро хонлигидаги инқирозлар ҳам бу мағрур, мақтанчоқ, иззатталаб, калондимоғ амалдорларнинг кўзини мошдек очиб қўймагани ғоят ачинарлидир.

Ўз ваҳший кучларини қўйишга жой тополмасдан шон-шўҳрат орзусида юраги қуйиб юрган М. Д. Скобелевга ўхшаганларнинг кўни туғди. Чор қўшинларининг Қўқон хонлиги ҳудудидаги хатти-ҳаракатлари бугун тарих мулкига айланган. Уларни кузатиб бориш гарчи кўнгилни вайрон этса-да, ғоят хайрлидир. Бу ишнинг бошида бевосита Скобелев тургани учун унинг «тарихий хизмат»лари ва «шавкатли қаҳрамонликлари»ни билиб олсак, ҳадеб афсона тўқишларга ўз-ўзидан чек қўйилади...

Қўқон хонлигига бостириб қирган рус қўшинларининг сони 16 рота, 20 замбарак, 8 ракета усқунаси ва 8 суворий юзлик бўлинмадан иборат бўлган. Скобелев суворийлар

бошлиғи этиб тайинланган. Кичик тўқнашувларни ҳисобга олмаганда, пойтахт йўлидаги биринчи катта жанг Маҳрам қалъасида бўлиб ўтади. Бу қалъада 60.000 атрофида сарбоз бор эди. (Баъзи манбаларда 30.000 ва 50.000 рақами қайд этилади). Қалъа девори пишиқ, мустақкам эканлигига қарамай, у бор-йўғи чорак соатда таслим бўлади. Қочганларни аёвсиз таъкиб қилиб боришган. Яна бир шармандали, нохуш ҳолат: аллақачон рус фуқаролигини қабул қилиб чор зобитига айланган Бобобек ва Жўрабеклар жангда қатнашиб, ўз «маҳорат»ларини намойиш этиб улгурадидлар. «Маҳрамда казакларнинг жанговар ҳужуми пайтида Шаҳрисабзнинг икки собиқ беги Жўрабек ва Бобобек ҳамда қўштутлик собиқ бек Саидбеклар ўзларини кўрсатиш учун кўп жонбозлик қилдилар»,— деб ёзилган эди бу ҳақда «Военный сборник» ойнамасида (1876, 2-сон, 193-бет).

Қалъа замбарак ўқлари остида 10 минутда вайрон бўлади. Жанг қандай ўтгани ва қанча одам нобуд бўлгани ҳақида яхшиси гувоҳлар ва ҳужжатлар тили билан гапирган маъқул.

«Маҳрам атрофида душман (ўзбеклар — О. А.) қанча талафот кўрганини аниқ рақамларда ифодалаш қийин. Тўсиқлар орқасида ва Маҳрам қалъаси ичида 100 дан ортиқ мурда топилиб, дафн этилди. Маҳрам орқасидаги майдонда казакларнинг қилчи билан чапилган 1000 дан ортиқ мурдани отряддаги йигитлар йиғиштириб олишиб, кўмишди; генерал фон Кауфманнинг қўриқчи бўлинмаси дарё ёқалаб қочаётганларни қувиб, 100 кишини қиличдан ўтказди. Тоғдан тушиб келиб отрядлармизга ҳужум қилган чавандозлар ҳам кўп қурбон беришди. Улардан қанчаси ўлиб, қанчаси ярадор бўлгани номаълум. Жуда кўп кўқонликлар Сирдарёга чўкиб кетди. Очиғини айтганда, шафқатсиз қиргин рўй берди, чегарамизни бузишга журъат этиб, ерларимизга бостириб киришгани ва бизга тобе одамларнинг осойишталигини бузгани учун муносиб интиқом олинди». (А. Серебренников, 1875 йилда кўқонликларга қарши ҳарбий ҳаракатлар). (Расмий маълумотлар асосида). «Военный сборник», 1876, 2-сон, 194—195-бетлар).

«Раимхўжанинг ҳикоя қилишича, Маҳрамни олиш чоғида генерал Кауфман ўзини жуда хотиржам тутган. Рус қароргоҳи яқинига ўқлар учиб келиб, тўп ўқлари ёрилиб, бир аскар ва бир йигит ярадор бўлган. Шундан кейингина Кауфман генерал Головачевга қалъани тўпга тутишни буюрган. Икки замбарак қулай маррани эгаллаб, яқин масофадан қалъани яқсон қилишга киришади. Ун минутдан кейин қалъа вайрон бўлди ва рус аскарлари ҳужумга ўтди. Ерлиларнинг жуда кўпи ўлдирилди, қўрқувдан ўзини дарёга ташлаб фарқ бўлганларнинг сон-саноғи йўқ эди. Ҳужум тамом бўлиб ҳаммаёқ тинчигандан кейин ниҳоятда димоғи чоғ Кауфман Раимхўжанинг олдига келиб: «Рус аскарлари қандай урушар экан?»— деб сўради. «Яхши уришдилар, аъло ҳазратлари»,— деб жавоб берди Раимхўжа. Генерал Кауфман бунга жавобан: «Худо хоҳласа, бутун Фарғонани мана шундай жанговар ҳаракатлар билан бўйсундирамиз ва қўшиб оламиз»,— деб айтди». («Константин Петрович фон Кауфман — Туркистон ўлкасининг бунёдкори». Н. Остроумовнинг шахсий хотиралари, 1877—1881 йиллар. Тошкент, 1899, 211-бет).

Скобелевнинг маълумотимасига кўра, жанг майдонидан 2000 салла йиғиб олинган; Верешчагин буни иккига бўлади, аммо «жанг чакки бўлмади» деб қўшиб қўйди». (М. Д. Скобелев. Спб., 1894, 17-бет).

«Биз 39 замбарак, (Дарёга тушиб кетган тўп бу ҳисобга кирмайди), 1500 милтиқ, беҳисоб найза, қилч, чўқмор, 50 дан ортиқ туғ, байроқ, нишонларни ўлжа қилиб олдик. Қалъада ўқ-дори, снарядлар ва қўрғошин ҳамда 1910 пуд ун, 837 пуд гуруч, 320 пуд жўхори сақланаётган катта омборхоналар топилди, 224 та от қўлга олинди.

Кўрган талафотимиз: 6 киши ўлдирилди (1 қароргоҳ зобити, 4 оддий аскар ва бир йигит), 8 киши ярадор (бир қароргоҳ зобити ва 7 қўйи амалдагилар) бўлди. Душман талафотини 1200 киши дейиш мумкин.

149 замбарак ўқи, 29 ракета ва 9.387 патрон ишлатилди.

Жангдан кейин Кауфман Тошкент орқали Олий ҳазрат жаноби олийлари номига ғалаба, қўлга тушган ўлжалар ва қурбонлар сони маълум қилинган телеграмма юборди: «... душман тўла мағлуб этилди; унинг хонлик аҳолисига таъсири ниҳоятда катта бўлди, аммо Маҳрам жангининг оқибатлари ҳақида олдиндан бир нарса дейиш қийин. Хўжандан кутилаётган қўшимча улов келиши билан Қўқон сари ҳаракатни давом эттирмаман. Сизга тобе улуғ император қўшинлари ўз шўхратига муносиб мардона жанг қилди. Вазифа аъло даражада бажарилди» (И. А. Терентьев. «Ўрта Осиёнинг забт этилиши тарихи», 2-жилд, 358-бет).

Бу — биринчи йирлик тўқнашувнинг айрим тафсилотлари. Тиш-тирноғича қуролланган рус армияси ва ибтидоий пилта милтиқ тутган, қилчу найза ушлаган тартибсиз оломон юзма-юз олишган. Қурбонлар сонини кўрганда вужудимиз ларзага тушади. Бу — муносиб рақиблар жанги эмас, расмана шафқатсиз қиргин эди! Скобелев ана шу Маҳрам жангининг «қаҳрамони» деган шармандали номни кўтариб юришдан ор қилмаган. Раҳм-шафқат нималигини билмайдиган қонхўр казакларни жангга бошлаб кирган «оқ генерал» деярли қуролсини оломонни ўн беш чақиримгача қувиб бориб, беармон

кирган. Маддоҳ қасданавислар бу савабда Скобелев бошдан-олиригача қатнашгани-ю, болдиридан яралангани ҳақида офиз кўпиртириб ёзишади.

Мазкур жанг тафсилотлари ҳақида ўйлаганимда мени бошқа нарса қаттиқ қийнайди. Юқорида тилга олинган Раимхўжа шафқатсиз казаклар қиличи билан ўзбекларни нимталаб қонини тўкаётганига, молдек қираётганига қандай қилиб индамай қараб тура олди экан? Бир вақтлар юртнинг фаҳри ва ифтихори бўлиб юрган Жўрабек ва Бобобеклар ўз халқига қарши қилич кўтаришга қандай журъат этди экан? Уларнинг таъмаси, муддоси нима эди? Юрт тақдири, халқнинг ҳаёт-мамоти ҳал этилаётган пайтда ёв сафида туриб, унга мадад бериш, ўз одамларини ўлдириш... «Ўзингдан чиққан ёв ёмон» деб шуни айтишади-да!

Кейинги жанглар ҳам кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даҳшатларга тўла. Уларнинг тафсилоти билан танишганинг сари биридан-бири мудуиш саволлар қаршисида қийналиб кетасан. Оғир ўйлар одамни ўртаб юборади. «Исён»ни бостиришу, «тартиб ва адолат» ўрнатилуш учун ўзга мамлакат ҳудудига кирган бу шафқатсиз тўда нега бегуноҳ халқни бу қадар қонга ботирган? Бундай қаттиқўл, ёвуз сиёсат юргизишу учун унинг бирон-бир маънавий ҳақ-хуқуқи бор эдимиз? Бутун-бутун қишлоқларни ёқиш, ёндириш, култепага айлантириш йўли билан интизом ўрнатиладими?! Ахир бутун бир халқ, бутун бир юрт бошдан-оёқ исёнчига айланмайди-ку! Эътибор берган бўлсангиз, чор қўшини «исёнчи»ларни эмас, аксинча, сўраб-суриштириб ўтирмай, бутун бошли тинч аҳолини қириш билан шуғулланган. Бу ёвузлик эса қуйидан тортиб, энг юқори раҳбарлар ва ҳукмдорлар томонидан рағбатлантириб турилган. Бундай даҳшатли қатли-омни оқлаб бўладими? «Ярим ёввойи осиеликларни» «маданийлаштириш» усули-ю, Россиянинг Шарқдаги ижобий хизматлари деб аташ мумкинми буни?! Замона зўрники бўлгандан кейин додингни кимга айтасан?!

Яна энг аянчлиси, юртни бошқариши, ўз халқини асраб-авайлаши лозим бўлган хонлар ва юқори мансабдаги бошқа амалдорлар, тўралар бу адолатсизликка, ёвузликка чидаб, бемалол томошабин бўлиб қараб ўтиришганига нима дейиш мумкин?! Халқига хиёнат, юртга сотқинлик бундан ортиқ бўладими?! Хўш, бу хоинлик эвазига улар нима олдилар, қандай мартабага эришдилар дейсизми? Қўқон хонлиги йўқ қилинади. Хон, Абдурахмон Офтобачи ва яна ўнлаб мансабдорлар Россиянинг турли вилоятларига ҳар хил баҳоналар билан жўнатиб юборилади. Калтабин ҳукмдорлар ҳам юртдан, ҳам молу давлатидан маҳрум бўлиб, қафасдаги қуш каби тутқунлик ва забунликда умр ўтказишга мажбур бўладилар.

(Шу ўринда беихтиёр бугунги фожиалар ёдимга тушади. Афғонистонга «тинчлик ва осойишталик» олиб кирган совет урдуси ҳам ўз эрки, мустақиллигини ҳимоя қилган фидойиларни «душман» атаб, аёвсиз қирмадими? Ёки 1918 йилдаги Фарғона қисмати-чи? Арман дашноқ тўдалари ва Қизил аскарларнинг дастидан озмунча бегуноҳ одам нобуд бўлди-ми? Буларнинг ҳаммаси шуни кўрсатадики, босқинчи ҳар доим босқинчилигини қилар экан. Ахир «оқ ит, қора ит — барибир ит», деб бежиз айтилмаган-ку! Муқаддас тупроғимизга қурол кўтариб кирганларнинг кирдикорларини оқлаш, айниқса, «маданият олиб келувчилар» сифатида талқин қилиш ана шу йилларда эрк ва мустақиллик йўлида курашган беҳисоб қурбонлар хотирасини камситиш, таҳқирлашдан бошқа нарса эмас!)

Қўқон йўлида юришда давом этамиз.

«Адеркас (чор зобити — О. А.) Қашқар қишлоғида душманнинг от-аравалар билан келаётган тўдаларига дуч келиб қолди. Кўча бутунлай чанг-тўзон билан қопланганди. Казаклар чанг тўдасига қарата милтиқлардан ўқ узиб, сўнг ҳужумга ўтишди. Оқибатда тўрт байроқ, 25 милтиқ, беҳисоб қилич ва найза, бир қанча от ва юк ортилган 10 арава ўлжа олинди. Биз талафот кўрмадик. 40 га яқин душман ўлдирилди» (365-бет).

«Душман (Наманганда — О. А.) Скобелевнинг ҳисобига кўра (басурманлар учун қоғоз ҳам ҳайф!) 3.800 кишини йўқотди. Уч кун ичида бизнинг талафотимиз: қуйи амалдагилардан олти киши ўлди, 29 киши ярадор бўлди, 3 зобит яраланди» (385-бет).

«...Балиқчи шаҳрига ёриб кириб, душман лагери ва кўчини эгалладилар. Тонг отгандан кейин артиллерия кечувдан ўтиб, шаҳарга ўқ ота бошлади, шу заҳоти Скобелев 2-ёндош батальонга қарашли 2-рота ва элликта казак отлиқ ўқчилари билан ҳужумга ўтди, душманнинг чекинишига йўл қўймадики учун бутун отлиқ аскарларни замбараклар билан шаҳарнинг орқа томонига юборди. Жангга кирган бўлинмалар учта истеҳномни мажақлагандан кейин бозорни ишғол қилдилар ва шу ерда тор кўчадан келаётган қипчоқларнинг катта отлиқ оломонига дуч келиб қолдилар... Даҳшатли ур-йиқит ичида мерганларимиз дўлдек ёғдираётган ўққа учган қипчоқлар бор-йўғи 20 қадам нарида тўда-тўда бўлиб йиқилар, кўча юзи уларнинг ўлигига тўлиб кетган эди. Бу даҳшатли жаҳаннамдан бир амаллаб қутулиб чиққанлар нариги ёнбошда пойлаб турган казакларнинг чанғалига тушар эди. Уларни икки чақирим жойгача қувиб бориб, ҳеч қандай раҳм-шафқат қилмай қиличдан ўтказишди.

Биз томондан бир қуйи амалдаги киши ўлиб, 8 та ярадор (шундан учтаси оғир), уч

«Сафарга отланишдан олдин Скобелев атрофни ҳар хил шайкалардан тозалашмоқчи бўлди. Бунинг учун Меллер-Закомельский Чустда, Пичугин Оқжарда, Скобелевнинг ўзи Наманганда ишга киришди. Пичугин 18 ноябрь куни тоғлар орасидаги Ошоба қишлоғида бир гуруҳ шайкага дуч келди ва уни батамом қириб ташлади» (388-бет).

Хўжанд атрофидаги мазкур тоғли Ошоба қишлоғи аҳолисининг жасоратиға махсус тўхталиш зарур. Ана шу қиргин кезларида полковник Пичугин етакчилигидаги аскарлар бир неча қишлоқни ёндириб, кулини кўкка совургандан кейин биринчи марта Ошоба қишлоғида қаттиқ қаршиликка дуч келдилар. Жанг узоқ давом этади. Жангари тоғликлар таслим бўлишни хоҳламайдилар. Навоий бобомиз айтгандек, ҳарбга имкони бор одамнинг ҳаммаси майдонга тушади. Ватан тупроғи дахлсиз, азиз. Уни мурдаларни янчиб, босиб ўтгандан кейингина олиш мумкин. Қишлоқдаги қариялару кампирлар, хотинлар, ҳатто ёш болаларгача қаршилик кўрсатадилар. Қурол йўқ. Милтиқлар олов пуркаб, ажал уруғини сочиб турибди. Ана шу тенгсиз жангга аёллар пичоқ, оташкурак, косов; чоллар паншаха кўтариб тушадилар. Ҳеч ким тирик таслим бўлишни хоҳламайди. Кўчалару уйлар ўз эрки, номуси, орини, азиз хонадонини сақлаб қолиш учун майдонга чиққан қишлоқ аҳлининг мурдаларига тўлиб кетади. Ёв устун чиқади. Ғазабланган қўшин охириги ифлосликдан ҳам қайтмайди. Қишлоқни бутунлай ёндириб, мурдаларни ҳам битта қўймай куйдириб юборади. Бу ҳақда чор зобити А. Серебренников «Кўқонга юриш тарихи» номли асарида батафсил ҳикоя қилган. Агар Туркистондаги ҳар бир қишлоқ, ҳар бир шаҳар муқаддас Ватан тупроғини ҳамда ўз қадр-қимматини ана шу ошобаликлардек ҳимоя қилолганида, юртимизнинг қисмати ҳозиргидек хароб аҳволга тушиб қолмаган бўларди.

Биз ўзбек халқи истилочиларга қарши узоқ йиллар давомида кураш олиб борганини умумий тарзда тасаввур этамизу, аммо жангларда қаҳрамонлик кўрсатган, ёв билан яккама-якка олишган минг-минглаб одамларнинг исми, насл-насаби ҳақида деярли ҳеч нарса билмаймиз. Мақтабда эса поляк босқинчиларини ўрмонда адаштириб ҳалок этган рус деҳқони Иван Сусаниннинг жасорати ҳақида гапирамизу чор қўшинларига қарши кураш қандай кечгани ҳақида лом-мим демаймиз. Бу ҳам ўзига хос адолатсизликдир.

Шу йилларда истилочиларга қарши курашган номаълум қаҳрамонларнинг исми-шарифини тиклаш, хотирасини эъзозлаш бурчимиздир. Ана шундагина фарзандларимиз Ватан қадрини, Мустақиллик маъносини теран англайдиган, лозим бўлса уни ҳимоя қиладиган бўладилар. Шу жиҳатдан тарихчи олимларимиз, зиёлиларимиз, маъмурларимиз ҳеч бўлмаганда Ошоба фожиясини мукамал ўрганиб, мазкур тенгсиз жангда қаҳрамонлик кўрсатган азиз ватандошларимиз хотирасига ёдгорлик тиклашни ўйлаб кўришса, ёмон бўлмасди.

Табиийки, бу қаҳрамонларнинг номини бугун қаердан топамиз деган савол туғилди. Бунинг ҳам иложи бор. Тарихий асарлар (ўзбек муаллифларининг шу даврга доир ўнлаб қўлёзма асарлари мавжуд. Улар деярли ўрганилмаган), рус зобитларининг эсдаликлари, архив ҳужжатлари ҳамда маҳаллий аҳоли орасида сақланиб қолган хотиралар ҳали бизга кўп нарсаларни сўзлаб беради. Шу жумладан, А. Серебренников тилга олинган мақолалар туркумида «шайка» бошлиқлари сифатида бир қанча одамларнинг исмини келтиради. Улар қароқчилар тўдаси эмас, босқинчилик ва зўравонликка қарши дадил курашган ва зулм, истибдод остида ожиз қолиб, мақсадига эриша олмаган асл ватанпарварлар эканини сезиш қийин эмас. Мана, айримларининг исми-шарифлари билан танишиш: Танаберди (тоғли Облик қишлоғидан), қипчоқ Ботирқул (Сарбоқ қишлоғидан), тожик Исмандиёр (Ашт атрофидан), Колтир-Сун (матнда шундай ёзилган. Келтирсин бўлса керак. Ошоболик, Мулла Қўшой (марғузорлик), қирғиз Эшбўта (матнда Иш-Пута ёзилган). Шунингдек, мақола давомида Ботир тўра, Валихон тўра, Ғойиб Эшиқоғаси, Хошимхон тўра, Абулғози, Сувон (Тошкент уездидан қочиб, узоқ вақт чор қўшинларига қарши кураш олиб борган. Кейинчалик қўлга олиниб, отиб ташланган). Буларнинг ҳаммаси ҳурмат билан тилга олишга, эъзозлашга лойиқ фидойи фарзандлардир.

«9 ноябрда, разведка пайтида қишлоқлардан бирида қуролланган бир айғоқчи ушлаб олинди ва у Скобелевнинг буйруғига мувофиқ шу заҳотиёқ осиб ўлдирилди. Кўкрагиға: «Душманга хизмат қилаётган ва қўлида қурол билан рус тупроғига ўтган ҳар бир киши шундай ўлимга маҳкум» деган ёзув илиб қўйилди» (385-бет).

«...Йигитлар от чоптириб қочиб кетаётган бир қирғизни ушлаб олишди. У асли қурамалик бўлиб, Ботир тўранинг хитобномасини тарқатиб юрган экан. Скобелев шу заҳотиёқ бу ватанпарварни осиб ўлдириш ва бўйнига юқоридагидек ёзувни илиб қўйишга буюрди, ҳукм ижро этилди» (386-бет).

Келтирилган биринчи парчадаги «рус тупроғига ўтган» деган ифодаға эътибор беринг. Воқеа ҳозирги Наманган шаҳри яқинидаги Норин атрофида рўй берган. Бу жойлар, умуман, бутун Туркистон ҳеч қачон Россия ҳудудига кирган эмас. Босқинчи генерал учун босиб олинган ерларнинг ҳаммаси «рус тупроғи» ҳисобланади. Худди бу тупроқни у жомадонга солиб, орқалаб кўтариб келгандек бемалол гапирди. Мана шу

лавахдини ўзиёқ генерал Скобелев қилганини, унинг ҳақиқий маънавий қиёфаси қандайлигини яхши очиб берадики, бундай фош этувчи далил-исботни ҳатто қасддан ўйлаб топиш ҳам мушкул.

«Скобелев йўлда келар экан, санасини кўрсатмай, Колпаковскийга телеграмма жўнатди, у 7 февралда эгасига келиб тегди. Унда Андижонда ҳамма нарса жойида эканлиги, аниқ маълумотларга қараганда, шаҳар тўпга тутилган пайтда харобалар орасида 20.000 киши ҳалок бўлганлиги айтилган эди» (407-бет). Барча кўчирмалар И. А. Терентьевнинг юқорида тилга олинган китобидан олинди.

«Император ҳазрати олийлари кўқонликларга қарши муваффақият билан жанг қилаётган кўшинларимиздан бағоят мамнун эканлигини, бу гал улар юксак ишончни оқлаганлигини билдирди ва кўқонликларни намунали тарзда жазолашни давом эттириш лозимлигини таъкидлади».

«Тўрақўрғонликлар ҳам бизга қарши курашганига ишонч ҳосил қилган Скобелев уларни жазолашга қарор қилди ва қишлоққа ҳар томондан ўт қўйиб юборишни буюрди».

«Балиқчи қишлоғининг дарёга туташ қисми ер юзидан бутунлай супуриб ташланди».

«Асосий вазифа исёнда қатнашганларни жазолаш бўлгани учун полковник Фриде отрядни олға бошлаб кетар экан, орқада қолган казакларга кўзғолончи қипчоқларга қарашли тўртта кўрғончани ёқиб юборишни буюрди».

«Бу тўралоқ (Хўжабод қишлоғи — О. А.) аҳолиси бизга қарши курашди, улардан 50 га яқин одам ўлди, биз томондан фақат бир казак яраланди. Мазкур қишлоқни ҳамда бошқаларини ёндириб, йўл-йўлакай жуда кўп қорамол подасини ўлжа қилиб, полковник барон Меллер-Закомельский отряди Чўжа қишлоғидаги қароргоҳига қайтди».

«Бойтуқ қишлоғи аҳолиси отряд қаршисига қўл қовуштираг садоқат изҳор қилиб чиқди. Аммо бу қишлоқнинг Икки сув ораси атрофидагиларга таъбирга кучли эди. Шунинг учун у ем-хашак йиғишга борган полковник барон Меллер-Закомельский бошчилигидаги отряд томонидан ёндириб юборилди».

Яна бир парчага этиборингизни тортаман: «Андижонликлар қаттиқ қаршилиқ кўрсатдилар: улар ҳар бир тўсиқдан фойдаланар эдилар, томлар устидан туриб ўқ отишар, кўчалар, ҳовлилар, уйлар, мачитлар ичида юзма-юз олишардилар. Уларнинг қаршилиқ кўрсатишлари олдинда ҳужум қилиб бораётганларни ғазаблантирар, тобора жунбушга келтирарди. Бозор майдонида Скобелев колоннаси йирик харилардан қилган тўсиққа дуч келиб қолди. Замбаракларимиз олдинга ўтказилди ва бир неча ўқ узилгандан кейин душман тумтарақай бўлиб кетди. Туркистонликлар бешта истеҳкомдан ташқари, мустақкам кўрғончага айланган уйларни ҳам жанг билан қўлга киритдилар. Ниҳоят, ҳар учала колонна ўрдага етиб келди ва саройни исёнчилардан тозалади. Қисқа муддатли ҳордиқдан сўнг манзилгоҳга қайтилди, дарвоқе, йўл ёқасидаги иморатларнинг ҳаммасига ўт қўйиб борилди. Олд қисмлар қаерда кетаётганини ёнғинга қараб билиб олиш мумкин эди. Отишмалар ҳали тинмаган, андижонликларнинг ҳарбий урони — «Ур!», «Ур!» садолари эшитилиб турарди. Андижонни бутунлай вайрон қилиш учун генерал Троицкий \* Скобелевга олтита замбарак бериб, шаҳарни тўпга тутишга, бозор ва ёнғин бўлаётган томонларни нишонга олишга буйруқ берди». (М. Д. Скобелев хотираси, Тошкент, 1907, 15-бет).

Мана бу кўчирма ҳам диққатга сазовор: «Жанг қилишга қодир оломон яна бириқиб қолмасин деб кўп сонли аҳоли яшайдиган шаҳарни батамом қириб юбориш мақсадида генерал Скобелев артиллерия бошлиғи подполковник Обромпольскийга шаҳарни тўпга тутишни буюрди. Тушдан кейин соат 3 ларда бошланган ва барча замбараклар ишга солинган артиллерия отишмаси тонгга қадар давом этди. Асосий зарба бозорга, ҳар икки ўрдага ҳамда Шаҳрихонсой ва Асака йўли томонга қаратилган эди». («Военный сборник» ойнومаси).

Булар Скобелев ўтган йўллардаги айрим манзаралар, холос.

Полковник Пичугин ва полковник барон Меллер-Закомельскийлар бошчилигидаги икки отряд ҳам тоғ қишлоқларини бирма-бир янчиб, ўт қўйиб, ёндириб боришган. Бу қонли воқеалар А. Серебренниковнинг «Военный сборник» ойнумасида босилган «Кўқон жанги тарихи» номили туркум мақолаларида батафсил ёритилган. Афсуски, ҳозир уларни бирма-бир келтиришга имкон йўқ.

Саналган мисолларнинг ўзиёқ рус кўшини ва айниқса, генерал Скобелев Фарғона водийсига қанчалик «маданият» олиб борганини очиқ кўрсатади. «Отангни ўлдирганга онангни бер» деганларидек, бир вақтлар ўлкамизда бу босқинчи зобит номига шаҳарлар қўйиб, унга ҳайкаллар тикланганига нима дейсиз? Бу ҳайкаллар аллақачон бузиб ташланган. Бироқ шу билан адолат тикланиб қоладими? Қўқон хонлиги йўқ бўлган кун — Туркистон халқларининг озодлиги, эркинлиги тугатилиши ва истибдод тунининг бошланиши ҳисобланади. (Бухоро ва Хива хонликлари ярим мустақлақ ҳолида сақлаб қолинган.). Шундай экан, **бу аччиқ сана — 19 февраль Ўзбекистонда Миллий мотам кун**и сифатида нишонланиши зарур. Юрт мустақиллиги йўлида ўз азиз жонларини

\* Бу чор зобити бошқаларидан «омадироқ» чиқди. Унинг номига қўйилган кўча «Троицкий шоссеси» ва Чирчиқ шаҳри ёнидаги Троицкий шаҳарчаси шу кунгача «эсон-омон» яшаб келмоқда.

қурбон қилиб, шаҳид кетган беҳисоб қурбонлари эслаш, ҳар йили уларнинг хотирасини бир қарра ёдлаб, эъозлаш бугунги озод Ўзбекистон учун қутлуғ анъанага айланиши зарур.

Кўкон хонлиги босиб олинган, янгидан тузилган Фарғона вилоятига Скобелев губернатор қилиб тайинланади. Орадан кўп ўтмай уни бошқа вазифага — Булғорияда туркларга қарши курашаётган чор қўшинлари қўмондонлигига ўтказишади. Унинг Болқондаги фаолияти тадқиқотимиз мавзусига кирмагани учун бу ҳақда тўхталмаймиз ва ўқувчидан узр сўраб, бир неча йил кейинга — 1881 йилдаги Туркمانистон воқеалари баёнига ўтамыз.

Саҳройи туркман қабилаларини рус тобелигига ўтказиш осонлик билан кечган эмас. Бу ўлкада ҳам дарё-дарё одам қони оқизилган. Генерал Скобелевнинг Туркистондаги қора қилмишларидан бири Ахалтака қумликлари бағрига қон ва кўз ёшлари бўлиб сингиб кетгани, уларни ҳеч қачон ўчириб ҳам, унутиб ҳам бўлмайди.

Инқилобдан олдинги рус муаррихлари Скобелевнинг ана шу мудҳиш сафарини мадҳ этувчи жилд-жилд китоблар битганини айтган эдик. Улардаги пўчоқдан иборат бўлган «қасида» қисмини тушириб қолдириб, ҳақиқат мағзини ажратиб олсак, кўз ўнгимизда даҳшатли генералнинг чинакам афт-башараси беками-кўст гавдаланади. Бунинг учун рассом бўлиб, қилқалам ушлашимиз шарт эмас.

Дарвоқе, расм. «Скобелев хотирасига» китобининг 22-бетида номаълум рассонинг (балки В. В. Верешчагиндир) «1881 йил 12 январда Кўктепага ҳужум» деб номланган сурати илова қилинган. Орқа фонда ўтов, қум тепаликлар тасвири. Қилич яланғочлаган дарғазаб рус отлиқ казаклари ва найзали милтигини ўқталган пиёдалар ҳужумга ўтган. Ҳаммаёқ остин-устун. Тала-тўп. Бир қанча туркманлар ер тишлаб ўлиб ётипти. Қўлида ёғоч паншаха ушлаган оқсоқол туркман отлиқлар олдида қочиб кетаяпти. Юзида даҳшат қотиб қолган. Куни битганини ўзи сезиб турибди. Чап томонда ўликлар орасида чақалоқ кўтарган туркман аёл югуриб келмоқда. Унинг ҳам, чириллаб йиғлаётган чақалоқнинг ҳам кўзлари қинидан чиқиб кетай деб турибди... Бу расм фақат уруш даҳшатини жонлантирибгина қолмайди. Унинг мазмуни ниҳоятда теран. У чор мустабилларини фош этади.

Машҳур шарқшунос В. В. Бартольд «Кўктепа» («Геог-тепе») номли мақоласида шундай ёзади: «Рус қўшини 8000 кишидан иборат бўлиб, 70 дан ортиқ замбаракка эга эди. Йигирма кунлик қамалдан сўнг 1881 йилнинг 12 (24) январиди (Тасодифни қарангки, мен шу сатрларни қозғога тушираётган пайт 12 январга тўғри келди. Қаттиқ таъсирландим — О. А.) Кўктепа қалъаси штурм билан ишғол қилинди; сўнг талон-тарож қилиш учун аскарлар ихтиёрига тўрт кунгача ташлаб қўйилди. Қалъани қамал қилиш ва забт этиш чоғида 6000—8000 киши ҳалок бўлди. Урта Осиёдаги бошқа жангларга қиёсласак, руслар катта қурбонлар эвазига ғалаба қозонганини кўрамиз, улар ўлган ва ярадорларни бирга ҳисоблаганда 1000 дан ортиқ одамани йўқотди. Бундан ташқари, Кўктепа жангида Туркистонда биринчи марта русларнинг байроғи ва замбараги ўлжа олинганди» (Асарлар, 3-жилд, 399-бет).

Туркистон тарихи бўйича ўнлаб ҳолис тадқиқотлар яратган муаллиф бу ўринда ҳам тарих ҳақиқатиغا содиқ қолади. Рўй берган воқеаларни лўнда қилиб айтади, андавалаб, суваб ўтиришни ўзига эп кўрмайди. Сабаби, у чинакам олим эди. Бир кун эмас, бир куни келажак билан юзма-юз келишини, ўз ёзганлари шафқатсиз вақт ва авлодлар синовидан ўтишини, адолат тарозиси ҳамиша ҳақиқат учун хизмат этишини қалбдан ҳис қиларди. Шу туйғайли у рост сўзлашдан қочган эмас. Афсуски, бундай олимлар ҳозир ҳам ниҳоятда кам учрайди.

Ахалтакадаги уруш қатнашчиларидан бири бўлган чор зобити К. Гейнснинг (у Бухоро хонлигига қарши жангларда ҳам ўзини кўрсатган. Бу ҳақда рассом В. В. Верешчагиннинг «1868 йилда Самарқанд» хотираларида ёзилган) мақоласида Кўктепа жанги манзаралари анча батафсил ёритилади: «Қирғин бошланди... чарчаш нималигини билмайдиган драгунлар биринчи узун ҳовлини туркманлар қонига фарқ қилдилар. Олишув узоқ чўзилмади, душман жасураона курашса-да, охири дош беролмади: қарама-қарши томонга, баланд девор ёқалаб Ички қалъага қараб чекинди, аммо фурсат бой берилганди. Отрядимизда мардлиги билан ном чиқарган князь Голициннинг казаклари ва поручик Нахичеванскийнинг I-эскадрони драгунлари жарликдан чиқиб, уларнинг йўлини тўсдилар. Чорасиз аҳволда қолганларини сезган така-туркманлар қўлларидидаги ятағонларини ўйнатиб... рақибга ташландилар. Аммо девор орқасидан деярли ёнма-ён туриб отилаётган милтиқ ўқига учиб, кетма-кет қулай бошладилар. Қалъа билан паҳса девор ораси мурдага тўлиб кетди». (Ахалтака отрядининг жанговар ҳаёти лавҳалари, «Военный сборник» ойномаси, 1882, 6-сон, 27-бет).

Кўрамизки, туркманлар ўз мустақиллиги, эрки учун қаттиқ курашганлар. Аммо «осмон йироқ, ер қаттиқ» деганларидек, кучлар, қуроллар нисбати тенгсиз эди. Қилич (ятағон) кўтарган довурак така-туркманлар рўс қўшинига тайёр «гўшт» бўлган. Тарихнинг бу шафқатсиз ҳақиқатини бўямасдан очиқ-гапиравериш керак.

Энди генерал Скобелевнинг яқин хешларидан бўлган Адам Жульетта Ламбер қаламига мансуб «Генерал Скобелев» (СПб., 1886) китобидан ҳам айрим парчаларни

уқийлик: «Жаноб Марвин билан суҳбат чоғида генерал Скобелев Марказий Осиёда бўйсундириш ҳақида ўз қарашларини очиқдан-очиқ қуйидагича ифодалади:

— Гап шундай, жаноб Марвин, фақат буларни газетангизда босиб чиқара кўрманг. Жаҳон лигаси назарида ғирт ёввойига айланиб қолишни истамайман. Менинг ақидам шундай: Осиёда осойишталик ўрнатиш масаласи тўғридан-тўғри одамларнинг қанча кўп қирилишига боғлиқ. Зарба қанчалик кучли бўлса, душман шунчалик тез бўйсунди. Биз Кўктепада 20.000 туркманни ўлдирдик. Тирик қолганлар бу сабоқни бир умр унутмайдиган бўлади.

— Умид қиламанки, бу ақидаларингизни босиб чиқаришимга руҳсат берасиз. Расмий ахборотингизда Сиз ҳужум ва таъқиб пайтида ҳар икки жинсга мансуб 8.000 душман ўлдирилди, деб ёзгансиз. Шу тўғрими?

— Тўппа-тўғри. Уларни санашганда роппа-роса 8.000 одам чиқди.

— Бу маълумот Англияда жуда кўп шов-шувга сабаб бўлди, сабаби, Сизнинг аскарларингиз эркаклар билан бир қаторда аёлларни ҳам ўлдиришган экан.

Бу хусусда шуни айтишим лозимки, Скобелев мен билан суҳбат чоғида «Кўплаб аёллар ўлдирилди. Аскарлар дуч келган одамни қилич билан чолиб ташлайверишди», деб тан олган эди. Скобелев ўз дивизиясига аёллар ва болаларга тегилмасин деб буюрган эди, унинг олдида уларни ўлдиришмади. Аммо бошқа дивизиядагилар ҳеч кимга шафқат қилишмади: аскарлар худди машинадек ишлаб халойиқни роса қилич билан бурдалашди. Капитан Маслов буни очиқчасига эътироф этади. У «Ахалтаканинг бўйсундирилиши» номли асаридида ҳужум бўладиган куни — эрта тонгда ҳеч кимни асир олмаслик ҳақида буйруқ бўлган эди, деб гувоҳлик беради.

— Бу ҳам мутлақ тўғри, — деди Скобелев, — ўлганлар орасида кўплаб аёллар бор эди. Ёлғон гапириш табиатимга тўғри келмайди. Шунинг учун ахборотимда ҳар икки жинсга мансуб деб очиқ ёзганман» (16—17-бетлар).

Капитан А. Маслов рус аскарларининг ёвузликларини «деталлаштириб» кўрсатади. Улар қаршилик кўрсатаётган ёки жонини асраш учун қочиб кетаётганларнинг қовурғасига, қорнига найза санчишар, тиккасига отишар ё бошига кўндоқ билан туширишар экан. Ҳатто кўпчилигининг кўндоғи ёрилиб кетган эди...

Скобелев даҳшатли қирғин бўлишини олдиндан яхши билган ва бунга пухта тайёргарлик кўрганди. Юришга отланар экан, у бош кўмондонлик олдида: «Биронта журналист сафарда қатнашмаслиги шарт», — деган талабни қатъий қўяди ва бунга тўла эришади.

Скобелевни «жаллод», «қонхўр», «каллакесар» деб атасак, айрим рус дўстларимизга малол келиши табиий. Аммо юқоридаги парчани ўқигандан кейин унга ва умуман босқинчи рус қўшинига қандай баҳо бериш мумкин?

Кўктепа қирғини манзараси янада аниқ бўлиши учун рус зобитлари асарларидан ҳам бир-икки парча келтирамиз. А. Н. Куропаткин ёзади: «Қалъа ичига қараш даҳшатли эди. Беҳисоб ўликлар бир неча кундан бери уйилиб ётарди. Баъзи кулбалар мурдага тўлиб кетганди».

Туркман халқини «ер юзидаги қора доғ» деб ҳисоблаган калондимоғ зобит Н. И. Гродеков қўшимча қилади: «Душман қамал пайтида милтик ва замбарак ўқларидан қай даражада даҳшатли талафот кўрганини қалъани эгаллаганимиздан кейин билдик. Қалъа ичига баъзи уйларда ҳатто ўн бештагача ўлик бор эди...» (Кўчирмалар туркман академиги М. А. Аннанафасов мақоласидан олинди. Бу ҳақда алоҳида тўхталамиз.)

Жанг арафасида Скобелев: «Тўкилган ҳар томчи рус қони учун душман қонини дарёдек оқизаман», — деб мактанган экан. Бугун биз, ошкораликка ўрганаётган авлод жаноб генерални саволга тутишга ҳақлимиз. «Хўш, муҳтарам «оқ пошшо», «шавкатли қаҳрамон», Туркистонга сизни ким таклиф этди? Биронта ўзбек, қозоқ, қирғиз ёки туркман сизнинг юртингизга қилич кўтариб бостириб кирдимиз? Қишлоқларингизни талаб, уйларингизни ёндириб, одамларингизни қирпичоқ қилдимиз? Нега бунча жазавага тушасиз? Нега аскарларингиз бу қадар одам ўлдиришда ким ўзарга пойга қилишади? Нега уларни каллакесарлиги учун рағбатлантирасиз? Виждонингиз азобланмайдими?» Бу даҳшатли саволлар бизнинг юрагимизни ўртади, холос. Генерал ва унинг бугунги маддоҳлари учун эса улар бир тийинга қиммат. У Кўктепада ўз вақтида жон бераётган мулланинг «8000 бегуноҳ одамни ўлдирганинг учун виждон азобида қолмайсанми?!» — деб берган саволига юзсизлик билан: «Йўқ! 80.000 бўлмаганига ачинаман!» — деб жавоб берган эди.

Азиз ўқувчи! Мен бугун тарих мулкига айланган ноёб асарлардан эринмай парчалар келтирдим. Улар чўзилган бўлса, узр сўрайман. Мақсадим холис бўлиш, ҳақиқатни тўғри англашингиз учун кўмаклашиш. Чамамда анча нарса ойдинлашди. Скобелевнинг сурати билан бир қадар танишдик. Энди унинг сийратига ҳам разм солайлик. Шундагина биз чизаётган «портрет» мукамал бўлади. Бу борада бизга генералнинг ўз сўзлари ёрдам беради. Унинг дил эътирофлари, иқрорларида ҳам ўта ёвузлик ҳукмронки, ўқиганда беихтиёр юрагинингиз орқага тортиб кетади.

«Очиғини айтсам, — дейди у Адам Жульеттага, — урушни яхши кўраман. Ҳар бир миллат ўз ҳудудини табиий чегараларгача кенгайтириш ҳуқуқига эга ва бу қонунийдир.



Биз славянлар, албатта Босфор ва Дарданелли эгаллашимиз зарур, акс ҳолда ҳар қандай «тарихий аҳамиятимизни» йўқотамиз. Агар қўлимиз бу бўғозларга етмаса, ерларимиз қанчалик чексизлигига қарамай, биз ҳалок бўламиз».

«...Мен буни кўриб, ҳис қилиб турибман, башорат қилиб айтаманки, славянлар бир куни Германияни ейди».

«Немисларга асло тоқат қила олмайман».

«Буйруқ бўлса, худди така-туркманларни қандай ўлдирган бўлсам, рязанлик мужикларни ҳам шундай хотиржамлик билан отиб ташлайверамаман».

«Рус босқини тошқин дарёдек оқиб, қутуриб, ҳамма ёқни топтаб бормоқда. Асрий салтанатлар емирилмоқда: бир томонда Эрон, бир томонда Туркия қалтираб турибди. Бу қудратли босқинни тўхтата оладиган мўъжизавий бир куч оламда бормикин?»

Кароматгўй генерал адашди. Унинг «орзулари» амалга ошмади. Туркия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистонни босиб олишга чор Россиясининг «қудратли» кучи етмади. Аксинча, унинг ифлос кирдикорлари жаҳон афкор оммаси орасида шарманда бўлди. Қилич ва замбарак билан ўрнатилган ёвузлик империяси чок-чокидан сўкилиб кетди. Славянлар Германияни ҳам «еб» қўя олмади. Бугунги кунда ҳатто немис кухаркалари ҳам қудратли Россиянинг ворисларига — Москва қашшоқларига хайру садақа улашмоқдалар. Ҳар бир нарсанинг ибтидоси ва интиҳоси бор...

У чинакам ёвуз одам эди. Шовинист эди. Босқинчи эди.

Уни улуғлаш ҳам, камситиш ҳам керак эмас, ўз номи билан аташ кифоя.

Бир вақтлар генерал Духовский Мадали эшон исёнида қатнашган фидойиларга қараб: «Сизларнинг юзингиз шунчалик қора бўлдики, уни ҳеч қачон ювиб кетказ олмайсизлар!» — деб таъна қилган эди. Чархи кажрафтор экан-да! Бу аччиқ сўзлар Скобелев сиймосига айнан мос келади. У Туркистон заминида асрлар оша юзи қора бўлиб қолаверади.

Шунинг учун ҳам уни бир вақтлар кўкларга кўтариб олқишлаган Д. А. Милютин қариб-қартайган вақтида — 1911 йилда М. Д. Скобелевга ҳайкал қўйилишини қаттиқ қоралаган ва уни Суворов, Кутузов сингари саркардаларга асло тенглаштириб бўлмайди, деб хитоб қилган эди. (Д. А. Милютин. «Кундаликлар», 68-бет). Афсуски, бу фикрлар этиборсиз қолиб кетди.

### ОИНИ ЭТАК БИЛАН ЕПИБ БУЛМАЙДИ!

Турғунлик даври орқада қолди. Уларга ҳадеб тош отаверганимиздан фойда йўқ. Бунинг ўрнига чинакам тарих ҳақиқатини гавдалантирган ҳаққоний асарлар яратиш йўлидан борганимиз маъқул. Ўтмишдаги хатоларни энди ким такрорлайди? Ҳақиқатни ёзамиз, рост гапни айтамыз десак, бугун ким қўлимиздан ушлайди? Ахир ошкоралик, ҳур фикрлик замони келди-ку! Ана шу ширич тасаввурлар оғушида Москвадан олиб келинган ҳужжатларни таржима қилиш режасини пишитиб юрганимда қўлимга яна бир қалингина китоб тушиб қолди. У 1990 йилда Москвада «Патриот» нашриётида босилган. Номи... «Скобелев» деб аталади. Муаллифи — Борис Акимович Костин. Шоша-пиша варақлайман. Зора бу ёзувчи ўтмиш саҳифаларини тўғри баён қилган, асл ҳақиқатни ёзган бўлса деб. Аммо илк сатрлардаёқ бошим тошга теккандек кўзларимдан учқун чиқиб кетди. Ички варақдаги илк сўзларни ўқиганимдаёқ ҳафсалам пир бўлди. Мана нашриёт томонидан ёзилган маълумотнома: «Чинакам фактлар ва ҳужжатларга асосланган мазкур китобда машҳур рус саркардаси — генерал М. Д. Скобелевнинг ҳаёт йўли ва ҳарбий фаолияти ҳикоя қилинади. Ҳарбий санъатни пухта билиши, аскарларга доимий ғамхўрлик ва ғолибона жанг саҳифалари Россияда ҳамда чет элларда унга катта шухрат келтирган эди». Масала равшан. Бу китоб ҳам эски кўшиқни такрорлайди, эски афсонани давом эттиради. Бизга малол келадиган фалати нуқта шундаки, расмий Москва шунча гап-сўзлардан кейин ҳам лоақал заррача фикрини ўзгартирмади. Қоғозда халқлар дўстлиги, интернационализм, қардошлик ҳақида лоф уриб ёзилса-да, амалда ҳамма нарса «улуғ рус халқи» манфаатларини тарғиб қилишга бўйсундирилди. Биргина мисол. Туркистон халқлари, жумладан ўзбекларнинг маданий тарихи кўп минг йилликлар бағридан бошланади. Янги эрадан аввалги хунлар, юзжилар, усунлар, Хоразм, Парфия, Кангюй (Қанг), Кушон, Бақтрия, Эфталит, Қадимги турк давлатларини эслаш кифоя. Улар ўзига хос бойликлар яратганлар, Хитой, Ҳиндистон, Яқин Шарқ, Кавказ, Юнонистондаги қадимги халқлар билан савдо-сотиқ ва бошқа маданий алоқалар ўрнатганлар. Бу даврларга оид кўпгина осори-атиқалар, кўҳна, улуғвор иншоотлар сақланиб қолган. Шунга қарамай, мактабда «СССР тарихи» фани «Киев Руси» давлатини ўрганишдан бошланади. Гўёки ундан олдин собиқ СССР худудида Киев Русидан бошқа улкан салтанатлар бўлмагандек. Бу сохта тасаввур мурғакликдан бошлаб бола миясига қуйилади. Шу мисолнинг ўзиёқ бошқа кўҳна маданиятга эга бўлган халқларни камситиш, менсимаслик, руслар тарихини эса кўр-кўрона улуғлаш ҳукмрон мафкура зўравонлик сиёсати юргизганини («Чидасанг шу, чидамасанг қўлингдан келганини қилавер») кўрсатади. Ана шу ақидага кўра Қозон хонлигини зўрлик билан босиб олган ва минглаб беғуноҳ татар мусулмонларнинг қонини тўккан Иван Грозний босқинчи сифатида қора-

ланмади. Тўғри, унинг сийсатдаги золимлиги, қонўрлиги айтилди, ammo ўзга юртларга тажовузи адолатсизлик, босқинчилик эканлигига деярли аҳамият берилмади. Еки Пётр I фаолиятини эсланг. Унинг Болтиқ денгизи, Қора денгиз ҳудудларига чиқиш учун олиб борган курашлари (аслида бошқа халқларга қарашли ерларни куч, зўравонлик билан босиб олиниши) русларнинг қонуний, табиий ҳаракати сифатида улуғланди. Айни замонда Туркистон заминидан чиққан Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари буюк зотлар фақат босқинчи, золим ҳукмдорлар сифатида қораланди. Уларнинг марказлашган давлат тузгани, иқтисодий ислохотлар ўтказиб, савдо-сотиқни, халқаро маданий алоқаларни ривожлантиргани, адолатли қонунлар чиқаргани каби ўнлаб ижобий хизматлари эса шунчаки тилга олинди, холос.

Бир халқнинг юксалиши ёки жаҳон кенгликларига чиқиши ҳеч қачон бошқа халқлар, хусусан, майда, заиф миллатларни эзиш, қириш, уларнинг қонуний манфаатларини йўқ қилиш, арбобларини қасддан камситиш ҳисобига бўлмаслиги керак. «Дунёдаги энг одил, энг халқчил», «тенглик, тотувлик, дўстлик» асосига қурилган «буюк тузум» мафкурачилари эса бу оддий ҳақиқат билан ҳисоблашиб ўтирмадилар. Фақат Россия манфаатлари учун хизмат қилган, бошқа халқларни кишанга солиб, бўйнига зулм бўйинтуруғини илган тарихий шахсларни фақат «қаҳрамон», «улуғ», фидойи ватанпарварлар деб бир томонлама кўкка кўтариш, уларнинг ёвуз кирдикорларини хаспўшлаб ўтиш мазлум миллатлар қалбида табиий норозилик, нафрат, қаҳр-ғазаб туйғуларини уйғотади. Иван Грозний, Петр I, Ермолов, Кауфман, Скобелев, Головачев ва бошқалар чор Россияси ва фақат Россия учун хизмат қилганини, уларнинг фаолияти, босган ҳар бир қадами бошқа мустақил қўшни мамлакатлар учун қуллик, тутқунлик, зулм ва даҳшат элганини асло унутиш мумкин эмас.

Ўзбекистонда Скобелев ҳақидаги мунозара 1990 йилда бўлиб ўтди. Костиннинг китоби эса анча олдин ёзилиб, нашрга топширилган, муаллиф бу баҳсни хаёлига ҳам келтирмаган-ку, деб таъна қилишингиз мумкин. Ammo бу ҳолат ҳам ёзувчини оқлай олмайди. Сабаби, қўлга қалам олишга журъат этган киши ҳар қандай ёлғондан ҳазар қилиши, самимий бўлиши лозим. Афсуски, мазкур китобда бунинг тескарисини кўрамайди.

Скобелевнинг Туркистондаги илк «жасорати» Хивани забт этиш чоғида намоен бўлгани бизга маълум. Хўш, бу ҳақда Б. Костин «ҳужжатлар ва фактлар» асосида нималарни ёзди экан? «Хиваликлар руслар устига дўлдек ўк ёғдирдилар,— деб ёзади муаллиф.— Тўп ўқлари ёрилиб, қумларни улкан фонтандек осмонга отарди. Ammo рус батареялари аниқ нишонга уриб, рақиб замбараклари унини ўчирди. Шохобод дарвозаси кўпориладан кейин ичкарига биринчи бўлиб Скобелев ёрди ўтди. Унинг изидан икки рота илғор жангчилар қалъага кирди ва қисқа муддатли олишувдан кейин девор ва минораларни эгаллади. Шундан кейин Скобелев ўз отряди билан кўча-кўйда аёвсиз жанг қилиб, хон саройигача бостириб борди. 1873 йил 29 май куни Хива таслим бўлди» (24-бет).

Ёзувчи ҳатто чор зобитларидан ҳам тубанда туради. Чунки улар Скобелевнинг Хива остонасидаги шуҳратпарастлик, такаббурлик ва ёвузликдан иборат қилмишини қаттиқ қоралаб, бу шармандали ҳодиса ҳақида рўйи-рост гапирганлар. Рассом В. В. Верешчагин ўз дўсти кўрсатган бу кераксиз «жасорат»ни танқид қилгани бизга маълум.

Дарвоқе, Верешчагин сиймоси ҳам ўта мураккаб. У Туркистондаги қора юришларнинг деярли ҳаммасида қатнашган ва рус босқини манзаралари ҳамда оқибатларини кўпдан-кўп бадий полотноларида тасвирлаб берган эди. Бундан ташқари у бир қанча адабий асарлар, хотираларини ҳам эълон қилган. Муҳими шундаки, рассом ўзи кўрган воқеаларни ва ёвузликларни яширмасдан очиқ ёзган. Бу жиҳатдан айниқса унинг «1868 йилда Самарқанд» номли хотиралари диққатга сазовор. (Мазкур асар «Шарқ юлдузи» ойнамаси, 1991 йил, 4-сон и орқали ўзбек ўкувчисига етказилди. Шунингдек, рассом хотираларини «Звезда Востока» ойнамасида (1991 йил, 11-сон) ҳам эълон қилишга муваффақ бўлди. Унда Верешчагин Самарқанд шаҳрида маълум муддат қамалда қолган оз сонли рус қўшини ўз она юртини босқинчи ёвдан озод этиш учун Шаҳрисабз ва Китобдан келган ўзбек ватанпарварларини қанчалик қирганини мароқланиб тасвирлайди. Бу мухорабада шахсан қатнашган рассом икки ўзбекни «профессорларча» отиб ўлдирганини, полковник Назаров тинч аҳоли яшайдиган уйларни, кўҳна масжид ва мадрасаларни аёвсиз ёндирганини, гуноҳсиз одамлар беҳуда қириб юборилганини батафсил ёзишдан тортинмайди. Реалист ижодкорнинг бу фазилатига ҳам тан бериш керак. У ўз «тарихий хизматлари»ни тириклик чоғидаёқ ҳалол баҳолаб қўйган. Афсуски, совет даврида рассом ижоди ҳақида ёзилган китобларда бу масала ҳам фақат бир ёқлама ёритилади, рус чоризми манфаатлари учун қанчалик ўлиб-тирилиб ҳаракат қилганлиги эса доим четлаб ўтилади. Мисоллар келтираман. 1990 йилда Москвадаги «Советская Россия» нашриёти В. В. Верешчагиннинг «Повестлар, очерклар, хотиралар» китобини 100.000 нусхада босиб чиқарди. Ҳажми 31.71 табоқ. Ҳавас қилса арзийдиган мўътабар нашр. (Тўплаб нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифлари В. А. Кошелев ҳамда А. Чернояр.) Бу китоб ҳақида ёш ўзбек журналисти Ж. Юсупов «Халқ сўзи» рўзномасида босилган (1992 йил, 14 январь) «Верешчагиннинг икки қиёфаси» номли

мақоласида жиддий фикрлар билдирди.) Киблатида рассом қаламидан чиққан бир қанча йирик асарлар ва кичик-кичик лавҳалар мавжуд. Аммо тўпловчилар рассомнинг «1868 йилда Самарқанд» асарига ўрин бермаганлар. Шунингдек, муаллифнинг ўз ёвуз табиатини росмана фош этган «Андреаполь босқини» («Русская старина» ойномаси, 1888, 11-сон) хотиралари ҳам тўпламга киритилмаган. Албатта, бу оддий англашилмовчилик ёки бепарволик оқибати эмас. Тўпловчилар буни онгли равишда, тўғрироғи, оммадан, айниқса, собиқ мазлум миллатлардан яшириш учун атайлаб қилганлар. Рус чоризми манфаатларини ҳамда чор зобитлари маънавий қиёфасини тўғри очиб берган асарлар сохта интернационалистарга фойда эмас, аксинча зарар ётказди-да! Улар буни жуда яхши ҳис қилганлари учун ими-жимиди иш битиришни афзал кўрадилар.

Лев Деминнинг «Мольберт билан ер шари бўйлаб» (Олам В. В. Верешчагин нигоҳида) номли улкан китоби ҳам рассом В. В. Верешчагинга бағишланган. Ҳажми 37,92 босма табоқ. Москвадаги «Мысль» нашриётида (1991 й.) 50.000 нусхада босилган. Унда рассомнинг Туркистонда кечган ҳаёти ҳақида батафсил гапирилади-ю, аммо чор босқинлари, аёвсиз қирғинлар ва уларда В. В. Верешчагиннинг бевосита иштироки ҳақида лоақал бир оғиз гап айтилмайди. Афсуски, бу китобларни нашр этган ўртоқлар бугун шароит ўзгарганини, ошкоралик шарофати туфайли юз йиллаб қулфланиб ётган пўлат сандиқлар очилиб, яшириб келинган кўп нарсалар халққа етиб улгурганини ҳисобга олмаганлар. Ва энг муҳими, улар тарих ёлғонни ҳазм эта олмаслигини, ҳақиқат сарбабир рўёбга чиқишини назар-писанд қилмаганлар. Бугун биз уларга бемалол таъна қилаоламиз: Чувварани хом санабсизлар, жаноб муаллифлар!

Хуллас, Верешчагин сингари сиймоларнинг ҳаётидаги ҳар икки қутб батафсил ва рўйи-рост кўрсатилмаса, бу мавзуга қўл урган киши, ким бўлишидан қатъи назар, бадном бўлишдан қочиб қутула олмайди.

Б. Костиннинг китоби ҳам қайтайлик. Муаллиф Скобелев қиёфасига тирноқча гард юқтиргиси келмайди ва уни Хива урушининг чинакам қаҳрамони сифатида бизга тақдим этади. «Хива юришида қатнашиш Скобелев учун жиддий ҳарбий мактаб бўлди, у ҳам жисмоний, ҳам маънавий синовдан шараф билан ўта олди. Ҳатто жанг чоғида ўққа учган туркистонликлар орасида турган пайтда ҳам у ҳайратомуз вазминлиги ва жасурлиги билан ажралиб турарди. Ташаббускорлик, ишнинг кўзини билиш, зудлик билан бир қарорга кела олиш каби фазилатлари туфайли ёш зобит ҳаммага ўрнак эди. Скобелев энг мушкул ва хавfli топшириқларни тиришқоқлик ва уддабуронлик билан қотириб бажарарди. Бошлиқлар унга тўла ишонар эдилар» (26—27-бетлар).

Бир одам. Икки хил қиёфа. Икки хил талқин.

Кимга ишонган маъқул? Воқеаларнинг бевосита иштирокчилари, гувоҳлари бўлган чор зобитларигами ёки орадан юз йил вақт ўтгандан кейин афсона тўқиётган Б. Костингами?! Инсоф ҳам керак-да!

Китобни ўқишда давом этамиз. Навбат Кўқон юришига келади. Маҳрам жанги тасвирида ҳам Скобелев жасоратларига ҳамду сано ўқилади. Ҳатто 20 минг тинч аҳолиси ўлдирилган Андижон қирғини рус қўшинининг порлоқ ғалабаси деб таърифланади (29-бет).

Нима ҳам деймиз? Халқлар ўртасидаги дўстлик, тотувлик, қардошлик ҳақида гап сотиш бошқа-ю, амалий иш, оқибат бошқа нарса экан-да! Ким билсин, собиқ СССРнинг парчаланиб кетишига ҳам айни шу нарса — сўз ва амалий ишнинг бошқа-бошқалиги, ҳукмрон мафкура ҳамма ерда ЁЛҒОН, АЛДОВ, ЗУРАВОНЛИК, ТАЛОНЧИЛИК сиёсати олиб борганлиги, ҳақиқатдан кўрққанлиги сабаб бўлгандир? Агар ёзувчида лоақал озгина виждон, ҳалоллик бўлганда мазкур китобни ўқиган ўзбекнинг дилини оғритиб, иззат-нафси, ғурурини поймол қилиб қўймасмиканман, деган андишага борар эди. Йўқ! Бундай нозик инсоний туйғулардан, афсуски, муаллиф маҳрум. Шунинг учун ҳам у қонли Кўктепа жанги ҳақида гапирганда туркманлар нима учун Скобелевга «кўзи қонли» деган лақаб қўйганлигига тушунмаганлигини айтиб, ажабланади. Ҳолбуки, бунинг сабаби муаллиф «синчиклаб ўргандим» деб даъво қилган ҳужжатларда батафсил ёзиб қўйилган. Уларга ҳеч қандай қўшимча ёки изоҳнинг ҳожати йўқ.

Шундай қилиб, ўзбек ва туркман халқларини шафқатсизларча қириб, тарихда ёмон ном қолдирган Скобелев Б. Костин талқинида даҳо инсонга, русларнинг миллий қаҳрамони, фахри ва ифтихорига айланади. Жўшиб кетган ёзувчи инқилобдан кейинги дастлабки йилларда (1918 йил 1 майда) Москвада ўрнатилган Скобелев ҳайкали бузиб ташлангани ҳақида кўз ёши тўкиб ёзади: «Қисқа, аммо порлоқ умрида Ватан учун муносиб хизмат қилган инсоннинг номи ўн йиллар мобайнида рус тарихидан чиқариб ташланди».

Муҳтарам ёзувчи бу ерда ҳам янглишади. Скобелев — тарихий шахс. Тарих саҳифаларидан унинг номини ҳеч ким супуриб чиқариб ташлай олмайди. Бу — мумкин эмас. Туркистон халқлари учун у ёвузлик тимсоли бўлиб қолаверади. Худди Гитлер каби, Сталин каби.

Скобелевнинг хизматлари муносиб баҳоланмаяпти деб надомат чекадиганлар орасида, минг афсуски, машҳур ёзувчи, марҳум Валентин Пикуль ҳам бор эди. Адиб «Эслаб юришимиз лозим» номли тарихий лавҳасида «оқ генерал» сиймосини ўзига хос

тарзда мадх элати. У тарихчи олим В. Н. Масальский Скобелев ҳақида тадқиқот ёзиб, нашр этолмай юрганидан ажабланади. Ноширлар, қаранги, Скобелев Урта Осиёни забт этувчилардан бўлгани учун у ердаги жумҳуриятлар хафа бўлади, деб китобни чиқаришдан воз кечишган экан! Машҳур ёзувчи бу ҳодисани ўта адолатсизлик деб баҳолайди. Сабаби: чор Россияси томонидан Туркистоннинг босиб олиниши «прогрессив ҳодиса»! «Бу ҳеч кимни ажаблантирмайди, албатта,— деб ёзади В. Пикуль.— Агар Россия Урта Осиё воҳалари ва қишлоқларига ўз кўшинини киририб, Кушкада мустақамланиб олмаганда, у билан Англия мустамлакалари ўртасидаги чегара қайсидир узоқ манзилдан эмас, балки Оренбург атрофидан ўтган бўларди. Урта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишига доир сиёсий ва иқтисодий майлларни «Темир канцлерлар жанги» номли романимда батафсил баён қилган эдим, ҳалигача бирон тарихчи менга эътироз билдиргани йўқ.

Аслини олганда, инқилобдан 35 йил олдин ўлиб кетган Скобелевнинг Совет ҳукумати олдида қандай айби борлигини мен яхши тушунмайман. Шунга қарамай, айрим ҳадиксировчи ва қўрқоқ кимсалар ёзувчиларга:

— Яхшиси, Скобелев ҳақида ёзмаганинлар маъқул,— деб насиҳат қиладилар.

Биз эса қўрқмай ёзаверамиз, сабаби, унинг номи биз учун Шереметев, Салтиков, Суворов ва Кутузов номлари қаторида туради...»

Ёзувчи масалани мана шу тарзда кўндаланг қўяди. Унинг мавзуга «ўзига хос» «теран» ёндашуви ўз навбатида бизни ҳам ҳайратда қолдиради. Демак, Россия Урта Осиёни Англиядан қўрққани, чегара чизиғи нарироқдан ўтишини хоҳлагани учунгина босиб олган экан-да! Қаранг, ўта ғалати, ақл бовар қилмайдиган мантиқ! Машҳур тарихий романлар ёзган адиб бу гапларни айтганига ҳатто ишонгинг ҳам келмайди. Аммо на илож!

В. Пикулнинг «Хива, дарвозангни оч!» номли бошқа тарихий лавҳасида эса рус кўшинларига берилган қутилмаган таърифга дуч келамиз:

«Рус аскарлари чақирилмаган жойга асло борган эмас. У фақат ўзини халоскор деб кутганларнинг олдиғигина борган.

У қозоқлар, туркманлар, ўзбеклар билан ҳеч қачон жанг қилмади. Рус аскарлари жазирама саҳроларда кезиб ўрта аср мустабидларини — хонлар, султонлар, бекларни — Темурланг замонидан бери барханлар бағрига сингиб кетган бутун шарқона разиллик ва ифлосликларни тахтдан ағдарди. Биз оғир машаққатларга чидаб, Россияни кўпмиллатли буюк мамлакатга айлантирган аждодларимизни асло унутмаймиз!»

Ёзувчининг барча мулоҳазалари ва чегара хусусидаги ташвишлари ўринли деб ҳисоблай қолайлик. Унда Фарғонадаги қишлоқлар, шаҳарлар, туркман овулларининг аёвсиз талангани, ёндирилгани, қирғин қилинганини қандай баҳолаш керак? Ўз чегарасини мустақамлаш учун, озодлик олиб бориш учун бутун-бутун халқлар қонга ботириладими, йўқ қилинадими? Буни адолатсизлик, босқинчилик эмас, табиий ва қонуний ҳодиса деб аташ мумкинми? Нега ҳурматли ёзувчи муаммонинг бу томони ҳақида ўйлашни хоҳламайди, хаёлига келтирмайди?

Сабаби осон. Буюк миллатчилик, ўз халқи манфаатларидан бошқа ҳеч нарсани тан олмаслик, менсимаслик оғуси унинг бутун вужудига сингиб кетган. Шунинг учун у тарих ҳақиқати билан ҳисоблашмасдан, ўз нуқтаи назарини беписандлик билан тақдим этаверади. Аммо ёзувчи қанчалик ҳаракат қилмасин, унинг ниқоби барибир йиртилиб кетди, ҳақиқий башараси ўз-ўзидан фош бўлди. «Халқлар турмаси»га айланган Россия империяси тарих қаърига кўмилиб кетди, «кўп миллатли халқлар дўстлиги» ниқоби остида унга меросхўр бўлиб чиққан СССР қанчалик парчаланганига, худога шукур, гувоҳ бўлиб турибмиз. Зўравонлик, босқинчилик-ку узоққа бормайди, аммо шўринг қургур маддоҳларга қийин. Уларнинг шармандаси чиқиб, юзи қаро бўлиб қолаверар экан.

Тарих жумбоқлари бизни ҳамиша ўйга толдиради.

М. Попов, Б. Костин, В. Пикуллар учун Скобелев — тенги йўқ даҳо, шавкатли саркарда.

Булғорлар учун халоскорлик рамзи.

Туркистон халқлари учун эса ёвуз истилочи, мустабид жаллод. Унинг қора қилмишлари шундай баҳолаш учун бизга қонуний ҳуқуқ беради. Бунга бутун тарих гувоҳ бўлиб, чирқираб йиғлаб турибди. Бошига тушган қора кунлардан ҳамон қутула олмай, қон ва зардоб ютаётган она Туркистон чор жаллодларининг қонли жиноятларини ҳеч қачон кечирмайди.



Файзулла Хайруллаев

## БИР ҲАЁТ ФОЖИАСИ

...1925 йилда Калинин районидаги Кўктерак қишлоғида учинчи синфни битириб, Ҳасанбой қишлоғидаги «Намуна» номли болалар уйида ўқий бошладим. Олтинчи синфни битириб, Охунбобоев номли тиббий техникумга ўқишга жойландим. 1932 йили техникумни тамомлаб, Тошкент дорихоналарида ишладим. Бу йили қаҳатчилик бўлгани ва дорихонадан оладиган маошим бир ўзимнинг тирикчилигимга етмаганлиги сабабли, Тошкент шаҳар ижроқўмига ижрочи бўлиб ишга ўтдим. Мана шу даргоҳдаги комсомол берган йўлланма билан, ишдан ажралмаган ҳолда, Ўзбекистон «Осиё авиацим» қошидаги учувчи планерлар мактабига ўқишга кирдим. Уша йилиёқ, ноябрь ойида планер мактабини тамомладим.

«Осиё авиацим» қошида аэроклуб ҳам очилган бўлиб, у илгариги Сталин кўчасидаги яши бир бинода ташкил топган эди. Аэроклуб 1934 йилда 150 нафар учувчилар тайёрлаши керак экан. Бўйруққа биноан Тошкент заводлари, фабрикаларидан ва бошқа даргоҳлардан йигит-қизлар танланиб, тиббий комиссиялардан ўтказилди. Планер мактабини битирган 40 га яқин ўқувчи тўғридан-тўғри учувчилар мактабига қабул қилиниб, 1935 йилнинг ўзида ишдан бўшамай туриб ўқишни бошладик.

Ердаги тайёрлов (наземная подготовка) апрель ойигача давом этди. У-2 самолётини, унинг ички ва ташқи тузилишини ўргандик, самолёт моторининг икир-чикирларини ўзлаштириб олдик, апрель ойидан бошлаб эса ҳозирги аэропортнинг шарқ томонидаги қишлоққа яқин жойда лагерь қуриб, учуш сирларини ўрганишга киришдик. 1936 йили учувчи-инструктор бўлиш учун яна ўқишни давом эттирдик. Сентябрь ойида ўқишни тамомлаб, инструктор-учувчилик дипломини олдик. Шу йили мени ва бошқа битирган йигитларни аэроклубга ишга олишди. Мен ўзбек бўлимидаги йигит-қизларга раҳбар бўлдим. Бу талабаларнинг кўпчилиги ҳуқуқ илмгоҳидан келган эди. Қиши билан синфда аэроплан сирларини ўрганиб чиқдик. 1937 йил апрель ойида Сирғали қишлоғида аэродром қурилиб, битганидан сўнг, инструктор-учувчилар, команда-звенолар, учуш катта ҳаками — ҳаммамиз Сирғали аэродромига кўчиб кетдик. Курсантлар қайси бирлари ишдан отпусқа олиб, бошқалари ишдан ажралмаган ҳолда «дачний» поездида аэродромга қатнаб, учуш сирларини ўргана бошлашди. Менинг ўзбек гуруҳим ҳам бошқалар қатори ҳамма сабоқ-программаларни ўтиб, имтиҳонга тайёр бўлишди.

1937 йил ноябрь ойида имтиҳон олгани Оренбургдаги ҳарбий учувчилар мактабидан икки лейтенант келиб, курсантларнинг учуш малакаларини текширди, ўзлари танлаган курсантларни Оренбургга — ҳарбий учувчилар мактабига олиб кетдилар.

Менинг ўзбек гуруҳимда ўн икки киши битириб, диплом олди, тўрт киши Оренбургга ўқишга кетди.

1937 йилнинг декабрида Сирғали аэродромидан яна аэроклубга кўчиб келдик.

---

Мўхтарам журналхон! 30-йилларнинг даҳшатли манзарасини кўз олдингизга келтириш учун ойнама саҳифаларида талай мақолаларга ўрин ажратдик. Лекин уларнинг ҳеч қайсиси бир-бирини такрорлаган эмас, аксинча тўлдирган. Қуйида чоп этилаётган хотиралар (унинг руҳи сақлаб қолинди) муаллифи эса биринчи ўзбек учувчи-инструктори бўлиб, бошига тушган кўргиликларни сиз билан баҳам кўриш ниятида қоғоз қоралаган. Хотираларда зулмга, истибдодга қурилган жамиятда инсон эркинини қай тарихда бўғилиши, кадр-қимматининг топталиши ҳақида сўз боради ва у тарихнинг аянчли сабоқларидан тўғри хулоса чиқаришингизга кўмак беради, деган ўйдамыз.

Мен ҳам Оренбургдаги ҳарбий мактабга тақлиф қилинган эдим. Бахтга қарши, 1938 йил 3 январь куни тўсатдан икки киши келиб, мени қамоққа олиш ҳақида ордер кўрсатдилар-да, шу заҳоти олиб кетдилар ва Тошкентнинг Алексеевский кўчасидаги НКВД ертўласига қамаб қўйдилар. Мени олиб кетган киши Сапожников деган шахс бўлиб, аслида НКВДдан аэроклубга биркитилган шеф эди.

Қамоқда катта-кичи ёшдаги тўққиз киши маҳбуслик дардини тортмоқда. Қамоқхона интизоми ҳаддан зиёд оғир: кечқурун соат ўнда ётишга буйруқ берилади, эрталаб соат олтида туриш керак. Адёл, тўшаклар йиғиштирилган бўлиши зарур. Маҳбусларнинг бир-бирлари билан гаплашиши мутлақо мумкин эмас. Фақат ўтирасиз, ётиш ҳам тақиқланган. Дам-бадам хонанинг тешикчасидан кузатиб турадилар.

Маҳбуслар ичида энг ёши мен эдим. Емагимиз тўрт юз грамм қора нон, бир маҳаллик «баланда» деган суяқ овқат. Уйингиздагилар сизнинг қаерда эканлигингизни мутлақо билмаслиги керак. Терговчи керакли маҳбусни қақриб олиб кетарди. Уч-тўрт кун ўтиб, баъзида ўн кундан кейин замбилда маҳбусни олиб кирадилар, оёқлари шишган, қонга бўялган ҳолда ташлаб кетадилар.

Бир куни бир маҳбусни ўн кундан сўнг олиб келишди. Беҳуш, ўзини билмайди. Кейин сўрасак, ўн кун оёқда тик турғазиб, навбатма-навбат сўроқ қилишибди. Бечоранинг кўзи юмилса, қовоғига гугурт чўпи тираб қўйишаркан. Тошкентдаги марксизм илмгоҳининг директори Аголь деган шахсни ҳам қамашади, бир неча кун қийнашади. Жонидан тўйган маҳбус тухматларга чидаёлмайди, терговчи хонасидаги деворга калласини уриб-уриб қонга беланади. Шунда девор тешилиб, нариги хонага маҳбуснинг калласи чиқиб қолибди. Маълум бўлишича, қамишдан ясалган девор қалин алебастр билан суваб қўйилган экан. Кунлардан бир куни мени ҳам қақриб, терговчи Сапожниковнинг хонасига олиб кирдилар. Тергов бошланди.

— Сени ким «вербовать» \* қилган? Тўғриси айт!— деб саволга тутди у.

— Мени ҳеч ким «вербовать» қилган эмас...— дея бурро жавоб қилдим мен.

— Икромов ҳамда Файзулла Хўжаев қандай буйруқлар берган учувчиларга?

— Мен Икромов, Файзулла Хўжаевни кўрган ҳам эмасман, танимайман ҳам!

Икки ой ичида икки марта сўроқ қилишди-да, 66—68 ҳамда кўпоровчилик (диверсия)га оид моддаларда айблаб, Тоштурмага жўнатишди.

Биринчи корпус, қирқ бешинчи камера. Камеранинг бўйи саккиз метр, эни беш метр, биринчи қавати пол, иккинчи қавати симкаравот, учинчи қавати нар (тахтадан ясалган, шийпонга ўхшаган қурилмани нар деб аташар экан). Мана шу камерада 140 маҳбус зич жойлашган. Келган маҳбус биринчи кунлари симкаравотнинг тагида ётади. Аста-секин, навбати етгач нарга чиқади. Нарда ҳар бир маҳбусга икки суям, яъни 40 см жой тўғри келади. Камера бошлиғи жойни ўлчаб беради.

Бир-икки кун ўтгандан сўнг маҳбусларни таний бошладим. Биринчи танишим — шоира Зулфиянинг акиси Нормат Исроилов бўлди. Иккинчиси — Акмал Икромовнинг ёрдамчиси Кучаба. Учунчиси — Акмал Икромовнинг укаси (исми эсимда йўқ) — Тошкент шаҳар почта-телеграф бошлиғи бўлиб ишлаган. Тўртинчи — Наим деган ёзувчи. Ва бешинчи — Эски шаҳарлик атоқли одам Абдужаббор ҳожи.

Хуллас, мазкур камерада икки ой бўлдим. Сўнгра итоб \*\* қилиб Шумилов шаҳарчасидаги «пересильный (кўчириладеган) пункт»га жўнатишди. Пересилкада бир катта баракка қўйишди. У ерда тошкентлик ва районлардан йиғилган олти нафар уйғур ўртоқлар бор экан. Мендан бошқа яна ўзбек маҳбуслар бор эди.

Тахминан май ойларида яна Тоштурмага олиб келиб, биринчи корпусдаги йигирманчи камерага қўйишди. Бу камера икки қават пол ва нардан иборат экан. Кичикроқ хонада саксон нафар маҳбус бор эди. Ҳамма маҳбуслар фақат турсикда, тир яланғоч. Аксари маҳбусларнинг баданлари яра, қўлларида латтадан қилинган елпигич. Иккита деразани ҳам олди ташқаридан тахта билан тўсилган, яъни ташқаридан ўтган кишиларни кўриш имкони йўқ.

Менинг кимлигимни ва қайси идорадан келганлигимни, исми ва фамилиямни дарров ён камера — йигирма биринчига морзе орқали хабар қилишди. Мен кирган йигирманчи камерада таниқли шоир Элбек бор эди. Оқ-сарикдан келган кичикроқ одам, қамоқ азобидан анча ориқлаб кетган, маҳбусларнинг гап-сўзларига мутлақо аралашмас эди. Иккинчи танишим — кинооператор Женя Колетевский, бу киши илгари Сирғалига келиб, менинг курсантларим билан машғулотларимни «Баҳористон» деган картинага олган эди. Шу туйғайли танишган эдик. Учунчи — «Ўзбекистон вольфрам»нинг бошлиғи Мартюник. Тўртинчи — Усмон Носирнинг ўртоғи Иброҳим Назирий. Камера куннинг иссиқлигидан ҳамда маҳбусларнинг кўплигидан сасиб кетган, баданлардан оққан тер кишига беҳузурлик беради. Камерани совутиш учун деразалар олди-га икки киши-икки кишидан тўрт киши чиқиб, адёл билан елпир эди. Шу йўл билан хонага тоза ҳаво киритилиб, сассиқ ҳаво чиқазиб юбориларди. Тушликка олиб келинган иссиқ баландани емай жанжал қилардик. Чунки ниҳоятда бемаза эди. Девор орқали

\* Еллаган демоқчи.

\*\* Этап сўзининг бузилган шакли.

пиеъла билан «гаплашиб», Усмон Носир билан танишгани олдим. Ҳожатга чиққанда, камера волчоги (маҳбусларни кузатиш учун камера эшигига ўрнатилган кўзча) дан хат ташлаб, бир-биримизнинг аҳволимиздан хабар олардик. Уч ойдан сўнг терговчи мени чақириб, айблов акти билан таништирди. Биринчи айблов актида 66—68 ҳамда кўпорувчилик моддалари ёзилган эди. Иккинчи айблов актида эса, сиёсий моддаларни прокурор тасдиқ қилмаганидан сўнг, мажбур бўлиб 1937 йил октябрь ойида курсантлар билан учинч жараёнидаги ангил авария воқеаси ҳам тиркалиб, мени айбдор қилиб кўрсатишган эди. Аслида авария воқеаси бундай бўлганди.

Октябрь ойи совуқ келгани сабабли самолётларнинг моторига ғилоф кийдирилган эди, бу тўғрида инженернинг буйруғи ҳам бор эди. Менинг техник инженернинг рухсатисиз ғилофни олиб қўйган экан. Бир куни учин олдидан техник моторни текшириб турганда мен унинг олдида қараб турдим. У ҳақиқатан ҳам минутига бир минг олти юз «оборот» берди. Тўғриси, курсантни иккинчи кабинага ўтказганимдан сўнг мен ҳам қоида бўйича моторни синаб кўришим керак эди. Техник моторни текширганда ўзим қараб турганим учун, яна қайта қийнамадим. Самолёт ердан саксон метр кўтарилгандан кейин эса, бирдан паррак айланиши камайиб, обороти бир минг икки юзга тушиб қолди. Қоидага кўра, саксон метр баландликка чиққач, аэродромга қайрилиш мумкин эмас. Шунинг учун, қаёққа қараб учётган бўлсам, шу ёққа учишда давом этиб, кўнши жойи излашга мажбур эдим. Паррак айланиши бир минг икки юз оборотни кўрсатди — самолёт ўз баландлигини йўқота бошлади. Биз учиб бораётган томонда телеграф симлари бор эди. Самолётнинг думидаги костель деган қисми илиниб, симни узиб юборди. Биз колхоз пахтазорига кўндик. Самолётнинг парраги билан чап қанот ланжерони шикастланган эди. Аварияни текширган мутахассислар ғилофни олиб қўйишда айбладилар, яъни самолёт баландликка чиққанида ғилофсиз қолган мотор бирданига совуқдан таъсирланган, натижада эса паррақнинг айланиши камайган. Шу айблар асосида октябрь ойида менга ҳайфсан, техника эса «навид» (дашном) берилди. Бу ҳақда буйруқ ҳам чиқди. Ва содир бўлган ҳодисанинг зарари мендан ва техникдан ундириб олинди.

Терговчи айбномани жиддийлаштириш учун мени «қулоқнинг ўғли» деб, айбномага қўшган экан. 1937 йил май ойида шаҳар комсомол комитетининг биринчи котиби Сирожиддин Нуриддинов Сирғали аэродромида мажлис ўтказди. Шу мажлисда мен ўз дардимни айтиб сўзга чиқдим. «Ўзбек гуруҳи учиндан орқада қолиб кетди, шунинг учун менга яна битта ёрдамчи самолёт берилмаса, курсантларим учин тажрибасини ўзлаштиролмай қолади», дедим. Мана шу сўзларим учун миллатчи бўлиб айбландим. Ҳолбуки, бунинг қуруқ туҳматлиги шундоққина кўриниб турибди. Менинг отам аслида оддий деҳқон бўлиб, 1919 йилда вафот этган эди. Лекин «отам ва амаким Москвадаги «Товарищеское общество»нинг Тошкентдаги вакили бўлиб ишлаган, вазифаси — Тошкентдан Москвага пахта жўнатиб турган...» экан! Мана шундай уйдирма айблар билан 1937 йил август ойида мени судга беришди. У даврдаги судлар ҳам маълум... Менга оқловчи тайинланиши керак эди, оқловчи қанақа айбим борлиги ҳақида мен билан суҳбатлашиши лозим эди. Суднинг ўзи кўрсатган оқловчи мени ёқлаб гапириш ўрнига, бир оғиз ҳам сўз қотмади. Менга гувоҳ бўлиб аэроклубда бирга ишлаган Тайметов келди. Лекин менинг тўғримдаги ҳақиқат гапларни айтган бўлса ҳам, судья бу гувоҳнинг сўзини эътиборга олмади. Менга охириг сўзини ҳам беришмади. Ҳукм ўқилиб, «беш йил қамоққа» деб эълон қилишди. Хулласкалом, бир авария учун икки бор жазо олдим. Суддан сўнг мени яна Тоштурмага олиб келишди. Энди «битовой статья» (сиёсат аралашмаган мода) билан тўртинчи корпусга қўйишди. Бир-икки кундан кейин мени ишга олиб боришди. Амбулаторияга фельдшер қилиб қўйишди. Яхшиям, Тошкентдаги Охунбобоев номидаги тиббий илмгоҳни битирганман — доришунос ҳунарим бор эди. Фельдшер бўлиб ишлаб юрганимда, биринчи корпуснинг йигирма биринчи камерасидаги маҳбусларни ҳаммомга олиб келишарди. Шундай кунларда Усмон Носир билан махфий учрашиб юрдим. Ёзган майда-чуйда шеърларимни унга берардим. Усмон Носир ҳам ёзган шеърларини кўрсатарди. Усмоннинг шеърларидан шундай бир-икки байтлари ёдимда қолган:

Қутилсам — душманни зирқиратаман  
Шомдаги чумчуқдек чирқиратаман!..

Яна Усмон Носир:

«Қутилиб чиқсам», «Боғчасарой фонтани»ни бошқатдан ишлайман», деган эди.

Усмон Носирнинг кўпгина шеърларини тинтув вақтида охраниклар олиб қўйди ва менинг олдимда йиртиб ташлашди. Мени итобга олиб кетганларидан сўнг Усмон Носирни бошқа кўрмадим. Яна «пересилька»га итоб бўлиб келдим. Бу жойда қурилиш бригадасида икки йил ишладим. «Пересилька»да ишлаган давримда биринчи кўрган танишим — Акмал Икромовнинг иккинчи укаси эди. Шунингдек, Охунбобоевнинг ўринбосари — Манжаранинг қизини ҳам шу ерда учратганман. Тошкентда жуда машҳур бўлган Усмон полвон билан учрашиб, суҳбатда бўлдим. Икромовнинг укаси нима сабабдан ётганлиги ҳақида лом-мим демади. Сўнгра мени яна итобга олиб кетишди.

«Переселка»да турганимда кунора, икки-уч кунда бир минг, икки минг маҳбус билан итоб келарди. Сўнг улар Ўрта Осиё лагерларига юбориларди. Бир қарасанг — Грузиядан, Озарбайжондан, Арманистондан, Туркманистондан, Душанбедан ҳам итоб келарди. Уларнинг ҳолини кўриб, йиғлагинг келади: оч-яланғоч одамлар, кўрпаларни ўртасини тешиб кийиб олган кишиларга ҳар қандай тошмеҳр одам ҳам ачинади-да! Хуллас, тасвир этишга қалам ожиз...

1940 йилда яна итобга илиндим. Бу сафар Чирчиқдаги Товоқсой лагерига келтиришди. Бу ерда бир ойча амбулаторияда ишлаб турдим. Сўнг бу ердан ҳам катта итобга илиниб, қизил вагонларда Самара шаҳрига келиб тушдик. Уттиз километр пиёда юриб, Самара лагерларига жойлашдик. Бу ерда ҳам узоқ турмай, Волга дарёсидан баржага (шатакка олинадиган ясси кема) ўтириб, Волга ва Ока дарёлари орқали Вологда вилоятига келдик.

Инсон боласи чидаши қийин бўлган азобу уқубатларга дучор бўлаверар экан. Маҳбусга нисбатан ҳеч қандай шафқат-мурувват йўқ. Инсон инсонга қилган ҳайвондан баттар муомалаларни ҳам кўрдик.

Вологда вилоятдан эллик чақиримча юриб Шексна каналига чиқдик. Поезд ва баржалардаги оғир дамларни эсласам кўрқиб кетаман! Шексна каналининг бир сайҳон ўрмонга яқин жойида баржалар лангар ташлаб тўхтади. Маҳбуслар баржадан чиқиб, ўрмонда ишлаб бошладилар ва дарахтларни кесиб яшаш учун жой ва лагер тайёрладилар, тиканли сим билан ўрадилар... Шу хилда ишлаб, бир ҳафта деганда баржадан лагерга бутунлай кўчиб кирдик.

Яна маҳбуслар гуруҳларга бўлинди, ёғоч иморатлар қурдира бошланди. Ошхона, касалхона, амбулатория, дорихона, хуллас, маҳбуслар учун зарур иморатларни қурдик. Мен дорихона ва амбулаториянинг мудири бўлиб ишлаб бошладим. Ора-чора итоб ҳам келиб турарди. Янги келган маҳбуслар карантиндан чиққач, ишга юбориларди. 1939 йилда Шексна каналида ўттиз олтита шлюз (тўғонлардаги сув дарвозаси) бўлиб, пароходлар кўп жойларга ҳар хил юклар олиб ўтарди. Мана шу ўттиз олти шлюзни олтитага қисқартириш учун Вологда вилоятига икки юз минг маҳбус ташланган эди. Ҳар қайси лагерда уч-тўрт минглаб маҳбуслар яшарди. Лагер майдонлари техника воситалари билан ҳам таъминланган. Бирдан 1941 йилда шов-шув гаплар тарқалиб қолди. Июль ойи бошларида уруш бошланганини эшитдик. Ана шу дамдан бошлаб, ҳеч ким ишга чиқмади. 1942 йил июль ойдан бошлаб, СССР Олий Советининг қарорига биноан, ҳар куни юз эллик-икки юз нафар маҳбусни қамоқдан озод қила бошладилар. Лагери-мизнинг олдидан катта кўча ўтган бўлиб, бу йўлдан Архангельскдан кўчирилган халқлар кечаю кундуз тинмай от-араваларда, замбилғалтакларга юкларини ортиб, Череповец ва Рибинск шаҳарлари томон кетишарди. 20 августдан яна қамоқдан бўшатиш бошланди. Мен ҳам шу партияда бўшаб, Череповец шаҳрига пиёда келдим. У ердан пароходга тушиб, Рибинскка, сўнг ҳеч чеки-чегараси йўқ азоб-уқубатлар билан Самарага етиб келдим. Қўлимда аттестация бор. Шу ҳужжат билан пароход тўхтаган жойларда нон олардим. Самарадан поездга чиқиб Тошкентга қараб йўл олдим. Қамоқ лагеридан Тошкентга етиб келгунча ўттиз тўрт кун ўтибди!..

Мен ўзбеклардан чиққан биринчи инструктор-учувчи эдим. Ўзим интернатда, техникумда, аэроklubда ўқиб шу даражага етган эдим. Афсуски, халқим учун, Ватанимнинг равнақи учун тўлиб-тошиб қилаётган меҳнатим чигал даврнинг хоинлари кўрсатган найранг туфайли тўхтаб қолди... Бироқ бу кўргиликлар иродамни синдирилмади. Ҳозир худога шукр қиламанким, ўша даврнинг очликларидан, азоб-уқубатларидан, қатор ўлимларидан омон қолиб, ўз ватаним — Ўзбекистонга соғ-саломат қайтиб келдим ва халқим учун яна ҳалол хизмат қилишдек улуғ бахтга эришдим!





Наим Каримов

## «АЛПОМИШ»НИНГ ҚАТЛИ ОМ ЭТИЛИШИ

Ботирлар ҳақидаги эпик дostonларнинг бири «Алпомиш»дир. Бу ажойиб дostonда энг қадимги афсоналарнинг қаҳрамони бўлган Алпомишнинг ажойиб қаҳрамонликлари тасвирланади.

Ойбек

### МУҚАДДИМА

Одамзод пайдо бўлганидан бери адолат ва ҳақиқат қарор топган жамиятни орзу қилиб келади. Ленин ва Сталин ўзлари пойдеворини қурган давлат ана шундай халқпарвар тузум деб одамзодни ишонтирмоқчи бўлдилар.

30-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, шу мақсадда, Сулаймон Стальский — оддий халқ оқини «XX аср Ҳомери» деган унвон билан юритилди. Жамбул Жабоев эса Шарқ халқлари оғзаки ижодининг чўққиси сифатида баҳолана бошлади. Барча миллий республикаларда халқ оғзаки ижодини ўрганишга жадал киришилди. 1935 йилда «Калевала» карело-фин эпосининг биринчи, қисқартирилган нашри эълон қилинганининг 100 йиллиги кенг нишонланди. Бундан илҳомланган И. В. Сталиннинг ватандошлари 1937 йил декабрда — Гуржистонда ҳам даҳшатли қатағон бўрони гурлаб ўтганига қарамай — муаллифи Шота Руставели деб белгиланган «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» эпосининг 750 йиллигини миллий байрам ўлароқ қайд этдилар. Орадан ярим йил ўтмай, зўрлик билан бирлаштирилган давлатнинг байроқдор халқи ҳам «Игорь лашкари жангномаси» яратилганига 750 йил тўлганини тантана қилди. 1939 йил сентябрида эса арманлар «Довуд Сосунли» эпосининг бунёд бўлганига минг йил тўлди, деб бутун дунёга жар солдилар. Ниҳоят, роса бир йилдан сўнг, уруш арафасида қалмоқ халқ эпоси «Жанғар»нинг 500 йиллиги Элистада ўтказилган катта маъракага боис бўлди.

Бу эпосларнинг яратилганига 500, 750, айниқса минг йил тўлганини тасдиқловчи бирор далил-ҳужжат йўқлигига қарамай, халқ ижодига нисбатан умумдавлат ва умумхалқ миқёсида бўлаётган эътибор социалистик тузумнинг чундан ҳам халқпарвар ва маърифатпарварлигини намоёиш эта бошлади. Шўролар ҳукумати ва Коммунистлар фирқасига эса худди шу нарса сув билан ҳаводек зарур эди.

Жаҳондаги энг қадимий маданиятга эга халқлар орасида, шубҳасиз, ўзбек халқи ҳам бўлиб, унинг бу борада фахрланиши учун асослар зиёда эди. Биргина «Гўрўғли» туркумига кирган халқ дostonларининг сони қирққа яқинлиги ва уларнинг XVI—XVII асрларга мансублиги ўзбек халқ оғзаки ижодининг қадимийлиги ва бойлигини тасдиқловчи ёрқин мисолдир. Бу туркумга кирмаган халқ дostonлари орасида эса «Алпомиш»нинг минг йиллигини ҳам тантанали нишонлаш бўйича тарадуд ишларини бошлаб юборди. Ҳамид Олимжон 1938 йилда ўзбек фольклоршунослари қўлидаги «Алпо-

Усмон Юсупов бошчилик қилган Ўзбекистон Коммунистлар фирқаси ўша йилларда шўролар мамлакатида халқ ижодини тарғиб қилиш соҳасида олиб борилган тадбирлардан рағбатланиб, Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги билан биргаликда «Алпомиш»нинг минг йиллигини ҳам тантанали нишонлаш бўйича тарадуд ишларини бошлаб юборди. Ҳамид Олимжон 1938 йилда ўзбек фольклоршунослари қўлидаги «Алпо-

миш»нинг уч-турт нусхасини ўрганиб, Фозил Иулдош ўғлидан ёзиб олинган нусхани айрич қисқартишлар ва сўзбоши билан бирга 1939 йили эълон қилди. Шу даврдан эътиборан «Алпомиш» ўзбек халқининг мўътабар оғзаки ёдгорлиги сифатида мактаб ўқув дастурларига киритилди. Л. Пеньковский асарни рус тилига таржима қилишга киришди. «Алпомиш»нинг умумиттифоқ тўйига тайёргарликни жадаллаштириш ниятида бу хайрли юмушга кейинчалик В. Державин билан А. Кочетков ҳам жалб этилдилар.

«Алпомиш»ни меҳр билан ўрганган Ҳамид Олимжон уни чоп этишдан мурод тўю тантаналар ўтказиш эмас, балки тилимиз ва адабиётимизнинг кейинги тараққиёти ва равнақи йўлида ундан фойдаланиш эканини биринчи бўлиб тушунди. У ўз сўзбошида, чунончи, бундай сўзларни ёзди:

«Алпомиш» тил жиҳатидан ўзбек тилининг бутун бойлиги ва рангдорлигини акс эттиради. Достон ўзбек халқ тилининг қанчалик ширалик, қанчалик ихчам ва ўз ҳаётини яфода қилиш учун қанчалик мукамал, бой эканини ҳам кўрсатади. Достонда турмушда учрайдиган энг оддий сўзлардан тортиб, биз учун нотаниш, лекин билишимиз зарур бўлган ҳарбий терминларгача мавжуд. Чорвачиликка оид терминлар ҳадсиз кўп. Буларни биз билмас эдик ва билмасдан туриб, ўзбек тилининг қашшоқлиги ҳақида ёлғон афсоналар ҳам тўқиб юрар эдик. «Алпомиш»да бу кунги адабий тилимиз, матбуот тили учун практик аҳамиятга эга бўлган сўзлар жуда кўпдир.

Ниҳоят, «Алпомиш» бизнинг ёзувчиларимиз учун ҳам катта аҳамиятга эгадир...

Бизнинг ёзувчиларимизга фольклорни билиш қанчалик зарур эканини «Алпомиш» кўрсатур. Ўзбек адабиётини юксалтириш, унинг тилини чин халқ тили қилиш, содда ва чуқур қилиш ва ниҳоят, умуман айтганда, ўзбек совет адабиётини чин маънода халқчил қилиш учун фольклорнинг аҳамияти буюк бўлур».

Ҳамид Олимжон сингари фидойи ўзбек зиёлиларининг «Алпомиш»нинг 1000 йиллигига боғлаган умидлари катта эди. Аммо Улуғ Ватан урушининг бошланиши билан бу умидларнинг рубёга чиқиши дориломон замонларга қолди.

### МАМЛАКАТ ИЧКАРИСИДАГИ «СОВУҚ УРУШ»

Собиқ шўролар мамлакати Ватан урушидан ғолиб бўлиб чиқди. Бироқ инсоният тарихидаги бу энг даҳшатли урушда шахсан Сталиннинг хатолари туфайли 40 миллионга яқин шўро халқининг ёстиғи қуриди. Шундай бўлса ҳам золим подшонинг ҳарбий «даҳо»си улуғ Ғалабанинг бирдан-бир омили деб эълон қилинди. Хорижий олам Сталин билан ҳисоблашадиган бўлди. Мамлакат ичкарисида эса Сталин номи илоҳийлаштирилди. Бу воқеалар «халқлар доҳийси»нинг руҳий оламида кескин ўзгаришларни келтириб чиқарди. У маданий ва маърифий даражаси ўртамиёна шахс бўлишига қарамай, ҳайбаракаллачиларнинг тинимсиз қарсақлари остида ўзини дунёдаги энг доно, энг ақл-заковатли, энг маърифатли ва энг юксак бадиий дид соҳиби деб ҳисоблади. Унинг «юксак дид»ига ўтирмаган санъат ва адабиёт намуналари эса ўз-ўзидан буржуа мафқурасига хизмат қилувчи, зарарли, ғоясиз, паст савияли асарлар деб ҳисобланди. Натижада бундай асарлар ва уларнинг муаллифларига қарши шафқатсиз кураш бошланди.

ВКП(б) Марказий Қўмитасининг «Звезда» ва «Ленинград» журналлари тўғрисида» 1946 йил 16 августда қабул қилган қарори мамлакат ичкарисида адабиёт ва санъат аҳлига қарши бошланган ва кўплаб талафотлар етказган «совуқ уруш»нинг қалдирғочи бўлди. Сталин «катюша»лар ихтиро қилинган замонда яшаган. Шунинг учун ҳам у кўз остига олган марраларни бир нафасда баравар отилган ўқлар билан пайхон қилиш усулига амал қилди. Уша йилнинг кузида «Драматик театрларнинг репертуари ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида». «Катта ҳаёт» кинофильми тўғрисида» деган қарор-ўқлар кетма-кет отилди. 1948 йили эса шўро маданиятига катта офат келтирган тадбирлардан бири «В. Мураделининг «Улуғ дўстлик» операси тўғрисида» қиқарилган қарор бўлди. Аммо ВКП(б) Марказий Қўмитасининг расмий қарорлари билан бирга унинг «кичик артиллерияси» — «Правда» газетаси билан «Большевик» журнали ҳам адабиёт ва санъат оламининг Сталин томонидан забт этилмаган соҳилига муттасил ўт очиб, қанчадан-қанча истеъодли ижод аҳлини майиб ва ногирон қилиб ташлади.

Бу қарорларнинг Н. С. Хрушев ва Л. И. Брежнев замонларида қабул қилинган ҳужжатлардан фарқи шунда эдики, Марказий Қўмита уларнинг бажарилиш даражасини доимо кузатиб, дўппи ўрнига бош олувчилар учун ҳамма имкониятларни туғдириб берарди. Шунинг учун ҳам мамлакат бўйлаб эсаётган «совуқ уруш» шабадаси 1948—1949 йилларда айниқса авж олди.

1947 йил 20 февралда СССР Ёзувчилар уюшмасининг бош котиби А. А. Фадеев М. Горький номидаги Жаҳон адабиёт институтида бўлиб ўтган анжуманда шўро танқидчилигининг аҳволи ва вазифалари тўғрисида маъруза қилди. Ушбу маърузада олға сурилган фактлар дастлаб адибнинг «Большевик» ва «Октябрь» журналларида босилган мақолаларида, сўнг СССР Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг XI пленумида қилган маърузасида ривожлантирилди.

А. А. Фадеев бу маърузасида урушдан кейинги адабий жараёнга А. А. Жданов кўзи билан қарашга, унинг нутқида ҳамда Марказий Қўмитанинг «Звезда» ва «Ленин-

град» журналлари тўғрисидаги қароридан баён этилган адабиёт соҳибидир фирқа сиёсатини амалга ошириш мажбур бўлди. Бу маърузада, бошқа адабий ҳужжатлар қатори, В. Шишмарёвнинг 1946 йили Ленинград дорилфунуни томонидан чоп этилган «Александр Веселовский ва рус адабиёти» деган рисоласи ҳам кескин танқид қилиб ўтилди.

А. Веселовский Ғарбий Оврупо адабиёти бўйича қомусий билим соҳибидир. У ана шу кенг билими туфайли Ғарбий Оврупо халқлари адабиётини қиёсий ўрганиш услубиятини ишлаб чиққан. Сталин бундай улкан олимлар билан 1937 йилдаёқ орани очик қилгани сабабли 1946 йилга келиб, аллақандай Веселовский тўғрисида илмий асарнинг яратилиши куфрли хато эди. Фадеев ана шу хатони фош этиб, Веселовскийнинг ўтган асрнинг 60-йилларида рус инқилобий-демократик адабиёти аъналаридан воз кечиб, роман-герман адабий мактаби олдида сажда қилганига эътиборни қаратди. Унинг бу борадаги таҳдидлари «Литературная газета» ва «Советская культура»да ҳамда «Правда» газетасининг 1947 йил 30 июнь — 1 июль сонларида чоп этилган мақоладан кенг ўрин эгаллади. ВКП(б) Марказий Қўмитаси бу сўнгги мақолага жамоатчилик эътиборини қаратиб, унда баён қилинган Ғарб маданиятига сажда қилиш ҳолларини урушдан кейинги шўро жамиятини қўпориши мумкин бўлган офат сифатида талқин қилди. Шу тарзда шўро адабиёти ва санъатида космополитизмга қарши кураш шиори остида шармандали мафкуравий ҳаракат бошланди. Фирқа қанотига вояга етган ёзувчилар, танқидчилар ва санъатшунослар машҳур ҳамкасбларини ғажиб ташлаш учун мавжуд шароитдан ҳаёсизларча фойдаландилар. Коммунистлар фирқаси эса ушбу ҳаракатдан гўё Ғарб маданиятига сиғинувчи ё миллий маданиятлари билан ифтихор қилувчи зиёлиларни қувғин остига олишда фойдаланди.

Л. Климович «Правда» газетасининг 1949 йил 11 январь сонидан эълон қилинган «Адабиётшуносликда космополитизмга қарши» мақоласида В. Жирмунский ва Ҳ. Зариповнинг «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» (Москва, 1947 йил) китобига алоҳида тўхтаб, ҳар иккала муаллифни Веселовскийнинг зарарли назарияси асоратида қолганликда айблади. «Жирмунский ва Зарипов,— деб ёзди у,— фанимиз томонидан қораланган ва буржуа адабиётшуносларидан қолган «тарихий-қиёсий» услубиятга кўр-кўрона эргашиб, ўзбек фольклорини гўё бир миллий адабиётдан иккинчи миллий адабиётга ҳаммаша кўчиб юривчи халқаро сюжетлар йиғиндиси, деб баҳолайдилар».

Тоталитар тузумда жорий этилган таомилга кўра, мазкур китоб муаллифлар хизмат қилаётган муассасаларда муҳокама этилиши ва уларнинг тавба-тазаррулари кенг жамоатчиликка етказилиши лозим эди. Шундай бўлди ҳам. 1949 йил 9 февралда Тил ва адабиёт институтида ўтказилган кенгашда «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» ва унинг маҳаллий муаллифи ер билан битта қилинди. Институт директори Иззат Султоннинг шу кенгашда ўқиган маърузаси климовичона сарлавҳа билан «Шарқ юлдузи»нинг 2-сонида босилди.

Агар атоқли адабиётшунос ўз маърузасида танқид тиғини В. Жирмунский ва Ҳ. Зариповга қаратиб, шу йўл билан «Алпомиш» устига яқинлашиб келаётган офат олдини олишга уринган бўлса, бошқа айрим нотиклар фольклоршунос ҳамкасблари билан ҳисоблашиш вақти келди, деган ўй билан йиқилган полвонни обдон тепкиладилар.

1949 йил март ойида Тошкент шаҳар адабиёт ва санъат ходимларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Адабиёт ва санъатда «беватан космополитлар»ни охиригача фош этиш шиори остида ўтган бу йиғилишнинг асосий мавзуи гарчанд ўзбек драматургияси ва театр танқидчилиги билан узвий боғлиқ бўлса-да, Ҳ. Ёқубов сингари шу даврнинг фаол найзабозлари яна жамоатчилик эътиборини В. Жирмунский ва Ҳ. Зариповга қаратиб, хумордан чиқмоқчи бўлдилар.

«Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси»нинг асосий муаллифи эса москвалик ва ленинградлик олимлар даврасида муҳокама этилиб, унинг илмий изланишлари маҳсули зарарли деб топилди.

В. Жирмунский ва Ҳ. Зарипов қаламидан чиққан китобга қарши кураш секин-аста кенг кўлам касб этиб, адабиётшунослик ва санъатшуносликнинг бошқа намуналарини ҳам ўзининг оловли домига торта бошлади. «Дружба народов» альманахининг 1949 йилги 4-китобида «Урта Осиё ва Озарбайжон халқлари адабиётлари ва санъатлари тарихини марксча-ленинча ёритиш учун» деган расмий мақола эълон қилинди. Шу альманахнинг 1951 йилдаги 4-китобидан эса Л. Климовичнинг «Бир мақола муносабати билан» деган мақоласи ўрин олди. Бу мақола, юзаки қараганда, В. Жирмунскийнинг «Туркологик мажмуа»да (Москва, 1951) босилган мақоласи тўғрисида бўлса-да, унда озарбайжон халқининг «Китоби Дада Қўрқут» эпоси муайян мақсад билан тилга олинган эди. Муаллиф «Озарбайжон шеърятини антологияси»да мазкур китобнинг «Озарбайжон адабиётининг энг қадимий обидаси» сифатида тилга олинганлигига чидаган бўлса ҳам унинг ўз бадий-тарихий қимматида кўра Оврупо халқларининг энг яхши қаҳрамонлик эпослари — «Игорь лашкари жангномаси», «Роланд ҳақида қўшиқ» ва бошқалар билан бир қаторга қўйилганидан иззат-нафиси ҳақоратланган деб билди. Кейинроқ маълум бўлишича, бундай талқин бошқа шовинист адабиётшуносларнинг ҳам қитиқ патларига теккан экан.

Марказқўмдаги режиссёрлар томонидан саҳналаштирилган бундай томошалардан

мақсад киёсий-тарихий услубиятни адабиётшунослик илимидан кувиб таркиб чиқаришгина эмас, балки В. Жирмунский ва Ҳ. Зариповларнинг жаҳон маданияти обидаларига қиёслани «Алпомиш» каби миллий эпосларнинг танобини тортиб қўйиш, урушдан кейин кўкракларини тўлдириб нафас ола бошлаган халқларни уларнинг маданий илдиларидан узиб қўйиш эди. Бу ҳолни тушунган кишилардан бири шўро Шарқи халқлари адабиётининг жонкуяр тарғиботчиси ва толмас таржимони С. И. Липкин эди.

ВКП(б) Марказий Қўмитасининг Татаристондаги мафкуравий ишлар муносабати билан 1944 йилда қабул қилган қарорида Идегей ҳақидаги «феодал-хонлар эпоси»нинг татар халқи ўртасида оммалашгани жиддий хато сифатида таъкидланган эди. С. И. Липкин космополитизмга қарши кураш баҳонасида «Идегей» сингари эпосларнинг қатағонга учраши мумкинлигини сезиб, «Литературная газета» саҳифаларида бу асарни ҳимоя қилувчи катта мақола билан чиққан. Лекин, зулм салтанатининг ғилдираги аллақачон ҳаракатга келган эди. Семён Липкин ёхуд бошқа бирор ҳақиқатпарвар киши уни тўхтатиб қолиши асло мумкин эмас эди. Орадан бир мунча фурсат ўтган, Марказқўмининг «Идегей» эпосининг халққа қаршилиги, феодал-миллатчилик руҳи тўғрисидаги шармандали қарори эълон қилинди.

«Сталин,— деб кейинчалик ёзган эди С. Липкин,— хавф-хатар Шарқдаги ҳануз тирик юрган буржуа миллатчиларидан келаётганини пайқади. Улар ўз миллий эпослари, қадимги классиклари, подшо ва лашкарбошиларини улуғлаш билан панисломизм уруғларини сочишлари, амалда хорижий муслмон мамлакатларининг айқоқчиларига айланишлари мумкин эди. Уларни йўқ қилиш лозим эди».

Ана шундай ақидадан келиб чиқиб, Сталин 1950—1952 йилларда шўро Шарқи халқларининг қадимий эпосларига қарши ҳужумни бошлаб юборди. «Правда» газетаси 1951 йил апрелида озарбайжон халқининг «Китоби Дада Қўрқут» эпосини зарарли асар деб эълон қилди. Озарбайжон ёзувчиларининг ўша кезлардаёқ чақирилган умумий йиғилиши «фармони олийни яқдиллик билан маъқуллаб, қадимий халқ эпосига лаънат тамғасини босди. Уша йилнинг июнида бўлиб ўтган Озарбайжон фирқасининг XVIII съездида М. Бағиров эпоснинг «зарарли моҳияти»ни фош этишда ўз санъатини намоиш этди. Д. Гажиёв ва М. Кулизода эса «Халққа қарши қаратилган бир китоб тўғрисида» деган мақолада («Литературная газета» 1951 йил, 7 июль) мазкур эпоснинг ҳам, уни ўрганиб келган олимларнинг ҳам пўстагини қоқди. СССР шўро ёзувчилари уюшмасининг Л. Климович раислигидаги СССР халқлари адабиёти бўйича комиссиясининг бюроси эса шунининг равишда йиғилиб, озарбайжон эпосининг «халққа қарши қаратилган» асар эканини тасдиқлаб, унинг нашр этиб келинганини хато деб топти.

«Правда» газетасининг машҳум чиқиши ҳам, Л. Климович раислик қилган ҳайъат қарори ҳам тоталитар тузумнинг барча миллий жумҳуриятлари учун дастуруламал бўлиб хизмат қилиши лозим эди. Шунинг учун туркман қардошлар ҳам «Қўрқут ота» китобининг бошига ит кунини солдилар. Уша йилнинг 14 августда эса Қозоғистон фирқаси қозоқ адабиётидаги жиддий мафкуравий хатолар тўғрисида қарор қабул қилди. Олма-ота шаҳар ёзувчиларининг йиғилишида эса XIX асрдаги «феодал-хонлик ҳаракатининг етакчиси» Кенесари Қосимов образининг қозоқ ёзувчилари ижодида «кўкка кўтарилгани» ҳоллари очиб ташланди.

Навбат ўзбек халқ оғзаки ижодининг ғурури бўлган асарларга ҳам етиб келган эди.

## «АЛПОМИШ»ГА ТАШЛАНГАН СИРТМОҚ

В. М. Жирмунский қаламига мансуб ишларнинг бирида «Алпомиш» билан «Китоби Дада Қўрқут»нинг таркибий қисми — «Бамси Байрак» ўртасидаги муштарак жиҳатлар тилга олинган эди. Л. Климович «Дружба народов» альманахида эълон қилинган мақолада «Бамси Байрак» дostonи мазмунини танқидий равишда баён қилганига қарамай, «Алпомиш» дostonини ундан ажратиб олиш ва ҳимоя қилишга уринган. Бу, гоҳ адашган, гоҳ тўғри йўлдан борган олимнинг «Алпомиш» каби Шарқ халқлари маданияти дурдоналарини 50-йиллар кунюнидан сақлаб қолишга қаратилган уриниши эди. Ўзбек фольклори ва адабиётшунослигига яқин доираларга мансуб кишилар буни тўғри тушунадилар. Улар «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» китобини қанчалик қораламасинлар, бирор халқ дostonини кундага қўйишга ботинмаганлар.

Аммо беш кўл баравар эмас, албатта. Кимдир ўзгани хилват жойда калтаклаш билан ўзининг ботирлигини кўрсатмоқчи, яна кимдир «катта раҳбарларга яхши кўришиш учун масжидга ўт қўймоқчи бўлади.

Уша йилларда ВКП(б) МҚ ҳузуридаги Маркс-Энгельс-Ленин институти Ўзбекистон бўлимининг аспиранти бўлган А. Абдунабиев тарих саҳнасида бир лаҳза бўлса-да кўришиши учун қулай вазият келганини тушунди. У мамлакатда авж олган мафкуравий курашни зимдан кузатар экан, Л. Климовичнинг «Алпомиш»ни ҳимоя қилишга уринганида, ўзбек олимларининг эса оғизларига талқон солиб ўтирганларида бир гап борлигини пайқади. Аммо улар агар бу шиддатли, аммо фоний бўроннинг ўтишини кутиб, «Алпомиш»ни космополитизм ва феодал ўтмиш маданияти гулханига ташлашдан ўзларини тийган бўлсалар, у фурсатнинг ўзи учун ғанимат эканлигини сезди. А. Абдуна-

биев «Алпомиш»ни «Бамси Байрак» билан солиштирганида, В. Жирмунскийнинг ҳақ эканига ишонч ҳосил қилиб, модомики, «Бамси Байрак»нинг халққа қарши моҳияти бўртиб турган экан, демак, «Алпомиш» ҳам реакцион асардир, деган хулосага келди. Унинг бахтига, Ойбек ҳам «Ўзбек поэзиясининг антологияси»га ёзган кириш мақоласида «Алпомиш»ни «Китоби Дада Қўрқут»га қоғиштирган экан. Аммо у адибнинг бу ҳар иккала эпосни энг қадимги қаҳрамонлик дostonлари сифатида тилга олгани ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади. Унинг назарида, Ойбекнинг бу икки эпосни ўзаро алоқада текширгани, В. Жирмунский ва Ҳ. Зариповнинг эса тавқи ланатга учраган китобда: «Китоби Дада Қўрқут»да «Алпомиш» ўзбек эпосининг бизга қадар етиб келган энг қадимий нухаси бўлмиш «Бамси Байрак» дostonини учратамиз», деган сўзлари етарли эди.

А. Абдунабиев бу «кашфиёти»дан боши осмонга етиб, «Алпомиш»ни мажақлаб ташловчи мақола ёзди. Кейинчалик бу мақолага «Правда Востока» газетасининг ходими А. Степанов ҳам шерик бўлиб, шўро Шарқининг адабий ҳаётида «инқилоб ясовчи» мақолани Москвадаги нуфузли нашрларга юбордилар. Аммо бу «ёш Нерон»нинг умиди зое кетди. Москва газеталари бу шубҳали ишга бош қўшмадилар. Шундан кейин 50-йиллар зулматида топишган биродарлар ўз мақолаларини Марказқўм кўмагида «Правда Востока» газетасининг 1952 йил 29 январь сониде чоп этишга эришдилар.

Тоталитар тузум авж олган 50-йиллар шаронтида бирор олим ё ёзувчи ҳаётига зомин бўлиш учун уни марксизм-ленинизм услубиятини билмасликда айблашнинг ўзи кифоя эди. Бундай айбни эса ўтмишдаги халқ ижодини текширган истаган олимга кўйиш, уни феодал давр маданиятига сажда қилишда қоралаш ҳеч гап эмас эди. А. Абдунабиев билан А. Степанов ҳам шу синалган усулдан маҳорат билан фойдаландилар. Улар ана шу руҳдаги муқаддимадан сўнг айни муддаога кўчиб, ёздилар:

«Алпомиш»нинг мундарижаси қандай? Ўзининг ғоявий йўналишига кўра, реакцион «Дада Қўрқут» эпоси билан «Алпомиш» ўртасида жуда кўп умумийлик бор. У асарда ҳам, бунисида ҳам меҳнат аҳлига ёт ғоя ва интилишлар тарғиб қилинади.

«Алпомиш» дostonида ижобий қаҳрамонлар сифатида ўз подалари билан Бойсун кўли атрофида жойлашган кўнғирот 16-қабиле уруғига мансуб ҳукмрон табақа кўрсатилган. Қуллар бу подаларга ҳам, ҳукмронларга ҳам хизмат қиладилар. Эпоснинг марказий персонажлари — кўнғирот уруғининг хони Бойбўри, унинг ўғли Ҳақимбек Алпомиш ва хоннинг туғишган укаси — қабилалардан бирининг бошлиғи Бойсари ва унинг қизи Барчиной...»

Ана шу йўналишдаги «таҳлил»дан кейин муаллифлар бундай хулосага келадилар: «Алпомиш» дostonининг Фозил Йўлдошга мансуб нухаси халқ эпоси эмас, хонлар эпосидир. Унда ўзбек халқининг қаҳрамонона ўтмиши, унинг ташқи ва ички босқинчиларига қарши кураши, она диёрга бўлган меҳр-муҳаббат, ўзининг бахтли келажагига бўлган муқаддас ишончи ва бошқа халқлар билан тинч-тотув яшашга бўлган интилиши акс эттирилмаган. Бу эпосда хонлар ва беклар шарафланади, қўшни халқлар устига қилинган қонли юришлар олқишланади, хонларнинг ҳисобсиз бойликлари куйланади, куч-қудрат олдида сўзсиз бўйсунуш ва бошқа диндаги халқларга нисбатан муросасизлик тарғиб қилинади».

Бу сўзлар «Алпомиш»ни шу пайтгача «мардлик, муҳаббат ва дўстлик дostonи» (Ҳ. Олимжон) сифатида ўрганган олимларнинг қарашларига мутлақо зид эди. Аммо улар озарбайжон халқининг жаллоди М. Бағировнинг қуйидаги сўзлари билан худди ака-укадек ўпишиб кўришади: «Дада Қўрқут» халқ эпоси эмас, — деган эди у Озарбайжон коммунистлари съездида қилган маърузасида, — У бошидан охиригача Озарбайжон ерларига талончи ва қотиллар сифатида келган кўчманчи ўғуз қабилаларининг ҳукмрон табақасини мадҳ этишга бағишланган. Китобга миллатчилик захри ниҳоятда сингиб кетган бўлиб, у мусулмон бўлмаганларга — бошқа диндагиларга, аввало, қардош гуржи ва арман халқларига қарши қаратилган».

Ҳамид Олимжон «Алпомиш»ни 1938 йилда нашрга тайёрлар экан, «Ўзбек халқининг ашаддий душманлари «Алпомиш» ва бунга ўхшаш қимматли халқ бадий ижодларини майдонга чиқишига тўсқинлик қилиб келдилар», деб ёзган ва бундай разолат орадан 14 йил ўтгач, тағин такрорланишини тасаввур ҳам этмаган эди. Лекин тарихнинг катта қусурларидан бири хатоларнинг такрорланишидир. Зўравонлик авж олган замондан ҳақиқат ва адолат қушлари қоцади. Улаксага ўч бўлган қора қузғунлар эса даврнинг асосий манзарасини яратадилар.

А. Абдунабиев ва А. Степановнинг Москва газеталаридан қайтган мақолаларидан бири «Халқчилик байроғи остида» деган ном билан «Звезда Востока» ойномасининг ўша йилги 2-сониде босилиб чиқди. Найзавоз муаллифлар агар биринчи мақолада «Алпомиш»ни чавақлаш билан чекланган бўлсалар, иккинчисиде манфур В. Мильчаковнинг уларга бўлган илтифотидан рағбатланиб, «жиддий нуқсонлари бўлган «Авазхон», «Зулфизар» (нодон муаллифлар бу икки номнинг битта асарга мансуб эканлигини билмаганлар ҳатто!), «Равшанхон», «Рустамхон» ва бошқа эпослар»га ҳам тош отган эдилар.

Жорий этилган расм-русмга кўра, ҳайбаракаллачи ташкилотлар фирқа матбуотининг чиқишини карнай-сурнайлар билан кутиб олиши лозим эди. «Правда Востока»

рўзномасида эълон қилинган мақола биринчи бўлиб Ўзбекистон давлат дорилфунуни адабиёт минбаргоҳларининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама этилди. Сўзга чиққан барча илм аҳли «халққа қарши қаратилган» «Алпомиш» эпосининг фирқа органида танқид қилинганини яқдиллик билан маъқуллади. Минбаргоҳ аъзолари «Алпомиш» мавзуини ўқув дастуридан чиқариб ташлаб, бошқа фольклор асарлари қатори, «Гўрўф-ли» дostonлар туркумини ҳам тафтиш қилиб чиқишга қарор қилдилар.

Ўрта Осиё давлат дорилфунуни домлалари ҳам бу масалада самарқандлик ҳамкасбларидан орқада қолмадилар.

21—22 март кунларида эса Ўзбекистон Коммунистлар фирқаси Марказқўмининг Х пленуми бўлиб ўтди. Саркотиб А. Э. Ниёзов тажрибали раҳбар бўлгани учун «Республикадаги мафкуравий ишларнинг ҳолати ва уларни яхшилаш тадбирлари тўғрисида» қилган маърузасида «Алпомиш» эпосини оқ калтак-кўк калтак қилишни бошқа нотиқларга қолдириб, тарих, тил, адабиёт ва санъат соҳасидаги ўтмишни кўкка кўтаришнинг ҳар қандай кўринишларини марксча-ленинча шафқатсизлик билан фош этиб ташлади. Бу шармандалар пленум қарорлари бусиз ҳам ўзбек фани ва маданиятида кечаётган танглик жараёни теранлашишига сабаб бўлди.

Ўша йилнинг март ойидаёқ Ўзбекистон Фанлар академияси умумий фирқа йиғилиши бўлиб ўтди. Х пленум қарорларини ўрганиб чиқиш ва «ҳаётга тадбиқ этиш»га бағишланган бу йиғилишда Марказқўм котиби Ҳ. Турсунов катта нутқ сўзлаб, ижтимоий фанлар билан шуғулланувчи олимларнинг чангини қоқди. Шу йиғилишда уларга кенг жамоатчиликнинг қаҳр-ғазабини «Алпомиш» эпосига қаратиш ва уни зудлик билан қатли ом этиш вазифаси топширилди.

### «АЛПОМИШ»НИНГ ҚАТЛ ЭТИЛИШИ

1952 йилнинг 28 ва 31 март кунларида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида «Алпомиш» эпосининг муҳокамаси бўлиб ўтди. Эпос гарчанд ўзбек тилида ёзилган, нотиқларнинг қарийб барчаси ўзбек бўлсалар-да, тоталитар тузум қонунига кўра, муҳокама фақат рус тилида олиб борилди.

Бугун Сталин ҳукмронлик қилган даврни кўмсаётган кишилар шу ҳолнинг ўзиданоқ мустабид тузум таъмини эсласалар ажаб эмас. Аёнки, ўша залда икки-уч нафар ўрисдан бўлак «улуғ оға»нинг бирорта вакили бўлмаган. Аммо шунга қарамай, бу муҳокаманинг ҳар бир нафас олишини Москванинг Тошкентдаги ҳушёр кўзлари кузатиб турган ва ҳар эҳтимолга қарши, бирор қайсар ҳақиқатпарварнинг товушини ўчиришга шай бўлиб турган. Нотиқлар ҳам, албатта, буни сезганлар ва бирор эҳтиётсиз айтилган сўз учун таниш ертўлага қақариб қолмасинлар, деган ҳадик билан «Алпомиш»ни ҳам, «Алпомиш» элга танитган шоиру олимларни ҳам истаганларича балчиққа қорганлар.

А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг янги директори Юсуф Султонов маъруза қилган. Ҳозир Алишер Навоий номи билан аталган Адабиёт институтининг фольклор бўлими ҳужжатгоҳида ушбу муҳокаманинг ёзма ҳисоботи мавжуд. Муштариёларига муҳокама ҳақида ҳисобот берган «Қизил Ўзбекистон» газетасининг шаходат беришича, «Докладчи «Алпомиш» дostonининг бир неча вариантларини таҳлил қилиб, бу дostonнинг феодал-хонлар муҳитида яратилган ва шуларнинг манфаатини кузатувчи, халққа қарши қаратилган асар эканини жуда кўп мисоллар билан кўрсатиб берди. Бу дostonда хонлар, беклар мақталади. Босқинчилик ва зўравонлик пропаганда қилинади. Ислом динига мансуб бўлмаган бошқа халқларга ёмон муносабатда бўлинади. Дostonнинг бош қаҳрамони Алпомиш меҳнаткаш халқнинг олижаноб фазилатларини ва умид-орзуларини ўзида ифода қилмайди, аксинча, у ҳоким, қонхўр бек, типик зўравон ва зolim сифатида ҳаракат қилади. Дostonда меҳнаткаш халқнинг оддий вакиллари бузиб кўрсатилади, ҳукмрон синф вакиллари эса ҳар хил мақомда мадҳ қилинади. «Алпомиш» дostonининг халққа қарши қаратилган моҳияти ана шундан иборатдир...»

Маърузачи фақат халқ дostonини чиппакка чиқариш билангина шуғулланиб қолмай, «Шарқ юлдузи» журналида таъкидланишича, «ҳозирга қадар «Алпомиш» дostonини пропаганда қилиб келган, уни кўп марталар нашр қилдирган ва бу нашрларга тумтароқли кириш сўзлари ёзган, ўрта мактаб программа ва хрестоматиялариға киритган ва дostonни саҳналаштирган баъзи адабиётчиларни қаттиқ танқид қилди. Масалан, В. Жирмунский ва Ҳ. Зариповлар ўзларининг «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» деган ғоявий жиҳатдан зарарли асарларида, ёзувчи Ойбек «Ўзбек поэзияси антологияси»да ёзган кириш сўзида, М. Шайхзода «Алпомиш» дostonининг 1949 йилда чиққан рус тилидаги нашриға ёзган сўзбошисида бу асарни идеallashtирдилар...»

Бу сўзлар 50-йиллардаги мафкуравий иқлим учун оддий ва ҳатто беозор бўлиб туюлиши мумкин. Аммо агар шу даврда бечора В. Жирмунский ва Ҳ. Зариповларнинг узлуксиз танқид тўқмоғидан беллари дол, тиллари лол бўлгани, Ойбекнинг тўшакбанд бўлиб ётгани, Ёзувчилар уюшмасидан ўчирилган Шайхзоданинг эса қамоқ остонасида турганини эсласак, бу сўзларни айтган маърузачини у қадар инсофли деб бўлмайди.

Шубҳасиз, ушбу муҳокамадаги энг оғир вазифа ўзбек фольклоршунослиғи фанининг отаси Ҳоди Зариф гарданиға тушган. Рўй бераётган воқеанинг халқшуна маданият-

га қарши жиноят эканлигини кўра-била туриб, у аҳли донишни ақлга, инсофга қарама олмас эди. Шунинг учун ҳам у Ю. Султоновдан кейин биринчи бўлиб сўзга чиққан бўлишига ва Станишевский томонидан икки маротаба мавзуга яқин келишга даъват этилганига қарамай, Н. Я. Марр ва А. Н. Веселовский таълимотлари атрофида узоқ ганграб юрди. Ниҳоят, мажлис раиси унга расмий равишда танбеҳ берганидан кейингина нотиқ яна 15 дақиқа муҳлат сўраб, ўзбек фольклори масалаларига қайтди, лекин нима учундир «Юсуф ва Аҳмад», «Алибек ва Валибек», «Шайбонийхон» каби достонларнинг халққа қарши моҳияти хусусида сўзлаб, уларга нисбатан ижобий муносабат билдирган В. Жирмунский, Ойбек ва айниқса М. Афзаловни танқид қилиш билан шуғулланди. Сўнг А. Абдунабиев ва А. Степановларнинг ғайриилмий қарашларини маъқуллашдан бошқа чорани топмади.

Аммо унинг нутқида умуман «Алпомиш» достонида эмас, балки достоннинг ҳозир муҳокама этилаётган нусхасидагина халққа қарши руҳ бўлган, деган фикр сезиларсезилмас ўтган. Буни илғаб қолган шарқшунос-чечист Станишевский руҳий тушқунлик ва парокандалик ҳолатида турган Ҳоди Зарифга ўз вақтида зарба бериб, уни «ўйиндан чиқаришга эришган. Тоталитар тузумнинг бу тажрибали ва маккор вакили Ҳоди Зарифнинг дамини ўчириш билан «Алпомиш»ни тарих ахлатхонасига осон-гаров улоқтириб ташлаш мумкин, деб тўғри ўйлаган. Зеро, на Тил ва адабиёт институтида, на Ёзувчилар уюшмасида «Алпомиш»ни ҳимоя қила, Абдунабиевларга муносиб зарба бера олувчи ундан бошқа бирорта мард йўқ эди. Тоталитар тузум бандай мардлар билан 1937 йилдаёқ ҳисоб-китоб қилиб, тирик қолганларини эса аллақачон яроқсиз қилиб қўйган, манқуртлашган бошқа олим ва олимнамо кимсалар эса станишевскийларнинг чилдирмасига тонг отгунча ўйинга тушиши мумкин эди.

«Ўртоқ Зарипов айтмоқчики,— давом этган нотиқ.— «Алпомиш»нинг бошқа нусхаларини топиб ўрганмаганимиз учун бу мунозаралар наф келтирмайди ва ҳоказо ва ҳоказо. Ўртоқ Зарипов бу эпоснинг 6—8-синфлар мактаб хрестоматиясига тавсия этилгани ҳақида гапирмади. У ана шу етарли даражада заҳарланган асардан олинган парчалар ўқувчиларимиз таълим олаётган қўлланмаларга киритилганини гапирмади.

Келинг, «Алпомиш» эпосининг шу маънода, ахлоқий мажмуа маъносиди, халқни тасвирлаши маъносиди қандай асар эканлигини бир кўрайлик. Сирасини айтганда, бу ўзбек халқининг юзига қора суртишдир. Бундай асар ўзбек халқини тўхматона тасвирлашда душманларгагина қўл келиши мумкин».

Станишевский бу сўзларидан кейин достондан мисоллар келтириб, ўз хулосасини асослашга уринди. Афсуски, бадий сўзда тўхматчининг тилини куйдириш, оғзида олов бўлиб ёниш фазилати йўқ. Акс ҳолда Станишевский оғзидан отилган гулхандан у мажлис аҳли олдида тирик машъалага айланган бўлармиди?..

Аммо бу кимсанинг оғзидан чиққан «заҳарланган асар», «тўхматона тасвирлаш» каби иборалар ўзини 50-йилларнинг миллий қаҳрамони деб ҳис қилган, тезда хизмат пиллапоясидан осмон бўйи кўтарилган Абдунабиевнинг «Алпомиш»га, уни тадқиқ, тарғиб ва таржима қилган ижодкорларга нисбатан қўллаган сўзлари олдида ҳолва бўлиб қолади. Ҳали чаласавод аспирант бўлишига қарамай, марксча-ленинча талмуддан бўлак нарсани сариқ чақага олмай қўйган бу зот ҳаётининг энг ширин палласини фольклорга, илмга, халққа бағишлаган кишиларга калондимоғлик билан назар ташлаб, уларга сиёсий айб қўймоқчи бўлди.

«Алпомиш» эпоси,— деди у,— кўп йиллар давомида шунинг учун ҳам нашр этиб келиндикки, бу ўртоқлар уни тиш-тирноқлари билан ҳимоя қилиб, унинг қаҳрамонларини ҳар томонлама оқлаб келдилар. Унинг рус ва ўзбек тилларида кўп маротаба нашр этилганини фақат шу ҳол билан изоҳласа бўлади. Бу шахсларни (асар қаҳрамонларини демоқчи.— Н. К.) кўкка кўтаришсиз, таъриф ва тавсиф қилишсиз достон халқ ўртасида ҳеч ҳам обрў-эътибор қозонмаган бўларди. Ва сиз, ўртоқ Зарипов, бунга айбдорсиз!»

Масалани буришни қаранг. Мана энди найзавозларнинг «Алпомиш»ни тарғиб ва ташвиқ қилганларга осилганлари сабаби маълум бўлди. Демак, абдунабиевлар фикрига кўра, уларнинг хизматисиз «Алпомиш» халқ ўртасида обрў-эътибор қозонмаган бўларди.

«Шундай қилиб, «Алпомиш» достонининг маддоҳларини ўзбек халқининг сажияси ва ғоявий йўналиши учун ёт бўлган, халққа қарши асарни тарғиб қилишда айблаймиз!— давом этади терговчи-нотиқ.— Биз Жирмунский, профессорлар Бертельс ва Климовичга, космополит Зариповга, ёзувчилар Мақсуд Шайхзодага, Собир Абдуллага, фольклоршунос Богдановага, доцент Афзаловга, шоир Пеньковскийга сиёсий айб қўямиз!»

Улар ваҳший ва шафқатсиз кимсаларга хос бўлган, аммо ҳар қандай меҳнат аҳлига ёт бўлган хунрезлик, қотиллик, ўғрилик, зўравонлик ва талон-тороғликни меҳнаткаш ўзбек халқига унинг асрий удумлари сифатида ёпиштирмоқдалар. Бу шахслар улуғ ва қаҳрамон совет халқининг бузилмас ва таркибий қисми бўлган менинг ўзбек халқимга тухмат қилмоқдалар...»

Мухтарам муштарий! Сиз бу сўзларни ўқиб, манқус Вишинскийнинг 1937 йилдаги суд жараёнларида тўхмат ва ҳақоратлардан таркиб топган нутқини ёдингизга тушира-

ёгандирсиз. Қаранг, бу нутқлар — тоталитар тузум маддоҳларининг нутқлари — қанчалик бир-бирлари билан ҳамоҳанг. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам халқ номидан сўзламоқда. «Менинг ўзбек халқим»,— демоқда заррача уялмай Абдунабиев ва бу халқнинг асл фарзандларини оёқости қилмоқда. Агар мабодо Абдунабиевнинг ваколоти бўлганда, у ҳам устози Вишинский сингари юқорида номлари саналган барча кишиларни отишга ҳукм қилган бўлармиди?..

Кечирасиз, ҳурматли муштарий! Мен жазавага тушган нотиқнинг «вандал» деган сўзини «ваҳший» деб таржима қилдим. Зеро, маданий ёдгорликларни хароб қилувчи кишини Оврүпода вандал деб атасалар-да, Шарқда, бизнинг Ўзбекистонда, чамаси, шу вақтгача бундай иблислар бўлмаган. Шунинг учун бундай тушунча ҳам ўзбек тилида, менинг тилимда шаклланмаган экан. Лекин «Алпомиш» ҳам, ахир, маданий ёдгорликку, уни ҳам хароб этувчи кишини, масалан, Абдунабиевни қандай аташимиз лозим?..

Бу лирик чекинишдан кейин яна муҳокама залига қайтайлик.

Нотиқ ўзини тамом қораловчи ролида ҳис этиб, давом қилмоқда:

«Бу шахслар мазкур реакцион эпосни қайси мақсадда тарғиб этганларини тўла ва ҳар томонлама тушунтириб берсинлар! Улар «Алпомиш»ни баҳолашда сиёсий саводсиз, сиёсий кўр бўлганларини ёхуд уни атайин тарғиб қилиб келганларини ошқора айтиб берсинлар!

ЗАРИПОВ (залдан). Мен айтдим.

АБДУНАБИЕВ. Йўқ, сиз ҳеч нарса айтганингиз йўқ!..»

Ажабо, бу чаласавод аспирант боланинг ёши отасидан улуғ бўлган ҳурматли зотга бўлаётган муносабатини қаранг! Бундай бадбин кимсалар Шарқда илгари ҳам бўлганми? Шоҳлар ва бекларнинг арзандалари салтанатдаги улуғ зотлар билан шу зайилда гаплашганми экан? Менимча, йўқ.

Бизнинг нотиқ уялмай-нетмай ўша руҳда давом этиб, деди:

«Мен Мақсуд Шайхзода ва Собир Абдулладан сўрайман: Партиямиз ва жонажон ҳукуматимизнинг ғамхўрлигига нисбатан бундай нонкўрлигингиз сабаби нимада? Ўзбек халқига тухмат қилишдан уялмадингизми?»

Нима учун Собир Абдулла халққа қарши «Алпомиш» эпосини музикали драма сифатида қайта ишлаб, уни Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллигига бағишлади? Ё бу нарса Собир Абдулланинг ўзбек халқининг ажойиб санасига қилган совғасими?

Шайхзоданинг миллатчилик руҳидаги хато ва оғишларини биз биринчи марта кўраётганимиз йўқ. У ўзининг қатор бошқа асарларида ҳам жиддий хатоларга йўл қўйган.

Шайхзода Мақсуд! Мен сиздан сўрайман ва талаб қиламан: В. В. Маяковскийнинг «Владимир Ильич Ленин» достонини рус тилидан ўзбек тилига ўгириб, миллатчилик чизигини ўтказганингизда, қандай мақсадни кўзлагансиз? Нима учун сиз улуғ Ленин тўғрисидаги достонни бузиб таржима қилгансиз? Агар дурус таржима қилишга қурбингиз келмаган бўлса, бу ишга нима учун қўл ургансиз?

Шайхзода! Мен сиздан сўрайман ва талаб қиламан: Нима учун сиз Совет Ўзбекистонининг улуғ давлат арбоби, Ленин-Сталин партиясининг содиқ фарзанди, ўзбек халқи қолаверса, бутун совет халқи ҳурмат қилган марҳум Йўлдош Охунбобоев образини «Оқсоқол» достонингизда бузиб тасвир этгансиз? Оташин большевик, коммунизмнинг фаол қурувчиси Йўлдош Охунбобоевни нима мақсадда қолақ, мутаассиб инсон қилиб тасвирлагансиз? Асосий қаҳрамони Кавказ халқларининг қонхўр жобири «Жалолиддин» драмангизни ўзбек адабиётига қайси мақсадда олиб киргансиз? Ниҳоят, сиз «Алпомиш» феодал эпосини қайси ва қандай мақсадда кўкларга кўтариб, тинимсиз тарғиб этиб келгансиз? Сиз қайси мақсадда бизнинг ёш авлодимизни қонхўр Алпомиш мисолида тарбияламоқчи бўлгансиз?..»

Бу заҳарли сўзларни Шайхзода ва Собир Абдуллага КГБ ертўласида зобит терговчи эмас, оддий бир аспирант гапирмоқда; фольклорга, адабиёт илмига, маданият оламига мутлақо алоқаси бўлмаган чаласавод бир мулла гапирмоқда. Лекин бу мулланинг орқасида фақатгина В. Мильчаков қабилдаги шахслар эмас, балки улардан кўра ҳам қудратлироқ куч турар эди. Бу куч Абдунабиевнинг келажигига катта умид боғлаб, унинг қиёфасида фақат Ўзбекистон комсомолининг биринчи котибини эмас, балки ундан кўра ҳам муҳим лавозим соҳибини кўрарди. Агар орадан бир йил ўтгач, Сталин ўлиб, сталинизм парчаланмаса, у албатта, катта лавозимга миниб, халқимиз бошига бундан минг маротаба оғир савдоларни туширган бўларди.

Агар эътибор бераётган бўлсангиз, нотиқ, «Алпомиш» достонидан кўра, бу асар билан ҳормай-толмай шуғулланган, унинг ўзбек ва рус китобхонлари ўртасида катта эътибор қозонишга ҳисса қўшган муҳтарам сиймолар тўғрисида кўпроқ гапирмоқда. Бунинг боиси шунда эдики, «Алпомиш» достонининг муҳокамаси муайян сиёсий давраларда тайёрланган спектакль бўлиб, бу давралар Абдунабиев сингари унсурлар ёрдамида ўзбек халқининг Чўлпонлардан кейин ўсиб етилган зиёкор ва ижодкор авлодини каллакламоқчи, омон қолганларни эса тирик мурдаларга айлантирмоқчи эди. Абдунабиев ўша сиёсий давралар топган, тарбиялаган ва улар хизматига сўзсиз камарбаста бўлган, дўппи деганда каллани сапчадек узиб келадиган содиқ бир саллот эди. Бу



айтганимиз спектакль эса Шайхзода, Шухрат, Саид Аҳмад, Шукрулло, Мирзаалон Исмоилий, Ҳамид Сулаймон, Енғин Мирза, А. ва Н. Алимуҳамедовлар ҳамда бошқа ўнлаб маърифат аҳллари қамалган пайтда, ё қамалишлари арафасида кечаётган, ана шу «қама-қама» жараёни билан узвий боғлиқ эди. Шу маънода муҳокама қандайдир одатдаги илмий анжуман эмас, балки тоталитар тузум қатағон машинасининг ҳаракати билан боғлиқ сиёсий тадбир бўлди.

Биз фойдаланган муҳокама материаллари орасида, юқорида тилга олинган нутқ ва маърузадан ташқари (улар тайёр матнлардан ўқилгани сабабли тезэзарлар томонидан битилмаган), 50-йилларда институтга раҳбарлик қилганлардан яна бири — Солиҳ Қосимовнинг сўзи йўқ. Бу нотиқнинг сўзи махсус туширилиб қолдирилган бўлса ажаб эмас. Зеро, С. Қосимов ўзи эгаллаган лавозимни зиёд ушлаб туриш учун 50-йиллар руҳида иш тутган.

Қолган нотиқларнинг сўзларини эса уч гуруҳга ажратиш мумкин. Тарихчи Берестнев, адабиётшунос Фулом Каримов ва фольклоршунос Мансур Афзалов ўртоқлар гарчанд «Алпомиш»ни қоралаш жараёнида четда турган бўлмасалар-да, на илмга, на дўстларига хиёнат қилмасликка ҳаракат қилганлар. Иккинчи гуруҳ (Михаил Салье ва Маҳмудали Юнусов) ўзбек фольклорининг бошқа намуналари, хусусан «Гўрўғли» дostonларига ҳам танқидий назар ташлаш ғоясини кўтарганлар. Охунжон Собиров бу сўнги таклифнинг адолатли эканини исботлаш ниятида «Зулфизар ва Авазхон» дostonини «таҳлил» қилиб, қиймалаб, у ҳам «Алпомиш» сингари зарарли асар, деган хулосага келган. «Ўртоқлар,— деган у,— менимча, бу ерда ўртоқ Зарипов раҳбарлик қилган Тил ва адабиёт институти босиб чиқарган бу дostonнинг зарарли эканини исбот қилишга ҳожат бўлмаса керак...» Агар Охунжон Собиров нутқига эътибор берсак, асосий тиғ халқ дostonидан кўра кўпроқ унинг нашр этилишига сабабчи бўлган Ҳоди Зариф кўкрагига қаратилгани ва нотиқнинг бу хатти-ҳаракатлари кимларнингдир томонидан идора қилиб турилгани сезилади. Худди шундай ғаразли ният, Шайхзода ва Ҳоди Зарифни оёғидан чалиш истаги Ҳомил Ёқубовнинг нутқида ҳам аён товланиб турган.


Хуллас, 1952 йилнинг 28 ва 31 март кунларида бўлиб ўтган муҳокамадан кейин ўзбек халқининг ажойиб оғзаки ёдгорликларидан бири — «Алпомиш» дostonи «халққа қарши асар» деб эълон қилинди. Дoston китоб дўкони пештахталаридан, кутубхона жовонларидан йиғиштириб олинди. Шайхзода ва Ҳоди Зариф иши билан шуғулланиш эса, чамаси, тегишли идораларнинг зиммасига тушди.

#### ХУЛОСА ЎРНИДА

Бу йил «Алпомиш» дostonига лаънат тамғаси босилганига 40 йил тўлди. Бу ҳам ўзига хос «юбилей». Бу шармандали жараёнда иштирок этган ва «Алпомиш»ни бадном қилган кимсаларнинг аксарияти аллақачон ҳаётдан кўз юмган. Шунинг учун ҳам эски гапларни қўзғаш кимларгадир эриш туюлиши мумкин. Лекин умри, Абдулла Орипов айтмоқчи, итлар қуршовида ўтган карвонлар — Шайхзода ва Ҳоди Зариф сингари алломаларнинг порлоқ хотираси ҳурмати, жабрдийда маданий обидамиз «Алпомиш» ва уни асрлар давомида айтиб, авлоддан-авлодга қолдириб келган бахшиларимиз ҳурмати халқимиз тарихининг бу шармандали саҳифасини унутмаслигимиз лозим.

Баъзи журналхонлар ўтган кунларни ҳадеб титкилаш шартми, бу нарса ҳозирги ёшлар наздида ижод ва илм аҳлларини обрўсизлантирмайдими, деб ўйлашлари мумкин. Бизнинг мақсадимиз ҳеч кимни ёмонотлик қилиш эмас, Ниятимиз шуки, ҳозирги ва келажак авлод зулм системаси чинакам ижодкор ва олимлар бошига не кунларни солганини, одамларни бир-бирига ёв қилиб қўйганини билсин. Бундай даҳшатлар бошқа тақдорланмасин! Тоталитар тузумнинг халқимиз ва маданиятимиз бошига солган кулфатлари ёдимиздан чиқмаслиги керак. Ва, энг муҳими, мустабид тузумнинг калтагига айланиб, улуғ сиймоларимиз ва маданий дурдоналаримиз бўйнига ташланиш иллатидан бир умрга халос бўлайлик.

Қаршимизда XXI асрнинг Мунаввар дарвозаси турибди. Биз бу муборак дарвозадан қусурларимизни, иллатларимизни қолдирган ҳолда ўтиб, улуғ Одамзод Карвонига муносиб эл сифатида қўшилайлик.



Юнус Мақсудий

## ҚОДИРИЙ, ЧЎЛПОН ВА БОШҚАЛАР

Адабиётшунос олимларимиз-мунаққидларимиз Абдулла Қодирий, Чўлпон, Элбек, Усмон Носирнинг ноёб қобилиятлари ва ўлмас асарлари ҳақида авлодларимиз учун жуда қимматли маълумотларни ёритмоқдалар. Бунинг учун уларга ҳар қанча таҳсин ўқисак-да, озлик қилади. Лекин биз адибларимизни инсон сифатида нечоғлик биламиз? Мен ўз сўзимда у зоти-шарифларнинг баъзи фазилатлари ҳақида гапирмоқчиман.

Абдулла Қодирий бағри кенг, садоқатли, халқимизга ўта меҳрибон, баркамол, ҳожатбарор, чин инсон эдилар.

У зотнинг ўзлари меҳмон чақиришни яхши кўрсалар-да, шоҳона зиёфатларга боришни, тантанали мажлисларда иштирок этишни ва баландпарвоз гапларни тинглашни ёқтирмас эдилар. Машҳур ёзувчимиз кишилар бойлиги ва лавозимини писанд этмай, фақат одамийлигига қараб муомала қилардилар.

Дўстларининг аксарияти адабиёт, дин арбоблари, ишчилар, деҳқонлар, косиблар, кўнчилар ва бошқа касбдаги шинаванда чапанилар эди. Ўзларида ҳам сезиларли даражада чапанилик бор эди. Машҳур боғбон Иноғомжон ота билан яқин муносабатда бўлганига кўп бор шоҳидман. Боғ парвариши ҳадисини у кишидан олган бўлсалар ажабмас.

Абдулла Қодирийнинг топиш-тутишлари яхши, қўллари ҳамиша очиқ, сахий эди, шунданми турмушлари ҳам ўртача кечар эди.

1933 йили мамлакатда очарчилик ва қаҳатчилик юз берди. Мен ёзги таътилга чиқиб, Москвадан Тошкентга келдим ва ўша кунгидея Абдулла Қодирийни кўргани уйларига бордим. У киши қопчиқ кўтариб дарвозаларидан энди чиққан эканлар. Мени кўриши ҳамона қопчиқни ерга қўйиб:

— Э, қадамнинг қутлуғ бўлсин, қанчадан бери соғиниб юрган эдим. Кел, жигарим, — дея мен билан қучоқлашиб кўришдилар (авваллари қўл бериб кўришардилар). — Қани, ичкарига юр!

Мени шийпонга бошладилар, чой устида ҳол-аҳвол сўрашдик. Чўлпонни суриштирдилар. Мен Чўлпон бериб юборган икки бўлак ширин кулча (печенье) ва мактубни бердим. Мактубни ўқигач, узоқ хўрсиндилар-да:

— Чўлпоннинг ўз таъбири бўйича айтсам: «фақат мажнун бўлиб эли севаман», деганлар учун ғурбатда яшаш оғирлик қилади, — дея хатни менга узатдилар.

Мактуб мазмуни ниҳоятда ғамгин бўлиб, унинг ниҳоясида қуйидаги тўртлик ҳам ёзилган экан:

Ватандан дарбадар бўлдим, ғарибман, ошиёним йўк,  
Паришон ҳолимни сўрғучи руҳи равоним йўк.  
Тирикман, ўлмаганман, лекин инсонликда соним йўк,  
Агар қатл этсалар, девона Машрабдек тавоним йўк.

— Сен бунда дам олиб ёт. Уйда егулигимиз охирлаб қолибди, мен бултурги ҳосилдан қолган маккани ун қилдириб қайтаман, сўнг мазза қилиб гурунглашамиз, — дедилар.

Мен унамадим. Бирга Чуқуркўприкдаги Маҳмуд Сарикнинг тегирмонига бориб, ун қилиб қайтдик. Уша бир пуд чамасидаги ундан тўрт коса унни олиб, тўрт қўшнисиникига чиқариб юбордилар.

— Нима қиялпсиз? — деб ҳайрон бўлиб сўрадим.

— Бу қўшниларибга берилаётган кафсан, — дедилар.

— Унда менга берадиган кафсанингиз қани? — дедим ҳазил аралаш.

— Сен кафсанга муҳтож эмассан-да.

— Мен берган кафсанингиз савобига муҳтожман, — дедим.

— Ҳа, майли, савобига сен шерик бўлақол, — деб жилмайиб қўйдилар.

Хулоса қилиб айтганда, бундаин саховат, олижаноблик, бундаин чин одамийлик ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди, айниқса, очарчилик йилларида! Айнан шундай ноёб фазилатлари учун Абдулла Қодирийни туғишган акамдан кўра зиёдроқ ҳурматлар эдим.

...1936 йилнинг ёз кунларидан бирида, Абдулла Қодирий бир болага мени зудлик билан айтиб кел, деб тайинлаб юборибдилар. Тезда уйларига етиб борсам, ёлғиз ўзлари шийпонда чой ичиб ўтирган эканлар.

— Хайриятки уйда экансан, зап вақтида етиб келдинг. Энди, гап бундоқ, иним. Чойдан сўнг тайёргарлик кўрамиз. Кечга меҳмонлар келишади.

У кишининг меҳмондўст одам эканлигини билардим. Рўзғорбоплиги ҳам ҳавас қилса арзигулик эди. Аммо меҳмон кутишда асло исрофгарчиликка йўл қўймасди.

Ҳаял ўтмай эшикдан кўркам, салобатли бир киши кириб келиб, Абдулла Қодирий у билан ҳазил-мутойиба қилишганча, қучоқлашиб кўришдилар. Сўнг мени:

— Бу йигит менинг тутинган иним, Москвада ўқийди, таътилга келган, — дея та-ништирдилар.

Чойдан сўнг Абдулла Қодирий кўрғончага кириб, ҳадеганда қайтиб чиқавермадилар. Бу орада мен меҳмон билан гаплашиб ўтирдим. Меҳмон ниҳоятда сўзга чечан экан. Мен ийманиброқ турдим. Меҳмон мени қайси институтда ўқийшимни сўраб билгач: «Ҳа, мен сизни ғойибона танийман, сиз иккинчи курсни битириб, учинчи курсга ўтдингиз. Шундайми?» деди. Бу ҳам етмагандек, Москвада талабаларнинг қайси институтда, қайси курсда таълим олаётганини ҳам янглишмай айтиб берди. Мен ҳанг-манг бўлиб қолдим. Шу аснода Абдулла Қодирий бир лаганда қўрада пиширилган дунбул жўхорини олиб чиқиб, ўртага қўйдилар. Зўр иштаҳа билан едик, ундан сўнг мошхўрда олиб чиқдилар. Меҳмон мошхўрдани мақтай-мақтай биз билан бирга тановул қилди. Сўнг Қодирийдан изн сўраб, хайрлашди, биз кузатиб қолдик. Мен Абдулла Қодирийга бу ўртоғингиз фолбинми дедим-да, у киши билан бўлган суҳбатимизни сўзлаб бердим.

— Бу меҳмон Москвада, Миллатлар халқ комиссарлигининг юқори лавозимида кўп йиллар ишлаган Абдулҳай Тожиев деган киши. Жуда зийрак, хотираси зўр, ақли расо, дилкаш, бутун умрини халқимиз, ватанимиз равнақи йўлига тиккан, юрт бойлиги, мунавварлиги учун жонини аямайдиган одам, — дедилар. — У ҳозир Тошкент шаҳар ижроия қўмитасига раис қилиб тайинланган. Келгусида Файзулла Хўжаев ўрнига ўтса ҳам ажаб эмас.

Мен, Абдулла Қодирийнинг Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев билан яқин дўст бўлганларини сезардим, лекин улар тўғрисида ҳеч нарса гапирмас эдилар. Негадир шу дамда жуда очилиб кетдилар шекилли: «Хўб, яхши раҳбарларимиз бор», деб яна бир воқеани гапириб бердилар.

— Яқинда Акмал Икромов мени чақириб, «Ўтган кунлар» романингизни қайта нашр қилсак, шу шарт биланки, сиз Юсуфбек ҳожининг руслар улуғ ёвимиз, деган жойини ҳамда Отабекнинг русларга қарши жангларида ҳалок бўлгани каби ўринларини таҳрирдан ўтказсангиз, сизга ўттиз минг сўм берар эдик, деди. Мен агар сиз айтган ўринлар олиб ташланса, роман романликдан чиқиб, сариқ чақалик ҳам қиммати қолмайди, деб жавоб қилдим. Акмал Икромов фикримга қўшилди.

Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев ва Абдулҳай Тожиев сингариларни аксилинқилобчи, миллатчи ташкилотларнинг аъзолари деб қораладилар. Халқ дўстларини — халқ душманлари дея бадном қилиб отиб ташлаган замон, ахир қандайин замон? Сталин замонасининг қонхўрлик кирдикорлари халқимиз юрагида битмас-туганмас жароҳат бўлиб қолди.

Кечки пайт Ғулом Зафарий, Ғози Юнус, Чўлпон, Элбек, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ғайратий, Санжар Сиддиқ, Юсуф Латиф ва Собир Абдулла кириб келишди. Шийпонда ўтириб қурган суҳбатимиз аста-секин қизий борди. Чўлпон йиғилганларга қарата:

— Эй, менинг майпараст дўстларим! Мана, майхонага жам бўлдинг. Ихтиёрни соқийга берамиз. Май соқийдан, сархушлик биздан, — деб Фулом Зафарийга таъзим қилди.

Чўлпон шийпонни майхона, суҳбатни май, йиғилганларни майпарастлар, мажлис бошлиғини соқий, деб ўхшатиш қилган эди. Суҳбат Фафур Фулом, Ғайратий, Собир Абдулла ва Элбек шеърларини ўқиш билан бошланди. Сўнгра Собир Абдулла халқимиз руҳига сингишимли бўлган аруз вазнида шеърлар ёзишни кенг тарғиб қилиш кераклигини таъкидлади.

Юнус Латиф янги усулда шеър ёзиш ҳозирги замонамизга мос тушади, аруз вазни эскириб қолди, деб эътироз билдирди. Ғози Юнус, Юнус Латифни қаттиқ танқид қилди. Абдулла Қодирий билан Ғози Юнус бир-бирларига қарама-қарши мақолалар ёзишса ҳам, аслида ҳар иккови бир-бирига меҳрибон кишилар эдилар.

Абдулла Қодирий ҳам Ғози Юнуснинг фикр-мулоҳазаларига юз фоиз қўшилиб. Юнус Латифнинг хато йўлдан бораётганини айтди ва Ғози Юнусдан сабоқ олишга ундади.

Чўлпон Навоий даврида Хирот шоирлар масканига айланганлигини завқ билан гапирди. Бизда ҳам зўр истеъдодли шоир, ёзувчилар етишиб чиқишига аминлигини изҳор этди. Ниҳоят, Усмон Носир ижодига тўхталиб, замонамизнинг етук шоири, деб баҳолади ва унинг шеърларидан айримларини ўқиб, бу шоирга тан берса бўлади, деди.

Таржима соҳасининг билимдони, журналист Санжар Сиддиқнинг фикр-мулоҳазаларини диққат билан тинглаб, ҳаммалари ундан мамнун бўлдилар.

Утириш ниҳоясида Фулом Зафарий:

— Ҳозирги вақтда ижодкорларимиз биров бўлса-да, енгил нафас ола бошладилар. Ёзажак асарларимизни тилдан эмас, дилдан ёзайлик. Муроси мадора деб, буюртма асар ёзишни бас қилайлик, — дея Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон» асари ва Чўлпоннинг айрим шеърларини танқид қилди.

Абдулла Қодирий билан Чўлпон Фулом Зафарий фикрига қўшилдилар шекилли, унга ҳеч қандай эътироз билдирмадилар.

Абдулла Қодирий йиғилганларга миннатдорчилик билдириб, келтирилган овқатга ундади. Овқатдан сўнг яхши ниятлар тилаб тарқалишди. Абдулла Қодирий ҳар йили, ёзнинг айна пишиқчилик палласида диний арбоб, арабшунос Заҳриддин Аълам, бедилшунос Аловиддин махсум, навоийшунос Нодирхон махсум ва кекса авлодга мансуб бўлган шоирлардан Тавалло, Хислат, Мискин, Тошқин ва шу каби яқин биродарларини меҳмонга чақириб тарих, тиббиёт, мантиққа оид масалалар ҳақида суҳбатлашардилар. Заҳриддин Аълам Муҳаммад пайғамбар ҳадисларини, Саҳиҳ Бухорий ва ат-Термизий асарларини муҳокама қилар, Аловиддин махсум ва Нодирхон махсум Бедилу Алишер Навоий асарларини, улардаги ислом динига тааллуқли жойларини ўқиб тафсил қилишарди. Халқимиз тарихини пухта билган адиб диний урф-одатларга ҳурмат билан ёндашарди. Аммо бидъату хурوفот билан асло чиқиша олмасди. Адибнинг бу фазилати асарлари қаҳрамонлари табиатида ҳам кўчган.

Менинг мазкур соҳадаги маълумотим оз бўлганлиги учун сукут сақлаб тинглардим. Абдулла Қодирий эса, улар билан бемалол баҳслашар ва баъзан ўзининг билимдонлигидан дўстларининг олқишларига ҳам сазовор бўлар эди. Уларга дастёрчилик қилишдаги нозик хатти-ҳаракатларни Абдулла Қодирийдан унча-мунча ўрганган бўлсам-да, мавлоноларга бекаму кўст хизмат кўрсатиш менга хийлагина оғир кўчар эди. Чунки Абдулла Қодирий ҳар бир суҳбатга бутун вужуди билан берилиб, меҳмонларни қай тариқа кутишни тамомила менинг ихтиёримига ташлаб қўярдилар. Уларнинг йиғилишлари жума кuni эрта билан бошланиб, шом намозидан сўнг тугар эди. Намозларини ҳам шийпонда ўқишар эди. Шу аснода бир нарса эсимга тушиб қолди. Мўминжон Муҳаммадҷон ўғли Тошқинни дўстлари орқаворатдан Мўмин кофир дейишар эди, бир гал у кишиям намоз ўқигани гувоҳи бўлганман. Унга Абдулла Қодирийнинг даъватлари қор қилган бўлса ажабмас.

...1937 йилнинг охирларида Тошкентга келсам, юрт алғов-далғов. Қама-қама авжга минган экан. Маҳалламизда Миромил деган дўстим бор эди, у менга: «Сени уч-тўрт марта сиёсий идора ходимлари сўраб келишди. Мен ва маҳалла фаоллари сенинг бу ерда эмаслигини айтганимиздан сўнг, мабодо келиб қолгудай бўлсанг, уларга хабар қилишимиз тўғрисида тилхат олиб кетишди. Сен ҳеч кимга кўринмай шу бугуноқ Тошкентдан чиқиб кет», деди. Мен ўша заҳотиёқ Мирзачўлнинг овлоқ бир қишлоғида яшайдиган танишимни қора тортиб, Тошкентдан чиқиб кетдим ва ўша ердаги бошланғич мактабда ўқитувчилик қилдим. Ниҳоят, эл-юрт бир оз тинчигач, яна Тошкентга қайтиб келдим. Сочимни тақир олдириб, кийим-бошларимни ҳам ўзгартириб, муллавачча сифат ўқитувчи бўлиб ишлаб юрдим. Шу-шу Қодирий ҳазратларини бошқа кўрмадим.

\* \* \*

Мен, Абдулла Қодирий ҳақида ўйласам, дарҳол Чўлпон кўз ўнгимда гавдаланади. Назаримда, уларнинг маслаклари ҳам, қаро тақдирлари ҳам бир-бирига эгизакдек: ҳар

иккисининг азиз бошлари тухмат ва маломат тошларига нишон бўлди. Мумтоз қалам-кашларга ғаразгўй, имонсиз, виждонсиз кимсалар тегиб ўтдилар, тегмаганлари кесак отиб ўтдилар. Илондан кўрққан ола арқондан чўчийди, деганларидек ҳозирги кунда ҳам Чўлпон ижодини холисона талқин этишдан чўчийдиганлар орамизда йўқ эмас. 20—30-йилларда ҳақ ва ҳақиқат кўзига тик қараб Чўлпоннинг бетакрор қобилият соҳиби экани, асарлари, айниқса бадий жиҳатдан юксаклигини ошқора айтган диёнатли олим-мунаққидларимиздан Абдулла Авлоний, Вадуд Маҳмуднинг фикр-мулоҳазалари бу кунларда ўз ифодасини топди, деб баралла айта оламиз. Унинг асарлари халқимиз дилига Чўлпон — тонг юлдузидек нур сочиб турибди.

Мен Чўлпон билан 1929 йили танишган бўлсам-да, 1932—1935 йиллари Москвада ўқиб юрганимда у билан дўстлашиб қолган эдим. Ҳафтада икки-уч марта кўришиб, эзилиб-ёйилиб суҳбатлашардик.

Чўлпон оддий кийингани билан салобатли кўринарди, қадди-қомати келишган, теран фикрлайдиган зўр қаламкаш сифатида танилган эса-да, мен билан сирдош эди, хуш муомалада бўларди. Чўлпоннинг унча-мунча санъаткорлик қобилияти ҳам бор эди. Чўлпон менга «Гамлет» асари таржимасини ўқиб берган ва Ҳамза номидаги академик драма театрининг қайси актёри қайси ролни ижро эта олишини айтган эди. Мен Тошкентга келиб «Гамлет»ни кўргач, Чўлпоннинг дидига қойил бўлдим. Чўлпон ўзининг «Қаландар ишқи», «Галдир» деган шеърларига ўзи куй басталаган эди. Хонандаликдан ҳам бироз хабари бор эди. Узаро суҳбатларимиз асносида паст пардада, айниқса, «Шашмақом»дан хиргойи қилишардик. Аммо гурунгимизнинг кўпроқ қисми шеърят бобида кетарди.

Бир суҳбатда Чўлпон менга:

Вафо расмин билиб билмазлига солмоқда жононим,  
Жафо расмин қилиб қилмазлига солмоқда ҳоконим, —

деб бошланадиган шеърини ўқиб берди. Шубҳасиз, шеърдаги ҳоқон золим Сталин эди.

Чўлпон Сталин сиёсатидан зорланиб ёзган шеърларини менга ўқиб берар ва дарҳол йиртиб, ёқиб юборарди. Сўнг дафтар ҳошиясига «бу шеърнинг мазмунини оловлардан сўра!» деган жумлани ёзиб қўярди. У, Абдулла Қодирий билан бир қаторда Абдулла Алавий билан ҳам жуда яқин сирдош-дўст эди, шу боисдан, унинг бевақт вафоти шоирга ҳаддан ташқари оғир мусибат келтирди.

Чўлпон Абдулла Алавий вафотидан сўнг ҳам унинг онаси ва жияни Музайяна Алавия билан хат орқали мунтазам алоқада бўлиб турди. Кунлардан бирида ўғлининг вафотига бағишлаб онаси ёзган марсияга Чўлпон мухаммас боғлаб, менга ўқиб берган эди. Тўхтасин Жалолов ўзининг «Ўзбек шоиралари» деган китобида мухаммасни Абдулла Алавийнинг онаси ёзган дея эълон қилибди. Мен бундан хайрон қолиб, у кишига: — Домла, бу мухаммас Чўлпонники-ку, нега уни инкор этдингиз, ахир!

Чўлпон қошида ой эди, юлдуз эди, у бир  
Шўрлик она ҳар қанча куйиб йиғласа арзир, —

деган жойини Чўлпон эмас, «дўстлар» деб босмага берибсиз! — дедим.

— Ука! Чўлпон номини тилга олсам мухаммас босилмас эди, — деди у киши.

— Барибир бу ишингиз яхши эмас, — дедим-да, хайр-маъзурни насия қилиб кетди. Менда мухаммаснинг асл нусхаси бўлмагач, шу кунгача сукут сақлаб юрдим. Хайриятки, Чўлпоннинг жиянида ўша шеърнинг асл нусхаси бор экан, у матбуотда эълон қилди. Энди ҳассос шоирнинг матбуотда босилмаган, аммо халқ қулоғига етиб борган икки шеъри ҳусусида тўхталмоқчиман.

— Мен Ҳамза номидаги академик театрида адабий эмакдош эдим. Театр аҳли билан пахтакорларга концерт бериш учун колхозга чиқдик. Вақтдан фойдаланиб, мен деҳқонлар билан суҳбат қурдим. Улар, оғир меҳнатимиз эвазига етиштирадиган пахта-мизга оз ҳақ тўлайди, шунинг учун турмушимиз ниҳоятда ночор, деб менга шикоят қилишди. Шунда уларни фикрига ҳамоҳанг мана бу шеърни ёзган эдим, — деб Чўлпон менга қуйидаги шеърни ўқиб берди:

Пахтажон, пахта  
пахтаки махта  
олувчи айғир,  
сотувчи ахта.

— Санъаткорлар билан Свердлов номидаги театр биносида делегатларга томоша кўрсатиш учун бордик. Мажлис чўзилиб, артистлар зерикиб қолишган эди. Шунда мен ерда ётган «Эпоха» папиросининг бўш қутисига мана бу:

Бундай «Эпохани чекиб тугатинг!  
Куллари кўкларга соврилиб кетсун!  
Бу, тутқин эзилган ўзбек боласи  
Оловсиз, тутунсиз кунларга етсун!

шеърни ёзиб, улари хушлаш учун ёкиган эдим. Бу икки шеър учун бошимда сон-саноксиз калтаклар синган, — деди шоир хўрсиниб.

Кизиққанлигимни англаган шоир, давом этди:

— Бир куни мени Москвадаги Ўзбекистон ваколатхонасига чақириб, Файзулла Хўжаев раислигида ўртоқлик суди қилишди. Москвадаги коммунистлар университетининг бир талабаси, айниқса, «Эпоха»га ёзган шеъримни қаттиқ қоралади. Ниҳоят, менга сўз берилгач; «Шеърни папирос кутисига «Эпоха» номи қўйилганига норози бўлиб ёзган эдим», деб Файзулла Хўжаевга юзландим. «Сиз ҳамда ўртоқ Охунбобоевнинг номи ва сувратларингиз туширилган папиросларни кашандалар: Файзулла Хўжаев 5 тийин, Охунбобоев 4 тийин, деб кўчаю бозорда бақириб-чақириб юрибдилар. Менинг бир айбим бор, у ҳам бўлса Ўзбекистонда туғилганим», дедим. Суд менга огоҳлантириш берди. Суддан сўнг Файзулла Хўжаев ёнимга келиб: «Сиз бу ишимиз учун ранжиманг! Мен сиз тўғрингизда уюштирилган шафқатсиз ҳужумларни юмшатиш учун бир тадбир тариқасида, бу ўртоқлик судини шахсан ўзим уюштирган эдим», дея кўнглимни кўтариб қўйди. Шундан сўнг Чўлпоннинг Ўзбекистонга қайтишига йўл очилган бўлса ажаб эмас.

1933 йили Москвадаги Катта театр филиалида Лермонтовнинг «Демон» асари асосида қўйилган операни Чўлпон билан бирга томоша қилдик. Шунда Чўлпон менга «Демон»ни таржима этиш нияти борлигини айтган эди. Бир гал Чўлпондан:

— «Демон»ни таржимаси нима бўлди, — деб сўрадим.

— «Демон»ни Усмон Носир шундайин қиёмига келтириб таржима қилибдики, ўқиб бошим кўкка етди. Хоҳласанг сен ҳам ўқиб кўр! — деб таржимани кўлимга тутқазди.

Чўлпон Шекспир ва Рабиндранат Тагор руҳиятини яхши тушунгани каби Усмон Носир ҳам Лермонтов асари руҳини пухта ўзлаштириб, Лермонтов бўлиб ўзбекчага ўгирган экан. 1931 йили Чўлпон тўғрисида дўстларидан бирининг мақоласи матбуотда босилган эди. Унда Чўлпоннинг ижодига, қобилиятига, услубига юқори баҳо берилган, аммо мақола охирида Чўлпонни ноҳақ қоралаган эди. Шунда Чўлпон менга мақолани ўқиб бериб:

— Тош бўронларга бардош бериб келаётган шўрлик бошимга бу ҳам кесак ёғдирибди, — деди-да, Фузулийнинг:

Мени расволиғимда дўстлар таън этди, душман ҳам,  
Бу етмазмики, бир дард орттурурсан дардима сан ҳам,—

деган шеърини ўқиб, чуқур уҳ тортган эди.

Чўлпон ҳар қанча тушқунликка тушса ҳам, халққа суянарди. Шунинг учун ҳам ўқтин-ўқтин «хўб яхши хислатларга бой бўлган ажойиб халқим бор», деб фахрланиб кўярди.

Дарвоқе, Чўлпон Фузулий шеърятининг чин ошиқларидан эди. Унинг халқ орасида Навоий каби машҳурлигини эътироф этиб, «Фузулийнинг пичинглари» деган бир мақоласида ўзининг фикрларини билдирган эди. «Мен ўйлайманки, турк тилида ёзган ва биз билган (ўзбекларга танилган) классик шоирлар орасида Фузулий ўзининг самимийлиги, куйуб, кўнглидан олиб ёзиши билан алоҳида ўрин тутади. Фузулий ғазалларининг самимийлиги, ёниқлиги ва оташинлигини унинг ижоди ҳақида ёзганлар бир оғиздан деярлик тасдиқ қиладилар. Лекин мен унинг шу ёниқлиги ва оташинлигини янада олдинга қўймоқчиман. Фузулийдан гапирганда, унинг дард-аламидан, унинг чанги осмонга чиқишидан, чуқур маъноларга эга бўлган фалсафий нолишларидан бўрттириб-роқ гапириш лозим келади. Мана тўрт йўл нарсасини (рубойисини) кўринг:

Ҳар дамки баҳор қилди оройиши боғ,  
Новмидлик урди лолаваш бағрима доғ,  
Зеро тикон узра дутди булбул маскан,  
Гул бод гузар чохида ёндирди чироғ.

(Кўклам боғларни ясантиришга бошлаган чоқларда, ҳамма вақт бир умидсизлик келиб менинг кўксимга лоланики сингари доғ уради. Нега десангиз, булбул ўз масканини тиконлар орасига қуради-ю, гул бориб ўз чироғини шамол ўтадиган йўлда ёндирди.)

Идеалист фалсафа тарафдорлари, айниқса билимдон мутасаввуфлар нима деса десинлар, бу тўрт йўлдаги шикоят, ўз даврига кўра, дунёнинг текиссизлигидан қилинган шикоятдир».

Ҳассос шоир ҳам Абдулла Қодирий каби йиғинларда айтадиган фикр-мулоҳазаларини ақл тороzusида ўлчаб, сўнг муҳокамага ташлар эди. Аксари ҳолларда ҳар қанча қаршиликлар бўлса-да, ўз фикрида собит қолар, пировардида билдирган фикри тасдиқланар эди. Тахминан 1938 йилнинг охирлари эди. Қариндошларни кўргани Тошкентга келган эдим. Уша куниёқ қайтиш учун кечки пайт вокзалга яёв кетаётганимда Горький номидаги истироҳат боғи олдида Чўлпоннинг аёлини учратиб қолдим.

Катя мени кўргач, холироқ жойдаги ўриндиққа бориб ўтирди. Мен бориб сўрашдим. У, мандан:

— Акангни қамалганидан хабаринг борми? — деб сўради.

— Хабарим бор, бироқ уингга бориб, холингни сўрашга ботина олмадим, — дедим мен.

— Яхши қилгансан, бизникига борганларнинг ҳаммасини таъқибга олишди. Ҳатто бизга сут келтириб берадиган оддий аёлни ҳам олиб бориб сўроқ қилишибди. Хуллас, аканг туҳмат-бўхтонлар балосига гирифтор бўлди. Мени ҳам неча бор сўроққа чақиришди. Мен, эримга қўйилган айбларнинг барчаси ёлғон-уйдирма, унинг ҳеч қандай айби йўқ, деб ҳақ гапни қайта-қайта такрорласам-да, ишонишмади, — дея қамалиш воқеасини сўзлаб берди. — Бир кун Чўлпон кечаси соат ўн иккиларда уйга қайтди, кайфияти жуда тушкун эди. Мен овқатини олдига қўйиб, дам олгани нарига хонага кириб кетдим. Бир ухлаб, тахминан кечаси соат уч-тўртларда турсам, у қўйиб кетган овқатимни ҳалигача емай хаёл суриб ўтирган экан. Мен: «Тинчликми?» деб сўрадим. У: «Мени бир неча ёзувчию шоирлар тўғрисида уюштирган уйдирма айбларга гувоҳ тариқасида НКВДга чақиришган экан. Сиз фалончи-фалончилар ҳақидаги фикрларимизни қувватлаб гувоҳлик берсангиз, сизни биз мудофаа қиламиз. Сиз ҳамма вақт озонликда бўласиз! Акс ҳолда устингиздан жиноий иш бошлашга тўғри келади. Сизни осмонга кўтариш ҳам, ерга киргизиб юбориш ҳам қўлимиздан келади, дейишди. Мен, ҳатто душманимни ҳам қоралаш учун сохта гувоҳлик беришдан ҳазар қиламан, гуноҳсизларни гуноҳкор этиш сизларнинг қўлингиздан келади. Аммо мен бундай қила олмайман, чунки менда имон бор, менда виждон бор, дедим. Майли, ихтиёр ўзингизда, биздан хафа бўлманг, деб мени бўшатиб юбордилар, деди. Орадан уч кун ўтгач, Чўлпонни қамаб қўйишди.

Менинг узоқ қишлоққа кетиш фикрим Катяга ҳам маъқул тушди.

— Балки бир-биримиз билан умрбод кўришмасмиз. Фақат бир-биримиздан рози бўлайлик, — деб йиғлай-йиғлай хайрлашдик.

\* \* \*

Элбекнинг Ғулom Зафарий, Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Абдулла Алавий билан яқин дўст эканлигини биринчи кўрганимдаёқ ҳис этган эдим. У суҳбатдош дўстлари доирасида катта обрўга эга эди. Ўзбек, умуман турк ва форс адабиёти тарихи ва назарияси билимдони экани гурунглариимизда билинар эди. Элбек қочирма, киноялар билан сўзлашганда, қайси сўзнинг қандай талаффуз қилинишига аҳамият берар, бунинг устига суҳбат чоғларида содда тилда гапиришни ёқтирар эди. Элбекнинг билимдонлигига Қодирий ҳам, Чўлпон ҳам тан берарди. Шоир Элбек турк ва форс адабиёти ва назариясини пухта билган алломаларимиз — Фитрат ва Абдулла Алавий каби олим ҳам эди. Мен 1930 йили Элбек билан иккинчи марта ҳам Абдулла Қодирийникида кўришдим. Бу сафар у мен билан узоқ суҳбатлашгач:

— Сени отангни танийман, отанг Бедил шеърлятига муккасидан кетган шинаванда эди, мана сен билан дўст бўлиб қолдик. Хўп десанг, ҳафта сайин кўришиб, суҳбатлашиб тураимиз, сен менга адабиёту тарихга доир ечими мушкулроқ саволлар берасан, мен баҳоли қудрат жавоб бераман. Навоий бобомиз айтмишлар: «Билмаганини сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим». Ана шунда кишининг фикрлаш туйғуси камолга ета боради. Вақти билан ўзим ҳам саволлар ёзиб бераман, жавобини топишда эса қайси китобдан фойдаланишингни айтаман, — деди.

Биз келишиб олдик.

Абдулла Қодирий кишиларга хайрли иш қилсалар, ўша одамга сездирмас ва миннат қилмас эдилар. Менимча, у зот Элбекдан менга маънавий ёрдам кўрсатишни илтимос қилган бўлсалар керак. Буни Элбекнинг мени ўзига яқин олгалигидан ва гап-сўзларидан сезардим. Шундай қилиб, мен Элбекдан бир йил чамаси сабоқ олдим.

Элбек, айниқса аруз вазнининг билимдони эди. Ҳатто Чўлпон ҳам аруз вазнида ёзган байтларини унга ўқиб бериб, фикрини сўрар эди. Элбекнинг машқ дафтаридаги шеърларининг аксарияти аруз вазнида ёзилган бўлар эди. Мен Элбекка:

— Нега аруз вазнида кўпроқ шеър ёзасиз? Барибир буларни матбуотда чоп этмайдилар, — дедим.

— Қўябер, яхши ният ярим мол дейдилар-ку, — деб жавоб берди у киши.

Элбекнинг кўп хусусиятлари Чўлпонга ўхшаб кетарди, шу боисдан бўлса керак, уларнинг орасидан қил ҳам ўтмасди.

1936 йилнинг август ойлари эди. Чамаси Элбек Хумсондаги дала ховлисига Ғулom Зафарий, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулom, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Берегин ва Ғайратийларни зиёфатга таклиф этиб, мени Усмон Носирга тайинлаган экан. Уша кун Усмон Носирнинг бетоблиги хуружга миниб, ўзи ҳам боролмаган ва менга ҳам айтмаган экан, бундан хабарим бўлмаганидан Элбекка гинахонлик қилиб, қуйидаги шеърни ёзиб юборган эдим:

Мени бир бенаво дўст бор эди, деб йўқламайсиз-ку,  
Ғарибу бекасу афкор эди, деб йўқламайсиз-ку.  
Сиза дўст бўлганимга неча йиллар бўлди дарвоқе,

Дилида севгиси бисёр эди, деб йўқламайсиз-ку.  
Азалдан қисматим ушшоқ элига бўлди ҳамдардлик,  
Жунун водийсида чин ёр эди, деб йўқламайсиз-ку.  
Йиғилгач аҳли ашъор, дўстларингиз анжуманларга,  
Иним ҳам толиб ашъор эди, деб йўқламайсиз-ку.  
Афандим! Сиз бу Мақсудийга устоз, элга Элбексиз,  
Элатлар базмига хуммор эди, деб йўқламайсиз-ку.

Орадан беш-олти кун ўтгач, Элбек билан учрашдик. У киши менга:

— Мендан ноўрин гинахонлик қилибсан. Мен сен билан Усмонни зориқиб кутдим. Меҳмонларни бошқариш ўзимга қолди. Жуда қийналдим. Ҳа, майли, шу баҳона билан тузуқина шеър дунё юзини кўрибди, — деди.

Элбекнинг зиёфатига Абдулла Қодирий ҳам бормаган экан, мен у кишидан сабабини сўраганимда: «Меҳмонлар орасида жинимга ёқмайдирган одамлар бор экан, шунинг учун бормадим», деб Навоийнинг:

Мени мен. истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,  
Мени истар кишини суҳбатин кўнглим писанд этмас, —

деган шеърини ўқиди.

Элбек содда, камтарин, ёшларга меҳрибон мураббий эди. Ўзи ростгўй бўлганидан ҳаммага ишонар эди. Кейинчалик ўзига дўст деб билган айрим «дўст»лари душман бўлиб чиқди.

Ана шундай кимсаларнинг тухмат, таъна ва дашномлари Элбекнинг азиз бошига бало бўлиб ёғилди. Элбек шахид бўлди.

\* \* \*

Усмон Носир билан тезда яқин дўст бўлиб қолдик. Қибрайдаги дала ҳовлиларда бир неча кун дам олиб қайтганимизнинг эртасиёқ Усмон Носир мени йўқлаб, уйимизга кириб келди. Ҳол-аҳвол сўрашгач:

— Сен Навоий, Фузулий шеърятини билан яқиндан танишсан, иложи бўлса, уларнинг ижодлари ҳақида менга ёрдам берсанг, — деб қолди.

— Сен нима деясан? Ўзимга энг бўлмаган, қандай қилиб сенга бўй бўламан? У ёғини суриштирсанг, уларни баъзи бир шеърларига умуман, тушунмайман, агар бунга жиддий киришган бўлсанг, сени бир олим-фузало киши билан таништираман, у аллома сенга Навоий, Фузулий, Бедил, умуман, шарқ адабиётидан сабоқ берадилар. Сенга умр бўйи раҳнамолик қилиш ҳам қўлларидан келади, — дедим.

Усмон жуда ҳам севиниб, шошилиб қолди ва ўша заҳотиёқ иккимиз, арабшунос олим Нодирхон махсум ҳузурларига йўл олдик.

Нодирхон махсум бизни очик юз билан кутиб олдилар ва Усмонни у кишига таништирдим. Дастурхон тайёрлаш учун куйманаётган Нодирхон махсумнинг рафиқалари — қариндошим Лутфихон аяга қарашиб турдим, бироз вақт ўтиб, уларнинг ҳузурларига келсам, Усмон Носир Нодирхон махсум билан қадрдон дўстлар каби суҳбатлашиб ўтирган экан. Шу ўринда яна бир нарсани эслаш жоиз кўринади. Усмон Носир хуш табиатли, кишиларга меҳрибон, муомалани ўз ўрнига қўя биладиган, хатти-ҳаракатлари ўта ёқимли, суҳбати ҳар қандай кишини ўзига ром қилар эди. Мен Усмон Носирнинг илтимоси ва мақсадини Нодирхон махсумга айтган эдим, у киши холисанилло ёрдам беришларини билдирдилар ва машғулот вақтларини белгилаб қайтдик. Орадан ўн-ўн беш кун ўтгач, Усмон Носир менга:

— Дўстим, Нодирхон махсум жаноби олийлари билан таништириб, менга битмас-туганмас хазина бахш этибсан, бу хайрли ишинг учун сендан умрбод миннатдорман, — деди-да, кўшиб кўйди: — Нодирхон махсумнинг Чўлпонга ўхшаш яна бир фазилатлари, камчилигингни шартта бетингга айтиб, кўзингга қараб тураверар эканлар.

— Бўлмаса, сенга улар лаганбардорлик қилишлари керакми? — деб жўрттага унинг ғашига тегдим.

У астойдил куйиб-пишиб:

— Ҳой эсипаст! Мен уларнинг бу фазилатларини сенга мақтаб, ардоқлаб айта-тибман, — деди.

— Авваллари-чи?

— Авваллари, ҳарҳолда, тўрт мучанг тўқис эмас эди.

— Тўғри айтдинг, — дея у бор овози билан хохлаб кулиб юборди.

Мен, Усмон Носирга:

— Нодирхон махсумнинг илмидан Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек каби қаламкашлар баҳраманд бўлишган. Сен у зоти шарифнинг этакларини маҳкам тут, — дедим.

— Нималар деб валдираясан? Мен у зоти шарифнинг этакларини қўйиб юборадиган анойилардан эмасман, — деб ҳазил қилди.



Кўп ўтмай, мен ўқитимни давом эттириш учун Москвага кетдим. Шундан сўнг бир-биримиз билан дийдор кўриш бахтига муяссар бўла олмадик.

1938 йил ёз ойида Нодирхон махсумни зиёрат қилгани уйларига бордим. Ҳол-аҳвол сўрашгач, мен Усмон Носир ҳақида сўз юритмоқчи бўлиб эдим, Нодирхон махсум унинг номини эшитишлари биланоқ кўзларидан шашқатор ёш оқди. Сассиз-садосиз йиғлашиб олганимиздан сўнг, Нодирхон махсум: «Усмон Носир ўз фарзандим каби менга яқин, ғамхўр бўлиб қолган эди. Бу шўрлик бошимга қандай оғир кунлар тушди-я, дея афсус-надоматлар билан гап бошладилар. Навоий ва Фузулий ижодларидан беҳаббар бирор кишига унинг таъриф ва тавсифларини баён қилсам, муболаға қияпти, дея шубҳаланиши мумкин. Сенга Усмон Носирнинг ноёб қобилиятини, зўр иқтидорини, англаш ва фикрлаш салоҳиятини билганинг учун гапирганим билан ажабланмайсан», деб бир воқеани айтиб бердилар.

— Бир кун Усмон Носирга Навоий ва Фузулийнинг «Лайли ва Мажнун» асарини ўқиб, уларнинг ижодларини таққослаб, бу улуғ алломалар тўғрисида мулоҳазалар юритишини топширдим ва бунинг учун ўн кун муҳлат бердим. Орадан роппа-роса аккари кун ўтгач, Усмон олдимга ранги синиққан ҳолда келиб, менга таъзим бажо келтирди (ҳар гал кўришганларида тизза тушиб, бош эгиб саломлашар экан). Узи гап бошлади: «Мен «Лайли ва Мажнун» билан кўшилиб, қоришиб кетдим, воқеалар тушимда ҳам, ўнгимда ҳам, бир дақиқа ҳаловат бермапти», деди.

Усмон Носир алломаларнинг шоҳ асарларини шундайин синчковлик билан мутолаа қилибдики, бу асарлардаги аксари сатрлар унга ёд бўлиб қолибди, ажабо! Усмон Носир ҳар иккала асарнинг алоҳида-алоҳида қимматга сазовор эканини таъкидлаб, Абдулла Алавийнинг «Навоий мавж урган денгиз бўлса, Фузулий жўшқин шалола», деган юксак баҳосини мамнуният билан тилга олди. Уша вақтларда Усмон Носир аруз вазнида шеърлар ёзишга унча-мунча киришган эди. Навоий ва Фузулийнинг «Лайли ва Мажнун»идаги биттадан шеърга мухаммас ёзиб ҳам улгурибди. Маълумки, ҳар қандай шоиру санъаткорларнинг асарларига кўнгилдагидек мухаммас яратолмайди. Аммо Усмон Носирнинг мухаммаси анча яхши, узукка кўз солгандек. Мен, Усмон Носирга ўхшаш хотираси зўр, шеъриятнинг нозик нукталарига тез ва тўғри тушунадиган бирорта кишини учратган эмасман. Унга олти-етти ойча Навоий, Фузулий, умуман Шарқ адабиётидан сабоқ бердим. Сўнг Усмон Бедилни ўрганмоқчи бўлди. Бир галги машғулотимиз давомида Чўлпон ижоди ҳақида ҳам фикрлашдик. Қўлимизда Чўлпоннинг бирорта ҳам асари йўқ эди, бироқ Усмон Носир, Чўлпоннинг шеърларини ёддан билар экан, ўқиди. Ҳар икковимиз ҳам Чўлпоннинг ноёб қобилиятига тасаннолар ўқидик. Усмон: «Чўлпонга меҳрим-муҳаббатим ва ихлосим бениҳоя. У кишининг асарлари фикримни чархлайди, ижодимга равнақ тилайди. Ҳа, Чўлпон шундайин оқ кўнгилли ажойиб инсон», деди.

...Бедил ижоди билан шуғулланмоқчи бўлиб, аҳдлашдик. Орадан ўн беш-йигирма кун ўтгач, каттақон тугун кўтариб Усмон Носир эшикдан кириб келди. Мен унга тугунни ишора қилиб: «Тўйга кетаяпсанми?» деб ҳазиллашдик. «Ҳа, тўйга арзимас тўёна билан келдим», — деб тугунни еча бошлади, унда Хитой жужунидан тикилган яктак, чопон, пешмат, нимча, шим, амиркон махси, ковуш, шоҳи салла, тагдўзи дўппи, шоҳи белбоғ, жойнамоз — гиламча, кўзгу, қаламтарош, атир ва ҳоказолар бор экан, унинг раъйини қайтаролмай олдим. Саруполарни ўзининг тўйида кийиб бораман, деб ният қилган эдим, у ҳам бўлмади. Шу вақтгача бу совғаларнинг бирортасини ишлатмадим, сандиқда сақладим. Уларни кўришга тоқатим дош бермади.

Мен, Нодирхон махсум билан сўнги вақтларда ҳам кўп мулоқотда бўлдим ва ҳар галги мулоқотдан сўнг, Нодирхон махсум Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Усмон Носирнинг руҳи-покларига бағишлаб Қуръон тиловат қилар эдилар.

Илоё, уларнинг охирати обод бўлсин!



## УМИД

*Езёвон қаламкашлари ҳақида икки оғиз сўз*

*Езёвон — азалдан меҳри баланд, кўнгли очиқ, меҳмондўст кишилари, тилими тилни ёрадиган қовунлари, жазирама иссиғию изғирин совуқлари билан машҳур. Гўзал Фарғона водийсининг бир бўлаги.*

*Езёвондан етишган ҳофиз Акбар Ҳайдаровнинг номи кўпчиликка таниш. Бу элнинг ҳам гуллари, ўз булбуллари кўп. Бағрида кечаётган ҳодисаларни, дардларни айтаётган шоирлари бор. Марҳумлар — Умаржон Маҳсум, Олимжон Усмоновларнинг йўлларини давом эттираётган қатор ижодкорлар фаолият кўрсатяптики, бу қувончли ҳол. Айниқса, истеъдодли ёшларнинг кириб келаётгани, уларнинг мазкур эл номидан вилоят ва жумҳурият матбуотларида чиқаётгани кўнглини тўлдиради.*

*Алишер Бек, Исҳоқжон Қаримов, Ғурбатий, Олмаҳон Эсонова, Исмоилжон Ҳажиаалиев сингари ижодкорларнинг ғазал ва шеърларидаги фикрий оҳор ҳамда беғубор самимият ихлосмандларга маъқул келмоқда. Езёвоннинг қадрини, номини кўтарадиган қаламкашларнинг камолга етаётгани элимизнинг бойлиги. Чунки, уларнинг ёзмаларидан янги-янги умид ва орзулар тугилади.*

*Абдулҳамид САИДОВ,  
Езёвон тумани ҳокими*

**Алишер Бек**

## УФҚ ЮЗИГА ЗАРРИН-ЗАРРИН ШУЪЛА ҚУЙИЛАР

**Лирик мусаввир тасвири**

Паға-паға булутларнинг остида мовий  
уфқ юзига заррин-заррин шуъла қуйилар.  
Бу кўриниш қандайиндир сирли, самовий,  
афсонавий ақидага ўхшаб туюлар.

Ана, кимдир ҳориганча садосиз-сассиз,  
одатдаги меҳнатдан сўнг уйга қайтмоқда.  
Деразанинг тоқчасига суяниб бир қиз,  
ботаётган кунга қараб қўшиқ айтмоқда.

Хув, қирларнинг ёнбағрида оқаётган сой,  
кимларгадир шошиб-шошиб сўйлар ҳикоя.  
Кун чўқади, коинотда юз кўрсатар ой,  
сой сувига чизилади иккита соя.

Бир зумгина қулоқ солиб тун товушига,  
сирли, сарин шарпаларга бўлгайсиз мафтун.  
Сизни оқшом олганида ўз оғушига,  
англагайсиз қандайин соз анбарафшон тун.

Паға-паға булутларнинг остида мовий  
уфқ юзига заррин-заррин шуъла қуйилар.  
Бу кўриниш қандайиндир сирли, самовий,  
афсонавий ақидага ўхшаб туюлар.

## Навоий йўлида

Дардимға шифо, жисмим аро жон керак эрди,  
Орази гул-гул, ёри сухандон керак эрди.

Дилроз айта олмай маҳвашга гунгу лолдирман,  
Изҳор этарга журъату имкон керак эрди.

Келса ўшал дилдор менга лутфу карам айлаб,  
Менга шу басдур, ўзга не хушон керак эрди.

Ишқида туним таркихобдир минг хаёл ичра,  
Нега қилур ноз, балки бир эҳсон керак эрди?!

Йўқлабдур, мени шод этиб дилдора қувондим,  
Кўнглум боғига шундайин боғбон керак эрди.

Исҳоқ ўйна, кул, ёринг ила ушбу чаманда,  
Дилдоринг ила сенга шу даврон керак эрди.

## Олмаҳон Эсонова

\* \* \*

Тўкил, осмон, тўкилгил, осмон,  
Тўкил, қон ранг гуллар бағрига.  
Сенга интиқ яшар бир аёл,  
Сингиб умидсизлик қаърига.

Елғон экан ўткинчи умр,  
Аёл сочин бўяр бемаҳал.  
Бир пайтлари ўт ёнган кўзлар,  
Қайғу тўла, кимгадир маҳтал.

Тўкил, осмон, тўкилгил, осмон,  
Унинг ғамгин бағрига тўкил.  
Ҳасратидан кулдир бу дунё,  
Юрагида армонлар зил-зил.

Тўкил, осмон, аёл қалбига,  
Тўкилишинг тилаб қоламан.  
Гар дардига бўлмасам шерик,  
Аёл бўлиб қайга бораман?!

## Ғурбатий

## Ўртама

Эй малоҳат боғи ичра гулузорим, ўртама.  
Ҳусни мулки ичра моҳи тождорим, ўртама.

Бир нигоҳ қилганда жоду кўзларинг тасҳир этар,  
Қошларинг хун икки тиғи обдорим, ўртама.

Маҳвашлар зарра янглиғ сен қуешнинг олдиди,  
Хури пайкар қадди сарви навбахорим, ўртама.

Ганжи ҳуснинг теграсида икки аждарму қаро,  
Ё мислсиз икки зулфи тобдорим, ўртама.

Барқи ишқинг тегди: куйди, бўлди жисм афтодаҳол,  
Хок бўлди сенга етмай оҳу зорим, ўртама.

Доғи ҳижрон оташида ўртаниб бўлдим кабоб,  
Қил тараҳҳум, мундин ортик, эй нигорим, ўртама.

Риштадек зору зарифу ҳам ғарибу нотавон,  
Менки, ғам остидадурман, йўқ мадорим, ўртама.

Сен қилиб қаҳри итобу мен қилурман илтижо,  
Нозанинлар ичра сарвар шоҳсуворим, ўртама.

Оразинг шамъи жаҳону мен ютиб зардобу қон,  
Айланиб парвона янглиғ йўқ қарорим, ўртама.

Ҳажр водийсида Ғурбат, чарх уриб девонавор,  
Мисли Мажнун кетди қўлдин ихтиёрим, ўртама.


## Исмоилжон Ҳожиалиев

### Тош

Сен бир тошсан —  
на бирор иморатга пойдевор бўлган,  
на бир бечоранинг корига яраган.  
Катта йўл четида ётган тош,  
кимдир олиб, ўзганинг бошига уришини кутаётган тош.

Езёвон





Исроил Мирзаев,

филология фанлари доктори, профессор

## АДАБИЙ ҚАҲРАМОН: САРОБ ВА ҲАҚИҚАТ

Тарихий давр билан бадиий адабиётнинг ўзаро муносабати мураккаб ва баҳсли масала. Тўғрироғи, улар орасидаги масофа ҳар хил фикрлар уйғотмоқда. «Даврнинг адабиётдаги акси қандай бўлиши керак ва қайси инъикос ҳаққоний ҳисобланади?» сингари саволлар тадқиқотчиларни ҳар доим ўйга толдиради.

Маълумки, XX аср адабиёти биринчи навбатда янги қаҳрамонлар тимсолида реал қиёфага эга бўлди. «Марксча-ленинча дунёқарашнинг бадиий адабиётдаги инъикоси» ҳисобланиб келган социалистик реализм методи янгича образлар билан бошланди. Бу адабий қаҳрамонлар хилма-хил тақдирлар, турли қиёфаларга эга бўлишдан ташқари ягона маҳражга ҳам эга — улар темир тан одамлар сирасига киради, дунёни инқилобий тарзда қайта ўзгартириш йўлида ҳар қандай шахсий майл-истакни бир четга суриб қўйганлар, бутун ҳаётларини «халқ ва партия ишига» бағишлаганлар. Шунинг учун ҳам улар «Инқилоб фидойилари» деб аталади.

Собиқ Шўро Иттифоқидаги барча адабиётларга ибрат, андаза қилиб кўрсатилган Павел Власов, Чапаев, Павел Корчагин сингари ўнлаб қаҳрамонлар бунга мисол бўла олади. Н. Чернишевскийнинг «Нима қилмоқ керак?» романидаги Рахметов шу турдаги қаҳрамонларнинг дастлабкиси эди.

Социалистик реализм методининг қотиб қолган қолиплари ва адабиётга юқоридан берилган ижтимоий-сиёсий буюртмалар, тўраларча кўрсатмалар бадиий ижод тақдирида мудҳиш вазифани бажарди. Оқибатда маълум қолипдаги андалар шаклланди: табақалашув кучайди, яъни синфий душманга нисбатан нафрат ва ғазаб — бойларга ўлим тилаш, камбағалга шон-шараф ўқиш адабиётнинг асосий ғоявий замини, ҳаракатлантирувчи кучига айлантирилди. Худди синфийлик сингари, партиявийлик ҳам ҳар бир асарга зўрлаб ёпиштирилди ва коммунист образи зарурий шарт қилиб қўйилди. Коммунистик идеал, коммунизм учун курашиш муқаддас бурч, асосий ғоявий муддао деб жар солинди. Инсоннинг мураккаб кечинамалари — зоҳирий ва ботиний хислатларини тадқиқ қилиш ўрнига, зўр бериб йўқсил-меҳнаткаш образини яратилиши ва куну тун тер тўкаётган «жонбозлар»ни излаш адабиётнинг етакчи фазилати деб эълон қилинди.

Ўзбек шўро адабиётида ҳам янги қаҳрамон бирмунча ўзига хос шаклда таркиб топди, яъни дунёни инқилобий қайта ўзгартириш учун оддий халқ вакилларининг синфий онги шаклланиши жараёнини кўрсатиш адабиётнинг бош вазифасига айланди. Ғофир ва Жамила («Бой ила хизматчи»), Йўлчи, Ермат («Қутлуғ қон») каби қаҳрамонлар шу тарзда вужудга келди. Кўриниб турибдики, ҳатто катта ижодкорлар ҳам тарих ҳақиқатидан чекиндилар. Адабиётга ёпиштирилган бундай босма қолиплар таъсирига кейинчалик Абдулла Қодирий ва Чўлпон ҳам тушиб қолди.

Тўғри, янги даврдаги ўзбек адабиёти ёлғиз шу типдаги қаҳрамонлардан иборат эмасди. «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Кеча ва кундуз» каби асарларда бутунлай бошқа қаҳрамонлар — зиддиятли характерлар яшайдилар. Аммо бундай асарлар тарихий мавзуда эди. Шу сабабли улар юқорида тилга олинган қаҳрамонлар сингари янги «эстетик идеал» қиёфасини белгилаш учун хизмат қилмади.

Муайян вақт ўтгач, янгича қолипдан чиққан, синфий онги шаклланивчи ясама қаҳрамонлар талабга жавоб беролмай қолдилар. Ҳаёт билан адабиётнинг бошқа-бошқалиги, адабий образларнинг воқелиқдан оёғи узилиб, муаллақ бўлиб қолганлигини сезиш қийин эмасди. Турмуш таъсирида адабий қаҳрамон, бадиий образлар ҳам ўзгариб борди. «Турксиб йўлларида», «Яловбардорликка», «Нима бизга Америка?», «Тарих кўрганми?» «Башар қуёшига» сингари ўнлаб шеърлар, драма, очерк ҳамда қиссаларда шундай ҳолни кўрдик. Оқибатда темир йўллар орқали олтинимиз, пахтамиз, уранимиз ва бошқа бойликларимиз марказга ташиб кетилди. Американи қувиб ўтши тугул, ўзбекнинг қозони сувга тушиб қолди. «Кўкан»даги Шарифбойнинг қолхозга кирган батракка бугдой, мош, шоли ўрнига нукул пахта эксанг оч қолсан, деб башорат қилиб айтган сўзлари яққол исботланди. Тош ёғса ҳам пахта ни териб, давлатга берган, кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлаган, тонг бўзармасдан ҳаммининг эшигини қоқиб далага ҳайдаган Назир ота, бригадир

каримларнинг образлари оуғунги кунда кишига ажабатовур туюлади. Урни келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу мулоҳазаларимиз ўз даври туйғуларини ифодалаган, ижодий мезонини социалистик реализм қолиплари белгилаб берган ёзувчи-шоирларимиз хотирасига тош отиш ёки маломат қилиш эмас, балки адабиётдаги ўша йиллар аҳволини қайд этишдир. Аксинча, яқин ўтмишда адабиётимизга ўтказилган тазйиқлар, зўравонлик, чегаралаш, «совет адабиётининг ягона методи» қолиплари бўлмаганда, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Мақсуд Шайхзода, Миртемир каби ёрқин истеъодлар кўплаб бадий баркамол, ўлмас асарлар қолдиришлари аниқ эди. Шунинг учун уларнинг ижодига баҳо берганда, асарларини ўқиганда ўша йилларнинг мафкураси, мустабид сўбатни назардан соқит қилмаслигимиз лозим.

Адабиёт тарихида шундай даврлар бўлдики, 30—40—50-йилларда танқидий тафаккур бежирим, силлиқ ижобий қаҳрамон образини ифодалаган асарларни байроқ қилиб кўтарди. Инқилобий ғоялар асосида яратилган курашчан ижобий қаҳрамонлар мезон қилиб олиниб, зиддиятлий образлар инкор этилди. Мураккаб тақдирлар, зиддиятлий образлар яратилган асарлар «социалистик тузумга тўғри келмайдиган», «янги ҳаёт ғояларидан узоқдаги асарлар» сифатида баҳоланди. Бу хилдаги фикрлар 30-йиллардаёқ бир қанча мунаққидлар, асосан Сотти Хусайн, Михаил Швердин ва бошқалар томонидан бошланган эди. Афсуски, бу йўналиш адабий танқидда узоқ йиллар давом этди.

Адабий қаҳрамоннинг ҳаётлиги ва ёзувчининг тутган йўли ҳақида гап кетганда, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» ҳамда Ойбекнинг «Кутлуғ қон» романларини қиёслаш ўринлидир. Ҳар икки асарда ҳам жадид образига дуч келамиз. Аммо мазкур образлар талқинида жиҳдий фарқ бор. Ойбек даврнинг жадидизмга нисбатан қатъий салбий муносабатидан келиб чиқиб, Абдушукур образини бир томонлама, ҳатто масхараомуз шаклда яратган. Чўлпон романидаги жадид давр ақидаларидан холи, ҳатто уларга зид равишда ҳақоний, тарихий ҳақиқатга мос тасвирланган. Ундаги Мирёқуб (ёки жадид образи) мавҳум идеал одам эмас, балки қарама-қарши сифатларга эга қаҳрамон сифатида намоён бўлади. У ҳақиқий реалистик образ даражасига кўтарилган. Қисқача айтганда, Ойбекда ясама жадид, Чўлпонда эса ҳақиқий жадид тимсолини кўрамай. Ойбек Абдушукур образи орқали жадидий ҳаракатини бирёқлама кўрсатганини кейинчалик англаб етган. Унинг сўнгги романи — «Улуғ йўл»даги бош қаҳрамон ўзбек зиёлиси Умарали асар матнида жадид дейилмаса-да, аслида шу ҳаракатнинг вакилидир.

Сталинизм мафкурасининг ижтимоий ҳаёт ва бадий адабиётдаги ҳукмронлиги ортан сайин адабиётимизнинг реалистик образ яратиш бобида эришган ижобий тажрибаларидан чекиниш кучая борди. Адиблар инсон характери тасвирлашда сўзсиз тасдиқ ёки узил-кесил инкор йўлига ўтиб олдилар. Бу жиҳатдан турли даврларда турлича талқинларга сабаб бўлган «Сароб» романи қаҳрамони Раҳимжон Саидий образи диққатга сазовордир.

«Сароб» романидаги ижобий қаҳрамонлар иккинчи даражали образлардир. Саидий эса асосан салбий образ ҳисобланиб, баъзи танқидчилар учун ёзувчини буржуа объективизмда айблашга дастаб бўлди. «А. Қаҳҳор «Сароб» романида буржуа объективизми методини давом эттирди. Романда салбий образлар орқали миллатчиларнинг аксилинқилобий ҳаракатларини фош қилишга, уларнинг ғоявий инкирозини кўрсатишга интилиш тамомла муваффақиятсизликка учради». (Х. Еқубов. «Ўзбек поэзия ва прозасида социалистик реализм масаласига доир баъзи мулоҳазалар». «Шарқ юлдузи», 1949, 2-сон, 114-бет.) Романнинг кейинги тадқиқотчилари бу фикр асосиз эканлигини яхши кўрсатиб бердилар.

Озод Шарафиддинов «Иккинчи чўққи» мақоласида ёзганидек: «Тўғри, «Сароб» романининг шазнига айтилган таъналарда жон бор — ижобий қаҳрамонлар романда салбий қаҳрамонларчалик кенг ўрин тутмайди. Бироқ, бу — ҳали асарни ғоявий жиҳатдан кемтик дейиш учун, адабий-ғоявий принципига шубҳа билан қараш учун мутлақо асос бўлмайди». (О. Шарафиддинов. «Ҳақиқатга садоқат», Адабий-танқидий мақолалар. Тошкент, 1989, 222-бет)

Ҳақиқатан ҳам, романдаги бундай ҳол соф бадий усул бўлиб, ундан қандайдир ғоявий мақсад излаш тўғри эмас.

Қайта қуриш даври кўплаб адабий ҳодисаларга, жумладан, «Сароб» романида тасвирланган воқеликка янгича назар ташлашни тақозо қилаётди. Айниқса, Урта Осие тарихида катта ижтимоий ва маданий ҳодиса бўлмиш жадидчилик ҳаракатининг оқланиши «Сароб» романига муайян даражада муносабатни ўзгартираётди. Асар ҳақида билдирилган кескин фикрлардан бирида айтилишича, Абдулла Қаҳҳор «Саидий билан унинг дўстлари тақдирини кўрсатиш орқали янгилликка интилган ва бу йўлда зиддиятлий қарашларга эга бўлган жадидлар фаоляти; интилишлари «саробдир» деган ҳукм чиқаради. Мана шу тенденциоз асар 20—30-йилларда ўзбек совет адабиётининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнини нотўғри, бир йўналишдаги ўзинини белгилаб бермадимикан?» (Олим Отахонов. «Еш куч» журналы анкетасига жавобдан. 1989, 9-сон)

Жадидчилик ҳаракатининг бир томонлама, фақат инкор руҳида тасвирланиши, Саидийнинг ҳаётий позицияси ёзувчи томонидан узил-кесил рад этилиши образнинг ҳаққонийлигига путур етказган. Оқибатда роман қаламга олинган даврнинг чинакам манзарасини ярата олмаган, деган мулоҳаза туғилади.

«Сароб» ҳақидаги ҳозирги мулоҳазалар кўп жиҳатдан романнинг қайта ишланган, анча қисқарган нусхаси асосида туғилган. Маълумки, 1937 йилда чоп этилган асарнинг биринчи нашридан фарқли ўлароқ, кейинги нусхада Саидий қиёфасидаги қора бўёқлар қуёқлаштирилган, демакки, образ талқинидаги бирёқламалик кучайган. Еш адабиётшунос олим Раҳмон Қўчқоров адиб ижод-хонаси ва архив, музей ҳужжатлари асосида «Сароб» романининг янги талқинини яхши берган. (Раҳмон Қўчқоров. «Истеъод қадр», Тошкент, 1989.)

«Менимча, классиклар яшаган даврда турмушнинг ўзи салбий фактларга бой бўлган. Улар шу фактларга санъаткорлик билан тартиб берганлар. Наҳот, ижобий фактларга санъаткорлик қўли билан тартиб берилса, ўшандай зўр асарлар вужудга келмаса!» Бу романдаги ижобий қаҳрамонлардан бири Эҳсон томонидан Саидийнинг адабий ақидасига қарши айтилган фикр. Айни вақтда бу Абдулла Қаҳҳорнинг ўз эстетик мезони эди. Бироқ «Сароб» романи марказида салбий образлар туради. Асарнинг бош қаҳрамони ҳам салбий. Шундай экан, Қаҳҳор ўзининг эстетик қондасини

бузмадмикан! «Ижобий фактларни асос қилиб, юксак асарлар яратиш мумкин» деган муаллиф нима учун ўзининг биринчи романида салбий фактларга мурожаат қилган?

Бу саволларга жавобни икки нарсдан ахтариш керак бўлади. Биринчиси — «замон талаби», Асар ўттизинчи йилларнинг бошларида ёзилган. Бу, большевиклар уқтиришича, ҳали синфий душманларнинг асосан енгилган, лекин тамоман таълим бўлмаган бир даври эди. Еш носир Абдулла Қаҳҳор эса партиянинг солдати сифатида большевиклар талабига «лаббай» дег жавоб бериб, синфий кураш, миллатчиликни «фoш этиш»ни (масалан, қосимовчиликни) ўрганганлардан бири эди ўша йиллари.

Иккинчидан, бу Абдулла Қаҳҳор истеъдодининг йўналишига боғлиқ. Ёзувчи ўз иқтидорига монанд ҳолда ҳаётнинг издан чиққан томонини аниқроқ кўрган ва тасвирлаган. Бинобарин, романининг ўзига хослигини, адиб ижодининг етакчи хусусиятларини ўрганиш масалага ойдинлик киритади. Ҳамма ижодкорлар бир хил ижодий мезон ва усулларга бўйсундирилса, бадий ижодда сув ва ҳаводек зарур бўлган ранг-баранглик қолмайди-ку. Истеъдодларни зўрма-зўраки бир йўлга солиб қўйишга уриниш оқибатларга, адабиётнинг маънавий қашшоқлашувига олиб келганлигини кўриб турибсиз.

Партия ва ҳукуматнинг ўша даврдаги қарорлари, СССР Ёзувчиларининг I съезди ҳужжатлари зиддиятли образларга мурожаат этишни бирмунча чеклаб қўйди. Адабиётнинг асосий вазифаси «баркамол ижобий образлар — янги ҳаёт курашчиси» сиймосини яратиш деб белгиланди. Совет ёзувчилари, жумладан ўзбек ёзувчиларининг ҳаётга муносабати ҳам кўпроқ шу ақидалар мезони билан ўлчанадиган бўлди, десак хато қилмаймиз.

Шу йилларда Ҳусайн Шамс синфий кураш йўлида собит турган, социалистик тузум асосларини фаол ҳимоя қилувчи қаҳрамонлар тасвирланган «Душман» ва «Хуқуқ» асарларини эълон қилди. Адиб романлари ўзбек адабиётида бу жанр тараққиёти тарихида муайян из қолдирган бўлса-да, бадий жиҳатдан етук эмасди. Уларда ёзувчи олға сурган гоё бир оз яланғоч, бадий ифода ўрнини кўпроқ ширнамо иборалар эгаллаган, образлар эса ранг-барангликдан маҳрум, бошқача қилиб айтганда, уларнинг қиёфаси синфий кураш андازасига тўғрилланган эди. Ҳусайн Шамс романларининг бундай номукамаллиги, назаримизда, ёзувчида маҳорат етишмаслигидан ташқари давр таъйиқи билан ҳам изоҳланади.

Кўпчилик ижодкорлар замонасозликдан қочиб, тарихга, тарихий-инқилобий мавзуларга мурожаат қила бошладилар. Шу сабабдан бўлса керак, адабиётнинг кейинги тараққиётига катта ҳисса қўшган Ойбек ўзининг «Уч», «Темирчи Жўра» каби дostonлари ва «Қутлуғ қон» романини тарихий-инқилобий мавзуга бағишлади. Бу ўринда адибга мазмун жиҳатидан Ҳамза, Садриддин Айний анъаналари сабоқ бўлди. Шаклда, сюжет тараққиётини кескинлаштиришда, қаҳрамон фаолиятини тарихнинг шиддатли фонида бериш, қисматини тарих тараққиёти билан мустаҳкам боғлай олишда эса у Абдулла Қодирий йўлидан борди. Шунга қарамай, бу мавзунинг ҳам ўзига хос «темир қонун»ларидан четга чиқиш мумкин эмасди. Синфий курашни кўрсатиш, «ҳаётни революцион тараққиётда» акс эттириш асосий талаблардан бири эди. Шунинг учун ҳам романдаги Мирзакаримбойлар гуруҳи билан Йўлчилар орасида ер билан осмонча фарқ бор. Бойда на инсоф, на диёнат, на зигирча инсонийлик кўринади. Бундай фазилатлар эса, аксинча меҳнаткаш синф вакилларидоғина мавжуд. Соф севги ҳам фақат уларнинг қалбида томир отиши мумкин ва ҳоказо. Шу маънода, «Қутлуғ қон» романи 20—30-йиллар ўзбек романчилигининг «синтези», кенгроқ олганда ўзбек адабиётида социализм методи берган андаза, ижтимоий буюртма намунасига айланади.

Ҳар ҳолда, «Қутлуғ қон» романининг яратилиши тажрибаси шуни кўрсатадики, асарнинг қиммати фақат муайян образни қай тарзда — зиддиятли қилибми ёхуд соф анъанавий ижобий тарздами — яратишга боғлиқ эмас. Ҳар иккала йўл билан ҳам, баъзан ҳар икки йўлдан фойдаланиб ҳам асарлар яратиш мумкин. Афсуски, кейинчалик расмий доиралар, андазачилик тарафдорлари бўлган мунаққидлар етук зиддиятли образлар яратиш йўлидан бутунлай воз кечишга қақирдилар. Танқидчи Воҳид Зоҳидов «Олтин водийдан шабадалар» романи ҳақида сўзлаб, ёзувчига қаҳрамоннинг шундай андازасини чизиб беради: «Уша икки масаладаги қолюқликни, чунончи, ҳосилот раисининг ўзига берилганда ва Мирҳайдар отани доғисиз қолдирганда, бу образни ёрқинлигича қолдирилганда ва Мирҳайдар отадек қолхоз раиси билан тартиб ташилотининг жонкуяр Уктамдек секретари ҳамиша бир-бирини тушунадиган ва ҳурмат қиладиган, бир ёқадан бош чиқариб ишлайдиган, бир-бирининг ҳатосини ўз вақтида кўрсатиб, тузатиб, танқидни «гапнин қаймоғи» деб самимий англайдиган ота-боладек қилиб берилганда, улар хусусан, Мирҳайдар ва Уктам образлари анча ютган бўлар эди». (В. Зоҳидов. «Ойбекнинг янги романи ҳақида». «Шарқ юлдузи», 1950, 10-сон, 159-бет.) Танқидчининг ушбу «масалаҳатлари»га амал қилган ёзувчи ҳеч қачон етук қаҳрамон ярата олмасди, зеро, андаза ёрдамида жонли, ёрқин характер яратиш амримаҳол. Бу ерда танқидчи ёзувчини сунъийлик йўлига ундаган бўлса, кейинчалик танқидчилик зиддиятли образларни ҳам худди шу тахлитда яратишни талаб қила бошлади, яъни муайян образга қандайдир нуқсонлар, айблар тақаш ёрдамида уни «мураккаб қаҳрамон»га айлантиришга уринилди. (Умарали Норматов. «Талант тарбияси», Тошкент, 1980, 50-бет.)

«Навоий» романини асосан одилона баҳолаган Ҳомил Ёқубов шундай ёзади: «Бироқ «Навоий» романида жиддий камчиликлар бор. Катта камчиликлардан бири — асосий қаҳрамон Навоийнинг анча статик ҳолда тасвирланишидир». (Х. Ёқубов. «Ойбек», Танқидий-биографик очерк. УзССР ФА нашриёти, Т., 1955, 86-бет.) Бу мулоҳазадан қотиб қолган танқиднинг ҳиди келиб турибди. «Социалистик реализм методининг асосий шартларидан бири воқеалар, характерларни ҳаракатда, тараққиётда кўрсатишидир», деган ақидага суянган танқидчи ёзувчини Навоий образини турғун ҳолда тасвирлашга айбламоқда. Ҳар бир бадий асарнинг ўз ички қонуниятлари борки, аввало шулар асар қиёфасини белгилайди ва шакллантиради. Яъни ёзувчи ўз олдига қўймаган мақсад учун унга айб қўйиб бўлмайди. Романда Навоийнинг буюк шоир ва давлат арбоби сифатида тўла шаклланган даври тасвирланади. Агар ёзувчи, танқидчи айтганидек, уни «ўсиш-ўзаришда» тасвирлаганда эди, Навоийнинг бус-бутун, яхлит характериға пугур етган, бадий ҳақиқат меъёри бузилган бўлур эди.

Адабий қаҳрамон тушунчасинининг шаклланишида танқидчиликнинг ўрни ҳам сезиларли

даражада «кватта» булди. Аяниқса, 50-йилларда чуқур илдиш отан ақидапарастлар танқидчилик ёзувчиларни чалғитди, уларни ижодий эркинликдан маҳрум этиб, ён-верига қараб, қўрқа-писа ижод қилишга мажбур қилди. Бунинг бир мисоли тариқасида Ботир Файзиевнинг «Навойи» романи ҳақида» мақоласини кўрсатиш мумкин. Адабиётшунос Ҳомил Ёқубов бу мақолага шундай баҳо беради: «Б. Файзиевнинг тирноқ ичидан кир излаши тухмат даражасига бориб етади. У роман авторини қозоқ халқига нисбатан шовинистик миллатчилик руҳида бўлган иборани ишлатишда нотўғри қоралайди. Наҳотки, салбий персонажнинг кўп май ичишини XV асрда феодал-патриархал ҳаёт кечирган қозоқ уруғларининг кўп қимиз ичишига ўхшатиб бўлмас! Ахир, воқеани ўз социал-тарихий заминидан узиб олиш керак эмас». (X. Ёқубов. «Ойбек», Т., 1955, 78—79-бетлар.)

Бундай танқидчилар кўпроқ ҳар жиҳатдан текисланган, силлиқлаштирилган, ўзида фақат ижобий хислатларнигина ифодаловчи образлар яратишни талаб қилдилар. Улар ҳаёт ҳақиқатига мувофиқми, йўқми, китобхон унинг гап-сўзлари, хатти-ҳаракатларига ишонадими-ишонмайдами, бу билан қизиқмадилар. Улар ўйлаб топилган расмий қоидаларга мос келса бас. Бундай китобларнинг қаҳрамонлари бенуқсон, ҳамма жиҳатдан бекаму кўст бўлиши лозим. Ижодкорларга бериладиган асосий кўрсатма, йўл-йўриқ шундан иборат бўлиб қолди. Шу таразда Саид Назарнинг «Яшил бойлик» романидаги Ботир Мавлонов, Бўстон, Тошпўлатов, Бердиқулов, Иброҳим Раҳимнинг «Ҳаёт булоқлари» романидаги Комилжон, Саодат, Муродова, Анорхон, Эрназар ака, Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар»идаги Ойқиз, Олимжон, Смирнов, Раҳмат Файзининг «Ўўлга баҳор келди» романидаги Муҳиддин, Юлдуз, Риза каби ижобий образлар пайдо бўлди.

Ҳатто Ойбек, Абдулла Қаҳҳор сингари санъаткор ижодкорлар ҳам, ўша даврда катта прозада илк қадамлар ташлаётган Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Ҳамид Фуломлар ҳам ана шу андазачилик касали таъсирида бўлдилар.

Қизиғи шундаки, бу пайтларда кескин зиддиятли образларга адабиётда умуман ўрин қолмади. Ҳатто асардаги ёши улуг, умрининг асосий қисмини инқилобгача ўтказган қаҳрамонлар ҳам бирор урф-одат, ёки айрим диний маросимларни бажарса, асар муаллифи эскилик тарафдори сифатида балаго қоларди.

Танқидчи Воҳид Зоҳидов Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» романидаги кекса деҳқон Саксон ота образини шу аллозда қоралайди: «Бунинг устига, романдаги баъзи илғор колхозчилар тилида хурофий сўзлар ишлатилади. Ҳатто Саксон ота ҳам армияга кетган уч ўғли ҳақида шундай дейди: «Бири «қорахат» бўлди, ўртанча ўғлим эди. Тақдирга бўйсундик, худога шукур, каттаси билан кичиги сихат ва саломат...» Тўғри, автор баъзи одамларга эскидан одат бўлиб қолган ибораларни ўз қаҳрамонлари сўзларида қистиради. Лекин бу ортиқчадир, кераксиздир, айниқса Саксон оталарни шундай сўзлатиш тамомла ножўя ва ҳақиқатга сира тўғри келмайди». («Шарқ юлдузи» журнали, 1950, 10-сон, 164-бет.)

Ижодкорларга кўрсатмалар бериш, тазйиқ ўтказиш 50-йилларнинг бошларида ҳам қизғин давом этди. Барча ёзувчилар ва улар ёзган асарларга қора кўзойнак орқасидан қараш, гоёвий-бадий етук асарларга ҳам кўпол ижтимоиётчилик нуқтаи назаридан ёндашиш бу даврда авжига чиқди. Ёр адиблар ва маҳорат жиҳатидан паст савиядаги асарлар кўпайиб кетиши, истеъдодли ёзувчиларни «исканжа»га олиш шу йиллардаги ўзбек совет адабиётига катта зарар етказди.

Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Шўҳрат, Мирзакалон Исмоилий, Шукрулло каби санъаткорлар ноҳақ тазйиққа учрадилар. Ойбек ўтмишни «идеаллаштириш»да айбланади. Абдулла Қаҳҳор «совет воқеалигини бузиб кўрсатган» деган тухматга дучор бўлди ва ҳоказо.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Кўшчинор чироқлари» романи бир неча марта муҳокама қилинди, ҳар гал асарни яроқсиз деб топишга уриндилар. Романнинг 1948 йил 28 июлда Ёзувчилар союзида бўлиб ўтган муҳокамасида танқидчи Абдураҳмон Алимўхамедов «Кўшчинор»нинг бош қаҳрамони Сиддиқжон ҳақида гапириб «Наҳотки, ёзувчи маънавий жиҳатдан шунчалар қашшоқ бўлган одамни ўзининг бош қаҳрамони қилиб олса?! Наҳотки, адабимиз соғлом тушунчаларга эга бўлган замонамизнинг илгор одамларини акс эттирувчи образни ҳаётдан топмаган бўлса», дея қаттиқ айблади. (Центр. Гос. Архив УзССР, Ф. 2356, Опись № 1, ед.хр. № 158. Стенографический отчет дискуссии по роману А. Каххара «Күшчинор». 1—6.) Бундай тош отишлар С. Сомова, Р. Жуманиёзов, С. Лиходзиевский, М. Ваҳобов чиқишлари ҳамда газеталарда босилган мақолаларда яққол кўзга ташланди. Булар тўғрисида ёш мунаққид Раҳмон Қўчқоров «Шарқ юлдузи», «Ёшлик» журналларида босилган мақолаларида, «Истеъдод қадри» китоби ва номзодлик ишида кенг, батафсил тўхтади.

Бу йилларда догматизм ва субъективизм иллатларини авж олдирган, қолипбозлик ва андазачилик тарафдорлари бўлган баъзи мунаққидлар ижтимоий ҳаётдаги зиддиятлар, мураккабликларни рўй-рост ифодалаган асарлардан нуқсон ахтаришга тушиб кетдилар. Ҳақиқатга хилоф равишда тўқнашувлар, кескин қарама-қаршиликлар четлаб ўтилган, воқелик бўяб кўрсатилган бадий хомхатала асарларни эса мавзуси «муҳим»лиги учунгина мақташ авж олди.

Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар», Абдулла Қаҳҳорнинг «Кўшчинор чироқлари» романлари ва бошқа айрим асарлар шундай «мезон» билан ўлчанди. Масалан, ақидапарастлар фикрича, «Олтин водийдан шабадалар» романидаги колхоз раиси Мирҳайдар ўз дунёқараши билан Уктам ва Комиладан фарқ қилмаслиги, ҳатто ёши саксонга кирган Саксон ота болалигидан ўрганиб қолган «тақдирга бўйсундик», «шукур» ибораларини ишлатмаслиги керак экан.

Ёки «Кўшчинор чироқлари» романининг бош қаҳрамони Сиддиқжон ўша андазага кўра, тамоман бошқача бўлиши, яъни фаол колхозчи, ҳаётга, жамиятдаги инқилобий ўзгаришларга дарров тушунадиган, сира иккиланмайдиган, адашмайдиган асар сифатида тасвирланиши лозим. Ана шундай беъмани талаблар туфайли адабиётнинг умумий ривожланишига путур етказадиган, китобхонни қониқтирмайдиган, узоқ ашамайдиган ёр образлар шу йилларда кўпайиб кетди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш муаммоларига бағишланган Иброҳим Раҳимнинг «Ҳаёт булоқлари» романи шундай асарлардан эди. Ундаги барча образлар олдидан белгилаб қўйилган чизиқлар бўйича ҳаракат қилади. Қаҳрамоннинг ўзига хос қиёфаси, ёрқин табияти ярқ этиб кўзга ташланмайди. Кўтарилган жуда кўп масалалар бадий ечимини топмасдан қолиб кетаверади, воқелик фақат бўяб кўрсатилади. Оқибатда романда иштирок этадиган қаҳрамонлар ўзаро кескин ку-



рашлар, тўқнашувлар, зиддиятларни бошдан кечирмасдан адабидасан адабидасан билан осонгина зафар қучаверадилар.

Юқоридаги айрим мисоллар характер, ижобий образлар масаласида андазачилик адабиётимизда катта бир иллатга айланганлиги, кўпгина ижодкорлар, хусусан, катта насрга энди қўл урган адаблар бунинг таъсирига тушиб қолганлиги маълум бўлади. Фақат ўзбек адабиётида эмас, умумсовет адабиётида ҳам андазачилик, юзакилик анча чуқур томир ёйган эди. Буни идеал қаҳрамон, ижобий ва салбий образлар хусусида кейинчалик ўтказилган баҳс ва мунозаралар ҳам яққол кўрсатади.

Мунаққидларнинг кўпчилиги мавжуд тўсиқларни осонгина енгиб ўтадиган, ҳаёт машаққатларидан холи, энг муҳими, ҳеч иккиланмайдиган, марксистик назариянинг ҳамма жиҳатларига тўғри келадиган қаҳрамон яратишни талаб қилишарди. Павел Власов ва Павел Корчагин типидagi «идеал қаҳрамонлар керак» деган ҳукмлар узоқ вақтларгача истеъдодли ёзувчиларнинг қўл-оёғини боғлаб, тушовлаб қўйди. Баъзи адабиётшунос ва танқидчилар салбий иллатлари ҳам тасвирланган образларни, «тузалувчи образлар» деб атаб, ёзувчидан, уларни асарнинг охиригача тузатиб беришни талаб қилдилар.

Образ яратишдаги юзакилик, андазабозлик адабиётимизга узоқ йиллар катта зарар етказган бўлса-да, ҳақиқий ижодкорлар йўлини тўсиб қўёлмади. Шахсга сиғиниш фош қилингандан сўнг бирмунча ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётда демократик мезонлар тиклана борди. Ҳаётда учраб турадиган ошна-оғайнигарчилик, гуруҳбозлик, ишлаб чиқариш манфаатларини назар-писанд этмаслик каби салбий кўринишлар қоралана бошлади. Бу ҳол адабиётда ҳам аксини топди. Бугун биз уйғониш, демократиянинг тикланиши, ошкоралик ҳақида гап гапираялмиз. Бу табиий, албатта. Бироқ тарихга назар ташласак, бу йўналиш ва ҳислатлар сал олдинроқ 50-йиллар ўрталарида бошланганлигини англаймиз.

Адабиётда янги кучга қираётган эзгуликни эъзозлаш ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ноҳуш иллатларга қарши кураш жараёни насрда Пиримқул Қодировнинг «Уч илдиш», Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак», Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар», Иброҳим Раҳимнинг «Ҳилола», шунингдек, Саида Зуннунова, Одиб Ёқубовларнинг баъзи қиссаларидан бошланган эди.

Маълумки, «Синчалак»нинг марказида кўп жиҳатдан ижобий қаҳрамон ҳақидаги талабларга жавоб берадиган Саида образи туради. Райком томонидан колхозга партия ташкилотининг котиби қилиб юборилган Саида — фаол ва курашчан шахс.

Ёзувчи ҳаёт мантиқидан чекинса ҳам, Саидадек қаҳрамонни акс эттиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. У сунъий, замонавий образ бўлиб чиқишига қарамасдан, жамиятда куртак очиб келаётган шўхратпарастлик, зўравонлик, худбинлик каби иллатларни фош этишда Абдулла Қаҳҳор услубига мос келар эди. Уша йилларнинг мезонларига кўра Саида партия ташкилотининг котиби сифатида қаландаровчиликка қарши курашади. Замон зайли бошқача бўлганда бошқа қиёфадаги Саиданинг манман, консерватив раҳбар билан тўқнашувини кўришимиз мумкин эди. «Синчалак» қиссаси замонасозлик асоратининг типик намоёндаси сифатида таассурот қолдирадики, бу ҳам адабиётимизда ҳукм сурган ноҳуш иллатларнинг бири эди.

Одиб Ёқубовнинг «Муқаддас», Иброҳим Раҳимнинг «Ҳилола» қиссаларида ҳам «Синчалак»нинг ижобий таъсири йўқ эмас. Биз кўникиб қолган андаза ва ундан қутулишга интилишни «Ҳилола» қиссаси мисолида кўриб қайайлик.

Гап шундаки, қисса қаҳрамони — Ҳилола тоғни урса талқон қиладиган, ёхуд азим дарёларга тўғон солиб, экинзорларга сув оқизадиган паҳлавонлардан эмас. У ҳатто ташқи кўринишдан кўзга яққ этиб ташланавермайдиган, оддий меҳнаткаш қизлардан. Бунинг устига ҳали биз баъдий китобларга учратмаган касб эгаси — оддий иқтисодий-бухгалтер. Адиб бош қаҳрамонини узоқ таърифламайди ҳам: «Отаси Қўзивой ака темир йўлда ишчи, онаси шу орадан биринчи отилиб чиқиб, паранжисини ташлаган хотин». Ҳилола колхознинг бош бухгалтерлигига тайинланган, енг шимариб ишга тушади. У хўжалик низомига қаттиқ риоя этиб, бошқалардан ҳам шунини сўзсиз бажаришни талаб қилади. Колхознинг бор ҳисоб-китобини жой-жойига қўяди, катта-кичик даромад манбаларини аниқлайди. Кўп ўтмасдан, хўжаликнинг иқтисодий асосларини тартибга солади. Янги бош бухгалтер ўз фаолиятида кўп қийинчиликларга учрайди. Унинг тиниб-тинимаслиги, талабчанлиги эскича ишлаб келганларга ёқмайди. Ҳилола ферма мудирини Фозилжон, бригадир Холмирза ака, қолаверса, донгдор раис Замон Омонов билан тўқнашади ва улар онгида ўзгариш содир этишга муваффақ бўлади, «колхоз уставининг кўзи ўткир соқчисига» айланади.

Ҳилоланинг шу жиҳатлари, яъни илгари кўзга унчалик ташланмаган касб-кор эгасининг бош қаҳрамон қилиб олинishi ва фаол шахс сифатида кўрсатилиши биз ўрганиб қолган андазачиликка қарши курашнинг бир кўриниши эди. Афсуски, ёзувчи яхши маънода мунаққидлар эътиборини тортган бу қиссада ҳам андазачиликдан тамоман қутила олмади.

Ҳаёт мантиқи шундайки, ўзини улуғ ишларга чоғлаган ҳар бир шахс катта тўсиқларга дуч келади. Шахснинг улуғлиги ҳам кўпинча шу ўринда кўринади. Чунончи, Саидага қарши Қаландаровдек катта ва мураккаб шахс турмаса, унинг фазилатларини биз ёрқин кўролмаган бўлардик. Ёзувчи Ҳилолани шундай кучли қаҳрамонлар билан тўқнаштирмайди. Колхозда мураккаб ишларни бошлаб юборган бош қаҳрамонга жиддий тўсиқ бўладиган, жуда бўлмаса кучли ички коллизия яратадиган «муносиб» шахслар курашини кўрмаймиз. Эскича фикрлайдиган қолоқ раҳбарлар бош қаҳрамоннинг бир-икки ҳамласидаёқ енгилдилар, ўз хатоларини дарҳол тушуниб, Ҳилоланинг фикрига қўшила қоладилар.

Аввало, ҳаётда бундай воқеалар силлиқ кечмайди. Зиддиятларнинг шу тарзда осонгина, силлиқ ечилиши мазкур образнинг етук характер сифатида шаклланишига ҳам жиддий путур етказди.

«Синчалак»даги Қаландаров Саидани ёқтирамайди. Шу туйфаили у ўғли Қозимбекнинг Саидага уйланишини истамайди. «Ҳилола»да эса бу жиҳатдан ҳам иш хамирдан қил суғургандек енгил кўчади. Дастлаб Ҳилола билан тўқнашиб, уни менсимай юрган бригадир Холмирза ака асар охирида шу шаддоқ қизни келин қилиш орзусига тушиб қолади. Ҳатто бу ишга бош-қош бўлишни раисдан илтимос қилади.

Андаза тахминан шундайки, Яхшининг иши даимо яхши тугаллини керак, ижобий ҳаётимиз ҳаминча омадли бўлиши, худди эртақлардагидек, асар охирида мурод-мақсадига етишиши лозим.

Ҳаёт ҳақиқати шундайки, у ҳатто ёзувчи иродасига бўйсунмаслиги мумкин. Бунга мисоллар кўп. «Синчалак»да ҳам у бош қаҳрамон Саидани иккинчи ўринга суриб қўйиб, Қаландаровни асосий образ, ёзувчи кашфиёти даражасига олиб чиқади. Мазкур образ жамиятдаги муайян ижтимоий ҳодиса — яққаоқимликка интилиш, қаландаровчилик фожиасини умумлаштириб гавдалантиради. Бошқача айтсак, у маълум типик ҳодисага ном берган, уни ўзида мужассамлаштирган адабий қаҳрамонга айланади.

Шундай ҳол кейинчалик Одил Ёқубовнинг «Диёнат» романида ҳам содир бўлди. Ёзувчи диёнатли олим Нормурод Шомуродовни асар марказига олиб чиқишни ният қилганига қарамай, бош маъно йўналиши ёрдамчи қаҳрамон Отақўзи тарафига оғиб кетади. Ҳаёт ҳақиқати ёзувчи мақсадидан устун келади.

Адибнинг асарда зўр бериб Саидани олдинга олиб чиқишга интилиши замона, партия талабига ён бериши, яъни замонасозлик билан ва социалистик реализм адабиётида расм бўлган ижобий қаҳрамонни албатта асар марказига қўйиш талаби билан изоҳланади. Адиб муайян даражада ўзи яратган ижобий қаҳрамоннинг муваффақиятли ишларига, ҳатти-ҳаракатларига маҳлиё бўлиб, уни ўз имкониятларидан юқори ишларни ҳам амалга оширишга даъват этади. Бу ўринда Саиданинг қандайдир бир ички қониқиш билан айтган сўзларига эътибор беринг: «Арслонбек акам устимдан арз қилгани обкомга боришни зарур деб билган бўлсалар, демак, мени катта куч ҳисоблар эканлар. Бу ҳазил гап эмас! Демак, энди бамайлихотир ишлай берсам бўлар экан». (Абдулла Қаҳҳор. Синчалак. Тошкент, 1975, 191-бет.)

Саида Алиеванинг барча масалаларда қўли устун — у ҳаётин тажрибада ўзидан бир неча баравар юқори турадиган, ўзбошимча Арслонбек Қаландаров устидан ғолиб чиқади. Шу аснода Саида образида реалликдан кўра идеаллик устун бўлиб кетади. Ёзувчи қаҳрамонига ўз идеали, аниқроғи, жамият идеалини сингдирган дейишимиз мумкин.

Қаландаров ўзбек адабиётида яратилган бетакрор типидир. Бу образ орқали кенг кўрсатилган иллатлар кейинчалик ижтимоий ҳаётда анча кучайиб, оммавийлашиб борди. Турғунлик йиллари деб аталган 70—80-йилларда, афсуски, бундай иллатларнинг урчишига яхши шароит яратилди. Ҳаёт воқеаларининг бевосита таъсири тўғрисида адабиётда Қаландаровнинг Отақўзи («Диёнат»), Раис бува («Нур борки, соя бор»), Мирвали («Жимжитлик») сингари издошлари майдонга келди.


«Синчалак» қиссаси ва ундан сўнг пайдо бўлган асарлар мисолида адабиётимизнинг 60-йиллардан кейинги зиддиятларга тўла манзарасини аниқ тасаввур этиш мумкин. Бир томондан, тоталитар тузумнинг темир йўриқларига қарши исён кучайиб борган бўлса, бошқа томондан, адабий жараённинг марказида мафкура адабиёти, социализм методи қолиплари ҳамон хукмронлик қилиб турарди.

Етмишинчи йилларнинг ўрталарида Ўткиш Ҳошимовнинг «Нур борки, соя бор» романи нашр қилинди. Асар сарлавҳасиёқ ҳаётдаги икки қарама-қарши қутбни кўрсатиб турибди. Адиб бу билан асарнинг гоёвий мазмунига ишора қилётгани сезилади. У ҳаётдаги ижобий воқеаларни, яхши хулқли, инсофли ва виждонли одамларни самимият, ҳарорат билан тасвирлайди, жамиятнинг соялари — порахўр, диёнатсиз, қабиҳ, нопок кимсаларни аёвсиз фош этади. Муҳит асар қаҳрамони Шерзод ва у сингариларни турли гирдобларга ташлаб, фарқ қилмоқчи бўлади. Шерзод ҳаётдаги биринчи зарбаданок, ўз тўғри йўлини йўқотишига оз қолади — ичкиликка берилиб, касал бўлиб қолади. Қаҳрамон турмуш тенгсизлиги, зўравонлик, лаганбардорлик, «устамонлик» каби иллатларга дуч келаваради: тулқисифат, виждонсиз Сайфи Соқиевич ва касалхонадаги адолатсизликлар, қишлоқда Раис буванинг қинғир ишлари ва бошқа шундай воқеаларга қарши исён Шерзод қалбига туғён уради. Ёзувчи бу курашни характерлар тўқнашувда, ижтимоий-ахлоқий ва психологик ҳолатлар фонида очиб беради, пировардида Шерзод китобхон кўз ўнгига адиб идеалидаги характер сифатида намоён бўлади.

Кейинчалик китобхонлар томонидан қизиқиш билан кутиб олинган Одил Ёқубовнинг «Диёнат», Уктам Усмоновнинг «Гирдоб» романларида давр туйғуси, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-ахлоқий таназзул, ўприлишлар, турғунликларга қарши бонг урилди, ҳаёт мураккабликлари, ижтимоий зиддиятларни объектив ифодалашга ҳаракат қилинди.

Кейинги вақтда ҳақиқатдан чекиниш адабиётнинг фожиаси эканлиги, бадийий ижод ижтимоий масалаларни кўтаришда жамиятнинг олдинги жабҳаларида юриши лозимлиги тўғрисида кўпдан-кўп муҳим, жиддий фикрлар айтилди. Халқ иродаси, жамоа қудрати тарихий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи омили эканлиги маълум. Шу билан бирга жамият ривожига инсон омили, шахсининг обрўси, мавқеи катта эканлигини ҳам инкор қилмаслик керак.

Оддий инсоннинг бутун ғами, ташвиши, қувончу шодликлари билан бўямаган-бежаман ҳолда ҳаққоний кўрсатиш сўз санъатининг азалий вазифасидир. Етмиш йиллик ҳаёт тажрибаси, йиллар ҳукми шунини очиқ кўрсатдики, зўравонлик, маъмурий-буйруқбозлик йўли билан жамиятни гуллатиб-яшнатиб, «порлоқ келажакка» олиб бориб бўлмаганидек, турли кўрсатмалар, топшириқ ва «ижтимоий заказ»лар андаза ва босмақолип усуллар билан чинакам бадият намуналарини яратиб бўлмайди. Адабиёт ўз талабига кўра ҳаётни ҳаққоний тасвирлаш, инсонни тарбиялаш, маънавий поклаш, юксалтириш учун хизмат қилар экан, унинг қаҳрамонлари ҳам ҳаётнинг ўзидагидек жонли, мураккаб, ҳис-туйғуга бой, бетакрор фазилатлар эгаси бўлиши керак. Тирик одам ҳеч қачон силлиқ, бир меъёردа яшамайди, унинг қалбига эзгуликлар қатори нуқсонлари ҳам, иллатлари ҳам бўлиши мумкин. Ҳаётда қанча одам бўлса, уларнинг шунча ўзига хос йўли, дарди-дунёси, мураккаб тақдир бор. Буларни тугал акс эттириш ўз қаҳрамонини ҳаётини жозиба билан бодитиши, чинакам қиёфасини, қалбини, орзу-армонларини ҳаққоний гавдалантириш ҳар бир санъаткорнинг эзгу мақсади ҳисобланади. Сохталик бадият оламига ёт нарса экани узил-кесил исботланди. Ижод аҳли ниҳоят андазабозлик ва босмақолипдан, буйруқ билан асар ёзиш иллатидан қутулди. Мустақил жумҳурият барпо қилаётган жафокаш халқ ёзувчиларимиздан ҳар жиҳатдан баркамол, тамғалар ҳоли, бадийий етук қаҳрамонлар образи тасвирланган ёрқин асарлар кутади.



Раҳима Аминова

## КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ—ҚАШШОҚЛАШТИРИШ ДЕМАК

*Сталиннинг катта хатоларидан бири...*

*Турмуш тақоза этмагач...*

*Ҳайбаракаллагичилик касри...*

*Аслида қулоқлар, ўртақоллар ким эди?..*

*Бизга коллектив хўжаликлар керакми?..*

Кейинги пайтда сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётдаги буюк инқилобий ўзгаришлар собиқ СССР, жумладан ўзбек халқи тарихидаги муҳим воқеаларни янгича баҳолашга зарурат уйғотмоқда. Олимлар қаторида кенг жамоатчиликни Октябрь тўнтаришидан кейинги йиллардаги ғоя ва фикрлар курашининг ўта кескинлиги, янгича иқтисодий сиёсатга ўтиш ва навбатдаги ўн йилликлар ривожланишини аниқлаб берган ўзгаришлар ғоят қизиқтирмоқда. Булар ичида аграр сиёсат алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўзбекистонда коллективлаштириш тарихига оид талай илмий ишлар қилинган. Далилларга бой ҳужжатлар умумлаштирилган. Лекин демократия ва ошкораликнинг бузилишлари оқибатида, тадқиқотчилар аграр ўзгаришлар тарихи, коллективлаштириш жараёнининг бутун мураккабликларини очиб беролмаганлар, манбаларга танқидий ёндашмаганлар, кўп далилларни атай четлаб ўтганлар. Бу ҳол, маълум даражада, архив ҳужжатларини ўрганишга йўл қўйилмагани билан изоҳланади. Биз эса, ўз кузатувларимизда ўша кемтикни баҳоли қудрат тўлдиришга ҳаракат қиламиз. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, айни пайтда ерни хусусийлаштириш, яқка хўжаликни кенгайтириш ҳақидаги гаплар юзага қалқиб чиқди. Ширкатлар, колхоз-совхозлар керакми-кераксизми, деган масала ва бошқа муаммолар устида баҳс бўлиб турибдики, биз улар тарихи ҳақида сўз юритамиз.

Коллективлаштириш — ишлаб чиқаришга давлат монополияси ўрнатилишининг нақ ўзгинасидир. Партиявий-ғоявий сиёсат ҳукмронлиги туфайли юзага келган коллективлаштириш назарияси ва тажрибаси бугунга келиб чилпарчин бўлди. Кишининг ишлаб чиқаришдаги меҳнатига ҳақ тўлов ўзаро тенглик асосига қурилганидан бу сиёсат ўзини оқламади. Табиийки, моддий манфаатдорлик бўлмаган жойда ташаббуслар ҳам сўнади. Ташаббус, изланиш бўлмаган жойда эса, иш орқага кетади. Бунинг устига ҳаётнинг ўзи коллективлаштириш муаммосини кўтариб чиқмаган эди. Назариячилар асрлар оша шаклланиб келган ишлаб чиқариш усулларига беписанд қарадилар. Зўравонлик билан ўтказилган сиёсат кўплаб ишбилармон, тадбиркор одамларнинг ишга, ерга бўлган муносабатини совитди. Эътироф этмоқ жоизки, бугунги дастурхонимизнинг ғариблиги ҳам, кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш «самарасидир».

Коллективлаштиришнинг тарихи узун, йўли фожейдир. Чоризм ҳукмронлик қилган йилларда рус деҳқонларига маҳаллий деҳқонларнинг ерларидан бир неча баравар кўп унумдор ерлар тақсимлаб берилган эди. 1921-22 йилларда ўтказилган ер-сув ислоҳотининг асосий мақсадларидан бири, ўлкамизга келиб ўрнашган рус заминдорларининг ерларини маҳаллий зироатчиларнинг ерлари билан тенглаштириш эди. Ислохот даврида кўчманчи хўжаликларнинг бир қисмини туғатишга эришилди, бир қисмидан ортиқча ер, дон, уруғ, мол-мулклар мусодара қилинди. Кўчириб юборилган оилалардан 250 минг ботмондан ортиқ дон тортиб олиниб, шундан атиги 12,8 минг ботмони маҳаллий батрак қамағалларга бўлиб берилди.

Ҳукумат бир вақтнинг ўзида, келгусида камқувват яқка хўжаликларни мустаҳкамлаш борасида қатор тадбирлар — камбағал деҳқонларга солиқ имтиёзи бериш, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналаридан, машина-тракторлардан ишлаб чиқаришда унумли фойдаланиш, уларни қарзга бериш, ер унумдорлигини ошириш, экин майдонларини кенгайтириш, янги ерлар ўзлаштириш, деҳқон хўжалигидаги айрим жараёнларни ширкатчилик асосида ривожлантириш ва ҳоказоларни амалга оширди. Тан олишимиз керак, янгича иқтисодий сиёсат Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг ривожланишига ва мустаҳкамланишига туртки берди. Лекин оммадаги техник саводсизлик, ишлаб чиқаришдаги феодалчилик қолдиқларининг мавжудлиги, баъзи қишлоқ туманларининг иқтисодий жиҳатдан қоқоқлиги, туб миллат вакиллари орасида ишчилар озлиги, совет ва хўжалик идоралари-

даги қозғозчилик, маъмурилик кишлоқни қайта қуриш жаҳодисига жиддий тусиқ яратди. Мазкур маҳкамалар ишида бир талай номувофиқликлар мавжуд эди.

1925—29 йиллардаги иккинчи ислоҳот ер-сув ва ишлаб чиқаришнинг бошқа асосий воситаларини, бойларга қарашли ерларни мусодара этиб, камбағалларга бўлиб бериш, деҳқончиликдаги патриархал-феодал қолдиқларни йўқотишга қаратилган эди. Ислоҳот давомида фақат тўртта — Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Зарафшон вилоятларида 254,2 минг десятина ер жамғармаси ҳосил бўлди. Унинг асосий қисми (70 фоиз) бойлардан тортиб олинган: қолган қисми янги суғориладиган ерлар ва давлат мулкидан, шунингдек, вақф, шаҳарликлар ва номаълум фуқароларнинг ерларидан иборат эди.

Маълумки, 1918—19 йилларда Россияда помешчиклар ери мусодара этилганди. Орадан ўн йил ўтиб, бу тадбир Ўзбекистонда ҳам қўлланилди. Яхши мақсадлар кўзланган ислоҳотни амалга оширишда талай ғирромликлар содир бўлди. Кўп ерлар заминдор ёки ўртаҳол деҳқонларга тегишли деб топилиб, мусодара қилинди. Лекин рус помешчиги билан маҳаллий заминдор орасида катта фарқ бор эди. Помешчикларнинг 16—25 десятинадан ери бўлса, бизнинг бойларнинг ери 7—12 десятинали ташкил этарди. Бунинг устига маҳаллий ер эгалари етарлики ишчи кучи, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари ва чорва молларига эга эмас эди. Моҳиятан, ер-сув ислоҳоти деҳқон ва ўзини ўнглаб олган ўртаҳол деҳқонларни қулоқ қилишни бошлаб берди, бу ҳол эса Россиянинг ўзида сал кейинроқ, оммавий коллективлаштириш давридагина амалга оширилди. Шу ўринда бирмунча аввалроқ тузилган қарз берувчи қишлоқ хўжалик ширкатлари фаолиятига ҳам тўхтаб ўтамиз. 1924 йил охирига келиб, қарз берувчи ширкатлар (912 та) 18 туман уюшмасига бирлашдилар. Уларда 233,5 минг киши хизмат қиларди. 87 фоиз деҳқон пахтачилик ширкатларига аъзо бўлиб кирган эди. Қолган қисми бошқа соҳалар: узумчилик, боғдорчилик, чорвачилик билан шуғулланарди. Ипакчилик ширкати эса мутлақо тузилмаган эди. Ширкатлар пахтачилик тараққийсида етакчи ўрин тутди.

Давлат ширкатлар орқали хусусий хўжалик фаолиятини йўналтириб турди, қишлоқда мол айрибошлашнинг ўсиши ва давлат томонидан бериладиган қарзнинг кўпайишига имкон яратди, кўплаб майда ишлаб чиқариш кучларини бирлаштиришга эришди. Шулар баробарида ширкатчилик ҳаракатида ўзига хос қийинчиликлар бор эди. Улар малакали ходимларга ва моддий маблағга муҳтожлик сезарди. Тузилажак шартномалар деҳқонга кўпма маъқул келавермасди, оқибатда қишлоқ аҳли пахта етиштириш билан овора бўлиб қолаверди. Бироқ деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотлари кўпайишида салмоқли ўрин тутган ширкатчиликни коллективлаштириш сиёсати ҳаётдан ситиб чиқара бошлади.

Коллективлаштиришни сунъий тарзда кенг ёйиш 1929 йил кузидан бошланди. Бунга Сталиннинг 1929 йил 7 ноябрида «Правда»да босилган «Буюк бурилиш йили» деган мақоласи туртки берди. Унда коллективлаштириш ҳал қилувчи ғалабага эришаётгани, деҳқонларнинг асосий оммаси жамоат хўжаликларига бирлашаётгани бўрттирилган эди. Лекин, мақолада жамоа хўжалиги тузишда ихтиёрийлик мезонлари бўзлаётгани хусусида ҳеч нарса дейилмаган эди. Сталин ва Молотов мамлакатнинг бир қатор ўлкаларида коллективлаштиришни 1930 йилдаёқ тамомлаш мумкин, деган ақидада қаттиқ туришган эди. Бу ҳам етмагандай, ВКП (б) Марказий Комитетининг 1930 йил 5 ноябридаги «Коллективлаштириш суръатлари ва давлатнинг колхозлар ташкил этишга ёрдами тўғрисида»ги мушхур қарори қабул қилинди. Сталин таҳрири остида чиққан мазкур қарорда деҳқонларни сиқувга олиш янада кучайтирилган эди.

ВКП (б) МК Сиёсий Бюроси коллективлаштириш тажрибасини ўрганиб чиқиб, амалий чоратадбирлар белгилади, Ўзбекистон коллективлаштириш суръати жуда секинлик билан бораётган жумҳуриятлар таркибига киритилди. Режага биноан, коллективлаштиришни Ўзбекистонда биринчи беш йиллик давомида тугаллаш белгиланди, лекин режанинг сўнгги босқичида бу муддат қайта кўриб чиқилиб, 1933 йилда тугаллаш зарурлиги таъкидланди.

Коллективлаштириш сафарбарлик усулида олиб борилди, қонунсизлик, қатағон қилиш учига чиқди. Деҳқонлар мажбуран колхозларга киритилди. Қаршилик кўрсатганлар «қулоқ» деб топилди. Ўзбекистон КП (б) МКнинг 1930 йил 30 январь қарорига мувофиқ меҳнати эвазига тўқ турмуш кечираётганлар баҳорикор ёки янги ўзлаштирилган ерларга мажбуран кўчириб юборилди. Уй-жойи, боғ-роғлари, чорва моллари, иш анжомлари... мосуво этилди. Шунингдек, собиқ миршаб ва амалдорларнинг хўжаликлари ҳам унумсиз ерларга кўчирилди. Уларга яшаётган қишлоқлари бир четидан ёки қишлоқ Шўроси тасаруфидан 3 гектаргача ер бериларди. Агар савдогар ва руҳонийлар ўз кучи билан эгалик қилаётган ерларига қарамаса, уларнинг барча мулки тортиб олинди. Мардикор ёллашга қатъиян чек қўйилди. Коллективлаштириш ўтказилаётган жойларда бой-бадавлат оилаларнинг мол-мулки ҳисобга олиниб, уларнинг ҳатто рўзғор тебратиши учун бозорга қийариб сотиши ҳам тақиқланди. Ҳукумат ўз одамларини шу тарика шиларди. Одамлар қулоқ деган ном орттириб, жонажон қишлоғидан чиқариб юборилишини истамасди. Ялпи коллективлаштиришни амалга оширишдаги зуғум беҳад ўтказилаётганидан айрим туманлар бир ой ичидаёқ коллективлаштиришни тугатгани ҳақида юқори идораларга рапортлар бера бошладилар. Коллективлаштиришнинг дастлабки кунлариданоқ ер олиб, ўз меҳнати билан ўртача турмуш кечираётган хўжаликлар барҳам топди, яъни ҳамма камбағал бўлишга, қашшоқ яшашга даъват этилди.

Жумҳуриятимизда коллективлаштириш суръатининг жадал бориши ҳар қандай шароитда ҳам марказ фармонини бажаришга интилиш билан изоҳланади. Афсуски, коллективлаштиришда миллий хусусиятларга заррача эътибор берилмади. Мазкур жаҳодаги бузилишлар натижаси ўлароқ, одамлар на колхозга кирарини, на яқна хўжалик юритишни билолмай қолдилар. Баҳорги экин-текин ишларига тайёргарлик кўрмай қўйдилар. Бу ҳол одамлар турмушига зиён етказмасдан қолмади.

Коллективлаштиришга мутассадди ўртоқларнинг маърузаларида деҳқонларнинг жойлардаги янги ҳукумат идораларига ишончсизликлари ҳақидаги маълумотлар ҳам учрайди. Масалан, Тошкент вилояти Ниёзбоши бўлисининг камбағал ва ўртаҳол деҳқонлари қишлоқ маъмуриятдан чўчиб, ҳатто ўз ташаббусию норозиликларини айтолмай қолганлар. Бухоро вилоятидаги Қорақул тумани бўйича вакил И. Рубинштейн юқори идорага шундай хабар беради: «Ҳокимият деярли

ўзгармади, деб ҳисоблагувчи одамлар орасида қуйи Шўро маъмуриятининг мутлақо обрўси йўқ. Устига устак қишлоқ Шўроси раҳбарияти ҳар 10—12 кунда алмашиб туради. Бунчалик тез алмашувининг сабаблари ҳеч кимга аён эмас».

1930 йил бошида мамлакатда деҳқонлар уруши бошланиши ваҳимаси тарқалиши билан партия раҳбарлари колхоз қурилишидаги хилофликлар, коллективлаштириш орқасидан қувиш туфайли келиб чиқаётган ноҳозилликлар, кўнгиллилик мезонининг бузилишини мажбуран қоралашга тушдилар. ВКП (б) МК 1930 йил январида Урта Осиё бюросига йўллаган телеграммасида мамлакатнинг илғор аграр ўлкаларига тавсия этган суръатларни иқтисодий ночор вилоятларга тадбиқ этмаслиги таъкидланди. Шу йилнинг 2 мартида Сталиннинг «Ютуқлардан эсанкираш» мақоласи «Правда»да чоп этилди, 14 мартга келиб ВКП (б) МКнинг «Колхозчилик ҳаракатида партия линиясининг бузилишларига қарши кураш ҳақида» қарори эълон қилинди. 2 апрелда жойларга ВКП(б)нинг махфий хати юборилди. Бу ҳол деҳқонларнинг дарров колхозлардан чиқишига сабаб туғдирди. (Масалан, Яқкабоғ туманидаги «Красный Октябрь», Ғузор туманидаги «Ленинский путь» каби колхозлар тарқалиб кетгани партия зўғуми билан тузилган коллектив меҳнат ўзини оқламаётгани ифодаси эди.)

Партиянинг ўз чизиғидан чекинishi, аслида, мутаассиблик аломати, деҳқон аҳлини алдаш, тўлиқиб келаётган ноҳозилликни сусайтириш эди. Орадан кўп ўтмай туманларни ёппасига коллективлаштириш тажрибаси яна қўлланила бошланди. Ёз ойларига келиб, колхозлар тузишда маъмурий-буйруқбозлик усули ҳукмрон тусга кирди. Коллективлаштиришнинг жадаллаштирилиши расмий ҳужжатларда колхозларни мустаҳкамлаш, синфий курашни кучайтириш деб тусунтирилди.

Оммавий коллективлаштириш билан баб-баравар, қулоқларни синф сифатида тугатиш авж олдирилди. Хўш, аслида қулоқлар ким эди? Қулоқлар бир неча йил илгари ер олиб, ўз меҳнати эвазига маъмур яшаётган кишилар эди. Бу ҳаракат ўзбошимчалик ва зулм билан бошланди. Қулоқларнинг ижтимоий мансублиги мезонини аниқлашда бутун мамлакатдаги каби Ўзбекистонда ҳам бебошликлар рўй берди. Бу борада Янгийўл тумани партия комитети ташкилий ишлар бўлими бошлиғи, Зангиота қишлоғида қулоқларни тугатиш бўйича вакил шундай ёзади: «Кимни қулоқ деб ҳисоблаш ҳақида аниқ тасаввурга эга эмасдик. Қулоқларни зудлик билан тугатиш масаласига суюниб, биз довлларга кириб, рўйхатларга қараб, тўғридан-тўғри қулоқ қилардик. Ҳар қайси масъул вакил, ҳатто вилоят вакили ҳам ўз билганича иш тутарди. Жумладан, Зангиота қишлоғи бўйича 80 киши ҳибсга олинди, улар ичида ўртаҳол ва камбағал деҳқонлар ҳам бор эди. Айни пайтда ихтиёрида 20 киши қолди, уларнинг ҳам айримларини қўйвориш керак, баъзиларини эса бадарға қилмоқ лозим. Бор мол-мулки, пиёласидан тортиб, тақсимчасигача тортиб олинди. Буларнинг барчаси аниқ кўрсатма бўлмагани учун юз берди». Шу туман молия бўлими бошлиғи Харитоновнинг сўзлари ҳам юқоридаги фикрга ҳамоҳангдир: «Кечаси мени чақиртириб олишдида, қўлимга нумжат тутқизишиб, қулоқ қилишга борасиз дейишди. Қулоқ қилиш йўл-йўриқлари ҳақида ҳеч нима дейишмади».

Натижада бой хўжаликлар билан бир қаторда ўртаҳол ва камбағаллар ҳам зўрлик билан кўчириб юборилди. Биргина Зангиота қишлоғидан 42 хонадон бадарға этилди. Қулоқлар тўлаган солиғига қараб аниқланган. Масалан, деҳқон Абдулла Қозоқбоев 158 сўм, Ашраф Иброҳимов 238 сўм, Мулла Тошхўжаев 214 сўм, Усмонхўжаев 93 сўм солиқ тўлагани учун қулоқ деб топилган. Чиноз қишлоғида ҳам худди шундай воқеа такрорланган: қулоқ қилинган 30 оиладан бор-йўғи 18 от тортиб олинган. Лекин қулоқ деб топилганларнинг айримлари кўчириб юборишдек жазодан қутулиб қолган.

Асосан пахтачилик билан шуғулланадиган камбағал деҳқонлар етиштирилган ҳосилини йиғиштириб олиш, бозорга чиқариб сотиш учун мардикорлар ёллашга мажбур бўлган. Ота-боболаримиз диндорлиги учун ҳам, маъмурий талабларга эътироз билдиргани учун ҳам, шахсий адолати учун ҳам қулоқ қилинганлар. Пировардида камбағаллар «қулоқ» бўлишдан чўчиб, ўз хўжалиklarини тебраттишдан воз кеча борганлар.

Қулоқ қилишдаги адолатсизликлар хусусида Тошкент вилояти бўйича вакил Олимов қуйидагиларни ёзади: «Яллама, Эски Тошкент ҳамда Сталино қасабаларида бадарға этиш чоғида бадарға қилинаётган хўжаликларнинг бутун мол-мулки, мулла ва руҳонийларнинг бутун диний жиҳозлари давлат ихтиёрига олинди. Жумладан Сталинода яшовчи руҳоний Варламов хўжалиги мусодара қилиниб, унга 2 соат ичида тумандан чиқиб кетиши буюрилди. Қабихларча ўтказилган тинтувдан сўнг уй ичига қараб бўлмасди. Унинг бор мулки мусодара этилди, черков шу заҳоти ёпилди. Черковлар билан бир қаторда мачитлар ҳам тамғаланди».

Шундай ҳоллар рўй беришига саллани олиб кел деса, деҳқон олиб келаётган район партия комитетлари ходимларининг ўзлари фатво берганлар. Қишлоқда коллективлаштиришни ўтказишга вакил сифатида юборилган коммунистлардан бирига Янгийўл райкомидан берилган ҳужжатда мана бу сўзлар рақамланган: «Колхознинг бўлимас жамғармасига ўтказиш учун ҳар бир хўжаликнинг жами мол-мулки, дон ва ем-хашак заҳираси ҳамда бошқа қимматбаҳо буюмларини тортиб олиш топширилди. Тортиб олинишга ажратилган асбоб-ускуналар, молларни яширишга уринган ёки қаршилик кўрсатган кишиларни ҳибсга олиш ҳуқуқи берилди. Фармойишни бажармаслик ва қаршилик кўрсатиш ақсилчиликнинг ҳаракат деб топилсин».

Қулоқ қилишдаги жисмоний зўравонлик ўтказилганига яна бир мисол келтираман: Бу воқеа Янгийўл туманидаги Қовунчи қишлоғида содир бўлган: «Қуролланган вакиллар қуролланган милиция ходимлари ҳамроҳлигида кечаси қулоқ қилинаётган одамларнинг уйига кириб, бор бисотици — молидан тортиб, пулюю кийим-кечаги, чинашбюю идиш-товоғигача... тортиб олишди. Шундай ҳоллар рўй берганки, тортиб олинган буюмларнинг рўйхати тузилмаган. Туман бўйича 500 киши қулоқ қилинди. Уларнинг ҳаммаси район ички ишлар бўлимига келтирилиб, 8 кунгача ҳибсда сақланди. Қамалганларнинг аксарияти бегуноҳ одамлар эди».

Масъул вакиллар қулоқ қилинаётган одамларнинг ўзлари аниқлашларидан сўнггина камбағал ва батрақлар йиғилишини ўтказиб, уларга ўзлари чиқарган қарорларни тасдиқлатиб олганлар.

Партия сиёсатини амалга оширишда қулоқлаштириш йўлининг тутилиши деҳқон аҳлида давлатга нисбатан хавфсизраш, ишонсизлик келтириб чиқарди. Кўплаб одамлар ўзларини тақдир ҳукмига ташладилар. Андижон вилоятининг бир қатор қишлоқлари аҳолиси асбоб-ускуналарини,

молларини, ҳатто мевали дарахт кўчатларини сотиб юборгани, пахта экишдан бутунлай воз кечгани ҳужжатларда акс этган.

Юқорида айтганимиздек, қулоқлар кўпинча, деҳқонларнинг шахсий қишлоқ хўжалиги солиғи тўлови ҳақидаги рўйхат асосида аниқланган. Районлар молия бўлинмаларида тузиладиган бундай рўйхатлар, амалда кўриб чиқилмасди. Натияжада, ўртаҳол деҳқонлар қаторида камбағал хўжаликлар ҳам ўз еридан, юртидан бадарға қилинарди. Қулоқларни аниқлашнинг яна бир мезони сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган кишилар рўйхати бўлган. Ўз меҳнати эвазига тўқ яшаётган одамни сайловдан маҳрум қилиш ҳар қандай жамият мезонларига тўғри келмайди. Тағин, инсоннинг меҳнат қилиш эркинлиги, меҳнатига яраша тишлаши лозимлигини ўқтираётган социалистик жамиятда! Авторитар давлат ўз одамларини камбағал, сиебатдан ҳоли яшава ундарди. Сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлган одамлар сони, айрим туманларда, мавжуд аҳолига нисбатан 23 фоизгача етиб борган. Баъзи ўринларда ўртаҳол деҳқонни ўғли судлангани учун, батрак, камбағал, ўртаҳолларни — мавсумий ишчилар ёки батраклар кучидан фойдалангани учун, батракларни «ёт унсурлар хизматида» бўлгани учун сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилишган. Давлат, одамларни қарз бермаслик билан қўрқитган, озчиликни колхозларга киритиш учун умумий йиғилишларда расмий овоз бериш тажрибасидан фойдаланган. Маъмурий-буйруқбозлик тартиботининг кучайиши баробарида деҳқонларнинг норозилиги ҳам ўса борди.

1930 йил 15 июнида Андижон вилоятининг Исковот қишлоқ Совети аҳолиси қўлларига кетмон, белкурак олиб, туман марказига қараб йўл олади. Уларга райком котиби Бадалбоев, райижроқум раиси Ҳайитбоев, Исковот қишлоқ Совети бўйича масъул вакил Раҳимбоев пeshоз чиқади. Раҳбарлар исёнкор деҳқонлар билан тинч мулоқот олиб боролмайдилар. Туман раҳбарияти оломонга қарата ўқ узишга буйруқ беради. Бир қанча камбағал ва батраклар яраланади, йигирмадан ортиқ киши ҳибсга олинади, улар орасида аёллар ҳам бор эди. Деҳқонларнинг норозилик чиқишлари Фарғона ва Бағдод туманларида ҳам рўй берган. Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида ҳам танг вазият вужудга келганики, бу ҳақда мазкур тумандаги вакил шундай ахборот ёзиб қолдирган: «Кузатишларимга қараганда, тумандаги аҳвол ўткирлашмоқда. Узбеклар Жонибек Қўзи деган «босмачи» ҳақида гапиришяпти, руслар эса тумандан чиқиб кетишга ҳаракат қилишяптир».

1930 йили 29 май кунини Ўзбекистон КП (б) МК номига «Хлоптрест»нинг Термиз раисидан тубандагича хат келади: «Қил устида турган колхозларнинг тарқалиб кетиш хавфи сезилаётмир, аммо ҳозирги хотиржамлик бирдигани Совет ҳуқуматиغا қаршиликка айланаб кетиши мумкин».

Айрим туманларда «қулоқларни синф сифатида тугатиш» ўртаҳол деҳқонларга нисбатан ростмана қирғинга айланди ва ижтимоий тўфон уни ўзбек қишлоғидан сиқиб чиқаришга олиб келди. Мазкур ўринда ўша воқеаларнинг бевосита иштирокчилари сўзига эътибор берайлик: «Туман партия ташкилоти, — деб хабар беради Андижон вилояти Косонсой туманидаги вакил, — ижтимоий гуруҳларни аниқлашни билмайди. Ҳаммаси бўлиб 1770 киши, шундан 894 ўртаҳол ўз ҳуқуқидан айрилди, 596 деҳқон диний эътиқоди учун ҳуқуқидан маҳрум бўлди».

«Ўртаҳол қишлоқ Советида ва колхозда дарров камбағалга «айланиб қолди», — деб хабар қилади Шаҳрисабз тумани вакили. — Айрим ўртаҳоллар бой ва қулоқлар рўйхатида нотўғри кириб қолган. Ҳеч қачон ишчи ёлламаган ўртаҳоллар бор, ўз ўғли билан ишлайдиганлар эса ўртаҳоллар каби кўп миқдорда солиқ тўлаганлар. Бу воқеалар ўртаҳолларни қўрқитиб қўйган, натижада кимдир сен ўртаҳолмисан, деб сўраса камбағалман деб жавоб берган. Ўртаҳоллар, бизда шу тариқа тамом бўлган».

«Андижон вилоятидаги Тўдамайдон қишлоқ Советида ўртаҳоллар йўқ, деб маълум қилади раис Қўтбий. Ундан бу ҳақда сўраганларида, «бизда ҳаммаси камбағал» деб жавоб беради. Бир қатор вилоятларда ўртаҳоллар ҳам сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган. Уруғлик фонди йиғилишларида уларни қулоқлар рўйхатида киритишган, натижада, бу кўп миқдорда солиқ тўлашга сабаб туғдирган. Ер олишга уринган камбағал деҳқонлар бир-икки йил ўтиши билан яна қулоқлар сафига қўшилиб қоларди. Улар колхозга шу боис киришдан чўчирдилар.

Маҳаллий амалдорларга берилган чексиз ҳуқуқ одамлар ҳақ-ҳуқуқини топташ, инсоний қадр-қимматини ерга уриш ҳолларини келтириб чиқарган. Улар ўзларига ёқмаган деҳқонларнинг ҳам ҳеч иккиланмай қулоқ қилаверганлар. Масалан, Урдай қишлоқ Совети раиси Абдиев Ғойибназаров деган деҳқондан ўз қариндошини топиб келишни буюради. Ғойибназаров унинг қариндоши қаерда эканини билмаслиги, бу иш билан шўғулланмаслиги, қарзга олган 18 таноб ерига ишлов бериши лозимлигини айтади. Бу жавобни эшитган Абдиев уни ҳибсга олиш ҳақида хат ёзиб, қўрқитади.

Ишчи-деҳқон инспекцияси Халқ Назорати комиссиясининг маълумотида ҳам деҳқончиликдаги бош фигура — ўртаҳолларнинг ғойиб бўлиш жараёни акс этган. Масалан, Андижон вилоятининг Сталин туманида 1929 йили мавжуд аҳолининг ўртаҳоллари 64,8 фоизини ташкил этган бўлса, 1930 йилга келиб 16 фоизга тушиб қолди. Бу — 30 фоиз тўқ яшаётган оила қашшоқлаштирилгани демак... Шунга мувофиқ равишда бошқа ижтимоий гуруҳлар кўрсаткичи ҳам ўзгарган. Бундай манзарани жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Коллективлаштириш одамларни тўқ кун кечиршидан бир амаллаб кун ўтказишга олиб келаверди. Пешона теринг билан яхшироқ рўзгор тебратилинги жиноят саналадиган бўлиб қолди.

«Ўртаҳолларга қарши кураш» кайфияти партия-совет ходимлари ва «Қўшчи» жамиятининг масъул вакиллари ўртасида кенг тарқалган эди. Қашқадарё вилоятининг Китоб қишлоқ Советидаги вакил Тўраев ўртаҳолларни «Кимда ким бир кун бўлса-да, мардикор ёлласа қулоқ ҳисобланади», деб чўчитади. Фарғона вилоятида эса камбағал ва батраклардан, ўртаҳоллардан иборат алоҳида-алоҳида колхозлар тузишга уриниш ҳоллари рўй берган. Бу ҳам ўртаҳолларни, яъни аҳолининг асосий қисмини колхозга киришдан йироқлаштирган. Қулоқ бўлишдан чўчиган ўртаҳоллар мардикор ёлласади, натижада экин, айниқса пахта экиш режасини бажаролмасдан қоларди. Қашқадарёдаги масъул вакил Қаҳҳоров марказдан келган йўл-йўриқларга асосланиб, ўртаҳол ва якка хўжаликчиларга қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари тарқатмайди.

Ўзбекистонда оммавий коллективлаштириш расман 1932 йил кўкламида тамомланган. Жумҳуриятимиздаги мавжуд деҳқон хўжаликларининг салкам 75 фоизи жамоат хўжаликларига бирлашган эдики, бу кўрсаткич мамлакатнинг анча тараққий этган жумҳуриятлари кўрсаткичидан анча

Ялли коллективлаштириш чорвачиликка ҳам зиён етказди. Чорвадорлар молларни давлат ихтиёрига жамлаштиришни мусодара этиш, деб тушунишди. Сотиб бўлмайдиган, йўқотиб бўлмайдиган ер ва бошқа кўчмас мулклардан фарқли ўлароқ чорвадор хўжаликларни назорат қилиш ғоят қийин эди. Гарчи молларни ўн кун ичида колхозларга топшириш белгиланган бўлса-да, бу қисқа фурсатда молларни сўйиб юбориш, ҳайдаб кетиш (жумладан Афғонистонга ҳам) имкони туғилган. Дўк-пўписалар ҳам, қатағон қилишлар ҳам фойда бермади. Барча турдаги чорва молларининг кескин камайиб кетиши коллективлаштиришнинг касри эди. Чорвачиликни тиклаш учун жуда кўп йиллар зарур бўлди. Масалан, 1928—1932 йилларда салкам 715 минг қорамол, салкам 160 минг от, 49 минг туя, 123 минг эшак ва хачир, бир неча юз минг қўй камайиб кетди. Ўзбекистонда мамлакатнинг бошқа жумҳуриятларидагига нисбатан кўп миқдорда чорва моллари йўқолганлиги ташвишланарли ҳол. Албатта, бунда республика партия ташкилотида ўтирган ва маҳаллий идораларда ишлаётган раҳбарларнинг айби каттадир. Ҳайбаракаллачилик шу қадар авж олдирилмаганида бизда бугунги қашшоқлик юз бермасмиди?!

Расмий маълумотларга қараганда, коллективлаштириш йилларида Ўзбекистондан жами 5550 қулоқ оиласи кўчириб юборилган. Ишончимиз комилки, қулоқ қилинганлар сони бундан анча юқори кўрсаткични ташкил этади. Қулоқлар 1931 йили қўшни жумҳуриятлар ҳудудига, келгуси йилдан бошлаб, Қозоғистон, Украина, Шимолий, Кавказ ва бошқа юртларга кўчирилган.

Ялли коллективлаштириш расман тамомлангани билан колхозлардан йироқроқ жойларда якка хўжаликлар фаолият кўрсатарди. Уларни ҳам колхозларга мажбуран киритиш учун қаттиқ уринишлар бўлган. 1934 йили СССР Халқ Комиссарлари Совети Марказий Ижроия Комитети якка хўжаликларга бир қарра солиқ солиш ҳақида қарор қабул қилди. Унга биноан солиқ миқдори анча оширилди. Бу ҳол якка хўжалик тебратувчиларни колхозчилардан кўра ёмонроқ аҳволга солиб қўйди, бадтар қашшоқ яшашга олиб келди. Мажбуриятни бажармаган якка хўжаликларнинг уй жиҳозидан ташқари бутун мол-мулки мусодара этилди. Уларга қарз бериш чегаралаб қўйилди. Хуллас, якка хўжаликчиларни ҳар томонлама сиқувга олиб йўқотиш тазийки кучайтирилди.

Колхозлар тузишдаги маъмуриятчилик кўринишлари 30-йилларнинг иккинчи ярмида чекка Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва ҳоказо вилоятларда сақланиб қолган тоз (ҳамкорлик асосида ерга ишлов бериш)ларни қишлоқ хўжалик артелларига айлантиришда ҳам давом этди. Низомга биноан ишлаб чиқариш воситалари (хўкиз ва бошқа асбоб-анжомлар) тоз аъзоларининг хусусий мулки саналган. Унинг аъзолари ишлаб чиқариш воситаларини фақат қишлоқ хўжалик ишлари бажарилаётган пайтда аниқ тўлов бўйича бериб туришарди.

ВКП(б)нинг XVI съезди қарорларида СССР шарқидаги миллий жумҳуриятларда коллективлаштиришни тугаллашга шошилиш, камбағаллар фаоллигини ошириш, батрақлар, ўртақоллар, бутун деҳқон оммасини колхозларга жалб этиб, мол ва томорқа-участкаларини мажбуран жамоат мулкига ўтказишни тезлаштириш алоҳида таъкидланди. ВКП(б)нинг Урта Осие бюроси 1934 йил 7 январь қарорида, қурултой натижаларидан илҳомланиб, Қорақалпоғистон ва Хива воҳасининг бир қатор туманларида тозларни коллективлаштиришнинг асосий шакли деб топди. Шу йилнинг бошидан бошлаб, яна коллективлаштиришни узил-кесил тугатишга фаоллик билан киришилди. Пиоровардида колхозларга кирмаган деҳқонлар сони 1937 йилга келиб 0,8 фоиизгача қисқарди, экин майдонлари миқдори эса 0,03 фоиизга камайиб кетди. Жумҳуриятимизда якка хўжалик юритиш ана шу тариха барҳам топди.

Коллективлаштириш пайтида ишлаб чиқариш воситаларини давлат ихтиёрига ўтказиш масаласида катта қийинчиликларга дуч келинди. Масалан, ерни тортиб олиш осон эди, лекин ишчи ва чорва молларини сақлаб туриш учун, ем-хашак ва молхоналар етишмасди. Шу боисдан уларнинг бир қисми эгаларига вақтинча қолдирилди.

Колхозлар тузишда хўжаликлар тараққиёти учун зарур саналган шарт-шароитлар эътиборга олинмаган. Аксар артеллар етарлича асбоб-ускуналар, машина ва ёрдамчи иш қуроллари билан таъминланмаган эди. Уларда малакали ходимлар етишмасди, меҳнат режа асосида олиб борилмасди, меҳнатга ҳақ тўлов тартиби мукаммал эмасди.

Шуниси борки, коллективлаштиришнинг хато экани хусусида унинг бевосита иштирокчилари, айрим коммунистларгина Марказий Комитетга хабар беришга журъат эта олганлар. Масалан, Ўзбекистон КП МКининг Тошкент вилояти бўйича вакили, йигирмабешминчи Денисов: «Биз ишлаб чиқариш бирлашмасининг юқори шаклини туздан сўнг ишлаб чиқариш ва ташкилий асосларни яратиш лозим, деб ҳисобланган қондани нотўғри деб биламиз. Бизнингча, аввал ишлаб чиқариш бирлашмасининг содда шаклидаги деҳқончиликни, масалан, машиналар жамиятини ташкил этиб, аста-секин ишлаб чиқаришнинг ташкилий асосларини яратмоқ керак. Шундан кейингина колхозлар коллектив хўжалик юритишнинг янгича олий тусини олади», дейди. Унинг фикрича, асосий хато қарзлар колхозларнинг мавжудлигига қараб берилганида. Қарз колхозларнинг ҳақиқий аҳволи, қарз берилса ўзини ўнглаб кетиш-кетолмаслиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмасдан берилверган.

Ялли коллективлаштириш деҳқонлар турмуш даражасининг анчайин пасайишига олиб келди. Қишлоқ аҳлининг гўшт истеъмол қилиш миқдори кескин тушиб кетди. 1930—31 йилларда шаҳарда яшовчи ҳар бир киши ўртача 39,15 килограммдан гўшт тановул қилган бўлса, бу кўрсаткич қишлоқда 19,17 килограммни ташкил этган. Уша йилларда ҳам ўзбеклар гўштни энг кам еган халқдир. Молларни четдан олиб келиш ва жумҳуриятимизда моллар бошининг кескин камайиб кетиши билан юқоридаги кўрсаткич янада қўйига тушиб кетди. Жойлардан марказий партия органларига ташвишли хатлар кела бошлади. Масалан, Самарқанд шаҳри яқинидаги «Қизил деҳқон» колхозини аъзолари шундай ёзишган: «Одамлар сув ва нон билан тирикчилик қилишмоқда, бошқа ҳеч нарса йўқ. Нон ҳам етарли эмас. Бундан ташқари саводсиз деҳқонларни тарозидан алдашмоқда. Яқинда бизнинг колхозга 40 килограмм ун кам беришди, пулини эса олиб қолишган».

Елпасига колхозлаштириш даврида урчиган маъмурий-буйруқбозлик туфайли демократик мезонлар топталди, кўплаб колхозлар ишини раисларнинг якка ўзлари ҳал қиларди. Колхозчилар йиғилишида меҳнатни ташкил этиш ва ишлаб чиқариш масалалари муҳокама қилинмасди ҳисоб.

Колхозлаштириш сафарбарлиги СССРда пахта мустақиллиги учун шиири остида ўтди. Бу ҳол пахта яккахокимлигини келтириб чиқарган омилдир. 1930 йил кўкламидаёқ Урта Осиё Иқтисодиёт кенгаши бошқармаси Ўзбекистон КП (6) МК ва Халқ Комиссарлари Советига қўйидаги мазмунда телеграмма юборади: «Елпасига коллективлашган туманларда, барча колхозларда экин майдонларининг тўртдан уч қисмига дахта экилсин. Ҳамма хўжаликларга етказиш, ҳаётга сўзсиз қабул қилиниши учун бор чора-тадбирларни кўринглар».

Пахтачиликни ривожлантириш режалари, одатда, ошириб қўйиларди. Масалан, 1932 йили, яъни биринчи беш йилликнинг охириги йилида ялпи пахта маҳсулоти ҳажмини 1,27 миллион тоннага, ҳосилдорликни 35 фоизга ошириш — гектарига 8,1 центнердан 10,6 центнерга етказиш мўлжалланган эди. Аслида эса ҳар гектардан олинган ҳосил 5,9 центнерни ташкил этди.


Колхозларга мажбуран киритилган деҳқон хўжаликлари жамоа ишлаб чиқариши ривожидан, меҳнат унумдорлиги ошишидан манфаатдор эмас эди. Колхозлар фаолиятида шу нарса ҳам мавжуд эдики, унга оила бошлиғи аъзо қилиниб олинарди, оқибатда оиланинг бошқа аъзолари ишсиз қоларди. Бу бир томондан, колхозда ишчи кучларининг етишмаслигига олиб келган бўлса, деҳқон аёлларнинг ишлаб пул топишга бўлган чанқоқлигини қондирмади. Уша йиллардаёқ ишчи кучлари етишмаслигидан, деҳқонлар шахарликлар кўмагига кўз тикишган эди. Ваҳоланки, қишлоқнинг ўзида шундай кучлар бор эди.

Коллективлаштириш, моҳиятан мамлакат қишлоқ хўжалигини қайта қуроллантиришдек вази-фани бажармади, аксинча уни издан чиқарди. Ишлаб чиқариш воситалари унинг суръатидан қолиб кетган эди. Малакали ходимлар йўқлиги учун Ўзбекистонга кўп миқдорда трактор ва бошқа техникалар келтирилмасди, келтирилганидан эса етарлича фойдаланилмасди. Колхозчиларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш қонун-қондаси қўпол равишда бузиларди. Деҳқонлар колхоздаги меҳнати учун жуда кам миқдорда ҳақ олардилар. Бу ҳол шу кунгача сақланиб қолгани коллектив меҳнат асорати эмаслигига ким кафолат беради?!

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ривожига 30-йиллар иккинчи ярмидан бошланган оммавий қатагон қилиш салбий таъсир кўрсатди. Раҳбар ходимларга олдиндан тузилган айбловлар билан бир қаторда миллатчилик тамғаси босилди. А. Икромов, Ф. Хўжаев, И. Зеленский, Е. Зелькина ва бошқа кўплаб тажрибали раҳбарлар деҳқонларнинг қулоқ қилиниш зулмига ошқора қарши чиққан эдилар. Пировардида аксар колхоз раислари отувга ҳукм этилди. Ўзбекистондаги коллективлаштириш сафарбарлиги шафқатсиз қонунсизлик билан олиб борилдики, бу деҳқонларга беҳад кулфатлар олиб келди. Ялпи коллективлаштириш, ернинг бутунлай давлат мулки деб эълон қилиниши, хусусий мулкнинг давлат томонидан тортиб олиниши деҳқонни заминдан, ишлаб чиқариш воситаларидан йироқлаштирди. Ерга ҳақиқий хўжайинлик ҳиссини йўқотган қишлоқ аҳли кунбайчи, ёлланма меҳнатчига айланиб қолди. Бунинг устига коллективлаштириш тажрибасидан сўнг яна озиқ-овқат развёрсткаси (тақсимлаши) жонланиб қолди. Сталин даврида шаклланган маъмурий буйруқбозлик аппарати дастлаб оғир саноатни ривожлантиришга эътибор бериб, деҳқонларнинг қонию кучи билан топилган маблағнинг ҳаммасини индустрияни ривожлантиришга сарфлади. Колхозлар муқобил саноат маҳсулотларини ололмай қолдилар, деҳқонлар қўл меҳнатидан нарига ўтмадилар. Бундан колхозчиларнинг ижтимоий аҳволи тобора оғирлашаверди.

Қишлоқ хўжалигига давлат монополиясининг ўрнатилиши колхозчилар манфаатига зид бўлиб, улар ташаббускорлигини бўғди, қишлоқда кескин ижтимоий муаммоларни келтириб чиқарди. Бу ҳол бугунги кунда ҳам давом этаётир.

Мустақил Ўзбекистонда бугунги кунда аграр масалалар тубдан қайта кўрилаётган экан, колхоз-совхозларнинг ўтмиш йўлига танқидий назар солмоқ жуда-жуда керак. Балки бизда ҳам жаҳон амалиётида оқланган, ўзимизда ҳам Октябрь тўнтарышига қадар шаклланиб келган яқка хўжалик, ерни деҳқонларга мулк сифатида бўлиб бериш тажрибасидан фойдаланиш зарурдир. Ахир, айни пайтда фермер хўжаликлар, ижара пудрати асосида ишлаётган деҳқонлар, чорвадорлар оз меҳнат қилиб, арзон ва сифатли, кўп маҳсулот етиштираётгани, ишлаб чиқариш воситаларидан ниҳоятда унумли фойдаланаётгани ҳеч кимга сир эмас-ку?!





# «Шарқ юлдузи» ойнамаси 1992 йил сонларининг умумий мундарижаси

## НАСР

Ортиқбой Абдуллаев. Аччиқ мевалар. Эссе	2—3
Маъсума Аҳмедова. Тожи опанинг тугуни. Ҳикоя	3—13
Суннатулла Анорбоев. Сталинчи бобо. Ҳикоя	6—106
Шойим Бўтаев. Туркум ҳикоялар	10—67
Михаил Булгаков. Чичиковнинг саргузаштлари	6—172
Матлуба Деҳқон қизи. Дунё. Ҳикоя	3—17
Козим Даврон. Армон. Ҳикоя	7—27
Илҳом Зойиров. Елпатак. Қисса	2—28
Шодиёр Ҳазрат Исмаи. Яхшилик манзили. Ҳикоя	7—19
Наим Каримов. Шам ва чақмоқ. Воқеий ҳикоя	2—153
Иноятуллоҳ Канбу. Баҳори дониш ёхуд вафодор ва бевафо хотинлар ҳақида қисса	3—118, 4—170, 5—187, 6—132
Мирза Карим. Моҳларойим. Қисса	11—28
Қиличбек Мустафоев. Икки ҳикоя	3—98
Омон Мухторов. Минг бир қиёфа. Роман	4—3
Асқад Мухтор. Фано ва бақо. Ҳикоя	6—92
Мухаммад Маматқулов. Муқаддима, Эртанинг яри. Ҳикоя	7—21
Анвар Муқимов. «Не кўйларга тушдим мано». Ҳажвий ҳикоя	7—95
Хуррам Маҳмудов. Ёдлов. Қисса	11—3
Тоҳир Малик. Шайтанат. Қисса	11—48 12—36
Кўчқор Норқобил. Дарё ортидаги йиғи. Қисса	5—4
Нормурод Норқобил. Хазина. Қисса	5—41
Раъно Розикова. Орзуларнинг синиқ қаноти. Ҳикоялар	3—3
Олим Тошбоев. Киприк сояси. Ҳикоя	7—24
Ҳожи Эмин Усмон. Муножот. Эссе	5—120
Баҳриддин Умрзоқ. Шамси-моҳ. Қисса	12—9
Шукур Холмирзаев. Олабўжи. Романдан катта ҳикоя	1—20, 2—64, 3—27, 4—100
Фафур Йўлдошев. Рўмолча. Ҳикоя	10—137
Рустам Қаюм. Қатралар	10—135
Чўлпон. Духтур Мухаммадёр. Сени кўп кўрма-сун. Ҳикоялар	1—3
Оқилжон Ҳусан. Ибн Сино висоли. Ҳикоя	1—114
Уткир Ҳошимов. Тушда кечган умрлар. Роман	6—26, 7—35,

## НАЗМ

Матназар Абдулҳаким. Кўчки. Достондан бўлақлар	3—60
Усмон Азим. Оқпадар. Нотарихий драматик достон	4—94
Сотим Аваз. Боболар санъати — руҳнинг ватани	7—115
Салим Ашур. Қўнглимга киргин дунё	7—88

Мархабо Аҳмедова. Фигонни елкага осиб кетамиз	10—132
Булоқбоши. Порлоқ топар истиқлолинг, Туркистон	1—141
Оллоёр Бегали. Ой ҳорғин букчайган йўлчи самода	4—82
Фарида Бўтаева. Қурган дарахтга йиғлайман	5—39
Олимжон Бўриев. Меҳрингдан кўзларим қамашар эди	10—82
Нодира Баротова. Дардларимнинг мангу ватани	10—130
Вафо Файзулла. Суқунатнинг дафтари қизил	7—9
Каромат Дўстматова. Умидим уланди узилган торга	4—77
Жуманиёз Жабборов. Сен хаёлим мавжларинда	5—36
Юсуф Жумаев. Гарчи Улуғбекнинг зурёдидирсан	10—79
Маъруф Жалил. Мустақиллик	10—3
Абдул Жалил. Юрагимни елларга берай	11—140
Наби Жалолиддин. Дунё тушларига излайман таъбир	12—113
Иқбол. Юрак эзур қабоғимнинг ҳовучида	6—111
Неъмат Иброҳим. Хаёлларим дарёдай оқди	7—93
Рустам Мусурмон. Сочларини юшиб йиғлар мажнунтол	2—151
Асқар Маҳкам. Таважжуҳ. Достон	5—71
Гулистон Матёкубова. Юрагимнинг яқин сирдоши — ёмғир	7—113
Муборак Мўминова. Кўёшдан туғилди бир гўдак	10—133
Алишер Нарзулло. Момом ҳоки бир ҳовуч тупроқ	1—130
Тўлан Низом. Чўлпон. Достон	6—83
Уллибиби Отаева. Бир мужда кўнглимга нурлар сепади	2—52
Ойдин. Туркистон тизмалари	12—6
Замира Рўзиева. Узингники бу ғолиб кунлар	3—9
Гулсевар Ризаева. Тилимнинг остида таргимтош	3—11
Хосият Рустамова. Мен ботиб кетаман меҳр қаърига	6—113
Тўра Сулаймон. «Эргаш Жуманбулбул эл кезади». Тизмалардан	1—108
Эшмўмин Сафаров. Бир покиза нигоҳ	1—128
Жамол Сирождин. Армонларга мағлуб бўлган орзуим	6—24
Сирождин Сайид. Менга қадим минорлардан бир сас етар	10—4
Эркин Самандар. Баҳор фасли ёр васли	11—20
Исмоил Тўлаков. Бизнинг қалбларимиз титраган япроқ	2—60
Тошқин. Ватан озодлиги халқимга эркинлик таманноси	4—148
Талабалар дафтарида. Ҳайрат гулларида таралмиш ифор	5—167
Яҳё Тоға. Беш қишлоқ қиссаси	12—32
Исмоил Тўхтамишев. Узимни беҳуда ўтларга урдим	12—28
Ғулум Фатҳиддин. Мен эса истакман	4—80
Фахриёр. Аёлуғ Достон	10—59
Амир Худойберди. Эзгуликнинг хушбўй ҳиди	1—126
Темур Хўжа. Олислардан бир садо	5—184

Олимжон Холдор. Бу — фалак тожи қуёш, дарди ба- шар	11—46
Чоршаъм. Бир изтироб, бир улкан азоб	7—32
Чўлпон. Мен сени унутмоқ учун севмадим	7—127
Тоҳир Қаҳдор. Бу — фалак тожи қуёш, дарди ба- шар	2—57
Қўтлибека. Соғинчнинг ўтли тили	6—22
Шукур Қурбон. Теран туйғуларга ташна бўлиб жим	7—29
Дадахон Ҳасан. Аввалги шеърлардан	3—116
Шавкат Ҳасан. Чўктиради дилни ҳар япроқ	12—111

### МУШОИРА

Улғайиб бормоқда умиднинг гули. Жаббор Эшон- кул, Қўшон Абдулла, Шухрат Аҳмедов, Абду- ғаффор Холматов, Абдунаби Ҳамроев, Суюндиқ Мамиров, Абдул Пардаев шеърлари	2—28
Уммонда сочилган бир ҳовуч маржон. Дило- ром Исмоилова, Мавлуда Авазова, Мунайхон Жуманазарова, Муқаддас, Гулсара Худойберга- нова, Уктамой, Зарбуви Алқорова, Раҳима Са- ломова шеърлари	3—21
Оққушга айланса ҳақ руҳ заминда. Зафар Худоё- ров, Расул Жумаев, Абдулла Вахшиворий, Жа- молиддин Муслим, Учқун Йўлдош Темурий.	6—126
Бўзлик ёшлар шеърятидан	12—177

### БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Тўғилади бир мусаффо руҳ. Бахтиёр Саййид, Саодат Наим қизи, Даврон Султон, Юсуф Расул, Толиб Тўракул, Фурқат Мели, Шавқиддин Баҳри, Низом Норқобил шеърлари.	11—143
---	--------

### ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРЛАР

Ғиёсиддин Раззоқов. Учиб юрган қуш эдинг	7—142
---	-------

### ДУРДОНА

Махтумқули. Икки оламни яратган қодири қам- бар аҳад	10—164
---	--------

### МУЛОҲАЗА, МУҲОКАМА, МУНОЗАРА

Бўрибой Аҳмедов. Шодмонбек Отабек. Биз киммиз ўзи?	1—176
Раҳима Аминова. Коллективлаштириш — қашшоқлаштириш демак	12—183
Қудрат Дўстмуҳаммад. Икки йўлу бир ман- зил	7—166
Омина Тожибоева. Баҳолашдаги ошқора- лик	1—173
Ислонбек Турсунов. Туркистон ва ташқи ду- нё	7—181
Тўлабой Рўзибоев. «Умумники» — ҳеч кимники эмасдир	12—3
Муҳаммад Содиқ ҳожи Муҳаммад Юсуф. Исло- м, инсон. Сухбат	3—86
Алиазар Эгамназаров. Бу кимнинг ташви- ши?	10—140
Жумақул Қурбон. Амалий ишлар даври	6—185

### СИЗ ТАКЛИФ ЭТГАН МАВЗУ

Озод Отамирзаев, Абдуҳаким Қаюмов. Турки- стон аҳолиси: уйдирма ва ҳақиқат	10—122
---	--------

### ЕДНОМА

Азиз Абдураззоқ. Устун	10—159
Мамажон Муҳитдинов. Меҳнаткаш ва зйрак эди	1—182
Турғун Жамолов. Унинг чўлдаги излари	11—187

Нуриддин Муҳитдинов. 1983 йилдаги учра- шув	11—174
Абдулла Қаҳдор. Пақир қўмондонлари	11—148
Юнус Мақсудий. Қодирий, Чўлпон ва бошқа- лар	11—166

### ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР

Матёқуб Абдуллаев. Шеърлар	6—170
Ҳамидулла Болтабоев. Юрт қайғуси	4—181
Музаффар Аҳмад Қирқ минги бахшидир, қўлин- да сози	2—185
Ҳамид Зиёев. Тўфон	3—104
Иброҳим Каримов. Армонда қолган Мада- минбек	7—144
Нуриддин Муҳитдинов. Усмон Юсупов	1—147
Аҳмад Матназар. Қирқ минглар. Достон	2—193
Ислонжон Турсунов. Ҳайдарали Узоқов. Тилшу- нос олим фожиаси	1—203
Абдурауф Фитрат. Туркистонда руслар	4—183
Нусратилла Наимов, Алиазар Эгамназаров. Амирнинг авлодлари	4—167
Қамчибек. Мардикор	3—113
Рустам Шамсиддинов. Эркак чорлаган эрксиз- лик	3—184
Озод Шарафиддинов. Мустафо Чўқаев	4—85
Боймирза Ҳайит. Совет иттифоқида туркликнинг баъзи масалалари	3—141
Анорбой Қўшжонов. Тавба ва тазарру	6—3
Матёқуб Қўшжонов. Ўтмиш фожиаларидан бир лавҳа	6—116
Файзулла Қиличев. Мустақилликнинг фожиали йўли	7—151

### МЕРОС

Алихон Тўра Соғуний. Ватанни дўст тутмоқ имон- дан эрмиш	7—12
Қўтлуғхон Шокиров. Эдиқут. Икки Туркистон ғурури	7—3
Аҳмад Ясавий. Ҳикматлар куллиётидан	1—3
Машраб. Мабдаи нур	12—125
Абу Ҳамид ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. Кимёи саодат турки	7—131
Чўлпон. Замона хотини. Фожиа	10—6
Абдулла Қаҳдор. Пақир қўмондонлари. (Адиб таваллудининг 85 йиллиги муносабати би- лан)	11—150
Бегали Қосимов. Фитрат	10—170
Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома	3—65, 4—152 5—174, 6—115, 7—117, 10—148, 11—149, 12—115

### ҚАДРИЯТ

Сирожиддин Аҳмад. Мунаввар қори	5—105
Миразиз Ўзб. Алифбомиз уфқлари	10—115
Ортиқбой Абдуллаев. Туркистоннинг қора қун- лари	12—138
Евгений Березиков. Хожалар аҳлининг хожа- си	10—94
Хуршид Дўстмуҳаммад. Уч ҳукумат қолипига сигмаган бой	5—98
Акмад Икром ўғли. Миркомилбой қандай шахс эди	5—88
Исроилжон Исоқов. Қирғинни ким қилган-у, жа- дига қолган ким эди?	5—117
Наим Каримов. «Алломиш»нинг қатли ом этили- ши	12—157

Малика Мирзаева. Аёл эрки ва замон юки	5—84
Оразий. Насибам ғам эзур	5—102
Ҳамид Зиёев. Юнусхўжа	12—132
Файзулла Хайруллаев. Бир ҳаёт фожиаси	12—153
Абдулла Хушнуд. Шеърлар	12—179
Шерали Турдиев. Улар Германияда ўқиган эдилар	10—104
Ризоуддин ибн Фахриддин. Аҳлу аёл	1—185, 2—159,
ҚУРЪОН	8—9 сонлар

#### ҚУТЛОВ

Ҳабиб Саъдулла. Юзма-юз турибди ўтмиш ва бугун	4—167
--	-------

#### АДАБИЙ ТАНҚИД

Мухаммад Али, Нўмон Раҳимжон. Тарих — тафаккур офтоби	11—163
Исроил Мирзаев. Адабий қахрамон; сароб ва ҳақиқат	12—185

Умарали Норматов. Фақат «ҳақиқат олдиди бўйин эгиш бўлсин»	10—181
Мусурмон Намоз. Янги туйғу тадрижи	4—185
Маҳмуд Сатторов. Ўтмишнинг рангин лавҳалари	3—151
Умурзоқ Ўлжабоев. Муҳим маънавий мезон	3—164
Яшар Қосимов. Кетганлар ёди бу	7—173

#### АКС САДО

Наим Каримов. Сабоқ	6—189
Малик Муродов. Назаркарда эрларга таъзим	10—188
Собиржон Тошканов. Ҳажв тиғи	7—188
Кибриё Қаҳҳорова. Улфатим, ҳамдами «Шарқ юлдузи» ойнотмасига	4—191

#### ГУЛҚАЙЧИ

Абдураззоқ Обрўй. Киноялар	7—190
Шухрат Умаров, Абдумўмин Саъдуллаев. Шеърлар	6—191



**МУЛОҲАЗА, МУҲОКАМА, МУНОЗАРА**

Тўлабой Рўзибоев. «Умумники» ҳеч кимники эмасдир» . . . . .	3
Раҳима Аминова. Коллективлаштириш — қашшоқлаштириш демак . . . . .	183

**НАЗМ**

Ойдин. Туркистон тизмалари . . . . .	6
Исмоил Тўхтамишев. Узимни беҳуда ўтларга ўрдим . . . . .	28
Яҳё Тоға. Беш қишлоқ қиссаси . . . . .	32
Шавкат Ҳасан. Чўктиради дилни ҳар япроқ . . . . .	111
Наби Жалолиддин. Дунё тушларига излайман таъбир . . . . .	113

**НАСР**

Баҳриддин Умрзоқ. Шамси-моҳ. Қисса . . . . .	9
Тоҳир Малик. Шайтанат. Қисса . . . . .	36

**МЕРОС**

Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома . . . . .	115
Машраб. Мабдаи нур . . . . .	125

**ҚАДРИЯТ**

Ҳамид Зиёев. Юнусхўжа . . . . .	132
Ортиқбой Абдуллаев. Туркистоннинг қора кунлари . . . . .	138
Файзулла Хайруллаев. Бир ҳаёт фожиаси . . . . .	153
Наим Каримов. «Алпомиш»нинг қатли ом этилиши . . . . .	157

**ЕДНОМА**

Юнус Мақсудий. Қодирий, Чўлпон ва бошқалар . . . . .	166
--	-----

**МУШОИРА**

Уфқ юзига заррин-заррин шуъла қуйилар . . . . .	177
---	-----

**АДАБИЙ ТАНҚИД**

Исроил Мирзаев. Адабий қаҳрамон: сароб ва ҳақиқат . . . . .	177
---	-----

«Шарқ юлдузи» ойномасининг 1992 йил сонларининг умумий мундарижаси . . . . .	189
--	-----

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

№ 12

Журнал писателей Узбекистана

Издательско-полиграфический концерн «Шарқ» при управлении делами аппарата президента республики Узбекистан.  
Ташкент — 1992

Техник муҳаррир Ю. Абдуллаев

Навбатчи. А. Эгамназаров

Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин.

Таҳририятга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифларига қайтарилмайди. Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилмасди. Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни. Обунага монелик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда: Тошкент — 700000, Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият «Союз-печать» агентлигига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 4.10.92 й. Босишга руҳсат этилди 10.11.92 й. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Оффсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма тобоғи 12. Шартли босма тобоғи 16,8. Шартли-рангли босма тобоғи 17,5. Нашриёт-ҳисоб тобоғи 18,2. Адади 88033 нусха. Буюртма 1163. Баҳоси 10 сўм.

Узбекистон республикаси президенти маҳкамасининг ишлар бошқармаси ҳузуридаги «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни. Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41.